


Жонрид
Абдуллахонов

сайланма

ТОШКЕНТ — 1982



821.512.133
A15

б.о.

Жонрид Абдуллахонов

Сайланма


икки жилдлик

биринчи жилд

Йул

Роман

Ҳикоялар



ТОШКЕНТ

Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат бивлотекаси
1982

Уз
А15

Сўзбоши муаллифи—
Умарали Норматов

Абдуллахонов Ж.

Сайланма: 2 жилд.—Т: Адабиёт ва санъат нашр., 1982.—
Жилд. 1. Йўл: Роман. Ҳикоялар. 312 б.

Жонрид Абдуллахоновнинг икки жилдлик «Сайланма»си нашр этилмоқда. Унинг биринчи жилдига «Йўл» романи ва айрим ҳикоялари киритилди. Бу асарларда муаллиф шу кеча-кунимизда яшаб, ажойиб мўъжизалар яратётган ишчи ошлар ҳақида ҳикоя юритади.

Абдуллахонов Д. Избранные произведения: В 2-х т. Т. I.

Уз2

А 7303-74 10-82 4702570200
М352(04)-82

КҮННЛИКЛАРГА ИНТИЛИБ...

Жонрид Абдуллахонов номини мен мактабда ўқиб юрган кезлардак шундан, очар, ҳикой, шеърларини мутулаа қилиб юрган бўлсам ҳам унинг ўзи билан университетда яқиндан танишдим. Танишушимиз ҳам қизиқ бўлди Уша кезлари Ўрта Осиё (ҳозирги Тошкент) Давлат университетининг филология факультетида ёш қаламкашларнинг «Студент» деган қўлёзма журнали бўларди, жўрайдан ҳам боти таниқли ёзувчилар иштирокида муҳокама тиллар бил Шундай муҳокамаларнинг бирида Жонрид аканинг асарлари ҳақида таълирини меннинг чекимга тушди. Қўпчиликка таълири қўлган ёш ёзувчи ижоди, бунинг устига тўртинчи курс студенти ҳақида блях юритини биринчи курс студенти бўлмиш мени янча ҳайратга солиб қўйган эди. Муҳокама баҳонасида мен Жонрид аканинг асарини бирчи асарларини қайта ўқиб чиқдим, курсдошларидан у ҳақда баъзи маълумотларни сўраб-суриштириб билдим. Маълум бўлишича, Жонрид ака қўлига жуда эрта қалам олини эди, бир курсдоши «У ёшн-чизинини шеър машқидан бошлагани билан ҳазил мутуиби билан. Жонрид Абдуллахонов ўн йилда — уннини синфда эканидаёқ шеърни матбуотда чиққанини, йинини синфтаида Сталинград жанги воқеаларидан тўлқинланган, ўша жанг қатнашчиларига шеърини мактуб йўлаганини ҳам ўшн билганан шундан Энг муҳим, қотмадан келган, бўйча, бир вақтда, ўзлари кишига қандайдир майин-мулойим, ғамгин йиқинчи бу ёш қаламкашнинг ҳаёт йули мени жуда қизиқтирди. Таълирини, унинг аввал медицина ҳамшираси бўлиб хизмат қилган экани, ўнг отаси жангда ҳалок бўлган экан: уруш мусибатларидан илбмонаси тўлган, дили вайрон бўлган йигитча она ижоди Наманиндан бош олиб чиқиб кетади, яёв юриб Тошкентга келиди, қалбида жуда эрта тугилган адабиётга, ижодга бўлган қавасини рўйга чиқарини учун ижодкорлар даврасига талпини, республика Радиоиниттириш комитетидан бошпана топади, «Радио

ўгли» деган ном олади... Университетга ҳам у шу Радиокomiteт тавсияси билан кирган экан...

Мени бир нарса ўйлантириб қўйди: Жонрид аканинг ёзганлари унинг бошдан кечирганлари, шахсий ҳаётини тажрибасига қараганда жўнроқ, силлиқроқ, китобийроқ туюлди менга. Муҳокамада кўнглимдаги шу гапни дангал айтдим, сўзимда мақтовдан кўра танқид бир оз ошиб кетди чамамда. Мулоҳазаларимни муҳокамани бошқарган ёзувчи Ҳаким Назир ҳам қувватлади. Мен Жонрид акани ранжитиб қўймадиммикан, деган хавотирда эдим; йўқ, баъзи масалаларда эътироз билдирса-да, асосан танқидни тан олди. Шу шу бизнинг дўстлигимиз бошланиб кетди. Шундан кейин ёзган деярли барча асарларини қўлёзма ҳолидаёқ ўқиб бораман, қўлёзмалари муҳокамасида қатнашиб келаман, ўша қизгин муҳокамадан кейин яратган асарларида автор китобийликдан қочиб бевосита ҳаёт қучоғига тобора чуқур кириб бораётганини, галдаги ҳар бир асарида муҳим ҳаётини муаммоларни кўтариб чиқаётганлигини кўриб қувонаман.

Жонрид Абдуллахоновнинг ижодий тақдирида Москва таълимнинг аҳамияти катта бўлди. 1958 йили у М. Горький номидаги Адабиёт институтининг Олий адабиёт курсига кириб таҳсил кўра бошлади. К. Паустовский, С. Злобин каби машҳур совет адабларидан ижодий сабоқ олди, жуда кўп устоз ёзувчилар билан танишди, курсдошлари билан қизгин мулоқотда бўлди. Москва таълими, мулоқотлари ўзининг ижобий самарасини бера бошлади, буни «Гулчеҳра», «Тонг ёришган соҳилда», «Бир қизнинг ҳикояси» асарларида пайқаш мумкин.

Бу асарларда, хусусан «Гулчеҳра» қиссасида ёзувчининг ижодий истиқболига хос бир хусусият кўрипти: асар қаҳрамонлари—Гулчеҳра ва Элдор мураккаб тақдир эгалари, улар ҳаётнинг чигал жумбоқларига дуч келадилар, лекин чигалликлар гирдобини ичра ўзини йўқотиб қўймайдилар; улар маълум маънода романтик табиатли одамлар, улар ўзлари учун ҳаётда мустақил йўл қидирадилар; шу йўлдан олисларга, кенгликларга интиладилар, эл-юртга керакли одам бўлиш иштиёқи билан ёнадилар. Гулчеҳра севгилиси Элдорга дейди: «Назаримда, олдимда қандайдир бир узоқ йўл борга ўхшайди. Мақсадим худди ана шу йўлдан кетавериш, кетавериш, токи охирига етгунча кетиш. Чарчасам, қийналсам ҳам майли...»

«Гулчеҳра» қиссаси персонажларини биз худди шу йўлнинг бошида кўрамыз. Кейинги асарлари — «Йўл», «Тўфон», «Борса келмас» қаҳрамонлари — Қудрат ва Гулчиroy, Дониёров ва Моҳидил, Темиржон ва Қундузларда «Гулчеҳра» персонажларини эслатадиган қандайдир белгилар бор; бироқ улар Гулчеҳра ва Элдорга кўра ўзлари танилаган йўлдан олис уфқлар, кенгликлар сари хила илгари кетадилар.

Йўл мотиви Жонрид Абдуллахонов хаёлини шу қадар банд

этдики, у бирин-кетин ёзилган икки романи — «Тўл» ва «Тўфон»ни йўл қурувчилари ҳаётига бағишлади. Ҳар иккала романда ҳам ёзувчи меҳнат романтикасини очишга, меҳнат кишилар тақдири ва характерини таҳлил этишга интилади. Хусусан кейинги романда ёзувчи қатор муваффақиятларга эришди. Илк романда юз берган тавсифийлик, баёнчилик аломатлари бу ерда бирмунча барҳам топди, персонаж тақдирининг ижтимоий маъноси салмоқдорроқ бўлиб қолди. Бу роман бевосита ҳаётни кузатиб, материални чуқур ўрганиш асосида яратилган. Автор романи ёзишга киришар экан, бир қанча вақт ўз қаҳрамонлари — Аму-Бухоро канали қурувчилари орасида яшади, уларнинг ташвиш ва қувончларига шерик бўлди, чўл қиёфасини ўзгартиришга қодир кишиларнинг фаолиятини ўз кўзи билан кўрди, уларнинг ички дунёси билан яқиндан танишди. Бу ҳол асар қаҳрамонларининг ҳаётий ва табиий чиқишида авторга қўл келди.

Кейинги ўн йил давомида Жонрид Абдуллахонов «Борса келмас» деб аталган йирик эпик полотно устида иш олиб борди. Романининг биринчи китоби — «Виждон ва бурч» рус тилида (1979), иккинчи ва учинчи китоби — «Борса келмас» ва «Қундузхон» эса алоҳида китоб ҳолида (1978) ўзбек тилида босилди. Бу ерда ҳам автор аввалги асарларига хос мотивларни давом эттиради — унинг чигал тақдир эгалари бўлмиш қаҳрамонлари ўзлари танлаган йўлдан дадил олга борадилар: осойишта ҳаётни, илқ ўрнини тарк этиб катта орзу-мақсад йўлида олисларга, кечликларга интиладилар; асарнинг етакчи қаҳрамонлари — Темиржон билан Қундузни биз олис Орол кўли бўйларида кўрамиз: ёзувчи қаҳрамонлари тақдири, саргузашти баҳонасида инсон ва табиат муаммосини кўтаради.

Роман билан танишгач, шу нарса аён бўладики, автор Орол ҳаёти, унинг проблемалари, у ердаги кишилар турмуши, қардош қорақалпоқ халқининг урф-одатларини анча яхши урганган; романда табиат манзаралари, наботот ва ҳайвонот дунёси лавҳалари жопли, жозибадор чизилган, етакчи қаҳрамонлар — Темиржон билан Қундуз тақдири, улар йўлига тўғаноқ бўлган Матназарнинг қилмишлари анча қизиқарли ҳикоя қилинган; ёзувчи персонажлари тақдирини она табиат билан яхлит ҳолда тавсиф этади, уларнинг маънавий бисотини табиатга муносабатда очишга интилади. Табиатга меҳр — айни пайтда одамларга меҳрнинг бир кўриниши, табиат душмани — айни пайтда одам боласининг ҳам душмани. Ёзувчи қаҳрамонлари тақдири орқали шундай ғояни илгари суради. Темиржон ота ишини давом эттириб, Орол кўли бўйларини кўкаламзор — ўрмон қилиш, Қундуз эса унинг изидан бориб, Орол кўли бўйидаги ҳайвонот оламини сақлаб қолиш йўлида кўп заҳмат чекади. Табиатга муносабатдаги меҳр шу икки ёшни ҳар жиҳатдан бир-бирига яқинлаштиради. Матназар — броконьер, табиат ва ҳай-

вопот оламининг ашаддий душмани, айни пайтда у одамларга нисбатан ҳам шафқатсиз, ёвуз: у икки аёлнинг ёшлик бахтини хазон қилади; Темиржонга кўп зуғум ўтказади, Қундузнинг қотилига айланади. Асарда Темиржон — Қундуз — Юлдуз орасидаги севги мулоқотлари саргузашти ҳам дуруст ҳикоя қилинган...

Бу романи ҳар жиҳатдан мукаммал, кам-кўстлардан ҳоли дея олмаймиз. Асарда илгари сурилган — Орол кўлини сақлаб қолиш ҳусусидаги масала талқинида бинобарин ишлаб чиқаришга оид муаммолар, илмий баҳслар тасвирида жўнлик, юзакилик борлиги, асар композицион жиҳатдан бир оз париншон чиққани, кераксиз эпизодлар, тафсилотлар ҳисобига семириб кетгани, баъзи персонажлар характери ҳали сайқалга муҳтожлиги ҳақида гапириш мумкин.

Ярим асрлик ҳаёт йўли довонидан ошаётган, ижод йўлида изланаётган, тинмай олга интилаётган адибимиз танқиддан чўчи-майди, айни пайтда ютуқлардан эсанкирамайдиган қалам соҳиби Унинг қатор асарлари турли баҳсларга асос бўлиш билан баробар, олқиш ва совринларга ҳам сазовор бўлган. «Тўфон» романи 1974 йили ишчилар синфи ҳақидаги энг яхши асарлар учун эълон қилинган Бутуниттифоқ конкурси мукофоти билан тақдирланган, ишчилар синфи ҳаётига бағишланган ҳикоялари эса республика конкурснинг биринчи даражали мукофотини олган, «Олов қалблар» — пьесаси ҳам яхши саҳна асарлари учун эълон қилинган республика конкурсида ютиб чиққан. Бу асар ҳозир Тошкент ва Самарқанд область Каттақўрғон шаҳар театрлари саҳналарида муваффақият билан ўйналмоқда. Жонрид Абдуллахоновнинг эътиборга лойиқ ҳамма асарлари рус тилида нашр этилган, улар ҳақида марказий матбуотда илиқ гаплар айтилган. Буларнинг барчаси ёзувчининг ўзи танлаган ижод йўлидан кенг уфқлар сари дадил боришида унга куч-қувват, мадад беради.

*Умарали Норматов,
филология фанлари доктори,
профессор*

ЙЎЛ

Роман

I боб

АДАШГАНГА ЙЎЛ ЙИРОҚ

Қудрат тор ва хилват кўчалардан юриб борарди. Чанги ўйнаб ётган тупроқ ичида унинг шахдам қадам товушлари ҳам эшитилмасди, илиқ шабада эса сийрак чанг туманини атрофга тўзғитиб, кишининг таъбини ҳирра қиларди. Қуёш уфқ ортига яширинган, қип-қизил шафақ шуъласигина теваракни ёритар, туннинг яқинлашиб келаётгани йўловчини яна ҳам жадал одимлашга ундарди. Ниҳоят, у бепоён дашт этагидан чиқиб қолди-ю, чуқур хўрсиниб қўйди. Қаёққа қараманг, бийдай чўл, йироқ-йироқларни кўз илғамайди. Қадимий қўрғонтепалар устига учиб келиб, лапанглаб юрган олақарғалардан булак жон асари кўринмайди.

Қудрат Ёртепага қайси йўл билан боришликни суриштирганда, унга: «Пиёда юрган одам учун энг яқин йўл — мана шу чўлни кесиб ўтган сўқмоқ» деб кўрсатдилар. Йўловчи, бир ердан чиқиб қоларман, деб тавakkал қилиб кетаверди.

У қўлига тушиб қолган аллақандай новда билан йўл-йўлакай учраган нарсаларни савалаб борарди, новда ҳавода бўғиқ ҳуштак чиқариб паст-баланд ўтўланлар шохини синдирар ва калтакесакларни ин-инига қувар эди.

Қудрат анчагина йўл босди. Аммо ҳали-бери Ёртепа қишлоғининг қораси кўринай демасди.

...Қоронғилик қуюқлашган сари чўлдаги сокинликни аллақандай сирли шарпалар буза бошлади. Қаққайиб турган саксовуллар орқасида нималардир пойлаб тургандай. Яқин ўртада алланиманинг шитирлагани, пичирлагани қулоққа чалинади. Шундоққина оёқ остидан олачипор илон ўрмалаб ўтгандай бўлди, калтакесак-

лар чирқиллай бошлади. Буларнинг ҳаммаси Қудратнинг қалбида андак қўрқув ҳисси уйғотар, этларини жимирлатиб юборарди.

Чўлда ҳақиқий ҳаёт оқшомдан сўнг уйғонади деб тўғри айтилган экан. Кундузги жазирамада инининга яширинган жониворлар салқин тушини билан тумшуқларини кўрсата бошлайдилар. Ойнинг хира нурида у ер-бу ер беҳосдан қимирлаб қолганини, шундоққина ёнингиздан бир нарса пир этиб кўтарилганини сезасиз. Тугмачадай кўзлари йилтираган кирпитикан атрофни ҳидлаб кўради-да пилдираб кетади, пишқиради, одам шарпасини эшитган замон юм-юмалоқ бўлиб олади. Ундан сал наридаги дўнглик устида каттакон эчкелар ҳайкалдай қотганича бемаҳалда чўл кезган йўловчини зимдан кузатмоқда. Кўшоёқлар эса сичқон сингари чийиллашиб қолишди. Уларнинг овозини яна аллақандай бўғиқ товушлар босиб кетди. Қудратнинг юрагига ғулғула тушди. Наҳотки, бугунги тунни чўлда ваҳималар ичида ўтказса?

У қандай қилиб йўлдан адашганини сезмай қолган эди. Атрофга аланглаб, ҳалигина оёқ остида илон изидай биланглаб бораётган сўқмоқнинг қаёққа йўқолганини тополмай боши қотди. Сўкинди. Қуюқ зулмат қўйнида онда-сонда якка кўздай чироқлар милтиллаб кўринади. Бироқ яқинлашганингиз сари улар хаёл сингари тун қоронғисида аста эриб кетгандай бўладилар.

Салқин шабада эса бошлагач, кишининг қизиб кетган бадани яйрайди. Аллақаёқдан итларнинг вовуллашлари ҳам барала эшитила бошлайди. Аммо манзил йироқ ҳали. Кул ранг булутлар орасидан битта-яримта муралаган юлдузлар ҳам йўлни топиб олишга кўмак беролмас, баъзилари эса пастроққа тушиб ҳавода муаллақ туриб қолгандай. Қудрат тусмол билан ўнқир-чўнқир ерлардан ҳатлаб-ҳатлаб бораркан, бирданига қаршисида нимадир шитир этди-ю, қаддини роз кўтариб яқинлашиб келаётгандай бўлди. Қудратнинг оёқлари дармонсизланиб, аъзойи баданида қалтироқ турди. Кўз олди қоронғилашди. Аммо шу заҳотиёқ ўзини қўлга олиб, орқага икки-уч қадам ташлаган эди ҳамки, аллақандай чуқурликка тойиб кетиб, йиқилиб тушди. Шу заҳотиёқ бир нарса унинг билакларига ёпишди-ю, жаз этиб чақиб олгандай бўлди. Бир неча дақиқа ҳеч нимага тушунолмаб ётди. Кейин анча ергача эмаклаб бориб, қаддини кўтарган эди, қаршисида

багбақасини ўйнатиб тикка қараб турган эчкинамарга кўзи тушди. Икковлари, гўё ким кимга йўл бериши кераклигини билмай қолгандек, анчагача бир-бирларига тикилиб қолдилар. Ниҳоят, Қудрат уни четлаб ўтиб, нафаси тикилганича, анча ергача деярли чопқиллаб борди. Ора-чўра орқасига қараб-қараб қўярди.

Чўлнинг поёни йўқдай... Етти чақирим деганлари йнгирма чақиримдан ҳам ошиққа ўхшаб кўринди ҳозир. Бейхитёр билакларини ушлаган эди, бармоқлари паниқ қонга бўялди. Илон чақдими деб ўйлаганди, хайрият, нимадир тилиб кетган экан.

Қудрат катак кўйлагининг этагини шартта йиртиб олди-да, зирқираб оғрий бошлаган ярасини танғиб боғлади. Энди ана шу итлар ҳураётган ерга етиб олса бас, кейин иложини топиб, дурустроқ боғлаб олар.

Олдинда одам шарпаси эшитилди. Аммо у узоқда-ми, яқиндами, билиб бўлмасди. Оёқлар яна майин тупроққа ботди. Афтидан, от, аравалар юравериб чанги ўйнаб кетган кўҳна йўлга тушиб қолганга ўхшайди.

Анчагина тупроққа бота-бота йўл юрди. Ниҳоят, шохлари тарвақайлаб кетган ёввойи дарахтлар қораси кўринди кўзга. Дарахтлар орасида поезд вагонлари саф тортиб турар, ойналаридан эса новвот ранг нур елипгич сингари таралиб турарди. Қудратнинг юраги ичига тортиб кетди, наҳотки шунча йўл босиб яна станцияга қайтиб келган бўлса? У чангга беланган ўт-ўланларга тегиб доғ-дуг бўлиб кетган қора шимини қоқаркан, этаги йиртилиб, кўйлаги остидан очилиб қолган қорнига қаради-да, ҳозир уни шу алфозда учратадиган кишиларнинг башараларини тасаввур қилди. Оғриқ азобидан буришиб турган юзларида табассум излари кўринди. Иложи қанча, бир нафас кулги бўладиган бўлди-да энди.

Қатор тизилганлар вагон уйлар экан. Оқ пардали туйнукдай деразалардан одам сояси кўзга ташланар, уларнинг гангур-гунгур овозлари бемалол қулоққа чалинарди. Улардан сал беридаги дарахт панасида турган икки кишининг қораси кўринди. Қудрат яқинлашаркан, ёш йигитнинг кулгани, қиз боланинг аччиғи чиқиб қойиётгани эшитилди.

— Қўйворинг мени, қўйинг, деяпман сизга!..

Қудрат яқинроқ борди. Энди уларнинг қиёфаси равшанроқ кўрина бошлади.

— Мен сизнинг қаллиғингиз эмасман, тушундингизми? Қўйворинг қўлимни!— такрорларди қиз.

Йигит кулганича қизнинг қўлидан маҳкам тутиб туради.

— Ҳеч қаёққа кетмайсиз,— дерди у,— шу ерда қолинг... Бу кеча қолинг...

— Уятсиз!..

— Ахир, мен сизни севаман... Жуда севаман, Гулчирой. Бунн ўзингиз яхши биласиз-ку?..

— Севгига тил тегизманг, номард! Бунақа дейишга ҳаддингиз йўқ сизнинг. Қўйиб юборинг мени!..

Қиз куч билан қўлини тортиб олган эди, тундай қора сочлари тўзиб елкасига тушиб кетди. Ана шу сочлар орасидан унинг ингичка ва узун бўйни, чўғдай порлаган кўзлари кўриниб кетди.

— Сиз билан чиқмай ўлай кўчага,— қалтироқ овозда ўкинди қиз, сўнг рўпарада турган Қудратга кўзи тушди-ю, чўчиб ортга четланди. Қудрат индамай ўтиб кетаверишини ҳам, бир нарса деб сўрашини ҳам билмай туриб қолган эди. Қизнинг йигити олдинга отилиб чиқди-да, еб қўйгудек бўлиб ўқрайди унга.

— Кимсиз?

Қудрат саргузаштини қисқагина сўзлаб бериб, Ёртепани сўради. Йигит унинг бесўнақай боғланган қўлидан тортиб, бутун афғи башарасигача кўз югуртириб чиқди-да, кейин бир оз юмшади:

— Мана шу йўлдан тўғри кетаверинг,— деди,— икки километрча юрасиз.

Қудрат миннатдорлик билдириб уч-тўрт қадам босганди ҳамки, орқадан ҳалиги қизнинг овози эшитилди:

— Шошманг, мен ҳам ўша ёққа бораман.

— Йўқ, кетаверинг, бу қиз қолади,— деди йигит.

— Бекорларни айтибсиз!— қиз югуриб Қудратнинг олдинга тушиб олди.

— Гулчирой! Гулчирой деяпман!..

Йигит анча жойгача ялиниб борди-да, кейин нонлож орқада қолиб кетди.

Қудрат шунча тез юрса ҳамки, қизга етиб ололмас, тўғриси, бу феъли бузилган аёлдан дакки ейишдан қўрқарди. Балки у бегона киши билан гаплашишни истамас. Шундай экан, индамай кетавергани маъқул. Ёки икки оғиз сўз қотиб ранжиган кўнглига таскин бериши, овитиши керакмикин? Бироқ нима ҳам дерди. Шундай пайтда тилингга бирор дурустроқ гап келмай қолгани ёмон. Бунинг устига ҳозир яраси зирқираб оғрир, юзлари буришиб, лабларини тишлар, гапиришга ҳам тоби йўқ эди.

— Мендан ҳайиқяпсиш шекилли?— деб юборди у.— Худо билади, бу қанақа безори экан, деб ўйлаётгандир-сиз-а?

— Ҳеч-да...

Яна орага жимлик чўкди.

— Боласи тушмагур хафа қилди дейман сизни?— деди Қудрат жимликни бузиб.

— Ҳеч-да... Умуман... сизга буни нима алоқаси бор?!— силтаб ташлади қиз.

Шундан кейин Қудратнинг нафаси ичига тушиб кетди. Бироқ кўп ўтмай қизнинг ўзи қайрилиб қаради-ю, яқинроқ келиб, Қудратнинг азоб чекаётганини кўрди.

— Қўлингизга нима қилди?— деб сўради у.

— Шунчаки, шилиниб кетган, холос.

— Шилиниб кетганмиш. Қон оқяпти-ку, кўрмаяпсизми?— қиз елкасига тушган дуррачасини шартта олиб унга яқинлашди,— узатинг қўлингизни!

— Қўйинг, овора бўлманг. Рўмолингизни қонга бе-лайсиз.

Қиз унга парво қилмай ярасини маҳкам боғлаб қўйди.

— Раҳмат,— деди Қудрат мамнун бўлиб.— Исмни-нгиз Гулчироймиди? Яхши от экан. Раҳмат, Гулчи-рой...

Қиз жавоб бермади. Фақат киприкларини аста кўтариб Қудратга тикилиб қўйди. Бу тикилиш қанчалик жиддий бўлмасин, Қудратнинг назарида унинг қоп-қо-ра кўзлари жуда мулойим, худди икки наргис каби гўзал ва дилрабо туюлди. Нафис қошларининг нозик чимирилиши, бежирим лабларидаги жилва ҳам кишини мафтун этадиган даражада ёқимли эди.

Кутилмаганда кўкдаги ой юз пардасини кўтарди-ю, бир зумда теварак-атроф унинг кумуш-нуқра нурига ғарқ бўлди. Унда-мунда кўзга ташланган пастак дарахтлар эса заррин либосга ўралдилар. Уларнинг соялари узунлашиб худди чўпчаклардагидек афсонавий шаклга кирдилар. Ҳаводан келган тахир тутун ҳиди қишлоқнинг яқинлашиб қолганидан далолат берарди. Қаердадир тун қуши «қув-қув» деб сайрашдан толмас, итлар ху-рар, бироқ одам шарпаси эшитилмасди. Дарахтлар орасидан чироқлар милтилларди. Аммо қишлоққа кириб келганда булардан нишон қолмаган, ҳамма уйқуга ке-тиб, чироқлар ўчирилган эди. Қудрат тинкаси қуригани-дан оёқларини зўрға судраб босар, ҳар тарафга бўли-ниб, тарвақайлаб кетган, чанг-тўзонли тор кўчалар,

пастак томларга ётсинаб қарар, оёқ остидаги шағал аралаш тупроқ ёғирилаб унинг ташига тегарди.

— Мана, сиз етиб келдингиз,— деди ниҳоят Гулчирой,— анави эшикни қоқсангиз, Пардавой ака чиқади.

Қудрат нима қиларини билмай иккиланиб қолди. Шундай пайтда қизнинг ўзи ёлғиз қаёққа бораркин?

— Мендан хотиржам бўлинг,— деди Гулчирой, гўё унинг фикрини уқиб олгандай,— мен қўрқмай кетавераман.

Қудрат жадал юриб бораётган қиз муъолишдан қайрилгунча қараб турди-да, сўнг уй эшигини тақиллата бошлади. Ичкаридан йўғон товушли итнинг вовиллагани эшитилди. Қудратнинг хаёли ҳамон қизда эди. Борадиган ери олисмикин? Кимсасиз қишлоқда юришга чўчимаганига қаранг, юрагига балли-ей.. Ичкаридаги ит мунча акиллайвермаса. Қулоқни тешиб юборай дейди-я!

Қудрат эшик очилишини кутмай қиз кетган томонга югурди. Муъолишга етиб, ўнгга қайрилиши билан Гулчирой унинг кичкина эшик олдидаги катта харсангга суянганича букчайиб ўтирганини кўрди. У қўллари билан юзини яширганича энтикиб-энтикиб йиғлар, ўпасини босолмасди ҳеч.

— Гулчирой,— деди Қудрат.— Гулчирой...

Гулчирой сапчиб ўрнидан турди-ю, жиққа ёшга тўлган ҳасратли кўзлари билан йигитга боқди.

— Кечиринг, Гулчирой,— деди Қудрат ёлворган оҳангда.— Сизни кимсасиз кўчага шундай ташлаб кетолмайман.

— Мендан хотиржам бўлинг, дедим-ку, сизга!

— Ҳар ҳолда... кузатиб қўйсам девдим.

— Зарили тушгани йўқ, ўзим кетавераман.

Изтиробда қақшаган қизга таскин беролмаган Қудрат яна саросимага тушди.

— Рўмолингизни қачон қайтариб беришни сўраш эсимга келмабди.

— Қўяверинг. Қайтариб беришга арзийдиган бисот эмас.

Қудрат узоқлашиб кетаётган қизнинг орқасидан қараб қолаверди. Феъл-атвордан ҳам берган экан тоза, деб ўйлади ичида. Кейин жаҳли чиқди. Бор-э, деб кайтавериши ҳам мумкин эди-ю, лекин яна кўнгли қўймади, олға югурди. Қиз буни сезса ҳам энди эътироз билдирмади.

Тор кўча уларни ўт босган ялангликка олиб чиқди.

Кейин сийрак дарахтзор, яна тор куча. Ниҳоят, ҳовлиси четан девор билан ўралган, усти болохоналик катта уй дарвозаси ёнида тўхтадилар.

— Раҳмат,— деди қиз мулойим товуш билан,— ҳалиги қўполлигим учун кечиринг.

— Сиз ҳам... Гулчирой!— Улар жим қолишди. Балки яна кўришармиз деб ўйлади Қудрат, аммо буни айтишга ботинолмади.

Қиз дарвоза ҳалқасини олиб қаттиқ-қаттиқ қоқди. Худди шунн кутиб тургандай ичкаридан шилқ этиб занжир тушгани эшитилди.

— Қаёқда қолдингиз, опа?— қарши олди парча-парча қизил гул кўйлак кийган, ўн беш ёшлар чамасидаги қиз бола остоида кўриниб.

Дарвоза ёпилиб, қадам товушлари узоқлашгунча Қудрат қулоқ солиб турди-да, кейин хомуш бўлиб, орқасига қайтди.

II боб

ЁРТЕПАЖОН, ЁРТЕПА!

Эрталаб унинг қўли шишиб кетибди. Оғриқ аъзойибаданига ёйилган. Деворлари чала-чулпа оқланган кичкина хонанинг тўрт бурчак ширингина деразасидан қуёшнинг олов ранг шуъласи тушиб, Қудрат ётган каравотни ёритди. Дераза остидаги яна бир ёғоч каравотнинг бош томонига кўрпа йиғилиб қўйилган, устига пўстин ёпилган. Ўртадаги пастак хонтахтага нонушта тузалган — меҳмонига мунтазир.

Хонадаги буюмлар ниҳоятда содда, аммо ҳаммаси дид билан ўрни-ўрнига терилгандай. Сандиқдан янгигина олинган кийим-бош ҳиди сур гўшт, қўй терисининг ҳидига аралашиб димоқий ёргудай. Очиқ эшикдан ҳовлининг нариги бурчагида савлат тўкиб турган данғиллама уй, каттакоп тандир, ўчоқ ёнида эса, оғзидан пуштин ранг аланга уфуриб қайнаётган кичкина оқ самовар, сочлари оқарган, анча-мунча ёшга кирганига қарамай, ўзини тетик тутиб юрувчи бир кампир кўринади.

Ит вовиллаб қолди. Қимдир келган бўлса керак.

— Ҳалиям тургани йўқми?— қўнғироқдек овоз билан деди бир жувон.

— Ҳеч кўзини очолмайди, бояқиш... Йўл юриб, тоза ҳориган шекилли. Уйғониб қолса олдингизга чиқсинми, болам?

— Чиқсин, албатта чиқсин,— дея тайинлади жувон ва қандай шошиб кирган бўлса, яна шундай ғойиб бўлди.

Эшик устидаги кавакка қовоқари уя қўйганга ўхшайди, ғунғиллаганича бири чиқиб, бири кириб туралди. Хонтахта атрофида айланиб, учиб юрган икки қора пашша бир-бирини қувлашганича ташқарига отилди. Уларнинг овози ҳам қулоққа тушдаги сингари аранг чалинди. Қудрат кўзини юмади. Кечаги содир бўлган ҳодисалар кўз ўнгида жонланади.

...Кеча у поездда келганига қарамай, ниҳоятда чарчаган, қўл-оёғи карахт, кўзларини уйқу тортиб кетаётгандай эди. Бахгига бошқарма станциянинг ўзгинасида экан. Қабулхонада ҳеч ким йўқ, шунинг учун тўппатўғри бошлиқ олдига кириб борди. Кабинет тўла одам. Муҳим масала устида қизғин тортишув бораётган бир пайтда унинг кириб келиши гапнинг белига тепди шекилли, ҳамма безовталаниб, норози назар билан тикилиб қолди.

— Майли, кейинроқ кирарман,— деди у ва кабинетдан чиқиб кетишга чоғланди. Узун стол тўрида, креслода ясланиб ўтирган, қаншаридаги зулукдай жароҳат изи чехрасига соя ташлаб турган, бугдой ранг йигит қаддини аста кўтарди-ю, унга далда берди:

— Ҳечқиси йўқ,— деди,— ишнингиз бўлса баҳузур айтаверинг, гапимиз ҳали-вери тугамайди.

Қудрат чаққонлик билан камзулининг ички чўнтагига қўл солди-да, газетага ўраб қўйилган ҳужжатларни олиб узатди.

Бошлиқ аввал йўлланмадаги сатрларга кўз югуртириб чиқди, кейин характеристикани олиб ўқий бошларкан, юзида табассум пайдо бўлиб, ўтирганларга қараб қўйди:

— Танишинг, ўртоқлар, бизга янги прораб келди,— сўнг яна қоғозга тикилиб қўшиб қўйди:— Ёдгоров... Қудрат Ёдгоров!..

Хонадаги ноқулай сукунатни бирданига ғовур-ғувур бузиб юборди.

— Жуда яхши. Хўп вақтида келдингиз-да, ўртоқ,— деди бошлиқ ҳужжатларни қайтариб бераркан.— Бизга жуда зарур эдингиз. Сизни учинчи участкага юборамиз, шу бугуноқ юборамиз. Қарши эмасмисиз?

— Учинчи... узоқми?

— Ёртепа деган қишлоқ-да, етти чақиримча келади

бу ердан, кўп узоқ эмас. Машина бор, бош инженеримиз билан бирга кетасиз.

Соч-соқоллари қирилган, озода кийимли, юзларини чўл шамоли ялаб қорайтирган, ўрта бўй йигит бош ир-ғаб қўйди.

— Менинг фамилиям Ботиров... Пардавой Боти-ров!— деди у танишмоқ учун қўл узатаркан.

— Меники Элдор Салимов,— деди бошлиқ фамилия-сини айтиш энди ёдига тушгандай,— кичкина йиғилиш ўтказаетгандик, истасангиз қатнашишингиз мумкин... Ё бўлмаса, чиқиб, бир оз дам олволинг. Кейин баҳузур утириб гаплашиб оламиз, хўпми?

— Майли, кейинроқ кирарман,— деди яна Қудрат.

У салгина бош эгиш билан вақтинчалик хайрлашган бўлди-ю, қайтиб чиқиб, қабулхонада қолдирган чамадо-нини қўлига олди.

— Тураверсин, қаерга олиб борасиз?— деди машин-ка олдида пайдо бўлиб қолган ёшгина қиз очиқ чехра билан.

Қудрат ялт этиб унга қаради. «Анча келишгангина қиз экан», деб қўйди ичида, аммо бирор сўз қотмади, эшигига: «Бош инженер кабинети» деб ёзилган хона томон юрди.

— Пардавой акамнинг кабинетларигами? Ҳа, майли, ўша ерга қўя қолинг,— деди яна ҳалиги қиз. Кейин ма-шинкасини чиқиллатишга тушиб кетди.

Кабинет ичи худди музейга ўхшайди. Сўнгги техни-ка барпо қилган турли қурилиш машиналарининг су-ратлари, катта дастурхондай харита нусха лойиҳалар, графиклар, жадваллар...

Қудрат тартиб билан териб қўйилган стулларнинг бирига ўтирди-да, уй ичини бир бошдан кузата бошла-ди. Стол устида схемалар, папкалар тартибсиз ҳолда ётарди. Рўпарадаги икки қаноти ланг очиқ деразадан отилиб кираётган мотор товуши, юз-қўллари қорамойга беланиб ҳар хил машиналарни ремонт қилаётган ишчи-ларнинг бақир-чақирлари бу кабинетга мос туш-маётгандай.

Секретарь қиз машинкадан чиққан бир варақ қо-ғозни кўтариб кириб, бош инженер столига қўяркан:

— Бу кабинет сизга ёқдимиз?— деб сўради,— ким бе-затган деб ўйлайсиз? Пардавой акамми? Йўқ. Парда-вой акамнинг бунақа ишларга қўллари тегармиди, мен безатганман. Бу деворларга расм, портретлар кетмайди. Эшикдан кирган кишининг диққатини бўлиб қўяди. Ой-

нагаям атайи парда тутмадим, парда тутилса, мана бу схема, жадваллар бунчалик равшан кўринмай қолади. Марказдан келган меҳмонларни аввал шу ерга таклиф қилиб, ишларимиз билан таништирамиз!.. Базамизда кунига тўртта-бешта қурилиш машинаси ремонтдан чиқиб кетиб туради.—Ташқарига қараб давом этди у,—бузилгани яна қайтиб келаверади... Менинг ҳозир қўлим бўш, хоҳишингиз бўлса, сизни ҳам корхонамиз билан таништириб чиқардим.

Бошқарма Қудратга таниш бўлган бўлак бошқармалардан ҳеч фарқ қилмас эди. Узундан-узоқ коридор, қатор-қатор хоналар... Хоналарнинг эшиклари лаг очик. Кимнингдир телефонда севган қизини учрашувга кўндириш учун ялиниб-ёлвораётгани барала эшитилар, ҳар хил сёт машиналарининг шир-шири, узаро суҳбатлар бир-бирига жўр бўларди.

— Ишлаб чиқариш бўлими кўринмайди-ку?— савол берди Қудрат қизга.

— Йўғ-э, ёнидан босиб ўтдингиз-ку, техника бўлими ёнидаги-чи? Юринг-а. Вой, табличкаларини олиб кўйишибди-я, қурмагурлар. Мана... Бу ишлаб чиқариш бўлими эмас, бир дунё ғалва... Қачон қараманг, вижир-вижир гап. Даҳанаки жанг қизигандан-қизийди.

Ҳақиқатан ҳам столлар атрофида ўтирган ёш-ёш ходимлар чертёжларини олдиларига ёйиб қўйиб, масала талашишар, худди Маяковскийнинг шеърларини декламация қилаётган артистлардай дам қулочларини ёйиб, дам қўлларини силкитиб гап уқтирардилар. Ҳеч ким ҳеч кимга сўз берай демайди.

— Жағингизга дам беринг бирпас!

Секретарь қизнинг овози шовқинни босиб, ҳаммани жим қилди. Ходимларнинг ҳар бири ким қандай қиёфада бўлса, шундайлигича қотиб қолди-ю, эшик олдида шу секретарь қиз билан ёнма-ён турган нотаниш кишига тикилди.

— Олдингизга меҳмон келса, яхшилаб кутиб олиш-ням билмайсиз-а, тавба. Нега анграйиб турибсизлар?

— Тўқ, йўқ, мен шунчаки айланиб юрибман.—Эътироз билдирди Қудрат уни ичкарига таклиф қилган хизматчига.

Бошқа хонадан қизларнинг пичир-пичири-ю, енгил куяги эшитилди.

— Бизда шунақа,—энсаси қотиб тушунтирди секретарь,—қизларимиз бирорта келишганроқ йиғитни кўришса бас, дарров шивир-шивир, қиқир-қиқир... Мана

бу — кадрлар бўлиши. Ефим Аронович тайёрланиб ту-
ринг, бугун яна бир ходимни ишга оласиз.

Ефим Аронович қизнинг ҳақида аралаш «дадагаси»-
га писанд этмай, кўзойнаги устида қийинлик қараш қи-
либ қўйди.

— Бу кишининг қарашлари хунук бўлса ҳам, бунга
эътибор берманг, ўзи яхши одам. Бу хона — бухгалтер-
риямиз. Анави қиз Людахон — кассиримиз бўладилар.
Бирор марта кулиб қараганини кўрмайсиз. Минг бор
айтаман унга, ҳой қиз, ош-товоғинг керак эмас бизга,
қош-қовоғинг керак, деб. Кимга гапиряпсан демайди.
Минг йилдан бери шу аҳвол. Арпасини хом ўриб қўй-
ганмизми, билмайман. Унча-бунча хушомадниям жини
ёқтирмайди. Нимаям деймиз, пулнинг хужайини-да!

Бухгалтериядагилар гур этиб кулиб юборишди.
Малла сочли кассир қиз ҳам мийиғида жилмайиб чўти-
ни қоқаркан:

— Йўргакда теккан касал-да, Барно қиз, нима қи-
лай,— дея тан олган бўлди.

— Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, қўшни
қўшнидан эрта туришни ўрганади, биздан ибрат олсанг
булмайдами!

Яна кулги кўтарилди.

Секретарь қиз ҳар бир ходимнинг касб-кори ва қиё-
фасига мос гап топиб, тегишиб ўтарди. Унинг бу хил
оддий ҳазилларига ҳамма ўрганиб қолган, шунинг учун
кўнгилга оғир олишмас, қайтага завқланиб кулар эди-
лар.

Қудрат теваарак-атроф билан ҳам танишиб келиш
учун ташқарига чиқди. Унда умрида кўрмаган шунақа
янги жойлар, янги кишилар билан танишиш, билиш,
ўрганиш майли бор эди. Ҳозир ҳам ланж бўлиб турга-
нига қарамай, айланиб юриб станциядан ҳам анчагина
узоқлашиб кетганини сезмади. Қуёш шуъласида жи-
мир-жимир товланган далалар, тангадай офтоб тушма-
ган қалин дарахтзор, боғлар, ариқ бўйида шовқин со-
либ оқизоқ ўйнаб юрган болалар, салқинда мудраб дам
олаётган қўзи-улоқлар, осмонда чарх урган қушлар,
хуллас, ҳамма-ҳаммаси Қудратга жуда ёқар завқ
бағишлар эди. Ғир-ғир эсган шабада, баргларнинг се-
кин шилдирашлари, қушлар наъмаси билан бирга қў-
шилиб гўё дилрабо симфониядай қалбга қўйилар ва
ажойиб ҳаётлар соғушига тортарди уни.

Район марказидан ботланган йўл қандайдир кўл
бўйига олиб, ниндо Қудрат яқин бориб, майда балиқ-

чаларнинг бир-бирларини қувлашларини анчагача томоша қилиб турди. Кейин чўнқайиб бир дарахт танасига суянганича дам олди ва беихтиёр кўзи уйқуга кетди.

Шу ўтиришда қанча ухлаганини билмади. Кўзини очган маҳал қуёш уфққа ёнбошлаган соялар узунлашиб, ҳамма ёққа қора пардасини ёйиб ташлаган эди, бузоқларнинг маъраши, отларнинг кишнаши барала эшитиларди. Қудрат ҳаллослаганича бошқармага келди. Ҳеч ким йўқ. Пол ювиб юрган аёл эса: «Бўлар иш бўпти энди, Салимовнинг уйи узоқ эмас, олдига бор а қолинг», деб маслаҳат берди. Неилложки, бундай қилишга ҳозир Қудратнинг юзи чидамасди. Яхши қилмадим, деб ўкинди у. Ишга келган дастлабки кунданоқ шундай ҳодиса юз берса-я. Бошлиқ йиғилишни атай тезроқ тугатиб у билан бафуржа гаплашиб олмоқчи бўлса-ю, бу данг қотиб ухлаб қолса-я. Э, аттанг, аттанг... Бошқа илож йўқ, энди Ёртепа қайласан деб кетавериш керак. Шундай қилди-ю, чўлда адашиб юриб, охири қўлини ҳам яралади...

Қудрат кўзини қайтиб очганда кампир кириб келаётган экан.

— Уйғондингизми, бўтам?— савол берди у ўз ёшига хос бўлмаган жарагдор овозда,— қўлингизнинг оғриғи тузукми? Газак олмасдан духтурга кўрсатинг. Ўзиям эрта-метандан бери икки-уч бор кириб, чиқиб кетди. Ноппа-нозавиндай жонкуяргина экан бояқиш.

— Ким?

— Духтур-да, бўтам, ким бўларди, духтур. Қовонгиз шишинқираб турибди, уйқуга тўймаган кўриниш. Яна дамингизни оласизми бирпас?

— Ҳозир тураман.

— Ҳа, майли, тура қолинг, бўтам. Кечаси дейман, тозаям эшик тақиллатиб эсингиз кетгандир-а? Қўни-қўшинларгача уйғонибди-ю, ман паққос эшитмаганлигимни айтинг. Илгари доим уйғоқ ётардим. Энди бошим ёстиққа тегди дегунча, данг қотадиган бўпман. Қариганда уйқу камаяди дейишади-ю, тавба... Биров томни тешиб кетсаям билмайман. Ўғлим кулади. Пардавой сизни бирга олиб келаман деб туриб, нимаям бўлибди-ю, якка ўзи жўнайверибди денг. Уйга келиб, эндигина ўтириб, бир пиёла чойни қўлига олган эди, сиз эсига тушиб қолдингиз, бамисоли томоғидан гип бўғилгандай бўлди. Адашиб қолмасайди, деб тоза ташвиш қилди, болам боёқиш. Кейин қоронғи тушганига қарамай, хаптамбелини ўзи ҳайдаб, қидириб кетди сиззи.

Қараиґ-а, у, у ёққа қараб жунабди-ю, сиз бу ёққа келаверибсиз. Тоза чарчагандирсиз-а? Осонми шунча йўл босиш... Йўл азоби — гўр азоби дейдилар-а. Тура қолинг, тура қолинг, обдастада сув турибди, ўзим қўлингизга қуйвораман... ҳа, ишқилиб, омон бўлинглар...

Кампир яна бир нарсалар деб гўлдираганича ҳовлига чиқди. Қудрат ўрнидан зўрга туриб, мириқиб узоқ керишиди-да, бир оз ўзига келгандай бўлди. Рангига қон югурди.

— Нардавой акам ишга кетганмилар!— деди у ҳовли теварагига куз югуртиришга чиққач.

— Азонлаб ишга кетган болам бечора. Ҳар куни шу аҳвол. На унқусида ороми бор бояқишининг, на танида роҳати. Ҳай, манли, умри узун бўлсин, ишқилиб, умри узун бўлсин.

— Овора бўлманг, ўзим ювунаман,— деди у обдаста ушлаб турган кампирга.

— Бир қўлингиз ожиз ахир, тортинманг, болам. Онангиз тенги аёлман. Чойдан кейин духтурга рови учранг, хўпми? Ўзиям қайта-қайта тайинлаб кетди. Коши-қўзи келишгангина, суқсурдай жувон. Эркақ кишига ҳеч суяги йўқ дейишади. Ким билади, бўлса бордир. Шу жойда туриб, ҳеч ёмонлигини сезмадим бояқишининг.

Қудратнинг эсига Гулчирой келди. Наҳотки «духтур» деганлари уша қиз бўлса? Наҳотки унинг орқасидан шундай гапирсалар? Йўқ, пўқ, бу мумкин эмас. Гулчирой ҳақида ҳеч ноҳуя гап бўлиши мумкин эмас... У яхши қиз, ҳақиқий дилбар қиз.

Бу ишончини нуққа чиқаришдан ҳайиқиб докторнинг номини сурништиришга юраги бетламади. Қўл яраси ҳамон азоб берар, жисми эса ҳамон таёқ билан саваланиб, пўла қилиб ташлангандай бўшашган, кўп гапирришга ҳам ҳоли нуқ, аммо Гулчиройнинг қиёфаси қайта-қайта кўз олдига келган чоғи қалби тотли ҳаяжон билан туларди.

— Духтур жувонни айтаман,— давом этди кампир қаннаб турган самоварни хонтахта олдига олиб келаркан,— икки гапни бирида, қишлоғингиз ёқмади, део келаманга тушаверади. Нимаси ёқмаганига ҳайронсан. Ҳавоси оғир эмиш. Топган баҳонасини қарангу. Ўзингиз антинг, нимаси оғир бўнинг?

— Ҳавоси тоза,— уни тинчитди Қудрат.

— Тилингизга шакар, бор экансиз-ку, бўтам. Бу қишлоқни қадрига етган етади. Уша дангиллама имора-

ти бор шаҳарларни ёмон демайман, аммо ҳар жойни ўзига ярашур файзи бўлади. Ота-бобомиз ўтган шу хоки-тупроқ кўзимизга тутиё... Қани, чойга қаранг, болам.

Бу қишлоқ ҳақида ғалати афсоналар ҳам юрар эди. Жуда қадим замонлар — дунёдаги бутун қудуқлик сув, ҳозирги океан ва денгизлар ўрни қуруқликдан иборат бўлган замонда шу қишлоқ ҳам энг чиройли, энг бой, энг машҳур ороллардан бири бўлган экан. Орол аҳолиси ҳеч нарсага зориқмай, ҳеч кимдан нолимай ҳузур-ҳаловатда яшар экан. Узоқ-яқин қитъалардан денгизга саёҳатга чиққанлар: савдогарлар, зодагонлар ҳам албатта мана шу ерда тўхтаб, оролнинг ҳусни жамолини томоша қилмай, шарбатга тўлиб етилган ширин меваларидан тотимай, кўнгли кенг, сахий аҳолиси хонадонидан бир кунгина кўниб меҳмон бўлмай, ҳеч бўлмаганда, бир коса муздай шифобахш сувига, оромбахш тоза ҳавосига тўймай кетолмас эканлар.

Қулларнинг бирида денгизнинг нарёғидаги аллақайси қабила оқсоқоли душман қувғунидан қочиб, паноҳ сўраб шу оролга келган эмиш. Уни яширибдилар. Қочқинни излаб юрган душман лашкарбошиси келиб уни топиб беришдан бўйин товлаганларни бирма-бир тутиб, жазога буюраверибди. Гуноҳсиз болалар оловга, йигитлар от туёқлари остига ташланаверибди. Чолларнинг кўзи ўйилиб, хотин-қизлар таҳқирланибди. Бир одам қийноқларга бардош беролмай сирни фош қилишга мажбур бўлибди. Қочқинни тутибдилар, аммо бир кишининг иродасизлиги туфайли бутун орол аҳолисидан ҳамма юз ўгирибди-ю, борди-келди қилмай қўйибди. Бу ҳам етмагандай, бир кеча-ю бир кундузда теваракдаги жўшқин деңгиз ҳам қуриб, унинг ўрнида қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган тақир дашт бунёдга келибди. Буларнинг ҳаммаси қарғишдан бўлган эмиш. Сувсизликдан қақраб ётган бу чулни кезишга ҳеч кимнинг юраги дов бермас, ҳеч ким бу томонларга қадам босмас, фақат заҳарли илонлар, йиртқич ҳайвонлар, қарға-қузғунларгина бу ерда ҳукмрон бўлиб қолишган эмиш. Оқшом тушиши билан ҳар ер-ҳар ерда олов ловиллаб ёнар, баъзан тоғ отгунга қадар ҳам шу олов шуъласи осмонни тутиб ётар, буни баъзилар, ердан ёмон ҳаво отилиб ёнса керак деб гумон қилишса, айримлар, йўқ, бу ерда шайтон-алвастилар гулхан ёқиб, базм қуришармиш, дейишаркан. Хуллас, ана шу хил афсоналар туфайли қишлоққа Хортепа деган ном берибдилар.

Асрлар ўтди. Қадим замонларда камситилган хор-

тепаликлар бошида ҳам бахт қуёши балқди. Огир ва машаққатли умр саҳросида чечаклар унди, гуллар гунча очди...

Кампир эс-эс билади. Эри кимсан, бутун бир колхознинг раиси, ҳеч кимга сўзини бермайдиган, ўжар, аммо меҳнат деса жонини берадиган мард одам экан. У қишлоқни гуллатиб, ҳамманинг ҳавасини келтирадиган даражага кўтаради. Ана шундан кейин теварак-атрофдаги қишлоқлар билан яна борди-келди бошланиб кетади. Бечораликдан қутулиш йўлини излаб юрганлар ҳам шу хўжаликка келиб қўшила бошлайдилар, уйлик-жойлик бўладилар. Қишлоқни эса энди Хортена эмас, Ёртепа деб атайдилар. Лекин бу ердаги маъмургарчиликларни кўролмайдиган, фитна-фасод уруғини сепувчилар ҳам йўқ эмас экан. Ҳеч кутилмаган пайтда босмачилар бостириб келишади. Ҳамма ёқни пайҳонлаб, элни хонавайрон қила бошлайди. Моли ҳол, сигир-бузоқ, не орзу-ният билан жамғарилган бисотларгача таланади. Омоч-аравалар синдирилади, хонадонларга ўт қўйилади, раиси эса, хотинининг кўз олдида чавақлаб кетишади. Бу хил жабр-жафолар, кўргиликлар бор экан Ёртепа қишлоғи аҳолисининг пешонасида! Аммо аҳоли тақдирга тан бериб қараб қолавермади. Атрофдаги дарахтлардан кесиб, мола, омочлар, аравалар ясашади, кеча-ю кундуз тинмай ишлашади. Ариқ қазиб, узоқ Нуроб дарёсидан сув етаклаб келишади, қишлоқни яна обод қилишади. Яна бою бадавлат хўжалик бунёдга келади. Теварак-атрофга қочган одамлар Ёртепага қайтиб кела бошлайдилар.

Эрдан айрилиб, бева қолган Орият аёл жони билан кетмон чопади, мола бостиради, хирмон кўтаради... Пардавойдай ўғлини ўстириб, вояга етказди. Ҳозир эса кимсан, қишлоқнинг энг ҳурматга сазовор кампири. Хотин-халаж, бирорта маросим йўқки, Орият бувининг иштирокисиз ўтказсалар. Тўй-томошалар, серҳашам йиғишлар, азали маъракалар ҳам унинг маслаҳати, йўл-йўригисиз бошланмайди. Қайси ҳовли, қайси хонадонга Орият буви кирмасин, уй бекалари уни икки букилиб кутиб олишар, уй тўридан жой кўрсатишар, топган-тутганларини тўкиб солишар. Борди-ю, Орият буви бугдой ноннинг бўлмасин, бугдой сўзинг бўлсин, ўтир, деб қўйса борми, иззат-икромини янада ошириб юборишади.

Қудратга ҳам бу кўнгли очиқ, танги кампир жуда ёқиб қолди. Нонушта қилишдан кўра унинг сўзини тинглаш, ҳикоясини эшитиш завқлироқ туюлар эди.

Чой тугаб қолгунча кўзини ундан олмай, гапларига диққат билан қулоқ солиб ўтирди.

— Хўп замонлар ўтди-да, бўтам,— давом этди кампир,— энди ўша кунларни кўргилик қилмасин. Қолхозчилар ҳам тинч, егани олдида, емагани кетида. Уч йил бўлди, чўлдан канча-ю қанча ерининг тобини бериб, пахта экадиган бўлишди. Қолхоз кенгайиб, у учиминан бу учинга хаптамабелдаям етолмай чарчайсан. Обрўсини айтмайсанми, ойда бир радиода гапирилиб, газетага түшмаса иложи йўқ. Ана шунақа. Оҳ, оҳ Ёртепажон, Ёртепа, минг ўргулсам арзийди-я сандан... Вой, шўрим, вайсақилигим тутиб, тинкангизин баттар қурутдим шекилли, а? Айбга буюрмайсиз, қариган чоғингда шунақа сернама бўлиб қоларкансан киши.

— Йўқ, бемалол гапираверинг,— далда бериб қўярди Қудрат.

— Яна чой қуяйми?

— Йўқ, чойни бас қилсак бўлар. Сиз гапираверинг...

— Ҳа, бошларинг омон бўлсин, бўтам. Олаверингла-ру, ҳеч олдирманглар ишқилиб. Мўмин-қобилгина йигит экансиз, шу уйда тураверинг, болам. Хоҳласангиз, ана, даңгиллама уй ҳам бўш.

— Шуниси тузук бизга, муздаккина экан.

— Тилингизга шакар, мамам шунн хуш кўраман денг. Тушда, авжи кун исиган маҳал танингиз роҳат килади бу уйда... Нариги уйни келин туширдига қурганмиз. Тўй қилиш ниятим бор. Ёнимизда бўлсангиз, ўзингиз бош бўларсиз ахир. Пардавой акангиз тенги йўқ йигит. Бола бояқиш эрта кетиб кеч келади. Баъзида анча маҳалгача қайтмаса, терак баргидек қалтираб ўтираман денг. Она оналигини қиларкан-да. Эрим раҳматли ўлиб кетгандан кейин шу битта-ю битта фарзандимга суяниб қолганман. Уруш йили ерқасидан қаёқларга бориб келибман-а, ишонасизми шунга? Сўраб-сўраб Маккани топасан, деганлари рост экан. Йўлда пойиздан пойизга, истансадан истансага ўтавериб, таъзиримни еганман. Ҳаммадан дакки эшитганимни айтмайсизми? Уйингда тинч ётсанг бўлмайдими, она, ўғлингнинг жони омон бўлса, келади-да бир куни, дейишади. Бо-о, кошкийди тинч ётолсам, еган-ичганим ичимга тушмайди-ю... Кўзимнинг оқи қароси болам бояқишдан айрилиб қоламанми деб не ҳасратда юрардим. Йўқ, топдим денг. Харкупми деган жойда кўприк қураётган экан. Танимапман. Озиб-тўзиб кетибди болам бояқиш. Бағримга қайта-қайта босиб, йиғлайвердим-сиқтайвердим, кўз-

ларим шишиб кетибди. Саллотлар кулишади, шунча йул босиб ўғлингизни қидириб келибсизми, маладес экансиз, дейишади. Кейин отпус беришди ўғлимга. Етти кеча-ю етти кундуз пойизда келдик. Келдигу, тагин мана ташлаб ўзи қайтиб кетди денг. Суюнганларим ҳам бурнимдан чиқди тагин. Сабрнинг таги — сари олтин, деганларидай, роса тўрт йилу ўттиз кун деганда дийдор кўришдик яна. Бағрим тўлиб, бошим кўкка етди. Оҳ-оҳ болам-а, яна кетиб қолди денг. Бу сафар ўқишга — Маскопга кетди. Кута-кута сочимга оқ тушди. Кейин билсам, ўқишда юриб дарёга кўприк солибди, йўл қурибди. Мана энди ўз юртига навбати етибди шекилли, ёнимда юрибди, ҳайтовур. Шунга қувонаман. Ҳа, шунга қувонаман болам. Тагин кетиб қолмасайди деб жоним ҳалак.

— Энди кетмасалар керак.

— Тилингизга шакар, отам. Йўл қураверинглар. Хўп ҳунарларнинг бор-да. Бу ҳунарни хосиятига нима етсин. Ҳамманинг тилида шу гап: чўл обод бўлармиш, данғиллама иморатлар тушармиш... Мишмишлар ростга чиқсин ишқилиб. Ота-бобомиз кўрмаган роҳатни биз кўряпмиз. Во, ана ўзи келиб қолди болам. Нечук бугун эрта қайта қолдинг? Қаёқдан кун чиқди?

— Меҳмондан хабар олгани келдим. Яхши ухлаб турдингизми, Қудратжон? Қўл қалай?— деб меҳмон билан сўрашди Пардавой.

— Дуруст, раҳмат!

— Кеча жуда қизиқ иш бўлибди-да, а? Мажлисдан чиқсам сиз йўқсиз. Пойлаб ўтира-ўтира бирдан хаёлимдан кўтарилибсизу, бу ёққа келаверибман. Кейин яна қайтиб бордим. Идорада чамадонингиз турибди. Қўлимга олдим, ташқарига чиқиб, тоза суриштирдим. Ҳеч ким кўрдим демайди. Уйга келсам, хайрият, уйда ухлаб ётибсиз.

Кеча қурилиш бошлиғининг кабинетида ўтирганида Пардавой ўрта бўйликкинага ўхшаб кўринган эди. Мана бугун ўз кўз олдида енглари тирсагигача шимарилаган оқ кўйлакнинг очиқ ёқаси остидан қуёшда тоблаган тўшлари, тери остидаги пайлар, билакларидаги мушаклари туртиб турган, кенг мош ранг шим почаларини этик ичига тиқиб олган элчил ва салобатли, бўйчан йигит турарди. Унинг озода ва бежиримгина кийим кийишини кўргач, Қудрат чанги қоқилмаган ўз шим почаларига кўз ташлади-да, кейин соғ қўли билан соқоли олинмаган иягини ҳам силаб қўйди.

Пардавой Ботиров кулиб гапирар, кўзларидан зий-
раклиги биллиб турарди.

— Ёмон заха егани дейман-да, қўлингиз?— деди у
гўё тажрибали врачлардай Қудратнинг шишган бар-
моқларини авайлабгина ушлаб куриб.— Докторга қара-
тиб турсангиз, соғайиб кетар.

— Назокатхон уч марта кириб тайинлади, уйғониш-
лари билан чиқараман деган эдим,— қўшиб қўйди кам-
пир.

— Сиз бўлсангиз ган билан бошларини қотириб
ўтирибман денг?— Қочиріқ қилди ўғли,— сўз билан
яраин даволаб бўларканми?

— Узр, болам, узр,— дея ташқарига чиқди онаси.

— Хўп, мен шовиб турибман, Қудратжон,— ўрни-
дан турди Ботиров,— иккинчи участкага кетаётган эдим,
йўл устида кириб ўтай дедим. Сиз бугунча ҳам дам
олинг. Ҳозир кампир иссиқ сув қилиб берсалар, соқолни
қиртишлаб олинг-да, докторга ҳам чиқиб келинг. Бема-
лол, ўз уйингиздай дам олаверинг.

— Дам олиш қочмайди,— унинг сўзини бўлди Қуд-
рат,— қурилиш билан танишиб келгим бор.

— Биламан-биламан. Ишга ўрганган одам учун бе-
кор қолишдан оғири йўқ. Лекин қўлнинг шиши қайт-
гунча уринмай турганингиз дурустмикин дедим-да. Агар
жуда юрагингиз қизиб кетаётган бўлса, ёнингизга Ху-
дойқуловни юбораман. Лойиҳа материалларини олиб
келиб, сизга таништиради.

— Ким дедингиз, Худойқулов?

— Худойқулов вақтинча сизнинг ўрнингизни эгаллаб
турган эди. Эртадан ҳужжатларингизни расмийлашти-
ришингиз билан уни техниклик вазифасига ўтказамиз.
Нега ҳайрон бўлиб қолдингиз? У билан танишлигингиз
борми дейман?

— Фамилияси танишга ўхшайди. Иси нима?

— Иси... иси нима эди-я... Қаранг, тилиминг
учида турибди. Ўзи шалдир-шулдиргина йигит. Қўйиб
берсангиз аравани қуруқ опқочишдан тоймайди.

«Худойқулов, Худойқулов...» Қудрат қаердадир
эшитганиди-я? Шу фамилиянинг ўзи унинг дилини бир
оз хижил қилиб қўйди. Чунки, бу фамилия яхшироқ
бирор воқеани эслатмас, қайтага шундай фамилияли
кимса билан ўрталарида кўнгилсиз ҳодиса бўлиб ўтган-
дай.

У соқолни олиб, ювиниб бўлгунча ва докторхонага
бориш учун кўчага чиққандан кейин ҳам, ҳалиги фами-

лия ўқтин-ўқтин эсига тушиб, миясини ғовлатар, би-роқ неиложки, унинг кимлигини кўз олдига келтирол-масди.

Кеча тун қоронғисида Қудрат атрофни дурустроқ кўролмаган экан. Биринчи қарашда бу қишлоқ чўту биёбонга улоқтириб ташланган, кўримсиз бир манзилга ўхшаб кўринади. Аммо диққат билан разм солсангиз, кенг-мўлгина, ям-яшил қишлоқ экан. Қишлоқни ўраб турган поёнсиз чўл, сийрак ўт-ўланлар билан қоплан-ган пасту баландликлар денгиз тўлқинларини эслатар, эшиги очик ҳовлилардан болаларнинг шовқини, хўроз-ларнинг қанот қоқиб қичқирганигача барала эшитилар, ловия, ошқовоқ, қўқонжўхори экилган полизлар, ҳовли саҳнидаги қизил, сафсар, новвот ранг гуллар кўзини овунтирар эди.

Қудрат сарв дарахтидай кўркам, савлат тўкиб кўк-ларга бўй чўзган қатор теракзорлар оралаб борар экан, ариқ сувидан эсган салқин шабададан ҳузур қилар, жажжи тўлқинчалар қирғоққа чилп-чилп урилиб дили-га ором берарди. Қалин жўхоризорлар ортидан ким-нингдир ёқимли қўшиғини шамош учириб келарди. Қўшиқ сўзлари ниҳоятда содда, бугунги гаштли меҳнат, эртанги бахтни куйлар, икки ошиқ айтишмасидай ҳая-жон бағишларди. Кенг далалар қўйнида сумбул сочлари бошларига чамбар қилинган бўйчан қизлар, сахий қуёш нуридан силлиқ юзлари қорамтир тусга кирган йигитлар ғўза оралаб юришади. Ҳақиқатан ҳам бу ер «Ёртепа-жон, Ёртепа» экан. Агар йўл қурилиб марказ яқинлаша-диган бўлса, асрлар бўйи қақир чўл деб ном олган маҳзун биёбондан бир парча ҳам нишон қолмай, худди мана шу қишлоқ сингари ям-яшил воҳалар босиб кетади ҳамма ёқни. Қават-қават иморатлар, маданият саройлари, са-йилгоҳ боғ-роғлар бунёдга келади. Ҳа, йўлнинг хосияти шунчалик. Қадимги замонларда йўл фақат қабила-қа-била бўлиб яшовчи кўчманчилар учун алоқа воситаси бўлиб хизмат қилган бўлса, эндиликда узоқдаги эллар-ни бир-бирига бирлаштирадиган дўстлик воситасини ўтайди. Йўл инсон қадами етмаган ерларга ҳаёт, бахт ва фаровонлик етаклаб келади. Йироқни яқин қилади, халқлар бахтини бир-бирига улайди. Кўп юриб, кўпни кўрган — кўп билади, умри узоқ бўлади, дейдилар. Йў-линг бўлмаса кўзинг кўр, қулоғинг кардай. Қўй-чи, уру-ғинг-аймоғингга, бозор-учарингга бориш учун ҳам йўл керак-да!

Қудрат атроф билан танишиб қайтар экан, худди шу

ҳақда ўйларди. Мол боқиб юрганлар, эгатларга сув очаётганлар, қаёққадир шошиб бораётган ёш-яланглар ҳам бу нотаниш йўловчини зимдан кузатиб ўтишар, кимлигини билишолмас, фақат кўзига кўзи тушиб қолгандагина аста салом бериб қўйишарди.

У бўм-бўш ялангликлардан, икки томони четан деворли боғ кўчадан ўтиб, кутилмаганда кичкина ҳужрадай уй эшиги олдига келиб қолди. Эшикнинг юқорисига сафсар сиёҳни чаплаб қўйгандай, ҳафсаласизлик билан «Учинчи участка қурилиш штаби» деб ёзилган тахта осиқлик. Ҳечқиси йўқ, ҳаммаси ўзгаради энди. Шу дашт, шу ҳужра, шу салом бериб ўтаётган одамлар ҳаётида ҳам янги бир саҳифа очилади. Шу порлоқ саҳифани очишда шубҳасиз Қудратнинг ҳиссаси бўлади. Бошлиқ ҳам, бош инженер ҳам уни ёмон кутиб олишмади, лекин ишчилар қандай муносабатда бўлишаркин унга?

Мана, деразасига оқ парда тортиб қўйилган докторхонага ҳам етиб келди. Кириб ўша «суқсурдай жувон» билан ҳам танишайлик-чи.

— Бо-омисиз меҳмон? Қелинг, келинг, қани, марҳамат.

Чиндан ҳам суқсурдай экан. Лекин ёш бўлишига қарамай, сочларига оқ оралабди. Кўкраги устига эса алмисоқдан қолган кўзминчоқ тақиб олибди. Оқ халати йўқ. Эғнида қадди-қоматини безаб турган хосият нуса атлас. Атир ҳиди унинг бутун вужудидан тортиб, стол устидаги дори шишалар, хонани иккига бўлиб турган оқ чойшаб ва хуллас, кўзга ташланган нарсаларнинг ҳаммасидан анқиб тургандай.

У Қудратнинг қўлини даволаш ўрнига Гулчирой билан қандай танишлиги ҳақида эзмалик билан суриштира бошлади.

— Қизи тушмагур, азонлаб келиб, уйкумга ўт қўйса бўладими.— Хиринглаб кулди у,— туринг Назокат опа, фалончининг уйидаги йигитнинг қўлини бир нарсатилиб кетибди, кириб чиқинг, дейди. У ярадор бўлса, сизга нима, деб жаҳлим чиқди. Шундан кейин бир чимирилди-ю, зарда қилиб, кетиб қолди қурмагур. Суқсурдай-а? Сизга ёқадими?

Қудрат жавоб бермади. Аммо Гулчирой унинг ҳақида ташвиш тортганини эшитиши билан юрагининг аллақаери жизиллаб кетгандай бўлди.

— Ҳа, суқсурдай,— яна такрорлади Назокат, унинг қўлини ечиб, қандайдир дори суртар экан,— менинг ҳам ўзимга ярашур ҳусним бор эди, савил, бу жойга

келдиму...— чуқур уҳ тортиб қўйди у,— нима қилса ҳам шаҳар шаҳар экан-да. Оқшом чоғи кўнгил очар боғлар, театр, маданият уйлари... Қўғирчоқдай безаниб юришлар, ҳар нарсани севиб, ҳар нарсадан завқ олишларга нима етсин.

— Нега бу ерга келдингиз бўлмасам?

— О, ярамга туз сепманг сиз ҳам. Бунинг тарихи узун. Қўйнинг, биринчи учрашувни ҳасратдан бошлайман. Шундай қилишга мажбур бўлганман-да, Қудратжон ака.

Отини ҳам билиб олибди. Гулчиройдан эшитганикин?

— Тўғриси, ўзимга ўзим қилдим,— давом этди у,— мана энди, ажаб бўлди дейдиган одам йўқ. Баъзида ёрилиб ўлай дейман. Кўчалар чанг, итлар кўп, болаларнинг бағ-буги жонга тегади. Ҳафгада бир-икки кино келади-ю, шов-шув ичида мириқиб кўргандай бўлмайсан. Шу ерларга ҳам ҳеч сон тегармикин-а?

— Сон тегади,— жавоб берди Қудрат ишонч билан,— ҳамма ёқ гуллаб-яшнаб кетади. Театр, маданият уйлари, қўғирчоқдай безаниб юриш учун истироҳат боғлари ҳам бўлади.

— Савил қолсин, қачон бўлади?

— Сабр қилинг.

— Сабр чидамаса-чи? Келганимга тўрт ойдан ошди. Ҳеч ўрганолмайман бу ерга. Баъзи-баъзида ҳасратлашадиган одам анқонинг уруғидан баттар топилмай қолади. Ҳамма далада. Телевизор деган гапдан асар йўқ. Ҳадеб радиони бағиллатавериш ҳам меъдага тегаркан. Сизнинг келганингизни эшитиб бошим кўкка етди. Шаҳарликнинг тилини шаҳарлик билади-да. Ё сиз ҳам ўзингизни азиз тутадиганларданмисиз?

Назокат яна ҳиринглади. Қудрат унга миннатдорлик билдириб ўрнидан турган эдики, хона эшиги зарб билан очилиб, остонада кичкина қисик кўзлари атрофини саноксиз ажинлар босган, пакана йигит пайдо бўлди. Унинг қўлтиғида қалингина папка, қўлида қалам, ўзи терлаб-пишиб кетган, худди ёв қувлагандай ҳансирарди. У салом беришни ҳам унутиб, Қудратни бошдан-оёқ кузатар экан, авзойи ўзгара борди, виқор билан кирган бу одам ўзини ноқулай сеза бошлади. Сўнг асли рангини йўқота бошлаган керза этигинингғижимланган қўнжигга қаламини тиқиб қўйди.

Унинг кетидан елиб кирган иссиқ шамол хонадаги осифлиқ оқ чойшабни пуфакдай шишириб юборди. Жу-

вон орқасига тез ўгирилиб, кирган кишини жеркиб берди.

— Эшикни ёпсангиз-чи, пашша ёпирилиб киради хозир.

— Хўп, хўп, хоним, мана ёпганим бўлсин, ассалому алайкум,— дея Қудратга қўл узатди ниҳоят.— Улуғимиз сиз бўласизми? Ёпирай, мени танимадингиз чоғи-а?

Қудрат авзойи бузилганини билдирмасликка уриниб босиқ овозда жавоб қилди:

— Танидим. Янглишмасам, Худойқуловсиз.

— Ақлингизга балли, улуғим. Қойил, унутмабсиз-а?

— Исингиз нима эди?— истеҳзоли жилмайиб сўради Қудрат,— Холдор эмасми?

— Ёпирай. Топдингиз-а? Худди ўзи. Қуллуқ-қуллуқ, улуғим. Бизга ишга келиб, жуда яхши қилибсиз. Мана лойиҳалар, сметалар... Бир салқинроқ жой топиб танишамиз-да, энди?

— Ошиқманг, Холдоржон, танишишга улгурамиз, ҳозир мени трассага олиб борасиз.

— Хўп-хўп, жоним билан... Ҳа, айтмоқчи, машина йўқ-да.

— Пиёда борамиз.

— Чарчаб қоласиз, улуғим. Трасса хийла узоқ жойда.

— Биринчидан, чарчамаймиз, иккинчидан, меннинг фамилиям эсингизда бўлса, Ёдгоров. «Улуғим» деган даблабали номни эшитсам жиним қўзғайди, билдингизми?

— Хўп, хўп улу... ўртоқ Ёдгоров!..

— Рўмолчангиз қолди, ювиб қўярман-а?— деб гап қотди Назокат.

— Менга беринг, ўзим юваман,— тўрт буклаб чўнтагига солди Қудрат уни,— раҳмат.

— Қон ҳолича киссага солдингиз-а, савилни? Айтмоқчи, кечка яқин яна кириб ўтарсиз, перевязка қиламиз.

Аммо бу гап Қудратнинг қулоғига кирмади. Чунки у Худойқулов билан бирга чиқиб кетган эди. Қудрат катта-катта одим ташлар, майда қадам Худойқулов унинг орқасидан югуриб етолмасди. Шундай бўлса ҳам, гапдан колмас, янги бошлиғини ҳар замонда ўзига қаратиб, эътиборини тортишга уринарди.

— Нози карашмалари жуда зўр-да бу жононни,— ишшайиб гапирди у.

— Қимнинг?

— Халиги Назокатхонни айтяпман-да. Эҳтиёт бўласиз, янги келган одам. яна билмай-нетмай тузогига иччиб қолманг. Қўрмайин босдим тиканини, тортадурман дардини. Қўрсам эрдим, босмас эрдим, тортмас эрдим дардини, деб айгиладиган қўшиқни эшитганмисиз?

— Мени илинтиролмайди.

— Ҳар ҳолда огоҳлантириб қўяй дейман-да, улуғим. Бу тоифадаги аёллар кўзи билан авраб, тили билан кишини ром қилади-қўяди. Аввалига эътибор бермай юрасиз, кейин беозор лаққа балиқдай қармоғига илинасиз... Бунақаларга шайтон бас келмаса... ҳи-ҳи-ҳи...

Бу хилдаги гапларни эшитишга Қудратнинг тоби йўқ эди. Шунинг учун жавоб бергиси келмас, хаёли бўлиниб, ёнма-ён ҳиринглаб кетаётган Худойқулов ҳақида ўйларди. Бу сўхтаси совуқ қаёқдан келиб қолди қурилишга? Бошлиқлар унинг қандай одамлигини билишармикин? Бордию билишса, бу ерда нима қилиб юрибди у?

Қуёш теvarакни тандирдай қиздиради. Гўё бутун борлиқ олов селига чўмгандай. Ер бағирлаб ўсган ўтўланлар ҳам танасини барглари остига яширган, бошларини маъюс эгиб қолганлар. Бундай пайтларда чигирткалар чирилламайди. Қўшлар ҳавода чарх уриб учиб юрмайди. Чурқ этган шарпа йўқ. Кечаси билан базм қуриб чиққан барча ҳашарот кавак-кавагига яшириниб ухламоқда.

— Ҳали йироқми?— сўради кечаги чарчоқ ҳамон босилмаганини сезган Қудрат.

— Ҳоридингиз чоги? Бизники ҳар кун шу аҳвол, шунча жойга пиёда бориб, пиёда қайтамыз-а.

— Нега? Машина йўқми?

— Машинадан кўпи борми, улуғим. Бироқ ҳаммаси линияда. План, график дегандай, бирортаси бирор минут бизга қиё боққиси келмайди. Бошлиқларимиз бўлса, ўзи билан ўзи овора. Биз билан неча пуллик иши бор? Давай-давай нажимаини билишади, холос. Мана энди сиз келдингиз, бирор тартиб ўрнатсангиз зора.

— Эртага колхозга бориб битта юк машина сўрайсиз.

— Ёспирай?— дея ҳайрон бўлди Худойқулов. Қудратнинг юзидан бир жиддий топшириқ экани кўриниб турарди.— Менга беришармикин? Ўзлари сўрасалар бўларди-да, улуғим?

— Нега беришмасин? Йўл ким учун керак? Сиз билан биз учунгинами?

— Шунақа-ю...

— Гап тамом, бориб сўрайсиз, вассалом! «Давай-давай, нажимай» дейишни ўрганинг-да, сиз ҳам.

— Энди улугим...

Қудратнинг тажанглиги тутди:

— «Улугим» деган гапни ишлатманг демабминдим сизга?!

Худойқулов чўчиб тушгандай бўлди.

— Кечирасиз, ҳурмат юзасидан... тил ўлгур ўрганганига қараи-а, ёпирай!

«Ишга тушмасдан буйруқбозлик бошланди-ку,— деб хаёлидан кечирди у.— Ҳалитдан шунақа бўлса, бора-бора бурнимизни ерга ишқамаса гўргайди. Қаттиқ қўллимни билиб қўй, деяётгандир-да! Гердаишининг эпаи-га қиласан, мендақага эмас, билдингми? Осонгина ўрнимни эгаллаб, энди ўзимга олифтагарчилик қилмоқдалар. Кўрамиз, хўрозлигингиз қаергача бораркин! Прораблик сизга арзонга тушиб бўпти. Мен билан ўчакишадиган бўлсанг худди ҳа... ўзингнинг бурининг эрга ишқамасам юрган экаиман...»

Чўл бағрини тарашлаётган механизмларнинг шовқини худди ер остида чиқаётгандай гумбурлаб садо берар ва ҳамма ёқни ларзага соларди. Иш қизиган пайт, йўлнинг нариги боши эса ердан бир ярим метр кўтарилиб, трассанинг асоси қурилган, тоғ-тоғ қум-шағаллар, тупроқ уюмлари, битум қоринмалари... Йўлнинг қўлдан чиққан қисми эса битумланиб, кўз илғамас олисолисларга чўзилиб кетган, қуёш нурида у гўё саҳро этагида заррин ҳошиядай товланар, кўримсиз даштга аранг ҳусн бахш этарди. Трасса этакларида темир бочкалар юмалашиб ётади, ишдан чиққан скрепер, тахта, ёғоч, ҳарсанг тошлар ҳам кўзга ташланади.

— Техника бутми?— сўради Қудрат собиқ прорабдан.

— Булдозердан учта, скрепер иккита, автогрейдер битта, каток битта. Ҳаммаси бўлиб еттита механизм бор. Шунинг учун ҳолимиз хароб, бир смена ишлаймиз, холос. Бошқа участкалардан орқадамиз. Бошлиқлар кўра-била туриб...

— Бошлиқларни сўраяпганим йўқ. Нечта автомашина линияда?

— Ҳаммаси линияда. Тўрт самосвал, бешта автомобиль.

— Карьер узоқми?

— Узоқ, анча узоқ, улугим.

— Автомобиль оз-ку, бўлмасам?

— Озликка оз, улугим, аммо...

Қудрат яна «улугим» сўзини эшитиб энсаси қотгандай қўл силтади-ю, тез илгарилаб кетди. Тупроқ ишлари олиб борилаётган йўл ёқасида каток машинаси тўхтаб қолибди. Моторида бирор иллати бордир, бўлмаса бевақт тўхтаб турармиди! Унинг соясида уст-бошига қорамой тегиб доғ-дуғ бўлиб кетган, ихчамгина коржомали машинист оёқларини чалиштирганича уйқуга кетган эди. Қудрат савол назари билан Худойқуловга қаради. Холдорнинг ранги ўзгарди, лаблари қалтираб кетди.

— Мардонов!— деди катокка яқинлашиб.

Мардонов дегани ўрнидан туриб кетмади. Гўё кимга айтяпсан, дегандай юзига ёлган шапкасини сал кўтарди-да, эринибгина қараб қўйди, холос.

— Ёпирай, сизга айтяпман, Мардонов!— газаби қайнаб кетди Холдорнинг.— Нимага машинангиз четга чиқиб, тўхтаб турибди?

Мардонов ёнбошлаб орқасини ўгириб олди-да, тўнгиллали:

— Тўхтагиси келган-да, шунга ҳам ота гўри, қозихонами?

— Ёпирай?— кўзларини жавдиратиб Қудратга қаради Холдор,— кўряпсизми, бунақалар билан қаёққа бориб бўлади дейсиз? Яна бошлиқлар судралишдан қачон чиқасиз деб дўқ қилишганига ўлайми! Топган ишчилари мана шунақа бўлса!— сўнг Мардоновнинг ёқасидан тутиб, ердан даст кўтариб олмокчидай шахдам яқинлашди-да, яна бир бақирган эди, Мардонов шапкасини қийшайтирганича туриб ўтирди.

— Ўзингизга озор берманг, сардор, узилиб қоласиз,— деди у бепарво оҳангда, кейин бегона киши олдида сафсата сотиб ўтиришни эп кўрмади шекилли, очигини айта қолди.— Машинангизнинг бели оғриб турибди, қўлингиздан келса, даволаб беринг.

— Ўзингиз-чи? Қўлингиздан келмайдими?

— Уриниб кўрдим, эпполмадим.

— Мен эплай олармиканман?— билакларини шимариб яқинлашди Қудрат.— Кечирасиз, мумкинми кўрсам? Мардонов истар-истамас:

— Марҳамат, кўра қолинг,— деб қўйди.

Қудрат руль олдига ўтирди-да, моторни ўт олдиroomчи бўлди. Соғ қўли билан ричагларни босиб кўрди.

— У ёқни қараб нима қиласиз?— менсимай гапирди

Мардонов,— ҳамма дарл бу ёкла... ичак-чавогида. Тоза тўғри диагноз қўядиганга учрабмиз-ку.

Қудрат моторхонани кўздан кечира бошлади. Мардонов ҳамон масхараомуз илжайarkan, заҳарханда қилиб:

— Дарвоқе, бу машина — қўшиқ эмас,— деди у.— Буни агрегат дейдилар.

— Ҳа, биламан агрегатлигини.

Бу шум йиғитга Қудратнинг ниҳоятда босиқлик билан муомала қилиши Холдорни ажаблантирди, у бирор кўнгилсиз ҳодиса юз берадими, деб қўрққан эди. Қудрат яна руль олдига чиқди. Агрегат бир лаҳза тариллаб турди-да, кейин юриб кетди.

— Ҳеч нарсага тушунайман...— Мардоновнинг кўзлари ҳайратдан чақнади.— Ахир бу...

— Ахир, бу, бу, бу...— масхара қилди уни Холдор лабини буриб,— қачон қарасанг, бир ишқал чиқариб турасиз!

Қудрат бир қўллаб бўлса ҳам катокни бемалол ҳайдар, азамат ғилдираклар нотекис шағал уюмларини эзиб, дазмоллаганини кузатиб борар, атрофга алаңлаб қараб қўярди. Беш-олти минутдан кейин бўйинларидан қайноқ тер оқиб туша бошлади. Қуёш қиздирган дизель моторининг ҳаракати натижасида чиқаётган парнинг иссиқ нафаси аъзойи баданини қиздирар, нафасини бўғар, пешонасидан оқиб тушган тер кўзларини ачиштирарди. Бир қўллаб ишлашга ўрганмагани учунми, билаги тола бўлилади. Машинистлар қандайдир янги одам пайдо бўлиб, «каромат» кўрсатаётганига қизиқиб томоша қилар, тишларининг оқини кўрсатиб илжайишарди, бунни кўриб Қудрат ўзинга дам беришни истамади.

Қарши томондан бир нарса деб қичқариб келаётган чолни кўриб, Қудрат машинани тўхтатди. Ора томондан Мардонов билан Холдор югуриб кетарди.

— Бунақа дўзахда ишлаб ўрганмаган одамга қийин,— деди ҳалиги чол сўрашишга қўл узатаркан,— ҳавосини олган машинистларимизниям баъзан суроби тўғри бўлиб қолади.

«Ҳа, бундай шароитда ишлаш қийин. Буни ўйлаб кўриш керак экан. Ишни шу машинистларга ғамхўрлик қилишдан бошлаш керак экан» деган фикрни кўнглига туғиб қўйди Қудрат.

— Дурустсан-ку, оғайни!— деб унинг елкасига тоқди Мардонов,— боқса одам бўласан.

— Епирай, оғзингизга қараб гапиринг Мардонов,—

уни силтаб ташлади Холдор,— бу киши сизга ёш бола эмас-ку, бизнинг янги прорабимиз, ўртоқ Ёдгоров бўладилар.

Мардоновнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Бошқалар ҳам ҳангу манг бўлиб қолдилар.

— Кечирасиз...— Мардонов зўрга ютинди,— кечирасиз...— такрорлади у, кейин Худойқуловга қаради,— сиз... сиз-чи? Истеъфо бердингизми энди?

Холдор зўрма-зўраки кулди:

— Мен вақтинчалик прораб эдим-ку? Хабарингиз йўқмиди, ахир? Мана танишинглар. Танишинг ўртоқ Ёдгоров. Бу ота — йўл мастеримиз. Отлари уста Махсум. Бу киши — бригадир Тешавой...

Қудрат ҳозиргина саломлашган чол билан яна қайта сўрашди, кейин бошқалар билан ҳам танишиб чиқди. Баъзилари шубҳаланиб, баъзи бирлари самимият кўзи билан қарар, аммо кимнинг дилидан қандай фикр ўтаётганини асло сезиб бўлмасди. Иш вақти бўлгани учун гапни кўп чўзиб ўтирмай, жой-жойларига тарқалиша бошлашди.

— Кўнглингизни хира қилиб қўймадимми?— савол берди ёлғиз қолишгач Худойқулов.

— Қим?

— Мардонов-да. Бола эмас, бало! Гапни орқа-ўнгига қарамай гапирди, баччағар. Безори болалар-да.

— Унчалик безорига ўхшамайдими-ку?

— Бе, ҳали кўрарсиз кирдикорларини. Аммо ҳуши келса отдай ишлайди, жинни тутса мана шунақа ётиб олади. Ўзи-ку майли-я, бошқаларни издан чиқаргани ёмон.

— Бошқалар қулоқ соладими унга?

— Қулоқ солганда қандоқ. Ҳаммасини қўлга олиб қўйган. Бир нарса деса, қалтираб туришади.

Қудратга кўп нарса аён бўлди. Шу қисқа муддат ичида қандай камчиликлар бор, ким тўғри, ким нотўғри ишляпти, иш унумини ошириш учун нима қилмоқ керак, ҳаммаси озми-кўпми унга аён бўлди.

Осмонга кўтарилган чанг-тўзон орасидан ўтиб Қудрат яна илгарилаб кетди. У гоҳ-гоҳ бир ерда тўхтаб атрофга тикилар, яна юриб кетарди. У олға борган сари гўёки чўл мағлуб бўлиб, ортга чекинади. Даштнинг ўртасидан кесиб ўтадиган йўлни, йўл атрофида бунёдга келадиган посёлкалар, хиёбонларни тасаввур қиларди. Шу пайт кўнгли бирдан ёришиб кетди. Ниҳоятда чарчаганини ҳам унутиб юборди. Тунда қаршисидан

чиқиб қолган вагон-уйлар олдига келиб қолганини ўзи ҳам сезмади. Ҳозир Гулчиroy ҳам шу уйларнинг бирида ишлаб ўтирганмикин? Борди-ю, лоп этиб қаршисидан чиқиб қолса-чи?

Ана, шу маҳалгача ёртепаликларни район маркази билан боғлаб турган катта йўл. Чанги ўйнаб ётибди, оёғингиз билқиллаган тупроққа ботиб кетади. Чанг-тўзонга беланган кичкина автобус чайқала-чайқала зўрға-ўрмалаб келмоқда. Машина ичидаги йигит танишга ўхшади. Кечаси Гулчиroy билан бирга турган йигит эмасми? Худди ўшанинг ўзи... Қудрат негадир севиниб кетди-ю, машина яқинроқ келганда қўл силтаб йигит билан самимий сўрашди. Йигитнинг созуққина бош силкигани ҳам уни ранжитмади. Чунки ҳозирги кайфиятини ҳеч нарса бузолмас эди. Аммо бу ҳам узоққа чўзилмади. Уйга келиб қўлтиғидаги папкани очган замон бирданига Худойқуловнинг башараси кўришиб кетди-ю, кайфи бузилди. Қовоғини солганича бир зум уйга чўмди. Юрагининг аллақарида мужмал ташвиш уйғонди...

III боб

ҚЎШИҚ ВА ҚЎЗ ЁШЛАРИ

Қудрат ярим кечагача ўтириб, барча материаллар, қўл харитаси ва қурилишнинг техника анжомлари билан танишиб чиқди.

Қўл шунчалик каттаки, гўё поёни йўқдай. Бу ерда нефть, газ, мис ва бошқа хил қимматбаҳо маъданлар топилмоқда. Бу бойликларни ташиш, махсус заводларга етказиш учун транспорт йўллари керак. Йўлни жуда тез муддатда қуриб битириш керак. Аммо ҳамманинг юраги бирдай ўт олмаган кўринади. Айниқса, шу учинчи участкада вазият оғир. Ҳатто иккинчи участка билан ўйналган социалистик мусобақада ҳам ютқазиб қўйилбди. Бу аҳволда олға силжишнинг ҳеч иложи йўқ. Одамлар жазирамада ишлашади. Тунги смена ташкил қилиш тўғрисида ўйлаш ортиқча, чунки обрўли мутахассисларнинг фикрича қўл шароитида тунда ишлаш мумкин эмас эмиш. Техникага доир масалалар ҳам ярим-ёрти ҳал қилинган. Ишчи кучи ва техника етишмайди. Бунақа жойга ким келади дейсиз! Хуллас, масала равшан. Шунинг учун Қудратдай мутахассиснинг етиб келишига катта умид боғлаган бўлишлари эҳти-

мол. Худойқуловнинг қўлидан эса ҳеч нарса келмаслигини аниқ. Шундай катта участкани унга ишэниб топшириш — қўйни бўрига топшириш билан баробар. Айтмоқчи, уни қайси гўрдаи топиб келиша қолдийкин?

...Икки йилча бурун янги бир шаҳар яқинидаги трассада ишлаб турган Қудратининг тўсатдан тоби қочиб қолган эди. Унга шаҳарга бориб докторга учрашишни маслаҳат беришди. Бироқ вақт кеч бўлиб қолгани учун у етиб келган маҳалда докторхона берк экан. Боши қотди. Сўнг шу яқин ўртадаги ресторанлардан бирига киради-ю, юз грамм ароқ буюради. У ароқни фақат бирор шифо бўлармикин деган ниятда ичмоқчи эди. Столнинг нариги четида бошини қўйи солганича кўзларини қўли билан яшириб ўтирган бир нусха ҳадеб пишиллар, ухлаяптими, йиғлаяптими, билиб бўлмасди. Олдидаги бир ишша ароқнинг ярмисигача ичилган, кружка тўла пивоси эса кўпикланиб турарди.

Қудрат стакани икки кафти орасига олганича жунжикиб, ичсаммикин, ичмасаммикин деб иккиланиб ўтирар эди. Шу пайт қаршисидаги ароқхўр бошини аста кўтариб, юзига тушган сочларини юқорига кўтарди-да, пўстак йиртигидай икки нурсиз кўзини сузиб боқди.

— Ўтмаяптими?— сўради у бошини хиёл чайқаб туриб. Варанглаган бу овоз Қудратни чўчитиб юборди.— Кўзни чирт юминг-да, ютвораверинг. Қиттак... ичак-чапоингизни жиз эткизади-ю, кейин жойини топиб боради... Ҳи-ҳи-ҳи... Маз-за қиласиз. Буу-тун... гам-гуссанин поқ... поқ... поққос унутасиз. Мана, мендан қиёс... Ҳар-рр куни ичаман. Илгари ҳеч ичмасдим. Энди ҳеч дам олиш йўқ... Ҳи-ҳи-ҳи.... Қудуқ... қудуқ.. бўп-қоппан шекилли...— у қўлини стол қиррасидан олган эди, қулаб кетишига сал қолди. Кейин зўрга ўзини ўнглаб олди-да, яна давом этди:— бари бир... менга бари бир... пул бўлса бор... келинг, уриштирайлик.. ҳа, балли.

Икковлари стаканларини уриштиришди. Аммо Қудрат ичмади. «Қудуқ» эса бир кўтаришда ичиб юбориб, лабларини енгига артди-ю, пивога қўл чўзди. Оғзининг икки чети оқиш кўпикка беланди.

— Бошимга оғир савдо тушди,— давом этди у лабларини яларкан,— ишдан ҳайдалдим. Таъминот бўлми мудирлигидан... Ҳи-ҳи-ҳи...

— Нимага ҳайдашди?

— Нималигини сўраманг... Епирай... Ичмабсиз-ку, улуг? Битта пиво чақиртирайми?

— Пуқ, ичмайман.

— Хуш-шш кўрмайсизми? Ҳа, майли,— у бурнини жийриб, кўзларини қаттиқ юмаркан, башараси худди офтобда қовжираб кетган бир палла қовун пўчоғига ўхшаб кетарди.— Нима деяётувдим? Ҳа, ҳайдашди. Кўргилик экан, сийнамга ўт қўйишди номардлар!— мушги билан кўкрагига икки-уч бор уриб қўйди:— саккизта тахта билан ўғри бўлдимми? Вой, каллаварамлар-эй... Бу дунёда ўғрилик қилмаган одам бормиди? Ҳ-ҳи-ҳи...

— Сизча ҳалол одам йўқ экан-да ҳеч?— тўғри гапиршига ўрганган Қудрат тутатиб кетди.

— Нима? Ё гапим... нотўғрими?

— Битта-яримта сизга ўхшагани бўлса бордир. Аммо қўлимизга тушса уруғини ўйнатиб юборамиз. Мана, ўзингиздан қиёе, боплаб думингизни тугишибди-ку? Аслида қамаш керак эди сизни. Бўшлик қилишибди.

— Бўшликка-ку бўшлик қилишди-я...— сурбетлик билан бақрайиб туриб гапирди у,— ўзим ҳам бўш келмадим-да, усталик билан чап бериб кетдим, билдирмадим.

— Нимани?

— Ёпирай... қовоқбош экансиз-ку. Бошқа ишларимни билдирмадим, тушундингизми? Вақтида ёпти-ёпти қилиб олгандим, ҳи-ҳи-ҳи... Еган қолади, ичган қолади. Олинг, кўтаринг, дўстим... Ичмайсизми? Ҳа, майли, майли... бизга бари бир...

У чўнтагидан дастрўмолини қидириб зўрға топди. Бошини яна сарак-сарак қилганича дастрўмолига бурнини чийиллатиб қоқа бошлади. Қудратнинг шунчалик ғазаби қайнаган эдики, қўлидаги стакан билан айлаптириб солгиси келди, бир кўнгли ҳозир милиция чақиртириб, бериб юбор дер эди. Аммо қайси далиллар билан бу ярамаснинг башарасини очиб бера оларди ҳозир. Унинг устига ўзи бетоб.

Маст киши яна бир қултум пиводан ютди. Сўнг бурнини торта-торта бармоғи билан Қудратга таҳдид қила бошлади.

— Мени айтди дерсиз, улугим. Булар ҳаммаси бир пул... Ҳа, бир пул.

— Нимаси бир пул?

— Қуришяпти, қуришяпти... ҳаммаси бир пул... Сиз менга дағдаға қилманг... ҳа... сиздақани мингтасидан кўрқмайман. Биласизми, мен кимман? Худайқулов... ўртоқ Худойқулов... Холдор Худойқулов!.. Ҳайдашавер-

син... ҳайдайверинглар! Бари бир, мен ризқимни топиб
ейман. Ҳали кўрасиз, Холдор Худойқулов ким бўлиб
кетаркин, ҳа, ким бўлиб кетаркин...

— Бекорларни айтибсиз!

— Қураверинглар. Бари бир... Вей, эртага нима бў
лишимизни билмаймизку...

— Оғзингни юм, аблаҳ!

— Нима дейсан?

— Падарингга минг лаънат дейман, ноумид шай-
тон!

Қудрат шундай бақириб юбордики, қўшни столдаги-
лар ҳангу манг бўлиб қолдилар. Сал нарида куйманиб
юрган официантка Қудратнинг кайфи ошиб қолди, деб
ўйлади шекилли, швейцарни бошлаб кирди. Баъзи ҳў-
рандалар ҳозир қаттиқ жанг бўлишини кутгандай хаво-
тирлана бошладилар. Кимдир: «Олиб чиқинг уни!» деб
бақирди. Қудрат эса ўрнидан сапчиб турди. Яна бир
парса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаётган Худойқулов-
нинг юзига тупурди-да, чиқиб кетди. Стол устидаги
ичилмаган ярим стакан ароқ эса чайқалганича қола-
верди.

Шундан кейин Қудрат бирор ресторан ёнидан ўтса
дарров ўша сўхтаси совуқни эслар ва ниҳоятда дили
хижил бўларди. Мана, ўша ароқхўр билан яна учраш-
ди. Учрашдигина эмас, ёнма-ён туриб бирга ишлайдиган
бўлди. Тавба, етти ухлаб тушига кирмаган ҳол. Яна ке-
либ-келиб... ундай деса... балки ўша маҳал мастликда
оғзига келганини валдираб айтиб қўя қолгандир, ким
билсин! Ахир ичкилик кишини не ҳолга солмайди. Бу-
нинг устига орадан икки йил ўтиб кетди-ку. Бу вақт
ичида одам неча марта панд ейти-ю, неча марта қанд.
Ҳар ҳолда сувнинг оқишини кўрмай туриб банд ташлаш
инсофдан эмас, дея ўйланиб қолди Қудрат.

* *

Катта-катта шаҳарлар, обод қишлоқларда ишлаб
ўрганган Қудратга бу ер жуда ғалати туюлар эди. У
бирор қулай жой тополмай, ёввойи тақир чўлда тенти-
раб юрар, ишни нимадан бошлашни билмай боши қо-
тарди. Одамлар нотаниш. Ҳали кимга қандай муомала
қилишни, кимдан маслаҳат сўрашни билмайди.

Барча ҳодиса, воқеаларни эса фақат четдангина ку-
затади ва ҳар замонда ўзинча нималарнидир чамалаб

кўради, холос. Йўқ, бунақа билан бўлмайди, ишга киришавериш керак, ишга!

Машиналар кетма-кет келиб шағал тўкаётган ерда қўлига дафтар, қалам ушлаган, малла сочларини бос-тириб, бари кенг похол шляпа кийган, бурни яссироқ, кўзлари кўм-кўк, хушрўйгина рус қизи билан учрашди.

— Сен нима иш қилаясан, синглим?— мулоимлик билан сўради у.

Қиз ялт этиб қаради. Унга, янги прораб ҳаддан ташқари тажани, ўлгудай дагал одам экан, деб етказишган эди. Шунинг учун худди бирор ёмон ҳодиса юз бериб қоладигандай қиз ундан ўзини опқочиб юрар ва натожи борица кўринмасликка ҳаракат қилар эди. Бироқ Қудратовнинг юмшоқ муомаласини кўриб аввалги муносабати ўзгарди. Беғубор, тиниқ юзига табассум югурди. Кўзлари билан кулиб, пистадай лабларига қаламинини қўйганича индамай дафтарини узатди.

— Қайси машина нечта рейс қилганини ёзиб турман,— деди у секингина.

— Учётчикман дегин?

Қиз бош силкиди, аммо жавоб қилмади.

— Отинг нима?

— Валечка.

— Нечанчи синфни битиргансан, унингчиними?

Қиз яна бош силкиди.

Одатда бундай саволлардан кейин нега институтга кирмаганлиги, ота-онаси борми-йўқми, ким бўлиб етиш-лиш орзусида эканлигини суриштира бошлардилар. Бу амаки эса дарров ғамхўрлик билан:

— Учётчиклик зериктиргани йўқми?— деб сўраб қолди.

Нима деб жавоб бериш керак, йўқ деса, ёлғон гапирган бўлади, ҳа деса...

— Билмадим

— Ҳов анави акаларингдай агрегат бошқариш сенга ёқадики?

Валечка ўйланиб қолди.

— Билмадим...

— Нега билмайсан?— Қудрат унинг юрагида нима борлигига қизиқди.— Сенга машинистликни ўргатаман дейишса, кўнарнидинг?

Оҳ, бу жуда кўнгилдагидай гап бўларди-ку. Қошқийди шунақа иш қўлидан келса. Бир минут ҳам жим турмасди. Худди бўрон даҳшати билан олишган лочин қушдай чўллар устида парвоз қиларди. Ахир қурилиш-

га келишдан мақсад ҳам бирор қаҳрамонлик кўрсатиб, ўз тенгдошлари ичида ном қозониш эмасмиди! Бу ердагилар эса унинг орзуси билан ҳам қизиқишмади. Чанг ютиб, машиналар орасида ўралашиб юравер, дегандай қўлига қалам, дафтар тутқазиб қўйишди. Бунақа вазифа учун ўзини синфни битиришнинг ҳожати йўқ экан. Сал маълумоти бор болалар ёки уйда бени зерикиб ўтирган кампирлар ҳам ўқиткилик қилавераркан.

— Бригадирни танийсанми?

— Ҳа. Ўртоқ Волков...— ҳу, ана...— Валечка қайси бригадирни сўраётганини дарров тушунди.

Автомашина кузовидан белкурак билан шағал тушираётганларни кузатиб турган кенг ягринли, майкачан шофер яқин келди.

— Мени чақирдингизми?— сўради у.

— Салом, аввал танишиб қўяйлик, мен Ёдгоровман.

— Эшитдик-эшитдик, салом ўртоқ Ёдгоров. Хўп келдингиз-да, биродар. Зора энди ишларимиз жадаллашиб кетса. Қаранг, боядан бери қараб турибман, беш-олти кишилашиб битта кузовни бўшатишолмайди. Шунга кетган вақт ичида яна битта рейс қилиш мумкин эмасми, а? Эҳ, одамларга ҳам қойилмасман-да ҳеч..

— Бу тўғрида кейин гаплашамиз.— Унинг сўзини бўлди Қудрат,— ўртоқ Волков, бугундан бошлаб Валечка машинистлар бригадасига шогирдликка ўтади.

— Бизга ким контроллик қилади унда?

— Ҳеч ким. Мен сизга ишонаман. Ўз аъзоларингизнинг ҳалол ишлашини таъминлаб турсангиз бас. Гапга тушунгандирсиз?

Волков катта ва қурушқоқ кафтлари орасига Қудратнинг қўлини олиб силкита бошлади. У хурсанд эди.

— Қойил, қойил, биродари азиз! Хўп одам қадрига етадиганга ўхшайсиз. Мен шу фикрингизни минг марта айтганман буларга. Мажлисларда гапирганман. Ҳой, биз шакар ёки бугдой ташиётганимиз йўқ-ку, бирор рейсини ўмариб кетсак. Бийдай даштда кимга шағал зарур экан, билмадим. Йўқ, булар билганидан қолишмади. Алам қиларкан кишига. Ахир бизнинг юрагимизда ҳам чинакам ҳис йўқ дейсизми. Шофер халқи сиздай ўғил болани яхши кўради, қойилман. Оқ йўл, сенга Валюша!

— Раҳмат, Дмитрий Георгиевич!— машинаси олди-га кетаётган Волковга қўл силтаб қолди Валечка.

Тешавой қизини ўз бригадасига қабул қиларкан, янги прорабнинг бу «ташабуси»га тушунолмай елкасини қисиб қўйди. Худойқулов эса Қудратнинг орқасидан масхараомиз лабини чўччайтириб қолди.

Атрофдаги тартибсизликлар, энг зарур нарсаларнинг қаровсиз, чанг-тўзонга беланиб ётиши, машинистларнинг хоҳлаган вақтда ишлаб, хоҳламаган вақтда ишламасликлари, механизмларнинг таниб бўлмас даражада ифлос тутилишини кўриб Қудрат қаттиқ хафа бўлди. Шунчалик совуққон, виждонсиз буладими одам? Қанчадан-қанча маблағ сарфланган техникага — давлат мулкига ичи ачимаганларига ҳайронсан!

Ишдан кейин у ҳаммани олиб қолиб агрегатларни ювиш, тозалаш, мойлаш, бутун қисмларини ярқиратиб қўйишни буюрди. Сув, ёнилғи сақланадиган бочкаларни иш майдонидан анча нарига қўйиш керак. Машиналарни ҳар ер-ҳар ерда қолдиришга барҳам берилсин. Уларни бир ерга қатор терилмай, бакларни ёнилғига тўлғазмай, эртанги кун учун таппа-тахт қилиб қўймай ҳеч ким уйига кетмайди!

— Эртадан-кечгача эшакдай ишлайсану, яна ҳам-моллик қилдирганига ўлайми,— деб бақирди Қудратга эшиттириб кимдир.

— Янги супурги янгича супуради-да!— қўшиб қўйди яна бошқаси.

Қўпчилик, қани нима жавоб қиларкин, дегандек Қудратга қараб қолишди. Бир зумгина атроф жимликка чўкди. Худойқулов ҳам ишини тўхтатиб, вазиятни зимдан кузатарди. Илгарги шунақа гап қилганлар билан қандай муомала қилишини-ку биларди-я, лекин ҳозир машинистларнинг норозиликларини кўриб, у ҳузур қиларди. Фақат уста Махсумгина Қудратнинг ёнини олди:

— Маъруф!— деди у жаҳл аралаш гап отган йигитга яқинлашиб.— Ҳаммагиз бир кишига ёпишиб олсангиз яхшими? Ахир бу киши бизнинг фойдамизни гапир-яптику!— Уста Махсум унга шундай қаттиқ тикилдики, Маъруф кўзини унинг назаридан аста опқочишга мажбур бўлди.— Оғзим бор деб гапиравераркан-да! Дарров кечирим сўра, акангдан!

— Кечирасиз, Қудрат ака...— деб буйруқни бажо келтирди. Маъруф.

Аммо Қудрат ўзини ҳеч қандай гап эшитмаганга солиб, бир қўллаб бўлса ҳам машиналарини тозалашда одамларга кўмаклашар, йўл-йўриқлар кўрсатарди.

— Эртадан иш вақти ўзгаради,— деб қолди у анча-

дан кейин,— Худойқулов, ҳаммага эълон қилинг. Ишни эрталаб соат олтидан бошлаймиз.

— Олтидан қачонгача?

— Кечқурун ўнгача.

Трассани қий-чув босиб кетди. Кимдир чийиллатиб хуштак чалди. Баъзилар «ух!» деб юборишди. Яна бировлар сўкина бошлади.

— Ўн олти соат ишлаймизми?

— Йўқ,— дея хатосини тўғрилади Қудрат.— Кундузги ўндан кеч соат олтигача дам оламиз. Чунки ҳозирги куннинг иссиғи одамнинг мазасини қочириб қўяди. Тушунарлими?

Бу таклиф Холдордан бўлак барчага маъқул тушди.

— Аввал ўйлашиб кўрсак бўларди-да, улуғим.— Мулоҳаза қила бошлади у,— бошлиқлар нима деркин?

— Бошлиқларга ўзим жавоб қиламан.

— Ҳақ гапди насини ўйлаяжаксизсиз, яшулли?— ранжиган оҳангда сўз қотди хоразмдан келган бир йигит,— тўғри гап, иссида ўлажакмизми ахир?

— Ёпирай? Катталарнинг гапига тумшуғинини тиқмасанг-чи, Мажжон,— қарши чиқди унга Худойқулов,— салқини тушгандан кейин битум қоришмаси тошдай қотадигу, бир чақага арзимамай қолади. Бу ёғи ҳам бор-да.

Қудрат гапнинг «бу ёғини» ҳам ўйлаб қўйган экан.

— Битум ишлари учун алоҳида смена тузамиз. Улар навбатма-навбат чошгоҳда ишлайдилар.

Шу кундан бошлаб эски тартибларнинг ҳаммасига барҳам берилди. Ҳеч кимнинг ақлига келмаган ўзгартирилганлиги ижобий натижа бера бошлади. Айни иссиқ авжига чиққан маҳалда ишчилар ўз уйларига кириб мириқиб ухлашар, кўнгилли дам олишар, китоб ўқиш, масала талашишлар учун ҳам вақт топиларди. Фақат янги прораб билан ҳамма апоқ-чапоқ бўлиб кетмади. Нимагадир кўпчилик ундан хавфсирар ва ҳар қандай тасодифий ҳодисаларга қарши шайланиб турарди.

Одамлар трассага юк машинасида бориб, яна шу машинада қайтадиган бўлдилар. Иш соатларининг ўзгартирилганлиги ижобий натижа бера бошлади. Айни иссиқ авжига чиққан маҳалда ишчилар ўз уйларига кириб мириқиб ухлашар, кўнгилли дам олишар, китоб ўқиш, масала талашишлар учун ҳам вақт топиларди. Фақат янги прораб билан ҳамма апоқ-чапоқ бўлиб кетмади. Нимагадир кўпчилик ундан хавфсирар ва ҳар қандай тасодифий ҳодисаларга қарши шайланиб турарди.

Баъзилар ғийбат қилиб: «Ёдгоров деганимиз жуда амалпарастга ўхшайди. Бошлиқларга ўзини кўрсатиб, мавқеини мустаҳкамлаб олмоқчи. Бизларга кун бермай-

ди бу» дейишарди. Бундай пайтларда Худойқулов уларнинг пинжига кириб, ишчилар орасида ўз обрўсини ошириш пайдан бўларди.

— Ошиқманг, огайнилар,— дерди у, гўё янги прорабни ўз ҳимоясига олган бўлиб,— ўртоқ Ёдгоров тадбирли одам. Фақат биздаги тартибларни ҳали яхши ўрганиб олмаган шекилли. Тажриба орттириб, сал йўлга тушиб олсин, кейин иш кўрсатади.

— Иш кўрсатади? Тажрибасиз одам қандай иш кўрсатиши мумкин? Кўрга ҳам хасса керак. Ҳеч бўлмаса коллективни йиғиб, ўртоқлар, менинг бошим қотиб қоладиганга ўхшайди, ёрдам беринглар, судралишдан қандай қутулиш мумкин, деб маслаҳат солмайдими? Келган кунидан бошлаб ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб юборди. Мана энди, боши калавлаб қолди.

— Сизнинг ҳам тажрибангиз йўқ эди,— ҳамдардлик қила бошлади яна бошқаси Худойқуловга қараб,— ҳаммамиз билан маслаҳатлашдингиз, планларингизни айтдингиз, кейин ишимиз юришиб кетувди.

— Тўғри, тўғри огайнилар,— ичидан севиниб гапирди Холдор,— аммо ҳар кимнинг усули бошқа бўларкан. Мен сизлардан ҳеч нарсани яширмасдим, юрагимдагини очиб солардим. Орамизда сал-пал хархашали гаплар ўтиб турарди-ю, аммо ҳаммаси иш юзасидан бўларди. Меҳнат қайнаган жойда бусиз мумкин эмас экан. Мени йўриғим бошқа. Бу улугимизга келганда, ўзингиз кўриб турибсизки, у ўз билганидан қолмас экан. Ҳамма нарсани ўзича ҳал қилмоқчи. Сиз-ку сиз, бошлиқларимизни ҳам назар-писанд қилмай қўйди у. Майли, сув айлашиб-айланиб охири ўзанини топиб олар, сабр қилайлик-чи...

— Э, бунақаларнинг кўпини кўрганмиз. Бизни гўл фаҳламасинлар. Яхшиси, обрўси борида туёғини шиқиллатиб қолгани маъқул.

— Ўзларини донишманд қилиб кўрсатмоқчиларда. Эҳтиёт бўлсинлар, яна бурниларини қонатиб қўймайлик.

Худойқулов ўз тарафдорларининг кўпаяётганидан мамнун эди. Ҳатто тез-тез даҳанаки жанг қилиб, шерикларига қўл кўтаришдан ҳам тоймайдиган Мардонов сингарилар билан ҳам ошна бўлиб олишга интиларди. Ҳа, у ўз жиловини осонликча Ёдгоровнинг қўлига топшириб қўймоқчи эмас. Ахир илгарги қўлини қаёққа чўзса ставерар, истаганда бировнинг иш ҳақини ошириб ёки камайтириб ёзишга ҳам ҳуқуқли эди. Энди-чи, ана шу-

ларнинг барчасидан маҳрум қилишмоқчи уни. Йўқ, чучварани хом санабдилар. Худойқулов кимлигини кўрсатиб қўяди ҳали.

Худойқулов бошлиқларга ўзини ишчан, уддабурон қилиб кўрсатишни биларди. Вақти келса, энг юқори мартабага ҳам кўтариламан деган умид билан юрар эди. Афсуски, ана шу аранг қад кўтариб келаётган қасрини қулатмоқчилар. Унинг жиловини Ёдгоровнинг қўлига тутқазиб қўйдилар. Энди Холдор Қудратнинг айтганини қилади, югуради-елади, измидан чиқишга ҳадди сизмайди. Бостирма қуриш учун колхоз раҳбарларига учраб, материаллар сўрайди. Аллақандай занг босган машиналарни эпақага келтириш, ремонт устахонаси ташкил қилиш, ёнилги тақсимлаш учун махсус колонкалар ўрнатиш каби ишлар ҳам унинг бўйнида. Худди атайин қилаётгандай Қудрат унинг бўйнига янги иш ва янги топшириқларни юклайверади. Хуллас, Худойқуловнинг чоп-чоп, югур-югурдан боши чиқмайдиганга ўхшайди-да. Оҳ, кошкийди шу тартибларнинг ҳаммаси ҳозир чаппасига айланиб, остин-устин бўлиб кета қолса-ю, Холдор яна ўзининг ўша қулаган қасрини қайта тиклашга муюссар бўла олса. Бирор чора йўқмикин-а? Мана, ишчилар ўртасида унга қарши озгина бўлса ҳам, ҳар ҳолда норозилик туғила бошлади-ку? Шу норозиликлар кучайиб, катта жанжалга айланса, кейин Қудрат билан бошлиқлар ўртасида ҳам бирор низо чиқиб қолса... Лекин қачон, қандай?..

Унинг бахтига Тешавой бир кун Қудратдан иолиб, ёққа тушган пиёздай жизғанаги чиққан ҳолда югуриб келди:

— Э, оға, бу на деган гап? Ё у турсин трассада, ё биз... Ҳаммани қўйиб, бизди имтиҳон қилмоқчимиз, энди шу қолувдимиз?

— Ёпирай, нега имтиҳон қиларкан? Янгилик.

— Ҳе, шу ҳам янги гапми, ҳаддидан ошмасин, айтинг. Худди бошимди олиб жўнаб қоламан бу жерден. Бизлар саводсизу, у кишим олим эканлар. Бари машинистларди чийриқдан ўтказармиш.

— Бундан ҳеч хабарим йўқ, ёпирай...

— Э, «ёпирай»»изди қўйинг, оға, шу тобда қоним қайнаб турибди худди. Ҳеч қандай назариясиз бир чиройли ишлаб юрувдигу. Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, қай жерден кеп қолди, у хирмонға?

Холдор қувноқ табассумини яшириб, жиддий қиёфага кирди.

— Ўзингизни босинг, Тешавой,— деди у,— сал ҳоврингиздан тушинг, оғайни.

— Э, бўганим шу!— унга сўз бермай жигибийрони чиқиб гапирарди бригадир.

Ҳамма механизатор ишчилар ва ҳатто бригадирнинг ўзи ҳам назарий билимларини кўпдан бери кераксиз бир нарсдай четга қўйишган эди. Фақат амалий тажрибалари билангина яшар эдилар. Шунинг учун имтиҳон деган сўз уларга ёқмас, чала-чулпа жавоб бериб, шарманда бўлишдан чўчирдилар.

— Ахир, ўйланг-да, бир вақтдаги китобий гаплар кимди эсида турибди ҳозир?— жаҳлидан тушмай гапирди Тешавой.— Сизди даврингизда бундақа гаплар йўқ эди-ку?

Худойқулов унга хайрихоҳлик билдириб, хўрсиниб қўйди. Кейин сертакаллуфлик билан уни қўлтиқлаб олди-да, четроққа олиб чиқди. Бу ерда уларнинг суҳбатига ҳеч ким халал бермасди.

— Парво қилманг, оғайни,— деди у атрофга аланглаб. Бунақа мевасиз дарахт узоққа томир отолмайди. Ҳали хомсан— пишарсан, бу шаштингдан тушарсан, деган гап бор. Бузоқнинг юургани самонхонагача. Сабр қилинг. Тез кунда думини тугиб юборамиз унинг. Тешавой ҳеч нарсага тушунолмай анграйиб қолди.

— Оға, бу гапингизди остида бир сир бор-ов?

Холдор кулди.

— Мен сизларнинг ғамингизни ейман, оғайни. Бошқа қанақа сир бўлиши мумкин. Агар шу аҳволда қўл қовуштириб тураверсак, улуғим ҳаммамизнинг елкамизга миниб олади, шунинг учун гапни битта қилайлик. Ҳар биримиз норозилигимизни хатга ёзиб, бошлиқларга берамиз, кейин ўзини мулла минган эшакдай қилиб қўйишади. Тушиндингизми?

— Рост айтасиз, оға, балоди олдини олмасак бўла-ми, йўқасам, тоза нағора базмига ўйнатади бизди, илло, билло сўзингиз ҳақ.

«Э, ҳа, сени ҳам қайраш мумкин экан-ку»,— деди Холдор, қаноат ҳосил қилиб. У темирни айна қизиғида босишга ўтди.

— Ҳамма гап сизда энди, тез бўлинг, оғайни.

— Нимади оға?

— Аризани ёзинг деяпман-да. Шундай-шундай, у бизни одам қаторида кўрмайди. Ҳеч биз билан келишмай-нетмай, ўзи билганча иш тутади. Таптиш қилгани қилган. Бунақа ҳақоратга қандай чидаймиз. Тезроқ бу-

нинг олдини олсангиз олдингиз, олмасангиз, баримиз ишдан кетамиз, деган мазмундаги гаплар билан дўнди-расиз. Шундан бошқа чора йўқ. Ана, тушундингизми?

Холдор ўз маслаҳатидан ўзи завқланиб, бирдан хохо-лаб юборди. Унинг бу кулгиси янгигина тухум қўйиб чиққан товўkning қақалашига ўхшарди. Тешавой ҳам унинг тадбирига қойил қолгандай мийиғида кулиб қўй-ди. Лекин унинг кайфи бир неча секунддан кейин ўзгар-ди, ўзидан-ўзи ўнғайсизланиб, юзларида ташвиш ало-мати пайдо бўлди.

— Мен арзи дод ёзсам қандай бўларкан-а, огам? Бундақа ишга ҳеч қўл урмагандим-ку?

— Ёпирай... сиз билганингизча дўндираверинг, қол-ганини ўзим ўринлатаман. Ё юрак йўқми? Қўрқманг, оғайни. Биз купчиликмиз, у ёлғиз ўзи... «Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас».

Тешавой иккиланиб қолди. Аммо Холдор бўш кел-май, авраб-чавраб охири кўндиришга муяссар бўлди.

Холдор шу кунни тушга яқин Ботиров билан учрашди. У бош инженерга ҳам Қудратнинг «ўзбошимча»лигидан қисқа ахборот бериб қўйишни лозим кўрган эди. «Деяр-ли ҳамма норози ундан. Ҳатто қурилишдан жўнаб қо-лиш пайида юрганлар ҳам оз эмас. Масалан, Тешавой Собиров. Уни алдаб-сулдаб зўрга шаштидан қайтар-дим» деб мақтанди.

Ботировнинг япалоқ юзлари ифодасиз, бурни ясси-роқ, кўзлари одамга бақрайиб боқар, унда кишини дар-ров ўзига жалб қиладиган бирдан-бир нарса — қални қошлари эди. Бирор янгилик эшитганда ёки ҳаяжонга тушган маҳалда қошлари тез-тез учиб турарди. Бироқ ҳозир қимир этмай, худди суратдагидек чимирилганича қотиб турарди. Бу ниманинг ифодаси экан? Холдор бу-ни тушунолмасди.

Ботиров аввалига Қудратнинг шунчалик тез ишга берилиб кетганлиги учун қойил бўлиб юрди. Унинг чақ-моқдек чақнаб, қурилишга бирданига жон киритиб юборгани, ҳаммани қаттиқ ҳаракатга солиб қўйгани дуруст. Аммо, бу Пардавойнинг иззат-нафсига тегиб кет-ган эди. Келганига бир ҳафтадан ошса-ю, бирор марта кириб, мен мана бундай қилмоқчиман, сиз бош инженер сифатида нима дейсиз, деб маслаҳат солай демайди-я! Ўзича иш соатларини ўзгартирди, уни у ишдан олиб бу ишга, бу ишдан олиб у ишга тайинлади. Наҳотки, ҳамма-сини бир ўзи ҳал қилмоқчи? Кибирликка берилиш ҳам эви билан-да! Худойқуловнинг гапида жон бор. Ишчилар-

нинг бир қисмини ўзига қарши қилиб қўйган эмиш, уларни қурилишдан бездираётган эмиш. Ундан кўра ҳамма билан апоқ-чапоқ бўлишни кўзласа-чи! Йўқ, бунақада у узоққа боролмайди...

Қудрат ишга боши билан шўнғиб кетган, ўз янги режалари билан банд. Унда ҳеч қандай имтиҳонбозликка интилиш ҳам йўқ. Фақат ишчиларнинг техника хавфсизлиги соҳасида қанчалик билимга эга эканликларини билмоқчи, холос. Чунки машинистлар механизмларга худди бир эшак арава деб қарайдилар, истаган жойларида қалдиратиб кетаверадилар, заправка вақтида, механизмларни тозалаш, мойлаш ва кузатиш маҳаллари ҳеч эҳтиётликка риоя қилмайдилар. Улар зарурий асбоб ускуналарни қаерда сақлашни ҳам билмайдилар. Мардоновнинг кабинасидан чоракталик шиша тўла спирт топилди. Одамлар тўғри келган ерда бемалал папирос чекишаверишади. Бунақада бирор кори ҳол юз бериб қолиши мумкин-ку? Шунинг учун Қудрат уларни янги инструктажлар билан қуроллантириш ва ўзларида бор билимларни ҳам секин-аста могорлатиб қўймасликларининг ғамини ерди. Машинистлар газета ўқиш, янги журналлар билан танишиш у ёқда турсин, оламда нима ҳодисалар юз бераётганидан ҳам беҳабарлар. Техника янгиликлари, кашфиётлар, рационализаторлик таклифлари билан қизиқмайдилар. Бирорта ижодий иш билан шуғулланиш, ҳатто резервлар излашни ҳам унутиб қўйганлар. Яна булар коммунизм қурувчилари эмиш. Уят-э! Қудратнинг бирдан-бир мақсади — уларнинг ҳаммасида ҳақиқий фанга қизиқиш уйғотиш, янгиликларни билишга, ўрганишга ҳавас туғдиришдангина иборат. Улар ўз қўллари билан нималар яратиш, нималар ишлаб чиқаришга қодир эканликларини билиш олишлари керак!

— Бу ташаббусингизни табриклайман! — деди Ботиров Қудратнинг ана шу муддаосини билиб, — аммо биринчи қадамнингизни чакки босибсиз. Маъруф билан уришмаслик керак эди.

Қудрат кулиб қўйди:

— Э, у бола тушмагур тажангроқ хилидан экан. Ва-жоҳатини кўрганда йўлбарс қўрқади... Ўзига яраша илми бор. Белкурак билан машинага шағал ортиб, шағал тушириб юргандан кўра бирорта ҳунарнинг бошини тутса бўлмайdimи? Ундан берироқлар ҳам механизмларни бошқаряпти-ку? Шунини тушунтирсам дағдаға қилади менга. Унга қараганда ёшим каттароқ, ҳеч бўлма-са шунини назарида тутиб, менга қаттиқ гапирмаслиги

керак эди. У бир гапдан қолса, қулоғини кесар экан. Қит-тай айтишиб қолдик. Кейин уста Махсум келиб икки-мизнинг таъзиримизни берди. Аммо уни кўпроқ койиди. Ахир ўзингиз ўйланг, Пардавой ака, шу Маъруф билан ҳалиги оти нимаиди, қозоқ йнгитимиз борку, ҳа, ҳа... Ша-кен, шуларни ҳам ўқитиб, машинистликни ўргатиш нега мумкин эмас? Нега бир эмас, еттига одам эртадан-кечгача фақат шағал тўкиш билангина кунини ўтқа-зади? Бу ишни икки-уч киши бажарса ҳам бўлади-ку ахир? Яна ишчи кучи етишмайди деганимиз ортиқча.

— Нима, бу ерда университет очиб берайликми?

— Университет бўлмаса ҳам илмий тўғарак ташкил қилиб, техминимумлардан дарс беришимиз мумкин.

— Ким олиб боради тўғаракни? Қим дарс беради, бу ёғини ҳам ўйлайсизми?

— Бу ёғини ўйлаб қўйганман. Сиз, мен, уста Махсум, Тешавой бор... Ундан ташқари, ҳар бир тажрибали ма-шинистга биттадан шогирд бириктириб қўямиз. Дарсга қатнашувчилар назарий, билимларини бойитиш билан бирга, амалий тажриба ортираверадилар.

Улар биринчи марта шундай бамайлихотир ўтириб, бафуржа суҳбатлашмоқда эдилар. Ҳовлида кечки ша-бада кезиб юрар, ҳовли саҳнида очилган атиргулларнинг ям-яшил садарайхонларининг хушбўй ҳидини олиб келар эди. Ерга шакароб қилиб сув сепилган, гулзор ёни-даги шоҳсупага кўрпачалар солинган эди. Орийат буви бир лаган узум келтириб, хонтахта устига қўйди, аммо иккала йнгит ҳам унга қўл узатмай, суҳбат билан оворалар.

Гап айланиб келиб лойиҳа масаласига кўчди. Бу тўғ-рида ҳам Қудратнинг мулоҳазалари бор экан. Нуруб водийсига борадиган трасса негадир айрим қишлоқлар-ни четлаб ўтиши керак? Бунинг сабаби нима? Наҳотки ўртадаги аллақандай жарлик гуфайли аҳолига қулайлик туғдиришдан воз кечсак!

— Мумкин эмасдирки, шундай қилишгандир,— бе-парво жавоб берди Пардавой,— бунақа нарсаларга аралашавериш бизнинг вазифамиз доирасига кирмайди. Шусиз ҳам ишимиз бошимиздан ошиб ётибди. Ўзимиз-га енг бўлолмаймизу, бировларга бўй бўлишни ким қў-йибди бизга?

— Билмадим... Таваккалчининг ишини худо ўнглار, қабилидан бўлганми, дейман-да.

— Янглишасиз,— негадир қип-қизариб кетди Боти-ров,— давлат ишларида таваккалчилик кетмайди. Ҳам-

маси пухта, ўйланиб қилинган. Мавжуд лойиҳанинг афзаллик томонларини... сиз билмайсиз ҳали...

Унинг тили тутила бошлади. Бирданига қонлари ҳам чимирилиб, ҳаяжондан ўзини босолмай қолди.

— Сиз айтгандай қилсак... қурилиш икки-уч баробар қимматга тушиб кетади,— тушунтира бошлади яна,— муддат-чи... ишни ўз муддатида бажаролмай қолардик... Ундан ташқари, у ерлардан трасса ўтадиган эмас асти. Қатор жарликлар, чуқурликлар... Аввало тупроқ қатлами нобоп. Аҳён-аҳёнда ўпирилишлар ҳам содир бўлиб туради. Ҳар қалай... йўқ, Қудратжон, сиз бу ерларнинг табиий тузилишидан беҳабарсиз... Қўйинг, яхшиysi, сиз бундай нарсалар билан бош қотириб юрманг. Буюрилган ишни қилаверинг!

Қудрат елкасини қисиб, синовчан кўзлари билан унга тикилди-да, яна ерга қаради. Пардавойга эътироз билдиришдан зўрга ўзини тийиб қолди. «Сафсатабозликни қўй, буюрганни бажараверсанг-чи, деб менинг фикримни тухум пўчоғидай мажақлаб ташлаяпти», деб ўйлади ичида. «Сен менга тегма, мен сенга тегмай, дейдиган хилиданга ўхшайди бу азамат». Қудрат бунақа одамларни ёқтирмасди. Агар аҳвол шу бўлса ораларида қаттиқ тўқнашув туғилиб қолиши эҳтимолдан узоқ эмас. Ахир қурувчи деган атрофга очиқ кўз, соф виждон билан қараши керак-ку? Фақат хўжа кўрсингагина ишлаш, совуққонлик, кўр-кўрона итоат— яратувчининг энг ашаддий душмани эмасми? Қудратни худди шундай деб ўқитган эдилар.

— Уни қўйинг, бунини қўйинг,— унинг хаёлини чўрт бўлди Ботиров,— участкани ўпирилишдан тезроқ қутқара олишингизга кўзингиз етдими, йўқми? Бутун умидимиз сизда.

— Билмадим. То у ёқ-бу ёқни эпақага келтириб олмагунимизча ҳеч нима деёлмайман ҳали. Ундан ташқари, бу фақат менгагина эмас, сизларга ҳам боғлиқ-да.

— Масалан?

— Масалан, етишмовчиликлар жуда кўп. Бу ҳақда сизларга батафсил ёзиб юборгандим, натижасини кутиб ётибмиз... ҳеч қандай мулоҳазаларингизни эшитганимиз йўқ ҳали. Талабларни тузлаб қўймасдан тезроқ қондиринглар-да,— софдиллик билан гапирди Қудрат, сўнг қизариб кетди.

Ботиров қўлига олган бир шингил узумни яна қайтариб лаганга қўйди.

— Талабларнингиз тўғрисида ўртоқ Салимов сиз билан гаплашиб олмоқчи.

Бу хилдаги мужмал жавоблар Қудратни қондиროлмасди. У тезроқ амалий ишга ўтмоқчи эди.

— Сиздан илтимос, одамлар билан жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилинг. Ортиқча жиззакиликни кўтармайди бу ер. Ҳаммасининг феъл-атворини қўриб турибсиз, бор-эдеб қурилишни ташлаб кетишдан тойишмайди,— деди бош инженер. Бир оз ўйланиб туриб яна гапида давом этди:— Ҳозирнинг ўзида ҳам бургага аччиқ қилиб, қўрпани куйдирмоқчи бўлиб юрганлар йўқ эмасмиш. Тешавой сиздан норози. Маъруф ҳам ҳалигидай... Худойқуловнинг айрим камчиликларини назарга олмаганда, ҳамма билан баҳамжиҳат бўлиб ишлашда баҳоси йўқ одам. Ҳеч бўлмаса алдаб-сулдаб ишга солади у.

Қудрат бош инженерга кўз сузиб қаради:

— Шунинг учун участка орқага қараб кетган эканда?

Ботиров сўзини биров бўлганда жаҳли чиқар эди, у Қудратга қулоқ солмай, қовоғини уйиб, гапида давом этди:

— Ҳар бир одам учун жавобгарсиз. Масъулиятнинг бу томонларини ҳам сезинг да.

— Бошқаларни билмадиму, аммо Худойқуловнингиз ҳақида шуни айтмоқчиман: у қурилиш ишидан бутунлай йироқ, еттиёт бегона одам. Қандақа қилиб уни бу ерга...

— Янглишманг, Қудратжон. Худойқуловни менчалик билмайсиз ҳали. Уни қурилишга ўзим олиб келганман. Тўғри, айтарли даражада билимга эга эмас, тажрибаси ҳам йўқроқ. Бу фикрингизга қўшиламан. Шунинг учун прорабликдан техниклик вазифасига туширдик. Аммо одамлар билан муроса қилишга келганда тенги йўқ. Уддабуролик жиҳатдан ҳам унга тил тегизиб бўлмайди. Бирор топшириқ бериб кўринг, худди тиш-тирноғи билан ёпишадан қурмагур. Қўлидан келмаган нарсага ёпишавермайди.

Қудрат аччиқ бир нарса ютгандай ижирғандию, аммо ўзини босиб олди. Тишини тишига қўйиб, бошини қуйи эгди, у дастлабки кунларданоқ ораларидаги муносабатнинг бузилишидан қўрқарди.

— Ўтинаман, мени Холдорга нисбатан бирор ғарази бордир деб ўйламанг, Пардавой ака,— деди у яна,— аммо мен унинг пок одамлигига ишонмайман. Чунки... Бу ҳақда кейин ўзингизга батафсил гапириб берарман. Ҳозирча тушунмайсиз бари бир.— Қудрат Худойқулов тўғрисида билганини икки-уч оғиз сўз билангина ифода-

лаб беролмаслигини билиб, қийпалаётган эди.— Нима десангиз деи,— қўшиб қўйди у ўзини зўрга босиб,— меннинг учун ундақа одам билан баҳамжиҳат бўлиб ишлаш ўлимдан баттар.

Пардавой индамади. Фақат қовоғини уюб, қошларини тез-тез пирпиратганича шиғаб узум ея бошлади. Агар кўққисдан кириб келган Назокатхон уларнинг диққатини бўлмаганда, балки суҳбатлари яна шу таҳлитда давом этаверарди.

— Келинг, болам, келинг, айланай,— қучоқ очиб кутиб олди уни кампир.— Эсонмисиз-омонмисиз?

Назокат йиғитлар билан ҳам сўрашди. Ботировнинг шунчалик энсаси қотган эдики, ҳатто ўрнидан қўзгалгиси ҳам келмади. Назокатни жини ёқтирмас эди, шунинг учун уни жуда совуқ қабул қилиб, таъби хира тортгандай афтини жийириб қўйди.

— Бо-омисиз?— пўписа аралаш сузилиб боқди Назокат Қудратга ва супа лабига ўтириб ширингина чамадончасидан бинт, кичкина флакончада дори ола бошладди,— дому дараксиз кетдингиз! Ўша кун айтмабмидим кечроқ яна кириб ўтинг деб?— у Қудратнинг қўлини еча бошладди.— Вой бў, могор босиб кетибди-ку, савилни?

Ҳақиқатан ҳам Қудратнинг бинт боғланган қўли чанг-тупроқ, мойга беланиб кетган эди. Хайрият, ўша кунги дори шифо бўлганга ўхшайди. Жароҳат ўрни тарам-тарам бўлиб, ингичка тортиб қолибди.

— Опоғойи, нима овқат қиляпсиз?— дея ўчоқ бошида куйманиб юрган кампирга мурожаат қилди жувон.

— Ош, болам, ош.

Назокат қиқирлаб кулди.

— Қаранг-а, ошнинг устидан чиқибман-а. Қайпанам суйган одамман-да ўзим.

— Ҳа, болам, кўрпачага чиқиб бирпас ўтирсангиз, ҳозир гатоп қиламан.

— Вой айланиб кетай ўзимнинг опоғойимдан.

Назокат Қудратнинг ярасини яна маҳкам боғлаб қўйди.

— Қўлингизни совуқ сувга урмаи,— деди у,— газак олиб қолади. Одамнинг айтганини қилмасангиз худди ҳа-да. Эрталаб бир, кечқурун бир олдимга кириб ўтинг, хўпми. Орқангиздан югуриб юрмайини. Сал тартибга чақириб қўйсангиз-чи, Пардавой ака. Бу кишингиз жуда интизомсиз чиқиб қолдилар. Қўлларини мен оталиққа олганманми, йўқми? Тезроқ тузалиши кимга боғлиқ?

Пардавой мийингида кулиб қўйди.

— Сиз оталиққа олган бўлсангиз Қудратжоннинг ҳолига вой экан-да?

Назокат очилиб кулди.

— Нега унақа дейсиз, Пардавой ака, наҳотки мендан бирор гумонингиз бўлса?

— Гумоним йўғу, лекин овчилигингиздан хабарим бор.

Назокатнинг юзларига қизил доғлар югурди. Буни сезган Пардавой дарров гапини ҳазилга йўйиш учун кулди.

— Хафа бўлманг, бу шунчалик гапи...

— Савил, гап ҳам ўлсин, орқа-олдига қараб гапирилмаса!

— Ййе, ана холос, кўнглингизга қаттиқ олднингизми дейман? Тавба қилдим бўлмаса, кечиринг. Ҳазилни унча кутаролмас экансиз, билманман.

— Йўқ, ростмана ҳазил бўлса, кутараман,— ўзини тутиб олди Назокат, кейин Қудратга қаради,— айтганимни унутманг-а, эрталаб кутаман.

У кетмоққа тараддудланди.

— Қаёққа борасиз, ўтиринг, ҳозир овқат келади, ўтиринг,— Пардавой ҳалиги хатосини ювиш учун самимий муомалага ўтди.— Кампир, меҳмонга кўз-қулоқ бўлиб туринг, қочиб кетмоқчилар.

— Ким қочади?— ўпкаланиб қолди Орият буви,— вой, Назокатой, қаёққа борасиз, болам? Ўтиринг, дамлаб қўйдим, тасаддуқ, ўтиринг бирпас.

— Ошингизни емай юрибмидим, опоғойи?

— Ўтиринг, ўтиринг, кўрпачага чиқинг. Юриб-юриб бир кирасизу, кетишингиз шунчалик осонми?

Ботировнинг аёл кишига бегона киши олдида шундай қўпол ҳазил қилгани Қудратга ёқмаган эди. Нега шундай бетаъсир гап қилдйкин? Бирор шубҳаси бормикин Пардавойнинг? Холдор ҳам шунга ўхшаш гаплар айтганийди. Наҳотки бу жувон?.. Ҳарна бўлса ҳам Пардавой аёл кишига шунақа қочирлиқ гап қилмаслиги керак эди. Аммо унинг сўзлари Назокатга найзадай санчилганлиги кўриниб турарди. У бу сўзни эшитиб, лавлагидай қип-қизариб кетди-ку? Ростга завола йўқ. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирлармиди?

Кампир ош сузиб, ўртага олиб келиб қўйди.

— Хўп ошга пазандасиз-да, опоғойи,— деди Назокат яна боягидай очилиб.— Тўйнинг ошидай ширин бўлганини қаранг.

Орият буви пазандалиги мақталгани, айниқса, тўй

сўзи оғизга олинган учун талтайиб кетди. У кўпдан бери ўглини уйлантириш орзусида юрар эди, доим тўйдан гап очганда Пардавойнинг чап бериб қолишидан ранжир, кўнгли тўлмай озор чекарди. Мана яна дарди очилди.

— Тилингизга шакар,— деди у кўзлари яшнаб,— лафзи ҳалол жувонсиз-да? Айни вақтида тўйни эсимга солдингиз, болам. Энди бир сизларга арз қилиб, ўғлимни изза қилмасам бўлмайди шекилли. Зора шунақа пайтда қулоғига гап кирса буни. Бошқа маҳал ҳеч оғиз очтирмайди бу тушмагур. Ўзини катта қилгунча ўлиб бўлганман. Отасиз, бошқасиз.. Манман деган онаям шунчалик қилади-да, ахир! Энди беш кунлигим қолдим, йўқми деб жонимни ҳовучлаб юрибман. Бу кишим бўлсалар кимга айтасан демайдилар, парвойи фалак...

Кампир ош ейнишдан тўхтаб, енг учини кўзларига босганича йиғлашга ўтди. Қудрат билан Назокат ноқулай аҳволда қолдилар. Ботиров кулиб юборди.

— Ана холос, ошни еманглар деганингизми бу? Меҳмонлар нима деб ўйлашади? Бунақа гаплар чой маҳалида, хотиржам ўтирганимизда ярашади.

Кампир бурнини торта-торта, егини кўзидан олиб, ўғлидан ўпкаланди:

— Кошқийди, сен билан хотиржам гаплашиб ўтириш насиб бўлса менга. Сан ҳаммани қўйиб тутқич берармидинг, пир этасану, бошинг оққан ёққа учасандакетасан. Мани билмайди дейсанми?

— Ошга қаранглар,— деди ўғли,— қаригандан кейин кампирларнинг иши шу-да, салга кўз ёши қилишадн. Парво қилманг, олинг.

— Қариганликка йўйма гапни!— кескин гапирди кампир,— ҳар онада бир орзу бор. Болам, болам дейди, боласини гамини ейди. Уйлантирсам дейди. Оила қурмаган одам она қадрига етармиди!

Орага Назокат тушди.

— Қўйинг, опоғойи, қўллари бўшаб қолса, тўйни бошлаб юборасиз. Ўзларининг бирорта топиб қўйганларин бордир, секин қулогингизга шипшитиб қўйсалар, совчиликка бораверасиз.

— Бо, унинг топганига кўнармишманми? Агар шунақа нияти бўлса у дунё-ю бу дунё рози бўлмайман. Ўзим таллаб қўйганимни олади. Ўшандан бошқани раво кўрармидим ўғлимга. Оёқ-қўли чаққонгина, ақли расо, қоши кўзи ейман дейди бояқинини.

— Бўпти кампир,— кўнган бўлиб онасини юпатди

ўгли,— йўл битсин, карнай-сурнай билан тушириб келамиз келинни. Қутулдимми?

— Бе, танноз тарангунча, тўй тарқар, деганлар. Йўлнинг битгунча униям биттаси илиб кетиб, қуруқ қоласан. Қизнинг бозори чаққон ҳозир.

Чой маҳали ҳам суҳбат анча тинч ўтди. Ботиrownнинг ўрнидан туриб чиқиб кетишга шайланаётгани сезилиб турарди. Шундай пайтда унинг қаерга боришини ҳеч ким билмас эди.

Ҳар замон-ҳар замонда юз кўрсатган ойннинг сутдек бегубор ёғдуси бутун ҳовлига қуйилиб турар, ёқимли шабада кишига роҳат бағишларди. Ботиrow чиқиб кетгандан кейин ўзини анча эркин сеза бошлаган Назокат ҳам арзимаган парсага кулар, тинмай гапирар, баъзан Қудрат учун нотаниш бўлган аллақандай ёқимли қўшиқни димоғида қуйларди. Кутилмаганда кампир унинг ажойиб қўшиқчилиги ҳақида гап очиб, мақтаб кетди. Кейин қўярда-қўймай битта ашула айтиб беришга кўндирди.

Назокат қўлига тақсимча олиб, бир нафас чертиб турди-да, кейин қўйлаб юборди. Қўшиқнинг биринчи банди тингловчини ўзига ром қиладиган оҳангда янгради. Ижрочи ўз ҳунарини намойиш қилмоқчи бўлгандай қўнғироқдай овозини баралла қўйиб юбориб, аста тебранар, юзи борган сари ёришар, ўқтин-ўқтин беланчакдаги боладай қувнаб бош чайқарди.

Бу завқли ва жозибадор қўшиқ ҳовли бўйлаб айлашиб, деворлар оша қўшни ҳовлилар, мевазор боғлар, далаларга ёйилди, бепоен чўл бағри узра таралиб эркин парвоз қила бошлади.

Қудрат унинг маҳоратига ҳавас қилар, шўх, ўйноқи шахло кўзларига, билинар-билинемас ол ранга бўялган лабларига беихтиёр маҳлиё бўлганича, дилрабо қўшиқ оҳангида хиёл чайқалар, аммо буни ўзи сезмасди. Орият буви ҳам сийрак қошларини чимириб қулоқ солар, ҳаёт тирноқлари из солиб ўтган ажиндор юзлари порлар эди.

Қўшиқ охиригача етмади. Назокат бирдан гип бўғилди-да, ўзини кампирнинг қучоғига отди. Орият буви уни маҳкам бағрига босди.

Шу йўсинда хийла вақт ўтди. Қудрат нима бўлганига тушунолмай ҳайрон эди. Бу тўғрида савол беришга ҳам ботинолмасди. Назокат эса бошини кўтарай демас, фақат елкалари силкиниб-силкиниб қўярди, холос. Ҳа, у йиғлаётган эди.

Шу кундан бошлаб Қудрат уни эслайдиган бўлса, юрагининг аллақаери салгина ачишар ва бошини Орият бувиининг кўксига қўйганича тўлиб-тўлиб йиғлаётган Назокатнинг ана шу қиёфаси кўз олдига келар эди.

IV боб

ҚИЗ УНИ ЭСЛАРМИКИН?

Бир вақтлар ана шу аччиқ ёш тўкиб турган кўзлар чўлпон юлдуздай порлашга, гулга тушган шабнам томчилари сингари товланишга, ана шу ол рангга бўялган юпқа лаблари эса фақат тотли жилмайишга яратилгандай эди. У пайтлар Назокат ота-онасининг якка-ю ягона арзанда қизи бўлиб, бахтиёрлик оғушида яйрар, айтганини қилдиран эди, у ҳар нарсадан завқланиш, лаззат топиш, эркаланишни истар эди. Ота-онаси уни жондилдан севишар, ардоқлашар, қўлни совуқ сувга урдиришмас эди. Бироқ гулдай яшнаб турган, ғам-алам билмас ана шу ёшлигини шафқатсиз уруш олиб кетди. Бошига мудҳиш мусибатлар тушди. Ҳаммадан аввал онла бошлиғи—отасидан қорахат келди. Ундан кейин, ўша пайтлар яхши врач сифатида танилган онаси ҳам фронт учун зарур бўлиб қолди-ю, жўнаб кетди. Орадан икки йил ўтар-ўтмас у ҳам бедарак йўқолди. Фақат урушдан кейингина у хизмат қилиб турган касалхонага бомба тушиб ҳалок бўлганидан хабар топилди. Назокат урушга лаънат ўқиб, бошга тушган оғир мусибатни мардонавор енгишга, иродасини чиниқтиришга интилди. Бир оз ўзини олдириб қўйди, илгариги шўхлиги ва шаддодлигидан асар қолмади. Унинг камгап бўлиб, хаёл суриб юришини кўрган таниш-билишлар ташвиш қила бошладилар. «Қизи тушмагур ўзини бир бало қилиб қўймасин тагин» дея чўчиганлар ҳам бўлди. Аммо бу вақт Назокатнинг ёши улғайиб, ақлини йиғиб олган эди, шунинг учун ўзини тута биларди. Тикувчилик артелига ишга кириб, ўқишини ҳам кечки мактабда давом эттирди. Уни дугоналари ёлғиз қолдиришмас, ўз давраларига тортиб, овунтириш, вақтини чоғ қилишга уринар эдилар.

Қизлар тўп-тўп бўлиб сайрга чиқишар, ҳар ҳафта канда қилмай театрларга, киноларга боришар, янги модаларда кийим-кечак тикиб безанишар, ажойиб ёшликнинг гаштини сураб эдилар.

Оппоқ қорлар эриб, қирларда қип-қизил лолалар бош

қўтарган, тоғлардан ирмоқлар кишнаб, сон-саноксиз эгатлар, мевазор боғларга таралган, дарёлар ўзанига сиғмай қиргоқлардан тошган маҳалда, атиргул шохларинда, дарахтлар бутасида куртаклар ёйилган маҳалда, одамнинг ҳам қулфи дили очилади. Қўкрак қафасини тўлдириб, шифобахш ҳаво шарбатини симиргинг, қулгинг, қуйлагинг, бутун оламни бағрингга босгинг келади. Назокатнинг ҳаётида ҳам худди ана шундай баҳор мавсуми уйгонган пайти эди. Ундаги ўша гўдакликдан мерос қолган шўхлик, жўшқинлик яна қайта тикланди, юрагида ғайрат-шижоват қайнаб, санъатга қобилият уйгопаётганини сездди. Ўша йиллар қизлар ўртасида ҳинд, араб рақси ва қўшиқлари мода шаклига кирган маҳал эди. У ҳам майда қўнғироқчалар тақилган чалвор, заррин ҳошияли кўйлақ ва нимча кийиб ўртага тушар, қуйлар ва ёшларнинг оҳ-воҳ қилишлари, олқишларини жуда-жуда ёқтирарди. Баъзан унинг маҳоратига маҳлиё бўлганлар «хўп дилбар қиз бўпти-да, онаси раҳматлик тирик бўлганда қандай севинарди-я» дейишар, бу билан унинг ярасига беихтиёр тегиб кетаётганларини ҳам сезмас эдилар. Шунда бирдан Назокатнинг қўл-оёғи бўша-шар, маржон-маржон кўз ёшларини тўхтата олмай қоларди. У ўзини қанчалик беғам тутмасин, бари бир, ота-она ҳасрати аҳён-аҳёнда қалбини аста тирнаб ўтарди.

Ҳақиқий касб танлашга келганда Назокат медицинага ҳавас қўйди. У институтга кириб ўқий бошлагач, шу касбнинг ҳомийси бўлган она хотираси учун ҳаммадан яхши ўқишга интиларди. Аммо йнгирма ёшга тўлиб, етилиб қолганига қарамай, ҳали бировга кўнғил қўйиш, севиш, севилишни ҳаёл қилмасди. Каникул кунларининг бирида у қариндошларидан бириникига дам олгани борди-ю, Баҳодир исмли бир йнгит билан танишиб қолди. Назокат йнгитдан ҳеч ийманмай бирга ўйнаб-кулиб юрарди. Қўм-қўк яйловлар, қир-адирлар этакларида, шарқираб оққан сув тўла анҳор бўйларида, мажнунтоллар соясида, жийдазорлар қўйнида сайр қилишаркан, ўзини жуда эркин тутар ва тортинмай очилиб суҳбатлашар эди. Чунки, қорамағиз чехраси жозибали, қайрилма қошлари остидан мулоҳим боққан кўзларида, лабларида ақл ва фаросат намоён бўлган Баҳодир унга шунчаки ўз қариндошларининг ўғли сифатидагина ёқар эди, холос. Аммо йнгит қизариб-бўзариб сўзлар, шу билан дардини ошкор қилар эди. Шунга қарамай, Назокат бу нарсанинг фаҳмига етмас, етса ҳам унга парво қилмасди. Юрагида йнгитга нисбатан бирор ҳис борми-йўқлигини сезмас, йн-

гитни яхшироқ синамай туриб уни умидвор қилишни ҳеч истамасди. У қайтиб келганидан кейин Баҳодирдан хат ола бошладди. Хатда Баҳодир ўз туйғусини очиқ-ёриқ изҳор қилар, ялинар, бирор жавоб кутар эди. Назокат нима дейишини, қандай жавоб беришини билмай боши қотди. «Наҳотки бировни севишга лаёқатсиз бўлсам, нега бошқаларга ўхшамайман, ахир? Севги нима, нечун у яратилган, ақлим етмайдиган ҳеч» деб йиғлар, ҳасрат чекарди. Бироқ унинг тақдирини биргина кун, тўғрироғи, биргина оқшом бутунлай ўзгартириб юборди.

Ўша кунинг дугоналаридан бирининг тўйи бўлди, базмни қизитишни Назокатнинг зиммасига юкладилар. Ҳовли тўла одам. Таниш-билишлар, узоқ-яқиндан келган меҳмонларнинг ҳаммаси унинг қўшиғини эшитишга, ажойиб рақсини кўришга муштоқ эди.

Машшоқлар созларини черта бошлашлари билан Назокатнинг чиройли ва нозик куйни тез сезиб олувчи жисми хиёл сесканди-ю, ўртага тушиб, товусдай йўргалаб кетди. Севгини тараннум этувчи ҳинд қўшиғи атрофдагиларнинг юрак торларини жаранглатар эди. Қўшиқ ва рақс Назокатнинг қувончи эмасми, у бундай пайтларда «ов-воҳ» дейишиб осмонни бошларига кўтараётган томошабинларни ҳам, бир маромда чалинаётган қарсақларни ҳам, ҳатто ўша шафқатсиз уруш фалокати бошга солган мусибатларни ҳам унутиб юборар эди. Аммо бу сафар ўйиннинг ярмига етганда кўзи кимгадир тушибоқ олди-ю, ўнғайсизланиб, маромини йўқота бошладди.

Одамлар ичида яхшигина кийинган, баланд бўйли, келишган бир йигит ўтирар, беҳаё кўзларини Назокатдан олмас эди. Раққосанинг порлаб турган кўзларига, белига плондай чулғанган қоп-қора сочларига, кишини ўзига мафтун қилувчи юзига, нозик ва хипча белига тикилар эди. Назокат дарров ўйинни тугатди-да, кафтларини бир-бирига қўйиб, мулойим табассум билан томошабинларга таъзим қилди. Сўнг секингина сирғалиб даврдан чиқиб кетди.

Шу-шу бўлди-ю, унинг тинчи йўқолди. Ҳалиги йигит тез-тез учраб турар, атайин пойлагандай қаршисидан чиқиб қолар эди.

Бора-бора улар бир-бирларига жуда ўрганиб қолдилар. Назокат уни учратмаган кунни ўзини қўярга жой тополмас, энг қимматли нарсасини йўқотгандай қарахт бўлиб юрар эди. Ниҳоят, улар ўртасида самимий, дўстона алоқа бошланди. Йигитнинг одоб сақлай билганлиги, ку

либ гапириши, ҳазиллашиб аския қилиши Назокатга жуда ёқар эди. Лекин у ички дардларидан огиз очмас, туй-гусини изҳор қилишни ҳам билмайдигандай туюларди. Ахир кўкрак остида гуп-гуп уриб турган юракнинг ўзи ҳамма сирини билдириб тургандан кейин уни тил билан ифода этишга ҳожат қолдими?

Ойлар ўтди. Ўйинг унга огиз солиб кўришга мажбур бўлди. Назокат жавоб бермади. Фақат қалби худди тузоққа тушган қушдай талпина бошлади. Бутун вужудини ўзи ҳам тушуниб етмаган ғалати ҳислар ларзага солди. Унинг икки юзи ловиллаб ёнар, бир нарса дейишга тили ожиз эди...

...Қуёв Назокатнинг уйида яшашга кўнмади. Анчамунча тортишув ва маслаҳатлардан кейин уйни сотиб, шаҳар четидаги серманзара жойлардан ҳовли олишга жазм қилишди.

Назокат ўқишни давом эттирар, эри эса унга осмондаги ойни ҳам олиб беришга тайёр эди. Уларнинг ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, тинч-тоғув яшардилар. Икки гапнинг бирида эри унга: «Мен чинакам муҳаббатдан бўлак ҳеч қандай бахтни тан олмайман, ёруғ дунёда яшашдан муродим ҳам шудир, азизам» дерди. Ширин оила учун яна нима керак? Бахтиёр турмуш бундан ортиқ бўладими? Назокат шундай деб ўйларди-ю, аммо бир нарсадан кўнгли ғаш эди, холос. Шунча вақт бирга турсалар ҳам, эрининг касб-корини сўраб, ҳеч аниқ жавоб ололмас, қаерда, қандай хизматини ўтаётганидан бе-хабар, бу нарсанинг сир тутаётганига ҳайрон эди. Негадир, у тез-тез командировкага кетиб қолар, шуниси Назокатга ёқмас эди. Бир кетганда икки-икки ярим ойга кетар эди. Бироқ эрининг яхши бир олати бор эди, қачон қаёққа кетмасин, бот-бот хат ёзишни канда қилмасди, ширин сўз эрининг хатларини ўқиган сари ўқигиси келарди, унинг ёзган мактуби томир-томиридан бутун аччиқ, алам ва гина-кудуратларни суғуриб ташларди гўё. Шунинг учун Назокат хат кутадиган кунни ясаниб-тусаниб, худди учрашувга ошиққан маъшуқадай типирчилаб юрарди. Бордию келмаса, жуда алам қиларди унга, ўзидан-ўзи уялиб, аллақандай шубҳалар ичида қоларди. Хат келганда қўшниларникига кириб, салом айтилмаганларга ҳам ўзидан қўшиб салом айтарди. Хуллас, унинг фикрича, эри икки дунёда ҳам топилмайдиган содиқ ва фодор йиғитлардан эди.

Бир йили эри командировкага боришдан тўхтади. Қўпинча уйда ўралашиб юрар, аҳён-аҳёндагина далаларни

айланиб келарди. Ана шундай кунларнинг бирида Назокат кир ювини, дазмол қилиш билан шуғулланаётганди. Дазмолни қизитиб қўйиб эрининг шимини стол устига ёйр экан, чўнтагида нимадир шилдираб қолди. Тўрт букланган қоғоз... Беихтиёр қоғозни очиб, қўйидаги жумларни ўқиди: «Олтиним (шундай деб чақиршимни жуда-жуда севардингиз), олтиним, яқин бир йил бўлай деб қолдики, дом-дарак йўқ сиздан. Наҳотки, икки энликки-на хат битиб, қаердалигингизни билдириб қўймасангиз. Ҳеч бундай қилмасдингиз-ку? Бедараклик жуда ёмон бўлар экан. Баъзан тушларимга кириб чиқасиз. Баъзан кўча эшик олдида йўлингизга қарай-қарай кунни кеч қиламан. Юрагимга ҳеч нарса сигмайди. Ерилиб ўлай дейман. Баъзида ҳеч кимга билдирмай юм-юм йиғлаб оламан. Яхшиям тошкентлик бир танишингизнинг бу томонларга йўли тушиб қолди-ю, адресингизни сўраб олдим. Биласизми, у бу ерда онлангиз борлигини билмас экан. Вой, бир эмас, иккита ширингина ўғиллари бор десам, ҳангу манг бўлиб қолди. Кейин: «Эрингизнинг бошқа ёш хотини бор-ку?»— деди. Мен қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборибман. Ҳазилини қаранг-а, «ёш хотини бор» эмиш, бунга ким ишонади дейсиз. Жуда қизиқ одам экан. Аммо сиздан яширмайман, азизим, унинг гапидан кейин юрагимга сал гулгула тушиб қолди. Оҳ, икки оғизгина сўз ёзиб юборини шунчалик қийинми-а? Ёки биздан хафамисиз? Нега? Бирор гуноҳ ўтганмиди? Агар шу рост бўлса, кечиринг бизни, ўтиниб сўраймиз, кечиринг, азизим!

Шу адресингиз бўйича олдингизга бориб келай дейману аммо икки болани кимга ташлаб кетишни билмайман. Болаларингиз ҳам сизни шундай соғинганки, асти қўйинг. Ҳар кун эрталаб кўзларини йириб-йиртиб очишади-ю, сизни сўрашади. Мен уларни алдаб, овутаман. Номингиздан хат ёзиб, ажойиб жойларда саёҳат қилиб юрганларингизни ўқиб бераман. Ҳадеб алдайверини ҳам жонга тегар экан. Баъзан, уйланганингиз рост бўлса-я, деб юрагим орқага тортиб кетади. Буни мендан сир тутинишингиз мумкин, аммо болаларингизда нима гуноҳ? Мени унутишингиз мумкин, аммо уларни қалбингиздан чиқариб ташлашингизга ҳеч ишолмайман. Йўқ, йўқ, бу мумкин эмас, мени кечиринг. Биз сизга ишонамиз, олтиним. Биз сизни ҳар кун, ҳар соат кутамиз, ҳар минут кутамиз. Учаламиз олтига қўлимизни чўзиб, йўлингизга интизормиз...»

Назокат хатни қайта-қайта ўқиб чиқса ҳамки, ҳеч нарсага тушунолмади. Кўзлари айрим жумлалар усти-

да узоқ туриб қолар, кейин яна бошидан ўқир, бари бир мияси ўтмас пичоқдай бу сирнинг мағзини чақолмас эди. Унинг кўз олдини қуюқ туман босди. Қўллари қалтираб, оёқлари аллақандай тубсиз чуқурга тушиб кетаётгандай мувозанатини сақлай олмади. Дазмолни ўчиришни ҳам эсдан чиқариб, стол ёнига шундай ўтириб қолди. Кейин сапчиб ўрнидан туриб: «Оҳ хиёнаткор», деб шундай қаттиқ бақирдики, унинг овозидан буфетдаги идиш-товоқларгача жаранглаб кетди. Бошини икки кафти орасига олганича телбалардай у ёқ-бу ёққа югура бошлади. Ўкириб-ўкириб йиғлади.

Кейин ўрнидан турди-ю, дардини айтса ёнида эшитгувчи одам бўлмагани учун, аллақаёққа югурганича чиқиб кетди. У қайтиб келганда анча маҳал бўлиб қолган эди. Кўзларида энди бирор томчи ёш кўринмас, ҳеч қандай ҳодиса юз бермагандай, қиёфаси сокин, юраги эса бир текисда уриб турар, аммо икки чаккасидаги сочларига оқ оралаган эди.

Дазмол чўғдай қизариб кетган экан. Ўчирди. Чироқни ёқиб, ўзини ойнага солди. Бирданига ойна ичидан сочлари ёйилган, сон-саноқсиз ажин босган юзларини кўз ёшлари ювган бир жувон кўрипти. Сурат жонланиб, икки боласини икки ёнига олганича яқинлашар, «йўлингизга интизормиз» деб қўлларини чўзганича келарди. Назокат чўчиб тушди-да, ортга тисарилди. «Наҳотки, наҳотки?!» дея шивирларди унинг лаблари...

Орадан бир неча минут ўтар-ўтмас ҳувиллаб қолган шу уйга кирган киши стол устида ётган бир парча қоғозга кўзи тушар эди. «Сиздек одамга шунчалик ишонганим учун ўзимга лойиқ жазо тополмай қолдим,—деб ёзилганди унда,— алвидо! Ҳақиқий башарангизни элга ошкор бўлишидан қўрқсангиз, мени қидира кўрманг, хиёнаткор, «олтиним!»

Назокатнинг нафаси бўғилди. У ўз ҳикоясининг шу ерига келганда Қудратга қараб туриб беихтиёр хўрсиниб юборди. Кейин уялиб кўзларини опқочди.

— Кечирасиз,— деди у,— бу ўтмишимнинг ҳеч кимга қизиги йўқ. Ҳатто сизга ҳам... Аммо Пардавой акамнинг ҳалиги қўпол ҳазилларидан кейин кўнглингизга нималар келдийкин, менинг тўғримда нималар ўйладингиз, билмайман, шунинг учун буни бир бошдан сизга айтиб беришни лозим топдим.

Қудрат унга ён томондан қаради. Чунки бу вақт улар қоронғи тор йўл билан, япроқлари шилдираб турган теракзор ичидан боришар эди. Теракзор устида дам

чўккалаб ётган нортуюдай, дам эринчоқлик билан ўрнидап зўрга қад кўтарган филдай, дам йўловчига ташланган айиқполвон сингари, ҳар хил қиёфага кираётган кул ранг булутлар подаси кўринар, уларнинг сояси кенг кониотни зулмат қўйнига чулғганидан ўн қадам наридаги нарсани кўз илғамас эди.

Бирданига яна ой кўришиб булутлар орасидан нур сочар, унинг остида гўё оқ шойи ятакли бир деҳқон йўрга бедовини елдириб борар, кул ранг осмон фониде деҳқоннинг барваста қомати ва ҳатто остидаги йўл-йўл гулдор хуржунигача яққол кўзга ташланар эди. Теракзор ичига тушган ой нури япроқларни олтин рангга бўяр, қизил тангаларини шундай оёқларингиз остига сепар эди.

Вақт алла-палла бўлиб қолган эди. Улар қўшиқ ва суҳбатга берилиб, осмонни булут қоплаб олганини ҳам сезмабдилар. Назокат Орийат бувиникида ётиб қолишга кўнмади. Бемаҳалда кетиш эса аёл киши учун яхши эмасди. Шунинг учун Қудрат уни кузатиб қўйди... Шу баҳона билан маъна у жувонининг бошидан ўтган ҳодисаларни эшитди.

— Мени бу ердагилар унча ёқтиришмайди,— деб кулиб қўйди Назокат,— нима ҳам дейсиз, ҳар элатнинг ўз қонуи-қондаси булар экан. Бошим очиқ бўлгани учун шубҳаланиб қарашади. Аҳён-аҳёнда орқамдан гапиришганини эшитиб қоламан: «Вой, фалончи бева эканми? Пистончи билан юзма-юз гаплашиб турганини кўрдим», «вой бети қурсин, эр кишидан ўзини олиб қочишни билмас экан». Мен нима қилай, ҳар нарсага парво қилаверсанг ҳам тез қариркансан киши. Вақти чоғликка нима етсин. Этимга сув юқтирмайдиган бўлиб олганман.

Назокат яна қиқирлаб кулди. Унинг бу кулгисидан ой уялгандай бирданига яна қуюқ пардалар орасига яширинди-ю, ортиқ юз кўрсатмай қўйди. Нотекис йўлда Қудрат ўқтин-ўқтин қоқилиб кетар ва мункиб кетмаслик учун ҳамроҳининг нозик билагидан ушлаб оларди. Назокатнинг турар жойи анча олисда экан. Теракзордан чиқиб, аста чайқалаётган жўхорилар орасидан кета бошладилар. Зич поялар ичиде чигирткаларнинг чириллаши авжига минган, чивинлар шундоққина қулоқ остида мингиллаб учиб ўтар, узоқдан беданаларнинг сайраши, итларнинг ҳуриши эшитиларди. Олдиндан ҳар хил сабзавот, шакар боғлаб ётган қовунлар ҳиди анқирди. Полизлар ўртасида шох-шаббалардан қад кўтар-

ган чайлалар, якка кўздай йилтиллаган фонус чироқлар ҳам кўзга ташланарди.

— Нимани ўйлаяпсиз?— Қудратнинг хаёлини бузди Назокат.

— Уни қайтиб учратмадингизми?— саволга савол билан жавоб берди Қудрат.

Назокат гапнинг собиқ эри ҳақида бораётганлигига дарров тушунди:

— Савил қолсин... ўша зормандани кўришга кўзим борми энди,— энсаси қотиб гапирди у.— Башаранг ўч-гир, савилдан шунчалик кўнглим қолдики, эғнимдаги биттаю битта кўйлагиму, бошимда рўмолим билан уйдан чиқиб кетганимча қайтиб остона босмадим. Бисот-мисоти ҳам бошида қолсин. Ўзимнинг нарсаларимгача ташлаб кетганман. Баъзилар: «Хўп боплабсан-да, мард экансан, бошингни тик кўтариб юравер энди, жонинг омон бўлса бахтинг қўлингда», деб тасалли беришади. Баъзилар: «Чакки қилибсан, қип-яланғоч қилиб ўзини уйдан ҳайдашинг керак эди, адабнинг есин эди» дейишади. Мен бўлсам ўтган ншга салавот қилиб ҳаммасига хотима берганман. Икки йилчадан кейин эшитсам у ҳовлимизни сотиб юртига қочиб қолган экан, номард. Кейин уни газетага ёзиб фельетон қилишибди. Уччига чиққан текинхўр, ўлгудай товламачи деб тоза боплашибди. Шаҳарма-шаҳар юриб уни бунга, буни унга пуллаб, кун кўриб юрар экан, билмабман. Эгри юрган таёқ ер деб тумшугига солишибди-да. Тоза суюндим, тоза қувондим, баттар бўлсин дедим.

— Баҳодир-чи? Ундан дарак бўлмадими?

Бу савол жувоннинг нафасини ичига тушириб қўйди. Битта-битта қадам босиб келаётган бу аёл қўққисдан тезлаб кетди. Кўп ўтмай пахса деворли ҳовлилар, том-лари паст-баланд уйлар кўринди.

— Мана, мен келдим,— деди у шўхчанлик билан орқасига қайрилиб,— қўлингизни беринг, хайрлашайлик.

— Менинг саволимга жавоб бермадингиз?

Назокат узатган қўлини яна қайтиб олди-да, лабини тишлади. Қудрат уни йиғлаяптими деб ўйлаган эди, аммо унинг кўзлари қуруқ, қоронғида йилт-йилт этарди, юзларида рёкорлик аломати пайдо бўлди.

— Баҳодирнинг олдида гуноҳкорман,— хўрсиниб қўйди у бир оздан кейин.— Унинг муҳаббатига завол етказганман. Гапнинг қисқаси, бошимга тушган мусибатдан кейин ҳам у бир неча бор менга хат ёзди. Биронтасига жавоб бермадим. Таниш-билишлар: «Бағри

тошлик қилма, кўнглига қулоқ сол, бирор дарди бордир» дейишди. Дардига даво бўлолмадим. Ўтган ўтиб кетди, уни қайтариб нима қиламан, дебман. Тўғри-да, у ҳали ёш, ўз бахти ўз қўлида. Менинг эса эрга тегиб чиққан деган номим бор.

Назокатнинг овози қалтираб кетди. Қия очик кўча эшик орқасидан кичкина кучукча сирғалиб чиқди-ю, эгасини танигандай унинг оёқларига суйкала бошлади.

— Баҳодир билан учрашмай чакки қилгансиз-да,— деди бўлиниб қолган суҳбатчи яна давом эттириб Қудрат,— у сизни чинакамига севар экан. Шунин билан туриб... Инсон бошига бахт қуши кўнганда учуриб юбормаслик керак. Сиз эса учуриб юборибсиз. Менимча, ҳали кеч эмас. Баҳодирга қаердалигиниғизни билдириш. Борди-ю, аҳдида турган бўлса, у сизни қидириб келади. Албатта келади, муродиниғизга етганда, менинг шу дўстона маслаҳатимни эслайсиз.

Назокат бу гапларни ҳазилга олиб енгил кулди:

— Вой, савил... нима деяпсиз, Қудрат ака?

— Ерда ётган ўз бахтиниғизни қўлингизга қайтиб олинг деяпман...

Шу гапни эшитган Назокат жиддий қиёфага кириб, индамай қолди. Унинг қошлари учар, лаблари қалтирар, вужудини кучли ҳаяжон қоплаб олгандек эди.

— Ўйлаб кўринг яна,— деди Қудрат хайрлашиб орқага қайтар экан.

Унинг кўнгли ғаш бўлиб қолди. Бу ғашлик, эҳтимол, ўша жувоннинг ҳикояси таъсирида туғилган бўлса керак, унга юраги ачинди, бироқ шу заҳоти Худойқуловнинг: «Бу тоифадаги аёллар кўзи билан авраб, тили билан ром қилади» деган гапларни эслади. Худойқулов ўлгудай ғийбатчи одам. Бировни қоралаш бўлса, ҳеч қандай тўхматдан тоймайди. Шундай одамни Пардавой ҳимоясига олганига ҳайронсан. Унинг нимаси ёқиб қолдйкин?

Ботилов ҳам бошқаларни менсимайдиганга ўхшайди. Нега шундай? Бунини ҳали-вери билиш қийин. Ҳар қалай Қудратнинг у билан фикри бир-бирига тўғри келмаслиги аён бўлди-ку. Бора-бора ораларида зиддият туғилиб қолмасмикин? Бу ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Қудрат беҳосдан қишлоқнинг бир бурчагидан чиқиб қолганида хаёли бўлинди. Ой ҳамон юзига қалин парда тутиб жамолнинг оламдан яширмақда, Қоронғи-

лик. Қудрат тусмол билан ариқлардан, ўнқир-чўнқир ерлардан ҳатлаб-ҳатлаб ўтиб, зулмат ичидаги шу нотанишга ҳам ўхшайди. Гулчиройдек сулув қизнинг шидан четан девор келиб қолди. Агар мушук боласи миёвлаб уни чўчитиб юбормаганда, пешонасини ўша деворга уриб олиши ҳам мумкин эди. Дарвоқе, бу ер танишга ҳам ўхшайди. Гулчирой турадиган ҳовли шу эмасми? Тавба, бу ёқларда қандай гангиб юрибди. Тасодифан унинг хаёлини Гулчиройдек сулув қизнинг ҳаётбахш сурати банд этди. Ҳозир у нима қилаётганини? Балки маст уйқуда, ширин тушлар кўраётгандир. Балки супада болишга ёнбошлаб, китоб ўқиётгандир. Яна ким билади дейсиз. Балки Қудратни... Наҳотки? Қиз уни эслармикан-а? Йўқ, эсламаса керак. Ҳатто шундай одамнинг бор-йўқлигини ҳам унутиб юборган бўлса-чи? Тасодифан учрашиб қолиб, шунчаки кузатиб қўйган кимса билан неча пуллик иши бор унинг?

Қизиқ, худди шу кеча Гулчирой тушга ҳам кириб чиқибди.

V боб

«ГЎШТ ОЛИШНИ БИЛМАЙМАН...» НИНГ КИРДИКОРИ

Каттакон йиртқич қуш Қудратни кўтариб кетаётган эмиш. Қуш борган сари баландлашар, ер эса кўзига коптокдай бўлиб кўринар эмиш. Ҳамма ёқда булутлар... Осмон эса жуда пастак бўлиб қолган, шундай қўл чўзса, истаган юлдузини юлиб олгудай. Қутилмаганда Қудратни човутига олган қуш эмас, Гулчиройнинг оппоқ ва позик қўллари эмиш. Энди у Қудратни қўлтиқлаб олганича баланд-баланд булутлар устидан олиб ўтармиш, кейин икковлари қанот пайдо қилиб учиб юрармишлар.

«Йўқ, сиз борманг, йўл йироқ, чарчаб қоласиз», дермиш Қудрат қизга.

«Чарчамайман, менга сиз билан бориш насиб қилган экан, дунёнинг нариги бурчагига ҳам кетавераман».

Улар энди кенг ва зангори қўл бўйида бир-бирларини қувлашиб юрар эмишлар. Гулчирой оқ шоҳи кўйлақда, этакларини кенг ёйиб капалакдай гир-гир айланар ва Қудратга тутқич бермас эмиш. Қудрат шунча югуриб етолмас, оёқлари юмшоқ қумга ботиб,

илигидан дармони кетиб, ўзи бақирар, аммо қиқирлаганича қочаётган Гулчиройни ҳеч тўхтатолмас эмиш.

Қудрат жўхоризор оралаб югуради. Қаршисидан Назокат келиб чиқади. «Сиз Гулчиройни кўрмадингизми?» деб сўрайди Қудрат. Йўқ, у Назокат эмас, Гулчиройнинг ўзи экан. Негадир, унинг кўзларида ёш, аммо мингиллаб хиргойи қилаётган эмиш. Қудрат ҳам унга қўшилар, атрофдаги жўхориюялар ҳам овоз чиқариб уларга жўр бўлармиш.

— Мен сизни севаман,— дермиш йиғлаб туриб Гулчирой.

— Йўқ, йўқ, мени севолмайсиз, мен сизга муносиб эмасман.

— Бари бир севаман, севаман!

— Ахир мен бир жойда қўним йўқ одамман-ку, тушунасизми?

— Тушунаман, Қудрат ака, ҳаммасига тушунаман. Шунинг учун севаман!

Шундан кейин Қудрат уни бағрига босармиш. Кизнинг дук-дук уриб турган юраги Қудратга кучқувват бағишлар эмиш. Шу пайт теваракка одам тўлиб чапак чалишар ва бир нималар деб бақаришар эмиш. Уларнинг орасида Худойқулов тишини оқини кўрсатганича ҳадеб иршайармиш...

Қудрат уйғониб кетди. Аммо кўзини очмай ҳамон ўша туш таъсиридан ўзини қутқаролмасди, супада ёнма-ён ётган Пардавойнинг туриб кетганини ҳам сезмай қолди. (Йигитлар ҳар кеч ҳовлида, Орият буви кичкина уй ичида тунар эдилар. У ҳамон ширин хотиралар ҳукми остида эди. Негадир, ўша кечаси Гулчиройнинг қўлидан ушлаб турган йигит эсига тушганда юрагига игна санчилар ва ўзини қаерга қўйишни билмай қоларди. «У ким экан ўзи? Гулчирой уни севармикин?» деган бачкана савол ҳам миясини ўярди. «Наҳотки, мен севиб қолган бўлсам уни?— деб ўйларди яна.— Бир кўришда-я? Йўқ, йўқ, бу мумкин эмас. Фақат дostonлардагина шундай бўлиши мумкин. Нега фақат дostonларда? Ҳаётда ҳам шундай ҳодисалар бўладикки, севги қўққисдан ялт этиб, чақмоқдек чақади-ю, бутун ички оламингга ўт қўйиб кетади. Одамлар бундай севгининг борлигига ишонмайдилар. Сен эса шу тотли ҳаяжон, шу илиқ туйғунинг мангу асирисан. Бунга ҳеч ким сезмайди».

Қудрат хаёлини қувиб кўзини очди. Кўк юзида

тундаги булутлар тарқалиб кетган. Дарахтларнинг учига тонг шафағини акси тушиб турарди. Ҳамма ёқдан тўрғайларнинг сайрагани эшитилади. Қудрат ўрнидан турди-ю, супадан тушмай мириқиб керишди. Мусаффо ҳаво билан бағрини тўлдириб нафас олди. Тонг нақадар гўзал. У қанчадан-қанча умид ва орзулар, фикрларга бой бўлган бадавлат куннинг беғубор ёшлигидир. Бугунги кун кимларга нималар инъом қиларкин? Қудрат учунчи? Балки у Қудратга қиё боқмасдан қуппа-қуруқ ўтиб кетаверар. Балки катта ғалабалар, шод-хуррамлик, ютуқлар бағишлар, ажойиб мақсадларнинг рўёбга чиқишига гувоҳ бўлар. Ким биладди дейсиз! Балки Худойқуловга ўхшаганлар билан тортишиш, олишиш, хижиллик ва бефойда ишлар билан чарчатиб қўяр. Ҳар нарса бўлиши мумкин. Аммо Қудрат эрталаб булар ҳақида ўйламас, билаклари янгича куч-қувватга тўлганини сезиб, бугунги кундан катта умид кутарди.

Ботиров эса кўпинча Қудрат ухлаб ётган замониёқ кетиб қолар, унинг кечаги ишлари ва бугунги планлари ҳақида ҳисоботни ҳам эшитишга улгуролмасди. Бошқармага бориш учун Қудратнинг вақти йўқ, зарур нарсаларни қоғозга ёзиб одамлар орқали юборар, аммо ўзи кечгача қорасини кўрсатмасди. Кечқурунлари дастурхон устида ундан гап сўраш, буйруқ бериш, йўл-йўриқлар кўрсатишни эса Ботировнинг ўзи ёқтирмасди. «Дастурхон устида расмий масалалар билан шуғулланиш ярашмайди» деб ўйларди у.

Фақат шу кеч «имтиҳон» мажораси баҳона бўлди-ю, бу тартибни бузишди. Бари бир Қудрат ундан бир чақалик нафни кўргани йўқ. Нимаики ҳақда гап очса чала-чулпа жавоб олди. Йўқ, бунақада иш битмайди. Очиқ гаплашиб олиш керак. Борди-ю, ораларида зиддият туғилиб қолса, нима бўлади? Дарвоқе, умумий иш учун кураш кетаётган маҳалда, ҳеч қандай зиддиятдан қочиш мумкин эмас. Эҳ, улар бир уйда ёнма-ён ётиб, бирга туришмаганда эди! Қайтиб келар эшигининг қаттиқ ёпишдан ёмони йўқ. Доим андиша қилганинг-қилган. Шу ердан бошқа уйга кўчиб кетса-чи? Уста Махсум, Тешавойлар билан бирга турса ҳам бўлади. Дарвоқе, бу жуда яхши фикр. Шундай қилгани яхши, чунки икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди, дейдилар-ку.

Нонушта маҳали у эҳтиётлик билан ўз фикрини айтди.

— Бу жой дидингизга тўғри келмаяптими?— деб тикилиб қолди Ботиров.

Қудрат ишчилардан ажралиб яшаш кўп жиҳатдан ноқулайлик туғдираётганини тушунтиришга уринди.

Пардавой ҳеч нарса демади. Қудратга қарамай бўшаган пиёласини кампирга узатди. Ноўрин гап қилганига дарров тушунган Қудратнинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Бекор қиласиз, бўтам,— деди кампир ўкинч билан,— ҳеч ким кўкрагингиздан итараётгани йўқ. Вақти бемаҳал келганингизда иссиқ овқатингиз, ётар жойингиз бут. Онангиз ўринга она бўлиб, кир-чирингизни ювиб-тараб турувдим. Қўнглингизга қаттиқ тегиб қўйган бўлсак, бўлак гап...

Қудрат бўйинини қашиб:

— Сизлардан жуда миннатдорман,— деди оҳистагина кулиб,— ҳеч қўнгилга тегадиган гап бўлгани йўқ. Жуда хурсандман, энди... ҳар ҳолда баъзи юмушларим билан овора қилиб қўйдим сизни.

Кампир дарҳол унга ўгирилди.

— Менга ҳеч оғирлигингиз тушаётгани йўқ. Овораси нимаси? Иккита одамгаям ўша қозон осиларкан, учта одамгаям. Қайтага битта болам иккита бўлди деб, бағрим тўлиб юрувдим. Ҳалиям шайтонга ҳай беринг, ўғлим. Мани хафа қилманг. Эшитган қулоққа ҳам яхшимас. Битта жонимизан шундай ҳовлига сифмапти-я, дейишади. Пардавой бўлса, ўз акангиздай. Яқинда тўй қилсак, ўзингиз бош бўласиз. «Қадр билмас қариндошдан қадр билган ёт яхши». Қадр-қимматларингни туширманглар, бўтам. Яна танангизга ўйлаб кўарсиз.

Орият бувининг танбеҳнамо сўзларидан юзларига қизил доғлар югурган Қудрат бошини яна қуйроқ эгди. «Ҳа,— деб ўйларди ичида,— жой берганга жой бер, жон берганга жон, деган гапни қияпти кампир. Шунча тузини ичиб, тузлиғига тупургандай чиқиб кетаверишдан ёмони йўқ. Бир оз хизматини ўтаб, рози қилиш керак. Аммо Пардавой-чи? У, кимнинг нонини есанг шунинг ноғорасига ўйнайсан, қабилида иш тутмасмикни? Масаланинг буёғи ҳам бор-да, ҳали».

Кўча эшиги олдида Ботировни олиб кетиш учун «газик» машинаси келиб тўхтагани эшитилди. Юзлари гоҳ қизариб, гоҳ оқариб ўтирган бош инженер индамай ўрнидан турди-ю, ташқарига йўл олди.

— У ҳолда мен бугун олдингизга боришим керак,

Пардавой ака,— бехосдан мурожаат қилиб қолди Қудрат. Ботиров ҳам таққа тўхтаб орқасига қайрилди-да, савол назари билан қаради. Қудрат давом этди.— Ҳал қилинмаган масалалар устидан очиқ-ойдин келишиб олмасак бўлмайди. Ўртоқ Салимов ҳам бўлармиканлар?

Пардавой жилмайди.

— Салимовсиз келишолмаймизми?

— Мен билан алоҳида гаплашмоқчилар дедингизку? Бош инженер қайтиб яна супа ёнига келди.

— Талабларингиз тўғрисидами?

— Ҳа.

— Шундай деганим рост. Лекин бугун-эрта қўли тегмаса керак. Сабр қилиб турасиз.

— Жуда кечикиб кетяпти, Пардавой ака.

Ботиров Қудратнинг елкасига кафтини аста қўйиб:

— Сабр қилинг,— деди.

— Ҳеч кечиктириш мумкин эмас ахир...

— Сабр қилинг, Қудратжон.

— Сабрнинг ҳам уйи куйсин. Наҳотки, ўн-ўн беш минутлик суҳбат учун вақт ажратиш ўлимдан қийин бўлса!

Пардавой елкасини қисиб туриб:

— Нима ҳам деймиз. Ҳозир шунақа вақт,— деди, кейин тушунтира бошлади:— Сизнинг бошингизда битта участка, бизнинг бошимизда эса бир қанча. Ундан ташқари, қанча ташкилий ишлар... Осон тутиб бўладими, Қудратжон? Сизнинг талабларингиз эса ҳашпаш дегунча битадиган нарса эмас. Жиддий ўтириб, ҳар бири устида бош қотириш, маслаҳатлашишга тўғри келади. Олма пиш, оғзимга туш, билан бўлаверарканми? Маъмурий ишлар бунақа ҳал қилинмаслигини биласизку?

— Барн бир, бугун у киши билан ҳам учрашишим керак,— деб юборди Қудрат қайсарлиги тутиб.

— У киши хоҳламаса-чи?— қовоғини уйди Ботиров.

— Хоҳламасами? Хоҳламаса, биргалашиб хоҳлаттирамиз. Сиз менга ёрдам берасиз, Пардавой ака.

— Соддалик қилманг, Қудратжон,— бўзариб кетди Ботиров,— сиз ҳали янги одамсиз, ходимларимизнинг феъл-атвори билан таниш эмассиз. Ундан кейин бошлиқлар билан тортишиш шамолга қарши тупуриш билан баробар.

— Қўрқасизми? Ёки кейин муросаларингиз келишмай қолишидан ҳайнқасизми?

Бу гаплар Ботиров учун жангга кириш олдидан берилладиган сигналдай таъсир қилди.

— Мен сизга ҳисоб бериб ўтирмайман, Қудратжон,— деди у бўғилиб.

Қудрат пинагини бузмади.

— Чумчуқдан қўрққан тарикъ экмайди,— деди у, аммо Ботиров ўзини эшитмаганга солиб, жадал юрганича чиқиб кетди.

Қудрат кулимсраганича ҳовли ўртасида туриб қолди. Кейин бирданига юзлари бужмайиб кетди. У Ботировнинг кўнглига қаттиқ ботадиган гап айтмадимикин? Битта сўздан қолса нима бўларди?

Мана энди орамиз бузилди, деб ўйлади ичида. Ёки обрўси борида келган томонга қараб қуён бўлсамикин? Булар билан ҳамжиҳат бўлиб ишлаш осонга ўхшамайди. Кейин унинг орқасидан «ўзи келган ёр-ёр, ўзи кетган ёр-ёр» деб қўшиқ айтиб юришмасмикин? Ошиқма, Қудрат, яна ўйлаб кўришнинг керак, албатта, ўйлаб кўришнинг керак...

Ботиров бошқармага ета-етгунча Қудратнинг гапларини ўйлаб кетди. Уни бир оз ташвишга солиб қўйган нарса, лойиҳа масаласи бўлди. Ҳа, бу тинмагур, сипчов йнгит шаронт билан танишиб юриб, бир нарсани ўйлаб-топганга ўхшайди. Дарвоқе, яқин ўртадаги қишлоқлар лойиҳадан мамнун эмаслар. Нафсиламбр, уларнинг ранжишларида ҳам жон бор. Лекин энди вақт ўтди. Аввал бошдан хатога йўл қўймаслик керак эди...

Пардавой Ботиров тўрт йилча лойиҳа бюроси бошлиғи вазифасида ишлади. Ана шу пайтлар у ўзини ниҳоятда истеъдодли ходим ҳисобларди. Қўлида дипломи бор, қурилиш соҳасида катта тажрибага эга. Ҳурмати ҳам бор. Бунинг устига активлар йиғилишида раҳбар ходимлар уни бошқаларга ўрпак қилиб кўрсатишар, трест бошлиғининг буйруқларида ҳам унинг номи тилга олиниб турарди. Ошна—оғайнилари кўп. Улар ичида Пардавойнинг қобилиятини мақтаб, елканини шиширадиганлар ҳам йўқ эмас эди, албатта. Бундай пайтларда у ўзидан яна фахрланиб қўяр, юриш-туриши ва ҳатто кийим кийиши ҳам бўлакча эди. Лекин катта кемага катта сафар, деганларидай, бир ерга лангар ташлаб қўйиб туравермай, олға интилиш керак. Елканни яна ҳам кенгроқ ёзиб, шамол ўнг келган пайтда кемани шитоб билан мақсад сари йўллаш керак.

У катта обрўга эришди. Пардавой Ботиров мазкур

қурилиш лойиҳасининг бош автори бўлиб қолди. Ахир мутахассислар ичида бу атроф билан Пардавойчалик яхши таниш бўлган бошқа ким бор? Ана шунинг учун ҳам бу масъул вазифани унгагина ишониб топширганлар.

Шу давргача тузилган лойиҳалар танқидга учраб, тасдиқдан ўтмай қолиб кетган эди. Пардавойларнинг лойиҳаси эса ўша лойиҳаларнинг афзал томонларини сақлаб қолиб, аввалги авторлар йўл қўйган хато ва камчиликларни қайтармаслиги керак эди. Энг биринчи галда қурилиш давлатга жуда арзонга тушиши, ниҳоятда тез ва бенуқсон битиши кўзда тутилганди.

Лойиҳа авторларини газеталарда мақтай бошладилар. Ботиров эса улкан қурилишнинг толмас жарчисига айланди, у мақолалар ёзди, кенгашларда, конференцияларда чиқиб сўзлади. Ўзи кеккайиброқ юрадиган, тобе кишиларга нисбатан юқоридан туриб муомала қиладиган бўлди. Аста-секин улғайиб келаётган шуҳрат-парастлик ҳисси мартаба зинасининг юқори поғоналарига чиқишга ундади. Уни янги бошқармага бошлиқ қилиб тайинлаганларида у бахти кулган йигит эканлигига астойдил ишонди-ю, терисига сигмай кетди. Ахир кимсан, шундай ажойиб қурилишнинг бошлиғи-я. Бу кичкина гапми? Қанчадан-қанча техника, одамлар устидан раҳбарлик қиласан! Йўлни эсон-омон битказиб топшира олсанг, яна ошиғинг олчи...

Ҳамма иш қўнғилдагидай юришиб кетди. Дастлабки кунларданоқ мусобақа авж олди. Қайси участкага борманг одамларнинг тиш-тирноғи билан ишга ёпишиб кетганини кўрасиз. Пардавой бундан хурсанд, терисига сигмайди. Атрофига Холдор сингариларни йиғиб, уларнинг хушомадларини эшитишни жуда ёқтирар, «ақл ўргатадиган»ларни эса кўргани кўзи йўқ эди.

Афсуски, дастлабки ютуқлар унчалик узоққа бормадди. Шошмашошарлик билан қилинган ишлар, ҳамма участкаларда ҳам одамлар жой-жойига қўйилмаганлиги аста-секин ўз натижасини кўрсата бошлади. Пардавой эса бирданига калаванинг учини йўқотиб қўйди. Уни тез-тез трестга, район партия комитетига чақириб турадиган бўлдилар. Аммо бу сафар кўкларга кўтариб мақташ учун эмас, балки қаттиқ-қаттиқ дашном бериш учун чақирардилар. Бироқ энди вақт ўтган, ўзига ҳаддан зиёд бино қўйган Ботиров бошқарманинг мушукуллини осон қилишга қодир эмас эди. Ниҳоят, уни ўрнидан тушириб,

Элдор Салимовни бошлиқ қилиб тайинладилар. Учас-
каларга янги мутахассислар кела бошлади...

Ботиров бу хил ўзгаришларни қўлламай иложи йўқ
эди. Чунки у ҳам қандай бўлмасин қурилиш ишларини
тезлатишни истар эди. Фақат кеча, оқшом пайтидаги
суҳбат вақтида Қудратнинг лойиҳа масаласига тил те-
гизиши... Ҳа, Ботиров у гапларга бепарво қаролмасди.
Ахир бунақада бир ишкал чиқиб қолиши турган гап-ку.
Борди-ю, бу ҳақда катталарга ҳам етказиб, ўз фикрини
ўтказолса.... Кейин Пардавойнинг ҳолига вой деяверинг.
Тинч қўйишармиди. Масъулиятсизликда айблаб, тоза
иўстагини қоқишади. Йўқ, йўқ, бу хилдаги гаплар ҳат-
то Салимовнинг қулоғига ҳам етмаслиги керак. Шунинг
учун Қудратнинг Салимов билан учрашувини истамайди.
Йўқ, асло истамайди. Иложи борица Салимов билан уч-
раштирмай туриш керак. Ҳозирча шуниси маъқул. Акс
ҳолда... Ҳа, акс ҳолда, Пардавойнинг шу бугунги обрў-
сига ҳам путур етиб қолиши мумкин...

... Бошқарма бошлиғи ўз секретаридан Ботиров ке-
либ, кабинетига кирганини эшитгани заҳотиёқ уни ол-
дига чақиртирди:

— Учинчида ишлар қалай? — деб сўраб қолди са-
лом-аликдан сўнг, — Ёдгоров жуда чапдаст чиқиб қол-
дими, а?

Ботиров қўл силтаб, янги прорабдан ҳафсаласи пир
бўлганлигини билдирди.

— Менинг дидимга ёқмай турибди бу йигит. Нима
демоқчи эканига тушуниб бўлмайди ҳеч. — Шундан ке-
йин у Худойқуловдан эшитганларини айтиб берди.

Салимов умум иши учун жон куйдирадиган одамни
жуда ёқтирарди. Аммо ёш ходим бўлгани учун бирорта
оддий масалани ҳам мустақил ҳал қилишдан ҳайнқар,
ён-веридагиларнинг фикри билан келишиш, уларнинг
маслаҳати билан қадам босишни маъқул кўрарди. Уни
бу бошқармага бошлиқ қилиб тайинлаганларига ярим
йилча бўлган эди. У кўпинча бош ишженерга суя-
ниб иш юритар, унинг айтганини қиларди. Лекин бора-
бора юрагидаги бу дўстига нисбатан аста-секин шубҳа
уйғона бошлади, у баъзан Ботировнинг чуқур ўйламай-
нетмай иш қилганини пайқаб колар, шунда норози бўл-
ганлигини ундан яшира олмасди. Бошлиқнинг бирдан-
бир орзуси ғайратли ёшлар, меҳнатсевар ходимларни ўз
теварагига тўплаб, ишда чинакам бурилиш яшаш. Шу-
нинг учун у Қудратдан умидвор бўлди. Келган кунидан
бошлаб Қудратнинг зўр ишонч ва ғайрат билан ишга

киришганини кўриб севишди. Бироқ бугун Пардавой унинг ҳақида бутунлай бошқача гап қилмоқда.

Салимов оғир хўрсиниб қўйди.

— Сиздан илтимос, — деди у бош инженернинг юзига эмас, ёқаси кир бўла бошлаган кителига қараб, — ўша Худойқуловга кўп қулоқ солаверманг.

Ботиров папирос чекиб, пуфлаб тутунини чиқазар экан, тиши билан данак чақаётгандай бир кўзини юмганча афтини бужмайтирди.

— Ўз кўзим билан кўриб турибман-ку, ўртоқ Салимов. Ёш боладай осмонга сапчийди, ҳовлиқади. Гапингдан бир илмоқ топишга уринади. Бўш келсангиз сизга ҳам ақл ўргатмоқчи бўлади. Бунақада участкада одам қоладими. Майли, қуш учмас ерда қурбақа ҳам булбул дегандай, ҳозирча ишлайверсин-чи. Лекин мен Худойқуловни ўз қанотим остига олмоқчимасман. Бироқ шунини айтиб қўяйки, бу Қудратингизга ҳам кафил бўлмайман.

— Худойқуловга-чи? Унга кафил бўла оласизми?

— Йўқ... Аммо шунини айтayки, ҳар ҳолда у одамлар билан чиқиша оларди. Қўлидан келмаган нарсага тумшугини тикавермасди.

— Бу-чи?

— Бунингиз ўз ишини қўйиб... Э, қўйинг, буни. Ёмгирдан қутулдигу, қорга тутилдик. Худойқулов мен билан донм маслаҳат қилиб ишларди. Бунингиз ҳамма ишини ўзинча ҳал қилади. Бугун ўртоқ Салимов билан учрашгани бораман дейди. Мени писанд қилмайдими, билмайман. Сиз билан сўзлашмоқчи?

— Майли, келсин-чи.

— Ҳозирча бошингизни қотирмай турсин, қўйинг. У билан ҳеч осойишта гаплашиш мумкин эмас. Нега шу чоққача талабларимни қондирмадингиз, деб шовқин кўтаради келса.

Салимов секретарини чақириб Қудрат юборган талабномаларни сўради.

— Ҳаммаси турибди, — деди Барнохон. — Алоҳида напкага солиб қўйганман, анча қаппайиб қолди.

Бир нафасдан кейин бошқарма бошлиғи янгигина кўк напкани очиб, бежирим ҳуснихат билан ёзилган талабномаларни титкилай бошлади.

— Шунинг ҳаммаси Ёдгоровданми?

Бундан бир ярим ҳафта бурун Салимов унинг ремонт устахонаси учун асбоб-ускуналар, кўчма электростанция сўраб ёзган талабномалари билан танишган эди.

Мана бугун яна, у керак, бу керак, деган қоғозлар билан бир даста бўлиб қолибди.

— Қойилман ҳафсалангга, — деб қўйди бошлиқ.

— Бу гушт олишини билмайман дегани, — кулди Ботиров, — ўзи келсин, ёғ-ёғидан беринг, думба доғидан, дейишини кўрасиз...

— Довюррак ҳам шекилли, а? — синовчан кўз билан қаради бошлиқ Ботировга.

Пардавой ўзини босиб, ясланиб ўтириб олди.

— Бу гапингизда ҳам жон бор. Лекин... — у ўз фикрларини исботлаш учун далиллар тополмай иккиланиб қолди. Худди шу маҳал эшик очилиб Қудрат кириб келди.

— Мумкинми?

— Келинг, келинг, — ўрнидан туриб кутиб олди Салимов, — айти сизнинг ғийбатингизни қилиб ўтирувдик, — кулди у Қудратга стул кўрсатаркан, — бизни жуда қоғозга кўмиб юборибсизу, ўртоқ?

Қудрат қўлидаги ўроғлиқ газетани стол устига ёйиб қўйди-да, ҳар хил ҳужжатлар ичидан яна битта қоғоз олиб узатди. Бу техминимум дарслари учун зарур бўлган қўлланмалар ва кўргазмали ўқув қуроллари берилишини сўраб ёзилган талабнома эди.

Салимов янги талабномани ҳам синчиклаб ўқиб чиқди-да, секин Пардавойга кўз қирини ташлади. Бош инженер мана, айтмабмидим, дегандай қараб турар ва қошларини пир-пир учирарди.

— Бунини йўриғи осон, — деб қоғозни стол четига қўйди Салимов. Кейин кўк папка ичидагиларни бир даста қилиб, салмоқлаганича кўрсатди, — ҳўп, мана буларга нима дейсиз?

Қудрат жавоб бериш ўрнига стол устига ёйиб қўйилган ҳужжатларнинг ичидан яна бир қоғозни олди-да.

— Марҳамат, — деди у ҳам салмоқлаб туриб, — мана бу инструкция бўйича бизнинг участкамиз учун бешта бульдозер белгиланган, бизда учта бульдозер бор. Учта скрепер ўрнига иккита, учта грейдер ўрнига битта, иккита каток ўрнига битта. Хўш, қотганини қачон берасизлар? Шу ҳужжатлар сиз томондан тасдиқланмаган бўлганда ҳам бошқа гап эди. Ўзинглар тузган смета, ўзинглар тузган инструкцияга яна ўзингиз амал қилмайсизлару, биздан план талаб қилишни биласизлар!

— Биз билан жанжаллашгани келдингизми?— деб гап қотди бош инженер.

— Йўқ. Талабларимни қондиришингизни сўраб келдим,— пинагини бузмай жавоб қилди Қудрат,— участкада ремонт устахонаси тайёр бўлганига бир ҳафтадан ошди, ҳалигача асбоб-ускуналар юборилмайди. Ҳар кун кўзимиз тўрт бўлиб кутамиз. Сиздай бошлиқларимизнинг бу хилдаги муносабатига нима деб баҳо берса бўлади?.. Бир сменада ишлай берсак судралганимиз-судралган. Тап тортмай тунги смена ташкил қилавериш керак. Бунинг учун кўчма электростанция, прожекторлар зарур...

— Гапингиз тугадими?

Бошлиқнинг жуда мулойимлик билан берган саволи уни бир оз довдиратиб қўйди. Қудрат кўзларини пирпиратиб, дам унга, дам бош инженерга олазарак бўлиб қаради.

Қудратнинг юзлари деярли ифодасиз, қошлари сийрак бўлса ҳам, узун киприклари орасидаги чиройли кўзлари қандайдир қувончли ҳодиса юз бериб қолишини кутаётгандай доим чақнарди. Лекин ҳозир унинг кўзларидан ғазаб ўти учқунланарди. У ўзини зўрға босиб:

— Йўқ,— деди Салимовнинг саволига жавобан ва юрагида борини очиқ баён қила бошлади. У келганидан бери ҳар бир ишчи қайси хонадонда, қандай яшаб тургани билан танишиб чиқибди. Ҳатто ким қандай овқат килиши, нимани кўпроқ ёқтиришини ҳам билиб олибди.

— Ҳозирги кишиларимиз, айниқса, ёшлар қайси асрда яшаётганликларини яхши биладилар. Уларни қуруқ дабдабали гаплар билан романтик ҳаёт сари ундаб бўлмайди. Кундалик нормаларини талаб қилишдан олдин кайфиятлари, турмуш шароитлари билан қизиқишимиз керак.

Бошлиқ энди унинг гапига қизиқиб қулоқ солар ва ҳар замонда блокнотига нималарнидир ёзар ва уларни доира ичига олиб қўяр эди. Кейин Қудратнинг узундан-узоқ сўзи уни бир оз чарчатди шекилли, кўзларини юмиб орқага ташланди. Қовоғи уюлди. Панжалари билан столни аста черта бошлади.

Қудрат бўш келмасликка қарор қилди. Биринчи учрашувдаёқ ҳамма масалани ҳал қилиб олишга жазм қилган эди.

— Нима дейсиз, атлас кўрпа қоплаб берайликми

ҳаммасига?— унинг гапини шартта бўлди бош инженер.

— Йўқ, менга тушунмадингиз, Пардавой ака,— дедим этди Қудрат,— атлас кўрпани уларнинг ўзлари ҳам ёқтиришмайди. Аммо бир кўрсангиз билардингиз, ётар жойлари қоқ-қуруқ супа, остларида бўйра, юпқагина кўрпачадан бошқа нарса йўқ. Шуми инсоннинг қадри, қиммати? Нега шундай пайтларда раскладушкалардан фойдаланиш мумкин эмас? Кечқурун, туш пайтлари иссиқ овқат билан таъминлаш мумкин эмасми? Ёки кучимиз етмайдими? Минг шукурки, бой-бадавлатмиз. Истаган нарсамизга қўлимиз етади...

Қабулхонада одамлар тўпланиб қолган эди. Бир неча бор эшикни очиб қараб қўйишди. Барнохон бир кўринди-ю, бошлиқ билан имо-ишора қилиб чиқиб кетди. Демак, Қудрат тезроқ сўзини тугатиши керак. Акс ҳолда чала қолади. Лекин нимагадир Салимов уни шошилтираётгани йўқ. Гап муҳим нарсалар ҳақида бораётгани учун бамайлихотир эшитмоқчи шеклилли.

— Бу талабларингизни жон-дилим билан бажаришга тайёрман,— деди у, ҳалиги донра ичидаги ёзувларни бирма-бир ўқиётган.— Аммо ҳаммасинимас. Афсуски, ҳозирча ҳаммасини бажариш қўлимиздан келмайди. Мен ҳам сизга ўхшаб трестдаги бошлиқларимиз билан тортишаман, олишаман. Мана бу иккита талабноманингизни олганимдан кейин ҳам борганман. Уларни ҳам айблаб бўлмайди. Ҳаммани бирданига зарур нарсалар билан таъминлаш осон гап эмас. Бизга ҳам навбат келиб қолар. Ўшанда марҳамат, биринчи галда сизни таъминлаймиз.

Ботиров лабидаги папиросини олиб кулдонга босаркан, тутунидан ачишган кўзларини сал қисиб, бошлиқнинг гаплари прорабга қандай таъсир қилаётганига разм солди. «Хайрият, лойиҳа тўғрисида сўз очмаяпти» деб енгил нафас олди у. Худди шу пайт Қудрат унга ёпишиб кетди:

— Нега бош инженер бизга шу ҳақда бир оғиз гапириб, кўнглимизни тинчитиб қўймадилар?

— Бош инженерда гуноҳ йўқ,— уни ўз ҳимоясига олган бўлди Салимов,— туғилмаган гўдакка элдан бурун ном қўйишни мен ҳам ёқтирмайман. Сиз ўз ишчиларингиз эҳтиёжини қондиришга уринганингиз яхши,— давом этди у бир нафаслик жимликдан кейин.— Сиздан умидимиз ҳам шу эди. Қандай бўлмасин участкани

қолоқликдан чиқариб, қурилишни муддатидан илгари тугатишимизга ёрдам берасиз, коллективни мустаҳкам, аҳил ва соғлом коллектив қилиб жипслаштирасиз деб ўйлаган эдик. Сиз бўлсангиз эшитишимча, ишни жанжалдан бошлабсиз? Шу тўғрими?

Қудрат пешонасини қашлаб туриб, оғир хўрсиниб қўйди.

— Тўғри.

Қизғин суҳбат шундан кейин бошланди. Бош инженер папиросини яна тутатганича энди таъзирингни ейсан дегандек, Қудратдан кўз узмас эди. Бироқ Салимов аччиқ-аччиқ гаплардан кейин кўнгилни кўтариб қўйишни ҳам билар экан. У яна мавзунинг папкадаги талабномалар устига кўчириб, бир-икки оғиз аския қилиб, кулдирди. Афсуски, кўчма электростанция, проектор сотиб олиш бошқарманинг бу йилги сметасида кўрсатилмаган экан. Шуниси бир оз Қудратга ёқмади, холос.

Одатда бошқармага шунақа талаблар билан кирган ҳар қандай ходим оғзаки ваъдалардан кейин мамнун бўлиб чиқиб кетарди. Аммо Ёдгоров бу хилдаги одамлардан эмас экан. Салимов унинг кўзи олдида таъминот бўлими бошлигини чақиришга мажбур бўлди...

Қудрат бошқармадан бошқача ғайрат ва шижоатга тўлиб, участкага қайтди-да, ҳаммани йиғди. Бугун ишчиларни янги хабарлар билан таништириб хурсанд қилганидан кейин кўнгли жойинга тушди. «Энди ҳақиқий коллектив бўлиб, чинакам меҳнат гаштини сураминиз. Ишнинг ўз билимимизни оширишдан, техминимум дарсларидан бошлаймиз. Бизнинг куч-ғайратимизни, нималар барпо қилишга қодир эканлигимизни ҳамма билиб қўйсин», деди у.

Ундаги кўтаринки руҳ, Худойқулов билан Мардоповдан бошқа барча ишчиларга яхши таъсир қилди. Уста Махсум хурсанд бўлиб унга яқинлашди-да:

— Бугун ё эртаметан, вақтингиз бўлса, менинг уйимга бир кириб чиқсангиз,— деди кўзларини ялтиратиб,— сизга кўрсатадиган нарсам бор.

— Нима, бирор кашфиётми?

— Қашфиёт бўлмаса ҳам кичкина... Шунчаки, бир фикр...

Ҳа, Қудратни шунақа «шунчаки фикр»лар ҳам қизиқтиради. Албатта киради. Албатта, сизга ўхшаганлар билан яхшироқ танишиб олиш керак, уста.

Худойқулов Қудратни бошқармадан мағлубиятга учраб эзилиб қайтишини кутган эди. Агар шундай бўлганда ўз терисига сиғмай қолган бўларди. Ҳаммани Қудратга қарши қўйиб, уни ёлғиз қолдириш унинг мақсади эди-ку! Ҳозир эса кўпчилик у томонга оғиб хетди. Уни ғалаба билан табриклашди.

Худойқуловнинг кечгача қўли ишга бормай, худди қўйинига яширган қимматбаҳо бир нарсасини йўқотиб қўйгандай гангиб юрди. Фақат шомдан кейингина ўзини қўлга олди. «Бўш келмайсан, у тулкидай айёр бўлса, сен қашқирдай олғир бўлишинг керак!» деди ўзига ўзи.

VI боб

ОЛЧАЗОРДА

Қудрат ярасини тезроқ тузатмоқчи бўлиб медресага икки-уч бор киргани ва тунда Назокатни кузатиб қўйгани Холдорнинг назаридан четда қолмаган экан. Бу ҳақдаги гаплар қўшиб-чатилиб Мардоновга етказилган, унинг Қудратга бўлган нафрати баттар ошган эди. Аввалига Акмал Холдорнинг иғволарига ишонимаган ва ҳатто у билан ёқалашмоқчи бўлган, бошқалар югуриб келиб ушлаб қолмаганда жағига туширишига сал қолган эди. Кейин эса ўша иғвогарнинг гапига тан берди-ю, ундан кечирим сўради. Кейин яқин дўст бўлиб олдилар.

Мардонов Қудрат билан жанжал кўтаришга баҳона излай бошлайди. Атайин ишга кеч чиқади, баъзан тушдан кейин бутунлай кўринмай қолади. Назокатдан эса ниҳоятда хафа, аммо олдига кириб хархаша кўтаришга ҳадди сиғмайди. Рост-да, унинг кими бўлардики... Фақат бир неча оқшом учрашишган, суҳбатлашишган. Бирор марта унга: «Сиз менга ёқасиз» ҳам деган эмас. Тўғриси, уни яхши кўрадимиз, йўқми, бунини ҳам билмасди. Ахир севса ҳам арзигудаккина-ку? Шу чоққача бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўрмаганини қаранг. Мана энди орага Қудрат келиб суқилганда, юрагида рашк илони пайдо бўлди. Ахир нима учун Акмал қолиб, кечаги келгинди шундай жонон билан кайф сураркан? Акмалнинг Қудратдан қаерин кам!

Шундай деб ўйлаганда у ўзини Қудрат олдида лапашанг, ҳеч нарсага арзимайдиган одам қиёфасида кў-

рар, бундан ўзи яна ранжир эди. Ахир алам қиларканда кишига. Ёки Назокат билан учрашиб орани очик қилгани яхшимикин? У нима деркин? Борди-ю, Қудрат билан ораларида жиддийроқ муносабат туғилгани рост бўлса, Акмал ўзини қандай тутиши керак? Масаланинг бу ёғи ҳам бор ҳали.

Тушки танаффусдан сўнг унинг оёғи трасса томонга тортмади. Одамлардан ажралиб, қишлоқнинг кимсасиз кўчалари бўйлаб кетди. Рашк илони ҳамон ичини кемириб борарди. Кутилмаганда ўзига кўпдан таниш бўлган эшик қаршисидан чиқиб қолди. Бу — медпункт эди...

Шу медпункт орқасидаги жимжит бир бостирмага кирди-ю, беда ва пичан ғарами ичига кириб ётди. Бурчакда тухум қўймоқчи бўлиб ётган кул ранг товуқ одам шарпасидан чўчиб, Акмалнинг бошидан учиб ўтди. Шундайгина ён томонда сичқон боласи чийиллаганича қочиб кетди. Акмал унга ҳам эътибор бермай ётар, кўзларини юмиб ухлашга, ғамларини тезроқ унутишга тиришарди. Бироқ уйқу қаёқда дейсиз, миясини ўйиб турган хаёллар унга тинчлик берармиди! Бирданига кўзига Қудратнинг башараси кўриниб кетар, у худди мазах қилаётгандай тиржайиб қўярди. Акмал жаҳли чиқиб, муштумини маҳкам қисганича сўкинади, хушбўй ҳид аңқиб турган пичан ичига бошини суқади. Аста-секин Қудрат йўқолиб Назокат пайдо бўлади. Ўша чиройли қўллар Акмалнинг бўйнидан қучоқлайди, бўсаларига ширин бўсалар билан жавоб қилади. Ўша ажойиб кўзлар унинг кўзларига мулойим тикилади, жувон уни эркалайди.

Бу чоғ Акмалнинг вужуди баҳор суви сингари эриб, ўзининг бор-йўқлигини ҳам унутиб қўяди. Бирдан шайтон васвасага солиб уни ҳозироқ Назокатнинг олдига киришга, оёғига мукка тушишга ундай бошлайди.

Шу чоғ қисир-қисир оёқ товуши, икки кишининг гангур-гунгур гаплашгани эшитилиб қолди. Улар бостирманинг энг четида бўлганликлари учун Акмални кўрмас эдилар.

— Ҳайронман сизга, икки ҳафта илгари битта детални сўраганимда беришга кўзингиз қиймаганди-ку, энди ўзингиз ол деб қистаяпсиз, нима, ошиб-тошиб кетдингизми дейман?

— Шунақа кези кеп қолди, оғайни. Тракторларингиз ремонтига деталь керакми, ускуна керакми, биздан олаверасиз энди.— Бу — Худойқуловнинг овози эди.—

Ҳаммасини топиб бераман,— давом этди Холдор,— лекин муллажирингги нақд бўлсин. Бугалтир-муғалтир қилиб юришга азалдан товум йўқ.

— Билмадим, старший механик билан гаплашиб кўрай-чи, у нима деркин.

— Нима дерди, олингани яхши дейди-да, Ҳозирча ёнингиздан тўлайверасизу кейин эвини топиб расмийлаштираверасиз. Шунга ҳам ота гўри, қозихонами, оғайни.

— Уни айтаётганим йўқ. Заводга заказ қилган деталлар ҳам кеп қолса керак деятувди механик. Борди-ю...

— Ёпирай, уйнашга ишониб эрсиз қолгандан кўра, тайёрини ундираверсангиз-чи. Олисдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши-ку, ахир?

— Майли, келишсак, хабар қиларман сизга.

Холдор шап этиб унинг қўлига қўлини урди.

— Келишдик, оғайни. Лекин хабарини фақат ўзимга етказасиз. Ўзингиздан ўтар гап йўқ, бирорта узун қулоққа илинса, пашшадан фил ясаб, карнай-сурнай чалинган тоймайди. Эҳтиётлик яхши-да, ҳар қалай. Ростми оғайни, ҳи-ҳи-ҳи...

Номаълум киши хайрланди-да, ўз йўлига кетаверди. Худойқулов беихтиёр орқасига қайрилиб қараган эди, қаршисида турган Акмални кўриб ранги ўзгарди.

— Ёпирай... Акмалжонми?..— сўради у бир нафасли довдирашдан кейин.

Акмал гапни лўнда айтди-қўйди.

— Мен ҳамма гапингизни эшитдим, сардор!

Холдор мийиғида илжайиб унга яқинлаша бошлади.

— Жуда яхши бўпти оғайни, сиз билан бизнинг орамызда қанақа сир бўлиши мумкин, хўш? Иккаламиз бир киши-ю, араванинг тиркиши, шундай эмасми, ҳи... ҳи... ҳи... янги устахонага улуғимизнинг ташаббуси билан ҳар хил деталлар келадиган бўлди. Бир-иккитасини тракторчиларга узатиб, жонига ора кирганимизни ким биллиб ўтирибди, дейсиз?

— Сиз улардан пул талаб қиляпсиз-ку?— бир оз юмшаб сўради Акмал.

Холдор яна ғайри табиий кулди:

— Оббо, сиз-эй, бекорга мушук офтобга чиқармиди, оғайни. Пул толмоқ айб эмас. Киссамизга қанча пул тушса, шунча димоғимиз чоғ бўлади. Аҳён-аҳёнда иккаламиз қитдай-қитдаини уриб отамлашиб туришимизга ҳам пул керак-да, ахир. Хўш, ҳиссасини бу ёқдан чиқариб турсак ёмонми?..

— Мен ҳаром пулга ичмайман!

— Епирай, ҳаром деганингиз нимаси? Лўлининг эшагини суғору пулини ол, деганлар. Бировга яхшилик қилиб орттирган чой чақамиз ҳаром бўларканми, оғайни?

— Сиз ваъда қилган деталлар-чи?

— Деталлар-чи, деталлар-чи... битта-яримта деталь билан қашшоқ бўлиб қолармидик? Бари бир ҳаммасини ишлатмаймиз, қолиб кетадиган нарсалар. Кейин бошқалар туя қилгандан кўра...

Мардонов ортиқ қулоқ солмай жадал юриб кетди. Холдор мулойимлик билан уни қўлтиқлади.

— Қўйворинг мени,— силтаб ташлади уни Акмал.— трассага боргим йўқ бугун, қўлдан келганини қилсин. Холдор қулочини ёйиб туриб:

— Ихтиёри бошимо, оғайни,— деди,— ростимни айтсам, мен ҳам тўйиб кетдим. Бошимни олиб бир ёққа қочсамми деб юрибман. Шу улугимизнинг башарасини кўришга ҳеч кўзим қолмади. Борган сари ҳаддидан ошмоқда. Ҳали тагин Назокатхоним билан қиқирлашиб турибди-я, баччагар. Ўтакетган хотинбоз чиқиб қолди-ю, бу, а?

Акмал тишларини ғижирлатди.

— Баттар бўлсин!— деб юборди кейин.

— Йўқ, оғайни, баттар бўлсин деб қолаверсак бўлмайди. Унинг устидан шикоят ёзишимиз керак. Бундақа одамлар коллективни бузади. Айниқса, ахлоқ жиҳатидан. Биз учун ҳар томонлама соф, беғубор одам беришсин. Худди шундай деб ёзишимиз керак бошлиққа. Ундан кейин буям қасос олишнинг яна бир хили-да, оғайни.

Холдор Акмалнинг юзида бирор жиддий ўзгариш пайдо бўлишини кутгандай синовчан назар ташлади. Акмал эса қош-қовоғини уйганича томоғини қириб қўйди.

* * *

Бостирмадан сал нарида карам, лавлаги экилган полиз бўлиб, унинг чети ширингина олчазор боққа тутатиб кетган эди. Ана шу ерда кичкина ҳовузча ҳам бор. Унинг тевараги чипта қоплар билан ихота қилинган, шу атрофдагилар ҳар замонда келиб шу ерда чўмилиб туришарди. Назокат ҳам ишдан кейин худди шу ҳовузчада бир чўмилиб олишга одатланган эди. Бугун ҳам сув-

дан қушдай енгил бўлиб чиқди. Ҳаво тонг маҳалидаги сингари бениҳоя соф бўлиб, кўнгилга қувонч бағишларди. Шунинг учун дарров уйга кетмай, олчазорда бир оз тентирагиси, кўкатлар устига юмалаб, гўдакдай яйрагиси келди. Бироқ шундайгина боши устида бир нарса «чирр» этди-ю, уни чўчитиб юборди. Пастак новда устида қора мунчоқдай кўзларини йилтиратиб ўтирган аллақандай сарғиш қушча Назокатга тикилмоқда эди. Худди уни синаётгандай.

Назокат Қудратнинг: «Баҳодир-чи? Ундан дарак бўлмадимми?» деб сўраганини эслади. Шу пайт бошидан кечирган айрим ҳодисалар ҳам шарпа сингари кўриниб ўтди. Йўқ, ҳозир эски гапларни эслаб, бошини гангитмаслиги керак. Бунга нима ҳожат бор? Лекин қалбини эгаллаб олган эски дард аста уйғона бошлаган эди. Оҳ, чин муҳаббатга муяссар бўладиган дамлар қайтиб келармикин яна?

Ҳалиги қуш учиб кетди. Назокатнинг диққати бўлиниб, сал нарида чўзилиб ётган кимсага кўзи тушди. Ким бўлиши мумкин?

Кўйлагини боши остига қўйганича ярим яланғоч ҳолда ётган Акмал салқинда ҳузур қилиб ухлар эди.

Акмалнинг юмуқ кўзлари олдида оч зангори доиралар жимирлашиб турди-да, кейин шу доиралар ичидан Назокатнинг кулиб қараётган чеҳраси намоён бўлди. У нималар деб шивирлар, аммо нима деяётганини Акмал англолмасди. Сўнг бир аксирди-да, қовоқларини зўрға очиб, бошини кўтарди. Назокат бир қўлини ерга тираб, иккинчи қўлидаги чўп билан уни қитиқлаб ўтирган экан. Акмалнинг уйқусираган афти кулгили бўлса керакки, жувон қиқирлаб кулиб юборди.

— Туринг, кеч бўлиб қолди,— деди кейин.

Ростдан ҳам қуёш ботиб, атроф қоронғилашиб келаётган эди.

— Сиз?— деди Акмал ҳайрат билан боқиб,— сиз шу ердамидингиз?— Бу ерда нима қилиб юрибсиз, деб сўрамоқчи эди, бироқ саволи бошқача чиқди. Атайин мени қидириб келган бўлса-я, деб ўйлади яна.

Назокат одатича юқори лабларини салгина кўтариб, садаф тишларини кўрсатар, ёқимли табассум билан боқар эди. Тўладан келган яланғоч билаклари, узун очиқ, бўйни, ияклари билан ҳозир келишган ёшгина қизларга ўхшаб кетарди у. Акмал суқланиб тикиларкан, Қудрат қишлоққа келгандан буён шу жувоннинг чеҳрасида қандай ўзгаришлар пайдо бўлганини кўришга уринар ва

ўзига ёт бўлган бирор янги аломатни қидирарди. Аммо ҳеч бир ўзгариш борлигини кўрмади. Илгари учрашганларида унинг юмшоқ тирсагидан ушлаб қўяр ва унинг худди ёш қизчадай сесканиб тушишини ёқтирарди. Ҳозир ҳам шундай қилсинми? Қани, бир тегиб кўрсин-чи... Тавба, нега энди бундай қилишга юраги дов бермай қолди.

— Назокат!— деди у.

Акмалнинг овозида шундай оҳанг янградики, бу оҳанг ўзини ҳам, жувонни ҳам туриб ўтиришга мажбур этди.— Бир нарса сўрайман... аммо сиз тўғри жавоб беринг. Сизга... Ёдгоров ёқадими?

Назокат ҳайрат билан унинг юзига ялт этиб қаради.

— Қайси маънода сўраяпсиз?

— Қайси маънода бўларди... Сиз саволга тўғри жавоб бераверинг.

Назокат бошиги бир томонга эгиб туриб, елкасини қисиб қўйди.

— Билмадим. Ҳар қалай ёмон одам эмас. Ақлли, бамаъниггина йигит кўринади. Хўш, нега бунақа деяпсиз? Бирор гап ўтдимми?

— Сиз уни яхши кўриб қолмаганмикинсиз?

«Пўқ, бунга сир бой бермаслик керак, худо билсин. оқибати нима бўларкин?» деб ўйлади жувон, ҳар қандай тасодифларга қарши чора кўриб қўйиш кераклигини ўйлаб.

— Вой, савил-эй, зарил кептими менга! Қўйинг-э, гапингизнинг тузи йўқ.

Акмал илжайиб, мулойимгина қараб қўйди. Ерга чўзилиб унинг тиззасига бош қўйди, жувон қаршилиқ кўрсатмаганидан мамнун бўлди. Афсуски, бу муддат унча узоққа чўзилмади-да.

— Туринг,— деди Назокат унинг бошидан аста кўтариб, сўнг тиззасини тортиб олди,— туринг.

Акмал дик этиб турди-ю, бошини қўйи эгганича дарахтга суяниб қолди. То жувон ўзини ўнглаб олгунча унга отилиб маҳкам қучоқлаб олди. Юз-кўзлари, бўйи ва няклари аралаш ўпа бошлади. Унинг юзлари Акмалнинг лабларини куйдиргудай иссиқ эди. Баданидан эса хушбўй ироқи совун ҳиди келиб турарди.

Назокатнинг капалаги учиб, зўрға ўзини йигитнинг қучоғидан қутқариб олди-да, ундан узоқлашди. Агар Акмал яна ташламоқчи бўлиб бир қадам босса, у додлаб юборгудай эди.

— Менга тушунмасиз,— деди жувон лаблари қал-

тираб,— шунчаки, сиз билан очик-ошкор гаплашиб юрганимга...

Акмал унга жавоб берадиган ҳолатда эмасди. Бехосдан боши айланиб, маст кишидай ўзини йўқота бошлади, қулоғи шанғиллаб кетди.

Назокат эса Акмалга қайрилиб боқмай жадал юриб кетиб бормоқда. «Назокат мenden совуб кетибди. Буларнинг ҳаммасига Қудрат айбдор эмасми? Эҳ, ҳозир учраб қолганда гажиб ташлармидим уни. Йўқ, масалани шундай ҳолича қолдириб кетавериш ярамайди. Ахир бу ҳақоратдан ҳам баттар-ку! Бирор чора топиш керак... Қандай чора?»

У кун ўйланиб турмай Назокатнинг орқасидан югуриб кетди.

VII боб

ЯХШИ БИР ТАКЛИФ

Кайфи бузилиб юрган Тешавойнинг руҳи кўтарилиб кетди. Қудрат у ўйлагандек қуруқ аравани олиб қочадиган сафсатабоз йигитлардан эмас экан. Уни ажаблантирган нарса яна шу бўлдики, янги прораб туپна-туғри келиб «Қани, Тешавой ака, ёшларга ўзингиз устозлик қилинг энди, ҳунарингизни ўргатинг» деди. Бутун юриш-туришидан расмийатчи тўрага ўхшаб кўринган одамнинг «ҳунарингизни ўргатинг» дейиши унга мойдай ёқиб тушди. Шунинг учун каттароқ жанг бошлашининг пайдан бўлиб юрган Тешавойнинг тошга айланган юраги энди эрий бошлади.

Қудрат уни янги келтирилган қўлланмалар ва ўзича тузган ўқув планлари билан мукамал таништирди. Ҳатто қисқача конспект олиш йўллариини ҳам тушунтирди. Шундай қилиб, Тешавой учун тўрт йилча бурун техникум аудиторияларида орттирган назарий билим қолдиқларини ишга солишга навбат етган эди. У ниҳоятда хурсанд эди. Шунинг учун ҳам Худойқулов, нега Қудрат устидан ҳалигача ариза ёзишни кечиктираётганини сўраганда:

— Э, оға, қўйинг, мени ундақа тор кўчаларга бошламанг, Қудратжон сиз айтгандай ёмон одамга ўхшамайди,— деб жеркиб ташлади.

Худойқулов уни фитнес-фасод гаплар билан яна чалғитишга уриниб кўрди-ю, бироқ бари бир ҳеч қандай иш

чиқмаслигига кўзи етгандан кейин ноилж илламай қўя қолди. Шубҳасиз бу нарса Холдорнинг «тулкидай айёру қашқирдай олғир» бўлиш назариясига берилган биринчи жиддий зарба эди. Шундай бўлса ҳам, у этига суя ютқирмасликка уринди. Унинг ҳамма умиди Мардоновда.

...Қудрат уста Махсум турган ҳовли томон борар экан, яна ўша таниш четан девор олдига келиб тўхтаб қолди. Бир неча қадам босиб чўян ҳалқали эшик ёнига келди. Аввал тақиллатмоқчи бўлиб, ҳалқага қўл узатди-ю, кейин чўчиб, тортиб олди. Тун сокин, теварак-атроф ой ёруғида жимгина мудраётгандай эди. Анчагача қимирламай туриб қолди. Ичкаридан тиқ этган товуш эшитилмас, фақат эшик тирқишидан чироқ ёруғи тушиб турарди. Анчадан кейин уй ичидаги осма соатнинг занг ура бошлагани, бир челақ сувнинг ерга шалоп этиб сепилгани эшитилди. Яна жимжитлик. Қудрат ҳеч кимни кутмасди. Фақат Гулчирой кириб чиқиб турган шу останада туриш унга роҳат бахш этарди. Кутилмаганда чап ёндаги деразада чироқ ёнди. Кимдир уй ичида куйманиб юрарди. Гулчирой эмасмикин, деб ўйлаб Қудрат икки қадам олдинга ташланди. Унинг юраги гуп-гуп уриб кетди. Ҳаво ранг дарпарда орқасида ҳақиқатан ҳам Гулчирой турар эди. У узун халат кийган, позик елкалари, лўппигина билаклари яланғоч, сочларини ювган бўлса керак, бураб-бураб, боши устида ушлаб турарди. Қудратнинг аъзойи баданига қалтироқ турди. Гунчадай лаблари хиёлгина очилиб, латиф чеҳраси табассум билан ёришган Гулчирой Қудратнинг ёнгинасида, дераза бўлмаганида, шундай қўл узатса унинг билагидан ушлаб олгудай жойда турарди. У бўйи баравари баланг тошойнага қараб артинди. Кейин сочларини икки-уч силкитиб кафтлари орасига олганича тап-тап ура бошлади. У ечиниб кийинмоқчи бўлса керак. Қудрат ўзини четга олди. Иккинчи бор қараганда, қиз сочларини турмаклаб гулдор енгил халатини елкасига ташлаб олган ва шкаф ғаладонидан ниманидир қидираётган эди.

— Гулчирой,— деди йиғитнинг лаблари дераза олди-га яқинлашиб.

Қиз парво қилмай ўз юмуши билан машғул бўлди.

— Гулчирой,— деб такрорлади Қудрат ва деразани аста чертди.

Гулчирой қаддини ғоз кўтариб, овоз келган томонга қаради, кейин чўчиб тушиб, икки-уч қадам орқасига тисарилди. Афтидан, Қудратни таниёлмади шекилли. Яна кўзларини сузиб ҳайрат ичида бир нафас тикилиб турди-да, дарров ташқарига отилди. Шундан кейин ҳамма нарса Қудратга тушдагидек бўлиб туюлди. Яна бир бор чақириб, Гулчиройга ўзини танитса бўларди. Аммо ундай қилмади. Чунки деразадан мўралаб қараши, назарида, жиноятга ўхшарди. Бир оз туриб ўзидан-ўзи уялиб кетди.

Шу аснода орқа томондан қадам товуши эшитилди. Қудрат бир сесканди-ю, деразадан нари юриб, орқага қарамай тўппа-тўғрига кетаверди. Анчагина юриб, биринчи муюлишга қайрилмоқчи бўлган эди ҳамки, бировнинг жадал юриб келаётганини сизди. Қудрат қулоқ солди, аммо орқасига қайрилиб қарамади. Ўпкаси тўлган кишининг ҳансираши ва ора-чўра ғўлдираши эшитилди. Ким бўлиши мумкин?

Кўп ўтмай унинг ёнида бош яланг, пахмоқ сочлари тўзғиб кетган, майкали йигит пайдо бўлди.

— О, хўжайин, сизмисиз?— деди у оёғида туролмай чайқалганича. Бу Мардонов эди,— ўхшатмасдан учратмас деб, а? Тани-димми? Сиз... ҳиққ... сиз менинг хўжайинимсиз, шунақами, ё йўқ-ми? Ҳиққ...

«Хўжайин» сўзи худди тиш орасига тушиб қолган қумдай унинг гашини келтирди. У маст одам билан тенглашгиси келмай жадаллаб кетаверди.

— Нимага индамайсиз!— дағдаға билан яна яқинлашди Акмал.— Танимаяпсизми дейман-а? Мен... Мардонов бўламан. Ҳа, омади юрмаган Мар-до-нов! Нима десангиз, менга қаранг, сиз кимсиз ўзи? Чумчуқдай жонингиз бору, кериласиз... Ҳиққ... Бир қушни қўлга ўргатиб юрувдим, униям илиб кетибсиз, ҳиққ.

Қудрат унинг гапига тушунмади. Аммо негадир Акмалнинг гапи қизик туюлиб мийиғида кулиб қўйди.

— Куласиз-а, куласиз...— давом этди Акмал ёнма-ён кетаётиб,— эчкига жон қайғи-ю, қассобга мой. Менга мотам, сизга ҳайит экан-да? Ҳиққ...

— Нима деяпсиз ҳадеб?

— Биттасининг жигаридан урибсиз, деяпман. Мен ҳам ўша жононга хушомад қилиб юардим... Ҳиққ... оғзимдаги ошимни олиб кетдингиз, хўжайин... Ҳа, майли... бировни афтига қараб кимлигини билиш қийин экан-да... Қандингизни уринг! Мардонов бўлса, шунчалик

тадбирлилиги билан... вой занғар-эй... содда эканманда... Ҳиққ... Соддалик ҳам саводсизликка ўхшаган нарсада, хўжайин?

Қудрат ҳайрон бўлиб қолди, нима деб валдираяпти бу? Худойқуловнинг гапи рост бўлса, Назокатни қизга наётганмикин?

— Тўғрими менинг гапим?— Қудратнинг фикрини бўлди Акмал.

— Балки тўғридир,— жавоб берди Қудрат,— аммо осмонга қараб фол очавериш ярамайди.

— Минг раҳмат сизга... Ҳиққ... Мени бир томондан ҳайрон, бир томон... Бир томондан гирён қилиб қўйдингизу, яна фол очиш... Ҳой, сардор, менга қаранг... худди ҳа-да... ҳиққ...

Мардонов бир нарса қилмоқчи бўлиб қўлни сал кутарди-ю, кейин силкиниб кетиб, пахса деворли каттакон ҳовлининг эшигига суяниб қолди. Эшик ҳам унинг елкаси тегиб кетишига махтал бўлиб тургандай зарб билан очилди. Мардонов мункиб кегай деди. Ҳовлидан чиқиб келаётган уста Махсум уни ушлаб қолди.

— Яна кайфлар тарақ дегин?— лўписа қилди чол.— Бор, жойингга ёт дарров! Бемаҳалда тентираб юганингни қара!

Мардонов уста Махсумга итоат этиб, супа томон юриб кетди. Кўча ўртасида серрайиб қолган Қудратни эса уста танимай турарди.

— Қудратжонмисиз? Кираверинг, шу бугун келиб қолармикинсиз деб йўлингизга махтал бўлиб ўтирувдим. Қани, кираверинг.

Ҳа, кириш керак. Қеламан деб ваъда беришга берган эди-ю, орадан тўрт кун ўтган бўлса ҳамки, қўли тегиб келолгани йўқ. Ҳатто ваъда бергани ҳам ёдидан кўтарила ёзган экан.

Ҳовлининг икки томонига данғиллама иморат тушган бўлиб, ўнг томондагисида чироқ ёниб турар, ёш болаларнинг талашиб-тортишгани, уларнинг ўртасига тушган эркак кишининг овози, ўчоқ бошида куйманиб юрган жувоннинг товуши эшитилар, чап томондаги уйда кичкина лампа милтилларди. Ҳовли ўргасидаги кенг супада олти-еттитача одам юмалашиб ётишарди. Уста Махсум меҳрибонлик билан усти очилиб қолганларга чойшаб тортиб қўйди-да, кейин ҳамон вайсашдан тўхтамаган Мардоновни тинчита бошлади:

— Бас қил, энди. Одамлар ухлашяпти. Ҳе, нчмай ул, бетаъсир.

— Оғзимиздагини олдириб, чапак чалиб юрибмизу уста?— гўлдирарди у,— ҳа, майли, навбати келиб қолар... Хиққ...

— Дард-э, гапингни маза-матраси йўқ, тентак!

— Бугунча аламинни ичкиликдан олдим, аммо...

— Ажаб бўпти,— уни гапиртирмай қўйди яна чол,— кўп вайсамай ечишиб ёт, эртаметан кўзингни очолмай қолма тагин!

Қотмадан келган, ёши етмишларга бориб қолган, ўрта бўйли устанинг ёшларга нисбатан қаттиқ қўл эканлиги, меҳрибонлиги кўриниб турарди.

— Уйлариининг биттасини бўшатиб беришган бизга,— деб тушунтира кетди уста Махсум Қудратни ичкарига бошлаб киргач,— уй эгаларни ҳам заи сахий одам экан. Иссиқ овқат, чой-пойларимиз шуларнинг бўйнида. Унча-мунча зарда, инжиқликларимизни ҳам кўтараверишади, ўзингдан кўпайгурлар. Бирпас ўтириб туринг, ўғлим, первой сорт кўк чойим бор, бирпасда дамлаб келаман.

Стол устида ёйилиб ётган чертёж Қудратнинг диққатини дарров ўзига тортди. Бу қандайдир машинанинг схемасига ўхшар, уқувсизлик билан қинғир-қийшиқ чизилган бўлса ҳам, Қудратга ниманидир ҳикоя қилиб бераётгандай эди. Фақат техника соҳасида ўткир билим ва тажрибага эга бўлган одамгина бутун фикрини ишга солиб бу чертёжнинг тагига етиб олиши мумкин. Юзаки қараганда бу дизель тракторнинг қаншарига улаб қўйилган қандайдир ортиқча деталдан ҳеч фарқи йўқ. Аммо у қоғозда эмас, амалда бунёд бўлганда қурилишдаги белкурак ушлаган одамларга эҳтиёж қолмас, автомашиналар кузовидаги материалларни фақат бири киши ағдараверар эди. Ҳар бир кузовни бўшатиш учун бир икки минутлик вақт сарфланарди, холос. Қоришма-малли ва ёпишқоқ материалларни самосваллар ҳам ўз кузовларидан тўколмай шоферларни қийнайдилар. Мана бу жоннинг ҳузури-ку улар учун. Ақлингизга балли, Махсум ота, хўп ажойиб жумбоқни ечибсиз. Тўхтанг, тўхтанг... бу ҳали, биргина вазифани бажариб қолмай, бўш қолган вақтларида грейдер, скрепернинг юмушини ҳам ўтайверадиганга ўхшайди. Демак, универсал машина денг? Офарин, минг офарин, ота...

Қудрат ўзини ҳеч нарса кўрмаганга солиш учун чертёждан нари кетди. Бироқ уста Махсумдан дарак бўлавермади. Қудрат анча димиқиб қолган хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Яна стол устига энгашди. Юраги-

даги қувонч ўрнини энди қандайдир ғашликка ўхшагағ нарса эгаллай бошлади. «Уста Махсум сингари мен ҳам шу нарсани ихтиро қилсам бўларди. У мендан илгари-роқ отини қамчилади». Ахир ўзи ҳам бир вақтлар ажойиб янгиликлар кафш этиш, оламга машҳур бўлишни истамасмиди?

Уларнинг онласи етти жон эди: икки ўғил, уч қиз, онаси, отаси. Уйларини бозор деса бўларди. Болалар ичида энг тўнғичи Қудрат эди. У шунақанги шўх, олашовур эдики, бир нафасда ҳамма ёқнинг тўс-тўполонини чиқариб юборар, дам у укасини, дам бу укасини йиғлатиб қочар, темир-терсақлар йиғиб келиб, ҳовлида улардан ҳар хил аравачалар, асбоб-ускуналар ясар, бузар, тузарди. Унинг дастидан қўни-қўшниларнинг оташкураги, эшигининг занжири, самоварининг жўмрагигача қолмасди. Ҳаммаси шовқин солишиб келаверар, дағдағ қилишар, она бечоранинг боши хижолатдан чиқмасди. Қудратга эса уриш-сўқишлар кор қилса-чи. «Бола ўстирмабсиз, бало ўстирибсиз» деб койишарди баъзилар. Бир кун оёқ машинани автоматлаштириб бераман деб, бутунлай яроқсиз қилиб қўйган эди. Яна бошқа кун уйларига келган меҳмоннинг мотоциклини миниб ўтириб, ўзини қуруқликда эмас, сув устида ўқдай учиб кетаётгандай тасаввур этди. Нима учун сувда сузадиган мотоцикллар ҳам яратиш мумкин эмас? Ахир қуруқликда юравериш зерикарли-ку? Гидроплан деган гап чиқибди, нима учун гидроцикл яратилмаганикини? Худди шу фикрини амалга оширмаққа киришди у. Киришди-ю, тоза таъзирини еди. Ўғлини чертиш у ёқда турсин, бирор марта унга қаттиқ гапирмаган, оғир таънаотаси ўша кун қўлига қайиш олиб савалади. Қудрат тавба қилиб мотоциклнинг гилдиракларини жой-жойига ўрнатаркан, кўзида ёши билан: «Майли, техникага тўсқинлик қилаверинглар,— деб гўлдиради.— Менга деса умр бўйи қолақликдан чиқманглар. Кейин ўзингиз менга ялиниб қоласиз ҳали...» ...Аммо унинг бу гапларига ҳеч ким эътибор бермади. Қудрат кимдандир, қаршиликлар, қийинчиликларга дуч келмасдан туриб буюк киши бўлиш қийин, деган гапни эшитган эди. Худди шуни эслади-ю, овуниб қолди. Бундан кейинги ишларини эса ҳаммадан махфий сақлайдиган бўлди.

Уруш йиллари кундузи ўқиб, кечаси заводда ишлаб, токарлик ҳунарини ўргана бошлади. Дастлабки ойлардаёқ унинг номи бутун цех, кейин завод бўйлаб ёйилди. Бирор ҳафта ўтмасдики, у ўз станогига янгича резец

урнатиб маҳсулот ишлаб чиқариш унумини неча-неча бор ошириш йўллариини топмаса. Ун йилликни битиргандан кейин негадир қурувчилар институтига киришни хоҳлаб қолади. Практика машғулотлари янги типдаги уй-жойлар, кўприклар, йўл қурилиш майдонларида ўтказилади. Бу унда яна излаш, ўйлаш, ижод қилиш ҳавасини ортттиради. Ҳатто оддий соф тупроқдан бетон тайёрлаш мумкинми, йўқми, шу ҳақида бош қотира бошлайди. Ахир пахса деворлар ҳам узоқ йиллар сақланиб туради-ку? Нега худди шундай пахса деворлар тенги каттакон гиштлар шишириш мумкин эмас? Хуллас, буни юзага чиқариш учун анча уринди. У лой тепиш, бетон қиздиришдан бушамас, ўзини бутун коинот сирларини фоти қиҗаётган ҳақиқий олимлардай ҳис этарди. Уқиш, ўрганишга эса иштиёқи борган сари ортаверарди. Фақат биргина воқеа унинг ҳафсаласини шир қилиб қўйди, холос. Фан ва техника журналининг қайси бир соннда шу Қудрат бош қотираётган «кашфиёт» аллақачонлар амалга ошгани, Москвадаги қурилишларда сиповдан ўтказилгани баён қилинган эди. Шундан кейин у ҳеч ови юрмаслардан эканман, деб ижод қилишдан қўлини ювиб қўлтиғига урди. Аммо бари бир, юрагининг аллақаерида нимадир яратиш, қилириш ҳаваси яшириниб ётар, ўқиш тугагандан сўнг ҳақиқий ҳаёт, ижодий меҳнат қўйнида бўламан, шунда илмий ишлар билан ҳам шуғулланишга вақт топаман, деб ўйларди. Бироқ вақт бамисоли бир учқур қуш экан. Бир қанотини қоқса — бир йил, иккинчи қанотини қоқса — икки йил ўтиб кетаверганидек, Қудрат илмий иш билан шуғулланиш у ёқда турсин, ҳатто ўз шахсий ҳаётини бир изга тушириб олишга улгуролмади. Баъзан бош қашлашга вақт топилмай қоларди. Қаёққа қараманг қурилиш, қурилиш, ўзгариш, туғилиш... Ҳамма ер сени чақиради. Дарвоқе, узоқдаги манзиллар сени чорлаётган бўлса, ўша ердаги қурилишлар учун сен жуда зарур бўтсанг, ўша орзу қилган ниятларинг, шахсий ҳузур-ҳаловатларингни вақтинчалик унутишга тўғри келади, бошқа илож йўқ! Ахир сен фақат ўзинг учун эмас, ошанаоғайнинг, ёри биродаринг, қариндош-уруғинг, қўйчи ҳамма-ҳамма учун яшайсан-ку. Майли, умидингни узма, худду шу уста Махсум сингари стол лампаси остида тунларни бедор ўтказишга, бошинг оғриб, миёнг чарчагунча ўйлаш, шивирлашларга имкон топилиб қолар. Шунда яна қобилиятларингни кўрсата биларсан.

Қудрат хаёлга шунчалик берилиб кетган эдики, ҳат-

то уста Махсумнинг чой дамлаб келиб, утирганини ҳам сезмабди.

— Қизиқиб қолдингизми дейман-а?— сўради у чойни қайтарар экан,— бир кўринг деганим шу эди. Энди қўлимиздан келганича эрмак қилиб юрибмиз-да.

Қудрат ялт этиб унга қаради. «Эрмак» эмиш. Қамтарлик ҳам эви билан-да.

— Бу ҳақиқий кашфиёт...

— Балки шундайдир, кейин кўрармиз. Ҳамма қолиб, биз тоифа одамларнинг таклифи дарров ишобатга ўтавермас. Қўлимизда дипломимиз йўқ, ҳеч бўлмаса, техник мансабида ҳам эмасмиз.

— Ноумид бўлманг, уста. Ҳар ҳолда оми ҳам эмас-сиз. Ўқувингиз бўлмаса, ўқувингиз бор. Пул мастерлик касби ҳам озмунча амалий тажриба талаб қилмайди. Баъзи бир инженер-техниклар борки...— Қудрат энсаси қотгандай қўл силтаб қўйди-ю, лекин сўзини давом эттирмади.

Қудрат қўлига қалам олиб чертёжнинг ҳар ер, ҳар ерига белгилар қўя бошлади. Ана шу белги қўйилган жойлар ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўриш керак.

— Хотиржам бўлинг,— деди у чертёжни оққа кўчириб беришни ўз бўйига олгандан кейин,— ижод қилмоқ учун албатта инженер бўлмоқ шарт эмас.

Устанинг кўзлари яшнаб кетди:

— Балли, ўғлим, мен ҳам шундай деб ўйлайман,— у қаддини кўтариб ўтирди,— бир огиз гап билан дардимга тушувдингиз. Худди сиздай одам зарур эди бизга. Ростини айтсам, мен ёшимни яшаб қолган одамман, менга шон-шўҳрат керак эмас. Ҳатто бу таклифимнинг тагига фалончи деб имзо чекиш ҳам менни қизиқтирмайди. Фақат шу нарса амалга ошса-ю, ишимизни енгиллатиб берса бас. Шу холос ниятим.

Пиёлаларга қўйилган чой совуб қолди. Улар узоқ вақтгача чертёжнинг майда-чуйда деталлари устида баҳслашиб ўтиришди. Кейин уни кимларга кўрсатиш, кимнинг фикрини олиш тўғрисида келишиб олишди. Икковларининг ўрталарида янги бир иноқлик, ҳамжихатлик туғилиб қолганидан улар ниҳоятда хурсанд эдилар.

Гап яна Худойқулов устига кўчганда уста Махсум шундай деди:

— Ҳар ҳолда бизнинг ичимизда янги одамсиз, оқ билан қорани дарров ажратиб олиш қийин. Шунинг учун билиб қўйсангиз ёмон бўлмас. Бу одам хизматга

анча енгил-елпи қарайдиганлардан. Кўпни кўрган одаммиз-да, баъзи кишиларнинг оёқ ташлашидан кимлигини сезиб турамиз. Шу кунгача кўп бемаза ишлар қилди у чамамда. Ҳар қалай эҳтиёт бўлинг, ўша қилмишларини сизнинг бўйингизга ортиб қўйишдан ҳам тоймайди у.

Демак, Қудратнинг шубҳалари тўғри экан. Худой-қуловдан яхшилик кутмаслик керак. Дарвоқе, ким ўзи у? Борди-ю, қурилиш соҳасига бутунлай ёт одам бўлса-чи? Ҳар ҳолда билиб қўйиш чакки бўлмас.

Қудрат ташқарига чиқди, ичкаридаги дим ҳаводан сўнг енгил эсан шабада кўкрагига тегиб, роҳатланиб нафас олди. Бирдан кўлида нимадир пайдо бўлиб қолганини сизди. Бундай қараса, Гулчиройнинг косинкаси. Уни Орият бувига ювдириб, донм шимининг чўнтагида олиб юарди.

Уни қайтиб чўнтакка солмади. Чунки бу нарса Холдор ҳақидаги нохуш фикрларни ҳам миёдан қувиб, уни соф хаёллар соҳилига элтар, ширин хотиралар дарёсига гарқ қилар эди.

VIII боб

БЕМУЛОҲАЗАЛИК

Одам бир нарсага астойдил бел боғласа, унга албатта эришади. Қудрат Гулчиройни яна бир кўришга муштоқ эди. У мақсадига етишди. Бу учрашув шундай бир тасодифий вазиятда юз бердики. Қудрат шошиб қолганидан ўзини бутунлай йўқотиб қўйди.

Шу кун эрталаб Ботиров Салимовнинг келиб қолиши мумкинлигидан дарак бериб кетган эди. Қудрат баъзи бир бошлиқларнинг ҳар бир нарсадан нуқсон топиш, тирноқ ичидан кир қидиришга мойил эканликларини биларди. Шунинг учун трассани бошидан-оёқ яна бир карра кўздан кечириб чиқмоқчи бўлди.

Кенг осмон бўйлаб сузган қуёш олов селини ёғдирар, агар ҳар замонда шабада ўзининг шаффоф елпигичи билан елпиб турмаса нафас олиш қийин бўлар эди. Одамларнинг кўпчилиги майкачан, похол шляпаларни кўз устигача бостириб олишган, трасса эса тўзон ичида.

Негадир катокни уста Махсум бошқармоқда. «Яна Мардонов ишга чиқмаган кўринади» деб ўйлади Қуд-

рат. Уйқуга тўймаётган эмиш. Кечқурунлари аллама-халгача маст-аласт тентираб юргандан кейин аҳвол шу-да. Қудрат у билан гап талашишни маъқул кўрмай, тартибга чақириб қўйишни уста Махсум билан Холдорга топширган. Уста қаттиқ койиб берган бўлса ҳам, Холдор шунчаки пўписа қилибгина қўйган эди унга. Қудрат, ким билади дейсиз, унинг шунақа ўзига хос тарбиялаш усули бордир-да, деб ўйлаб бу ишга аралашмади. Аммо бугун сабр косаси тўлди шекилли, жаҳли чиқиб: «Энди қаттиқроқ чора кўришга тўғри келади, қачонгача соясига салом бериб юрамиз» деб гўлдиради ўзинча.

У тупроқ ишлари тугаб, битум ётқизилган жойда жиддий бир нуқсонга дуч келиб қолди. Синчиклаб текширди. Йўл этаклари қонда бўйича нишаб бўлмай, анча ергача потекис қилинган эди. Бу нуқсон ҳар қандай одамга дарров кўрина қолмас, фақат шу ишда кўзи пишиб юрганларгагина яққол кўринарди. Балки уни баъзи одамлар арзимаган нуқсон, деб эътибор бермасликлари мумкин, аммо Қудрат ундайлардан эмас. Иш ўз қондасига мувофиқ пухта бажарилиши керак. Мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида бўлса, икки-уч йилга етмай йўлнинг абжағи чиқади.

Унинг газаби қайнаб:

— Кўршапалаклар! — деб юборди. — Куппа-кундуз купи қилинган иш бу бўлса... Кўзингиз қайда эди?— Худойқуловни чақириб пўписа қила бошлади,— бу кони зиён-ку, бу брак-ку ахир! Қачонгача ҳаммасини ўзим кўрсатишим керак? Сал масъулиятни сезишни ўрганасизларми, йўқми?

Холдор аввали ҳеч нарсага тушунолмаб турди-да, кейин:

— Вой, олчоқлар, вой, олчоқлар,— деб юборди,— бу нима қилишгани-я! Вой, подонлар, ҳартугур вақтида кўриб қолибсиз, улуғим, бўлмасам, аттанг деб қоларканмиз. Сал кўзимиз чалғиса шунақа. Дарров бузишади. Бир чақага арзимабдиган одамларимиз бор ичимизда, улуғим.

Қудрат энди унинг «улуғим» дейишига бутунлай эътибор бермай қўйган ва ҳатто шунга ўрганиб қолгандай эди.

— Кеча шу ерда кимлар ишлаганлиги эсимда йўқ,— давом этди Холдор,— устандан сўраб кўрайлик-чи. Аттанг, аттанг, яхши иш бўлмабди-ю.

Энди бу жойни қайта тузатиш учун трассадаги асо-

сий ишни бир қанча муддатга тўхтатиб қўйишга тўғри келади. Бу шу кунги иш унумига путур етди деган сўз.

— Нима гап? — сўради уста Махсум жон койитиб турган Қудратнинг ёнига келиб.

— Сизгаям қойилмасман, уста,— деди Қудрат, кейин ҳаммани йиғиб аччиқ-аччиқ койиб ташлади. Уста ёш боладай бош эгиб сукут сақлар, бошқалар ҳам бирор гап айтишга ботиолмас эдилар. Худойқулов эса: «Ана менинг қадримга етмаган эдинглар», дегандай ҳар бир ишчига кўз қирини ташлаб қўярди.

— Ишонган тоғда кийик бўлмас, деганлари ҳақ чиқди, уста,— деди Қудрат яна чолга,— ким айтади сизларни эътиқодли одам деб!

— Айб мендан ўтган, ўғлим.

— Ишонмайман. Бировнинг айбини ўз зиммангизга олманг, уста,— давом этди Қудрат,— бу ишда олижаноблик кетмайди.

Чолининг таъби тирриқ бўлганини кузатиб турган чўққи соқол, сочлари оқора бошлаган Собир ака Қудратга яқинроқ келиб шивирлади:

— Қуруқ ўтнинг гугурт чақишининг нима даркори бор, садағанг кетай. Устанинг ўзи ҳам бу ишдан эрталаб хабар топди, айбдорининг таъзирини берди. Ишдан кейин ҳаммамиз қолиб, бир-икки соат ичида саришта-лаб қўйишга келишувдик.

— Ҳали замон бошлиғимиз етиб келиши мумкин,— ўпкасини босиб олиб деди Қудрат,— унга ҳам шундай жавоб қиламизми?

— Айбни ўзимга оламан, Қудратжон.

Қудратнинг чолга юраги ачиди. Беихтиёр ранжитиб қўйганидан ўкинди. Қудратнинг сал нарсага ловиллаб кетадиган одати бор эди. Ловиллаб кетарди-ю, бирдан ҳовуридан тушарди.

— Ўзимизни оқлай бериш билан иш битмайди, хатони тезда тузатиш керак,— мулоҳим товуш билан деди у.

— Ҳолингиз шу-ю, дағдағангиз оламни бузади-я? Янтоқдан атир чиқмас, қўрқоқдан ботир, дейдилар хўжайин!— бу тасодифан пайдо бўлиб қолган Мардоновнинг овози эди.— Арзимаиди шовласи-ю, куйдиради ғалваси,— деди Акмал тиржайиб. Аммо одамларнинг шов-шуви, даккилари унинг овозини босиб кетди.

Уста Махсум яқинроқ бориб, уни койиб берди.

— Бор, тошингни тер, безори! Ҳе, сатқайи одам кет!

Қудрат қошларини чимириб, лабларини тишлаб қолди.

— Сиз билан бир гаплашиб олишга тўғри келади, Мардонов!

— Э, нима қиласиз, ўзингизни койитиб, хўжайини, қуруқ гап қулоққа ёқмайди, бари бир. Тўғри келмасак ҳайдаб юборавериш-да!

— Ҳайдаш қочмайди. Одам бўлмасанг ҳеч ерга сиғмайсан, шуни билиб қўй.

Мардонов хохлаб кулди.

— Мунча менга жон куйдирмасангиз? Хотиржам бўлинг, бир бурда нонимни топиб ейдиган жой топи-лар. Торга — тор дунё, кенга — кенг...

— Бас!— Уста Махсум жеркиб берди уни,— ҳад-дингдан ошма, бола! Ўзингдан каттага гап қайтариш-ни кимдан ўргандинг? Ҳе, алмойи-жалмойи гапларинг қурсин, бетаъсир! Бор, йўқол, ҳали ўзим гаплашаман сан билан!

— Бўғилманг, уста,— юпатмоқчи бўлди Қудрат,— сатқайи гапингиз кетсин бунга!

Шундан кейин Мардонов яна Қудратга ёпиша кетди. Икковлари ёжиллашиб олишди. Акмал-ку бир гапдан қолса қулогини кесадиганлардан, аммо Қудратнинг қизиққонлиги атрофдагиларга ғалати туюларди.

— Жуда тез йигит экан,— деб қўйди унинг тўғриси-да Собир ака,— ёш-да ҳали.

Шу маҳал узоқдан ёзиллаганича келаётган «газик» ҳамманинг диққатини тортди, ўртадаги можарога барҳам берилди. Ҳамма жой-жойига тарқалди.

Машинадан оқ каламинка китель кийган Элдор Салимов, унинг ортидан Ботиров тушиб келди.

— Ҳорманглар-ов!— деб бақирди бошлиқ яқин ўртадагиларга.

Ҳаммадан олдин Худойқулов икки қўлини чўзганича унинг олдига борди.

— Омонмисиз, улуғим, яхшимисиз? Янгамнинг та-ни-жонлари саломатми? Ўғилча катта бўлиб қолган-дир-а? Хурсандмиз, хурсандмиз... Қани қадамларига ҳасанот...

Бошлиқ унга совуққина жавоб қилди-ю, бошқалар билан сураша кетди.

— Хўш, ўртоқ, ишлар вангми дейман-а? Қора терга ботиб кетибсизлар,— деди у Қудратнинг қўлини қисиб. Унинг меҳр-муҳаббат тўла кўз қарашлари, самимий

илтифоти бир зумла ҳамманинг кўнглини эритиб юборгандек бўлди. Ҳозиргина жаҳл-ғазаб билан тўлган Қудратнинг қалбига ҳам илиқ бир нур қуйилгандек бўлди. Бош инженер, Холдор — шахдам юриб бораётган бошлиқ орқасидан эргашдилар. Бошлиқ ҳар бир ишчининг олдига келиб, қўлини узатар, тўхтаб турган агрегатга дуч келса, у ёқ-бу ёғини кузатар ва бедов огининг пешонасини силагандай, аста уриб қўярди.

— Ҳорма, жўра,— деди у шапкасини қийшайтириб қорамойил кафтларини артаётган Дўстжоновга.— Ишдан кейин ҳар бир детали ялтираб турсин машинангини, ёҳшими Матжон?— қўшиб қўйди у машинистнинг хоразмча шевасига ишора қилиб.

— Ёҳши, яшулли!— дея жавоб берди Матжон ҳам оғзи қулогига етиб илжайаркан.

Пешонасини танғиб олган Тешавой билан эса Элдор қирғовул овига йилнинг қайси фаслида чиқиш мумкинлиги ҳақида суҳбатлашиб қолди. Тешавойнинг агрегатига челақлаб сув қуюётган Валечкадан институтга кириш учун қандай тайёргарлик кўраётганини суриштирди. Кимгадир яна ҳазил қилиб ўтди. Офтобда кўпчилиб қўйилган қоришма уюмларини сиқимлаб кўриб, яна икки-уч бор ағдаринини грейдерчиларга уқтирди. Хуллас, у ҳамма билан эски қадрдонлардай гаплашар, кулар, тегишиб ўтарди.

Қудрат кўпчилик билан шундай муомала қилиш қўлидан келмаганига ачинди. Ҳа, унда бу хил фазилят йўқ. Мана бугун ўзининг қўполлиги билан уста Махсумнинг дилини огригди. Мардонов билан уришиб олди. Пардавой айтгандай, кимга керак бунақа қизик-қонлик? Семизликни қўй кўтарар ахир, тўғри келса, келмаса жиззакилик қилаверадимиз? Ўзининг ҳам дили сиёҳ бўлди қайтага.

Салимов кўпроқ асосга эътибор берилишини уқтирди. Ахир бир иморат қуришдан олдин унинг пойдеворини мустаҳкамламасангиз, ўша иморатнинг умрига завол етказган бўласиз. Йўл ишларида ҳам шунақа: аввал бошдан асос мустаҳкам бўлиши керак. Кейин бўлдозерлар икки томондан тупроқ суриб асос устига ўйиб ташлайди. Кейин гравий, шлак ва бошқа материаллар тўкилади. Скреперлар уни ёяди, каток шиббалаб кетади. Унинг орқасидан яна бошқа материаллар тушади, яна грейдер, яна скрепер, яна каток... Ҳар бир процесснинг ўзига хос қондаси бор, ҳафсаласизлик қилиб бир процессда салгина нуқсонга йўл қўйсангиз, та-

мом, иккинчи процесс вақтида ишқаллик чиқади. Шундан кейин бутун ишни яна бошдан бошлаш керак. Булак иложингиз йўқ. Чунки комиссия йўлни қабул қилмай барча харажатларни шилқ этиб елкангизга қўйиши мумкин. Кейин умр бўйи қурилиш соҳасида эътибордан қолиб кетасиз. Йўлни қунт билан қондасини жойига келтириб қурсангиз, сизга шодлик келтиради. Четдан қараган одамга йўл қуриш процесси бир хилга ўхшаб туюлади. Аммо иш вақтида кутилмаган ҳолатлар, қийинчиликлар ортидан қийинчиликлар, хавф-хатарлар содир бўлиши мумкин.

Участканг трассасини бир неча қисмларга бўлиб қўйгансан. Бир қисмини минг машаққат билан тугатасану, яна иккинчи қисмга қараб қадам ташлайсан. Яна янги ташвишлар туғилади.

Ана, барча қисмларни ҳам қўлдан чиқариб қўйдинг. Ласбоб-ускуналар, агрегатлар четга чиқариб қўйилди дейлик. Рассом ранг-баранг бўёқларни чаплаб ўтириб ажойиб бир манзарали суратни яратади. Қандай қилиб шундай гузал манзара менинг қўлим билан яратилдими, деб ҳайрон бўлади. Наҳотки, шу нарса унинг зеҳни қобилиятининг маҳсули бўлса? У ўз ижодига суқланиб тикилади. Ич-ичидан севинади. Сен ҳам худди ана шу рассом сингари ўзинг ёйган узундан-узоқ паёндозга қараб тўймайсан. Шу вақтгача кечирган қўнғилсиз воқеалар, ўзаро тортишувлар, можаролар ҳаммаси бадан-баданингдан чиққан тер сингари бутунлай чиқиб кетади. Бу шодлик ва бахтиёрлигингга ҳеч нарса ҳалақит беролмайди. Эрталаб ёмғир қўйиб ўтгани учунми, ойнадай ярақлаб кўринади сен қурган йўллар. Ундан машиналар гизиллашиб ўтишади. Ҳув анави йўл бўйида бир йигит севган қизи билан ширин суҳбат қилиб ўтирибди. Кимдир кўпдан бери излаб юрган қадрдонини худди шу йўл устида учратиб қолади. Бир ишчи гурс-гурс қадам ташлаб қаёққадир шошилади. Қалдирғочлар дарё устига тўш бериб ўтгандай пастлаб учадилар. Тўрғайлар сайрайди. Бу йўл тўппа-тўғри порлоқ истиқбол сари, коммунизмга олиб борадиган йўл бўлгани учун ҳам ҳамма уни қадрлайди. Сен ҳам меҳр-муҳаббат билан тикиласан унга...

Орадан йиллар ўтар, ўн, ўн беш-йигирма йил ва балки ундан кўпроқ вақт ўтар. Сен худди мана шу йўлдан машинангни гизиллатиб кетмоқдасан. Атрофда ларахтлар шохларини силкитиб, баланд-баланд иморатлар қад кўтариб туради, ям-яшил яйловлар ястаниб

ётади. Шундай ёнгинангда симёғочлар, қатор пикетлар лип-лип ўтиб туради. Бутунлай нотаниш бўлган чиройли бир ранг-баранг гулдасталарини сен томонга отади, гулнинг ярмиси юзларингга келиб тегаяди, ярмиси шундай машинанг ғилдираклари остига сочилиб тўшади. Ахир худди ана шу ерга яқингинада сенинг ҳалол тер томчиларинг тўкилмаганмиди? Мана бугун гул тўкилди.

Кеч кириб келмоқда. Ёмғир севалайди. Узоқдан сенинг оиланг турган кўркам шаҳар қуёшдай порлаб кўринади. Яқингинада у ерлар ҳам сувсизликдан қақраб ётган дашту биёбон эди-ку? Тавба, энди ҳусн-жамолидан осмон хижолатда...

— Мунча хаёл суриб қолдингиз?— деди Салимов «газик»нинг олдига яқинлашаркан.

— Қани юринг, уйга борайлик,— деди бош инженер,— биз ҳали понуштасиз юрибмиз.

— Ҳа, ҳа!— Унинг таклифини маъқуллади Салимов,— қоринлар пиёзнинг пўстига айланиб кетди, юринг, ўша ерда гаплашамиз.

«Газик» чайқала-чайқала борар ва меҳнат мавж урган трассани ортда қолдириб кетарди. Худди ана шу маҳал Қудрат Гулчиройни кўриб қолди.

Вагон-уйлар ёнида ўт ўчириш командасининг машинасига ўхшаш қизил ранг машинага кишилар нималариндир юклар, бақиршар, югуршар ва нималариндир ташиб келиб ерга уйишарди. Ёнгсиз сарафан кўйлак, почаси тор ҳаворанг шим кийиб, қўлида саватдай шляпасини ушлаб турган Гулчирой шофёрга гап уқтирарди.

Қудрат шошиб қолди. У қизни яхшироқ кўриб улгурмасданоқ ён томонга бурилиб кетдилар. «Газик»нинг офтобда оқара бошлаган мош ранг ёпқичи ўлгур бўлмаганда балки кўзи кўзига тушиб қолармиди? Қудрат безовталанди. Ўзини орқа томонга ташлаб кичкина туйнукдай ойна орқали мўралашга уриниб кўрди. Бироқ чанг ёпишиб хиралашган ойна ҳам иш бермади. Бахтига бирор ҳодиса юз бериб машина таққа тўхтаб қолмайди! Наҳотки, ҳаётда учрайдиган минг-минг тасодифларнинг биронтаси шундай пайтда юз бермаса?

Унинг нотинч ҳолатини Ботиров билан Салимовлар сезиб қолишмадимикин? Қудрат бош инженернинг қия боқиб қўйганини кўриб қизариб кетди. Қўнглига нималар келдийкин унинг?

Ниҳоят, уйга етиб келдилар. Машинанинг гириллаган товушини эшитиб чиққан Ориятбуви севина-севина ҳаммани ичкарига таклиф қилди. Салимов билан Пардавой остонага қадам қўйишлари билан Қудрат ўзини четга олди-ю, фурсатдан фойдаланиб, келган томонига қараб чопа кетди.

Кўча юзидаги каттакон сада тагида лойпиштак ўйнаётган болалар, бузоғини ҳайдаб кетаётган қизча, эшакларга қуруқ шувоқ ортган икки ўсмир ҳам бу амакининг ҳаммаёққа чанг тўзғитиб югураётганига ҳайрон бўлишарди. Йўл ёқасида дон қидириб юрган икки-уч товуқ ҳар томонга қақолаб қочди, сал наридаги кавшаниб турган бўталоқ қулоқларини диккайтирганича қолди. Бир эшак ҳанграб юборди. Қудрат эса ён-верига қарамай, олға қараб чопарди.

Ана, вагон-уйлар қатор турган экспедициячилар базаси. Аммо ҳалиги ўт ўчириш машинасидан дарак йўқ. Оббо, бирор ёққа кетиб қолишган бўлса-я? Ҳар ҳолда югуриш керак! Чоп! Тезроқ!

Қудрат ўпкаси шишиб, нафаси кўксига тиқилган ҳолда зўрға етиб келди-ю, атрофга аланглаб қаради. Яна югурди. Машина мотори гурллаганини эшитиб яна тўхтади. Истаган одамини тополмагач, руҳи тушиб, бўшашган ҳолда вагон-уйларни айланиб ўтди-ю, каттакон майдон ўртасидаги қизил рангга кўзи тушди. Ҳамма ёққа арқон тортиб, қирлар ёйилган. Катта оқ чойшаблар, матрас ва ёстиқ жилдлари орасидан ўша машина кўрингандай бўлди. Қудрат яна югура кетди. Тезроқ етиб бормаса кеч қолиши турган гап.

— Қайт, қайт!— деди кимдир. Қудрат таққа тўхтаб орқасига қайрилиб қаради. Шундай кираверишдаги уй салқинида мудраб ўтирган мош-гуруч соқол, оқ иштон, кир яктакли чол унинг майдонга кириб келганини кўрмаган экан. Мана энди милтиғини қўлга олиб орқасидан ўдагайлаганича яқинлашмоқда.

— Пропускангни кўрсат!

Қудрат унинг гапига парво қилмай яна чопди. Аммо майдон ўртасига етмасданоқ оёқларини керганича ғоздай туриб қолди. Чунки машина узоқлашиб чўл қўйнида жадал кетиб борарди. Энди унинг орқасидан қувлаш кулги бўлишдан бошқа гап эмас. Боши қотиб турганда ҳалиги чол милтиғини ўқталиб келиб қолди.

— Мендан қаёққа қочиб қутулмоқчи эдинг, кўтар қўлингни! Энди орқангга қайтиб, жўнаб қол. Жўна-жўна, жаҳлим чиқмасдан.

Унинг жаҳли чиқса отиб юборгудай эди.

— Бинойидай одамга ўхшайсану... кимсан ўзинг?
Қудратнинг жаҳли чиқди:

— Шпионман!

Чол ҳайрат билан қаради-да, кейин бепарволик билан:

— Бор, бор ишпиёнлигингни ўшагда қил,— деди,— ишпиёнмиш-а... Хўрозминан макиённинг фарқига бор-майсану, тагин ишпиён эмиш... Бу жой санга от бозоримас, шаталоқ отиб ўйнагани. Бу жой икиспитса база дейилади. Тушундингми? Ёт одамга кириш мумкин эмас!

Яна ҳуштагини чириллатди у. Қудрат ташқарига чиқиб кетишга мажбур бўлди. Бир қадам ташлагач, яна орқасига қайрилиб, узоқ-узоқларда чайқалиб бораётган машинага қараб қўйди.

Чол унга раҳми келгандай маъюс кўзларига тикилиб қолди.

— Биронтасида юмушинг бормиди?

Қудрат унга бир ўқрайиб қаради-да, жўнаб кетаверди. Чол яна уни тўхтатди.

— Кс, қўй,— деди у ўзини гуноҳкор ҳис қилгандай,— ўтган ишга салавот. Маниям тергайдиганим бор-да. Ёт кишининг қорасини кўрди, тафтиш қилади, «ким эди у? Нечук қўйдинг?» Майли, ўзинг кимни қидириб келувдинг?

Қудрат иқрор бўлди:

— Биттасини.

— Биттасинг ким? Аёлларданмасми?

— Ҳа.

Чол гапга тушунгандай бош силкиди.

— Ке, ўтир бўлмасам, бир дардлашайлик. Жуда ўзим зеркиб ўтирувдим. Айни мудлао бўлди-да.

Чол уни етаклаб келиб, лиқиллаб турган эски та-буреткага ўтқазди.

— Кўк чой ичасанми? Хўп десанг, бирпасда қайнатаман.

Қудрат кўнмади.

— Ўзим ҳам подадан илгари чанг чиқарганини ўлгудай ёмон кўраман,— деди чол унинг елкасига қўлини қўйиб,— нима қилай, қўлимга манави бешотарни тутқазиб қўйиб, мана шу жойда ҳақ деб ўтир, анграйма, деб наказ беришган. Қўрқма, бунинг ичида ўқ-мўқи йўқ, шунчаки савлатга. Аҳён-аҳёнда мудраб қолсам, ҳалиги наказ берган келиб «ай-й-й» дейди. Ер ёрил-

майди-ю, кириб кета қолсам. Кимнинг эди у? Исми ша-
рифини биласанми? Ҳа, қўй, айтгинг келмаса, айгма,
майли,— кейин чуқур хўрсинди у,— эҳ, болам-а, бо-
лам-а, бевафо ёр — жонингга дор, дейдилар. Шунча
югурганингга ярашур вафо қилсаку ҳа-ҳа, қилмаса, ҳо-
лингга вой. Бу савдонинг азобини тортгандан сўр. Му-
ҳаббат чирой танламас, дегандай, ман ҳам сандай пал-
ламда биттасига тузоқ қўйиб юрардим.

У, гулдай нафис бир қизга ошиқ бўлиб, эрта-ю, кеч
остонасидан кетмаганини, ҳижрон ситамига чидаёлмай
юм-юм йиғлаганларини, охири ўша маҳбубаси бошқага
эрга чиқиб кетиб, ўзи мажнундай куйиб-ёнганини ай-
тиб берди. Мана энди беш неvara, саккизта чеварали
бўлишига қарамай, ҳамон ўша қизни қўмсармиш...

Қудрат бемулоҳаза иш қилганини энди тушуна бош-
лади. Салимов билан Пардавой унинг тўғрисида нима-
лар деб ўйлашдийкин. Ҳозир нафаси бўғзига тиқилиб
кириб борганда, улар бизни ташлаб қаёқда юрибсиз,
деб сўрашади. Қудрат қандай жавоб қилиши мумкин?
Бир қизнинг орқасидан қувлаб кетувдим, дейдими? Эҳ,
пишмаган калла! Бироқ у қайтиб келганда иккала бош-
лиқ ҳам кетиб қолишган эди. Аммо ҳамма нарсадан
Ботиров хабардор эди. Кечқурун учрашишганда Қудрат-
га ёпиша кетди.

— Эсингиз жойидами ўзи?— деб исканжага олди
уни,— бошлиқ шунча жойдан сизни деб, сиз билан му-
ҳим масалаларни ҳал қиламан деб келса-ю, сиз уни
ташлаб аллақандай аёлнинг орқасидан югуриб юрсан-
гиз-а! Э, қойил қолмадим сизга! Бу ёш болалик-ку,
ахир! Мен сизни жиддийроқ одам деб ўйлабман. Янг-
лишган эканман!

Бу гап Қудратнинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Ҳақи-
қатан ҳам яхши иш бўлмади. Салимовнинг кўзига қан-
дай қарайди энди? Борди-ю, унинг ёнига бориб, мени
кечиринг, деб очигини айтиб берса-чи! Бемаъни гап.
Бошлиқлар билан бунақа мавзуда сўзлашмайдилар.

Қудрат бир неча кунгача бемулоҳаза, ўз шаънига
номуносиб иш қилгани учун ўзидан-ўзи уялиб юрди.

IX боб

ЧЎЛ МАЛИКАСИ

Участка штабининг номи бору, ўзи йўқ. Қудрат
илгари ишлаб юрган участкаларининг штаблари купин-
ча икки-уч бўлмадан иборат бўлиб, қизил алволар,

шиорлар, харита, деворий газеталар, ҳурмат тахтаси, плакатлар билан безатилган бўларди. Бу ер эса қоронғи, деворлари саргайиб, шифтларидан мезон сингари ислар осилиб ётган хона. Утиришга на стул ва на стол бор. Пастаккина эшикнинг бир тавақаси синиқ, ошиқмошиғида зўрга илиниб турибди. Кўпдан бери қадам босилмаган бўлса керакки, ерни икки энлик чанг босиб ётибли.

Қудрат шанбалик эълон қилди. Одамлар ўзларининг ётар-турар жойларида тартиб ўрнатиш билан бирга штабни ҳам эпқага келтиришлари керак эди.

Қудрат ўзининг ташаббускорлиги билан деярли ҳаммани ўзига огдириб олган эди. Шунинг учун сўзи ерда қолмас, нима деса ҳамма уни бажаришга шошилар эди. Айниқса, ўз тенқурлари ичида обрўли бўлган норғул Матжон Дўстжонов Қудратнинг эпг яқин ёрдамчиси бўлиб қолди. Бугунги шанбаликда ҳам барчанинг бошини қовуштириб, ишга солиб турган ўша эди.

Кўпдан қуён қочиб қутулмас, деганларидай, уч-тўрт соат ичида кўримсиз ва қоронғи «хужра» бутунлай янги бир қиёфага кирди-қўйди: кичкина дераза ўрнига кенгина рамалик ойна қурилди. Деворлар бошқатдан сувалиб, оқланди. Дурадгорликдан хабари борлар стол, стул ясадилар. Хуллас, шу кунгача тарқалиб юрган коллективни бирлаштирувчи марказий штаб вужудга келди. Худойқулов: «Қудратжон ҳазратлари, муборак қадамлари етган жойга муқаддас қаср қурдилар, энди савлат тўкиб ўтиришларини кўрасиз», деб пичинг ҳам қилиб қўйди. Аммо «савлат» тўкиб ўтириш Қудратга ҳадеганда насиб бўлавермасди. Чунки қурилишда бракка йўл қўйилгандан буён ҳушёрликни яна оширган, биринчи галда ўзига нисбатан катта талаблар қўйган эди. Иш соатлари ўзгартирилгани билан бари бир битум ишлари авжи кун қизиғига тўғри келарди, шунинг учун Қудрат дам олиш соатларини ҳам кўпинча грейдер ҳайдовчилар ёнида ўтказар, қорншма тобига келтирилмагунча кўнгли ўрнига тушмасди. Техника хавфсизлиги бўйича машинистларни махсус инструкция билан таъинштириш ишларини ҳам шахсан ўзи олиб борарди. Аммо техминимум дарсларини ҳамон бошлаб юбора олмас, эрта-индин билан кунлар тез ўтиб кетаётганидан ачинар, қийналар ва ҳамма айбни вақтнинг зиқлигига тўнкар эди. Уста Махсум билан эса ҳар кун кечкурун учрашиб турарди. Бошда чертёжнинг нуқсонлари бир-икки қалам тортиш билан тузалиб кетадигандай

туялган эди, аммо оққа кўчириш пайтида яна савол устига савол туғилиб, янги-янги муаммоларга дуч келдилар. Улар худди игна билан қудуқ қазигандай ҳар бир майда икир-чикир устида соатлаб ўтиришар, бир жумбоқдан аранг қутулишлари билан иккинчи бир жумбоқ олдиларида кўндаланг бўлиб тураверарди. Баъзан осон йўл турганда, аллақадёқдаги чигал назариялар ичида калавланиб юришар, кейин яна тўғри йўлга тушиб олар эдилар.

Кунларнинг бирида Назокат этаклари ҳошияли, оппоқ кўйлак кийиб келди-ю, уни қишлоқ марказидаги кинотеатрга таклиф қилди:

— Ҳадеб жонингизни жабборга бериб ишлайверасизми,— деди у қўлидаги бир жуфт билетни кўрсатиб,— одам ўзига дам бермаса, бирорта дардга чалиниб қолади. Тан соғлиқ — туман бойлик, деганларини эшитганмисиз?

Ҳа, Қудрат бунақа ҳикматли сўзларнинг кўпини эшитган. Шунинг учун кинога борса, бир оз дам олиб келса ёмон бўлмасди. Ҳозироқ ювиниб, Орийат буви дазмоллаб қўйган кўйлак ва шимини кийиб чиққиси ҳам келиб қолди. Шу билан бирга мана шу келишган жувоннинг юмшоқ билатидан ушлаб аста кетаётганини, кино залида ёнма-ён ўтириб, томоша қилаётганини тасаввур қилиб кўрди. Орқа қаторда ўтирганлар: «Энхотин бўлишса керак, жуда бир-бирларига мос тушибдилар», деб шивирлашади. Таниганлар эса: «Ана, бизнинг Қудратжон доктор қиз билан дон олиша бошлабди-ку, бир балоси бўлмаса...» дейишади. Гулчиroy кўриб қолса-чи? Бунинг устига бугун яна уста Махсум кутиб ўтирибди.

— Бошқа бир кунн,— деб жавоб берди у.

— Бошқа бир кунингиз қачон?

— Ўзим айтаман. Ҳозир иш кўп, хафа бўлманг, Назокатхон.

Назокат ҳеч нарса демай орқасига қайтди-да, Акмалнинг олдига борди. Мардонов олчазордаги воқеа ва ундан кейинги машмашалардан сўнг тўнини тескари кийиб олган эди. Шунинг учун ҳам ўзини замбилга солди. Гапдан гап чиқиб, яна Қудратнинг номи тилга олинди-ю, айтишиб қолишди. Акмал Назокат тоифасидаги аёллар ўзларига доим жазман излашга мойил эканликлари ҳақида қочирим гаплар қилиб, уни қаттиқ ранжитди. Назокат ҳам бўш келмади... Охири иккала йигитга аччиқ қилиб, билетни шарт-шурт йиртиб ташлади.

Шундан уч кунча илгари Назокат халатини ечиб, уйга кетиш олдидан ювинмоқчи бўлиб турган пайтда ташқаридан бировнинг йўталгани эшитилди. Бу Холдор эди.

— Хонимнинг иш соатлари тугамадими дейман?— деб кириб келди у медпунктга. Назокат кифтини қимирлатиб қўйди.— Сиздай нажоткорларимиз бор кўнглимиз тўқ, хоним,— хушомад қила бошлади кейин.

— Савил-эй,— энсаси қотди Назокатнинг,— «хоним» ингизга бало борми, Назокат деяверинг-да. Бутун қишлоқ «доктор опа», «доктор қизим» дейишади. Сиз доктор денг, ҳеч бўлмаса.

— Кечирасиз-да, энди, ҳар кимга ҳам хоним деяверармидик? Тоза қалбда доғ бўлмас. Яхши одамга яхши лақаб ярашади.

— Ўтиринг, қаерингиз оғрийди?

— Оббо, дарров бу ёғига ўтманг-да, энди. Мен сизга муҳим гап топиб келганман.

— Қанақа гап?

— Аввал деразани очиб қўйсангиз-чи, нафасингиз бўғилиб кетмаганига ҳайронман.

— Мен кетмоқчи бўлиб турувдим. Айта қолинг айтидиганингизни.

— Шошилмасинлар, шошилмасинлар. Дарров ҳайдашга тушяпсиз-а. Тўхтанг. Муҳим гап бор деяпман. Сизга тегишли гап.

— Ростдан-а? Савил-эй... Айта қолинг, бўлмасам.

Худойқулов деразани итариб юборган эди, дераза шарақлаб очилди-ю, хонага илиқ шабада елиб кирди. Стол устидаги қоғозлар оқ каптардек сакрашиб ерга тушди.

— Нима десам бўлади. Биттаси қаттиқ кўнгил қўйганми дейман-да, сизга?

— Қўйинг-э, ким экан у?— Назокат ишва билан ўзини стул суягингига ташлади.

Худойқулов «хуш ёқмай ўлсин-эй» деб қўйди ичида.

— Ўзингиз ким деб ўйлайсиз?

— Акмалдир-да?

— Тополмадингиз. Шаҳар берсангиз айтаман.

— Олинг, ҳаммаси сизники.

— Мардоновга ишониб лаққа туша кўрманг, кейин армон қилиб юрасиз. У хотин-қизларга эътиқоди йўқ

одам, фақат бошни айланттириб, жинни қилишдан бошқани билмайди.

— Мени жинни қилолмайди.— Ғурур билан гапирди Назокат,— тезагини тераверсин. Олифтагарчилиги ўзига. Законний йигитлар ҳам қўлга туширолмаган мени.

Худойқулов унинг сўзини шартта бўлди:

— Мен айтган йигит ҳам ўшанақа законнийлардан ўтадигани сизнинг доғингизда куйиб юрибди. Гапнинг очиги, сиз диди жуда баланд аёллардансиз. Ҳарқалай у ҳам сизга ёқмаса керак дейман-ов?

— Майнабозчилик қилманг, ким у?

Холдор ташқарига бош чиқариб, яқин ўртада унинг овозини ҳеч ким эшитмаётганига қаноат ҳосил қилгач:

— Шу шарт билан айтаман,— деди шивирлаб,— бу гапни мен айтмадим, сиз эшитмадингиз. Келишдикми? Бировга мени айтди десангиз, илло-билло, гўримда тикка тураман. Ҳа, шундай. Юрагимда сир ётмайдиган одамман-да, сезган-билганимни танҳо ўзингизга етказгим келди, хоним. Қўй, десангиз, ўзимга тан, айтмаслигим мумкин. Бироқ тил ўлгур қичиб турибди-да...

Назокат сабрсизланди:

— Хўп, бировга гинг десам тил тортмай ўлай. Шу кифоями?

Худойқулов бош силкиди.

— Ҳа, гап бундоқ бўлади... Хўш... Ваъдага вафо марднинг иши. Ваъдангизнинг устидан чиқишингизга ишонаман. Ҳа, энди эшитинг бу ёғини. Ҳалиги дардга мубтало бўлган одам, менинг улуғим бўладилар. Энди англагандирсиз?

— Савил-э, сизга шу гапни ўзи айтдимми?

— Айтиши шартми? Ошиқ одамнинг кўзидан маълум, кўзидан, хоним. Қачон шу ердан ўтадиган бўлса, деразангизга бир тикилиб, оҳ чекиб кўяди, шундан ҳам билиш мумкин-ку? Ундан ташқари, афти ангориға зеҳн солдингизми ҳеч? Ҳаммаси изтироб аломати. Бўлмасам, янги келганда гулдай кулиб турган йигит эмасмиди?

— Ие, сиз фолбин экансиз-ку? Хўш, орага тушишдан мақсадингиз нима? Буни биров буюрдими сизга, ёки ўз ақл-фаросатингиз билан...

— Ёпирай, бўлмаса-чи. Ўз ақл-фаросатим билан-да. Айтдим-ку, тилим қичиб турибди деб? Бировнинг сирини бировга етказмасам, ёрилиб ўламан,— деб кулди Холдор, кейин жиддий оҳангда давом этди,— гапнинг

пўскалласига келайлик, хоним. Шундай одамнинг жонига жабр қилмасангиз дейман-да.

— Қўйсангиз-чи, ҳазил ҳам ўлсин. Нима, Қудрат акам иккаламиз сизга майна бўлиб қолдикми? Чикнинг, эшикни беркитаман.

Холдор дили оғригандай, қовоғини уйди-да, лабини қисди.

— Ёпирай, холис хизматимнинг мукофоти шуми? Ҳайдаманг, ўзим келган йўлдан ўзим кетавераман.— Ўрнидан турди. Кейин остонага етганда яна тўхтади,— гапларимга ишонмадингиз-а? Қап-катта одам сизга ёлгон гапираркан-да?

— Ишонмайман!— деди у. Аммо кўзлари бошқа нарсани айтиб турарди.— Қудрат акам сиз айтган одамга ўхшамайдилар-ку?

— Эркак кишининг ичини хотинлар қаёқдан билсин!

Холдор хизмати зое кетган одамдай ранжиган бўлиб кўчага чиқиб кетди. Кўчада ҳеч ким йўқ. Холдор бошини қуйи эгганича илжайиб кетмоқда эди. Анча нарига боргач, секин орқасига қаради. Назокат ҳали ичкаридан чиқмаган, эшик олдида унинг қораси кўринмасди. Холдор кафтини кафтига уриб ишқалаганича шахдам қадам ташлаб узоқлашди.

Назокат анча маҳалгача хонадан чиқмади. У ўз-ўзи билан гаплашар, у бурчакдан-бу бурчакка юрар, яна ўтирар, мияси ғовлаб кетаётганга ўхшарди. «Нималар деяпти-а, бу васвас? Наҳотки, Қудрат...»— деди товуш чиқариб. Чамадончасини очиб ичидан ойна олди. Қичкинагина доира шаклидаги бу ойна унинг афтини ҳаддан зиёд безаб кўрсатгандай бўлди. Унинг кўзлари чақнар, сирли табассум жилбо берган лаблари бир нарсани демоқчи бўлгандай ярим очилганича, қотган қовоқлари атрофдаги майда ажинлар ҳам сийраклашиб қолгандай эди. «Севса арзигудай ҳуснинг бор, Ноз!» деб қўйди ички бир овоз. Кейин дераза ёнига бориб пасгак девор — тошлар оша, бепоси бўшлиқлар томон тикилганича хаёлга чўмди. Оқ жўхори шодасиндай орқасига осилтириб турмаклаган сочлари ўзидан-ўзи ечилди-ю, қора илондай тўлганиб елкалари оша кўксига тушди. Липлип учган қайрилма қошларининг нозик бармоқлари билан силаб-сийпаб қўйди.

Умр ўтиб кетаверар экан. Уни орқага сурини, ёшлигинидаги энг яхши дамларни қайтарини мумкин эмас экан. Шунини ўйлаб, Назокатнинг юраги орқасига тортиб кетди. Лекин унинг кўнгли ёш, ҳалиям бўлса бошқалар

сингари бирор ўзига ёқадиган эркакнинг суюмли хотини бўлиш, фарзанд кўриб, оналик ғурури билан яйраш истаги қалбининг энг чуқур ва энг қоронғи бир бурчагида яширишиб ётади. Холдорнинг ҳалиги сўзларидан кейин қалбининг ана шу қоронғи бурчи ёришиб кетгандай бўлди. Ўзидан-ўзи яна: «Шу ростмикин-а? Ростмикин?» дерди.

Шундан кейинги кунларда нималарни ўйлаганини фақат ўзи биларди. У Орият бувиникига ясашиб-тусашиб келадиган бўлиб қолди. Узоқ-узоқ ўтириб, Қудратнинг ишдан қайтишини кутадиган бўлди, Холдорнинг қалтис ҳазилига шубҳа кўзи билан қарашни хаёлига келтирмасди. Кейин кинога билет ҳам олиб келди. Бироқ Қудратнинг рад жавоби уни гангитиб қўйди. Нима гап ўзи? Севган одам ҳам шундай муносабатда бўладими? Унга шундай алам қилдики, ҳалигача эс-ҳушини йиғиштириб ололмайди.

* * *

Холдор Қудратни синдираман деб юриб, ўзининг мисси чиққанини сезмай қолди. Мардоновга хайрихоҳлигини кўрсатмоқчи бўлиб, унинг ишга чиқмаган кунлари учун ҳақ ёзиб юборди. Афтидан, буни Қудрат сезмай қолади деб ўйлаган эди. Қудратда бир нарсаса қўл қўйишдан олдин уни синчиклаб текшириб кўриш одати бор. Шу одати бўлмаганда олам гулистон эди-я! Бухгалтериядагилар Холдорни чақириб синчиклаб текшириб ўтирармиди. Эҳ, Қудрат, Қудрат. Мунча синчков бўлмасанг-а? Бир ернинг камайиб қоладими сенинг? Йўқ, Қудрат сен айтганлардан эмас, Холдор, ахир бу иш ўғрилик қилгандан баттар-ку? Ўз хўжалигимизни, ўз давлатимизни алдаймизми? Ёки Қудратни сен ҳам синаб кўрмоқчимидинг? Синаш учун шундан бошқа усул қуриб қолдими? Ҳар ҳолда, бунақа найрангларинг билан уни қўлга туширолмайсан, ғирром. Номеринг ўтмайди энди! Балки, бу биринчи кароматинг эмасдир. Шу чоққача печа марталаб Қудратга ўхшаганларни лақиллатган бўлсанг керак. Қанийди, ўша далиллар ҳозир қўлга тушиб қолса, уругинг ўйнаб кетарди-я.

Шундай хаёлга берилиб ўтирган Қудрат: «Ҳар ҳолда билиб қўйиш чакки эмас», деди-да, тўппа-тўғри бошқармага йўл олди. Кадрлар бўлими бошлиғи — ўша кўзойнаги устидан қарашга одатланган Ефим Аронович

Худойқуловнинг шахсий делосини олиб унинг олдига қўйди.

Ҳаммаси жойида. Зўр ҳафсала билан тўлдирилган анкеталардан биронта нуқсон топиб бўлмади. Фақат меҳнат дафтарчаси кўринмайди, холос. Бусиз қандай ишга қабул қилинди экан? Ахир Худойқулов шу вақтгача бошқа жойларда ҳам ишлаб келгани маълум-ку?

— Буни бошлиқлардан сўрайсиз,— деб елкасини қисиб қўйди Ефим Аронович.— Мен кейин келганман, Худойқулов эса мендан илгарироқ ишга тушган. Нега ҳужжатлари етишмайди, деб суриштирсам, бош инженернинг тавсияси билан қабул қилинган дейишди.

— Шу билан кифояланиб қолавердингизми, текшириб қолишса нима деб жавоб беришингизни ўйламабсиз-да?

Ефим Аронович кўзойнаги устидан ғалати қилиб қараб қўйди.

Қудрат бухгалтерияга кириб ҳақ ёзилган ҳужжатларни ҳам бир қатор кўздан кечирди. Юзаки қараганда бу ҳужжатлардан ҳам ҳеч қандай камчилик топиб бўлмасди... Тўхта, тўхта, бу нима деган гап? Наҳотки, дам олиш кунлари ҳам ишлаганлари рост бўлса? Буларни дафтарчага ёзиб олиш керак.

У қайтиб келгач, Тешавой ва уста Махсумдан сўраб-суриштириб, участкани судраланишдан қутқариш мақсадида дам олиш кунлари ҳам ишланганини аниқлади. Демак, Қудрат бекорга овора бўлиб дафтарчасини қоралаб юрган экан. Ҳаммаси тўғри, ҳаммаси жойида... Бирок, суҳбат вақтида Қудратнинг айрим шубҳаларида жон борлиги билиниб қолди, лекин ҳеч кимга сир бой бермасди. Фақат Холдорни секин штабга чақиртирди.

Сўнгги тўлгазилган табель ва парядларни унинг олдига ташлади. Мардоновга ортиқча иш ҳақи ёзганини ҳам эслатди.

— Ахир бу қилмишингиз турган-битган кўзбўямачилик-ку?

— Мен ҳужалигимизнинг ғамини қилдим,— деди Холдор. У кўпинча соқолини олдирмай юрганидан ўттиз беш эмас, элликка бориб қолганга ўхшаб кўринарди. Сийрак мўйлови эса офтобда куйиб, саргая бошлаган эди.— Аҳмоқни урма, сўкма, алдаб-сулдаб йўлга сол деганлар,— тушунтира кетди у,— важоҳатини кўриб турибсиз-ку, шундай қилмасам, Мардонов эртагаёқ боши оққан томонга қараб санғиб қолади.

— Алдаб-сулдаш ҳам ўлсин, давлат пулини исроф

қилиш билан бўлса. Бу усулингиз копи зиён, Худойқулов. Бошқатдан наряд тўлғазасиз, вассалом. Мардоновга нисбатан чора қўриш керак.

— Қандай чора? Ҳайдамоқчимисиз, улуғим?

— Балки ҳайдармиз ҳам. Агар яна шундай иш қиладиган бўлсангиз, сизнинг ҳам кавушингизни тўғрилаб қўямиз.

Холдор энсаси қотгандай тиржайиб қўйди.

— Ахборотингиз учун ўзим ҳам жўнаб қолмоқчиман, улуғим. Сиз билан ишлаш анча қийинга ўхшаб қолди. Баъзи тутуриқсиз кароматларингиз ҳаммамизнинг жонимизга тегди!

— Сиз кўрсатган кароматлар-чи?

— Мен хўжалигимизнинг ғамини едим деяпманку!

— Э, қўйинг, ўшанақа бетаъсир гапларингизни. Хўжаликнинг ғамини ейиш бунақа бўлмайди.

— Хўш, муддаойингиз нима, тўғриси айтиб қўя қолинг.

Қудрат ғазабдан зўрга ўзини босиб турарди.

— Муддаойим шуки, ишласангиз ҳалол ишланг, қилвирлик қилманг, менга ёрдам беринг дейман, тушундингизми?

— Йўқ. Сиз билан муроса қилиш қийинга ўхшаб қолди. Ариза бериб кетаман бу ердан.— У шунчаки қуруқ пўписа қилаётган эди.

— Ҳамма ёқни отхонадай булғалатиб қўйиб-а?

Қудрат Тешавой ва уста Махсум билан қилган суҳбатидан кейин Худойқулов ҳақида нима фикрга келган бўлса ҳаммасини тўкиб солди. Ёнидан дафтарчасини олиб варақлади. Ўша якшанба кунларининг бирортасида Холдор ишга чиққан эмас. Ҳатто уни-бун баҳона қилиб, бир марта ўн кун, иккинчи марта ўн уч кунга марказга кетиб қолган. Яна бир марта маст бўлиб, уч кун ишламаган. Уялмай-нетмай ана шу кунлар учун ҳам ҳақ ёзиб олаверибди. Бун қанақа каромат деса бўлади? Ўз мавқеидан фойдаланиб давлат киссасига қўл урган одамни нима деса бўлади?

Қудратнинг гаплари унга таёқ зарбидек қаттиқ тегди. Ижирғаниб қўйиб:

— Ўтган ўтди кетди, бўладиган гапни айтнинг,— деди.— Нима қиласиз ўлган илоннинг бошини қўзгаб, улуг? Ичиқора одам экансиз-ку?!

Холдорнинг сурбетлиги Қудратнинг ғазабини қўзғатиб юборди.

— Давлат, давлат дейсиз,— давом этди яна Хол-

дор,— шу арзимаган сарф учун давлатимиз камбагал бўи қолармиди?

— Давлатни сизгирдек соғиб нч, еган қолади, нчган қолади, демоқчимисиз? Ҳалиям ўша фикрингиздан қайтмаган экансиз-да!

— Йўқ!— ўрнидан туриб кетди Худойқулов. Унинг ранги кўкариб, лаблари дағ-дағ титради.— Таъна қилманг менга! Ўша пайтлар бошимга нималар тушганини сиз қаёқдан биласиз! Номардлар мени вазифамдан четлатиб, устимга тўхмат ёғдирдилар. Ҳеч қасрга ишга олмайдиган қилиб, ҳуқуқимдан маҳрум этдилар. Бунга чидаш осонми? Аламинни ичкиликдан олдим, оғзимга келганини валдирадим. Қувғинлик одамни нима аҳволларга солмайди, ахир? Кейин ўзимни астойдил қўлга олдим. Одамлар орасига кириб бордим. Ҳақиқат борлигига ишондим. Энди ишим юришиб, эски аламларни сал унута бошлаганимда, сиз яна менга таъна тошини ёғдирмоқдасиз. Ёпирай, ёпирай... Нима қилишим керак? Ўзимни ўзим ўлдиришим ёки олишим керакми? Сиз менга ёрдам бериш, камчиликларимни очиқчасига танқид қилиб йўлга солиш ўрнига яна кўкрагимга ханжар урасиз. Инсонга шафқат, диёнат шунақа бўладими? Тўғри, бўйнимга оламан. Ўша янги ишга келган маҳалларим пулга ўчлик қилиб хато йўлга тушибман, энди жону дилим билан меҳнат қилиб, ўша хатоларимни ювишни истайман.

Қудрат Холдорнинг лўлилик қилаётганига ҳам, чи-накамига юрак дардини изҳор этиб, тавбасига таянаётганига ҳам тушунолмай қолди.

— Мен сизни ўлимга буюраётганим йўқ-ку!— деди у сал бўшашиб,— пашшдаан фил ясаманг. Одам бўлинг, ишласангиз ҳалол ишланг деяпман сизга. Сиз мени ичиқоралик қиляпти дейсиз! Сен билан ишламайман, кетаман деб дўқ уряпсиз! Мен, кетишингизга ҳам қарши эмасман, аввал мана бу хатоларингизни тузатинг. Шундан кейин жавоб сизга.

Худойқулов бошини қуйи солиб лабларини тишлаб қолди. Қудратнинг бўшлиқ қилиб, юмшаганидан кўнгли хотиржам топди. Демак, артистнамо қилиқлар ҳам иш бераркан-ку. Аммо «хатоларингизни тузатинг» дегани нимаси? Уни қандай тушунса бўларкин? Ҳар ҳолда сўраб кўриш керак.

— Хўп, айтганингиздай бўлсин,— деди у,— нима қил дейсиз?

— Бошлиқ номига изохнома ёзиб, қонунсиз олган пулларингизни қайтариб беришга ваъда қиласиз. Кейин

ҳар ой маошингиздан маълум процент тўлаб, давлат олдидagi қарзингизни бутунлай узасиз. Шундагина ҳалол киши эканлигингизга ишонаман, тушундингизми?

Худойқулов унинг гапига тушунди. Шу билан бирга қўлида ушлаб турган энг яхши нарсаси ерга тушиб сингандай бўлди. «Қарзингизни узасиз». Айгинига осон. Холдор ҳеч қачон олган нарсасини қайтариб берган эмас. Ўзи пул, мол-дунё орттириш гамида юрибди-ю. Пул — унинг ҳаёт йўли учун бир қибланома. Э, ҳа, Қудратвой чучварани хом санаяптилар ҳали. Холдор изоҳнома ёзишга киришмасдан бурун ўзининг кавушини тўғрилаб қўйишлари мумкин. Фақат у ҳозирча ҳалиги сириш бошқармадагиларга билдирмай турса бас. Шунининг сўраш керак. «Айтганингизни қиламан, аммо бу айбимни юқоридагиларга билдирмай турнинг» деб ялиниш керак. Бироқ бунга кўнармикан у?

Унинг гапи оғзида қолди. Ташқаридан югуриб кирган Шакен, икки машина юк келди, қабул қилиб олармишсиз, деб Қудратни бошлаб чиқиб кетди.

Таъминот хўжалигининг бошлиғи раскладушкарлар, стол-стулларни атайини машинадан туширмай, мана, талабларингизни қондираётганимизни кўриб қўйинг, дегандай Қудратни кутиб туради.

— Етмаса тагин олиб келамиз, — деб мақтанди у, — озиқ-овқат масаласини ҳам ҳал қилдик. Райпишторг кундалик эҳтиёжингизни таъминлаб туради. Ундан ташқари, салқин сув ва турли ноз-неъматлар билан савдо қиладиган кўчма магазин очамиз.

— Сут-қатик ҳам бўлиши керак.

— Хўп, бу тўғрида колхоз билан гаплашамиз.

«Мумкин экан-ку? Шу нарсани нега илгарироқ ақлингизга келмаганига ҳайронман», деб қўйди ичида Қудрат.

Келтирилган жиҳозларни машинадан тушира бошладилар. Энди одамлар қуруқ ерда ётиб ухлашдан қутуладилар, булоқ бўйидаги баҳаво жойга стол ва стуллар қўйиб, ошхона очадилар. Ёлма-ёп ўсган икки туп саданинг ости тангадай оқтоб тушмайдиган салқин. Зилол сувнинг шабадаси, шохдан шохга сакраб сайраётган қушлар нағмаси роҳатбахш. Трассадаги нафасни бўғувчи иссиқ ҳавода терга ботиб ишлаб келгандан кейин бу ерда ором оласан. Омаднинг келганини айтинг, қишлоқда яхшигина пазанда ҳам топила қолди. Энди кунига икки маҳал иссиқ овқат, эртадан-кечгача самонар қайнаб, кўк чой доим тайёр турадиган бўлди.

Бу сўлим жой гавжум бўлиб қолди, ҳатто ярим кечагача ҳам шов-шув, аскиябозликнинг кети узилмайди.

Мардонов: «Ҳар замонда қиттай-қиттай ичиб олишга рухсат борми?» деб сўраган эди, ҳеч ким жавоб бермади. Фақат эртасига «спиртли ичимликлар келтириб ичиш ман этилади» деган ёзув пайдо бўлиб қолди, холос.

Чертёж қўлдан чиққандан кейин уста Махсум билан Қудрат ҳам шу ерда учрашадиган бўлдилар. Чол муродига етай деганида, негадир паришонхотир юрарди. Чертёж техбўлимга топширилган, лекин у ердаги ходимлар бу янгиликка қандай қараркин, мутахассислар қандай тақриз ёзишаркин, деб хавотир олиб юрарди. Мабодо, бунингиз бир чақага арзимаيدи, деб қайтариб беришса, иш чатоқ. Бу шунча меҳнатлар, уйқусиз ўтган тунлар зое кетди деган сўз.

Бир кун тушки овқатдан сўнг у худди ана шундай хаёлларга берилиб ўтираркан, олдида яна Қудрат келди. Икковлари бир чойнак чой ичиб, индамай бир-бирларига тикилишиб ўтирдилар. Гўё шу тикилиш билан бир-бирларига жуда кўп гапларни айтаётгандай эдилар.

Қудратнинг кўзлари чолнинг оқини юнг босган кўраги, буришиб кетган бўйини, катаклари кенг бурни, қош ўртасидан жўяк тортган чизиклар ва сийраклашиб қолган сочларига қараб ичида: «Ҳали кўп фойдаиғиз тегади», деб қўйди. Шу қаршисида ўтирган ҳалол меҳнат мухлиси умрининг йигирма уч йилини қурувчилик ишида ўтказибди. Ёшлигида рабфакка кириб ўқий бошлаган экан. Кейин тирикчилик туфайли ташлаб кетибди. Эллик ёшга етганида уни Москвадаги икки йиллик малага ошириш курсига юборибдилар. Уста Махсум ўқишга кетяпман, деб суялса, тенқурлари «қариган чоғингда ўқиб олим бўлармидинг?» деб кулишган экан. Олим бўлмаса ҳам ўқигани фойдага қолибди-ку, ахир. Машҳур кишилар, новаторлардан дарс олибди. Совет техникасининг сўнги янгиликлари билан танишибди. Ана шу билимларим эсимдан чиқиб кетмасин деб ҳамон техникага доир журналларни мутолаа қилади, илгор қурувчиларнинг тажрибаларини ўрганади, олий ўқув юртини битириб, диплом олмаган бўлса ҳам илмий формулалар, мураккаб масалаларни ечишда айрим дипломликлардан қолишмайди.

— Нимани ўйлаяпсиз?— сўради уста Махсум сукунати бузиб.

— Сизни. Сиз-чи?

— Мен ҳам сиз тўғрингизда ўйлаяпман.

Иккови ҳам мийиғида кулиб қўйди.

— Айтмоқчи, анов кунги бракка чиқарган жойингизни бориб кўрдингизми?

— Кўрдим, уста, қиз боладай очилиб кетибди.

Чол завқ билан кулди.

— Қиз боладай дейсизми? Оббо сиз-ей, хўп антиқа гап қилдингиз-ку, а? Шунақа, ўғлим, ҳамма нарса пардозни яхши кўради. Нишабини тўғриладиғу, бинойидай бўлди-қолди. Аммо битта гапни айтиб қўяй. Отангиз тенги одамман, ўғлим. Бу гапни оғир олмассиз. Ҳар нарсага жаҳл қилавериш ярамайди. Обруйимни бир пул қилдингиз ўшанда.

Қудрат изза тортиб кетди.

— Кечиринг, — деди қизарган юзини яшириб.

— Отангизга балли. Аммо ақл ёнда эмас, бошда. Ҳар хил одамлар бор. Дағдаға билан иш битармиди! Ҳар бир одамнинг феъл-атвориға қараб муомала қилиш керак. Мардоновдакаларнинг ҳам юрагига калит топсангиз, яхши гапнинг гадойи.

— Э, қўйинг, ундақага яхши гап чикора. Жуда ҳалдидан ошяпти у. Энди қаттиқроқ чора кўришимиз керак.

— Ҳар ҳолда, аҳмоқни урма, сўкма, ишга сол, деган гап бор.

Қудрат шу матални яқиндагина кимдандир эшитган эди шекилл. Худойқуловдан эмасми? Ҳа, ўшандан Наҳотки, бошқа-бошқа турдаги икки одамнинг фикри бир жойдан чиқса?

Қудрат Холдорнинг Мардоновга ортиқча ҳақ ёзиб берганидан тортиб, барча кирдикорларини айтиб берди. Чол ачингандай бош чайқаб қўйди.

— Эсингиздами, у бўлмағур ишларни қилиб юрганга ўхшайди деган эдим. Кўнглим бир нарсани сезмаса тилимга шу гап келармиди? Афтидан туппа-тузук одамга ўхшайди-ю, қилиб юрган ишини қаранг. Нима чора кўрмоқчисиз энди?

Қудрат унинг тавбасига таянтирганини, қанча ортиқча пул ёздириб олган бўлса, ҳаммасини тўлайман деб ваъдасини олганини айтди. Чол унинг тadbрига қойил бўлгандай елкасига қоқиб кўйди.

— Бир латифа эшитгандим, — деди у, — шунга ўхшаш бир сўхтаси совуқ бозор оралаб юрган экан. Олдига бир кампир тушиб қолиб ҳадеганда йўл беравер-

мабди. Шунда ўша сўхтаси совуқ: «Ҳей, эшакнинг онаси, йўлдан қочсанг-чи!» дебди. Кампир унга: «Хўп бўлади, жон болам», — дея дарров четга чиққан экан. Шу сингари сиз ҳам уни ўз лойига ўзини сувоқ қилмоқчисиз шекилли? Балли, балли... Қишғир ишининг қирқ йилдан кейин ҳам қийиғи чиқаверади. Ахир бир куни қаттиқ таъзир ейиши турган гап.

Шу пайт Қудратни қандайдир куч сакраб туришга мажбур қилди. Қўшни столда чой ичиб бўлиб Гулчирой ўрнидан туриб кетаётган экан. Шундай ёнгинасида утирган экану, сезмабди-я, тавба.

Гулчирой жингалак сочли рус қизи билан етаклашганича дарахтзор орқасига ўтиб кетмоқда эди.

— Гулчирой...

Жингалак сочли рус қизи орқасига қайрилди-да, халлослаб келаётган йигитни куриб Гулчиройни тўхтатди.

Гулчирой ўнғайсизланиб:

— Кимсиз? — деб юборди, у чиндан ҳам таниёлмадимми ёки шу сўроқ оғзидан беихтиёр чиқиб кетдими, ўзи пайқамай қолди.

— Мен... Мен Қудратман, — деб чўнтагидан рўмолчани чиқара қолди йигит. — Бу эсингиздами?

— Оҳо, далилим ҳам бор денг? — деб кулди қиз, — Шурочка, мана бунга қара, менинг косинкам бу кишининг чўнтагида... Салом, Қудратжон ака, — қўлини узатди у, — ярангиз тузалдими?

— Ҳа, отдай бўлиб кетганман.

— Айтмоқчи, Шурочка, таниш, бу киши ҳақида гапириб берувдим-ку?

Шурочка ўз номини айтиб қўл қиснишди-да:

— Биламан, тунги учрашув... — деб қўйди.

— Фақат учрашувгина эмас, — бўрттириб гапирди Қудрат, — бутун бир саргузашт!

Учовлари баб-баравар кулиб юборишди.

— Яхши бир ёзувчи ҳикоя қилиб ёзса бўладиган воқеа, а? — деди Гулчирой.

Улар аста йўлга тушишди.

— Мен сизни жуда кўп эсладим, — Қудрат ўз дадиллигига ўзи қойил қолди, — қидирмоқчи ҳам бўлдим.

— Ростданми? Шу арзимаган рўмолча учун-а? Бекорга ташвиш қилиб юрибсиз?

— Арзимаган деманг, сеҳрли рўмолча экан, бутун бир ярани даволади-ку, ахир.

— Оҳо, жудаям ошириб юбордингиз-ку...

Улар гангур-гунгур гаплашиб бораркан, йигит ўзини бутунлай тутиб олишга ҳаракат қиларди. Гулчирой уни ҳеч эсламаган экан. Қудрат содда бўлмаса ўрни-тагида йўқ нарсаларни хаёл қилиб юрармиди! Ахир у бу қиз учун ўткинчи бир одам экан-ку. Бунақа ўткинчиларни бир кунда ўн марталаб учратиш мумкин. Шуларнинг ҳар бирига кўнгил қўяверадиған бўлса... Эҳе... Ҳатто у бошда Қудратни танимади ҳам. Қудрат бўлса... Э, хомкалла-эй...

Бироқ юрак қургур ҳеч нарсанинг фарқиға бормас экан.

— Бир минутга мумкинми? — деб уни тўхтатиб гаплашмоқчи бўлди Қудрат. Шурочка сал нари кетиб уларни холи қолдирди. — Мени кечиринг, мен сизни... албатта кўришим керак.

Қиз яна ўнғайсизланди:

— Кўриб турибсиз-ку? — деди у муғамбирона. Бу — йигитнинг қалбини баттар ўртаб юборди.

— Тушунмадингиз, — деди у қизнинг ниятига тикилиб. — Мен сиз билан яна учрашувим керак, йўқ демапг, ўтинаман...

Қиз унга ялт этиб қаради-ю, кўзини ерга тикди. Кўкси дам кўтарилиб, дам пасайиб туришидан, рангининг ўзгаришидан ҳаяжонлангани сезилиб турарди.

— Мени мана шу дашти биёбондан қидириб топасиз, — деб юборди у кулиб туриб, — хайр.

Шурочка ҳамма гапни эшитиб турган экан. Дугонаси унга етиб олиши билан:

— Истаган одамингиздан чўл маликасини сўрасангиз, қаердалигини дарров айтиб беришади, — деди майин овоз билан.

Қудрат анчагача қизларнинг орқасидан қараб кўча юзида турди-да, кейин ўзича «Чўл маликаси» деб пичирлаб қўйди.

Х боб

ШАЙТОНЖАРНИНГ СИРИ

Қудрат қайтиб, булоқ буйига келди-ю, уста Махсумни ёлғиз ташлаб кетганига ўқинди. Уша сулув қиз билан учрашиб, бир нафасга бўлса ҳам васлига етишгани ҳам татимади. Чунки уста кутиб-кутиб кетиб қолган эди. У Қудрат ҳақида нима деб ўйладийкин? Тавба, Гулчиройни деб иккинчи марта шундай ҳолга тушди-я.

У кичкина бир япроқни дарахт шохидан узиб олди-да, қўлида пириллатиб айлантирганича трасса томон йўл олди. Япроқ олтин тусга кирган, бу куз нишонаси эди. Бир неча кунлардан кейин ҳамма ёқни худди шунақа япроқлар босиб кетади.

Қудрат ялангликка чиққач, шундай рўнарасида ҳил-пираб учиб юрган мезонга кўзи тушди. У Қудратнинг афтига ёпишмоқчи бўлган эди, пуфлаб юборди. Мезон икки-уч бор тўлғана-тўлғана осмон бағрига кўтарилди. Қудрат унинг орқасидан узоқ кузатиб қолди. Кейин яна уста Махсумни эслади. Бирор танишимни излаб кетувдим, топдим, деб баҳона қилади-қўяди-да. Шунга ҳам ташвишми?

Шу кунни биринчи марта чинакам муҳаббат ҳақида жиддий ўйлади. Аммо кўнгли доим хотиржам эмас, қафасга тушган қушдай типирчилар. ҳаяжонини боса олмас, ҳеч сабабсиз пешонасини муздай тер босарди. Наҳотки, юракдан урилган киши ўзини шундай тез йўқотиб қўйса? Аммо қиз уни севадими, йўқми? Унинг боши очикми, йўқми, буни билмай туриб, эҳтиросга берилиш ақлдан эмас. Бу продасизликнинг ўзгинаси-ку! Севгига бунчалик тез берилиш, мулойим ҳиссиётлар амрига бўйсуниб йигит кишига ярашмас, балки? Ундай деса, шу маҳалгача у биронта қизга кўнгли берган эмас, чиройли қизларга ингоҳи тушган маҳалда ҳам, ҳозиргидагидай ҳислари мавж урган эмас. Ҳамма нарсани унутиб, ишга қаттиқ киришиб кетмаса бўлмайдиганга ўхшайди.

Эртасига у трасса ўтадиган янги жойлар билан танишиш учун Ёртепадан чиқиб, жарликлар томон жўнади.

Пардавой айтган чуқурликларни синчиклаб кўздан кечирди. Тупроқ қатламининг қанчалик мустаҳкамлиги билан танишди. Лекин трасса ўтишига нов бўладиган бирор сабаб топилмади. Фақат айрим жарликларга қувур ётқизиб, йўл қуришга тўғри келади. Ёки шунга кетадиган «ортиқча» харажатлардан чўчишдимикни улар? Тавба, булар ўзларини яхши кўрсатини учун қурилишни арзонга туширишни ўйлашгану... Ахир бу давлатни алдашнинг янги бир тури эмасми?

Қудрат яна олға қараб кетди. Юра-юра тагини бир ҳайбатли жарлик ёқасидан чиқиб қолди. Ҳа, мана бунини чинакам гов деса бўларкан. Лекин бунинг ҳам иложини топиш мумкин. Ҳа, каттакон бир кўприк қуриш

керак. Бироқ, бу катта харажат талаб этади-ку. Масаланинг бу томони бор-да.

Чуқур жарликлар, ёмғир суви ювиб кетган ўнгурлар, қатор-қатор устунларга ўхшаб саф тортган тупроқ қоялар... гуё улар асрлар бўйи шундайлигича ҳайкалдай қотиб тургандай. Жарликнинг туби қалин ўтлар билан қопланган. Бунинг ён-верига кечқурунлари одамларгина эмас, ёввойи ҳайвонлар ҳам яқинлашолмаса керак. Кўрса одамнинг ваҳимаси келади.

Жарликнинг нариги юзига ўтиб олиш амри маҳолга ўхшайди. Аммо шу ерга келиб етганда қайтиб кетиш яхши эмас. Яқин атрофдаги кишилар билан танишиб, шу жарликнинг сирини билиб қўйиш керак. Ахир бу ерларнинг тарихи билан танишиб қўйилса ёмон бўлмайди.

Қудрат қирғоқ бўйлаб анча жойгача юриб борди. Ниҳоят, қийнала-қийнала нариги соҳилга ўтиб ҳам олди. Қаршидаги қишлоқ файзли, кўркамликда Ёртепадан қолишмас экан. Қуёш кўкларга қараб бўй чўзган чинор дарахтлари, қатор теракзорлар орқасида бўлганидан кўчалар қалин соя ичида эди. Шалдироқ ариқ бўйларидаги ўт-ўланлар устида капалаклар эринибгина қанот қоқиб учиб юради. Томига черепица ёпилган гиштин уйлар, ҳовлилардаги баланд-баланд сўрилар кўзга ташланади. Уфқ билан ўпишган далалар қўйнида тракторнинг гуриллаши, қизлар яллasi эшитиларди, қаёққа қараманг, кўли гул-нисоннинг нозик дид билан барпо этган боғлари кўзга ташланади.

— Бу қайси қишлоқ, укам?— сўради Қудрат эчки етаклаб юрган кичкина боладан.

Бола бир неча қадам нарида тўхтади-да, «қанақа одам экан, келган қишлоғини билмаса», дегандай ҳадиксираб қараб қолди.

— Оводон... — дея жавоб қилди анчадан кейин.

— Колхоз-чи?

— Оводон...

— Қишлоқ ҳам «Ободон», колхознинг номи ҳам «Ободон»ми?

— Ҳа!

— Идорани кўрсатиб қўймайсанми?

— Ҳу анави шийпонга борсангиз, раис амакимни кўрасиз.

Раис тепакал, лорсиллаган, эллик ёшлар чамасидаги киши экан. «Бўйдан пича камситилган экан» деб ўйлади Қудрат, унинг пастак қоматига зеҳн солиб.

— Болтаев! — деди раис қўлини чўзиб қоматига мос

тушмаган чийилдоқ овоз билан. — Утиринг, чарчаганга ўхшайсиз. Бир коса яхна чой бераман, маза қилиб си-мириб олинг. Мана, марҳамат. Ҳўш, шундай қилиб, қу-рилишданман денг-а? Машинангиз қаерда қолди?

— Пиёда келдим.

Раис ишонқирамади.

— Куннинг иссиғида-я? Куйиб кетмадингизми? Ҳаф-салангизга балли, азамат.

Қудрат лабларига ёпишган яхна чой кўпикларини артди-да, нима учун келганини батафсил тушун-тирди.

Болтаев унинг гапига парво қилмагандек, оқ ки-телининг тугмаларини ечиб, кўкрагини дастрўмоли билан елпий бошлади.

— Шу жой салқинроқмикин деб келувдим,— деди у гапни бошқа ёққа бураётгандай,— бу жой ҳам исиб кетибди. Юринг, канал бўйига бориб салқинлаб ке-лайлик.

Улар кокиллари сув билан ўпишган мажнунтол-лар остидан юриб кетдилар. Қирғоқларга шилп-шилп урилаётган сувнинг кучсиз шамоли аранг келиб турар-ди. Иккинчи томон пахтазор. Шапалоқ-шапалоқ ғўза япроқлари ёлқинли қўш нурига бардош бериб, оч са-риқ, қизғиш, оқ нилуфардай гулларини ўз ҳимоясида асраб турар, эгатлар ичи эса қоп-қора лой эди. Афти-дан, кечалари шиғаб суғоришган бўлсалар керак. Дала устида ҳаво жимир-жимир қилади-ю, аммо ғир этган шабада йўқ.

— Сезяпсизми сувнинг салқинини? Оҳ, оҳ, оҳ,— деди Болтаев,— ғўзаларимизни кўрдингизми, жуда бў-лиқ. Ишлов зўр-да, ишлов зўр.

«Буларнинг менга нима алоқаси бор экан» деб ўй-ларди Қудрат.

— Қаёққа келяпмиз?

— Юраверинг, сизга бир нарса кўрсатмоқчиман.— деди-да, Қудратнинг қўлтиғидан олди.— Ҳув анави дарёни кўрдингизми? Нуроб дарёси. Мана шу канални ўз кучимиз билан қазиб, ўша дарёдан сув олиб кел-ганмиз. Бунақа каналдан иккита-учтасини ҳам қу-ришга қурбимиз етади. Юраверинг, юраверинг, гап бор. Мана бу кўчани кўрдингизми?— Улар далани иккига бўлиб ўтган йўлга чиқдилар,— буни ҳам ўзи-миз қурганмиз. Лекин узунлиги уч ярим километрдан ошмайди. Охири шилтаси чиққан бир йўлга уланади. У ёғини ҳам эпақага келтириб олишимиз мумкин

эди-ю, аммо вақтимиз йўқ. Пахтадан қўлимиз бўшамайди. Қани, юраверинг.

Қудратнинг энсаси қота бошлади. Мақтончоқлик ҳам эви билан-да. Шунинг эшитгани келганимидики? Болтаев уни инженер қиёфасида келган мухбир деб ўйлаётганикин.

— Менга қаранг, ўртоқ Болтаев, мен...

Аммо Болтаев уни гапиртиргани қўймади:

— Ҳозир, ҳозир, ҳаммасини тушунтираман. Юрнинг шийпонга,— деди у, сўнг қизишиб гапира кетди.— Мана сиз йўл қурапсиз-а? Уни кимга кераги бор, қани айтинг-чи, кимга?

Қудрат бир нарсани демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаши билан яна гапини оғзидан олди.

— Йўқ, тўхтанг, аввал жавоб қилинг менга. Йўлнинг инсонга фойдаси тегмаса, кимга кераги бор унинг?

— Ўртоқ Болтаев, мен нима учун келганимни сизга айтиб бердим, ахир... Сиз бўлсангиз аллақаяёқдаги...

— Мен аллақаяёқдаги гапини гапираётганим йўқ, дўстим. Мен сизга шу нарсани тушунтиришни истайманки...

Болтаев қизишиб гапирарди. Дарвоқе, ободонликлар марказ томон катта йўл тушармиш деган гапини эшитганларида хурсандликлари ичларига сиғмай кетган эди. Станциягача қанча йўл босиб, ундан кейин поезд кутиб вақт ўтказгандан кўра, автобусда тўппатўғри шаҳарга езиллаб бориб келаверишга нима етсин! Лекин бу қувончлари узоққа бормадди. Чунки трасса қишлоқ ўртасидан эмас, анча наридан, уларни четлаб ўтар эмиш. Қурувчилар шундай орзу-умидлардан уларни маҳрум қилишибди.

— Топган баҳоналарингизни қарангу,— жиғибийрон бўлиб давом этди Болтаев.— Битта шу Шайтонжардан қўрқиб бизга енгиллик туғдиришдан қочасизларми? Қолхозчиларимиз бир ёпишса, икки ҳафта ичида бу жарликдан нишона қолмайди. Аммо яна қайтариб айтаман, ҳозирча вақтимиз зиқ, ўртоқжон, вақтимиз зиқ! Бизнинг вазифамиз биринчи навбатда пахта етиштириш. Сизларнинг вазифагиз эса бизнинг мушкулларимизни осон қилиш. Чўлда яшаб, чўл ҳавоси билан таниш бўлганингизда билардингиз. Йиғим-терим бошланиб, авжи долзарб кунлар келган маҳал йўлларимиз ботқоқликка айланиб кетади. Оҳ, оҳ, оҳ, бизчалик йўл қадрига етадиган бормикин дунёда?

— Нега шу чоққача дамингизни ичингизга ютиб юрибсиз бўлмасам?

— Хўш, нима қилишим керак эди?

— Бориб айтиш керак эди, тушунтириш керак эди?

Болтаев умидсизлик билан қўл силтаб қўйди-ю, кейин бошининг ялтироқ ерини силай бошлади:

— Сиздақа олимларга ақл ўргатиш ақлсизликнинг ўзгинаси-ку. Ҳаммасини ўзинглар яхши биласизлар. Фақат машаққатдан қочиб осонгина, тўғри йўлни излайсизлар. Ё тўғри эмасми гапим?

— Мен шунча жойдан пиёда юриб келдим. Шунинг ўзи ҳақ эмаслигингизни кўрсатади,— ранжиб гапирди Қудрат,— айрим мутахассисларнинг бефарқлиги туфайли юз берган хатони тузатиш мумкинми, йўқми, шунини билмоқ учун келдим.

— Тузатиш мумкин эканми?

— Шунини сўрамоқчи эдим-да, сиздан.

Болтаев кулди-да, Қудратнинг елкасига туртиб қўйди.

— Хафа бўлманг, дўстим, бу гапларни сизга тегишлиги йўқдир балки. Ўша хатога йўл қўйганларга аччиқланиб юрардим, уларнинг аламини сиздан олгим келиб кетди шекилли-да. Айбга буюрмайсиз. Хайрият, юрагинида ўти борлардан экансиз. Бошқалар биздақалар билан маслаҳатлашишни ўзларига эи кўришмайди. Ҳаммаси ўз билганини қилади. Мана сиз, ўша хатони тузатиш мумкинми, йўқми, шунини билмоқчиман, дейсиз. Бундай саволнинг бўлиши мумкин эмас. Инсоннинг қўлидан келмайдиган иш борми? Бу бир арзимаган жарлик экан-ку, одамлар ерининг остидан, ҳатто осмону фалакка йўл солиш пайдан бўлишяпти. Бунини ёш бола ҳам билади-ку, ахир?

Қудрат чуқур хўрсиниб, хаёлга чўмди. Оқ яктакли кексароқ киши бир челақ шафтоли келтириб ўртага қўйди.

— Олнинг, шафтолидан енг, дўстим,— деди раис челақни унга яқинроқ суриб,— ишини қилган карнайчи-ю, балога қолган сурнайчи, дегандай, бошқаларнинг касри билан сизнинг дилингизни сиёҳ қилай дебман сал бўлмаса. Лекин меннинг дилимга маъқул тушадиган олимга ўхшайсиз. Одам дегани шунақа жонкуяр бўлиши керак. Эл қадрини билганина ўз қадрини билади. Мард экансиз, майдонга чиқибсиз, йўлингизда ғов қолмайди. Айтмоқчи, Қувватали ака, сиз асли шу ерликсиз,

мана шу жарлик ҳақида нималар биласиз? Нега уни Шайтонжар дейилади, айтиб беринг бизга.

Кекса киши кичкина соқолини силаб туриб уйланди:

— Шайтонжар...— деди салмоқланиб,— биз бола чоғимиздаям Шайтонжар дейиларди. Қўю қўзи боқиб юрганимизда отамиз раҳматли жарга яқин борманглар, шайтон чалиб кетади деб тайинларди. Аммо, шу чоққа-ча бирорта шайтон қорасини кўрсатган эмас,— кулди у.

— Унисини қўяверинг. Жарлик нимадан пайдо бўлган, ер қимирлашданми?..

— Бу ёғини билолмадим энди... Бир замонлар жардан олов отилиб турган эди, дейишганини эшитгандим. Тўхтанг, Даврон отани чақириб келайми, у ҳамма гапди билади, кўпди кўрган одам-да.

Орадан чорак соат ўтар-ўтмас, оппоқ соқол, қотмадан келган бир чол мункайиб таёғини туқиллатиб келди. Унинг қулоғи оғирроқ экан шекилли, раис баланд овоз билан гапирди:

— Нечага бордингиз, ота?

— А?— қўлини қулоғига қўйиб яқинлашди чол.

— Неча ёшга бордингиз, дейман. Туқсонларга кирдингизми?

— Ҳа, йўқ.

— Нечага?

— Тўрт йигирма-ю яна...

— Ота, бу шайтонжар ҳақида нима биласиз?

Чол яна эшитмади. Раис саволини қайтаргандан кейин:

— Нимасини айтаман,— деди у,— умрим бино бўптики, шу жар бор.

— Бир замонлар олов ёниб турган эди, дейишадикун!

— Ёнган бўлса бордир, ким билади. Яна бир гап борки, Нуруб шу жойдан ўтган деган... Қачон ўтган, уни худо билади.

— Бу гап ҳақиқатга яқинроқ,— деди Болтаев Қудратга.— Локин ҳар ҳолда геологлардан яна суриштириб кўрилса ёмон бўлмас. Бир замонлар олов чиқиб турган бўлса, демак, газ бор, нефть ҳам бор. Унда поплонимиз, бутун умидимиз пучга чиқади. Чунки улар газнинг ҳидини билишган жойдан қурилиш-пурилишнингизни суриштирмай, ҳамма ёқни ковлаб ташлашади.

— Лойиҳа авторларидан бекор ранжиган бўламиз, шундайми?— ўсмоқчилаб сўради Қудрат.

Болтаев қулочини кенг ёзиб қўйди.

— Газ чиқилиш мумкинлигини ҳеч ўйламабмиз. Ҳар ҳолда геологлар билан маслаҳатлашиб кўриш керак,— такрорлади у.

Қудрат кетмоқ учун ўрнидан тураркан, Болтаев уни ўз машинасида олиб бориб қўймоқчи бўлиб, шоферини чақиртирди.

— Келиб хўп яхши иш қилдингиз-да,— деди ранс хайрлашаркан,— бизни умидвор қилиб кетяпсиз, дўстим. Сизга ишонамиз. Аммо мен ҳам энди бўш келмайман. Ҳалиги айтганингиздай, райкомга, обкомга ва ҳатто ЦКгача бораман.

«Ҳа, анойи эмасга ўхшайсан» деб кулди ичида Қудрат.

«Газик» ўрнидан қўзғалди.

XI боб

ЧЎЛ МАЛИКАСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Гулчирой билан учрашишга баҳона топилиб қолди. Ўз ҳисларини жиловлаб олишга минг уринмасни, бари бир Қудрат ожизлик қилар, қиз билан ҳадеб учрашиши келаверарди. Ниҳоят, у қизнинг ким бўлиб ишлашини билиб олди. Геофизик экан.

Қизил машина ўт ўчирувчилар машинаси эмас, ер остида нефть бор-йўқлигини айтиб берадиган аппаратлар лабораторияси экан. Пармаловчилар ерни ўйиб динамит билан уни портлатишар ва бу портлатиш натижасида ҳосил бўлган тўлқинлар энг чуқур қатламларга етиб, у ердаги газ, нефть борлигидан хабар берар, ана шу хабарларни машинадаги аппаратлар дарров фотоқоғозларга ёзиб олар экан. Ёзувларга қараб геофизиклар билиб олишар ва махсус хариталарга белгилар қўяр эканлар.

Гулчирой Қудратни машина ичига олиб кириб ҳамма аппаратлар билан таништирди. Қудрат эса бу соҳада маълумоти бўлмагани учун қизнинг баъзи ибораларига унча тушунолмас ва бунга иқрор бўлишдан ийманарди.

Одамлар ерга кўмилган сым ва асбобларни йиғиштириш билан овора, Шурочка харитадан бош кўтармас эди. Гулчирой ҳамон тушунтирарди. Қудрат бу ерда ортиқча эканлигини сеза бошлади. Ростда, қандайдир беғона бир йигит Гулчиройни ишдан қолдириб, гапга со-

либ ўтиргани яхшими? Қизнинг таниш-билишлари, ҳамкасблари нима деб ўйлашади?

— Мен бир зарур иш билан келгандим,— деди у Гулчиройни ноқулай вазиятдан тезроқ қутқариш учун,— яна беш минутча вақтингизни олсам бўладими?

«Муддаойнинг бўлса айта қолмайсанми, юрагим ҳовлиқиб кетяпти ахир» деб унинг гапига қулоқ берарди Гулчирой. Қудрат аллақандай Шайтонжар, йўл қурилиши, қишлоқ аҳолиси ҳақида гапира бошлагандагина енгил нафас ола бошлади.

— Жарликининг тагини ўт босган дедингизми?— сўради у,— газ, нефть бор жойда гиёҳ ўсмайди-ку? Яна анигини билиб беришимиз мумкин. Бизнинг бош геолог билан бир гаплашиб кўрмайсизми? Айтмоқчи, сиз уни танийсиз...— шундай деди-ю, у қулоқларигача қизариб кетди. Бенхтиёр аллақандай сирини ошкор қилиб қўйганга ўхшарди.

Қудратнинг кўз олдида Гулчирой билан тунда гаплашиб турган ўша йнгит гавдаланди, негадир юраги гаш бўлиб кетди.

— Ўзим гаплашиб кўрайми?— деди бир лаҳзадан сўнг Гулчирой.— Мени кечирасиз, одамлар қараб қолишди.

Қудрат, қачон хабар олай, деб сўрамади ҳам. «Энди учрашувга баҳона кўп-ку» деб ўйлади уйига қайтар экан. Унинг назарида, қизга яна нималариндир айтолмай қолгандай эди. Гулчирой Қудратни очик чеҳра билан кутиб олди. Ҳатто узоқдан кўзи тушиши билан энг қадрдон кишинини кўргандай унинг олдига югуриб келди. Ҳеч тортирмай гаплашди. Ҳозирча шунинг ўзи кифоя эмасми?

Қудрат кечаси аллавақтгача ўтириб қурилиш лойиҳасига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги барча фикрларини ёзиб, бошқарма номига саккиз қоғоздан иборат докладнома тайёрлади.

XII. 605

ОҚ ТУНЛАР

— Менга ақл ўргатинг, нима қилай?— деб келди Холдор, Ботиоров олдига,— Ёдгоровнингиз билан қандай муомала қилиш кераклигини билолмай қолдим. Тутганинга ҳеч тушуниб бўлмайди. Кадрлар бўлимига бориб

менинг ижтимоий чиқишимни текшириб юрган эмиш. Ким ҳуқуқ берди унга?

Пардавой қошларини пирпиратди.

— Сиз ҳам ноҳақсиз. Аллақачонлар «меҳнат дафтарча»нгизни топиб келтириб қўйишингиз керак эди. Ефим Аронович мени ўз ҳоли жонимга қўймай: «Нега бундай қабул қилинган? Хужжатларини бутлаб қўйсин» деб безор қиляпти. Ишдан бўшатиб юборишни талаб қилмаганларига жон денг.

— Ҳалиям бўш келсам томиримни қирқиб ташлайди Қудратнингиз. Олдига чақириб олиб, Мардонов билан бирга икковингни ҳайдаб юбораман, деб дуқ қилди, бирор нияти бордир-да. Ҳали қараб туринг, сизниям пайингизга тушади.

Бош инженернинг жаҳли чиқди.

— Қаёқдаги гапларни топиб юрасиз, Худойқулов?

— Ҳа, ҳа, ишонаверинг, улугим, у фитначилик тактикасини қўллаётганга ўхшайди. Бу одамдан ҳар нарса кутса бўлади, мани айтди дерсиз. Бўлмаса ўлган илоннинг бошини қўзғаб, «меҳнат дафтарча»мга ёпишиб олармиди? Ҳеч кимнинг ақлига келмаган нарсага-я? Ҳатто Ефим Ароновичнинг ҳам эсида йўқ экан бу. Мана энди уям питирлаб юрибди.

Пардавой оғизда Қудратнинг ёнини олаётган бўлса ҳам, ичида Худойқуловга нисбатан хайрихоҳлигини сақларди. Назарида, Ёдгоров тирноқ ичидан кир қидирадиган одамлардан эди. Бундай кишилар ўлгудай ғаразгўй бўладилар, бошқаларни қоралаб, ўзларини кўрсатмоқчи бўладилар. Майли, олақарғанинг юришини қиламан деб чумчуқнинг бути йиртилиб ўлган экан. Сен ҳам тухумдан чиқмай туриб палағда бўлиб қоласан, Қудратвой. Яна трасса лойиҳасига қарши ҳужум бошлаганингни қара-ю... Биров сендан ёзма доклад сўради-ми? Нақ саккиз қоғоз-а! Тухум қўёлмаган товуқ шунақа кўп қақолайди. Донолик қилиш осон, оғайни, бари бир араваши от тортади-ку? Шунинг биласанми? Бутун ташвишни бизнинг бўйинимизга қўядилар, сен эсанг шаталоқ отиб юраверасан.

Қудрат ҳовлига кириб келганда Пардавой супада пиёз тўғраб ўтирарди. Ҳовли саҳнига қалин қилиб сув сепилгани учун кундуз кунини димиқиб кетган ҳаво совий бошлаган. Гулзордаги атиргуллар, садарайҳон барглариди исирғадай майда томчилар жилва қиларди. Чироқ ёқилмаган бўлса ҳам, тонг шапағининг акси тушиб тургандай теварак ёрқин! Бу ерларнинг ҳар йил кузда ту-

шадиган оқ туилари бўлади. Ҳозир ҳам ана шу оқ туилар мавсуми келган. Қудрат табииатининг бу сеҳрини биринчи мартаба кўраётгани учун ҳайрат ичиди қолиб, завқ билан теварак-атрофини томоша қиларди.

Бугун у иккинчи участкага бориб, уларнинг иши билан танишди. Уларнинг ютуқлари ва камчиликларини аниқлаб билмоқчи эди, билди. Ишлари жойида экан. Аммо социалистик мусобақанинг шартларига тўла-тўқис жавоб берадиган даражада эмас. Бошда ғайрат билан ишлашибди-ю, учинчи участкадан ўтиб кетганларидан кейин, мусобақа принципларини буза бошлабдилар. Социалистик мусобақа яна ўша аввалги жанговарлик руҳини қайта тиклашни керак. Учинчи участка ҳам энди оёққа туриб олган. Энди мусобақа шартларини бошқатдан кўриб чиқиб яна янги шартлар билан бойитилса, яхши буларди. Шартномада ҳар бир ишчи ўз зиммасига олган мажбуриятини тўла бажариши, жамоат ишларига актив қатнашиши керак, деган пунктлар бор экан. Ҳўш, буларни социалистик мусобақага нима алоқаси бор? Мусобақасиз ҳам шу шартларни амалга ошириш мумкин-ку? Ишчилар ўз назарий билимларини ошириш учун снѐсий ва илмий тўғаракларга мунтазам қатнашиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, топишириқни муддатидан илгари адо этиш мақсадида барча яширин резервларни ишга солиш каби мажбуриятларни зиммаларига олсалар ёмон бўлмасди, бунга албатта янги рационализаторлик таклифлари, янги ижодий ғояларни амалга ошириш ҳам киради.

Хуллас, Қудрат ўз участкасида қандай чораларни амалга ошириш учун бел боғлаган бўлса, шуларнинг ҳаммасини шартномага тиркашни таклиф этди. Унинг фикрини бир овоздан қувватладилар. Шунингдек, ҳар ойнинг охирида иккала томон белгилаган комиссия бир-бирларининг мажбуриятларини ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан қандай бажарилганлигини кўриб чиқишни кераклиги ҳақида ҳам келишиб олдилар.

Қудрат биринчи ойдаёқ албатта ғолиб чиқишига ишонарди. Ободонга бориб қайтганидан кейин тузган янги режалари уни илҳомлантирарди. Бироқ бу режаларининг тақдири сўзсиз бошлиқларга ҳам боғлиқ. Ҳали улар ўз фикрларини баён қилишгани йўқ. Ёзма доклад ҳақида бош инженер нима дейди, Салимов қўллаб-қувватлайдими, йўқми, ҳали даргумон. Лекин Қудрат ноумидликни ёмон кўради. Ғайрат қилган тоғни йиқар, деб ўйлайди донм.

Пардавой уни кўриши билан ўрнидан туриб совуқ-қина сўрашди:

— Кампир йўқлар бугун, кунимиз аччиқ-чучукка қолди,— деди у қовоғини очмай.

Қудрат оёғини ечиб, тўрга чиқиб ўтирди.

Аччиқ-чучук ёзининг зийнати. Аччиққина қилсангиз тўйиб еганга нима етсин. Бу ҳам ғанимат ҳозир, эртаниндин қиш тушиб қолса, аччиқ-чучук қаёқда дейсиз?

Ботиров, ол-е, аччиқ бўлса бўла қолсин, дегандай бир чимдим гаримдорини аямай сепиб юборди. Кейин помидор ва пиёз пучоқларини йиғиштирди-ю, газета парчасига ўраб четга суриб қўйди.

Икковлари лаблари ачишганидан қисқа-қисқа нафас олганларича, «ҳувфф-а, ҳувфф-а» деб аччиқ-чучукни тушира кетдилар.

— Уста Махсумнинг таклифи билан танишибсиз деб эшитдим?— гап қистирди Қудрат нон чайнаб туриб.

— Танишдим.

— Фикрингиз қалай?

— Техбўлим билан бирга қўшма мажлис бўлади. Шунда муҳокама қилсак, бир фикрга келармиз.

— Бизнинг докладнома-чи?

— Ўқиб чиқдим... у тўғрида ҳам шу йиғилишда гаплашиб олармиз.

Шу билан суҳбат тўхтаб қолди. Иккала йигит чапиллатиб овқат ейишарди. Кейин самоварга ўт ташлаб чой қайнатишди. Бир пиёладан ичиб улгурмаган эдилар ҳамки, бошига ўроғлиқ катта дастурхон қўйган ҳолда Орият буви жавраб кириб келди. У ўғлидан «газлик» машинани сўраб қаергадир совчиликка бориб келган эди. Пардавойнинг бугун эртароқ уйга қайтиши ҳам шу вайдан экан.

Пардавой хушxabар кутиб кампирнинг серажини, аммо ширмойдай қип-қизил юзларига тикилди.

— Уҳ, ўлиб бўлдим. Йўлниям қурсин-эй,— деб оёқларини узатди кампир,— машинанг қурмагур йўлда ҳудди туядай ирғишлайди-я. Ичак-чавағимни узиб, жигар-бағримни ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Янги йўллارнинг қачон бита қоларкин, мундай бизга ўхшаган қари-қартаглар сафарга чиққанда озор чекмай юрса. Айтгандай, тоза очикқандирсизлар-а, бўталарим?

— Аччиқ-чучук едик.

— Вой, қуруқ аччиқ-чучук томоқ бўптими? Ҳозир қозон осаман, болаларим.

Кампир ўрнидан турмоқчи эди, ўғли уни тўхтатди.

— Нима гап топиб келдингиз? Айта қолсангиз-чи, бўримсиз, тулкими?

— Самминам ҳали очикчасига гаплашаман!— деди у ўкрайиб қараб.

Пардавой қўлтиғидан тарвузи тушгандай бўшашиб кетди.

— Нима гап? Бўлмадимми?

— Нега бўлмас экан? Ман бораману, бўлдирмай келармишманми?

— Ҳе, шунақа денг-да, кампир, юракни алғов-далғов қилиб юбордингиз-ку?

Кейинги кунлар Орият буви жағига суяниб қолган эди. Аллақайси «ақлли ҳушли, ҳўп бамаъни, келин қилса арзигудай, тағли-туғли, ҳуси-жамоли суқсурдай қизлар»ни кўз остига олиб юрганлигини, ўғли ҳўп деса тўйни бошлаб юборишга тайёрлигини гапиравериб, Пардавойнинг ҳеч ҳол-жонига қўймасди. Ниҳоят, кампирнинг жағини тинчитиш учун Пардавой ҳам ўз юрагини очишга мажбур бўлди. У бир қизни яхши кўрар экан. Агар шунини маъқул кўриб совчиликка борса майли, деди. Бошқасига кўнмади. Орият буви тутунин фалакка чиқиб, ўғлининг «бевошлиғи»дан хафа бўлди. Нега энди она танилаган қизлар бу ёқда қолиб, у ўз хоҳлаганини олиши керак? Йўқ, шу умид билан катта қилганмиди. Ҳеч-ҳеч, унинг айтганига кўнмади.

Аммо Пардавой ҳам бўш келмади. Хоҳласа шу, хоҳламаса йўқ, деб туриб олди. Пировардида Орият буви ўғлига ён босишга мажбур бўлди. Қўшни хотинлардан бири билан унинг айтган ерига бугун бориб келди. Бориб келса ҳам, бари бир, ўғлига тизгинни дарров бериб қўймоқчи эмас.

— Манга қара,— деди у қўлини бигиз қилиб,— Майсагулининг нимаси ёмон-а, бўтам! Жилла бўлмаса, бирров кўриб келганингда, яхши бўларди, қош-кўзи ейман дейди-я. Оёқ-қўлининг чаққонлигини айтмайсанми! Тилидан бол томади-я, бол! Уни қўй, майли, Останоқулининг невараси, Ҳожини тароқчинининг қизи Лутфихон-чи? Вой-вой-вой, отам-эй, ҳали хомсан-да, хомсан. Шундай қизлардан юз угирдингми, тамом, битта молнинг иккита бўлмайди. Нимангга ишонасан-а, нимангга ишонасан?

Қудрат билан Пардавой бир-бирларига маъноли қараб, кулиб олишди. Аммо бирорталари ҳозир кампирнинг сўзини бўлишга ботинолмасди, тўғриси, бунақа пайтда унинг ўзи ҳам бировларга сўз бермасди.

— Кимман ипжир... Ипжин... ипжиперман, деб ўзингга кўп бино қўявермагини! Қиз ўстириш ҳам осон эмас. Битта-ю, битта арзанда қизларини манман деганларга бермай ўтиришибди. Лочинойни айтмайсанми. Висолини кўрганнинг кўзи куяди. Ҳовли-жойларини чиннидай шипириб-сидириш, қозон-товоқ, бутун рўзгорнинг сариштаси ўшанинг бошида. Пиширган овқатини хуштаъмлигини айтмайсанми! Жонинг киради-я, жонинг. Ҳалиям танагга ўйлаб кўр, болам. Мана кўнмасанг, мана мунақа Қудратжондай акобирларингга маслаҳат сол.

— Бугунги кўрган қизингиз дидингизга ўтирмадимиз?

Кампир ўғлига қулоқ солмай яна гапида давом этди:

— Айланай Қудратжон, шунга бир нима денг. Ман кимман ахир, онаманми, йўқми? Гапимни ҳеч инобатга олмайди,— унинг овози титраб кетди.— Ақли фаросат — инсфи-каромат дейишади. Ақл билан иш қилсинда, ахир. Умр савдоси билан ҳазиллашмасин. Ана-мана деб юриб, чув тушиб қолмасайди деб қўрқаман. Пардада тугилган бўлса бахтли бўлади ўғлингиз, дейишганда бошим кўкка етганди. Отиниям Пардавой қўйиб, умр бўйи бахтини тилаб келаман, ахир...

— Бугунгиси ёқмадимиз?— деб қайта сўради, тоқати тоқ бўла бошлаган ўғли.

Кампир ёш олган кўзларини енг билан артди-да:

— Нимага ёқмас экан? Ёқди. Ёқди-ю, мани айтганим қолиб, ўз билганингдан қолмаганингга куяманда!— деди.

— Ана холос, ўзингиз қиз ёқтирмайсан деб қойиш-сиз-ку, ёққанини айтса... Хўп бундан ҳам айнийман бўлмаса.

Кампир чўчиб тушгандай бўлди.

— Бекорларни айтибсиз. Юлдузи иссиққина экан. Этагидан маҳкам ушла энди. Модомки, шу насиб қилган бўлса, нима дердим. Майли дейман. Мингдан мингга розиман, болам...

Кампирнинг хўрлиги келиб тескари ўгирилди-ю, кейин қўлини силтаганича туриб кетди.

Қудрат гап қайси қиз тўғрисида бораётганини билмай ўтирарди. Пардавойнинг кечалари ғойиб бўлиб аллақайларга кетиши бежиз эмас экан-да. Демак, у ўша қиз билан учрашувга шошар экан. Эҳтимол, булоқ бўйлари, далалар, теракзорларда кезиб, ширин-ширин суҳбат қилишган.

Шуларни ўйлар экан, Қудрат Гулчиройнинг ёқимли кулгисини, товушини эшитгандай бўлди. Қудрат учун ҳам баҳор жилвасидай дилрабо қизнинг васлига етиб, у билан бир нафасгина ширии мажлис қуриш насиб бўлармикин?

— Сиз уни танийсиз,— деб юборди Пардавой, тантилиги тутиб. У ўз уйида истиқомат қилиб турган Қудратни онла сирларидан воқиф қилишни маъқул кўрди шекилли.— Барно-чи? Нега билмайсиз? Ўзимизнинг Барно-да. Бошқармадаги қизимиз бор-ку?

Қудрат енгилланиб нафас олди.

— Ўша келишган, кўзлари жозибали, аскиябоз қиз денг? Дуруст-дуруст, ўз секретари билан топишибди.

Чинакам муҳаббатнинг қачон бошланганини Пардавой аниқ эслаёлмайди. Кўпдан бери кўзи қизнинг шахло кўзларига тушганда тотли ҳислар тўлқини кўксига сиғмай кетарди. Аммо фалончи ўз секретарини жазман қилиб олибди деган гап бўлмасин учун, яқингача ҳам икковлари бир-бирлари билан учрашмас эдилар. Улар ўз туйғуларини сарбаст изҳор этолмай, фақат бир-бирларига термилиб, ичдан хўрсиниб қўйиш билан кифояланар эдилар. Кейин-кейин йигит одамларнинг кўзини шамғалат қилиб, қизни уйига машинасида олиб бориб қўядиган бўлди. Барнонинг ота-онаси тушунган, зиёлинамо одамлар бўлиб, қизларини Пардавойдан қизганишмас, ҳадиксирашмас эдилар. Юлдузи юлдузига тўғри келибдими, майли, бирга юришсин, синашта бўлишсин, истасалар тўй қилишсин. Йигит ҳам ақлли, заковатлигина, ўзини тутта биладиганлардан экан, дейишарди. Пардавой ҳар оқшом ҳар хил баҳоналар топиб, уларнинг ҳовлисига кириб бораверарди.

— Тўйни қачон қиламиз?— деб сўраб қолди қуймоқ пишириб, яна келиб утирган Орият буви.

— Ҳал бўладиганми ўзи?

— Ҳал бўлмай қаёққа борарди, бўтам. Гап солсам ҳеч тортинмади. Маҳмаданагина экан! Майли, шунақасям тузук. Жуда писмиғи бўлмайди. Фаҳмимча, санда кўнгли бор. Тўйнинг тайинини айтсанг, бориб нон синдириб келаман.

— Ўзингиз биласиз,— деди анчадан кейин ўғли.

Орият бувиға бу гап жуда хуш ёқиб кетди.

— Манга қолса, шу куздан қолмасин, дейман. Бўладиган тўйнинг бўлгани маъқул, бўтам. Хотин киши уйнинг фариштаси бўлади. Тезроқ уйлану, ҳовлимга

файз кириб, бағрим тўлсин. Ё яна пайсалга солмоқчимсан?

— Йўғ-е,— кулиб юборди ўғли.

Демак тўй бўлиши аниқ. Шунинг учун тўйга доир гапларга ўтилди.

— Ҳовлига келин тушадиган бўлса... Келин тушган ховлида бегона эркакининг туриши яхши эмас,— деди Қудрат.

Унинг сўзини эшитган кампирининг жаҳли чиқди.

— Қўйинг-э, хаёлингиз кўчасига келтирманг бундай сўзларни. Ўз акангиз уйланади-ю, сиз бегона бўласизми? Сиз ҳам ўғлимдай бўлиб қолдингиз. Ҳеч қаёққа чиқармайман. Келин-куёв бу уйда, сиз мана бу супада, хоҳласангиз, анави уйда, ётиб тураверасиз. Бемалол, бўтам. Келин паранжилик бўлмаса. Ўзингизмиан бир жойда ишлаб юрган сизгилдай.

Тун ҳамон сутдек оппоқ. Бутун қишлоқ уйқуда. Жимлики дала кезиб тинмаган трактор моторларининг гувиллаши, аҳён-аҳёнда итларнинг вовиллаши бузарди, холос. Қайси бир дарахт шохида қийғир боласи чирқиллаб қолди. Чигирткалар чириллади. Том орқасида мушук миёвлаб қўйди. Кўкка қараб ётган Қудрат билан Пардавонини уйқу тарк этган. Ҳар қайсиси ўз хаёли билан банд

XIII боб

БУРГАГА АЧЧИҚ ҚИЛИБ..

Мажлис дейишди-ю, лекин бу ишлаб чиқариш мажлиси ёки техбўлим ходимлари билан биргаликда ўтказиладиган қўшма кенгаши, ҳеч билиб бўлмайди. Кун тартибда бир-бирига тўғри келмаган ҳар хил масалалар бор: бош инженер мажлисини очиб бошлиққа сўз берди, у эса қурилиш ишларининг боришидан ахборот бериб, участкаларда сўнгги ой ичида анчагина жонланиш юз берганини мақтаб кетди. Айниқса, учинчи участкани намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Сўнгги уч ҳафта ичидаги кўрсаткичлари унинг катта ютуқларга эришганидан далолат беради. Аммо шу ғалаба билан участка судралишдан бутунлай қутулиб олди деб бўлмайди. Ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Камарни яна маҳкамроқ тортиб боғлашга тўғри келади. Бунинг учун ишчилар ўртасида меҳнат интизоми мустаҳкам бўлиши, ҳамжиҳатлик ниҳоятда юқори дара-

жада бўлиши керак. Ҳамма тиш-тирноғи билан бир кишидай қурилиш ишига ёпишмоғи керак. Ахир бизлар кундалик топириқларимизни икки-уч баробар орттириб бажаришимиз, маррага тезроқ етиб олишга шошилишимиз зарур, бундан олий мақсад бўлиши мумкинми, ахир? Шу мақсадга эришмоқ учун ҳамжиҳатлик, уйғунлик керак! Учинчи участкада эса ҳозир ипоқлик йўқ. Чунки иш таъкил қилувчи ходимларимизнинг баъзилари қилдан қийиқ ахтариб, асосий бурчларини унутиб қўймоқдалар. Раҳбарлиқнинг моҳияти нимадан иборат эканлигини тушуниб етмаганлар ҳали. Шунинг учун ҳам коллектив ичида норозилик туғилмоқда. Прораб устидан устма-уст шикоятномалар келиб турибди.

Қудрат бадаинини биров куйдириб олгандай иргиб тушди. Қанақа шикоят?

Нотиққа сўз бериб қўйиб, қоғозга нималариндир ёзиб ўтирган бош инженер бошини кўтарди-ю, Қудратнинг безовталанаётганидан порози бўлгандай ўқрайиб қўйди. Хонада шивир-шивир бошланди. Бош инженер қалам билан графинга жиринг-жиринг уриб, тартибга чақирди.

— Танқидга чидаш керак, ўртоқ Ёдгоров,— деди у тантанали оҳангда.— Бегга айтганини заҳри йўқ!

Бу луқма Қудратга алам қилиб кетди. Кимдир уни юпатгандай елкасига туртиб қўйди. Қудрат зўрга ўзини босиб олди-да, ён томондаги бурчакда қўйишибгина ўтирган уста Махсумга гўё нажот сўрагандай қаради. Уста Махсум «парво қилма» дегандай кўзини бир очиб юмди-да, кейин бошини қуйи эгди. Унинг ҳам юзларида ғазаб аломати бор эди.

Бошлиқ тантанали оҳангда:

— Яхши раҳбарлик қилмоқ — коллективни уюштирмоқ демакдир,— деб гапини давом эттирди, кейин бошқа участкаларнинг прорабларини, техникларини танқид қилиб кетди.— Летучкалар уюштирилмайди. Мажлис қилиб, муҳим масалаларни жиддий ҳал қилиб олиш одати йўқ...

Ростдан ҳам Қудрат ишга тушгандан бери расмий равишда дурустроқ кенгашиб олган ҳам эмасди. Ора-чўра суҳбат ўтказиб турарди-ю, аммо бундан кўп фойда кўрмаган эди. Ҳа, тўғри, бу сўзга тан бериш керак.

— Қардош республика қурувчилари ўз участкаларида йўл қурилишини жадал суратда олиб боришмоқда,— деди нотиқ,— йил охирига қолмай ҳаммасини

қўлдан чиқариб, эксплуатацияга топширишар эмиш. Бизлар эса пойгада ютқазиб қўядиганга ухшаймиз. Бу уят, шармандалик-ку? Аммо ҳали ҳам кеч эмас. Шошилган шамол билан тенг. Отни яна бир қамчилаш керак, қамчилаш...

Бош инженернинг кабинети кенгини бўлгани, стол устида вентилятор вариллаб турганига қарамай, дим эди, одамлар кўкрак тугмаларини ечиб, шапкалари, рўмолчалари билан елпинардилар. Бурчак-бурчакда ўтирганлар папирос чека бошлаганлари учун кабинетни тутун босган эди. Қудрат иссиққа ва тутунга бардош бериб, бошини қўйи солганича ўтирар, атрофдагиларга эътибор бермас, гўё бу йнғилишга унинг ҳеч алоқаси йўқдай эди. Аммо кўнгли ғаш, аъзойи бадани карахт, асаби бузилган. Салимовнинг ҳалиги гаплари эмас, балки йнғилиш бошида бош инженер эълои қилган кун тартибидан нимагадир кечаги ёзма докладини муҳокамага қўйиш масаласи тушиб қолганлиги жаҳлини чиқарган эди. Ёки уни бошқа кунга қолдиришдимики? Ҳеч кечиктирадиган масала эмасди-ку! Ҳай, йнғилишнинг охиригача кутайлик-чи.

Техбўлим ходими Теплов сўзга чиқди. У уста Махсумнинг таклифи билан таппишганлиги ва шу ҳақдаги фикрини баён қилиши керак эди.

— Буни кашфиёт деб бўлмайди, албатта,— деди у дағал ва кескин овоз билан. Кейин чертёж ўрамини очиб дастурхондай ёйди-да, икки муштумини столнинг икки қиррасига тираганича қаддини сал букди,— аммо уни шунчаки рационализаторлик таклифи дейиш мумкин,— давом этди у.— Таклиф бўлганда ҳам жуда муҳим таклиф.

Унинг айтишича, уста ишни жуда мураккаблаштириб юборибди. Куракчилар ишини механизациялаштириш учун бутун бир машинанинг батафсил чертёжини чизиб, сон-саноксиз майда деталлар билан тўлгазининг ҳожати йўқ эди. Чунки бу тайёр скрепер ёки бульдозернинг конструкциясига бирмунча ўзгартиш киритиш билан юзага чиқади. Аммо нотiq чертёжни бутунлай йўққа чиқариб юбормоқчи эмас. Ундан фойдаланиш керак. Фойдаланганда ҳам уни ўзгартириб фойдаланиш керак, деган фикрни олға сурди.

— Бизга шуни ишлаб чиқариш жуда зарурми ҳозир?— луқма ташлади бош инженер. Унинг совуққонлик билан берган саволидан шу нарсга аҳамият бермаётгани сезилиб турарди.

— Албатта,— деди Теплов. Аллақачонлар шу нарсани ўйлаб чиқариш керак эди. Бироқ бу ҳеч кимнинг ақлига келмаган. Озми-кўпми шу соҳада бош қотиргани учун устани табриклашимиз керак.

— Буни ишлаб чиқариш учун кўп маблағ сарф бўлармикин?— Унинг диққатини тортди кимдир.

Ноўрин берилган бу савол ҳеч кимга ёқмади. Биров «пиқ» этиб кулиб юборди.

— Нега энсангиз қотади?— деб ўрнидан турди ўша саволини берган киши.— Гапимга тушунмадинглар шекилли. Мен айтмоқчиманки, бир дунё маблағ сарфлаб, вақтни ўтказиб юборгандан кўра, унинг баҳридан ўтиб қўя қолганимиз яхшироқмасми? Чунки бу минг чийриқдан ўтиб, тайёр бўлиб келгунча қурилишимиз битади. Тўйдан кейинги ногоранинг кимга кераги бор?

— Тўғри, шундан бошқа қиладиган ишимиз йўқми?

Ўртага қошлари куйиб, сап-сарғайиб кетган бир йигит отилиб чиқди. У иккинчи участкадаги автомашина ҳайдовчилар бригадасининг бошлиғи эди.

— Ҳар ким фақат ўзини ёки фақат бугунни ўйласа, бошқаларни ким ўйлайди, ким эртанги куннинг гамини ейди? Тўйдан кейин ногора эмиш-а. Биздан кейин тўй бўлмайди деб ўйлайсизми? Ўзингни бил, ўзгани қуй экан-да, ака? Бунақа одамни ўтакетган худбин дейдилар, шунақа гапни эшитганмисиз?

Унга жавоб берувчи бўлмади. Аммо у жойига ўтириши билан тортишув яна қизиб кетди. Қудрат сўз олиб таклифга қарши чиққанларга ёпишиб кетди. Унга бошқаси эътироз билдирди. Бош инженер ғовур-ғувурни босди-да, ўз мулоҳазасини айта бошлади.

— Гап маблағда ёки вақтни зое кетказишда ҳам эмас,— деди у холис туриб гапираётгандек,— бироқ уста Махсум таклифи билан дунёга келадиган машинанинг умри қисқа, мана гап бу ёқда. Нима учун дейсизми? Чунки автомобиль билан юк ташиш узоққа бормайди, эрта-индин бизга тегишли самосваллар етиб келса, автомобиллар қурилишимизда тутган бугунги мавқеини бутунлай йўқотади. Шунинг учун уста Махсум акага бунақа қисқа муддатли эҳтиёжимизни қондирадиган эмас, техникамиз тараққиётини ривожлантиришга бирон салмоқли ҳисса қўшадиган ғоялар устида ўйлаб кўришни чин кўнгилдан истардим.

Агар у бу ерда ўтирганларнинг кўпчилигига синаш-та бўлмаганда, унинг ҳозирги сўз оҳангидаги юмшоқлик

ва вазминликни кўриб, ақл-фаросатда тенги йўқ, кўп тадбирли раҳбаримиз бор-да, деб ўйлаган бўлардилар. Аммо мажлисдагиларнинг бир қисми, у янги таклифни ҳам усталлик билан йўққа чиқаётганлигини сезиб турар эдилар.

— Битта савол бор сизга,— деди Қудрат ўрнидан туриб,— шағал олинаётган карьерга ҳеч борганмисиз?

Бош инженернинг қошлари чимирилди:

— Ҳўш, бу саволнинг кун тартибига нима алоқаси бор?

— Бор алоқаси. Шунинг учун сўраяпман.

— Қани эшитайликчи, қандай алоқаси боркини?

— Ҳўш, бормаган бўлсам-чи?— Ботиров Қудратга эмас, бошқаларга қараб истеҳзоли илжайди.

— Ҳамма бало ана шунда-да,— деди Қудрат ҳам мажлис аҳлига қараб,— борганингизда кўрардингиз. Карьерда ишлаётган экскаватор ярим белидан сув ичида турибди. Машиналарга ортилаётган шағал ҳам жиққа ҳўл. Самосвал уни шу ҳолича олиб келиб трассага тукаверади. Оқибатда нима бўлади денг? Шағал суви сизиб чиқади-ю, бутун тупроқни ювиб кетади, бир ишимизни икки қилади, шунини тушунасизми?

Пардавой жаҳл билан қўлидаги қаламни столга ташлади.

— Нима, сиз самосвалга қаршимисиз?

Одамлар кулгидан ўзларини тутиб қололмадилар. Бош инженер ўзи болаларча савол берганини сезиб қизариб кетди-да, терлаган пешоналарини оқ даструмоли билан арта бошлади.

— Йўқ, мен қарши эмасман,— деди Қудрат.— Самосвалнинг қадрига етмаслик — нонкўрликдир. Қурилиш учун самосвал жоннинг ҳузур-ку. Бу ҳаммага маълум. Аммо шароитга қараб автомобилнинг афзал томонларини инкор этиш мумкин эмас. Автомобилнинг кузовидан шағалнинг суви сизиб оқиб тушади, кела келгунча фақат шағалнинг ўзигина қолади. Бу биз учун аини муддаодир. Тушундингизми? Йўл қурилиши учун самосвал қанчалик зарур бўлса, биз учун ҳозир автомобиль ундан ҳам зарур, Пардавой ака. Сиз, автомобиль билан юк ташиш ўтакетган қолоқликдир, дерсиз. Бироқ бизнинг шароит шунини талаб қилмоқда.— Қудрат ҳаммага яна бир кўз югуртириб чиқиб сўзини давом эттирди,— демак, қурилишда автомобилнинг роли катта экан, уста Махсумнинг таклифи билан бунёдга ке-

ладиган машинанинг умрини қисқа дейишимиз ҳам хатодир.

Қудрат гапини тамом қилса ҳам, дарҳол ўрнига утирмади. Афтидан, ўз гаплари мажлисдагиларга қандай таъсир қилганини чамалаб кўрмоқчи эди шекилли. Салимов қошларини чимириб нималарнидир ёзишда давом этар, Пардавойнинг кайфи бузилган, қовоғини уюб, «кимда яна қандай фикр бор?» дегандай атрофдагиларга бирма-бир алангларди. Яна пичир-пичир, шивир-шивир бошланди. Кимдир Қудратнинг этагидан аста тортиб қўйди. У ўрнига утираркан, ҳалиги сўзлаган йиғит энгашиб, унинг тиззасига шалатилаб қўйди. Биров орқа томондан шивирлаб «оббо қурғур-эй, анча дов-юрак чиқиб колди бу» деди.

Шу пайт Теплов сўз олди-да, Қудратнинг гапини тасдиқлаб, бир неча оғиз гап билан бош инженернинг пучқини пучга чиқарди:— Янги машинанинг умри қисқа девиш бутунлай хатодир!—деди у бир оз қизишиб,— бундай муҳофазакорликка берилсак, ишнинг охири ёмон бўлади. Ҳеч вақт янгиликдан чучимаслик керак. Ҳар қандай янгилик ҳам ёшини яшаб бўлгунча халқ хўжалигимиз учун озми-кўпми наф етказадн. Шунингдек, янги босқичга миниишимизга ёрдам беради. Мана бу нарса устида жиддийроқ утириб, мукаммаллаштирилса,— у чертёжнинг икки четидан тутганича ҳавода силкита бешлади.— баловатга етгач, қурилиш соҳасида аҳамиятсиз деб топилган тақдирда ҳам қишлоқ хўжалигимиз учун зарур бўлиб қолар деб ўйлайман.

У қайси бир станцияда уруглик картошкаларни вагондан белкурак билан тушираётган одамлар уни босиб, мажақлаб юбораётганликларини ўз кўзи билан кўрган экан. «Эсиз картошка, ярмидан кўпи нес-нобуд бўлиб кетади-ку бунақада?» деб сўраса, «нима қилайлик, ўзимизнинг ҳам юрагимиз ачишяпти, аммо составни ҳозироқ бу издан олишга буйруқ беришди» дейишибди.

— Ундан ташқари, ем-хашак, ғалла, қоп-қанорсиз ташилаётган пахталарни машиналардан ағдариш, ёйиш, қуритиш ишлари ҳам механизациялаштирилиши керак-ку, ахир?— деб давом этди у,— ҳали кимдир бунинг мингта чийриқдан утиб келиши ҳақида хавотирланиб гапирди. Хотиржам бўлнинг, агар таклиф маъқул топилса, буни ҳеч қандай «чийриқ»ларга солмай, дастлабки пусхаларини синов учун ўзимизнинг ремонт базамизда механикларимизнинг кучи билан яратишимиз

мумкин. Улар ҳам кўпдан бери бирор ижодий иш билан шуғулланишга ҳавасманд бўлиб юрибдилар.

Нотиқнинг сўзидан уста Махсум ҳам мамнуи бўлди шекилли, «тузук-ку-а» дегандай Қудрат билан кўз уриштириб олди. Одамлар икки қисмга бўлиниб, ярим соатча роса тортишишди. Аммо бу курашда уста Махсум тарафдорлари устун чиқди.

— Уқиган ўғил— отадан улуғ,— деди уста Махсум камтарлик билан,— тажриба, билимингиз маникидан ортиқроқ бўлгани учун ман кўрмаган камчиликларни сизлар кўрибсизлар. Бунга тан бераман, азизлар. Маслаҳатларингиз учун минг қуллуқ. Инқилган курашга тўймас, деган гап бор. Энди қирқига чидаган қирқ бирига ҳам чидаб, буни қайта бошдан яна кўриб чиқишга тўғри келади. Ишқилиб, қариган чоғимда жамиятга фойда етказадиган кичик бир янгилик яратсам деган ниятим бор эди...

У бир минутгина ўйланиб қолди-да, кейин теваракка кўз югуртириб чиқиб давом этди:

— Ҳар тўқисда бир айб бор дегандек, шу... чизма-кашликдан сал нуноқроқман-да. Яна Қудратжондан кўмак сўрашга тўғри келармикин?

— Бошқа одамни бириктириб қўйиш керак сизга,— деди Салимов кутилмаганда ғамхўрлик кўрсатиб.— Қудратжоннинг ўз иши бошидан ошиб ётибди.

Кимни бириктириб қўйса бўларкин? Пардавой ҳақида эса гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Ниҳоят, уста Махсумни техбўлим оталикка оладиган бўлди.

Шундай қилиб, тунларни бедор ўтказган чолнинг кўз нурини олган чертёждан фақат биргина қисми олиниб, қайтадан ишланадиган бўлди.

Мажлисдан кейин Қудрат Пардавой билан ёлғиз қолди.

— Менинг устимдан қандай шикоятлар тушганини билмоқчи эдим,— деди у.

— Бу масалани бугунги мажлисга қўймай, кейинга қолдирганмиз,— жавоб қилди бош инженер кўкрагини вентилятор шамолига тутиб,— ҳозирча ўрганмоқдамиз, кейин ўртоқ Салимов сиз билан алоҳида гаплашиб олади.

— Нима учун, кимдан шикоят тушганини ҳам айтмайсизми?

— Ошиқманг, Қудратжон, кейин ҳаммаси маълум бўлади.

— Лекин айтганингизнинг устидан чиқмадингиз,—

деди Қудрат дабдурустан, столга яқинроқ ўтириб.—
менинг ёзма докладимни ҳам мажлис муҳокамасига
қўймоқчи эдингиз-ку!

— Уни ҳам ўрганмоқдамиз. Мужмал масалаларнинг
ҳаммаси кейинга қолдирилди.

— Нимаси мужмал экан унинг? Батафсил тушунтир-
гандим-ку?

— Мужмаллиги шундаки, Қудратжон, юқори ташки-
лотлар тасдиқлаган қўллашмани четга улоқтириб, сиз-
нинг кўрсатмангизга амал қилиш мумкинми, йўқми, бил-
маймиз ҳали.— Пардавой «кўрсатма» сўзига урғу бериб
гапирди.

Қудрат унинг ўқрайиб қараб турган кўзларига, пир-
пир учган қошларига тикилиб қолди. Вой кабинет қаҳ-
рамони-ей, идорасида тили жуда узун бўлиб кетади-я!

— Мен ҳам дарров татбиқ қиласизлар демоқчимас-
ман. Шу ёзган фикрларим билан танишинглар, ўртага
қўйиб муҳокама қилайлик, кейин шу муҳокама хулосаси-
ни ўша юқори ташкилотларга тезроқ маълум қилайлик.

— Катта гапиравериш осон, Қудратжон. Бугунги
мажлисдан тегишли хулоса чиқариб олмаган кўринасиз.
Ҳозир ҳаммамизнинг вазифамиз— тиш-тирноғимиз би-
лан қурилишни тезлаштиришдан иборатдир. Беҳуда
машмашалар билан ҳамманинг миясини чалғитиш керак
эмас! Ахир тинч оққан дарёни чайқатиб нима қиласиз?
Сизнинг гапингизга кирадиган бўлсак, барча ишлар ал-
ғов-далғов бўлиб кетади-ку? Қўлимиздаги қўллашмага
мувофиқ бизга маблағ ажратилган, техника, ишчи кучи...
Ўз ҳисоб-китобларимиз бор, ахир. Уни бузиш, қайта ту-
зиш, ташкилотдан ташкилотга югуриш... Вой бў, огриман-
ган бошга мингта дард орттириб нима қиламиз. Бу ёғи-
ни ҳам ўйлайсизми ҳеч?

Қудрат нндамай қолди. Гап бу ёқда экан. Жонини
койитгиси келмас экан буларнинг. Ғамсиз ошим, ғавғо-
сиз бошим! Мусобақа шартларига қўшилган янги пункт-
лар нима бўлади энди? Болтаевнинг юзига қандай қа-
райди?

— Қоғозларимни беринг бу ёққа,— дея талаб қил-
ди у.

— Бизда тураверсин.

Қудрат сўзида қатъий туриб олди:

— Беринг бу ёққа. Сизга бари бир кераги йўқ.

— Чамамда, сўзларимни ўзингизга оғир олаётганга
ўхшайсиз-а?

— Қоғозларни сўраяпман сиздан!

Пардавой яшил папка ичидан қоғозларни олиб унинг олдига ташлади.

— Жиртакилик сизга ярашмас экан, Қудратжон,— деди қизишиб бош инженер.

— Мен жиртакилик қилаётганим йўқ!

Қудрат ўрнидан турди-да, кетишга чоғланди. Пардавой уни тўхтатди.

— Мардоновни ҳайдамоқчи бўлибсиз деб эшитдим, шу ростми?

— Рост!— кескин жавоб берди Қудрат.

— Ёшлар ўртасида тарбиявий иш олиб бориш ўрнига, уларга нисбатан маъмурий чоралар кўрмоқчимисиз?

Қудрат қўрслик билан унинг сўзини бўлди:

— Мардоновнинг прогуллари шунчалик кўпки, ҳисоблаб ҳисобига етолмайсан киши. Унга нисбатан аллақачонлар чора кўриш керак эди. Кечиравериш димоғини шишириб юборибсизлар. Энди биз ўз участкамизда қатъий тартиб ўрнатмоқчи бўлганимизда, яна уни қаотишгиз остига оласизми? Ҳар бир коллективнинг ўзига ҳуқуқ берасизларми, йўқми?

Қудрат эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди. Бошқармадан қайтиб келгач, тўппа-тўғри штабга кирди-да, ўйга толди: «Ўз ҳисоб-китобларимиз бор эмиш. Ҳисоб-китобсиз иш бўларканми? Мен буни назарда тутганман, ҳисоб-китобнингизга ўзгартиш кирмайдн. Ҳаммаси ўрни-ўрнида қолади: қурилиш учун ўша йил бошида белгиланган маблағдан бирор сўм ортиқ сарф қилинмайдн. Фақат техникани бутлаб берсалар бас. Шу вақтгача йўл қўйиб келинган «кустарчилик»ка барҳам бериб, қўл билан бажариладиган ишларни агрегатларга ағдармоқчиман. Бу бир томондан ишчи кучидан унумли фойдаланишга имкон бериб, участкани судралишдан қутқаришга ёрдам берса, иккинчи томондан қурилиш ишларининг мудлатидан илгари тугалланишини ҳам таъминлайди. Ҳўш, кимнинг режаси афзал? Докладномада буларнинг ҳаммасини батафсил исботлаб бергандим-ку? Нега Ботиров у билан пухға танишиб чиққанига қарамай... Вой, сендақа бюрократни... Ҳе, баттар бўл-э!»

Қудрат қўлидаги қоғозларини стол ғаладонининг энг пастки тортмасига ташлаб қўйди. Майли, шу ерда могорлаб ётаверсин.

Кечга яқин, Орийат буви уйида йўқ вақтда унинг ҳовлисида раскладушкани олиб чиқиб, штабнинг бир четига қўйди. Кўрпа-тушагини солиб, бирпас чўзилди. Битта жонини шу бурчакка ҳам сингиб кетаверади.

Эртасига чамадонини олиш учун кирганда Пардавой унга:

— Сиркаси сув кўтармайдиган йигит экансиз,— деди.—Бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдиришнинг нима кераги бор? Шу ерда туравермайсизми?

— Йўқ,— деб қўрслик билан жавоб берди Қудрат,— биз бошқа-бошқа одамлар эканмиз, бошқа-бошқа туринимиз керак...

XIV боб

КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

Ҳовли шовқин-суронга тўлиб кетди, ҳамма ўз фикрини айтишга шошиларди. Бироқ Қудрат сўз олиб, гапиря бошлаганда ҳамма бирдан жимиб қолди. Барча кўзлар унинг жиддий қиёфаси ва қалин лабларига тикилишган. Шохсуна ёнида тарвақайлаб ўсган каттакон тут ўз сояси билан қуёшни тўсиб турарди. Одамлар сунага сизмай, ерга палос солиб ўтирардилар. Ҳовли эгаси дам-бадам чой келтирар, яна бирон хизмат чиқиб қолишига мунтазир бўлиб, четроқда қўл қовуштириб турарди. Уста Махсумнинг кичкина столи устига алвон ёпилиб, атрофида уста Махсум, Тешавой, шунингдек бошқармадан келган комсорг Злобин ўтирар эдилар.

Мажлисдан аввал Қудрат кун тартибига қўйилган масалаларни уста Махсумга ўхшаган фикрдошларнинг муҳокамасига қўйган эди. Улар асосий масалаларда Қудратга қўшилсалар ҳам, айрим масалаларда бошқача фикр баён этишди. Баъзилар Мардоновга нисбатан бундай қаттиқ чора кўришга қарши чиқишди. «Ҳайдалиш, ҳайдалмаслигини мажлис ҳал қилсин бўлмасам» деб жавоб берди Қудрат уларга. Худойқулов тўғрисида гап очишликка уста Махсум қарши чиқди. «Ёшларга бошқача таъсир қилмасмикин,— деди у,— партия мажлиси бўлганда бошқа гап эди!»

Шундан кейин Қудрат Мардоновни чақириб, ўзи билан ёлғиз гаплашиб олишга қарор қилди.

— Тўғри, мен ёмон одамман!— деди Акмал тўнғиллаб,— тартиб бузар, пиёниста, ўлгудек уччига чиққан безориман. Шундай одамни нега ушлаб турибсизлар, ҳайдаб юбораверинглар-да.

— Ёлғиз ўзингиз ичсангиз майли-я, бошқаларни ҳам йўлдан уряпсиз. Шуниси ёмон. Кеча Шакен Бойтанаев

билан стакан уриштирибсиз. Ишга чиқмай боши оғриб ётибди.

— Менинг ҳеч ким билан ишим йўқ. Бировни ич деб зўрламайман. Катта кўча, ўз билганларини қилаверишсин. Мен бировникига эмас, ўз пулимга ичаман.

— Прогул қилишингизнинг боиси нима бўлмасам, нимадан норозисиз?

— Ҳеч кимдан, ҳеч нимадан норози эмасман!

Қудрат унинг юрагидагини билиб олишга қанчалик уринмасин, ҳеч бунга эриша олмас эди.

— Биз коллективни энг илгор, энг намунали коллективлар қаторига кўтариш учун курашмоқдамиз. Сиз бунга ҳалақит беряпсиз, тушуяпсизми?

— Ҳалақит берсам, нима қилиб ушлаб ўтирибсиз? Жавобимни бериб юборинг-қўйинг!

Марданов ўзини дам қайсарликка, дам гўлликка солиб, тарс-турс гапираверар, Қудратга терс ўгирилиб олган ҳолда тишларининг орасидан тупуриб ўтирарди.

— Мендан хафамисиз, ё?— сўради Қудрат анчадан кейин. Аммо Акмал жавоб бермади.— Бачканалик бўлса ҳам айтай. Эсингизда борми, «Мени бир томондан хайрон, бир томондан гирён қилиб» қўйдинг деганингиз?

Акмалнинг лаблари беҳосдан қалтирагандай бўлди.

— Деган бўлсам, дегандирман. Унинг нима алоқаси бэр ҳозирги гапларга? Хўп, бу тўғрида гап очдингизми, мен пўскалласини айтиб қўя қолай. Мен у жувон билан орани очти қилиб қўйганман. Бемалол айшингизни сураверинг энди.

— Нима деяпсиз, ўзингиз. Тушунсам ўлай агар. Қанақа жувон? Орамизга бир одам тушиб сизни калавлатаётганга ўхшайди. Бекорчи мишмишларга ишониб, ўзингизни уринтириб юрманг.

Мардонов оёғи билан ер чизиб, Қудратнинг юзига қийирхон назар ташлади. Афтидан барча шубҳалари лов этиб ёниб кул бўлганга ўхшайди.

Стол устида қоғоз, папкалардан ташқари бир қутн папирос ётарди. Буни Ботиров бир кирганда унутиб қолдирган бўлса керак. Қудрат ана шу папиросни Мардоновга тутди.

— Чекасизми?

— Чекишдан ҳам қочмайман.

Папирос гильзасига пуфлаб, учини эзғилади-да, тишлари орасига оларкан, Қудрат ёндирган гугурт томонга иягини чўзди. Бир зумда хушбўй тамаки ҳиди бутун хо-

нани тўлдирди. Қудрат ҳам чекмоқчи бўлиб папирос тутатди-ю, тутун ўпкасига кетиб қолиб йўтала бошладди, кўзларига ёш чиқди. Мардонов унга қараб илжайиб қўйди.

— Биринчи чекишингизми?— сўради у,—бундан чиқди, ҳаётнинг аччиқ-чучугини ҳали кўп тотмагансиз.

Қудрат ҳайрон бўлиб унинг кўзларига қаради. Нега бундай деди? Ахир уни ҳам ҳаёт эркалатмаган-ку. Урушдан кейинги оғир йиллар эсига тушса ҳали-ҳали юраги орзиқиб кетади. Отаси қариб, ишга ярамай қолган чоғда битта ўзига ҳам ўқиб, ҳам ишлаб, тирикчилик ғамини ейишга тўғри келди. Баъзан заводдан қоп-қора мойга беланиб зўрга дарсга етиб келар, юз-қўлини ювишга, тамадди қилиб олишга ҳам улгуролмасди. Тунги сменада ишлашга ўрганмаган одамга ҳазилакам эмас. Баъзан дастгоҳ устида шундай болга кўтарганича тикка ухлаб қолган пайтлари ҳам бўлган. Бир кун дарс маҳали ўқитувчи уни доскага чақирди. Қудрат чиқди-ю, аллақандай формулани эндигина ёзиб бўлиши билан бошининг эгганича хуррак ота бошладди. Қўлидаги бўр полга тушиб сингандан кейин, бутун синф қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборгач, у ўзига келди.

Бу ҳодисани шунчалик таъсирли қилиб айтиб бердики, Мардонов худди ўз кўзи билан кўргандай кулиб юборди. Шундан кейингина ораларидаги совуқ муносабат аста эриб юмшай бошлаганини ўзлари ҳам сезмай қолдилар. Мардонов ярим чекилган папиросини қайта тутатиб олди, кўзлари сузилди, лаблари қисилди. Ёшлигини эсларкан, юрагини бир нарса чангаллаб олгандай бўлди.

У олти ёшидан ўғай она қўлига қарам бўлиб қолди. Истаганча овқат ейиш, ўйин-кулги ва дунёнинг бошқа лаззатларидан маҳрум бўлди. Бақириб-чақириб ўйнаб-кулиш у ёқда турсин, салгина овоз чиқариб гапиришга ҳам ҳақи йўқ эди. Фақат мактабга бориш-келишу ўғай она буюрган ишни қилиш билан умри ўтарди. Бир нафас қўли бўш қолса бошида ёнғоқ чақиларди. Бу ҳам етмагандай ота ишдан қайтиб останага оёқ қўйиши билан ўғай она вайсашга бошларди: ўғлинг ундоқ, ўғлинг мундоқ, урмайсан, сўкмайсан, тарбия беришни билмайсан, дерди. Ота ҳам безор бўлганидан ноилож хотинининг жағини бир нафас тинчитиш учун ўғлига танбеҳ беришга мажбур эди.

Акмалнинг бирдан-бир овунчоғи мактаб эди. Кошкийди, шу дарслар ҳеч тўхтамай давом этаверса-ю, у уйга

қайтмаса? Наҳотки, онадан туғилиб, ёруғ дунёга келишдан мақсад шу бўлса?

Умрининг ўн тўрт баҳорини шу зайлда ўтказган Акмал, ниҳоят, ўзини ФЗУ қучоғига отади. Қўнт билан ўқийди. Техникага меҳр қўяди. Қобилиятли ҳунар эгасига айланади. Ишлаб пул топадиган бўлади-ю, уйдаги можаролардан қутулади. Аммо балоғатга етиб, оқ билан қорани ажратадиган бўлгандан кейингина ўша кўксидagi эски яраси газак ола бошлайди. Ўша яра дардини ичкилик билан босмоқчи бўлади. У папирос чекишга бошлайди.

Ёр-биродарлари унга, ичма, чекма, деб насиҳат қиладилар. Ўртага олиб, уни йўлга солишга уринадилар. Акмал тузалишга ваъда беради-ю, аммо яна билганидан қолмасди. Кейин дўстларининг хафа бўлаётганларини сезиб, узоқ бирор ерга бош олиб кетишга қарор қилади. Мана охири тақдир уни шу ерга бошлаб келади.

Қудрат учун бу суҳбат бир мактаб бўлди. Киши юрагига калит топиш ҳақида бошқалардан эшитарди, ўзи оғиз кўпиртириб гапирарди-ю, аммо унга ҳеч амал қилмасди. Мана Мардоновга ўхшаганлар билан ҳам аллақачонлар шундай гаплашиб олгани керак экан.

Шу кунги Дўстжоновни ҳам чақириб ёшлар ичида нечта комсомол аъзоси борлигини сурштирди ва уларнинг рўйхатини тузишни илтимос қилди. Матжон ўн бир кишининг исм-фамилияси ёзилган рўйхатни кўтариб келди. Буларнинг ҳаммаси бошкарма комсомол ташкилотининг счётида туришаркан. Масофа олисроқ бўлганлиги учун улар мажлисларга қатнашолмас, фақат взнос тўлаш билангина кифояланишар экан. Уни ҳам ўз вақтига эмас. Қудрат худди шу масалаларни ҳам мажлисга қўйиб кераклигини блокнотининг бир четига ёзиб қўйди. Мана ҳозир уларнинг ҳаммаси шу мажлисда ўтириб, пробабнинг сўзини эшитишмоқда эди.

Қудрат гапга берилиб кетганидан блокнотига эътибор бермай, уни бир четга суриб қўйган эди:

— Группа комсомол ташкилотини худди шу ернинг ўзида тузиш керак,— деди у,— аллақачонлар шундай қилиш керак эди. Чунки бу коллективнинг бир оила бўлиб ююшишга ёрдам беради. Иш устидан контрол кучаяди. Тўғри, илгаригига қараганда анча жонланиш, силжиш бор бизда. Бирмунча муваффақиятларга эришдик. Бироқ кечаги ютуқлар бугунга тўғри келмай қолди. Қурилишни муддатидан илгари тугатиш учун кундалик нормаларини ошириб бажаришгана кифоя қилмас экан. Фа-

қат қўл билан эмас, бош билан, ақл-идрок билан ҳам ишлаш керак. Ичимизда бирорта техникани бошқаролмайдиган ишчи қолмаслиги лозим. Ўқиш, ўрганиш, би-лиш билан доим малакамизни ошириб борайлик. Бунга ким авангардлик қилади? Албатта комсомол! Комсомол коллектив нчидан қудратли бир куч бўлиб отилиб чи-қиши, ҳаммага ибрат кўрсатиши керак.

Қудрат мана шу чўл-биёбонда қилинаётган ишлар-нинг улугворлиги ҳақида узоқ гапирди. Нима учун шу кеча-кундузда ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатиб ном-мизни шон-шараф билан қопламаймиз? Келгуси насллар бизларни ҳам ҳавас билан эсларига олишлари мумкин-ку, ахир? Баъзиларимиз оби ҳаводан нолиймиз. Қуи ис-сиқ бўлса нима бўпти? Ҳаводан порох ҳиди эмас, ҳалол пешона теримиз анқиб турса ёмонми? Устимиздан мил-тиқ ва тўп ўқи эмас, қуёшнинг заррин нурлари ёғилиб турибди-ку! Комсомолск, Магнитогорск шаҳарларини қурган ёшлар шаронти бизникидан яхшимиди? Қодрий ГЭСи, Катта Фарғона канали, Беговотни қурганларни-ки-чи? Механизмлар оз, турар жойлари ертўла ва оддий бараклар эди. Ушандай қийин шаронтда ажойиб қаҳра-монликлар кўрсатиб номларини мангу қолдириб кетди-лар.

Эсдан чиқа бошлаган ўша жанговар йиллар ўтирган-ларнинг кўпчилиги хотирасида яна қайта тиклана бош-лади.

Уста Махсумнинг кирчиллама йнгитлик чоғи эсига тушди. Бошида оҳори кетган салла, эгинда узун чопон билан, икки барини белига қистирган ҳолда, ўзига ўх-шаш бир оғайини билан Марғилондан текстилькомби-нат қурилишига келган эди. Техникалари оддий кетмону белкурак, замбил, теша ва болтага ўхшаган нарсалар. Ҳозиргидай кўтарма кранлар қаёқда дейсиз? Пастдан туриб бир-икки том бўйига -ғишт иргитишади, бир-бир-ларига қўлма-қўл узатишади. Қўлим шилинди-ю, кўзим ачишди-ю, чарчадим деган гаплар йўқ. Устларидан че-лаклаб ёмғир қуяр, унинг орқасидан қор, яна ёмғир ёғар, лой белларигача чиқар, афти башараларига эса қараб бўлмасди. Шундай шаронтда уста Махсум зарб-дор бўлиб ишлади. Зарбдорларни минбарга чиқариб, му-кофот топшираётганларида, пастда духовой оркестр марш чалиб турарди. Уста Махсумга ҳам бир кийимлик сатин ва қанчаям пул берилганда боши осмонга етган эди.

Кейин у йўл қурилишига ўтиб кетди. Яна лой, балчиқ

кечиб ишлади, совуқ баракларда яшади. Хуллас, не-не қийинчиликларни бошидан кечирмади бу ёшлик!

У худди мана шулар ҳақида гапириб бериши керак! Ҳа, ҳозирги ёшлар қандай ажойиб замонада яшаб, меҳнат қилаётганликларини билиб қўйсинлар!

Чол кўзларини ярим юмиб олиб хаёлга берилган эди. Дўстжоновнинг қаттиқ-қаттиқ гапираётганини эшитиб кўзларини очди.

— Ойни этак билан ёпиб бўлмас, жўралар. Бировнинг айбини тўппа-тўғри айтганга не етсин. Сиззи юзизу гузингиз, Мардонов, дадил айтаяжакман, бизларга салбий таъсир кўрсатаёпсиз. Коллективимиз шаънини доғ душирмоқдасиз дейман, ё нотўғримиз?— деди Матжон.

— Ёлгон!—деди кимдир..

— Неси ёлгон? Маъруф билан Шакенди йўлдан урганингиз ёлгонми?

Ўтирганлар ичидан Шакеннинг порози товуши эшитилди:

— Уй-буй, ширағим-ов, менге жапсегенинг неси? Тўри ағачга тас атмасангши!

Маъруфнинг овози унинг сўзларини босиб кетди.

— Огзингга қараб гапир, Матжон, мени йўлдан урганини кўрганинг бормиди? Далил кўрсат!

— Муғамбирлик қилма иккаланг, анави кун тунда ўз кўзим билан кўрганман.

Говур-ғувур кучайиб кетди. Ҳар ким ўзинча гапирар, бир-бирларига нималарнидир уқтиришар, сўзга чиқишга, фикр айтишга қўл кўтаришарди.

Матжон Қудрат айтган имкониятларининг рўёбга чиқишига ишонмайдиган ва ишга ҳалақит бераётган шахслар йўқ эмаслигини эслатиб ўтди.

— Алинг, жўралар,— деди у охирида,— биринчи гада ана шу баримиздан тортаётганларди доғда қолдирайик. Ҳар ким ўз кучини, ўз қобилиятини ишонч билан қораса бас, олам-олам ютуқларди қўлга киритажак. Ишончсизлик эса парокандаликнинг дўстидир!

Уста Махсум билан Қудрат бир-бирларига, чаканамас-ку, дегандай қараб қўйинди. Яна шовқин-сурон кўтарилди. Уста сўз олиб гапирга бошлагач, ҳамма жимиб қолди. Чолнинг кўтаришкани руҳдан нутқи ўтирганларга худди бир жанговар чақириқдай таъсир қилар, уларни янги ютуқлар сари чорлар эди. Мажлис ҳақиқий митингга айланиб кетгандай бўлди.

Кечаги суҳбатдан кейин Қудрат Мардоновга ачина бошлаган эди. Шунинг учун «бу сафарча қатъий

огоҳлаштириш берилсин унга» деган таклифга қарши чиқмади. Кеча гапиришиб олгани яхши бўлган экан. Ахир кўнгил кўнгилдан сув ичар, дейдилар. Шундай суҳбатларни тез-тез уюштириб ёшлар билан иноқ бўлиб олишга нима етсин!

Мажлисдаги асосий масалаларга хотима берилгандан кейин ҳовлида фақат комсомол аъзоларигина қолдилар ва тўрт кишидан иборат бюро аъзолигига кандидатура кўрсатдилар...

Орадан уч кун ўтгач, Матжон Дўстжонов райком бюросидан бошлангич комсомол ташкилотининг секретарлигига тасдиқланиб келди. Пухта план тузилди. Ҳар бир бюро аъзосига алоҳида вазифалар юкланди. Ана энди участка штабига ҳам файз кириб, гавжум бўлиб қолди. Хона ҳар хил плакатлар, чақириқлар ёзилган алвонлар билан безанди. Вақти бемаҳал кирган киши ўтириб, янги газета ва журналлар билан танишадиган бўлди. Деворий газетанинг биринчи сонидасқ Қудратнинг карикатурасини берншган, уни гердайиб турган дакангхўроз қиёфасида тасвирлашган эди. Баъзилар бунини номаъқул топиб, норози бўлишди. «Ҳазил-ҳазил деб раҳбар кишини ранжитиш яхшими? Кўнгилга қаттиқ тегмасмикин», дейишди. Бошқалар эса: «Нега қаттиқ тегаркан? Айбини топсанг пайровдан қочма. Ўзи ҳам тўғри келганини аямай савалашга уста-ку», дердилар.

Қудрат бошқалар олдида газетадаги суратини кўриб кўрмасликка солса ҳам, ёлғиз қолган маҳал иягига қўлини тираганича тикилиб қараб қоларди. Ҳаваскор расомнинг уқувсизлиги яққол кўриниб турса ҳам, ҳар ҳолда бир оз ўхшатолганига тан бермай илож йўқ эди. «Бундан ҳам тегишли хулоса чиқариб олиш керак» деди ичида у.

Комсомол ташкилоти яна бир ташаббус кўрсатди. Техминимум дарсларига ҳамманинг йиғилишини уюштирди. Ҳатто малакали машинистларнинг ҳам баъзилари илжайишиб кириб ўтирадиган бўлдилар. Уста Махсум, Тешавой, Қудратлар аввалдан пухта тайёрланиб келиб, навбатма-навбат дарс беришар эди.

Бу ишга бош инженер ҳам бош қўшмоқчи эди-ю, лекин вақт тополмади. Чунки Орият буви иккинчи марта совчиликка бориб Барно учун нон синдириб келганидан кейин у тўй тараддудига тушиб кетган эди. Шу жиҳатдан Ботиров узрли.

Бўлажак куёв-келин энди иш соатларидан кейинги

учрашувларга барҳам беришган, қиз йигитнинг кўзига илгаригидек тик боқишга ийманиб, иложи борича камроқ кўринишга ҳаракат қиларди. Учрашиб қолганларидагина бир-бирларига сассиз тикилиб қўярдилар.

XV боб

НАЗОКАТХОН ҲУНАРИНИ КЎРСАТАДИ

Офтобнинг тафти кетиб, салқин туша бошлаганда Қудрат юрагининг чигилини ёзиш учун булоқ бўйига борган эди. Қаршисида икки қизнинг шарпасини кўргач юраги ҳовлиқиб кетди. Гулчирой ҳам Қудратни кўриши биланоқ дарахтлар орқасига яшириниб қочмоқчи бўлди.

— Нимасидан қўрқасан, еб қўярмиди?— деди ёнидаги Шурочка, кейин узоқдан туриб, майин табассум билан Қудратга қўл силкиб сўрашган бўлди. Қудрат унга жавоб берди-ю, кейин тўппа-тўғри ёнларига борди.— Юринг, биз билан кинога,— деди Шурочка очиқ чеҳра билан.

Йигитга бу таклиф жуда ёқиб кетди.

— Нега дарагингиз йўқ?— деди Гулчирой, ҳол-аҳвол сўраган бўлиб.

Қудратнинг севинчи ичига сигмай кетди. Демак, шунча кун уни кутган экан-да. Кейин қизнинг туйғун кўзларига, табассум билан ёришган лабларига боқиб, ичдан хўрсиниб қўйди-да, сал ийманиброқ жавоб берди:

— Ишмизнинг кўплигини биласиз-ку!

Кечагина шовиллаб турган зич жўхориларнинг ҳаммаси ўрилиб, шипшыйдам бўлиб қолган дала ўртасидан боришар, Қудрат негадир ўзини шу икки қиз ёнида ноқулай сезар ва ҳатто ортиқчадай ҳис қиларди. Бу ноқулайликни бузиш учун тилига ҳеч сўз келмас эди.

Қишлоқ марказидаги кинотеатр олдида ёшлар тўптўп бўлиб, у ёқдан-бу ёққа юришар, оддий тахтадан қилчиган скамейкаларда ўтиришар, писта чақишар эди. Кино ҳали бошланмаган, кираверишдаги эшик қапшарига осиглиқ радио карнайи вараңглаб ҳамма ёқни бузар, гапни гапга қовуштирмасди. Қудрат учта билет олди-да, қизлар ёнига қайтди. У қайтгунча икки дугона нималар тўғрисидадир пичирлашиб, кулиб ҳам олишди.

Гулчиройнинг икки бети қип-қизариб кетган эди. Яхшиямки, чироқлар бир ўчиб, уларнинг диққатини тортди-ю, орадаги ўнғайсизликка хотима берди. Бу биринчи сигнал бўлгани учун уювлари ўринларидан қимирламай ўтиравердилар.

— Ободонликлар келавериш, ҳоли жонимизга қўйишмаяпти-ку?— деди Шурочка Қудратга қараб.— Шайтонжардан келтирган жинсларни лаборатория анализидан ўтказгунимизгача сабр-тоқат қилишмай, қисташгани-қисташган.

— Бир хулосага келганимизни айтдиғу қутулдик-да,— деб қўшиб қўйди Гулчирой.

Қудрат бошда кимлар ҳақида гап бораётганлигини тушунолмади турарди. Кейин бирдан ярғоқ бош, юм-юмалоқ гавдали Болтаевнинг чийиллаб, геологлар билан масала талашаётганини тасаввур қилди-да, кулиб қўйди.

Газ, нефть чиқадиган жойда гиёҳ ўсмаслиги керак эди. Борди-ю, Шайтонжар тубида ўт-ўлан эмас, ёғ дорлари ёки ер остида чиқиб асфальтга айланиб қолган моддалар бўлганда бошқа гап эди. Бундай ҳолда ҳеч қандай иш-ишот қуриш мумкин бўлмасди. Хайрият, текширув шуни кўрсатибдики, жарлик остида лой қатламлари ястаниб ётар экан. Лекин нефть суюқ бўлгани учун текис қатламлар остида узоқ туролмай кўпинча қум ёки оҳақтош бурилиқлари сари силжиб кетади. Нефть бўлмаган жойда газ ҳам бўлмайди.

— Лой қатлами қаёқдан пайдо бўлади? Ёки сув бормикин?

— Сув ҳам йўқ. Бир вақтлар бўлган бўлса бордир. Ахир жуда қадим замонлар мана шу чулистон бепоён денгиздан, ҳозирги қишлоқлар турган тепаликлар ороллардан иборат эди, деган тахминлар бор-ку. Агар денгиз қуриб унда-мунда қолган сувлар шу жарликка тўпланган бўлса-чи?

— Тўхтанг-тўхтанг,— деди шўшиб Қудрат.— Нуроб дарёси худди шу ердан оқиб ўтган деб айтишадилар-ку.

— Эҳтимол,— елкасини қисиб жавоб қилди Шурочка.— Дарёлар донм ўзанини ўзгартириб туради.

— Балки,— деб гумон қилди Гулчирой ҳам,— асрлар ўтиши билан. Нуроб бошқа ёқдан йўл топган ўзига. Жарликка тўпланиб қолган сувнинг бир қисми ҳавога, бир қисми ерга сингиб кетган.

Улар ичкарига киришди. Олдинда Гулчирой, унинг кетидан Шурочка, Қудрат энг орқада, узун-узон ска-

мейка қаторлари оралаб ўз жойларини излардилар. Бирдан Қудрат кимнингдир тикилиб турганини пайқаб қолди. Бир неча қатор орқада Маъруф билан Шакен ўтирарди. Маъруфнинг ёнида келишгангина қизча ҳам бор. Шунинг учун у уялиқираб ерга боқди-да, қиздан салгина нарига сурилди. Шакен эса илжайиб Қудрат билан имлаб саломлашди.

Кино залидагилар баб-баравар кулиб юборишди. Экранда машҳур комик артистнинг қиёфаси пайдо бўлган эди. Қудрат ҳам илжайиб томоша қилиб ўтирди. Кейин воқеаларнинг давоми уни қизиқтирмай қўйди. У ҳеч нарса кўрмас, эшитмасди, у фақат қизнинг кўзларига тикилиб ўтиргиси келарди. Бироқ андиша ва шарм-ҳаё бунга йўл қўймасди. Майли, энди истаган кун, мен сизни кинога таклиф қилмоқчиман, деб Гулчиройнинг олдига бораверади. Бироқ у кўнармикан? Дарвоқе, бугун «нега дарағингиз йўқ» деди-ку. Шунинг ўзи уни кўришга муштоқ эканлигини билдирмайдими? Ёки фақат Шайтонжар тўғрисидаги хулосадан хабардор қилмоқчи бўлганмикан?

Кино тугаб, теварак чироқ нури билан тўлган маҳал Гулчирой ким биландир кўз уриштириб олди. Уша томонда Қудратга ҳам таниш бир қиз қараб турарди. Э, ҳа, бу биринчи тунда «Қаёқда қолдингиз, опа», деб Гулчиройга эшик очган қизнинг ўзи-ку? Ёнидаги Дўст-жонов эмасми? Вой, қургурлар-эй, бизникилар ҳам чакана эмас-ку, а?..

Ҳаво дим. Ғир этган шамол йўқ. Ҳалигина беғубор бўлган осмон юзини булутлар қопламоқда. Энди жала қўйиб берса-я? Куз ҳавоси шу-да!

Кинодан чиққанлар ҳар тарафга тарқалиб кетиб, яна уч киши ёлғиз қолди. Қудрат шу зайлда эрталабгача ҳам юришга рози.

Шурочка кинодан олган таассуротларини гапира бошлади. Гулчиройга мақсади кулдиришдангина иборат бўлган фильмлар унча ёқмас экан. Ҳаётни шунақа енгил-елпи кўрсатадиларми? Қани ундаги зиддиятлар, курашлар? Персонажлар сўзида томошабинни ҳаяжонга соладиган, ўйлатиб қўядиган фикр йўқ. Олди-қочди гаплар... ўз мулоҳазасини айтиш навбати етганда Қудрат гўлдираб қолди. Чунки унинг хаёли бошқа ёқда эди. Яхшиям, Шурочка бор экан, ноқулай вазиятда ўзининг маҳмаданалиги билан жонга ора кира қолди.

— Базага ҳам келинг,— деди Шурочка Гулчиройнинг ҳовлисига яқинлашар эканлар.— Бизда ҳам яхши

кинолар бўлиб туради. Ёки кечаси қайтишда чўлдан қўрқасизми?

— Йўғ-э, чўл биздан қўрқсин.

— Қудрат акамнинг чўлдан оладиган аламлари бор,— қўшиб қўйди Гулчирой кулиб.

— Ҳа, биламан, тунги учрашув... рўмолча...— тега-жаклик қилиб гапирди Шурочка.

Гулчирой ўнғайсизлигини ҳам кулги билан енгилга ҳаракат қилди.

Уйга етиб келдилар. Хайрлашишди.

— Келинг, жимиб кетманг, хўпми?

Бу сўзларни Шурочка айтган бўлса ҳам Қудратга худди Гулчирой айтгандай туюлди. Қизлар эшик занжирини ичкаридан илиб олганларидан кейин ҳам, оёқ товушлари узоқлашиб кетгунча у қимирламай турди-да, кейин «эртагаёқ бормасам юрган эканман», дея шивирлаб қўйди.

* * *

Қурувчилар кунига бир ҳафта қолганда уни муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўра бошладилар. Графикани бир ярим нормага етказиб бажармаган машинист бўлмади. Қудрат ишчилардан бир нафас узоқланмас, майда-чуйда нарсаларни кўздан қочирмас ва ҳамманинг диққат билан ишлаётганидан хурсанд эди... Ёшлар ўртасида мустаҳкамланиб бораётган уюшқоқлик ҳар соҳада ўз натижасини кўрсата бошлади. Илгари ҳаммалари ишдан чиқибоқ уйга югурадиган бўлсалар, энди агрегатларини худди кечагина заводдан чиққандай қилиб ялтиратиб қўймагулларича трассада кетмаслигини одат қилиб олдилар. Айниқса, тажриба ортириши учун ҳар бир машинистга бириктириб қўйилган шоғирдлар агрегатларга гўё жонли нарсасидек қарашарди. Аста-секин ҳаётини қонун тусига кириб бораётган тушкни бир ярим соатлик дарс уларнинг кўз унгида гўё янги бир дунё очар, техникага нисбатан ҳавасларини ҳаддан кучайтирар эди. Улар озми-кўпми назарий билимга эга бўлишлари билан дарров уни амалда синаб кўришга шошилишарди. Маъруф, Валечка, Собир акаларнинг зеҳнлари ўткирроқ эди.

Улар гоз-гоз туриб, тетапоя юрадиган ёш болалардай руль олдида ўтириб, агрегатларни ҳаракатга солишар, ўз маҳоратлари билан устозларини салгина мамнун қила олсалар, териларига сиғмай кетардилар. Қу-

рувчилар кунн олдидан уюштирилган вахтага улар ҳам озми-кўпми ҳисса қўшишга муяссар бўлдилар. Энг узоғи билан бирор ҳафтадан кейин мустақил ишлайверишлариға энди ҳамманинг кўзи етиб қолди. Шунинг учун деворий газетанинг байрам сониди Дўстжонов уларни «Янги сафдошларимиз» деб атади, газетани суратлари билан чиқарди.

Ёшлар ичиди санъат ҳаваскорлари ҳам йўқ эмас экан. Дўстжоновнинг-ку уста торчилиги ҳаммага маълум эди. Аммо Мардоновнинг дутор чалишни билишлиги кўпчилиكنи ҳайратда қолдирди. Айримлар қўшиқ айтиш, декламация қилиш, ҳатто ўйинга тушишни билар эканлар. Собир аканинг моҳир чирмандачилиги гўё олтин узукка кўз солгандай бўлди. Энди Қудрат байрам кунига Гулчиройни таклиф қилсам булармикин деб ўйланиб қолди. Таклиф қилса, у Шурочка билан бирга келиши мумкин. Жуда яхши-да, келаверсин, Бироқ...

Ўша кинога борган кундан кейин Қудрат салгина бўш вақт топса дарров нефть қидирувчилар базасига югурадиган бўлиб қолди. Милтиқ ушлаб ўтирадиган чол ҳам унинг қаерга, кимнинг ёнига келаётганини билар эди, шунинг учун қаршилик қилмай қўйди. Қизлар шу ҳафта чўл кезишни вақтинча тўхтатиб микроскоп остида бир нарсаларни текшириш билан шуғулланардилар. Аллақандай моддаларни анализ қилар, ёзардилар. Ишга шундай шўнгиб кетган эдиларки, ҳатто эшикдан кириб келган кишига ҳам қараб қўйиш учун бир зумлик вақтларини қизганардилар. Аммо Қудрат келди дегунча Шурочка уларни ёлғиз қолдириш учун дарров қаёққадири чиқиб кетишга баҳона излар эди. Гулчирой билан Қудрат кўпинча нима тўғрисида гапиришни билмасдилар. Улар ер ости қатламларидан топиб келинган жисмлар ва ўша жисмлар электр разведка машинасининг магнит стрелкасига қандай таъсир кўрсатаётгани, қидирувчилик, лаборатория ишлари, ҳар хил геологик қазилмалар сингари Қудратга ҳеч алоқаси бўлмаган мавзулардан нари ўтишмасди. Баъзан у қизнинг сўзларини эшитишдан кўра ўзига тикилиб ўтиришни ёқтирар, иложи бўлса ҳамма нарсани унутиб, шу покиза қалб эгаси билан хиёбонларда сайр қилиб юришни истаб қоларди. Шу мақсадда бир кунн уни ёлғиз кинога таклиф қилди. Лекин ўз туйғуси ҳақида рўйрост гап очишга муяссар бўлолмади. Тўғриси, бу тўғрида оғиз очишга журъат етолмади. Қизнинг юрагида нима борлигини ҳамон билолмасди. Балки у бутунлай Қудратни

ёқтирмас, балки уни ҳам бирорта сурбет ёки енгилтак йигитлардан деб ўйлар, ким билади дейсиз! Негадир у доим ийманиб, тортиниб туради, суҳбатга совуққина қўшилади.

Шундан кейин Қудрат яна икки мартача базага борди. Икки мартасида ҳам уни учратолмади. Гулчиroy ўзини йигитдан олиб қочиш пайида эди. Худди атайин қилаётгандай айни Қудрат келадиган пайтида уйига жўнаб қолишни ёки чўлга чиқиб кетишни Қудратда шубҳа уйғотди. Ҳар ҳолда бу бежиз эмасдир. Шундай экан, қандай қилиб уни кинога таклиф қилиш мумкин?

Қурувчилар кунни ҳақиқатан ҳам байрам тусини олди. Ишчилар ётар жойлари ва иш объекларида пухта тартиб жорий қилган, озода қилиб қўйган эдилар. Ҳамма ёққа плакатлар, шиорлар, байроқлар осилган. Алоҳида концерт программаси тузилиб, репетиция қилинган. Агрегатларнинг корпусларига қўш нури тушганда кўз қамашади.

Иккита дошқозонда ош тайёрланмоқда. Самоварчининг қўли қўлига тегмайди. Ҳамма ёқда шодиёна кулги, тантана. Шу кунга мусобақадорлар ҳам таклиф қилинган эди. Меҳмонлар Қудрат бошчилигида ҳамма нарсa билан танишиб чиқдилар. Графикда кўрсатилган вазифаларнинг мукамал адо этилишин, механизмларнинг бирортаси бекор қолишни у ёқда турсин, ҳатто талаш бўлаётгани, ҳар хил дастгоҳлар билан таъминланган устахона, бостирмалар... Яқингача ҳам даккидан боши чиқмаган участка шунчалик тез ўзини ўнглаб олади деб ким ўйлаган эди? Бунақада мусобақадорларни ҳам орқада қолдириб кетишлари ҳеч гап эмас.

— Биз ҳам бўш келмаймиз,— деб мақтаниб қўйишди иккинчи участкаликлар,— рўёбга чиқмаган жуда кўп резервларни топмоқдамиз. Ўзиб кетиш осон бўптими биздан?

— Беллашишдан қочмаймиз,— деди Қудрат ҳам ишонч билан.

Қудрат меҳмонларни трасса билан таништириб қайтганида иккала участка ёшлари волейбол ўйинига берилиб кетган эдилар.

— Қудрат ака, бизнинг командага қўшилмайсизми?— деб қолди унга Акмал,— бир киши етишмай турибди.

Мардонов Қудратга биринчи марта шундай очилиб гапирётган эди. Шунинг учун унинг сазасини қайтариш яхши эмасди. Бундан ташқари, ўзининг ҳам эски

волейбол шинавандалиги тутиб, участкаларининг шуҳрати учун бирпас курашгиси, бошқалар билан баб-барабар терга пишгунча копток ирғитгиси келиб кетди.

Булоқ бўйига йиғилиб ўтирганларга ош тортилди. Орқасидан ҳаваскорлар концерт бошладилар. Концертни Маъруф олиб борди. У яхши дазмолланган оппоқ кўйлак, ҳаво ранг шим кийиб олган, бўйнида хол-хол жигар ранг гул галстук, сочларини ювиб, орқага силлиқ қилиб тараган, юм-юмалоқ чеҳрасида айёрона кулги, қилиқлари ҳақиқий конферансьеларникига ўхшарди. Бошлаб уч-тўрт оғиз кулгили гап билан томошабинларни жонлантирди-да, кейин бошқа ижрочиларга гал берди. Дўст-жонов хоразмча «Бари гал» қўшиғини ижро этди. Унинг ширали овозига маҳлиё бўлганлар қўшиқ тугагандан кейин ҳам сеҳрлангандай бирпас жим турдилар-да, кейин қарсиллатиб чапак чала бошладилар.

Валечка украинча костюм кийиб чиқиб, ажойиб бир рақсини бошлаб юборди. Қудрат меҳмонлар билан бирга энг олдинги қаторда ўтиргани учун кенгина этакларининг шамоли унинг юзига келиб урилар, сўрини тарақлатган оёқ товушлари қулоқларни қар қилгудай эди. Ижрочининг гоҳ оҳудай енгил ирғишлаб, гоҳ калалакдай чарх уриши унинг диққатини жалб этган эди. Ўзи ювошгина, индамай юрадиган бу қизни ҳеч ким шундай ажойиб раққоса деб ўйламасди. Тешавой уни шогирдликка олгандан бери қаттиққўллик билан, уни қил, бунни қил, дея ҳунар ўргатишга ҳаракат қилар, дарс пайтлари ҳам бошқалардан кўра, ундан қаттиқроқ сўрар эди. Валечканинг муваффақиятини кўриб, хайрият, меҳнатим зое кетмабди, деб мамнун бўларди, аммо ҳеч қачон худди ҳозиргидай завқланмаган эди.

Қиз қирмизи юзидан майда марварид томчилари кўрингунча пириллаб ўйнади, кейин ҳансираб таъзим қиларкан, Тешавой: «Барака топ, қизим» дея бақириб юборди. Атрофни қийқириқ босди. Бир маромда қарсақ ура бошладилар. Валечка яна югуриб чиқиб, рақсининг иккинчи ярмидан такрорлашга мажбур бўлди.

— Элга навбат, шерга навбат!— деди Маъруф Валечканинг ўйини тугагач,— яъни масалан, камина, қўзи болага навбат!

Томошабинлар ичидан таниш-нотаниш овозлар янгради:

— «Ревизор»дан ол!

— Хлестаков!..

— Гамлет!.. «Ё ўлиш, ё қолиш»ни айт!

Кутилмаганда Маъруф Навоий монологини бошлаб юборди. Атроф сув сепгандай сукутга чуқди. Унинг овозида салобатли оҳанг ва жозибадор жарангдорлик бор эди. Тингловчиларни гуё сеҳрли қайиғи билан аллақайси сирли соҳил сари бошлар, дам аста тебратиб, дам тўлқинлатиб борарди. Кейин ҳазин пардаларда чалинган танбур садосидай дилни қитиқлашга ўтарди. Шу билан бирга сизни ўзингиз тушуниб етмаган ғалати ҳиссиётлар қаърига тортиб кетар ва гоҳ маъюс, гоҳ ҳаяжонли ҳислар уйғотарди қалбингизда. Бирданига товуши кучайиб, кўзлари томошабинларнинг бошлари оша узоқ-узоқларга боқадди. Ҳижрон ўлкасида ўз излаганини кўргандай бўлади, унга томон талпинади... Овози титраб эшитилади: «Мен эрсам, ғам билан йиғлаб кетарман сенинг ишқинг билан танҳо ўтарман» деркан, олдинга чўзган қўлларининг узун бармоқлари қимирлаб кетади. Кўзларини узоқлардан олиб, шу томошабинлар ичидаги кимнингдир кўзларига тикилади. Қудрат бенхтиёр қайрилиб қарайди-ю, ўша кинога борган куни Маъруф билан ёнма-ён ўтирган қизни танийди.

Яна қарсак чаладилар. Қайта-қайта таъзим қилган Маъруф Назокатни бошлаб чиқади. Ранг-баранг безаниб, товусдай товланган жувон пайдо бўлиши билан «оҳ-воҳ» бошланади.

Майин дутор садоси қўшиқ сўзларига пайваста бўлиб кетар экан, нигоҳини Қудратдан олмайди, бу қўшиғинини сен учун айтмоқдаман деяётгандай бўлади.

Боқмади бир лаҳза ул, ўз ёрини сезмасмикан?
Бемехр, парвоси йўқ, ҳушторини сезмасмикан?

Қудрат назарини ижрочидан опқочиб, меҳмонлар томонга ўгирилади. Улардан бирининг оғзи ярим очилганча қолган, жувоннинг қўшиғига маҳлиё.

Назокатнинг фақат овозигина эмас, ўзи ҳам дилрабо, севса арзигудек жувон. Агар ўртада Гулчиroy бўлмаганда... Йўқ, йўқ! Бу қандай бемаъни фикр? Қудрат унинггина ўйлаши керак, фақат уни, Гулчиroyни...

Шавқи завқим ортадир, куйладим куй кашф этиб,
Куйга ишқи тушди-ю, куйкорини сезмасмикан?
Гулга ошиқ бўлса деб, гулдин поёндоз айладим,
Сайр этиб гулзорда, гулнорини сезмасмикан?

Назокат кейинги байтларни яна ҳам кучли эҳтирос билан ифода этарди. Дутор билан мулойим товушнинг

ҳамоҳанглиги ҳаммага баб-баравар таъсир қилганидан-ми, томошабинлар беихтиёр тебраниб-тебраниб ўтирган-ларини сезишмас ҳам эдилар.

Майли, мен қилдим вафо, аҳдимда қолгайман мудом,
Бир кун келиб бошим силаб, дилдорини сезмасмикан?

дея хулоса чиқарди хонанда. «Кам бўлма, яша!» деган овозлар ҳамма ёқни тутиб кетди. Одамлар ҳеч дам олмай қичқиришар, қарсак уришни тўхтатмасдилар.

— Ҳиндча...

— Арабча қўшиқ... «Номаълум аёл» киносидан!..

Маъруф ҳаммани тинчитиш учун қўлини кўтариб, дам қуллуқ қилиб, бир нималар дер, бари бир ҳаракати бекор кетар эди. Олқини устига олқини ёғилаверарди.

Яна Назокат қайтиб чиқди. Маъруф у билан келишиб олиб ниманидир эълон қила бошлаганда, Қудрат ҳеч кимга сездирмай, секин турди-да, четга чиқиб, қоронғилик ичига кириб кетди. Унинг орқасидан Назокатнинг овози янграб эшитилмоқда эди.

XVI боб

ЮРАҚ— ТОШ ЭМАС

Онлада уч қиз туғилди, энг кенжаси Гулчирой эди. Она рўзгор иши билан банд, ота эса машҳур гулчи эди. Қизларнинг каттаси уй-жойли бўлиб кетган, ўртанчиси онанинг қўлтиғига кириб уй ишидан бўшамас, Гулчирой эса етти ёшлигиданоқ қўлига гулқайчи олиб ота билан баб-баравар гулзор ичида юарди. Отаси қаерга бормасин, қаерда янги гулзор барпо қилмасин, қиз ўша ерда, ундан сира ажралгиси келмасди. Отанинг оғзи қулоғида. «Ҳой хотин, ўғил туғмадинг деб армонда юардим, минг қатла шукурки, мана бу кенжанг ҳеч қанақа ўғилдан кам эмас, ўрнимга ўринбосар қоларкан энди» дея қувонарди. Қиз мактабга қадам қўя бошлагандан кейин то ўнинчи синфни битиргунча ҳам шу ҳунар билан машғул бўлди. Қўни-қўшини ҳовлиларда, мактаб боғларида гулзор қилинадиган бўлса, дарров Гулчиройни тилга олишарди. Шунинг учун уни ўша пайтлардаёқ келажакнинг машҳур табиатшунослари қаторига қўшиб қўйган эдилар. Бироқ қиз фақат гулчиликкагина эмас, дунёдаги хилма-хил касбларнинг

ҳаммасига қизиқар, қайсининини афзал кўришни билмас ва ҳатто аттестатни қўлига олгунча ҳам «ким бўлсам экан» деган савол унгатинчлик бермасди. Охири Москвадаги олий ўқув юртларидан бирига кирганда «Ориф гулчининг қизи нефть қидирувчи бўлиб келармиш» деган гап тарқалди. Бу вақт ўртанча опаси турмушга чиқиб кетган, эндиги совчилар Гулчиройга оғиз солаётган эдилар. Она эса «Бу қизимизнинг ихтиёри ўзида, бизнинг хоҳишимизга кўнадиганга ўхшамайди, деб жавоб қилар ва бировга ваъда беришга журъат этолмасди. Борди-ю, унинг раъйини сўрайдиган бўлсалар, кулибгина қўяр ва икки гапнинг бирида «Мен ойналарнинг бошларига пар ёстиқ бўлмоқчиман», дея ҳазил қиларди. Институтда ўқиб юрган пайтлари, илмий практикага борган чоқларида ҳам уни кўз остига олиб юрганлар оз эмас эди. Айниқса Абдусамад деган бир ҳамкурси чинакам кўнгил қўйганлигини ҳеч яширмас, ҳар лаҳзада «сенсиз яшолмайман» дейишини қўймасди. Аммо негадир қиз уни ёқтирмас, ёқтирганда ҳам эрга чиқиш ҳақида ўйлагиси келмасди. Шу ҳаётдан ниҳоятда мамнун, эркин ёшлиқнинг ажойиб гаштини сўрмоқ истарди. Шунингдек бошқа қизлар сингари пардоз-андозларга ҳам берилмас, ҳадеганда ўзини ойнага солиб, қийпанглайверадиغان дугоналарини унча хуш кўрмасди. Ўқини тугаб, диплом билан қайтган йили ҳам Абдусамаднинг совчилари қуруқ қайтарилди. Онанинг не-не ниятлар билан тайёрлаган саруноларига қаралмади ҳам. Агар тўйдан гап очадиган бўлсалар, ўридан сапчиб туриб кетар, она, «кимга ўхшади бу, уруғимизда бунақа тоифаси йўқ эди-ку?» деб гапириб қолаверарди. Бу ҳам етмагандай, қизи нефть қидирувчилар партиясига қўшилиб Ёртепа чўлларига кетаётганини эшитганда яна ўз ёғига ўзи қовурила бошлади. Йиглади-сиқтади, «қиз болага чўлда ишлашни ким қўйибди? Ўзингга ярашадиган иш қидирсанг бўлмайди-ми, ёнимда ўтир» деб ялинди-ёлворди, пўписи қилиб кўрди. Бўлмади. «Ёртепага борсам опамникида ётиб юраман» дегандан кейин қизининг кетишига розилик берди. Куёвига хат ёздириб, Гулчиройдан кўз-қулоқ бўлиб туришликни сўради.

Гулчиройнинг поччаси Ёртепадаги колхознинг парторғи, инсонга ишонч билан қарайдиган, доно одам эди. Шунинг учун хатни ўқиб чиқиб, хотинига: «Синглингнинг ақли хуши жойида экан, унинг шахсий ишларига аралашиб юришга тўғри келмайди» деб қўя қолди.

Гулчирой билан бирга бош геолог бўлиб келган Абдусамад қизни шу ерда инсофга чақириб оларман, деб умид қиларди. Бироқ бутун уринишлари беҳуда кетди. Ширин сўзлар билан кўнглини овламоқчи бўлди, пўписа қилиб кўрди. Бироқ, қизнинг тошдек юрагини эрита олмади. Орага тасодифан Қудрат келиб суқулди. Кўзларида ақл чироғи порлаган бу йигит унинг юрагидан жой ола бошлади. Шу пайтгача ҳеч кимга кўнгил бермаган қиз бошда ҳайрон қолди. Ўзидаги бу хил кескин ўзгаришлардан чўчиб ҳам кетди.

Дам олиш кунларининг бирида Шурочка билан Гулчирой кир ювиш билан машғул бўлдилар. Кейин ширингина вагон-уй ичига кириб дазмол қилдилар.

— Бирпас дамингни ол, чарчадинг,—деди Шурочка унинг қўлидан дазмолни олиб.— Чойшабни сал йиғиштириб қўйгин-да, каравотга чиқиб ўтир.

Гулчирой каравотга чиқди-ю, тиззаларини қучоқлаб, тахта деворга суянганича кўзларини юмди.

— Абдусамад сенга номуносиб,—деди Шурочка дазмол уришдан олдин, кирга сув пуркаркан. Уларнинг суҳбатлари кўпдан бери давом этаётган эди.— Бошингга урасанми уни? Бир қўполки... Нимаси ёқаркин унинг? Қудратнинг йўриғи бошқа.

—Қайдам...

— Қайдам эмиш. Мендан яхши биларсан.—Кулиб қараб қўйди Шурочка. Гулчирой ҳамон кўзини очмай чўнқайганича ўтирарди,—иккиланмай, бирисининг бошини тут.

— Қайсисини?

— Қайсисини эмиш. Билиб туриб ўзинини гўлликка соласан-а! Қудрат!.. Номиям салобатли, касби ундан яхши. Йигит шунақа бўлса... Оҳ-оҳ-оҳ... Биринчи курсдалигимда мени ҳам қурувчилардан бири яхши кўрар эди. Худди шу Қудратнинг ўзинди. Ёш эканман-да, ўзимга хўп бино қўйиб юрган маҳалим эмасми, димофироғимни кўрди-ю, уч-тўрт учрашувдан кейин ташлаб кетди. Нима қилай, айб ўзимда! Тақдирга тан бериб қолаверганман. Ухляяпсанми, даминг ичингга тушиб кетди.

— Борис-чи?

— Борисимни кейин учратдим. Биринчи кунданоқ ошиқ бўлиб қолган эдим унга. Дидингга мос тушадиган йигитни кўрган замонинг ўзинини йўқотиб қўясан. Ўша дастлабки кинога борган кунимиздаги сенинг ҳо-

латинг ҳам менга шуни эслатди. Қудратга кўзинг тушди-ю, ўзингни йўқотдинг қўйдинг. Сени ҳеч таниёлмай қолдим. У ҳам сени севади. Кўзидан маълум. Йигит киши қиз боланинг юзига тик боқолмай, лалайдими, тамом, жигаридан урилгани ўша.

Гулчирой қучоқлаб олган ёстиқчани четга олиб қўйди.

— Қўйсанг-чи...

— Нима, ёлғонми? Бунақа пайтда ер тагида илон қимирласа билиб тураман. Шошма, рубашкамни олиб келай, кейин гаплашаман сен билан.

Гулчирой бошини аста эгиб, каравотнинг муздай темир суянчигига қўйди, худди бир меҳрибон қўл унинг бошини аста силаётгандай туюлди, ҳеч қачон бундай ҳолатни бошдан кечирмаган эди. Лаблари беихтиёр очилиб, майин товуш билан «Қудрат» деб қўйди.

Шу маҳал, кечаси унинг қўлидан қўйиб юбормай, ўзига томон тортаётган Абдусамаднинг қиёфаси кўз ўнгига гавдаланди. Бир чўчиб тушди. Сўнг кимдандир қаттиқ уялгандай юзларини яшириб олди. Шурочка кириб келди:

— Мени нима деб ўйласанг, ўйлайвер, Гули,— деди у,— сендан яширмайман, жоним. Илгари анча енгил табиатли қиз бўлганга ўхшайман. Бир эмас, иккита йигит билан юрардим-а, ишонасанми шунга. Икковини ҳам бирдай севсам керак, деб ўйлардим. Тавба, аслидачи?.. Ҳа, ке, қўй, ўтган гапга салавот... Шундай бўлмаганимда Бориснинг қадрига етмасдим, балки. Ҳар ҳолда у энг сўнггиси, энг яхшиси. Шунинг ўзи етади менга. Ортиқчасини бошимга ураманми! Ҳақиқий севги кишининг табиатини ўзгартириб юбораркан. Ўша енгилтаклигимдан асар ҳам қолмади. Дунёдаги ҳамма нарсага муҳаббат қўйдим, ҳамма нарсадан лаззат топадиган, атрофга янгича назар билан боқадиган, гўё Бориснинг туйғулари билангина яшайдиган бўлиб қолдим. Оҳ жонгинам, муҳаббатдан олийроқ нарса бормикин дунёда. Мен шу ишқим, шу туйғум билан бадавлатман, бахтиёрман, Гули. Сен ҳам сев! Юрагингга қулоқ сол, азизим, нима деб шивирласа, шуни қил. Иккиланма, ортингга қарама ҳеч. Қанотингни кенг ёз, парвоз эт. Ҳаётда яшашдан мурод ҳам, тирик қалбнинг муддаоси ҳам худди шудир, гўзалим!

Шурочка югуриб келиб Гулчиройни маҳкам бағрига босиб олди. Улар жимгина бир-бирларини қучоқлаб, бир-бирларининг бошларини аста силар эдилар.

— Сен излаганингни топдинг,— давом этди яна Шурочка.— Абдусамадни ёмон демайман. Чиройли, талантли, келажаги порлоқ йигит. Аммо севишни билмайдн. Унақа тоифадагилар ўз ҳуснига, ўз кобиллятига ишонади. Бунга ақлинг етади. Шунинг учун уни унча хуш кўрмайсан. Қудратга ўхшаганлар бошқа олам. Қалби соф, дили бегубор йигит кўринади. Уни севсанг арзийди.

— Албатта севиш зарурми?— яна муғомбирона кулди Гулчирой.

— Бўлмасам-чи. Севиш, севганинг билан қовушиш, кўнайиш, яшаиш керак. Ахир қурт-қумурсқадан тортиб, бутун мавжудот ўз тенгини топиб, даврини суради. Биз, хотин-қизларнинг қалби худди компасга ўхшайди. Шу компас ёрдами билангина тенгимизни топа биламиз. Аммо йигитнинг ички дунёси гўзал бўлиши керак. Борди-ю, у бу хил фазилатлари билан қалб магнитига таъсир кўрсатолмадимн, тамом, ундан дарров узоқлашишни ўйлаш керак. Юрак амрига бўйсунмаслик эса подоиликдир. Чунки юрак тош эмас, айниқса бизларники. Сенинг ҳам магнитинг худди Қудрат томонга огаётганга ўхшайди. Бунн яширма мендан. Ҳаммасини кўриб, билиб турибман, азизим!

Гулчирой унинг пинжига кириб, Қудрат билан ўша биринчи учрашган туни, бирга қишлоққа кириб келган дамларни ҳам хотирлади. Ўшанда қўполлик қилиб Қудратни силтаб ташлаган эди. Тавба, бемаҳал бўлгани учун уйингизга кузатиб қўяй деса ёмонми? Бироқ вазият шуни талаб қилиб қолган эди-да. Ҳарқалай, яхши бўлмаган экан. Балки у ҳаммасини унутиб юборгандир. Агар ранжиган бўлганида бутунлай кўзга кўринмай кетар ва ҳатто Шайтонжарни баҳона қилиб, уни излаб юрмас эди. Кейинги қуилар-чи?..

Гулчиройнинг фикрлари чувала бошлади. Бирданига жиндий иш қилаётгандай юраги ичига тортиб кетди. Ахир йигит киши юр деса биргалашиб кинога бориб юрибди-я. Бундай қилиш қиз болага ярашмас балки? Мана энди... Ёўқ, Шурочка гапираверади. Унга гапириш осон...

Шундан кейин Қудратга кўринмасликка, иложи борича ундан қочиб юришликка уринди. Қудрат икки марта келганида ҳам қорасини кўрсатмади. Лекин бу қилиғи юрак амрига хилоф эканини сезиб турарди. Назарида қуилар ниҳоятда секин ўтаётгандай эди, кечалари тонг ҳадеганда ота бермас, ўзи ниманидир

орзиқиб кутар, тоқати тоқ бўларди. Ажаб, ҳеч қачон шундай ҳолни бошидан кечирмаган эди-ку! Нега ўзини ўзи бундай қийнайди?..

Қурувчилар кунининг эртасига Қудрат яна келди. Аммо бу сафар қиз ўзини опқочмай, унинг олдига чиқди. Қудрат уни яна кинога таклиф қилган эди, уни рад этмади. Хайрият, кеч қолибдилар. Кино бошланганига йнгирма минутдан кўпроқ вақт ўтибди. Бу Қудрат учун жуда кўнгилдагидай иш бўлди. Улар кинотеатр орқасидаги ширингина бир боққа кирдилар. Ёртепаликлар оқшом пайтлари кўпроқ ўз ҳовлиларида ўтиришга одат қилганликлари учун бу боғчада сайр этувчилар кам бўлар, қоронғи тушган чоғда бу ер бутунлай бўшаб қоларди. Ана шу дарахтлар панасига яширинган скамейкалар, эрта баҳордан тортиб, то кеч кузгача ранг-баранг тусга кириб турган гулзор, тор-тор йўлкалар қанчадан-қанча ошиқларнинг тотли сирларининг гувоҳи бўлдикини? Кимларни бахтиёр турмуш, аҳил оилага муяссар қилгану, кимларни ҳижрон азобида дучор этганикини?

Қудрат нима учун Гулчиройни худди шу хилват сайргоҳга бошлаб кирганлигини ўзи билмасди. Гир этган шабада йўқ. Баланд-баланд тераклар, ям-яшил сирень шохлари, пушти ранг, сариқ, сафсар гулли чирмовиқлар, қални майса ўтлар — ҳаммаси сеҳрлангандай.

— Шу қишлоқда шунча туриб биринчи киришим бу боққа,— деди Гулчирой атрофга тез-тез кўз югуртираркан.

— Мен-чи? Мен ҳам.

— Сизларнинг ишингиз хийла оғир бўлса керак? Кундалик графикани ошнғи билан бажариш ҳазилакам иш эмас.

— Ҳа, енгил эмас.

Гулчирой муштумини қисиб кўксига босди.

— Бизнинг ишимиз ҳам енгил эмас. Эртадан-кечгача у ерни ковла, бу ерни ковла, тупроқ чангаллашдан бўшамаймизу, яна бошлиқларимиз дағдаға қилишади.

Қудрат жилмайиб қаради.

— Мен ҳам жонимни жабборга бериб ишласам-да, бошлиқлардан дакки еганим-еган.

— Лекин сиз бўш келмасангиз керак дейман?

— Шунақага ўхшайдими?— кулиб жавоб қилди Қудрат. Бошлари узра эгилиб турган бир шохдан шаллоқдай япроқ узди-да, бармоқлари орасида айлан-

тира бошлади.— Касбимиз шунақа, тортишиб, олишиб турмасак, ҳеч ишимиз ўнгидан келмайди.

— Сиз ўз касбингизни жуда севасизми?

— Жуда севаман. Сиз-чи?

Қизининг кўзларида ғурур учқун чакнаб кетди.

— Мен ҳам,— деди у кўкракдан чиққан овоз билан.

Ким ўз касбини севмайди. Қурувчилик Қудратнинг жон-дилидан севган ҳунари. Ер шарининг ҳар тарафига қон томирдай йўл очаверади. Орқага қайтиш йўқ. Фақат олға, донмо олға қараб кетаверади. Узумини енгү боғини сўраманг, деганларидай, одамлар шундай ажойиб йўллар кимларнинг қўли билан яратилганини сўрамайдилар, ҳатто эсга ҳам олмайдилар. Бунга сен ҳеч ранжимайсан, ўз роҳат-фароғатингдан ҳам вақтинча кечинга, ҳовли-жойинг, оиланг, дўст-биродарингдан ҳам узоқда яшашга розисан. Ҳижрон, фироқ алангасига бардош берасан. Худбинлик деган нарсанинг учун шармандалик, бекорчилик — душманинг, «сеники», «меники» эмас, «бизники» деган сўз ҳамроҳинг. Шу билан мағрурсан, шу билан бахтиёрсан.

Гулчирой ҳам бир сакраб пастаккина шохни эгмоқчи бўлган эди, япроқлари сидирилиб тушиб, қўлида битта ҳам бутини қолмади. Қудрат ўзиникини унга узатди.

— Хазонрезгиллик яқинлашиб қолибди,— деди қиз япроққа тикилиб.

— Кейин ёғингарчилик бошланиб, ишимизнинг бе-лига тепади, бу ерининг кузи жуда инжиқ, қиши ундан баттар дейишади.

Суҳбатнинг расмий тусдан нарига ўтмаслиги Қудратнинг гашига тега бошлади. Бундай гаплар учун гўё бошқа вақт топилмайдигандай. Нечун учрашишди, боққа нега киришди ахир? Бахт-толенни синаб кўриш не тағи йўқмиди дилида? Наҳотки ўрталарида муҳаббатга алоқаси бўлмаган жиддий масалаларни ўртадан вақтинчалик улоқтириб ташлашга қурбнлари ет-маса!

Боғнинг бошига етишганда шабада ғир-ғир эса бошлади. Япроқларнинг аста шилдираши гўё ажойиб қўшиқ садосидай қалбларга қуйиларди.

Улар юришдан тўхтадилар. Қудрат юраги жуда тез ура бошлаганидан қўрқиб кетди. У ўзининг юраксизлигидан жуда хафа бўлди. Наҳотки, кимсасиз бир боғда юрсалару шу гўзал маҳбубасининг қўлидан ушлашга ҳам журъат этмаса!

Қудрат бирдан бошини кўтарди. Ишқ-муҳаббат тўла кўзлари билан қизнинг яшнаган юзига, қошларига, лабларига, иякларига тикилди-ю, елкалари хиёл титраб кетди. Кейин гўё ёлворгандай:

— Гулчирой!— деди,— Гулчирой.— У қўлларини чўзиб, қизга яқинлашди. Қиз сал орқага тисарилди-да, кейин бехосдан оқариб кетди. Қудрат иккинчи марта яқинлашиб уни ўз оғушига олди.

— Сизга нима бўлди, Қудратжон ака,— деди қиз қалтираган товуш билан,— ўзингизни тутинг,— шивирлади яна, аммо у ҳам ўзини йўқотиб қўяёзган эди,— биров кўрса нима дейди?..

— Гулчирой, Гулим!— дерди Қудрат ҳамон кўзларини очмай,— мен...

У сўзини тугатолмади. Пастаккина бута орқасида кимнингдир йўтали эшитилди-ю, гапи оғзида қолди. Қиз бир нарса чаққандай сесканиб, йигитнинг оғушидан чиқди-да, орқага тисарилди.

— Уялмайсизми, Қудрат ака?— деди у ёшга тўлган кўзларини мўлтиллашиб, кейин чопганича кетиб қолди. Қудратнинг қаршисида Худойқулов сарғиш тишларини курсатиб турарди.

— Ёпирай, сизмидингиз, улуғ? Кечирасиз, халал берибман шекилли...

Қудрат еб қўйгудек бўлиб унга тикилди-да, кейин шартта орқасига бурилиб кетаверди.

— Афсус, афсус, бетамизлик қилибман-да, айбга буюрмайсиз,— орқадан эргашиб келаверди Холдор.— Келиб-келиб йўлим айни шу томонга туша қолганини айтмайсизми-а! Анави ёқдан айланиб ўта қолсам бўлмасмиди. Лекин улуғим, сизга қойилман, ҳеч бўш келмайдиганлардан экансиз. Анави сафар Назокатхоним билан учратувдим. Бу сафар... Қандингизни уринг, уял бола, омадингиз келибди, ҳи-ҳи-ҳи...

— Менга қаранг, Худойқулов,— Қудрат тутоқиб кетди,— олифта гапларингизни қўйинг. Келган томонингизга қараб жўнаб қолинг яхшиси. Мен сизнинг қандай одамлигингизни биламан. Масхарабозлигингиз кетмайди ҳозир.

Холдор яна ҳиринглади. У ширакайф экан.

— Ёпирай, қизишманг, улуғим, қизишманг. Нуқсонсиз одам борми дунёда. Қамчиликларимни айтсангиз қабул қиламан, майли, энди масхарабоз ҳам бўлдик. Майли-майли, ари чақса аразлама, болн бор, дегандай, бу гапингизни ҳам қаттиқ олмайман. Хўп антиқа одам-

сиз-да, улуғим. Хўп антиқа одамсиз. Лекин чаканамас-сиз. Бу ёғини ҳам айтиб қўяй. Ҳа, чаканамассиз. Ўзаро танқид-да бу ҳам, ҳи-ҳи-ҳи... Мендан хотиржам бўлинг, бугунги воқеани ҳеч кимга етказмайман. Туя кўрдингми, йўқ, ҳи-ҳи-ҳи.

Нимага ишора қияпти бу? Қудратни тузоққа туширдим демоқчи шекилли?

— Бунинг эвазига нима талаб қиласиз мендан?— сўради Қудрат ўсмоқчилаб.

Холдор яна ҳиринглади. Дағал қўлларини Қудратнинг елкасига қўйди.

— Сиздан хомтамалик қиладиган жойим йўқ, улуғим, сиздан бизга ҳеч нарса керак эмас.

— «Менга» деб гапиринг,— унинг сўзини бўлди Қудрат,— «бизга» деган сўзни ишлатманг ҳеч маҳал. Чунки сиз ёлғизсиз. Сиздай ярамас одам жуда кам орамизда!

— Афсуски бор, шундайми? Жаҳлингиз бурнингиз учинда турмаганда айтадиган гапларим бор эди-я, улуғим. Ҳа, майли, кейинга қолдирамиз.

Қудрат тўхтаб қолди.

— Йўқ, ҳозирнинг ўзидаёқ айтнинг айтадиганингизни. Қани, эшитайлик-чи?

— Хўп, улуғим, хўп. Сиз аввал ўзингизни босиб олинг, қизишиб турибсиз. Бўлдими? Менда битта илтимос бор, улуғим. Бундан кейин орамиздаги баъзи бир совуқчиликларга барҳам берсак, ҳар қандай тушунмовчилик бўлса, тинчлик йўли билан ҳал қилсак. Ҳеч гапимиз гапимизга, сўзимиз сўзимизга тўғри келмай қолди. Нима, отамиздан қолган меросни — мол-дунёни талашяпмизми?

— Хўп, бу фикрингизга қўшиламан. Яна нима гапингиз бор?

— Шу холос, улуғим, шу холос. Қани келишдикми? Қўлингизни бир қисиб қўяй бўлмасам, ҳа, балли. Ай-шингизни сураверинг энди. Бировга бир нарса деб сирингизни очсам, тил тортмай ўлай.

— Тўхтаг, қанақа сир?

— Ахир... бугунги... ҳалиги қиз билан...

— Буни карнай қилиб чалсангиз ҳам кўрқмайман, Худойқулов!— ғазаби қайнаб деди Қудрат.— Сир эмиш... Сиз мени бирор жиноят устида тутдим деб ўйлаяпсиз шекилли. Ҳеч ким менинг шахсий ишимга дахл қилолмайди, тушундингизми? Боринг, тошингизни теринг.

Шундан кейин ҳам Холдорнинг умиди пучга чиқмади шекилли, башарасида бирор ўзгариш юз бермади. Афтидан, Қудратни ёш бола билиб, қўрқитиб олмоқчи, шу билан ўзининг наряд масаласидаги айбини ҳам босди-босди қилиб кетмоқчи эди.

— Қўрамиз,— деди Холдор бошини қашлаб ва дарров гапни бошқа ёққа бурди.— Хўп дилбар кеча бўптими, бугун? Сизнинг билганингиз билган, улуг, шунақа пайтда айш суриб қолиш керак. Фароғатингизни бемавруд бузиб қўйдим-да, кечирасиз. Ҳалиги қушча қўлингиздан учиб кетди... Ўзиям қаймоқдаккина экан. Қандингизни уринг-эй! Аммо ҳушёр бўлинг, бунақа жононлар сизга ўхшаганларнинг ўнтасини бир чўқишда қочиради. Қўлга ўргатгандан кейин маҳкам ушлайсиз-да, хўпми?

Қудрат тарс этиб тарсаки тортиб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Холдорнинг кўзларидан учқун чақнаб кетди. Аммо жадал юриб кетаётган Қудратнинг орқасидан югурмай, турган ерида лабини тишлаганича қотиб қолди. Тарсаки тушган юзининг тафти қўлни куйдиргудек эди. Аммо қилмишимга яраша таъзириمنى едим деб, тавбасига таянмади. Ўзини гуноҳсиз ҳақоратланган ҳисоблаб, қасос олиш кераклигини кўнглига тугиб қўйди. Кейин ари уясидай ғувиллай бошлаган калласига янги бир фикр келиб қолди-ю, шуни амалга оширмоқ учун Назокат турган ҳовлига томон шошганча чопиб кетди.

XVII боб

ТУҒРИ ГАПНИНГ ТУҚМОҒИ БОР

Икки кунгина илгари бошқармага чақирилган Тешавой ранги қув ўчган ҳолда, қақшаб-қалтираб келди-да, тўппа-тўғри Худойқуловнинг олдида борди.

— Менинг номимдан хат битиб, Қудратжон устидан шикоят қилибсиз, бу нима қилганингиз, оға?!

Холдор гап қанақа хат ҳақида бораётганлигини, демак бошлиқ бирма-бир одамларни чақириб, Қудратнинг устидан тафтиш бошлаганини дарров пайқади. Бир кўнгли хурсанд бўлса, бир кўнгли хира тортди. Чунки бошда унинг назарида Қудратдан порозилик кучаяётгандай туюлган эди, кейин бунинг акси бўлаётганини

фаҳмлаб, хавотирга тушди. Фитна уюштирамоқчи бўлиб кимни ёнига тортмоқчи бўлса, ундан дакки еди, бирдан-бир ишонган тоғи бўлган Мардоновнинг ҳам феъли айниб қолди. Нега шундай?

Чулки одамлар ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини тушуна бошлаган эдилар. Худойқуловнинг уринишлари пучга чиқиб, худди қўйхонага қамалган бўри сингари гангий бошлади. Мана бу Тешавой ҳам бир принципда турмайдиган одам экан. Ахир «ё у турсин трассада, ё биз» деб додлаб юрган ким эди? Ҳатто шикоятнома ёзишга кўнгандай бўлувди-ку?

— Ўзингиз «балони олдини олмасак бўлмайди, йўқса ўз ногорасига ўйнатади бизни» деганингиз учун сизга холис хизмат қилдим-да, оғайни, — деди Холдор, — лекин тўғри қилдим, деб ўйлайман. Бу иш сизнинг, бизнинг — ҳаммамизнинг истиқболимиз учун ҳайрлидир. Сиз улуғимнинг бугунги мурувватларига ишонманг, эртага ҳар биримизнинг бошимизда ёнғоқ чақиши турган гап.

— Эй, оға, бундақа воситачиликди йиғиштириб қўйинг, биздлар сиз айтган одамлардан эмасмиз. Қудратжон ишди кўзиди биладигонлардан экан. Бир замонлар ундан нолигон жайим бўлса, дилбўшлик қилиббиз-да, энди кечирсин. Ҳақ суйганди — халқ суяди. Биздларга ёқти у одам. Тил эрди қабрга солар, норди — қозонга. Қўйинг, оға, унга туҳмат қилмайлик. Бошлиққа ҳам шундай деб айтдим.

— Нодонсиз-да, нодонсиз, оғайни, — деди Холдор, — оғзингиз куйиб, аттанг дейсизу тилингизни тишлаб қоласиз ҳали.

— Сиз ҳам оғзингизга қараб гапиринг-да, оға, — ўрнидан сапчиб турди Тешавой, — нодонди ўзи билмас, ўзгани кўзга илмас. Нодон деб сизди айтса бўлур. Ўзингизди шер билиб, Қудратжонди қаро ер бимоқдасиз. Ўз фойдангизди деб, бизларди овчи ит ўрнида ишлатмоқчисиз. Ярамайди бу, оға. Илло, билло сиздан қўлимди ювиб, қўлтиғимга урганм бўлсин.

Тешавой барини қаттиқ силкиди-ю, четга бир туплаб узоқлашди. Унинг тупуги Холдорнинг юзига тушгандай бўлди.

— Ёпирай? Жаҳлингиз чиқишини биринчи кўришим-а, — деди унинг орқасидан югуриб, — қойил-қойил, ҳазил гапга ҳеч йўқ экансиз-да, оғайни. Мен сизни синамоқчи эдим, холос, хайрият, хайрият, улуғимга муҳаббатингиз зўр экан, хайрият.

Тешавой унинг қўлини ўз елкасидан олиб ташлади.

— Синашта бўмаган отнинг ортидан ўтма, деган сўзди эшитганмисиз? — У шундай қаҳр билан қарадики, Холдор орқада қолишга мажбур бўлди. — Қўрқманг, ҳамма гап шунда қолади, — деди яна Тешавой рақибининг юраксизлигидан кулиб, — мен бировга сўз топишди ёмон кўраман.

Ҳеч кутилмаганда бошига яна бир бало орттириб олгани учун Холдорни ваҳима босди. Борган сари иши чаппасидан кетаётганига хуноб бўлар эди. Гарчи «тулкидай айёру, қашқирдек олғир бўлиш» лик назариясига риоя қилса ҳам, тажрибага келганда нуноқроқ экан. Бунинг устига Қудратнинг: «Ҳар ой маошингиздан маълум процент тўлаб, давлат олдидаги қарзингизни узасиз» деган буйруғини бажаргани йўқ. Бошлиқ номига изохнома ҳам ёзмади. Икки мартача маош олди... Патирдан қил чиқмас, бахилдан пул, дегандай, киссасига тушганини яна қайтариб бериш унга оғирлик қилди. Буни Қудрат ҳам сезиб юрибди, аммо индагани йўқ. Ишқилиб охири бахайр бўлсин...

Салимов эса бир-икки киши билан суҳбатлашгандан кейин шикоятномаларнинг қалбакилигига ишонч ҳосил қилди шекилли, Холдорни чақириб олиб, роса таъзирини берди. «Беғуноҳ одамнинг устидан тухмат қилганингиз учун жавобгарликка тортиласиз», деди. Холдор ҳам бўш келмасликка тиринди. «Бирга ишлаб кўрмаганингиздан кейин у қандай одамлигини билмайсиз-да, улуғим. Мана кўрасиз, эртаси индин қурувчилик шайинга иснод келтиради», деди у ўзини ҳалол одам қилиб кўрсатишга уриниб. Ботировнинг таклифи билан шикоятномаларни ҳозирча омма муҳокамасига қўймасликка ва ҳатто Қудратга ҳам буни билдирмасликка қарор қилишди. «Энди бу ёнига ҳушёр бўлиш керак. Афсуски, яккаланиб қолибман-да», деди ичиди Холдор. Шунинг учун ҳам боғда Қудрат: «Бизга» деган сўзни ишлатманг ҳеч, чунки сиз ёлғизсиз» деганда, юраги орқасига тортиб кетган эди. Уша маҳал бирор жанжал чиқарини, шу билан прорабнинг обрусини бир пул қилиш ниятида орқасидан боққа пойлаб борган эди. Калтак есам икки-уч мушт ерман. Ҳатто у бирор еримни яра қилса ҳам майли, айни муддао бўлади, деб ўйлаган эди. Аммо бир тарсаки билан «ҳажини» қабул бўлди. Бир тарсаки зарбидан гангиб қолди-ю, жанжал чиқаришга улгуролмади. Бунинг устига гувоҳликни

бўйинига оладиган бирорта томошабин ҳам йўқ эди. Алами бўғизига келиб тиқилиб қолди.

Унинг бу пиятидан бежабар бўлган Қудрат: «Нега шу мунофиқнинг юзига бир тарсаки уриш билангина кифояландим-а?— деб ачинди,— бошлаб адабнинг бериш керак эди». Кейин тунини бўйин ухламай, хаёлида ўша «мунофиқ» билан жанг қилиб чиқди. Эрталаб туриб: «Ҳар ҳолда менинг устимдан бошлиқларга арз қилиш учун яна бир баҳона топилди унга», деб ўйлади.

Шунинг учун ҳам уни бошқармага чақиришганда ўзинча: «Ана, айтмадимми» деб қўйди.

Салимов кабинетга ҳеч кимни киритмаслигини буюрди. Қудрат билан бош инженер узун столнинг икки томонига бир-бирларига қарама-қарши ўтирдилар. Бошқарма бошлиғи столи ғаладонидан блокнот олиб Қудратга савол назари билан қаради.

Маълум бўлишича, трест Қудратнинг лойиҳа масаласидаги ёзма докладини шошилинич равишда талаб қилиб қолибди.

— Ўша докладнингизни сақлаб қўйганмисиз, бордир-ю, йўқ қилиб юборган бўлсангиз, қайта ёзиб бера оласизми?— деб сўраб қолди бошлиқ.

«Ие, докладноманинг дарагини трестдагилар қаёқдан билишга қолдиргани?» деб ўйлади Қудрат.

— Болтаев деган одамни танирмидингиз?

Бе, гап бу ёқда экан. Ҳа, танийди, хўш, нима қилибди? Бош инженер портсигарини қарсиллатиб очди-да, папирос олиб тутата бошлади.

— Нима деб ваъда қилгандингиз унга?— яна савол берди Салимов.

Қудрат Шайтонжарга боргани, ободонликлар билан учрашганини батафсил сузлаб берди. Аммо бу бошлиқлар учун янгилик эмас эди. Шунинг учун юзларида ҳеч ўзгариш сезилмади. Ботиров эса ҳамон: «Бошимизга қанақа ғалвалар ёғдираётганингизни бияписизми?» дегандай унга тикилиб қарарди.

Болтаев райкомга бориб, трассани Ободон томонга буриб юбориш мумкинлигини исботлабди. Қудратнинг докладнома ёзганини эшитган экан, уни ҳам айтибди. Райком ходимларини оёққа турғизиб, юқори идораларга хат ёзишни талаб қилибди. Хуллас, шундан кейин трест раҳбарлари ҳам ҳаракатга тушиб қолибдилар.

— Уни қўйинг, буни қўйинг, трассани янги изга

солиш ижобий натижа беришига ишонасизми?— деб сўради Салимов.

— Ишонаман!

Орага бош инженер суқулди:

— Мен ишонмайман!

— Нима учун?

— Шунинг учунки, ҳеч исботланмаган даъволарга суяниб, катта гапираверишдан яхши натижа чиқмайди.

— Сизга яна қанақа исботлар керак? Энг олдин ўзингиз бориб текшириб келсангиз-чи?

Салимов бурнини ғалати жийириб, панжалари билан столни чала бошлади:

— Шундай қилиб ишонаман денг?— сўради у хаёлчанлик билан.

— Албатта... Қўлимда ҳозирча ҳеч қандай ёзма далилим йўқ. Аммо ишончим комилки...

— Кафиллик бера оламан денг?— Қудратнинг сўзини бўлди бошлиқ.

— Ундай демоқчимасман...

— Гапингиздан шу маъно чиқиб турибди-ку? Биз учун ҳозир кафиллигингиз керак-да, ўртоқ.

— Менинг номимдан ўзингиз трестга кафиллик бераверишг бўлмасам.

— Йўқ, мен кўзим кўрмаган, билмаган нарсага кафиллик беролмайман. Оғзаки кафилликка ким ишонади ахир? Қуруқ гап билан қўйини тўлғазиб бўларканми? Борди-ю, ишонишди ҳам дейлик. Кенгаш чақирилади, комиссиялар тузилади. Ғалаба қозонсак-ку, хўп-хўп, ноҳақ чиқсак, маломатдан бошимиз чиқмай қолади, ўртоқ.

— Қудратжоннинг бирдан-бир мақсади ҳам шу-да,— ачитиб гапирди бош инженер.

Қудрат сапчиб ўрнидан турди-ю, очиқдан-очиқ ҳужумга ўтди.

— Иғво, бу гапингиз, иғво, Пардавой ака! Мени кимга ўхшатяпсиз, Худойқуловгами?

Бош инженер ниҳоятда босиқлик билан:

— Бу гапга Худойқуловнинг алоқаси йўқ,— деди ва бамайлихотир папирос чека бошлади.

Салимов кўзларини қаттиқ юмиб олди-да, жилмайди:

— Беҳудага кўпириб тошаверманг,— деди у бош инженерни ҳимоя қилишга ўтиб,— ўтиринг. Шундай, ўртоқ, ҳақиқатни қаттиқ жанг билан қўлга киритиш

мумкин. Чунки лойиҳа авторлари ҳам ёш бола эмас — У Боти́ровга бир қараб қўйди.— Лойиҳачилар бюроси бор. Уларнинг фикрини рад қилиш осонми? Дарров ён бериб қўя қолишадди дейсизми? Йўқ, бизга қарши кураш очишлари турган гап, кўрдигизми, масаланинг бу томони ҳам бор ҳали. Сиз бўлсангиз, битта гапга бардош беролмай кўпириб кетяпсиз.

Қудрат ўсал бўлиб, деворий газетадаги ўзининг кариктурасини эслади. Жип урсин шунақа енгилтакликни! Бу ҳам оз менга!

— Демак, бизга ҳаммадан аввал пухта мулоҳазаларингиз ёзилган ўша хатингиз керак,— деб хулоса чиқарди Салимов.— Агар мулоҳазаларингизга ишонмай иккиланиб қолган бўлсангиз, мен трестга телефон қилиб, шундай-шундай, бир оз тушунмовчилик бўлибди, деб қўя қоламан. Агарда, йўқ, бу ишга бошим билан жавоб бераман, десангиз, эртагаёқ бориб, биргаликда атроф билан танишиб келамиз. Кейин хатингизни трестга ўзим олиб бораман. Ҳар қандай кураш, жанг бўлса қайтмайман. Бу ёғи трест экан-ку, ундан юқори-роқ жойларга ҳам бориб, масалани кўндаланг қўйишдан тоймайман. Мана, кўрасиз. Келишдикми, ўртоқ?

Қудрат: «Бари бир сенинг айтганинг бўлмади-ку» дегандай, ер тагидан бош инженерга қараб қўйди. «Масалага мана бундай қараш керак. Ҳа, бошлиғимиз ҳам мулоҳазали одам экан. Мен бўлсам ундан шубҳаланиб юрибман».

...Ёлғиз қолган Салимов ўзини енгил ҳис қилди. «Ҳақиқатан ҳам довюрак йигит экан,— деб ўйлади у. Қудрат ҳақида.— Парвози баланд қурмагурнинг, шу учишда узоққа боради. Аммо ҳали қаерга бориб қўнишни билмайди чамаси. Бир оз қизиққонроқ. Ёки ёшликнинг аломатимикини бу?» Уч йилча бурун Салимовнинг ўзи ҳам худди шундай бир масала устида талашиб, жўшиб-қайнаб кетмагани эди? Кураш шунчалик кескин тус олган эдики, собиқ бошлиғи уни ўз вазифасидан четлатиш билан қутулмоқчи бўлган эди. Аммо ҳақ бўлгани учун унинг тарафдорлари кўпайиб кетган эди. Қудратга ҳам шундай ҳомийлик қилиш керак. Боти́ровнинг ёнини олавериш ярамайди. У билан очиқ гаплашиб олишга тўғри келади. Тажрибаси кўп, илми кўп деб ҳурмат қилган сари ҳаддидан ошяпти.

Қудрат лойиҳани тузишда Боти́ров ҳам бевосита

ништирок этган деб ҳеч ўйламаган эди. Шу бугун билди. Вой, писмиғ-эй, шунн бир оғиз Қудратга айтиб қўймаганини қаранг. Қудрат бўлса унинг лойиҳани тиш-тирноғи билан ҳимояси остига олганига ҳеч туншунмай юрибди-я. Майли, бундан буён ҳам ўзини билмаганга солиб юравергани маъқул. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича қолаверсин...

У «газик»да бош инженер билан ёнма-ён ўтириб қайтаркан, иккови ҳам ўзини ноқулай сезарди.

— Кечирасиз, Пардавой ака,— деди у,— ҳали бошлиқ олдида...

— Ҳечқиси йўқ,— деб унинг сўзини бўлди Ботиров бепарволик билан,— баъзан одам ўзидан ўтганини билмай қолади. Аммо яна қайтариб айтаман. Иш юзасидан тортишиб қолганда айтилган сўзларни ишдан кейин эсга олишни ҳеч ёқтирмайман, Қудратжон. Менга араз қилиб кўрпа-тўшагингизни кўтариб кетдингизу кампирдан балога қолдим. Икки гапнинг бирида таъна қилади. «Ҳаммасига ўзинг айбдорсан, бола бояқишининг кўнглига қаттиқ теккансан» деявериб ҳолижонимга қўймайди. Ҳали ҳам қайтиб келинг ҳовлига, дўстим. Ўрганиб қолган эканмиз, уйимиз ҳувуллаб қолди.

Қудрат Ботировнинг бу гапларидан эмас, ўша ҳовлидан чиқиб кетганидан бери уни ўз ўғлидай кўрган ва дам-бадам эслаб турувчи кампирнинг олдида бирров кириб чиқмаганлиги учун хижолат тортиб қизарди. Бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдиришнинг нима ҳожати бор эди! Ҳозиргина иш юзасидан даҳанаки жанг қилиб туриб, бирпасдан кейин бояги-бояғидай топишиб кетадиганлар қанақа экан-а? Мана Пардавой худди шунақалардан. Қудрат ҳам унга ўхшаса бўлмасмикин!

Шундан кейин хаёлан ўзини унинг ўрнига қўйиб кўрди. Уришади, сўкишади, тортишади. Кейин апоқ-чапоқ бўлиб кетаверади... Бироқ бу ниҳоятда ясама, гуё ўз касбдошини масхаралаётгандай туюлади унга. Артистлик унинг қулидан келмас экан. Ҳар кимнинг ўзига хос ҳаёт кечириш тарзи бор. Ҳар ким ўзича яшагани яхши.

— Худойқулов билан орангларда яна нима гап ўта қолди?— унинг хаёлини бўлиб сўради бош инженер.

Машина ғизиллаганча борарди. Қудрат шундай оёғи остида ётган бир парча қоғозни олиб, ундан ки-

чиккина қайиқ ясаркан, «дарров етказган экан-да» деб уйлади.

— Арзимаган гап.

— Жиддий бир гап борга ўхшайди. Устингиздан яна шикоят ёзиб бермоқчи у.

Қудрат қайиқчани ғижимлаб, юмалоқ қилди-да, ташқарига отиб юборди.

— Ёзаверсин!

— Мен йўл қўймадим, бўлар-бўлмасга шикоят ёзаверишни ташланг, яхшиси мурса қилинглар дедим.

— Мурсага бало борми!

— Икковларнинг нимани талашяпганларингга ҳайронман. Сиз тажангсиз, у тажанг...

— Худойқулов ярамас одам. Унинг кирдикорларини айтиб берсам тепа сочингиз тикка бўлиб кетади.

Шундан кейин Холдор тўғрисида билганларини тўкиб солди. Ботиров кўп нарсаларни билиб юрса ҳам, наряд масаласидаги қилмишлардан беҳабар экан. Бунни эшитиб тутоқиб кетди. Тўғри гап келганда отасини аямайдиган Қудрат, пайтдан фойдаланиб, Холдорнинг шу вақтгача кимни орқа қилиб юрганини ҳам яширмади. Пардавойни бепарволикда, бўшангликда айблади.

— Биласизми,— деди бош инженер унга қайрилиб қараб,— сиз мени тергамаёқ қўя қолинг. Сиздан обрўлироқ кишиларнинг тавсияси билан тайинланганман бу ишга.— Сўнг папирос тутатиб чека бошлади.

Қудрат ичида. «Ҳа, алам қилди шекилли, ҳақ гап баъзан шунақа аччиқ бўлади» деб кулиб қўйди.

— Сиздан бошқа одам бўлганда, ҳозироқ қанақа бўшанг одамлигимни кўрсатиб қўярдим,— деди Пардавой ўзини босолмай. Қудрат уни ҳеч қачон бу ҳолатда кўрмаган эди. Шунинг учун унинг нафаси ичига тушиб кетди. Бош инженер тутатиб гапирди:— Мен қайси ишда ўзимнинг бўшанглигимни кўрсатдим?

— Тагин ўша гапга қайтаизми? Майли, мен айтману лекин яна хафа бўласиз-да. Тўғри гапнинг тўқмоғи бўлади дейдилар-ку? Шу тўқмоқ қаттиқ тегиб кетмасин, қўйинг, индамаганим маъқул.

— Йўқ, айтинг, хафа бўлмайман, айтаверинг.

Қудрат кафтини оғзига тутиб икки-уч томоқ қириб олди.

— Худойқуловнинг бутун қилмишларидан хабардор бўлмаслигингиз мумкин эмас. Ҳаммасини билиб юрган бўлсангиз ҳам, нидамагансиз. Ҳатто участкани боши берк кучага олиб келиб тиқаётганини кўрган бўлсангиз ҳам, ўзингизни кўрмасликка солгансиз. Унинг қурилиш соҳасида етарли билимга эга эмаслигидан ҳам хабардорсиз. Кўриб-билиб туриб, ҳимоянгиз остига олиб келдингиз. «Мен уни камситишга йўл қўймайман» деганингиз эсингиздами? Ҳа, Худойқулов учун унинг найрағларига уцадиган сиздай юмшоқ раҳбар керак эди. Излаганини топиб хурсанд бўлиб юрган экан, орага мен келиб суқилдиму...

Пардавой қизариб кетган кўзларини лўқ қилиб унга қаради.

— Хўш, яна нима дейсиз?

— Янами?..

Қудрат келгандан бери қандай ножўя ишларни кўрган, эшитган бўлса, ҳаммасини айтиб солди. Бош инженер унинг гапи ҳақ эканини ичдан сезиб турар, баъзан эътироз билдиргиси келса ҳам, бу чўрткесар йигит бирор далил билан яна зарба бериб қўйишлигидан чўчир эди.

— Хўп, Худойқуловнинг ҳаддан ошиб кетишига мен сабабчи эканман, нега буни илгарироқ айтмадингиз? Мажлисга қўйиб танқид қилишингиз мумкин эди-ку? Қим айтади сизни демократияга тушунган одам деб?

Бош инженернинг қувлик қилаётганини Қудрат сезиб турарди. «Ҳа, ҳолинг шу экан-ку?» деб мийиғида кулди у.

— Шикоятбозлик қилиб юрганининг тагида гап бор экан-да?— деди бош инженер гўё энди Қудратнинг ёнини олаётгандай, — ҳаммаси ўз ишини хаспўшлаш учун экан-да?

Шу гапдан кейин идора ишини кучага олиб чиқишни ноўрин деб биладиган Пардавой, гап тамом дегандай тескари ўгирилиб олди. Қудратнинг бемаврид баҳс очилишига ўзи мажбур қилди-ю, яна унинг гапларидан энсаси қотди. Лекин, ҳар ҳолда бошда димоғдор, ўзбилармон бўлган бу одам, секин-аста Қудратнинг гапларига диққат билан қулоқ соладиган бўлиб қолаётган эди. У уйга қайтиб келгач, юмшоқ болишни бағрига босганича сунада ўтираркан, Қудрат айтган гапларнинг маъзини чақишга уринарди.

ЭШИК СЕКИН ОЧИЛДИ-Ю, ҚАТТИҚ ЕПИЛДИ

Эшикни яна узун кўйлакли қиз очди.

— Вой, сизмидингиз?— деди у ҳайрон бўлиб, сўнгра ичкарига таклиф қилди.— Опам уйдалар, кираверинг.

Қудрат довдираб қолди. Эшикни бошқа одам очса, нима дейишлиги кераклигини ўйлаб ҳам қўймаган экан.

— Кираверинг, кираверинг,— такрорлади қиз.

— Менга...

— Ким?— деган товуш келди ичкаридан. Қиз орқасига қайрилиб жавоб беришга улгурмасданоқ торгина, йўлакда бир оз ранги ўнгиб қолган қора атлас кўйлакли ўттиз беш-қирқ ёшлар чамасидаги жувон пайдо бўлди.

— Вой, киринг, киринг,— деди у ҳам очиқ чеҳра билан,— кираверинг демайсанми, жиннивой,—қизига пўписа қилган бўлди,— меҳмонниям останада ушлаб турадими одам?

Қудрат унинг кетидан эргашиб ичкарига кирди.

Ҳовлининг ўртасидаги баланд сўрига кўтарилган ток орқасидаги экинзор ичида оқ яктакли тўлагина бир киши юрарди. Сўрининг бу томонидаги супа лабида Гулчирой картошка тозалаб ўтирарди. Пўсти арчилган картошкаларни олдидаги тоғорага ташлар, пўстлоғи эса бармоқлари орасидан чувалчангдай чувалиб бўш челаikka тушиб турарди. Ҳалиги жувон эпчиллик билан Гулчиройнинг рўпарасига кўрпача соларкан меҳмонга кўз қирини ташлаб қўйди. Кейин дастурхон ёзиб, қант-қурс, ёғлиқ патири ва кулчалар қўйди. Гулчирой эса Қудратга кўзи тушишни биланоқ, ўтирган жойида ҳанг-манг бўлиб, келинг дейишни ҳам, ўтиришга таклиф қилишни ҳам билмай қолган эди.

— Базага борсам, бугун эртароқ кетиб қолганингизни айтишди,— деди Қудрат турган ерида, аммо Шурочканинг: «Ҳеч тортинмай уйига кириб бораверинг» деб тайинлаганини тилга олмади.— Тобингиз қочибдимикан, деб келувдим...

— Йўқ, шупчаки, бугун эртароқ бўшадим,— Гулчирой тозалаган картошканини тоғорага эмас, челаkдаги пўчоқ ичига ташлаётганини сезмасди ҳам.

— Вой, Гули, меҳмонга ўтиринг десанг-чи,— нолиб гапирди опаси,— бугун сенга нима бўлди ўзи? Анграясан холос?

— Ҳечқиси йўқ,— деб гўлдиради Қудрат кўрпача четига ўтираркан.

Гулчирой ишнин йиғиштириб қўйиб, дастурхонга яқинроқ суринди:

— Кечирасиз, сизни бу ерга келасиз, деб ҳеч ўйламовдим,— деб гапнинг очигини айтди-қўйди у.

Қудрат ошнқиб:

— Сиз нега кечирим сўрайсиз, мен кечирим сўрашим керак, Гулчирой?— деди. — Сурбетлик қилиб бетаклиф кириб келавердим,— у, кечаси боғчада рўй берган ҳодиса учун кечирим сўрашим керак, демоқчи эди. Буни Гулчирой ҳам сезгирлик билан фаҳмлаб олди.

— Ҳеч ким сизни айблаётгани йўқ, Қудрат ака,— деди қиз одилона.— Балки ўзим гуноҳкордирман....

Қудрат бирдан:

— Нима деяпсиз Гулчирой?— дея шивирлади.

Гулчирой ерга қаради-да, дастурхоннинг попуклари-ни бармоқлари билан ҳимара бошлади. Қудрат эса айтадиган гапларини унутиб қўйди. Гулчиройнинг опаси, ҳалиги қизча ва сўри орқасидаги куйманиб юрган киши — ҳаммалари гўё уни четдан кузатиб тургандай. Икковларини якка қолдиришганда ҳам бошқа гап эди. Бошда бу уйга таваккал қилиб киришга кирди-ю, кейин ўзини йўқотиб қўйди, энди индамай ўтириб чиқиб кетавериш яхшимас. Опаси, поччаси нима деб ўйлашаётганикин? Ҳамма гап шунда. Ҳар ҳолда у билан учрашишдан норози эмасдирлар. Гулчиройга ҳам маъқул тушганга ўхшайди, шунинг учун ҳам кечаси рўй берган ҳодисага салавот ўқиб, уни кечира қолди-да.

Гулчирой кечадан бери икки марта йиғлаб олди. Боричида бўлган воқеани эслаганда ўзидан ўзи уялиб қизариб кетар, ўзини қўярга жой тополмасди. Неча бор Қудратни қоралаб, неча бор оқлади. Икки хил фикр бири-бири билан олишар ва қайсиниси ғолиб чиқишини ўзи ҳам билмай қийналарди. Ҳа, унинг ҳаётида ғалати ҳол содир бўлмоқда. Бу—энди туғилиб келаётган муҳаббатнинг нишонаси эканлигини тан олгиси келмасди. У шубҳа ичида қийналарди. Иш жойидагилар ҳам хаста эмасмикини деб ташвишга тушдилар. Унинг дардини фақат Шурочка тушуниб турарди. Шунинг учун Гулчиройга орта жавоб бериб юборганларидан кейин Қудрат келганида: «Ҳеч тортинмай олдига бораверинг, олдига» деб унга йўл кўрсатган эди.

Мана энди икковлари бир-бирларига рўпара ўтирибдилар. Қиз бошини кўтариб йиғитга тик қаролмаса ҳам, унинг кўнглида нималар бўлаётганини билар ва юрагидан ачинарди.

Опаси катта чойнакда чой дамлаб келди-да, нон синдира бошлади.

— Олинг, иним, дастурхонга қаранг,— кейин сингли-сига қараб порози оҳангда:— Бунақа одатинг йўқ эди-ку, Гулчирой, мезбонлик шунақа бўладими? Ҳеч шаҳарда ўсган одамга ўхшамайди-я, тавба,— деди.

— Айб менда,— деди Қудрат,— чақирмаган жойга...

— Вой, одам бор жойга одам келади-да,— деди бир оз очилиб Гулчирой.

— Шундоқ дегин,— қувватлади опаси,— бор экансан-ку!

Ҳаммалари кулишди. Шундан бошлаб суҳбатларига жон кирди. Гулчирой бугун бир нефть фонтани отилиб чиққанини севинч билан хабар қилди.

— Энди нефть ташиш учун фақат йўл керак холос,— деб қўшиб қўйди у. (Аммо кўзлари: «Бу ерга келишингизнинг боиси нима?» дегандай қараб турарди.)

Қудрат унинг яширин фикрини дарров уқиб олди-ю, нима деб жавоб беришни билмай, бир оз сукутдан сўнг шундай деди:

— Биз ҳам суръатни жадаллаштириб юборганмиз. Тез кунда трассамиз базаларингга етиб қолса, эҳтимол. («Ёлғиз сиз билан суҳбатлашсам дегандим».)

— Шу ҳафта ичими? («Шу бугунми?»)

— Шу ҳафтанинг охирларига («Ҳа, шу бугун, кечқурун»).

Шу вақт уларнинг олдига бир даста райҳон кўтариб, оқ ятакли киши келди.

— Танишинг,— деди Гулчирой,— поччамлар...

— Қелинг, меҳмон,— қўл узатди поччаси, сўнг райҳонни тутди,— мана ҳидлаб кўринг-чи, ўзимизнинг томорқада битган, қўлбола райҳон. Ўзимам гулга ўлгудек ишқибозман. Бир дам бўш қолдимми, фақат шулар билан овора бўламан. Олдингизга дарров келавермаганим учун кечиринг? Исмингиз нима?

— Қудрат.

— Қудратилла. О, бу хосиятли от. Мениям жияним бор, униям оти Қудратилла. Аммо қурувчимас. Пахтакор. Пахтакорлик ҳам ҳазилакам ҳунар эмас-а? Ҳа, шунақа. Ўтган йили ҳар гектаридан қирқ саккиз центнердан ҳосил берувди, бу йил олтиншдан оширмасам юрган эканман, дейди азамат.

— Офарин!

— Офарин, деса арзийди. Шундай қилиб янаги ҳаф-

танинг бошларида трассани базага етказиб келамиз, дедингизми, ғира-шира эшитиб қолгандай бўлдим?

— Шу ҳафтанинг охирига.

— Баракалла, баракалла.

Кейин қишлоқ ободончилиги ҳақида гап очилди.

— Ажойиб клуб қурганмиз, йўлингиз тушганда бир кириб ўтай демайсиз,— дея гапида давом этди у,— сиз бизга ўхшаганлар чақчақлашиб ўтирадиган сулим жойларимиз бор. Келиб-кетиб турсангиз бўлади.

Қудрат ичида: «Сизга ўхшаб буш вақтим бўлганда нима қилишимни ўзим билардим,— деб эътироз билдирди,— чақчақлашиш эмиш-а, пайти келганда овқат ейиш эсга келмай қолади-ю».

Бироқ уларнинг ҳам бош қашишга қўллари тегмаслиги суҳбат жараёнида аён бўлди. Сертакаллуф гапларнинг боиси эса трассани Ёртепага ҳам яқинлаштиришни жадаллаштириш мумкинми ёки мумкин эмаслигини билиш экан. Ҳамманинг дарди бир экан-да. Бунақа гапларни Қудрат Болтаевдан ҳам эшитган. «Ўў, қурилишни жадаллаштиришга ёрдам берасизларми? Машина бердинглар, бостирма учун қурилиш материалларини аямадинглар. Бунинг учун раҳмат сизларга. Шу билан бўлдимиз? Йўл асосан сизлар учун-ку? Участкада етишмовчиликлар жуда кўп. Ҳадеб ёрдам сўрайвергани юз чидамас экан. Шунинг учун ўзинглар ҳам ҳолдан хабар олиб туришинглар керак-да. Қачонгача олманиш, оғзимга туш, деб қараб юраверасизлар?» деди ичида у.

— Ҳамма бало шундаки, бизда иккинчи смена ташкил қилинмаган,— деди Қудрат,— бир смена билан узоққа бориб бўлмас экан.

— Одам етишмайдими?

— Одам-ку етарли, кўча электростанцияга қўлимиз калталиқ қилиб турибди.

Қудрат суҳбатдошини ўйлатиб қўйди. Ҳозир, товлмачилигинини энанга қиласан, дея ҳайдаб чиқарса-я? Йўқ, ундай қилмади. Иягини ушлаб бир лаҳза хаёл сўриб қолди-да, кейин кулиб юборди.

— Оббо сиз-эй, хийла пихини ёрганлардан кўрипансиз. Қарс икки қўлдан чиқади, демоқчисиз-да! Ҳа, тушундим гапингизни... Ўў, майли, биз рози. Битта трактор билан ишлайдиган движогимиз бор, маслаҳатлашиб кўраман, ҳўп дейишса... Аммо шуни айтиб қўяйки, прожектор йўқ. Унинг иложини ўзингиз қиласиз? Келишдикми?

— Келишганда қандоқ!— Хамирлан қил суғургандай осонгина мақсадга етган Қудрат қувониб кетди.

Суҳбат маҳалида Гулчирой чурқ этмай ўтирди. Кейин ўрнидан туриб, уйига кириб кетди. Негадир унинг йиғлагиси келарди. Олов бўлиб ёнаётган юзларини кафтлари орасига олиб қаттиқ қисди. Юраги кўкрак қафасини ёриб чиқиб кетмоқчи бўлгандек типирчиларди. Қудрат у билан яна учрашмоқчи, гаплашмоқчи. Нима деркин? Қиз ташвишга тушиб қолди. Қандай қилиб поччаси ва опасининг кўз олдида йигит киши билан кўчага чиқиб кета олади ҳозир?

Қудратни кузатгани чиққанда унинг кўзлари қизариб кетган эди.

— Менинг илтимосимни қайтармассиз, Гулчирой?— деди йигит эшик олдида тўхтаб.

— Бугун эмас.

— Қачон?

— Бугун эмас,— деди яна Гулчирой, аммо бу сафар овозида қатъиятлик йўқ эди.

— Эртагамиз?

— Қайдам... Йўқ, Қудратжон ака, мени қистаманг. Энди учрашмай қўя қолайлик.

— Ўтинаман, Гулчирой, йўқ деманг, албатта учрашишимиз керак. Кўнмасангиз, мана шу остонангизга ётиб оламан.

Қиз унинг қўлидан ҳар нарса келишига ишонгандай чўчиб кетди.

— Йўқ, Қудрат ака,— деди у,— мени бугунча ёлғиз қолдиринг, жон Қудрат ака.

— Ҳайдаяпсизми?

— Ҳайдамайман. Бугунча мени танҳо қолдиришингизни сўрайман.

Йигит индамай қараб турарди, Гулчирой бирор киши чиқиб қолишидан хавотирлангандай ҳовли тамонга қараб-қараб қўярди.

— Хўп,— деди Қудрат бир қадам ташлаб,— аммо эртага олдингизга бораман. Хўпми, Гулчирой, шунга кўнинг, ҳеч бўлмаса ишдан кейин бораман.

Қиз маъқул дегандай бош силкиди-да, чопганича ичкарига кириб кетди.

Чўл ва далалар оқ тун қўйнида, ҳатто ой ҳам осмондан ёғилган бу нур олдида ип эшолмайди, унда-бунда аранг кўзга ташланган юлдузлар ҳам хира тортган. Енгил шабада аллалаган дарахтлар бир нималар деб шивирлайди. Кўм-кўк дала аста тўлқинланиб, қаёққадир

сузиб бораётгандай. Қудрат ширин хаёлларга берилади. «У ҳам севади, севади, кўз қарашларидан, бутун қиёфасидан маълум-ку, ахир. Ҳаммаси кўриниб, сезилиб турибди. Яна нима керак менга? Борди-ю, янглишаётган бўлсам-чи? Қизларнинг кўнглидагини билиб бўлармиди. Ҳаммаси эртага маълум бўлади. У менни кутади, мен бораман, дилимда борини рўйрост тўкиб соламан».

Қудрат ўз бағрида бахтиёр қизнинг бош қўйиб пиқ-пиқ йиғлаётганини, қўлларини эса унинг ипакдай майин сочларининг силаётганини тасаввур қилди ва севинчи ичига сиғмай, ўзини бахт-саодат осмонида парвоз қилаётганини ҳис этди.

У вақтнинг жуда секин ўтаётганидан хуноб эди. Ҳамма соатларнинг стрелкалари атайин қимирлашни истамаётгандай имилларди. Кошкийди, шу заҳоти кўзини юмса-ю, қайтиб очганда бир йилга тенг бўлган шу йиғирма тўрт соатлик муддат ўтиб кетган бўлса!

Қудрат жуда кеч ётганига қарамай, анча эрта уйғонди. Унинг билаклари куч ва ғайратга тўлган, ўзини ҳаддан ташқари бардам ҳис қиларди. Туш пайти ҳам иштаҳаси очилиб, яхши овқатланди. Одамлар унинг хаёлидан нима ўтаётганини сезишмас, улар ўз ўйларини, ўз фаолиятлари билан банд эдилар. Қизнинг иш ўз маромида бораверар, ҳеч нарса ўзгармагандай эди. Фақат Қудратгина ўзини бошқача ҳис этар, назарида бутун мавжудот янги маъно касб этгандай.

Кеч яқинлашган сари Қудратнинг қувончи ичига сиғмасди. Эртaroқ бориб, қайси кўйлак, шимни дазмолдан чиқаришни ҳам мўлжаллаб қўйди. Бироқ...

Бироқ кичик бир хабар шодиёна умидларга тўла иссиқ қалбнинг музга айлантирди. Матжон: «Биров бериб кетди»,— деб кичкина қоғозни унинг қўлига тутқазди.

Қудрат эътиборсизлик билан туморча шаклида буланган хатни очаркан ўзининг кўк сиёҳ билан ёзилган исмига кўзи тушди. «Қудратжон ака,— дейилганди хатда,— менинг олдимга келманг. Чунки, мендан бурун Шурочка сизни олдига солиб ҳайдаб юборади. Соф виждонли, нилуфардай пок йигитсиз деб янглишиб юрган эканмиз. Олчоқ экансиз! Мени лақиллатмоқчи бўлган эдингизми? Йўқ, мен сиз айтган қизлардан эмасман, тушундингизми? Мен сиз айтган қизлардан эмасман...»

Қудрат ортинқ ўқийлмади. Тигдай ўткир, оғудай ачиқ сўзлар унинг бутун вужудини ёндириб юборгандай бўлди. Ҳуши бошидан учиб, жойида миҳлангандай қо-

тиб қолди. «Олчоқ экансиз!» «Мендан бурун Шурочка сизни олдига солиб ҳайдаб юборади...» Уша хушфеъл, хушчақчақ Шурочка-я? Қайси гуноҳи, қайси жинояти учун? У ўзини тўхтатолмай югурганича базага жўнади. Бироқ ярим йўлга етганда иккиланиб тўхтади. Ҳозир Гулчиroy уйга қайтган бўлиши мумкин...

Эшикни яна уша синглиси очди. Қудрат қўлларини чўзиб олдинга яқинлашиши билан эшик тарс этиб қаттиқ ёпилди-да, ичкаридан:

— Опам йўқлар уйда!— деган дағал товуш эшитилди.

Эрталабдан бери ширин умидлар билан тўлган кўнгли энди бирданига ҳасрат қўйнига чўмди. Гўё баҳор чоғи очилган гулларнинг устини муздай қор босиб қолгандай бўлди.

XIX боб

КЕЛИН ТУШДИ, ЁР-ЁР

Орият буви янгича тўй ўтказишга рози бўлди.

Ҳовлининг бутун деворлари чўғдай порлаган гиламлар, жимжимадор сўзаналар, палаклар билан безатилган. Қатор столлардаги ноз-неъматлар тўла дастурхонлар меҳмонларга мунтазир. Келин-куёв учун махсус тайёрланган жой ҳовлининг ҳар бурчидан бемалол кўринади. Катта қозонларнинг бирида қовурма шўрва пишиб, иккинчисида палов учун ёғ қиздирилмоқда. Тўйбошилар шошиб қолишган. Хотин-халаж тоғора, патнис кўтариб келишмоқда. Орият буви эғнида одми кўйлак, бошида салладай лечак, оёғида амиркон кавуш-маҳси, қўли қўлига тегмай югуради. Ҳам ўзи ишлайди, ҳам бошқаларни ишлатади. Афтидан келинникига кетган куёвновкарларнинг қайтиши жуда яқинлашиб қолганга ўхшайди.

Қудрат кампирнинг хизматида. Кети узилмай келаятган меҳмонларни иззат-икром билан кутиб олиш, ўтказиш, кимга қандай чой дамлашни самоварчига буюриш унинг ихтиёрида.

Соат тўққизларга яқин Салимов хотини билан кириб келди.

— Тўй муборак, кампир!— деди у Қудрат билан сўрашиб бўлгандан кейин.

— Тўй муборак, Орият буви!— деди хотини.

— Қуялуқ-қуллуқ, хуш келибсиз, азизлар хуш келибсиз!— деб тўй бекаси Салимовнинг хотинини бағрига босди-да, кейин бошлиқнинг елкасига қоқиб қўйди.

Қудрат уларни куёвнинг энг яқин кишилари ўтирадиган ерга бошлаб кетди.

— Танишмисизлар?— сўради хотинидан, сўнгра Қудратга мурожаат қилди:— Танишинглар, бизнинг жуфти ҳалолмиз.

Қудрат позик чехрасидан табассуми аримаган, келишгангина аёлнинг қўлини олди.

— Гулчеҳра,— деди аёл билинар-билинимас сурма тортилган қошларини салгина чимириб туриб:— Сиз Қудрат акаси, танидимми?— деб жилмайди у,— сизнинг ҳақингизда Элдор акам жуда кўп гапирадилар. Мақтаганлари-мақтаган.

— Агар Элдор акамнинг мақтовларига сазовар бўлган бўлсам, бахтиёр эканман,— деди Қудрат, сўнгра, «истараси иссиққина хотини бор экан» деди ичида Салимовга қараб қўйиб. Эндигина очилай деб турган қизил ғунча сингари лаблари кулиб турган аёлнинг ёнида ҳозир эри бўлмаса, ҳеч ким уни турмушга чиққан, бола курган аёл деб ўйламасди. «Самимий ва хушмуомалалиги ҳам жойида» деб яна хаёлидан ўтказди Қудрат.

Шу вақт карнай-сурнай товуши эшитилди. Орият буви ташқаридан отилиб кирган ўғлини қувончли кўз ёши билан бағрига олди-ю, анчагина қўйиб юбормади.

— Ҳа, кампиршо, муродига етганидан хурсанд, майли, майли,— дейишарди куёв жўралар.

Тасодифан Пардавойнинг ҳам кўзлари намлангандай бўлди, бу Қудратга ҳам таъсир қилди шекилли, этлари чумоли ўрмалагандай жимирилаб кетди.

Атрофдан:

— Қайлиқ муборак? Саруполар қуллуқ бўлсин?— дейишиб Пардавойнинг қайнана, қайнатаси кийдириб юборган кенг ва оҳори тўкилмаган чопонга ишора қилишди.

Орадан кўп ўтмай қизлар ялла айтишиб кириб келишди. Улар остонадан ҳатлаб ўтиб тўхтаб қолишди, шўх музика ва чилдирмалар овози орасидан ялла товуши янграб эшитилди.

Дарёларни ёқалаб, ёқалаб

Келган кимдир, ёр-ёр?

Айтинг дўстлар, Барно қизни

Севган кимдир, ёр-ёр?

Энг қизғи шуки, уларнинг ичида қайсиниси келин эканлигини билиб бўлмас эди. Чунки бу ернинг одати ва қондалари бўйича, ўн беш нафар қиз бир хилда оқ кийинган: сўнгги нусха, энг нафис капрондан этаги жимжимадор кўйлак, оёқларида баланд пошнали оқ туфли, бўйниларида ипга маржондай терилган майда мунчоқ, бошларида қордай тиниқ шол рўмол бўлиб, юзларини беркитиб олишган, худди бир даста оппоқ атиргул тонгги шафақнинг қизғиш нурида биллурдай товланаётгандай эди.

Севган билан Барнохонни
Қўролмайсиз, ёр-ёр,
Унинг ойдек жамолига
Тўёлмайсиз, ёр-ёр.

Одат бўйича куёв шу қизлар ичидан келинни топиб олишни керак. Борди-ю, тополмай қолса ёки адашиб бошқасининг қўлидан тутса, сўзсиз ютқизган ҳисобланади, у ўн беш нафар қизнинг ҳаммасига совға улашишга мажбур. Акс ҳолда қизлар унинг қайлигини осонликча бермайдилар. Зўрлик қилишга эса куёвнинг ҳақи йўқ. У адашиб қолса ҳаммага мазах бўлиши мумкин. Шунинг учун дўстлари бақаришиб:

— Ановининини тут, ўртадагисини, йўқ унимас, гортишиб турганини!— дейишиб ёрдамлашмоқчи бўлардилар.

Пардавой шошиб қолди-ю, салгина бошини эгиб турган қизга яқинлашди. Ҳамма қарсак чалганича олдинга ташланди. Бироқ юзини очиб қарашса, у бурни пучуқроқ, юзига сепкил тошган бошқа қиз экан. Атрофни қий-чув аралаш кулги садоси босиб кетди. Усал бўлиб терга пишган куёв нима қилишини билмай қолди.

— Бошқатдан, буниси ҳисобмас, буниси ҳисобмас!— деб бақаришар эди йигитлар.

— Ҳа, бошқатдан!— деб қувватлади Салимов ҳам завқни келиб.

Қизлар эса келинни мақташда давом этардилар:

Юрган йўли гулга тўлар,
Бахтли боши, ёр-ёр,
Куйдиради икки ҳилол-
Икки қоши, ёр-ёр.

Тўй аҳли қаз-қаз уриб кула бошлади. Чунки Пардавой иккинчи марта ҳам адашиб қолнидан қўрқиб, қизларнинг ёнига боришга юрак бетламай турарди.

— Бўл, бўл, йигитмисан ўзинг? Орқага чекинаётганини ушла,— дерди кўпчилик.

Бу хил ҳазил гаплар ва кулгилар тўйга қандайдир ўзгача файз, латофат бахш этарди. Пардавой келинини тополмай яна хижолатга тушгани ҳам тўполон ичида билинмай кетди.

— Атаганини узат энди, бўтам,— деди ўғлига далда бермоқчи бўлиб яқинлашган Орийат буви. Унинг қўлида бир даста парча-парча сариқ гулли қизил рўмол бор эди.

Пардавой рўмолни олиб қизларга тутди. Қизлар навбатма-навбат келиб, биттадан рўмол олишаркан бошларидаги оқ шол рўмолларини тушира бошладилар. Энди қизил рўмол ўраганлар ўртасида келиннинг ўзигина ажралиб, кўзга яққол ташланиб қолди. Қарсак, қийқириқ, кулгилар яна ҳамма ёқни босиб кетди. Энди тўй аҳли куёвни олқишламоқда. Қизлар келинни куёвга узата туриб яллани давом эттиришди.

Шафтолининг шохи ларзон,
Қайрилмасин, ёр-ёр,
Келин-куёв бахтли бўлсин,
Айрилмасин, ёр-ёр.

Яллага бутун халойиқ қўшилди. Баъзилар беихтиёр ўйинга тушиб кетдилар. Йигит-қизлар завқ-шавқ билан ашулани қўйиб юбордилар.

Йигит бошинг омон бўлсин,
Ўйнаб кулгин, ёр-ёр,
Қўчқордайин ўғил кўргин,
Ўғил кўргин, ёр-ёр.

Элдор Салимов куёв-келинни меҳмонлар номидан табриклай бошлаганда ҳамма жимиб қолди. Оилавий ҳаёт буюк бир имтиҳон эканлиги ва шу имтиҳондан муваффақиятли ўтиб, социалистик жамиятимизга содиқ ўғил-қизлар етиштириш, ували-жували бўлишлари учун қадаҳ кўтаришни таклиф этди.

Шу пайтда уста Махсумнинг йўқлиги билиниб қолди. Агар бор бўлганда у ҳам илиқ сўзлар билан келин-куёвни қутлаган бўларди. (Уни вақтинчалик техбўлим ихтиёрига командировка қилишган, бир ҳафтадан бери унинг

вазифасини Холдор адо этмоқда). Қудрат қадаҳ кўтариб уста Махсумнинг номидан куёвни табриклади.

— ...Ҳаётнинг энг ширин дамларидагина эмас, балки энг оғир дақиқаларида ҳам ҳақиқий дўст, чинакам ҳамдам бўлиб яшашларингиз учун ичамиз,— деб сўзини тугатди у. Пардавой миннатдорчилик билан унга бош силкиб қўйди. Шундан кейин бирин-кетин ҳар тарафдан ҳазиломуз гаплар эшитила бошлади.

— Уйланган яхши-ю, аммо қафасга тушганинг ёмонда. Бўйдоқликка нима етсин-а, оғайнлар?— деди кимдир.

Бошқаси унинг гапини тўлдириб, ҳаммани кулдирди.

— Ёлғонми? Хотининг уйингга кирганидан кейин назорат остига тушасан. Қизларга кўз олайтирма, ичма, чекма, костюмингни кир қилма, нега кеч қолдинг, олган маошинг нега кам, деган гапларни эшитаверасан. Алвидо, эй эркин ёшлигим!

Унинг имо-ишоралар билан айтган гапини эшитиб, бошини эгиб ўтирган келин ҳам слкаларини силкитганича кулиб юборди.

Қудрат соатга қараб қўйди. Ҳозир унинг аъзолари кириб келишлари керак эди. Ана, Шакеннинг орқасидан Маъруф, Тешавой ака ва бошқалар кўриндилар. Улар каттагина болалар аравачасини остонада! чиқаришолмай, бир нарса устида баҳслаша бошладилар. Аравача ҳар хил уйинчоқларга тўла эди. Бутун участка тўйга атаганини шу аравачага юклаган экан. Собир ака чилдирмани гумбурлатди, Мардонов дутор, Матжон тор чалиб, «Тўйларингиз муборак»ни айтишиб юборишди. Қарсаклар янгради.

Совғалар келин-куёвнинг қўлларига топширилгач, ҳаммалари хизматга тушиб кетишди. Кўнгли хотиржам бўлган Қудрат дўстлари ёнига ўтириб, қадаҳ уриштиришга тушди. Ҳазил-мутойиба гаплар, аския, пайровлар давом этди. Шакен ўз навбатида узундан-узоқ қозоқча ўлан айтди. Ҳамма завқ билан тинглади, чунки ашула сўзларини ўзи тўқиган, ўланинг мазмуни ҳозирги ўтиришга жуда монанд эди.

Қудрат хурсанд бўлганидан бир неча қадаҳни устма-уст ичиб юборди. Илгари дўстлар суҳбатида, шодиёна базмлардагина ёр-биродарларининг раъйини қайтармаслик учун оз-моз ичарди. Аммо бу ерга келганидан буён ичкиликни оғзига олган эмасди. Шунинг учун бўлса керак, икки-уч қадаҳ уни анча гангитиб қўйди, ички дардларини қўзғатиб юборди. Гулчиройнинг гулдай то-

за юзларини эслаб, юраги ўтдек ёниб кетди. Унинг жамолига тўёлмагани, шундай ширин маросимларда бирга ўтириб, мажлис қуролмагани алам қилиб кетди. Қандай ҳодиса содир бўлиб қизнинг феъли айниб қолганини тушунолмас, ораларига тушган шу совуқчиликнинг узоққа чўзилишига ҳам ишонгиси келмасди. Унинг лабдаҳани осилиб, кўзлари қисилиб кетди.

— Яна қуйиб берайми?— деди кимдир унга.

Қудрат жавоб бермай, тескари ўгирилди-да, хотин-қизлар ичидан кимнидир излай бошлади. Ўша излаганини тополмай хуноб бўлди. Балки бутунлай тополмас! Қудрат қўл силтаб ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, ҳали қаддини ростлашга улгурмай, таниш башарага кўзи тушиб қолди. Назокат жилмайганича унга бир нарсалар деб ишора қилмоқда эди.

— Бор-э,— деб гўлдиради Қудрат ва негадир кўтариб турган қўлини яна пастга туширди.

— Қўйинг,— деди у боя «яна қуйиб берайми?» деган кишига. У Худойқулов экан. Винодан сўнг ичилган шу бир пиёла арақ Қудратнинг бадан-баданларини чўғдай қизитиб юборди. Кейин ўзининг бир оз бўғилаётганини сизди-ю, ўрнидан туриб кетди-да, мувозанатини зўрға сақлаган ҳолда кўчага чиқди.

Кўп ўтмай у чўл ўртасида кетаётганини сизди. Куз чоғи бўлишига қарамай, чўл ўз ҳусн-жамолини энди кўз-кўз қилаётгандай. Ёз иссиғида бош кўтаришга ожизлик қилган айрим ўсимликларга энди жон кириб, гуллай бошлаган эди. Майда олча, дўланага ўхшаш ёввойи мевалар эса айни етилиб пишган. Атрофдан хушбўй ҳид тараларди. Фақат эвалак, қомғоқ сингари умри тугаб, илдизи узилиб кетган ёзги ўтларгина худди копток сингари у ёқдан-бу ёққа юмалаб юришарди.

Қудрат ҳеч нарсага парво қилмас, юраги сиқилар, боши гувуллар эди. Шу пайт кимнингдир шивирлаб гапирётгани эшитилди. Назарида биров орқасидан эргашиб келаётгандек бўлди.

Қудрат тўхтади-да, юмилиб кетаётган қовоқларини зўрға кўтариб қаради. Ёнида Назокатни кўрди.

— Бемаҳалда ёлғиз юрманг деб, хавотирланиб чиқдим.

— Мени бўри ермиди? Майли, юринг, боққа кирайлик, бўлмаса.

Жувон қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборган эди, бир қадамча нарида кўзларини йилтиллашиб турган жонивор шошиб инига кириб кетди.

— Мастмисиз, Қудрат ака? Қанақа боққа бошлай-сиз мени? Савил-э, боғ эмиш-а?

Қудрат ҳам ўзининг алжираётганини сезиб, кулиб юборди.

— Вой, ростдан ҳам боққа кирибмиз,— Назокат югуриб бориб бир тутам ўтни юлиб олди,— буни қаранг, мингбоши гуллабди. Буни қуришиб, ҳавончада янчиб ичилса, бош оғриғига даво бўлади.

— Юракка даво бўладигани йўқми?

— Бор, уни чўл ялпизи дейдилар. Ҳув анови тепада топилса керак. Ҳидини сезяпсизми, гуп-гуп уряпти-ку?

— Юринг, ўша ёққа бошланг бўлмаса.

Назокат гуллаб турган бир тутам ўтни Қудратга тутди.

— Мана булар юракнинг еликканига даво, мана булар эса мингбўғин, тош остидан патила-патила бўлиб чиқиб ётибди. Мевасини қаранг. Булардан бош оғриғи, жигар, буйрак касали учун дори тайёрлаш мумкин.

Дарҳақиқат, димоғни чоғ қиладиган ширин ҳид аниқ кетди. Қудрат ўтларни қўлига олиб узоқ ҳидлади. Чамаси кайфи ҳам тарқагандай бўлди, кўзлари мошдай очилиб, руҳи ҳам енгиллашди. Энди теваракка бошқача назар билан қарай бошлади. Назокат ҳар бир кўкатни ҳидидан, япрогидан қанақа ўсимлик эканлигини дарров билиб оларди. Ана болдириқ, черкас, қип-қизил жинғил... Гўё бу ердаги ўсимликлар худди болалар сингари қўлларини чўзиб Назокатга талпинишар, шивирлашар эди.

— Эҳтиёт бўлинг, илон-пилон чақиб олмасин,— огоҳ-лантирди Қудрат.

— Йўқ, бунақа жойда заҳарли илон бўлмайди. Ола-чипор илонлар бор, одам шарпасини сезса, қочишади.

Унинг қўлида тол хивичидай майда новдачалар пайдо бўлди.

— Мана буларнинг япроғи қуриб, уруғи шамолда учиб кетган. Ялангоч поясигина қолган. Қаранг, бундай қилиб эзсангиз асалсимон шира чиқади. Бодга дори дейишади.

— Асал эмиш-а,— деди хаёлчанлик билан Қудрат.— Биёбонда асал нима қилади?

— Барн дори-дармон, ўтлар биёбонда бўлади-да, ахир.

Назокатнинг шунчалик билагончилигига Қудрат қойил қолган эди. Касби врач, нима ҳам дейсиз!

Уфқ гардишидаги оқиш ранг учиб, теварак-атроф кул ранг тусга кириб борар, осмон тўла юлдузлар ча-

рақлашар, ярим кечага яқинлашиб қолганига қарамай, энди қош қораётганга ўшарди. Шамол тўйхонадаги чилдирмаларнинг бака-банги, одамларнинг кулгиси, шовқинини учириб келар, пастак буталар устида гувиллар, оч сариқ, оқ бинафша ранг гуллар билан ўйнашарди. Бирдан Қудратнинг кулгиси қистади, кейин қўшниқ айтгиси келиб кетди шекилли, хиргойи қила бошлади. Назокат унга ҳайрон бўлиб қаради.

— Менга эътибор берманг,— деди йигит,— жуда ҳушвақтман. Бештиёр қўлини Назокатнинг елкасига ташлади. У ҳам қаршилиқ кўрсатмади.— Қандай чиройли тун, а? Худди баҳорга ўхшайди. Сиз ҳам...

— Нима, мен?

— Сиз ҳам чиройлисиз?

— Ростданми?— деб кулди Назокат ва ҳеч тортинмай унинг пинжига суқулди,— сиз ҳам...

Қудрат унга қаради. Пешонасига тушиб турган қўнғир кокилини бармоқлари орасига олиб ўйнай бошлади. Йигитнинг эркалашларидан талтайиб кетган Назокат шахло кўзларини сузиб боқарди. У бир силкинган эди, бошидаги рўмоли елкасига сидирилиб тушди. Атир совун ҳиди анқиган қоп-қора сочлари йилт-йилт қиларди.

— Сиз ҳам...— деб такрорлади Қудрат ва қўли билан нари итарди. Муродига етолмаган жувон ҳеч нарсасига тушунолмай ҳайрон бўлиб турган жойида қотиб қолди. Сўнг қўлидаги хивични ҳавода ўйнатганича гандираклаб кетаётган Қудратнинг орқасидан борди.

— Менга қаранг, Қудрат ака,— деди у яқинлашиб,— нега чўчиб кетдингиз?

— Шундай ўзим...— хаёлчанлик билан жавоб берди Қудрат,— чўчиганим йўқ.

— Савил-эй! Чўчиганим йўқ эмиш...— кейин югуриб бориб йигитнинг олдини тўсиб олди.— Тўхтаб айтадиган гапим бор сизга. Мен-сизни севаман!.. Ҳа, севаман, севаман... жуда қийналиб кетдим, Қудрат ака... севаман...— Шундай деди-ю, ўпкасини тутолмай йиглаб юборди.

— Назокатхон,— деди Қудрат ғамгин овоз билан.— Мени кечиринг, мен... мен севолмайман сизни... Тушунинг, севолмайман, вассалом.

— Нега?— деб сўради унга тикилиб қолган Назокат.

— Чунки...

— Қўрқоқсиз!— жувоннинг кўзларида ғазаб ўти чақнади,— қўрқоқсиз,— такрорлади у.

— Янглишасиз, Назокат, мен...

— Йўқ!— бақириб юборди жувон. Сўнг қўлидаги хивич билан Қудратнинг боши аралаш елкасига, юзларига тушираверди,— қўрқоқсиз, қўрқоқсиз! дерди у ҳар туширганда.

— Назокат!— деб бақирди кимдир анча наридан. Кейин аллақандай қўл келиб, унинг билагидан маҳкам ушлаб олди-да, орқага тортди.

Қудрат юзларини беркитиб турган қўлини пастга тушириб қаради, Назокат Мардоновга ёпишиб кетган, «мана сенга, мана сенга!» деб уни ҳам савалаётган эди. Акмал аёл кишига қўл кўтаришдан тоймас, жаҳли чиққанда отасини ҳам аямасди. У бир-икки сакраб жувоннинг панжасидан хивични тортиб олиб, қўлларини орқасига қайирди. Назокат «Дод» деб юборди.

— Мардонов!— деб бақирди Қудрат,— сизга айтяман, Мардонов, бас қилинг.

Акмал жувонни қўйиб юбориб, Қудрат билан олиша кетди.

Худди шу пайт тўйхонага ҳаллослаганича келган Худойқулов баланд овоз билан:

— Оғайнилар, ёрдам беринг, Мардонов билан Ёд-горов муштлашяпти, бўғишяпти. Бўла қолинг, оғайнилар!...— деди.

Бошда ҳамма унинг гапига тушунолмай қотиб қолди. Кейин бутун ҳоқли ларзага келди. Эркаклар, хотин-халаж, болаларгача кучага отилиб чиқиб, нима воқеа бўлганини билишга ошиқди.

— Қаёқда, қани?— дейишарди одамлар.

Худойқулов энг олдинга тушиб олиб, гизиллаганича оломонни бошлаб кетди. Сурон кўтариб келаётган оломонни куриб Қудрат билан Акмал анграйишиб қолишди. Назокат бир четда юзини яшириб йиғлар, оқ кўйлагига доғ ва ёғимланган эди.

— Нима гап, Қудратжон?— сўради энг олдинда келаётган Салимов.

— Тинчлик.

Оломон жимиб қолган, шивир-шивир гапларгина қулоққа чалинарди.

— Вой, шўрингга шўрва тўкилсин,— деб юборди хотинлардан бири,— бу Орият бувиникида турадиган анови йигит-ку, а?

— Ҳа, ўша инженер йигит.

— Бо, овсин, унда нима айб бор? Ғунажин кўзини сузмаса, буқача ипини узармиди?

— Шунн айтинг, яшшамагур дүхтур хотинда бир гап бор дейишувди-я, мана оқибат...

— Сиздан сұраяпман, Ёдгоров!— деб ўшқирди Салимов.

— Ҳеч нарса!— деди-ю, ақлини бир оз йиғиб олган Қудрат оломонни ёриб, туппа-туғри қишлоқ томон йўл олди.

Ҳамма «гур» этиб Худойқуловни ўради. У содир бўлган ҳодисани қўшиб-чатиб ҳикоя қилмоқда эди. Кутилмаганда кимдир унинг орқасидан келиб бўғзига ёпишди.

— Итвачча!— деди ҳиқилдоғидан маҳкам бўғиб олган Мардонов!— Сен қилдинг ҳамма ишни. Энг ярамас, энг ифлос одамлигининг энди билдим. Фирибгар!

Акмал икки-уч мушт солиб уни ҳолдан кетказди. Одамлар ҳайҳайлашиб ажратишга қанча уринишмасин, кучлари етмас, Акмал Холдорни дам оёқ билан тепар, дам калла қилар, оғзидан боди кириб, шоди чиқарди. Ниҳоят, унинг қўлини қайириб олдилар. Холдорни қочириб юборишди.

Тўйнинг файзи кетди. Мажлис аҳли базмни қайта қизитишга, шод-хуррамликни тиклашга қанчалик уринишмасин, барибир тўйга руҳ киргизолмас эди. Бу воқеа учун қурувчиларнинг ҳар бири ўзини айбдор ҳис қилар, қишлоқ аҳли ёлдида хижолат чекар эди.

Ҳар ким ўзича фикр юритарди. Биров Қудратни айбласа, биров Назокатни, биров Холдорни айбларди. Воқеанинг тагига яхши етолмаган кўпчилик эса ҳамма айбни Мардоновга тўнкар эди.

Эрта билан турганда Қудратнинг рангида ранг қолмаган, юзи сўлиб худди бемор кишига ўхшаб қолган эди. У ичидаги ҳасратини ҳеч кимга сездирмасликка, ўзини сипо тутишга ҳаракат қилса ҳам, бутун қиёфаси дардини ошкор этиб, хижолатдан азобланаётганини очиқ-ойдин гапириб турарди.

XX боб

СЎХТАСИ СОВУҚНИНГ ЯНА БИР ҚИЛИҒИ

Қудратдан тарсаки еган ўша оқшом Холдор Назокат турадиган ҳовли эшигини узоқ тақиллатди.

— Кимсиз?— деган товуш эшитилди анчадан кейин.

- Менга Назокатхоним керак эдилар.
- Касал кўргани кетган.
- Ёпирай, жуда зарур эдилар-ку менга?
- Кириб ўтира туринг бўлмаса, келиб қолар.

Ҳақиқатан ҳам бир пиёла чой ичиб улгурмасдан Назокат келиб қолди. Икковлари анча маҳалгача гаплашиб ўтиришди. Кейин Назокат Холдорни кузатиб кўйди, чарчаганига қарамай анча вақтгача ухлолмади. Туни билан юриб, ўтириб, яна юриб чиқди. Уч кунгача шу аҳволда безовталанди. Тўртинчи кун ишдан келди-ю, икки соатча ойна олдида ўтириб пардоз қилди. Энг яхши кўйлагини, ёз бўйи нафталинга беланиб чамадонда ётган оч қизил нусха тўр қўлқопини кийди. Қўғирчоқдек безаниб, Гулчирой турган ҳовли томон йўл олди.

Бундан ярим соатча бурун Қудрат шу уйдан чиқиб кетган, ҳали унга ёзилган дастурхон ҳам йиғиб олинмаган эди.

— Вой, дохтур хоним-ку?— деб кўришишга югурди Гулчиройнинг опаси,— танимабман-а? Нечук, қайси шамол учирди? Тўхтанг, тўхтанг, у ерга ўтирманг, ҳозир дурустроқ кўрпача олиб чиқай.

Ҳовли бекасининг шунчалик эътиқод билан кутиб олиши Назокатни эритиб юборди.

— Омонмисиз, Гулчирой, ҳеч олдимга кирай демай-сиз-а?— ўксинган бўлди, у Гулчиройни бағрига босаркан хушбўй атир ҳидини гуркиратиб.

— Бо,— деди Гулчиройнинг ўрнига опаси,— ҳозирги замонда каттадан-кичик ҳаммаси хизматда. Ишдан чиқади-ю, уйга югуради. Сал кеч қолса, хавотирланиб тураман денг, айланай пошшаой.

— Бирров кўриниш бериб чиқишгаям қўлингиз тегмайдими? Жуда мени ёлғиз ташлаб қўйдинглар-а? Баъзида кўнгил очиб гаплашиб ўтирадиган тенгдош тополмай ўламан.

— Кечирасиз, Назокат опа,— деди ўзини илжайишга мажбур қилган Гулчирой,— шу куллари бош қашлашга қўл тегмаяпти.

Гулчиройнинг поччаси аёлларни танҳо қолдириш учун кийиниб қаёққадир чиқиб кетди. Гулчирой опасига дастурхон тузарга ёрдамлашаркан, Назокат унинг хатти-ҳаракатлари, қош-кўзларига қараб туриб: «Бинойидай ҳусни борақан қурмағурнинг, илгари ҳеч зеҳн солмаган эканман» деб ўйлар эди. Гулчиройнинг опаси эса ўзида йўқ хурсанд. Шу бежирим кийинган

жувон кўсига фариштадай кўринарди. Оғзидан чиқа-
ётган мойдай сўзлари, айёрона табассуми, мулоҳим
қарашлари, гапирганда елкаларини ўзгача ноз билан
қимирлатиб қўйишлари ва ҳатто эғнидаги хушбичим
қўйлагигача унга ёқарди.

— Анов кун бирам чиройли қўшиқ айтибсизки,—
деди уй бекаси,— эшитолмай армонда қолибман-а. Қў-
ни-қўшнилари бир оғиз айтиб қўйишмабди. Булбулдай
овози бор экан деб бутун қишлоқнинг оғзидан тушмай-
сиз, бирам чиройли, бирам келишган жувон экан деб
мақташади. Шу қўйлагингизни кийиб чиқибмидингиз
ўшанда?

— Йўқ, бошқасини. Бун қишлоққа келганимдан
бери биринчи кийишим.

— Шун айтинг-а, атайин меникига кийиб келиш
учун сақлаб қўйган экансиз-да, айланай. Бирам чир-
ройли тикилибдики...

Назокат ўрнидан турди-ю, этакларини пуфакдай
шишириб, гир айланди.

— Ёқдимми?

— Вой, ёқдимиям гапми, бичимига қаранг, маши-
начингиз тошканлими?

— Ўзимнинг ихлос қўйган машиначим бор. Ҳам-
мага ҳам тикавермайди.

— Бирам ярашибдики, сизга. Гулчирой, сен ҳам
ўзингга шунақа материал топсанг бўлмайдимми?

Назокатнинг оғзи қулоғига етиб талтайиб кетди.

— Ҳар қанақа кийим ёпишиб тушавермайди менга.
Албатта заказ қилишим керак.

Назокат ҳар хил фасонда тикилган хилма-хил қўй-
лакларини мақтаб кетди. Гулчиройнинг энсаси қотди.
У жувоннинг нима мақсадда келганини билмас, бу би-
лан иши ҳам йўқ, хаёли ҳамон Қудрат ҳақидаги фикр-
лар билан банд эди, шунинг учун кўп гаплар қулоғига
кирмас эди.

Назокат уй бекасининг илтимосига кўра, ажойиб
бир қўшиқни айтиб бериб, қойил қолдирди.

— Вой, Гулчирой, овқатингга уринсанг-чи, синг-
лим,—деди кейин олеси,—Лола, қаёқдасан, қизим? Чи-
қиб опангга қараш, Назокатхон озиб-ёзиб бир келган-
ларида тузуқроқ овқат қилсак бўларди, картишка туғраб
чакки қилибмиз-да, жаркопга қалайсиз, пошша? Ёки
ош бошлаворсинми?

— Менга ҳеч нарса керак эмас, опа, шунчаки бир-
пас кўнгил очиш учун кирдим. Овора бўлманглар.

— Бо, овораси нимаси, пошшаой, кунда келиб юрганмидингизки... Сизни кўриб бошим кўкка етди. Ҳой, Гули, Лолахон, ошга урина қолинглар. Қартишканглар эртага қолса ҳеч нима қилмас.

Бундан кейинги суҳбатлар Гулчиройнинг қулогига кирмади. Аммо уларнинг пичирлашиб гаплашишлари, Назокатнинг бехосдан кўзга ёш олиши, нималарнидир тушунтириши, опасининг эса кўкариб-бўзариб кетгани, афсусланиб бош силкитгани Гулчиройга бир жумбоқдай туюларди.

Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, Назокат овқатга турмай, кетишга тараддудланди. Гулчиройнинг опаси қаршилиқ кўрсатмади. Назокат бирдан ташланиб унинг юзларидан ўпиб олди.

Ҳаммалари доктор жувонни ташқаригача кузатиб қўйганларидан кейин негадир ўнғайсизланиб жим бўлиб қолишди. Гулчирой опасининг феъли айниб, қошқовоғини уйиб олганига ҳеч тушунолмасди. Опаси ранги ўчган ҳолда чойнак-пиёла, дастурхон, кўрпачаларни ҳам зарда билан йиғиштирди.

— Овқат тайёр, сузаверайми?—сўради анчадан кейин Гулчирой.

— Овқатингни қўя тур!—деди у хўмрайиб,—ўзинг бу ёққа ўтир, гап бор. Лола, сен ишингни қилавер.

— Нима гап, опа?

Гулчирой савол беришга улгурмасданоқ опаси бидиллаб кетди:

— Ўша бетавфиқ билан кечалари қучоқлашиб юришни ким қўйибди сенга?

— Ким билан, опа?

— Ким билан?! Яна уялмай-нетмай ким билан деганингга ўлайми? Айёрлик қилмай қўя қол, кимлигини ўзинг яхши билиб турибсан!

— Опа!..

— Опа дема мени! Ё тавба, ё тавба, ишонган тоғда кийик ўтламас деб, шуни айтадилар-да. Сени ҳеч бунақа деб ўйламовдим. Бутун қишлоққа гап бўламан энди. Бу кўргилик ҳам бормиди менга! Ҳалиги келган йигитинг ўлгидай қаллоб экан-ку? Қаёқдан илаштирдинг уни? Назокатга, ўлдим, шайдойингизман деб юриб, энди сенга ёпишиб олганга ўхшайди. У жувондан бир иш чиқмаслигига ишонгандирки, шундай қилгандирда. Вой тавба, вой тавба, қайси гўрдан илаштирдинг уни?

— Бас қилинг, опа!

— Ҳозир Назокатнинг ўзи оқизмай-томизмай ҳамма-

сени айтиб бериб кетди. У ошигу, бу маънуқа экан. Сен бўлсанг унга тегишли йиғит билан ярим кечада... вой тавба, вой тавба...

— Йўқ, бас қилинг, опажон!— деди яна Гулчирой ва йиглаб юборди.

— Қўй, садқайи кўз ёшинг кетсин, синглим! Бу гапни ичимдан тўқиётганим йўқ. Ўз кўзи билан кўрганлар айтиб юрганмиш. Бировга куёв бўла туриб, сендай кўнгли оқ қизни йўлдан урмоққа жазм этибди у ярамас. Бунақаларнинг уруғини қуритиш лозим. Балонинг ўқи-га йулиққурни поччангга айтиб, адабини бердирайми бир?

— Йўқ, бас қилинг деяпман, опажон, мени қийнаманг, бас, бас қилинг!—деб сакраб ўрнидан турди-ю, юзларини яшириб, сўрига суялганича қотиб қолди. Опа-си ҳамон жаврар эди:

— Мен сени биров билан юрмагин, учрашмагин де-майман, ўз тенгингни топсанг, айби йўқ. Юлдузи юлду-зингга тўғри келса, кўнгил қўй, майли, розиман, аммо бунинг бўлмайди. Ғирт бузук одам экан. Шуни сезмаб-сан-а, дидингга балли-эй. Ақли расо, босиқ қиздан чиқ-қан ҳунар шуми ҳали? Қўй-эй! Ёмон гапининг миш-ми-ши қурсин. Эртага бутун қишлоқ сени қўли билан кўр-сатади. Товим борми ғийбатга! Палончининг синглиси пистончиминан юармиш, ундаймиш-бундаймиш, кўра-сан ҳали.

— Опажон, мени қийнаманг, жон опа,—деб ялинди Гулчирой. Кейин уйга югуриб кирди-да, диванга мукка-сидан тушиб, ўпкасини босолмай йиғлайверди. Кўз ёш-лари ёмғирдай қуйилиб, бармоқлари орасидан тушаю эди. Ҳа, умрида илк бор муҳаббат гулшанига одим қўй-ди-ю, севги ниҳоли куртак ёймай туриб хазон бўлганини кўрди. Нилуфардай бегубор умид ғунчаси сўлди.

Эртасига ишга маст кишидай қарахт ҳолда келгани-ни кўрган Шурочка чўчиб кетди:

— Қасалмисан? Нега келдинг, жонгинам? Қара, бир кечада ўзингни олдириб қўйибсан-а?

Гулчирой сир бой бермасликка аҳд қилган эди. Бироқ дугонасини кўриши билан йиглаб юборди. Шуроч-ка уни қучоғига босганича даструмолчасини олиб унинг кўз ёшларини артар, ўзининг ҳам хўрлиги келар эди. Гулчирой юрагидаги дардини очишга мажбур бўлди. Шурочка: «Балки бу тухмат гапдир, суриштирмай-нет-май хулоса чиқараверасанми?» деб овутмоқчи бўлди. Аммо Назокатнинг гапларидан тортиб, опасининг таъ-

наларигача батафсил эшитгандан кейин фигони фалакка чиқди. Шунақа «пихини ёрган, айёр» эркакларин қаргай кетди.

— Ҳали келмоқчи,—деди Гулчирой энтика-энтика йиғидан тўхтаб.

— Ким? Қудратми?!—бақириб юборди Шурочка,—келиб кўрсин, таёқ билан саваламасам юрган эканман.

Гулчирой дугонасининг қўлидан ҳар нарса келишига ишонарди. Шунинг учун Қудратга хат ёзиб, жийни Лола орқали юборган, Лола эса хатни Матжонга бериб кетган эди.

Матжоннинг почча томондан Гулчиройларга узоқ қариндошлиги бор экан. Шунинг учун у ҳам ҳар замонда Гулчиройнинг олдига кириб, чиқиб турар, тор чалиб, қўшиқ айтиб бериш билан уларнинг вақтини чоғ қилар эди. Гулчиройнинг опаси уни эркалаб: «Хўп йигит бўлибди-да, Лола каттароқ бўлганда, ўзим ичкўёв қилиб олардим» дер ва ундан бот-бот келиб туришни илтимос қиларди. Матжон ҳам уларнинг раъйини қайтармас, дилида Лолага нисбатан ҳали кўнгил қўйиш деган нарса йўқ, фақат шу қариндошликлари туфайли у билан ораларида самимий дўстлик бор эди, холос.

Матжон, Қудратга ёзилган туморча хатда бирор воқеа бордир деб ўйламаган эди. Қудрат уни ўқиб туриб, ўзгариб кетган маҳал Матжон гўё ноҳўя иш қилиб қўйгандай ўнгайсизланди, қийғир бурнининг атрофини муздек тер босди. Кейин ғазаб билан Лоланинг олдига қайтиб келди-да:

— Нани олиб галдинг манга?—дея ўдағайлади,—хатнин ичинда шум хабар бор, десанг бўлмайми? Мани уятга қўйдинг-ку?

Лола унинг вазоҳатидан қўрқиб, орқасига тисарилди.

— Шум хабар эмас, тўғри гап ёзилган унда,—бидиллаб кетди у ҳам.—Қудрат акангиз ёмон одам экан. Жондуван экан у, билиб қўйнинг, жондуван бўлмаса ўзини яхши кўрган хотини қолиб, опамни бошини айлантитармиди? Опам айтдилар, у жондуван экан. Энди келмасин бизникига, барибир уйга қўймайман! Қўймайман!

— Тўримас гапинг!—яна бақириб берди Матжон,—Дон-Жуаннинг налгини билмасанг, гапирма, тентак! Қудрат ака ёхши одам. Аянг ҳам, опанг ҳам бўмагон сўзди айтибди. Бор, бу ёна галма иккинчи. Мен ҳам сизникина бормайман энди.

Матжон қаттиқ-қаттиқ гапириб ўз агрегати томон кетаверди. Лоланинг дили вайрон бўлди. Лабини чўчайтириб туриб, бирдаи йиғлаб юборди. Баъзи қизлар шунақа арзимаган гапга кўз ёши тукиб, аламини фақат йиғидан олишни билишади...

Матжон Қудратин ишнинг кўзини биладиган, одамларга жонкуяр ва ҳатто ахлоқ жиҳатдан ҳам тенги йўқ деб биларди. Бироқ Лоланинг гаплари уни уйлантиб қўйди. Чиндан ҳам Қудрат енгил одаммикин-а? Наҳотки, Лола ҳақ бўлса? Наҳотки Матжон одам танимаса?

XXI боб

ОҲ ДЕДИМ, ОВОРА БЎЛДИМ...

Матжон Дўстжонов ҳаммадан илгари туришга, чўлга оройиш берган ажойиб тонгни томоша қилишга одатланган. Ҳар тарафдан хўрозлар қичқиради. Қўшни ҳовлидан чақалоқнинг йиғиси-ю, бешик устига энгашган онанинг алласи эшитилади. Пичан, пиширилган сўт ҳиди ва тезак тутуни димоққа урилади. Бузоқларнинг маъраши, беданаларнинг сайраши, отларнинг кишнаши... Матжон буларнинг ҳаммасини севади. Кейин ҳовлида ярим яланғоч у ёқдан-бу ёққа югуради. Тол айри-сига илиб қўйилган турникка осилиб, бир неча марта кўтарилиб кучига куч қўшилаётганини, ўлкаси тоза ҳавога тўлганини, аъзойи баданидаги қон ҳаракатга келганини сезади. Муздай сув билан ярим белигача ювинади. Ана шунинг учун ҳам ўзини ҳеч оғир ҳис қилганини, офтоб ўтиб, чарчадим, деганини билмайсиз. Сўнгги кунлари бошқалар ҳам ундан ибрат олиб, эрта турадиган бўлдилар. Улар бақириб-чақириб, бир-бирларига сув сепишиб бутун қишлоқни бошларига кўтаришади. Уфқ гардишидан бош кўтариб келаётган қуёшнинг заррин нурлари баланд дарахт шоҳларини олтин рангга бўяши билан ҳаммалари булоқ бўйига югурадилар. Самоварчи чойнакларни қатор тизиб, тандирдан янги чиққан пўрсилдоқ, қип-қизил ширмойи нонларни дасталаб қўйган бўлади. Ёшларда фақат ўйин-кулги, вақтинчоғлик ва ширин овқатдан бўлак ҳам йўқ. Биров уйма-уй юриб, бир коса қаймоқ топиб келмаса егани татимайди. Биров ширчойга сўт, бошқалар сариёғ, узум қидириб кетади. Кейин чойнак-пиёлалар, лаган, қошиқлар-

нинг жаранглия товушлари, шопир-шупур кавшанишлар, гангур-гунгур сўзлар кулги товушларига араллашиб кетади. Ана шундан кейин суронли меҳнат даргоҳи сари одим ташлайдилар.

Агар кечасидаги воқеа содир бўлмаганда бугун ҳам худди шу тахлитда хушчақчақлик билан нонушта қилган бўлардилар. Афсуски, ҳамон хижолатпазлик ҳукм сураб, кунгилга қил ситмасди, унинг устига уйқусизликнинг лоҳаслиги кунгилни гаш қиларди. Нонушта ҳам қандайдир руҳсиз ўтди. Ишга ҳам жимгина юриб бордилар.

Матжон комсорг сифатида Мардонов билан суҳбатлашиб олмоқчи, барча можароларнинг сабабини очиқ билмоқчи эди. Худойқуловнинг айтишича, у Кудрат билан муштлашибди, Назокатни урибди. Нега? Икковлари Назокатни талашган эмишлар. Бекорларни айтибди Худойқулов. Ёдгоров унақа бачкана одам эмас. Матжон унинг соф одамлигига ишонади. Энди келиб-келиб... Йўқ, бу мумкин эмас. Худойқулов ғирт ёлғончи, ўтакетган ғийбатчи. Унга ишонавериш ярамайди.

Матжон Мардонов билан учрашолмади. У ишга чиқиш ўрнига эрталабданоқ аллақасқа ғойиб бўлди. Қудрат, Худойқулов ҳам трассада кўринмасди. Фақат Тешавойгина ишга раҳбарлик қилмоқда, холос.

Матжон нефтчилар базаси яқинида ер текислар, бошқалар эса ярим километрча орқада қолган эди. Матжоннинг бунчалик олға кетиб қолишига сабаб шуки, кейинги кунларда у нормасини икки баравардан кам бажармасди. У ҳар дақиқадан унумли фойдаланиш йўлини билиб олган. Агрегатни эпчиллик билан бошқарар, ортга тисарилиб, кейин бир олдинга ташланса ҳар қандай баланд-паст дўнгликлар унга дош беролмай қўпорилиб тушади. Чўлнинг айрим жойлари юмшоқ, бульдозер ҳокондозини тупроқни худди мой кесгандай кесиби, дам ўтмай ён-верига тоғ-тоғ қилиб уйиб ташлайверади. Дўстлари унга: «Аждаҳога ўхшайсан-а, боло-қазодай бир ёпишсанг ҳамма ёқнинг вайронасини чиқарасан» деб ҳаваслари келганини яширмасдилар.

Лекин бугун ишни нимагадир юришмаяпти. Уйқуга тўймаганидан боши карахт, асаби бушашган. Аксига олгандай ҳадеб чанқайверганини айтмайсизми? Дам ўтмай сув ичгани тушаверса иш унумли бўлармиди. Чидаш керак, сабр қилиш керак, деб буйруқ берарди ўзига ўзи. Аммо сабрнинг ҳам чегараси бор-да.

Анчадан бери трасса бўйлаб савдо қилаётган кўчма

магазин ишчиларни зарур нарсалар ва минерал суви билан таъминлаб турарди. Матжон бир шиша сув олдида, ёлтилатганича оғзидан ича бошлади. Ёнига ташналикдан ҳансираган, юзлари хўроз тожисидай қизарган Тешавой ака келди.

— Сувдай сероб бўғур, бир ҳишша узатинг, — деди у сотувчига, — томоғдлар тарашадай тақиллаб кетди. Матжонбой дейман, кун жа-а авжига чиқди-ку, а, ё манга шунақами?

— Ҳайронман яшулли, гуз келди дейишади, исси жа-завасини қўймайжақ-ку?

Тешавой сувни ичиб томоқ қирди.

— Юракдиям ўт оғонга ўхшайди, яна бир ҳишша беринг. Айтмоқчи, Мардоновди кўрдингми, у шетта, ҳованови Маръуфди каток миндириб юрибди. Бошлиқларди олдида бўғон экан. Қудратжонди жа таъзирини беряпти улар дейди-ку, а?

Акмал Маъруфнинг амалий машғулотига раҳбарлик қилишни ўз зиммасига олган ва уни ўзидай моҳир машинист қилиб етиштиришга ваъда берган эди. Техминимум дарслари яхши ўтилганига қарамай, махсус комиссия кўригидан ўтишмагунча шогирдларнинг биронтаси ҳали мустақил агрегат бошқариш учун рухсат олишмаган, ҳамон устозларининг назорати остидагина машқ ўтказардилар. Акмал талабчанликни ҳаддан ошириб юборар, Маъруфга: «Ҳушёр бўл, бу сенга саҳнага чиқиб ваъзхонлик қилиш эмас» деб танбеҳ беришини қўймас, аммо барибир унинг шогирди энг қобилиятли шогирдлардан саналарди.

Матжон яқинлашиб келганда Акмал ўз шогирди Маъруфнинг ишидан хурсанд эканлигини изҳор қила бошлади. Бироқ ҳозир Матжон учун бунинг аҳамияти йўқ.

Худойқулов бошқармада тўполон кўтарибди. «Мени кўролмайди Ёдгоров, томиримга болта урмоқчи, ҳаммани менга қарши қилиб қўйди» деб шовқин солаверибди. Бирорта айбини бўйнига олиш у ёқда турсин, ҳатто ўзидан бошқа ҳаммани гуноҳкор қилиб кўрсатибди. Қудратга ҳам танбеҳ беришибди. Акмалнинг эса Қудратга нисбатан ҳеч қандай гаразғўйлиги йўқ экан. «Назокатни талашиб, Қудрат билан муштлашиб деган гап ёлғон. Фақат уларни ажратиб қўйдим, холос. Худойқуловни ҳақоратлаб, унинг бўғзига ёпишганим рост, бунинг учун жазо тортишга тайёрман» дебди Акмал.

— Лекин ҳайдаб юборинмаса бас, — деди у шерик-

ларига, — масаламиз энди очик мажлисга қўйиладиганга ўхшайди.

Маъруф қайнаб кетди:

— Нима қилиш керак, гапирсанг-чи, Матжон ахир сен комсоргсан-ку, масалага жиддий қарашни биласанми, йўқми? Ишни шундай қолдиравериш ярамайди-ку?

— Худойқуловнинг тумшугига солиш керак! — деб маслаҳат берди Акмал.

— Ҳай, ҳай, бу гапларди жойиямас бу ер, — ҳамма-нинг ҳаяжонини босмоққа тиришди Тешавой. — Муҳокама кейин бўлади, ҳозир ишга!

Матжон Акмалнинг елкасига қоқиб:

— Майли, жўра, ишнинг сўнғида гаплашиб олажамиз, — деди.

Матжон қайтиб бориб, агрегатига сакраб минди-да, зарда билан ричагни шундай қаттиқ босдики, мотори гулдураб турган бульдозер зарб билан бир силкинди-ю, ўз эгасини устидан улоқтириб юборишига сал қолди.

Эҳ, Матжонни бошқармага чақирмабдилар-да. Ҳамма гапнинг ҳақиқатини очиб ташларди у. Нима бўляпти ўзи? Ҳақиқатни билмоқчимисизлар? Биздан сўрамайсизларми! Худойқулов киму, Ёдгоров кимлигини сиз эмас, мана биз биламиз. Наҳотки шу ақлингизга келмаса?.. Мажлис бўлса, Матжон ҳаяжонли нутқ сўзлаб ким ҳақ, ким ноҳақлигини айтиб берарди. Унинг гапларини маъқуллашлари турган гап. Чунки ҳамфикрлар жуда кўп.

...Ағдарма машина кабинасидан Худойқулов сакраб тушди. Унга ҳеч қандай танбеҳлар таъсир қилмагандай, ҳаммага кулиб боқар, ҳатто улуғ жангдан ғолиб қайтган қаҳрамонлардек ўзини мағрур тутарди. Ҳеч маҳал ишга қўл урмайдиган одам Шакеннинг белкурагини олиб, машинадан шағал тўкишга кўмаклашди. Кейин каток бошқараётган Маъруфга кўзи тушиб, жаҳли чиқди:

— Ёпирай, ёпирай, Парпиев! — деди белкуракни қайтиб бериб, каток томонга яқинлашаркан, — ким сизга мустақил ишлашга рухсат этди? Қани Мардонов?

Маъруф шовқин ичида унинг овозини эшитмадими ёки эшитса ҳам гапиргиси келмай ўзини эшитмаганга солдими, ишқилиб жавоб бермади.

— Сизга айтяпман, кармисиз?

Донм сўзини ўтказиб келган ва гапини икки қилганларида жони чиқадиган Худойқулов Маъруфнинг қайсарлик қилаётганини кўриб қони қайнаб кетди.

— Тўхтат! — деди бўғилиб ва агрегатнинг қаршисига

югуриб бориб қулочини кенг ёйганича туриб қолди. Маъруф яна икки метр юрса уни мажақлаб кетиши турган гап. Бошқалар ҳам ишни тўхтатиб, бўлаётган ҳодисани кузата бошладилар. Маъруф ерга сакраб тушиб бақувват қўллари билан Холдорнинг белидан даст кўтарди-ю, четга олиб қўйди. Кейин яна индамай ўтириб, катогини елдирганича кетаверди. Бундан кўпчилик мамнун бўлди шекилли, билинар-билинимас жилмайиб қўйишди. Худойқуловнинг эса кўзлари қисилиб, пешонаси тиришиб кетди. Югуриб бориб Тешавойга дуқ қила бошлади:

— Сиз нега индамайсиз, бир фалокат юз бериб қолса ким жавобгар, сизми, менми? — Тешавой эса унга қайрилиб қарамади ҳам, — ёпирай, бир нарса бўлганими сизларга! — деб бақирди яна Худойқулов.

Ҳеч ким унга парво қилмади. Бутун трасса фақат унга тиш-тирноғи билан қарши эди. Лекин у ҳам бўш келмасликка уринди. Маъруфнинг ёнига қайтди-ю, ёқасидан тутиб туширмоқчи бўлди.

— Тегма! — деган кескин овоз уни тўхтатиб қўйди. Холдор атрофга қаради. Муштларини қисиб, кўзлари билан еб қўйгудай бўлиб тикилиб қолган Мардоновни, иккинчи ёнида Собир ака, Шакен ва сал нарида яна бир неча ишчилар қараб турганини кўрди. Холдор ана шу кўзларда жиддий хавф борлигини сезгандай бақрайиб қолди-да, кейин аста орқага чекина бoшлади. Унинг юраксизлигидан ҳамманинг кулгиси қистади.

* * *

Қудрат бошқармадан қайтгандан кейин трассага боришни истамади. Ҳеч ким билан учрашгиси келмади, ҳеч қандай айби йўқлигига қарамай ҳақ жойига қарор топгунча кўча-кўйда бировга тик боқишга ҳам юраги бетлаёлмай юрди. Тўхмат тош ёради, деб бекорга айтмаганлар, у ўзини ёмонотлиқ бўлиб қолгандай ҳис қилар, ҳадсб эзиларди.

Бошқармада эшитмаганини эшитди. Нарёқ-берёғидан ўтиб кетгудай гаплар бўлди. Лекин уларнинг кўплари ноўрин, чунки Қудратнинг гуноҳи фақат ўша дарди бедавонинг юзига бир тарсаки урганида, холос. Бунга ҳам унинг ўзи мажбур қилган. Бўлмаса Қудрат умрида бирор кимсани чертган эмас. Тўғри, Худойқуловни ҳам аямадилар. Аммо унинг гапларига ишонаверишлари керакмиди?

Қудрат ўзини оқлашга уринмади. Негадир нафасини

ичига ютиб, ёш боладай бўйинини қисганича ўтираверди. Худойқулов бундан фойдаланиб тоза вайсади. Бари оёғи осмондан келтирилган далиллар, ғийбатлар. Бундай одам билан бирга ишлаш умрининг эғови, деб Қудрат тўғри айтган эди. Агар аҳвол шу хилда давом этаверса, Қудратнинг бошига маломатлар ёғилавериб жинни қилишни турган гап. Яхши дўст — жон озиғи, ёмон дўст — бош қозиги, дейдилар.

Кутилмаганда у ўзини ёлғиз ҳис қила бошлади. Кейин Гулчирой билан бирга юрган ўша боққа кирди. Ўша дарахт шохларидан япроқ узди. Ўша чирмовуқ гулларига узоқ-узоқ тикилди. Гуё излаганини бу ердан ҳам тополмагандай бошини кўтариб осмонга қаради. Паға-паға булутлар манзилга шошган туя карвонларидай чўзилиб, елиб-югурадилар. Турналар тизилишиб ўтади. Бир гала оқ, ола чипор, қора каптарлар осмонда чарх уради. Яна пастлаб тушиб кўздан ғойиб бўлади.

Ҳамма ёқдан кузнинг нафаси келади. Қудрат боғдан ўтиб, бодроқдай қийғос очила бошлаган пахтазор этагидан чиқди. Дала билан унинг ўртасида кенггина ариқ бор эди, ундан сакраб ўтишнинг иложини тополмай қирғоқ бўйлаб кетди. Лекин қаёққа боришини ўзи билмасди. Қаёққа ҳам бориши мумкин? Ариқдаги сув тип-тишиқ, фақат кўкдаги буталар сояси тушгандагина сал кул ранг тусга кирарди, холос. Аммо бир оз диққаг билан қарасангиз, шу сув остида ҳам бағри кенг осмон, яна бир коинот борлигини кўрасиз. Қирғоқдаги сарғая бошлаган ўт-ўланлар эса жимгина сувга тикилишиб, унинг беғубор жамолига маҳлиё бўлиб қолгандай. Қудрат сув бўйига тушиб, ўзининг сўлгин юзини кўрди. Соқоли ҳам ўсиб кетибди. Пешонасидан сулув қизларнинг қайрилма қошларидай ёнма-ён икки чизиқ тортилибди. Бу ҳам кузнинг нишонасимикин? Яқиндагина бу чизиқлардан асар ҳам йўқ эди. Вақт шунчалик тез ўтмоқдаки, Қудратнинг ширин хаёллари ва умидларини ҳам ўзи билан бирга олиб кетаётгандай. «Йўқ, мен бу ердан кетаман, кетаман,— деб ўйлади у,— ўз кучимни бошиқа ерда кўрсатаман. Билиб қўйинг, Қудрат ҳали тетик, кўзлари тийрак, ақли соғлом. Ғайрат-шижоати кўксига сиғмайди. Ҳа, унинг нималарга қодир эканлигини билиб қўйишсин. Кетаман бу ердан!»

«Қаёққа?»

«Қаёққа?» деб сўрагандай бўлди бир овоз. Бу Тешавойининг товуши эди. Ундан кейин кўзига Матжон, Маъруф, Шакен, Собир ака, Валечка ва ҳатто Мардонов

кўриниб кетгандай бўлди. Улар ҳам: Қаерга?— дейишарди,— бизни ташлаб қаерга?» Қудрат қулоқларини маҳкам бекитганича ариқ бўйида ўтирарди. Кўзлари юмилди, ёлғиз бир кишининг товуши эшитилиб турарди.

«Қаёққа ўғлим, қаёққа борасан?» деди у ҳам. Кўз олдида ўз отаси келиб тургандай бўлди. Бу — ўша бировининг мотоциклини бузиб қўйганида, қўлига қайиш олиб савалаган отаси эмас, балки анча мункайиб қолган, бўйинлари ажиндор, қўл томирлари бўртиб чиққан қари чол. Бармоқлари эса ўғлини савалаш учун энди ушлашга ҳам қодир эмасдай қалтирайди.

Қудратнинг кўзларидан ёш қуйилди: «Жуда қийналиб кетдим оғажин, кетаман, кетаман! Ўша биринчи кунларидек кетишим керак эди асли».

«Қа-рда енгил? Сени тапнёлмаяпман, ўғлим. Ҳеч қачон бунчалик ноумидликка берилмаганинг-ку? Бировларга маслаҳат бериб, бўш келмаслик керак, курашиш керак, ҳаёт курашдан иборат, деб кекирлагингни чўзганинг эсингдами? Мажлисдаги гапларинг-чи? Қўй-эй, ноллиш ҳам эви билан-да, ўғлим! Аловидиянинг сирли шамдонига ишонадиган пайтларнинг ўтиб кетган эди. Ёшнинг йигирма олтидан ошди-я! Билимнинг, тажрибанинг бор. Ҳаёт яхмалак отадиган майдон эмаски, гизиллаб кетаверсанг! Турмушнинг асали, новвоғи ҳам, қадри қиммати ҳам нимада эканлиги ўзингга аён-ку? Яна кетаман деганингга ҳайронман-а! Балли-е, қиз боладай кўз ёши қилишинини қара-к! Сен ёлғиз эмассан. Уста Махсум-чи? Тешавой-чи? Комсомолларинг-чи? Қолаверса, Салимовнинг ўзи-чи? Ёки ишонмайсанми уларга? Агар улар билан қовушиб кетолмаётган бўлсанг, бунга ким айбдор? Ўзинг эмасми, ўғлим?»

Қудрат ана шу хаёллар билан ўз қайғусини унутиб, овунгандай бўлди. Кейин бу ёқларда тентираб юриши ҳам бемаъни туюлди. Нега қусидан яширинган кўршаналакдай элдан қочиб юриши керак экан? Нега? Бу — гирт тентаклик-ку! Бемалол бош кўтариб боқса, биров нима деб таъна қиларди унга? Тўғри юрган кийикнинг кўзидан бошқа нима айбон бор? Қолаверса, Қудрат ўз виждони олдида мусаффо-ку? Фақат Гулчирой... Ҳа, ўшанинг олдида нима деган одам бўлдикин? Шуниси бор-да. Агар ораларидаги муносабат ўзгармаганда, ҳозир бирдан-бир юрагига яқин кишиси ўша эди. Барча гапни унга тушунтирган бўларди. Афсус, бу мумкин эмас.

Қудрат Гулчирой билан кинога борганини ҳам қай-

та эсладн. Ушанда бахтимни топдим деб севиниб юрган экан-а, тавба, бундай хулоса чиқаришга нега мунча ошиқмаса? Балки топгандиру бой бериб қўйгандир. Бас, бундай фикрларга чек қўйиш керак энди. Узини мардона қўлга олиб омаднн меҳнатда синайвериши керак.

Бугунги оқшом ҳар кунгидан эртaroқ тушди. Кечаги оқ тунлар бутунлай тугаб, атрофни қора парда ўз оғушига олди. Ҳамма ёқ тутун ичида сузаётгандай. Шунга қарамай бошини қуйи экканича сал нарида ўтиб кетаётган қизин Қудрат таниди. Таниди-ю, эсанкираб қолди. Олга қадам ташлашга юрак бетламай, юраги қаттиқ уриб кетди. Йўқ, бу хаёл эмас, бу ўша...

— Гулчирой!..

Қиз унинг овозини эшитган бўлса ҳам ўзини эшитмаганга солди, ҳатто қиё боқмади ҳам. Жадал юрганича очик турган бир эшикка ўзини урди. Гуё оламни ёритган қуёш бир зумда уфқ ортига ботди-ю, осмонни зулмат қўйнига отди. У яна қайтиб чиқармикин деган умид билан Қудрат эшик олдида кетолмади. Бир кўнгли кириб чақириб чиқмоққа ҳам чоғланди. Наҳотки шу тахлитда бутунлай бир-бирларидан ажралиб қолаверсалар? Наҳотки қандайдир гумонлар туфайли ораларига тушган бу ҳижроннинг ҳосили абадий жудолик бўлса? «Олчоқ экансиз... мени лақиллатмоқчи бўлдингизми, йўқ, мен сиз айтган қизлардан эмасман!» Оҳ, Гулчирой, ким сени лақиллатмоқчи экан, ким? Ким сенинг беғубор қўйнингга шубҳа илонини солди, ким? Қайси кўрнамак, қайси бадфеълнинг қилиғи бу?

...Оҳ дедим, овора бўлдим, ёра билмайдир ҳануз...

Бу аллақайси ҳовлида хониш қилаётган радионинг овози эди. Қўшиқнинг сўзлари Қудратнинг кўксини тигдай тилиб ўтди. «Ҳа, оҳ дедим, овора бўлдим...» деб юборди у ҳам.

Қудрат бу ерда ортиқ туролмади. Аста юриб штабга кирди-да, чироқни ёқди. Ёнбошлаш учун каравоти ёнига бормаган эди ҳамки, ташқарида, қоронғилик ичидан кимлардир гурунглашиб келаётганини пайқади. Улар штаб эшиғи ёнида тўхтадилар.

— Ким?— деди Қудрат кўзларини қисиб.

— Бизлар, Қудрат ака мумкинми?

Матжон, Акмал, Тешавой бошлашиб киришди. Қудрат сир бой бермасликка тиришса ҳам, Тешавой унга раҳми келгандай ачиниб қараб қўйди.

— Кечиринг, Қудрат ака,— деди Мардонов,— ме-

нинг касофатим билан сизга гап тегди, Худойқулов атайин мен билан сизни уриштириб қўйиш учун замин тайёрлаб юрган экан. Биласизми у ким? Ичи қора, бахил, муттаҳам одам! Уриб ўлдирган савобга қолади уни.

— Ўлдириш ярамайди,— унинг сўзини бўлди Матжон.— Ёхсиси анави гапларингни айт, жўра.

Қудратга ҳеч маълум бўлмаган зараркунандаликлар, меҳнат ҳаётини издан чиқариш учун қилинган барча яширин ҳаракатлар ойдинлаша бошлади.

— Шу маҳалгача ишга, бўлса бўлар, бўлмаса говлаб кетар, менга нима, деб қарардим. Худойқуловнинг кирдиқорларини сиздан яширдим... Ҳар минут, ҳар соат ундан ёмонлик кутиш мумкинлигини ҳеч кимга билдирмадим. Энди ўйлаб қарасам, чакки қилган эканман,— деб айбини тан ола бошлади Мардонов,— унинг тилсўзлама гапларига учиб қадаҳ чуқинштираверибман. Қарасам... Хуллас... Мана шуларнинг ҳаммаси учун ҳар қанча жазо берсангиз арзийди менга. Лекин ҳайдаб юборманг, Қудрат ака, мен қурилишни жон-дилим билан севиб қолдим. Ўрганаман, ўргатаман, истасангиз кечаю кундуз ишлашдан қочмайман ҳам. Мени кечиринг. Фақат кечирсангиз бас. Устингиздан шикоятнома ёзган мен эмас, менинг номимдан унинг ўзи ёзган, буни ҳам билиб қўйинг. Ишонинг Қудрат ака...

Қудрат Мардоновнинг тўғри йўлдан чалғиётганини, бу албатта Худойқулов етакчилигида содир бўлаётганини тушунар, аммо бир кунмас бир кун худди мана шундай ўз тавбасига таянишини биларди.

XXII боб

ГУМОНЛАРНИНГ ҚУЛИ СОВУРИЛДИ

Шогирдлар техминимумдан имтиҳон топширишга ўтдилар. Бошқарма ходимлари ва тажрибали машинистлардан тузилган имтиҳон комиссияси жуда қаттиқ қўллик билан шогирдларни синовдан ўткази бошлади. Дарслардан олинган конспектларгача текширишди. Шогирдлар барча ўтилган дарсларнинг ипидан-иғнасигача қолдирмай жавоб беришлари, ҳар бир деталь, ҳар бир винт нима учун хизмат қилишини батафсил тушунтиришлари, ўзлари чизган схема ва лойиҳаларни курсатишлари керак эди. Шундай қилиб икки киши қайта тайёрланиб, қайта имтиҳон топширишга қолдирилди.

Беш киши «уч» баҳога эришди. Валечка билан Маъруф ҳам зўрға «тўрт» баҳо олдилар. Ҳар қалай машинист ихтисосига гувоҳнома берганларига шогирдлар хурсанд эдилар. Уларнинг бахтига Салимов ваъда қилган янги механизмлар ҳам етиб келди. Ҳар бирини иккитадан шогирдга бириктириб қўйишди. Ҳеч кутилмаганда Болтаев ўз қўли остидаги бир катокни ҳам вақтинчалик фойдаланиш учун участка ихтиёрига юборибди. Бунинг эвазига албатта Ободонга йўл солишни тезлаштириш керак, Қудратнинг истаги ҳам шу эди, Салимов унинг ёзма докладини трестга юбориб, ўзи ҳам бу ишга серҳафсалалик билан киришиб кетди. Шайтонжарга бориб қайтди. Трест ходимларининг кенгайтирилган кенгашида чиқиб сўзлади.

— Хотиржам бўлаверинг,— дерди у Қудратга,— ҳаёт мантиқи ким ҳақлигини кўрсатиб беради. Трестда ҳозир зўр тортишув бормоқда. Бусиз мумкин эмас...

Лекин трассадаги суръатдан Қудратнинг кўнгли тўлмас эди. Қурувчилар кенгаши ва қўшни участкалар йиғилишида уни ўрнатқан қилиб кўрсата бошладилар, бироқ Қудрат унга парво қилмас, бугунги ютуқлар фақат ишдаги бурилишнинг дастлабки босқичигина деб ҳисобларди. Ўйлаган режаларининг кўпчилиги ҳали ҳам амалга ошганича йўқ. Айрим сабаблар ва баъзи бир қийинчиликларни бир ёқли қилмай туриб хотиржам бўлолмасди у. Шогирдларни машинистликка ўтказгандан бери машинадан қум, шағал тушириш сансалорликка тушиб қолди. Бирдан-бир умиди уста Махсум яратаётган машинада, ундан эса дарак йўқ.

Иккинчи смена ташкил қилиш кейинга чўзилиб кетмоқда. Колхоз парторги ваъда қилган движок келишга келди-ю, аммо прожектор йўқлиги ишнинг белига тепди. Бошқармадагилар шуни бир ёқлик қилишнинг уддасидан чиқолмаётганга ўхшайди.

Худди шундай фикрга берилиб хуноб бўлиб юрганида уни Пардавой чақириб:

— Прожекторнинг эвини қиладиган бўлдик,— деб қолди.— Бетон заводи ваъда берган эди, эрталарга келиб қолар.

«Шунга мени чақиртириб ўлтирмай, юбораверса бўлмасмиди», деб ўйлади Қудрат. Бироқ бу фақат кириш сўзи экан, холос. Элдор Салимов райкомдан телефон қилибди. Колхозларда йиғим-терим бошланиши муносабати билан уни ҳам райкомга чақиринган ва Ёртепага неча кунда йўл бориб етишини сўрашган бўл-

са керак. Салимов Қудратнинг фикрини билмай туриб, бир нарса дейишга ботинолмаган шекилли.

Қудрат ўйга толди.

— Ҳозир айтиш керакми?— сўради у бош инженердан.

— Ўртоқ Салимов телефон олдидан кетмай, сизнинг жавобингизни кутиб ўтирибди.

Қудратнинг боши қотди.

— Ёртепага камда бир ярим километр бор ҳали. 1

— Икки километр деб мўлжаллайверинг.

— Икки километр... икки километр,— деб ўйлади Қудрат.

— Бир ҳафта етадимиз?

Қудрат жуда ноқулай вазиятга тушди. Бир ҳафтада икки километр... бир ойда зўрға етти километрдан силжимоқда эди... йўқ, улгуролмайди. Аммо бундай деб жавоб бериш номардлик бўлар.

Қудрат қуруқ йўталиб олди.

— Агар прожектор...

— Прожектор ҳал бўлади дедим-ку?

— Ундай бўлса, айтинг Салимовга. Бир ҳафтада Ёртепага етамыз.

Салимов ҳақиқатан ҳам телефон олдида кутиб ўтирган экан. У Қудратга миннатдорчилик билдирди.

Қудрат яна ўйга толди: «Борди-ю, эпполмасак-чи, унда шарманда-ю шармисор бўламиз. Йўқ, бошингни тошга урсанг ҳам урки, ҳеч бўш келмасликка тириш, Қудрат. «Айтилган сўз — отилган ўқ», шунга амал қил!»

* * *

Худойқуловнинг қанақа одамлиги ҳаммага аён эди. Баъзан унга ён босиб турган, Қудратни эса бу ерда ислоҳат ўтказиб ўзини кўрсатмоқчи деб ҳисоблаган Пардавой ҳам ноқулай аҳволга тушиб қолди.

— Инсоннинг фазилати унинг мансабида эмас,— деди Салимов Пардавойга танбеҳ бераётгандай,— унинг ташаббусида. Мана, Ёдгоров ўзининг ҳақ эканлигини исботлади. Ундан гумонсираб юришимиз беҳуда экан, шундай эмасми?

Салимов Ботиоровга тикилиб қолди. Пардавойнинг нафаси ичига тушиб кетди. Бу ноқулай аҳволдан қутулиш учун бирдан-бир чора бетон заводига телефон қи-

либ, прожектор юборишларини тезлаштириш эди. У трубкани олиш билан Салимов ўриндан турди-да, ташқарига қаради.

— Ҳавонинг феъли бузиляпти,— деди у ташвиш билан.

Худди шу сўзни тасдиқламоқчи бўлгандай шамол туриб деразалар жаранглаб кетди. Салимовнинг чеҳрасини булут қоплаб олгандай бўлди.

— Алло, алло!— дерди Ботиров,— ҳе, бир бало бўлганми? Боядан бери икки-уч марта телефон қоқдим, ҳеч ким трубкани олмайди.

Салимов соатига қаради.

— Менга қаранг, машинада ўзингиз бориб келмайсизми? Прожектор етказиб берилмаса тунги смена ташкил қилишдан фойда йўқ. Бир томонда ҳавонинг авзойи бузилди.

— Хотиржам бўлинг, уларда ҳақиқий ватанпарварлик ҳисси уйғонган ҳозир.

— Ўзингиз шу ерликсиз, биласиз ахир,— унинг сўзини бўлди бошлиқ.— Бу ернинг ҳавоси билан ҳазиллашиб бўладими?

Ташқарида шамол борган сари кучаяётган эди. Ҳали қуёш уфққа бош қўймасданоқ осмон юзини қоронғилик босиб келмоқда. Ҳамма ёқ қалин туман ичида. Булутлар гуё шамол олдига тушиб қочиб кетаётган маст туялардай югурадилар.

Пардавой ҳам дераза олдига келиб ташқарига қаради-ю, оғзи ярим очилганича қолди. У чўлда кўтариладиган тўполоқларни кўп кўрганлигига қарамай, ташвишга тушди.

— Йўқ,— деди Салимов қатъий қилиб,— бу аҳволда тунги сменада ишлаш хавфли, ҳозирча Ёдгоров уни ташкил қилмай туратурсин. Сиз иккинчи участкага боринг, эртадан бошлаб бир группа одамларни учинчига юборишсин. Бизга энг зарур ҳозир Ёртепа қурилиши денг. Мусобақадорлар бир-бирига ёрдам беришсин, айттинг.

— Яхши фикр. Мен ҳам худди шундай қилсакми-кан деб ўйлаб юрувдим. Дарвоқе, бу Қудратнинг иззат-нафсига тегиб кетмасмикин? Ўзига ишонганлардан эмасми, биз ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож эмасмиз, деб ёрдамчиларни қайтариб юборишдан тоймайди у.

— Чиндан ҳам кейинги кунларда жуда серандиша бўлиб кетяпсиз,— деб кулди бошлиқ,— мен сизни таниёлмай қолдим-ку.

Пардавой ичидан зил кетди ва гап қайтаришни эп кўрмай, кабинетдан чиқиб кетди.

Машинани физиллатганича ҳайдаб кетаётган шофёр ёнидаги бош инженернинг юмилган кўзига қараб, мудраяпти, тоза чарчаган кўринади, деб ўйларди. Аммо Пардавой мудраётгани йўқ, мияси тинмай ишлар эди. Боши ғувиллар, қулоғи зингилларди. Унинг кўз олдида Салимов, Қудрат, Худойқуловлар келиб тўхтади. Ғўё улар баб-баравар бақириниб гапираётгандай эди. Ҳаммасидан Қудратнинг овози баландроқ жарангларди: «Бўшангсан, лаллайгансан,—деб удағайлаб яқинлашарди у,—Худойқуловдай ярамас одамнинг излагани сен эдинг!»

«Мен молимардумхўрман, сендай одамларни товлаб юриб, тузоққа илинтириш менинг ҳунарим,—деб башарасини қийшайтириб қўйди. Холдор Пардавойга,—мени бозорда учратганинг эсингдами? Ўша маҳал ҳозир хотининг кийиб юрган хонатласни топиб берганимда, ўзингда йўқ суюниб кетган эдинг. Аслида бир ярим баравар қимматига сотгандим сенга. Кейин мени ресторанга таклиф қилдинг. Тоза отамлашдик. «Инженерман, афсус дипломим билан меҳнат дафтарчамни йўқотдим» деб кўз ёши қилганимга дарров ишондинг. Бу соддалигинг менга жуда қўл келди. Муродимга етдим дедим ўшанда. Кўрдингми, мен қандай одамман?!»

«Эҳ, каллаварам, келиб-келиб сенга ишониб юрибман-а!—деб таъна қила бошлади Салимов.—Мана, Ёдгоров ўзининг ҳақ эканлигини кўрсатиб қўйди-ку? Барча гумонларинг пучга чиқди, шундай эмасми?!»

Бирдан Пардавой ўзини ҳаёт тошқини устида енгилгина бир хасдай қалқиб юргандай ҳис қилди. Ҳамма ёғини муздай тер босиб кетди. Ичини ғам-ташвиш кемира бошлади. Кейин Қудратга қараб, шафқатсиз суд олдида ўзини оқлаётгандай дадил жавоб қилди: «Сен мени қоралаяпсан, дўстим, майли, қоралайвер, қилмишимга яраша жазо тортай. Тўғри, барча таклифларининг шоду хуррамлик билан қабул қилишим, сенга ёрдам беришим керак эди. Шундай қилмадим. Биласанми нима учун? Эҳ, оғайни, бунга ўзимнинг ҳам ақлим етмайдиган ҳозир. Нега дейсанми? Чунки... ким билади дейсан, балки гайирлигим келгандир. Яқингинада худди сен каби жавлон уриб, чарчаш нималигини билмайдиган одам эдим. Юксак ғоялар билан қанотланиб, ажойиб мўъжизалар тилсимини очмоқ, дунёни ағдар-тўнтар қилиб

юбормоққа қодирдай сезардим ўзимни. Ўйлаш, излаш, оламда йўқ нарсаларни қидириб топиш, ҳақиқат инжу доналарини териб олиш бирдан-бир мақсадим эди. Аммо ҳаёт мендан ўзиб кетди, орқада қола бошладим. Нега шундай, ёки чарчаб қолдиммики? Эҳ Қудрат, Қудрат, менинг ўрнимда сен бўлганингда балки бошқача йўл тутарминг. Мен эсам...»—у чуқур хўрсиниб қўйди.

— «Нега жимиб қолдинг? Гапиравер, қулоғимиз сенда!»—деб талаб қилди Қудрат.

«Мени қийнама, дўстим, ўз айбингни бўйинингга олишдан оғирни йўқ шекилли. Одам боласи ҳеч қачон хотиржамликка берилиб кетмасин экан. Балки мансаб мени худди ана шундай қилиб қўйгандир. Истеъдод ва малакамни олиб келиб стол ғаладонига тикиб ташлабману амалпарастликка берилибман чоғи...»

Машина бир сакраб тушди-ю, Пардавой қалқиб кетиб кўзларини очди. Шамол ойнани савалашга бошладди. Ён томондан эса совуқ ел келарди.

Ботиров кўзларини яна юмди. Бу сафар унинг қаршисида ҳалиги одамлар эмас, балки Пардавойнинг ўзи пайдо бўлди. Бу — ҳозир машинасида кўз юмиб кетаётган Пардавой эмас, бошқаси, талабчан, ҳақиқий инженер қиёфасидаги ёшроқ Пардавой эди. У жиддий тикилиб яқинлашди-да:

«Хўш, «мансаб»ли бўлсанг, нима қилибди,—деди ва қаттиқ дакки бера бошлади,—бошқалардан ошиб кетдим, деб ўйлайсанми? Эсингни йиғ, оғайни. Аввалги фазилатларингни йўқотдинг, тошбақадай қобилингни бурканиб судралиб қолаётирсан, ахир!

Эсингдами, Қудрат лойиҳани ўзгартиш масаласини маслаҳатга қўйганда ғашинг келиб, ҳатто эшитишни ҳам истамадинг. Ундаги яхши сифатларни кўргани кўзинг йўқ, хатолари ярангга малҳамдай ёқар, донғи эмас, чанги чиқишини истар эдинг. Уста Махсумнинг таклифи масаласида-чи? Эҳ, каллаварам, сен қўлламасанг, бошқалар қўллашади-ку барибир! Раҳбарлик қўлингдан келмай қолган экан, марҳамат қилиб, ўрнингни бошқаларга бўшатиб қўй. Акс ҳолда ўзлари олиб ташлайдилар. Салимовдан эса шафқат кутма. У сени ҳимояси остига ололмайди энди!

Баракалла-е ақлингга, хатоларингдан ўз вақтида хулоса чиқариб ололмадинг. Ҳа, оғайни, куяга едириб қўйган ўша хизмат пўстинингни олиб, бир шамоллатишинг керак! Тез бўл! Сал кечиксанг армонда қолишинг

турган гап. Бошқа иложинг йўқ, азизим! Бошқа иложинг йўқ!..»

Биринчи Пардавой кўзини очди. Машина янги тушган йўл устида физиллаганча кетар эди.

XXIII боб

СЕРТАШВИШ ТУН

Трасса устида шамол тинмай гувилларди, осмон гулдираганда қурилишдаги механизмларнинг товуши эшитилмай қоларди.

Катак-катак кўйлагининг енгини тирсагигача шимариб, ола чипор шапкасини пешонасигача бостириб олган Қудрат елиб-югуриб чарчаган эди. У ҳориганини бошқаларга сездирмай, ўзини тетик тутишга уринар ва ҳар бир дақиқанинг қанчалик қимматли эканини эсла-тиб юарди. Шундоқ ҳам ҳеч ким ўз постидан бир лаҳза нари кетишни ўйламас, кўзлар ҳушёр, асаблар яхши созланган тор каби таранг.

Пардавой ваъда қилган прожекторлардан ҳалигача дарак йўқ. Электр движок уланган трактор бир четда қаққайиб турарди. Бугун иккинчи смена ташкил қилинган, ҳамма нарса шай. Фақат қоронғилик тушиб прожекторнинг зарурлигини билдириб турарди. Бунинг устига шамол туриб, ишнинг белига тепганини айтмайсизми! Агар у бўронга айланиб кетса графикнинг барбод бўлиши турган гап. Бунинг устига Худойқуловнинг зараркунандалиги туфайли юз берган бракни қайта тузатиш графикни анча орқага суриб юборган. Ишчилар икки кеча ойдинда ва механизмларнинг фари ёруғида ишладилар. Аммо бугунги об-ҳаво ҳеч қандай фар нурида ишлашга йўл қўймасди.

Қудрат Валечка бошқараётган скрепернинг тўхтаб қолганини кўриб унга яқинлашди. Қани яна бир зўр берайлик, деб унга далда бермоқчи эди.

— Қудрат ака!— деди Валечка кабинадан бош чиқариб,— Қудрат ака, деяпман?

— Ҳа, нега бунча бақирасан?

— Прицеп узилди.

— А?

— Прицеп узилди деяпман.

Қудрат унинг гапини яхши пайқамаган бўлса ҳам, скрепер прицеппининг дизелдан узилиб ётганини кўриб, масалага тушунди.

— Ҳой, Бойтанаев!— деб чақирди у грейдер устида турган Шакенга.— Бойтанаев эшитмаяпти, бор, чақириб кел.

Валечка кабинадан сакраб тушди-ю, Шакенни бошлаб келди.

— Вой айналайин сулув қиз, думинг жулиниб қоптиғуй?

Прицепни дизелга уладилар. Қудратни кимдир чакириб кетди. Валечка эса ўз ўрнига ўтириб шунча газ беришга ҳаракат қилса ҳам, агрегат ўрнидан қимирлай демасди. У моторни кўздан кечирди. Кейин яна юргизишга уринди, кучанди. ҳеч иш чиқаролмади. Қарига дард тега қолганига ақли етмасди ҳам. Қудратни чақирай деса, биринчидан, у узоқда, иккинчидан, ахир Валечка имтиҳондан муваффақиятли ўтган-ку, энди наҳотки шу касалнинг сабабини ўзи топиб, тузатолмаса?

Беш-олти минутча куйманиб уддасидан чиқолмагач, яна Шакенни ёрдамга чақирди.

— Ой, боёв, широғим, тузатишди менда билмем, ўзинг жахси машинистсен-ку?

— Мендан кулмаган сен бормидинг энди?— Хуноби ошди қизнинг,— қўл фонарингни бер.

— Жўқ-да. Жахсиси Қудрат ағани шақиршагши.

У сўзини тугатиб улгурмаган ҳам эдики, кутилмаганда қўл томондан бирдан елиб келган қаттиқ шамол икковини гандираклатиб юборди. Валечка агрегат ғилдирагига маҳкам ёпишиб зўрға ўзини тутиб қолди.

Бирдан кўзни қамаштирувчи кучли нур порлаб кетди. Кўкни чавоқлаб ташлаган чақмоқ шуъласи орасидан момақалди роқ замбаракдай даҳшатли гумбурлаб, теваарак-атрофни ларзага солди. Осмоннинг ҳар ер-ҳар ерида дам-бадам ялт-юлт этиб турган олов чизиқлар ана шу гумбурлашларга қўшилиб кетди. Қудрат бу аҳволда ишни давом эттириш мумкин эмаслигини сезди шекилли, ҳаммани тўхтатди. Одамлар механизмларни ўрни-ўрнида қолдириб трассада кетишга, бир оз нафасни ростлаб олгандан сўнг қайтишга жазм қилдилар.

Қудрат табиатнинг даҳшати олдида бўйин эггиси келмас, бир иложини топиб, ишини давом эттиришни истарди. Битта у эмас, кўпчилик шу фикрда. Уй-уйнга тарқалганлар устларидаги жомакорларини ечмай, деразадан ташқарига қараганларича «ҳақ» деб ўтиришар, устма-уст папирос чекишарди. Баъзилар штабда қолиш-

ган. Дераза ойнасининг дириллаши, эшикка келиб урилган тупроқ, қумларнинг шиғиллашидан шамол тобора авжига минаятгани кўриниб турарди. Қудратнинг қовоғи солиқ, бу тўполонга қарши бирор тадбир ўйлаб тополмаганидан диққати ошарди. Умрида чекмаган одам кимдандир папирос сўраб қолди. Ишчилар ҳам унинг қалбида ҳозир нималар бўлаётганини билганлари учун сукут сақлаб ҳамдардлик қилишарди.

Кейин у папиросни ерга ташлаб, оёғи билан эзди-да, ташқарига чиқди. Маст кишидай гандираклай-гандираклай колхоз идорасига зўрға етиб борди.

— Телефон қилиб олсам мумкинми?

Кук белбоғ билан пешонасини танғиб, чўт қоқиб ўтирган бир йигит, бухгалтерми, ҳисобчими, Қудратни бошдан-оёқ кузатди-да:

— Мумкин,— деди.

Телефон ҳам бузилган трактордай хир-хир қиларди. Гўё шамол шу трубка ичига кириб олгандай гапиртиргани қўймасди.

— Алло, алло!— деб бақиршга ўтди Қудрат,— алло, сиздан сўраяпман яхши қиз... А? Эшитмаяпман дейсизми? Хўп, хўп, дона-дона қилиб гапираман бўлмасам. Менга Элдор Салимовнинг квартираси керак, квартираси, ҳа! Каримовмас, Салимов, Салимов... А? Бу қаер дейсиз? Ҳаммом?

Чўт қоқиб ўтирган йигит кулиб юборди.

— Шундай пайтда ҳаммомни бошимга ураманми!— деб бўғилди Қудрат ва трубкани қўйиб, бошқатдан гардишини айлантира бошлади:

— Алло, мен сиздан Салимовнинг квартирасини сўрадим. Каримов эмас, Салимов деб тушунтирдим-ку? А? Кечирасиз, бу Гулчеҳраҳонми? Ўртоқ Салимовни мумкинми? Нима? Келганлари йўқ дейсизми? Шунақами? Ҳа, майли, хавотирланманг, бошқармада бўлсалар, келиб қоладилар.

Қудрат бошқарма билан гаплаша олмади. Ўрнида узоқ ўтириб қолди. Ҳамон деразалар дириллаб турар, гўё кўчада одамлар ҳуштак чалиб у ёқдан-бу ёққа югураётгандай туюларди. Бирдан эшик қаттиқ тарақлаб очилди-ю, шамол стол устидаги бир даста қоғозни тўзғитиб учириб юборди. Қудратнинг қаршисида Тешавой турарди.

— Руҳингизни туширманг,— деди у Қудратнинг елкасига қўлини қўйиб.— Хуноб бўлаверманг. Туринг, бирор чора ўйлаб топармиз.

Қудратнинг қандай чора топиш мумкинлигига ақли етмай унга савол назари билан қараб қолган эди. Бригадирнинг ҳам юзларида ташвиш аломати бор.

— Хўш, қандай чора топдик энди?— деб сўради ўрнидан тураркан Қудрат. Бошини ушлаганича бир лаҳза жим қолди.— Механизмларни чанг-тўзонда қолдириб келганимиз чакки бўлди-да. Бу гуноҳимизни ҳеч ким кечирмайди.

— Тўғри айтасиз. Менимча, ҳозирнинг ўзида келтириб қўйиш керак.

— Шундай пайтда одамларни трассага бошлаб бориш ҳам осон эмас.

— Бирор иложини қиламиз,— деди яна бригадир.— ичимизда бундан зўр бўронлар билан олишиб қолиб чиққанлар оз эмас. Кўпга келган ёмон кунди ҳам тўй дейдилар.

— Юринг!

Штабдагилар ўтирган ўринларида пинакка кетишган, айримлари хуррак отмоқда эди.

— Чарчаган одамларни уйғотиш увол,— деди Қудрат ачиниб,— улар ширин уйқуда.

Худди шу маҳал эшикдан ёв қувлагандай ҳаллослаганларича Мардонов билан Маъруф кириб келишди. Улар кундузги сменада ишлаган эдилар, энди дам олишлари ва эрталаб соат олтидаёқ трассада бўлишлари керак эди. Бирор ҳодиса юз бермаганда замбарак отиб ҳам уйқудан уйғотиш осон эмас. Нима ҳодиса юз бердийкин?

Маъруф безгак тутгандай қалтирарди. Мардонов эса ўпкасини босолмай ҳансиради.

— Қудрат ака, Қудрат ака,— дерди у.

Ҳамма уйғониб, керишиб, ҳомуза торта бошлади.

— Гапир, гапир, нима гап ўзи?

— Валечка бедарак йўқолибди,— деди Акмал.

— Ким айтди, қаёқдан билдинг?

— Хўжайкаси уввос солиб келди, — деб Акмалнинг жавобини тўлдирди Маъруф.— Ухлаб ётувдик, «ҳамма чўлдан қайтибди-ю, менинг Валя қизим қайда қолди?» деб ўтакамизни ёриб юборди.

— Шунақа пайтда бўрилар қутуради, чўлда учраганга ташланиб, тилка-порасини чиқаради, дейишади,— деди ташвиш билан Мардонов.

Қудрат худди яшин ургандай турган жойида қотиб қолди. Ҳамма шов-шув кўтара бошлади.

— Тўхтанглар, тўхтанглар, кўп ҳовлиқманглар,—

тинчитишга уринди ўзига келган Қудрат,—Валечканинг қишлоқда бирорта яқин дугонаси борлигини билмайсизларми? Балки йўл-йўлакай ўша ерга кириб қолган, чиқар?

— Билмадик,—деди анчадан кейин Маъруф,—хўжайкасидан сўраш мумкин.

Қудратнинг диққати ошди.

— Вой, мийим қурсин,—деб ўрнидан сакраб турди Шакен,—Валичка трассада қолиб кетганмекен-а? Не қилисди билмаймин. Машинасин айланишиқлаб журибдиғўй, ўсидан сўнг келдима, жўқпа? Вой, аттас-ей, билмей қоппин-да...

— Боядан бери шуни айтмай, нимага индамай турибсан?

Шакен Қудратнинг овозидан чўчиб тушди.

— Ўй Қудрат оға, эсимнен шикса, куна мендеме?

— Ҳа, эсинг қурсин!—деб тўнғиллади Тешавой.

— Тешовой ака,—деди Қудрат шошиб,—вақтни ўтказмай сиз Маъруф билан қишлоқдаги ҳар бир хонага кириб суриштиринглар, биз трасса томонга борамиз. Бошқа чора йўқ.

— Вой, айналайин широгим,—деб қўйди яна Шакен.

Улар ташқарига чиқиб, даҳшатли чап-тўзон ичида ғойиб бўлдилар. Бўрон гувиллайди, мушукдай миёвлайди, чиябўридай йиғлайди, арслондай ўкиради, инграйди. Бир қадам парини кўриш амри маҳол, қопқора парда ичида одамлар гоҳ кўриниб, гоҳ йўқолиб борадилар. Кучли шамол худди яраланган лочин сингари ўзини дам у ёққа, дам бу ёққа уради, туртиб одамларни йиқитиб юборади, одамлар эса тусмоллаб қадам босганларича олға интиладилар.

Қудрат Мардоновнинг қулоғи тагига келиб шанғиллади.

— Ҳаммамиз бир тўп бўлиб юрмайлик. Сен у томонга бор. Шакен бу ёқдан борсин.

Улар аранг трассага етиб олдилар. Майда шағал юз-кўзларига урилади, устларига дўланадай тўкилади. Ҳар ер-ҳар ерда қорайиб турган агрегатлар кўзга аранг илашади. Валечкадан эса дарак йўқ. Ҳар тарафдан унинг номини айтиб чақира бошлашди. Лекин овозлар узоққа бормас, худди ёнгинангизда шамолга қўшилтиб, эриб кетгандай бўлади.

Қудрат орқага қайтиш тўғрисида буйруқ беришга мажбур бўлди. Шу заҳоти оёғи остида бир нима тома-

лаб ётганини сизди-ю, энгашиб уни олди. Қўл фонарни экан. Ҳар қалай энди қайтиб кетиб бўлмайди. Қизнинг шу ерда эканлиги сезилиб қолди.

— Қидиринглар, қидиринглар!— деб бошқатдан буйруқ берди у. Унинг теварагига тўпланганлар қўл фонарни кўриб бир зумгина ҳайрон бўлдилар-да, кейин масалага тушунгандай яна тарқалдилар. Ҳар тарафдан бир-бирларига хабар бериш учун улар бақир-ишиб-чақиришар, тўзон билан олишиб, ҳадеб сўкинишар эди. Баъзан эса икки қадам наридаги шерикларини кўра олмай, беҳосдан тўқнашиб кетишарди. Осмон билан ернинг фарқига бориб бўлмасди. Ҳамма ёқ гирдоб ичида.

Шакен қизнинг шу ерда қолиб бирор йиртқичга ем бўлганига ишонгани келмас ва ҳеч шикаст емай, бирор жойда мовий кўзларини пирпиратиб утиргандир деб ўйларди. Қудрат эса қидирувчилардан ҳам бирортаси шикаст еб қолиши мумкинлигини ўйлаб ташвиш тортди. Бироқ ўша ювошгина, баъмани қизни тополмай кетавериш мумкин эмасди. Ахир ҳар битта одам учун у боши билан жавоб бериши керак-ку!

Кучли довул орасидан:

— Бу ёққа келинг-лар!— деган товуш эшитилди. Тўрт тарафдан бўрон ураётганига қарамай, ҳамма ўша овоз келган томонга юриб кетди.

Қудрат Валечканинг халатидан таниди. Зўр бериб уни тупроқ остида кўтариб олаётган Матжонга ёрдам берди. Билагини устига иссиқ бир нарса қўйилганини сизди. Бу Валечканинг пешонасидан оқаётган қуюқ қора қон.

— Валечка, Валечка,— деди Қудрат ҳансираб.

— Валичка!— деди Шакен қалтироқ овоз билан.— Кўзингди аш, қароғим, журедемде куйдирмесенгши, саулем.

Валечка инграб кўзларини очди.

— Қудрат ака... Тузатолмадим.

Қудрат унинг секин шивирлашидан ҳеч нарса тушунмади, алаҳсирапти деб ўйлаб савол ҳам бермади. Унинг атрофини ўраб олдилар.

— Валечка, Валечка,— дейишарди ҳаммалари.

— Валечка, нима бўлди синглим?— Қудрат кимнингдир узатган рўмолчаси билан унинг ярасини боғлай бошлади.

— Худойқулов...

— Қани, Худойқулов, Валечка?

— Худойқулов...— деди яна қиз хирилдоқ овоз билан, кейин бир ингради-да, кўзини юмди.

Унинг бошини пиджак билан ўраб кўтариб олдилар. Шу маҳал узоқдан хира чироқ кўринди. Бу — Ботировнинг «Газик» машинаси эканлиги ҳаммага маълум эди. Қудратни кимдир тирсагидан туртди.

— Ишлар чатоқ, Қудрат ака!— деб қичқирди биров, шамол унинг сўзларини эшиттирмагани учун у яна такрорлади,— ишлар чатоқ, дейман! Бульдозерининг ушқаси синиб, балкаси алоҳида, отвали алоҳида бўлиб ётибди!

— Нега?

— Нималигини билмайман. Ҳали бут-бутун эди.

— Шамол келиб-келиб ушқасини синдирадими? Узинг синдиргансан.

— Ёлғон гапирсам, тил тортмай ўлай, кўзим чиқсин...— Унинг томоғига чанг тикилиб йўтала бошладди.

— Тўғри айтади,— деб унинг гапини қувваглади бошқаси,— бизнинг грейдер ҳам бузилиб қолибди. Биров қасддан қилганга ўхшайди.

Қизни кўтариб турган Қудратнинг қўли тола бошлаганини кўриб, бошқалар ёрдамга келишди. Шу пайт қўққисдан машина келиб тўхтади. Машинадан тушиб Ботиров қўллари билан башарасини тўсганча яқинлашаверди, у бу ерда нима ҳодиса юз берганлигини тушунолмай ҳайрон. Қудрат ҳамма гапдан уни хабардор қилди.

— Машинага солинглар, машинага солинглар дейман Валечкани, бу ёққа, бу ёққа...

Қудрат унинг буйруғини қайтарди:

— Машинага солинглар. Эҳтиёт бўлинг, эҳтиёт бўлинг, деяпман, секин-секин...

Одамлар шамолнинг қаршилигини енгиб, соя сингари машина ортидан кета бошладилар. Бирдан машина таққа тўхтаб қолди. Улар кутилмаган бир ҳодиса олдидан чиқиб қолган эканлар. Икки киши бир-бири билан жиққа-жиққа солишар, бақирришар, сўкишар эди. Мардоповнинг:

— Қудрат ака, ёрдамга!— деган товуши келди.

Югуриб бордилар. Шу пайт Акмал Худойқуловнинг тагидан чиқиб чаққонлик билан унинг устига миниб олган эди. Икковлари баб-баравар қичқирришар, хириллашар ва бўғилиб сўкишишар эди. Етиб келганлар уларни аранг ажратишди. Собир ака белбоғи билан Холдорнинг қўлини орқасига боғлади.

Шу пайт Мардонов бир нарсаларни кўтариб келиб Пардавойга узатди.

— Бу нима?— деб сўради Ботиров.

Мардонов чап қўлини кўзига босганича ўнг қўли билан Худойқуловни кўрсатди.

— Анаву ит эмганнынг ўлжаси. Қаранг, агрегат моторларини бузиб олибди-я. Мана бу ёқилғи берувчи насос, буниси магнета, форсункалар...

— Вой падари қусур,— деди кимдир,— насосминан магнетанинг бозори чаққон-да ҳозир. Кимга пулламоқчи экан, баттол?

— Қаёқдан олибди?— унинг сўзини бўлиб сўради Пардавой.

— Қаёқдан бўларди...

— Ўғрига мол қаҳатми, сардор? Ўлжаларини анави ерга яшираётган экан...

— А?

— Яшираётганакан дейман, устидан таппа босдим! Ит эмган, кўзни еди-я, кўзни... Кўзни еди деяпман!

Қудрат Пардавойнинг қўлидан деталларни олиб кўрди.

— Суқ тўймас, ўғри бойимас, деб шуни айтадиларда,— тўнғиллади у.

Худойқуловнинг юзига қўл фонарь тутдилар. У қутурган қашқирдай тишларини ғижирлатиб тескари ўғирилди. Назари Қудратнинг нафрат тўла кўзларига тўғри келиб қолиши билан бошн янчилган илон сингари типирчилашга тушди. Уни маҳкам ушлаб, қочиб кетишга қўймадилар. Оғзидан пнёздоқ аралаш ароқ ҳиди анқиб турарди.

Қишлоқ томондан фонуc кўтариб ўн-ўн беш чоғлиқ одам келаётгани кўринди. Афтидан Валечканинг бедарак йўқолгани бутун қишлоққа яшин тезлигида тарқалган бўлса керак.

* * *

Валечка ҳақиқатан ҳам машинистлик касбига чуқур меҳр қўйган эди. У кабинкада ўтирган чоғи агрегат моторлари қандай ишлаётганини, қайси деталь қандай вазифани адо этаётганини яққол кўз олдига келтиришга уринарди. Бироқ тўсатдан дизелнинг қапақа дардга чалинганлигини билолмай хуноб бўлди. Наҳотки, одамларга кулги бўлса энди? Наҳотки, орттирган пухта би-

лими шу арзимаган бир нуқсонни топиб, тузатишга ёрдам беролмаса? «Йўқ, йўқ, шайнимга доғ туширмайман» деб қаттиқ туриб олди. Ҳамма билан қишлоққа қайтиб келишга келди-ю, кейин оёғи яна трасса томонга тортаверди. Конспект ёзилган дафтарини олди. Чамадонидан қидириб қўл фонарини топди. Сўнг ҳеч кимга билдирмай яна трассага қайтди. Тўзон тугул ундан зўрроқ куч ҳам қизнинг шаштидан қайтаролмасди ҳозир. Ҳа, худди шу бугун, шу соатда у ўз иродасини синовдан ўтказиши керак. Агар тўғри келса жасорат ҳам кўрсатиши мумкин.

Бу фикр унга енгилмас бир куч ва қувват бағишлаётгандай эди. У агрегатга суяниб, қўл фонари ёруғида дафтарни варақлай бошлади. Мана, унга энг зарур бўлган саҳифа. «Қай маҳалда агрегат тўхтаб қолади? Иш процессида лебедка барабани ҳаддан ташқари қизиб кетган бўлиши мумкин. Бундан қутулиш чоралари: фрикцион ва тормоз бошқариш механизмларини қайта-қайта ишга солиб кўриш керак. Унда ҳам юрмаса фрикцион муфтасини ишга солиш мумкин. Бу ҳам тўғри келмаса, демак, муфта накладкасини ёғ босган бўлади. Уни керосин билан ювиб ташлаш керак...! Валечка ҳамма процессларни ишга солиб кўрди. Бироқ бирортаси фойда бермади. Шунча терлаб-пишгани зое кетди. Ёнгламоқдан бери бўлиб турганида шамол унинг қўлидаги дафтарини юлиб қочди. Дафтарни варақлай-варақлай учуриб олиб кетди. Валечкани ҳам шамол гандираклатиб юборди. Ҳар қанча қилса ҳам у ўзини ҳеч тўхтатиб ололмади, қўққисдан тентираб юрган аллақандай сояга дуч келди. Қўрққанидан оёқларигача қалтироқ турди. Одам деса, одамга ўхшамасди. У агрегатлар оралаб қўлидаги бир нарса билан нималариндир синдирар эди. Юраги қинидан чиқиб кетай деб тўхтаб қолди. Ҳалиги шарпа даҳшатли махлуққа ўхшаб унинг олдига яқинлашмоқда эди. Валечка бир бақирса қочиб кетмасмикин? Қўл фонарини ёқди. Ҳалиги соя нур доирасидан чиқиб, кўздан ғойиб бўлди.

— Ҳой, кимсан?

Қизнинг овозини шамол оғиздан чиққан замон яна ўзига қайтариб урди.

Бир нафасдан кейин ҳалиги соя яна пайдо бўлиб, Валечка томон келаверди. «Тилка-порамни чиқариб юбор-сая-я»,— деб чўчиб кетди қиз ва фонарни тутиб, унинг афт-башарасини кўрмоқчи бўлди.

— Ёлирай... Мени танидингми, дейман-а?— Халдор

кўзлари қонга тўлган ҳолда ўдагайлаб келаверди.— Мен танидингми, йўқми, шуни айт, танидингми?

— Танидим!— Валечка рўпарасидаги маст одам Худойқулов эканлигини пайқаган эди.

— Танима... танимадим, дегин манжалақи!

Валечка унинг ёмон ниятда юрганлигини сизди.

— Танидим, танидим,— деб бақирди у қайсарлиги тутиб.

— Қаллангни ёраман худди! Танимадим, де!

Холдор қўлини кўтаришга кўтарди-ю, бироқ уришга улгуролмай гандираклаб кетиб йиқилиб тушди. Валечка жаҳлини босолмай:

— Танидим, сизни кўрганимни ҳаммага айтаман!— деб бақирди,— сиз жуда ёмон одамсиз, жуда!

Холдор ўрнидан туролмади. Унинг устига ташланган Валечка қичқиришда давом этарди:

— Қудрат ака! Қудрат ака, бўёқ-қ-о!

Холдор ўзини ўнглаб олди-да, қизни қаттиқ улоқтириб ташлади. Валечка чирпирак бўлганича алланарсага бориб шундай қаттиқ урилдики, кейин анчагача ўзига келолмади. Бир маҳал қўли билан ерни пайпаслаб зўрга ўрнидан турди, қаршисида ҳеч ким йўқ. Фақат бўрон увилларди, холос. Бирдан боши айланиб кетди, бутун борлиқ кучли довулга учраган кемадай шиддат билан чайқаларди. Валечка оёқда туролмади, кўз олди қорайиб-қорайиб кетди. Чанг-тўзон келиб устига ёпирилди. Худди шу маҳал одамлар етиб келиб, уни тупроқ остидан кўтариб олган эдилар.

Валечкани ўзи турган кампирнинг уйига ётқиздилар. Кампир уй ичиди ҳаммани, ҳатто Қудратни ҳам даҳлизга ҳайдаб чиқарди. Ўзи эса жом тўла сув олиб келиб, қизнинг чаккаларида қотиб қолган қонларни ювди. Пешонасига муздай сочиқ босди.

Шу орада «Газик» машинанинг гуриллагани эшитилди, дам ўтмай Ботиров Назокатни бошлаб кирди. Тўйдан кейин Қудрат уни биринчи кўриши эди. Шу маҳалгача Назокат қурувчиларнинг бирортасига рўбарў келиб қолишдан қочиб юарди. Лекин Қудратгина эмас, шу ердагиларнинг бирортасининг қарашида заррача истехзо аломати кўрмаганидан ҳайрон бўлди. Ҳамма уни самимий кутиб олди. Қудрат ҳам унга яқинлашиб қўл узатди-да:

— Хайрият, жуда тез етиб келдингиз, кўзимиз тўрт бўлиб турувди,— деб енгил тортганини яширолмади. Ҳақиқатан ҳам ҳозир бу жувон бирдан-бир нажоткор эди.

У ичкарига кириб кетгач, даҳлиз тўла одамларни кўрган Ботиров:

— Сизлар нима қилиб турибсизлар?— деб сўради.

— Бирортамиз керак бўп қолармиз деб турибмиз,— жавоб қилди Маъруф.

— Ахир Валечканинг ярасидан қон кўп кетган бўлиши мумкин. Дармонсизланган...

— Қон керакми, йўқми, ҳали буниси номаълум. Қани, уй-уйига қапа тўйига. Зарур бўлиб қолсанглар, ўзимиз хабар қиламиз, боринглар, боринглар, серрайишиб турманглар бу ерда. Қани, Матжон, ўзинг бошла буларни.

Бир нафасдан кейин даҳлиз бўшаб қолди. Фақат Қудратгина дераза олдида ташқарида қутураётган бўроннинг жазавабини томоша қилаётгандай тик турарди. Пардавой уни қўлидан тутди.

— Биз ҳам кетсак бўларди, Қудратжон?— деди у ёлворган оҳангда,—барибир бу туришимиз билан унга ёрдам беролмаймиз. Назокатхоннинг ўзи эргалабгача бу ерда қоладиганга ўхшайди. Қани кетдик.

Қудрат унга эргашиди. Улар хомуш ҳолда Пардавойнинг уйига етиб келдилар. Барнохон овқат иситди. Чой дамлади. Бироқ икковларининг ҳам томогидан овқат ўтмасди ҳозир. Улар бир-бирларига сўз қотмай жимгина ўтиришарди, пиёлага қуйилган чойлари ҳам совуб қолди.

— Қудратжон,— деди Пардавой сукунатни бузиб,—эсингизда борми, бошқармадан қайтиб келаётганимизда мени бўшанг, лақма деб таъна қилган эдингиз? Жуда тўғри экан. Менга бунинг фойдаси тегди. Йўқ, йўқ кулманг, дўстим, ҳақ гапни гапиряпман,— Қудрат ишонқирамай унга илжайиб қараб турарди. Пардавой гапида давом этди:— Бундан буён ҳам тўғри гапни минг ачиқ бўлса ҳам тап тортмай гапираверинг. Яна мени Дон кихотлик қиляпти, деб ўйламанг. Йўқ, мен рост гапни айтяпман. Чин юракдан! Иккимиз энди дўст, ҳамжиҳат бўлайлик. Дўст — дўстнинг ойнаси дейдилар. Биримиздан ўтганин биримиз тўғрилаб турмасак бўлмайди.

Қудрат индамади. Фақат хонтахта устидан пиёлани олди-да, совуб қолган чойни бир кўтаришдаёқ ширириб юборди.

— Қани, қўйинг чойдан,— деди у яна пиёлани узатар экан,— хўп мазали чой дамланибди-да. Ё менга шунақа туюлдимикин-а?

ГУМОН ҚИЛМА, ЖОН ҚИЗИМ

— Вой жоним-эй, қани, ейдиган ниманг бор, топган-тутганныгни дастурхонга қўй,— деб ёйилиб ўтирди кампир.

Гулчиройнинг опаси ўктамгина, юрагида кири йўқ, сернағма Орият бувини азалдан ёқтирарди, шунинг учун неча кундан бери қовоғи очилмаган бу аёл кампирни кўриши билан чиройи очилиб кетди. Орият буvingа қават-қават кўрпачалар солиб, елкасига юмшоқ болиш тираб қўйди.

— Йўл устида бир кириб ўтгим келди, тасаддуқ,— деди кампир. Шундай деди-ю, ўзи юмалоқ хонтахтанинг бир томонини эгаллаб олиб чақчақлашиб ўтираверди. Чойлари тугаса ҳамки, гаплари тугай демасди. Орият бувининг бунчалик узоқ ўтиришидан мақсад Гулчиройни учратиб, гап орасида униг юрагига қўл солиб кўриш, Қудратнинг дардига малҳам топиш эди. Афсуски, қиз ишдан кеч қайтди, Орият буви уни учратолмади.

Эртасига кампир яна келди.

— Нафасингдан айланай, тасаддуқ, сақичдай чўзилган ширин нон ёпишга усталигингни келинимга мақтовдим, ҳаваси келиб эси кетди,— деди у.— Қўли баракали, тўкин-сочингина экану, пазандаликка келганда жилла нўноғлиги бор экан-да, бояқишнинг. Чиқиб, ўргатиб турсанг бўлмасмикин-а?

Уй бекаси яна қучоғини очиб уни бажонидил кутиб олди. Лекин бугун ҳам Гулчиройдан дарак топмади. Бироқ кампир бир ишни охирига етказмай чала қолдирадиганлардан эмас. Шунинг учун учинчи марта яна кириб келди.

— Кечаги памил чойингни капаратдан олганмидинг?— деди у эшикдан кирар-кирмас. Аммо ҳовлида ҳеч ким йўқ эди.— Қоққан қозиқдай қаққайиб туравераман шекилли,— деб шанғиллади у, ҳовли ўртасида серрайганича,— бу ёққа кел, дейдиган одам йўғ-а, нима, бу уйдагилар кўчиб кетганми? Ким бор, ҳов?

Жом устида сочини ювиб ўтирган Гулчирой бошини кўтарди.

— Ассалому алайкум, келинг опоқи, кираверинг, мен ҳозир...

— Вой, опоқи деган тилларингга тасаддуқ, санми-

динг, онам? Ҳа, майли бирпас кутиб ўтира қолай. Зарил ишминан келувдим олдингга. Ҳайтовур боракасан. Сани йўқлаб уч марта келишим, а, болам.— У супага келиб ўтирди,— вой, жоним-эй, ўзингга шукур, ўзингга минг қатла шукур. Юртимиз тинч, давлатимиз фаровон, омадинг келган ҳаммангнинг. Биринг начайник, биринг шопур, ҳеч пиёда юрадиганнинг йўқ ичингда. Қаёққа қўл чўзсанг етадиган замон бўлди. Ҳа, замонангдан айланай, замонангдан айланай.

Гулчирой билан овлоқда гаплашиб олиш учун қўлай имкон туғилганидан хурсанд бўлиб, лаби лабига тегмай жаврарди у. Орийат буви шу зайлда ҳар қандай ёшдаги одам билан дарровгина чиқишиб кета оларди. Мана, бир неча минут ичида Гулчиройнинг ҳам кўнглини овлаб, анча аҳил бўлиб олди-ю, кейин эҳтиётни йиғиштириб қўйиб дангал мақсадга кўчди:

— Хабаринг борми, йўқми, онам, Қудратжон тўрт кечаю тўрт кундуз бўлди, бошини ёстиқдан кўтарай демайди. Дардманд. Шунга айтмай деб келувдим ёнингга.

Гулчиройнинг юраги гупиллаб уриб, лаблари титраб кетгани кампирнинг назаридан қочмади.

— Дардманд бўлсалар, мен нима қила олардим?— деди қиз хомушлик билан,— доктор эмасманки...

— Дўхтур давоси бошқа, кўнгли навоси бошқа, ипак қизимў. Буни билишинг керак.

— Қайдам...

Кампир унинг руҳий ҳолатини дарров пайқайди.

— Ўзингни тушунмасликка солма, онам. Гапнинг мағзини чақиб турибсан. Қудратжон сани хуш кўриб қолган экан, буни айби йўқ. Санинг ҳам ичингда нима бўлаётганини кўриб турибман. Кўлни кўрган — кўн билди, дейдилар. Ман ер тагида илон қимирласа билман. Қўй, болам, унақа кўзингминан қарама манга. Бориб, бир дийдорингни кўрсатгини ўша мусофирни дардига малҳам бўл. Ҳа, шундай қил.

Кампир тўрга чиқиб оёқларини бемалол узатиб ястанди-да, жим бўлди. Қалби яраланган қиз эса оғир сўлиш олиб хаёлга берилди. Ўша Назокат келиб кетган кун қисматида юз берган бурилиш уни қаттиқ ларзага солган эди. Бир неча кун ичида юзи сўлинқираб, икки қош устида билинар-билинимас чизиқлар пайдо бўлди. У одамлар билан кам гаплашар, кам кўринарди, бутун ўч-аламини ишдан олмоқчи бўлгандай чўлдан бери келмасди. Аммо илк севгининг энди томир отиб қолган илдизини юрагидан бутунлай юлиб ташлаёлмас, Қуд-

рат деган номни хаёлидан қувишга қурби келмас эди. Кечалари мижжа қоқмай тонг оттирганда, бир зум қўли бўш қолиб, ёлғизликка берилганда ўша йигитнинг жонли сиймоси кўзидан нари кетмасди. Миясига беҳуда фикрлар келиб, уни таажжуб ва ҳайрат дарёсига ғарқ қиларди. Лекин оғзи куйган пуфлаб ичар, дегандай ички бир овоз уни эҳтиёткорликка чақирарди. Ҳозир ҳам кампирнинг мақсадини тушуниб, билиб турганини шартта-шартта гапириб ташлагиси келди. Ўзининг Қудратга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, агарда муҳаббат тўғрисида сўз очиладиган бўлса, бу хил туйғудан бутунлай кўнгли қайганини изҳор қилгиси келди.

— Хафа бўлманг, опоқи,— деди у ниҳоят,— Қудрат акам соғайиб қолсинлару, аммо ҳалиги гапингизни жонига қўёлмайман.

— Қайси гапин, болам?

— У кишининг олдиларига кириб-чиқиб туриш қўлимдан келмайди.

— Нечук?

Гулчирой уҳ тортди.

— Чунки... чунки, шундоқ ҳам одамлар оғзида ҳар хил гап юрган эмиш.

Кампир бўш келмасдан:

— Эй, болагинам-а, шунақа майда гапларга парво қилишни ким қўйибди санга?— деди.— Оёғи қолиб, оғзи билан юрадиганлар кўп. Бу замон қизларнинг ихтиёри ўзида-ку, ахир? Шунга ақлим етганидан опангга маслаҳат солмай, тўппа-тўғри ўзингга учраб, ҳақ гапини айтгим келди. Қўнглингни кенг қил, юрагинг чопганидан қолма, болам. Қўргани кўзи, отгани ўқи бўлмаганлар вайсаб-вайсаб қолаверади. Анови Назокатнинг касридан Қудратжон маломатга қолай деди, охири ҳақ ерини топди-ю, барининг дами ичига тушди. Ёки саниям ундан бирор гумон-гаштинг борми? Шундай бўлса, янглишасан. Қудратжон пок одам. Ҳеч гумон қила кўрма. Ҳарна қилса аёлсан, оғир бўл, сабрли бўл. Бирров бориб кел. Зора оёғинг қутлуг бўлиб, бошини кўтара қолса, бола бояқиш.

— Қистаманг, опоқи, барибир бормайман.

Орият буви қизнинг жаҳлдан тушмаганини сезди, «майли, қанча қозон тез қайнаса, шунча тез қўйилади» деб ўйлади-да, ҳафсаласини пир қилмади.

— Майли, ўзинг биласан, болам,— дея арқонини бўш қўйди у,— юрагинг чопганини қил дедим-ку. Дўст дўстни шундай пайтда синайди. «Рўзингни соту, рўшно-

лик ол» бир кун келиб турмуш қилиб кетсанглар, қад-рингга етадиган бўлади, болам.

— Мен ҳеч ким билан турмуш қилмоқчи эмасман,— қўрс жавоб берди у, аммо маънос чехраси бошқача фикр-да эканини айтиб турарди.

Кампир кулди.

— Оҳ болам-а, бу дунёдан тоқ ўтган одам борми? Ёнингда норинг бўлса, умрингга барака киради. Ҳовли-жой, бола-чақа қилиб, яйраб-яшнашга нима етсин, онам. Мана, мандан қиёс қил, қарчиғайдай ўғил ўстирдим. Энди қариганимда роҳатини кўриб ўтирибман. Келин кўрдим, невара кўраман, ували-жували бўламан. Ўғлим бор — ўриним бор. Сани сингари турмуш қурмайман де-ганимда дунёдан кўзим очиқлигича ўтардим. Минг қат-ла шукур, минг қатла шукур фарзанд кўрганимга... Шунақа, ипак қизим, мани нима десанг дегину лекип бит-та насихатимни қулоғингга илиб қўй. Эрсиз ўтган умр-нинг хосияти бўлмайди. Иложи борича тезроқ жойинг-ни топ.

— Шартми шу?

— Шарт бўлганда қандоқ. Уйингга зўрга судралиб кириб, чиқиб турсаям эр бўлсин. Хотиннинг уруғи-ю, эрнинг йўриғи бошқа. Ҳа, бу гапда ҳикмат кўп, болам.

Гулчирой кампирнинг сўзларидан эриб кетди. Аммо негадир ердан кўзини олиб унга қарашга ботинолмас-ди. Ҳозиргина сувдан чиққан тундай қора сочлари ости-даги латиф бўйни томчиларининг тепиши, оқ нафис шо-ҳи кўйлак остидан бўртиб турган етук кўкракларининг кўтарилиб-пасайиб туриши қалбида пўртана бўлаётгани-дан дарак берарди.

— Вой жоним-эй, энди ман кетай,— деди кампир ўридан тураркан,— Барнооёи ишда, Қудратжонни олди-да ҳеч ким қолмаганди. Суюқроқ бир иссиқ қайнатиб бермасам бўлмас.

Таиҳо қолган Гулчирой анча маҳалгача ўзига келол-май юрди. Ҳовлининг гоҳ у бурчига, гоҳ бу бурчига бо-риб, туриб қолар ва дам-бадам уҳ тортарди.

XXV боб

СЕВМАЙДИ СЕВОЛМАЙДИ

Қудратнинг аъзойи бадани қақшаб огрирди. Исит-мада ёнарди. Назокат укол қилиб кетгандан кейин ҳам бир ҳолатда эзилиб ётди, қимир этмади. Аҳён-аҳёнда

кўзини зўрга очиб, ёнида Ботировнинг утирганини, Барнохон дори ичираётганини кўрар ва шу билан Орият бувиникида ётганини билиб, хотиржам яна кўзларини юмарди.

Баъзан кўнгли айниб, ўқчиб-ўқчиб ташларди. Миясида эса ҳар хил чалкаш фикрлар ари уясидай гувуллар, аллақандай ваҳимали нарсалар кўриниб кетарди, қоқ қуруқ каллага тортиб қўйилган ажи-бўжи жигар ранг терили башаралар жирканчли иршайиб, бўсиб келаверарди. Бир мушт уриб уларни ҳайлаб юборай деса, қўлини кўтаролмасди. Бирдан поёнсиз океан ўртасидаги баланд бир қояга осилиб қолгандай бўларди. Довул кучайиб, кўз очиргани қўймас, тоғ-тоғ тўлқинлар аждаҳодай ёпирилиб келиб, уни қаърига тортиб кетмоқчи бўларди, у эса зўр бериб қояга ёпишганича юқорига интиларди. Бироқ қўллари юлиниб кетиб яна тўлқинлар қаърига чўкар, қандайдир кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мавжудотлар унга ташланар, ўкирарди. Ҳаммасининг пажалари қоп-қора қон... Қудрат овозини борича қўйиб, бақриб юборди. Аммо бу бир ингроқ бўлиб эшитиларди, холос.

Ёнида ўтирганларининг секин-секин шивирлашлари, оҳ чеккишлари. Орият бувининг «Кечадан бери туз тотгани йўқ, бояқиш» дегани қулоғига чалиниб қоларди.

— Дарди огирмикин?

— Назокатхон соғайиб кетади деди-ку,— деб жавоб килди Барно,— ёш йигит ахир, ҳар қанақа дардини енгиб кетишга қодир.

— Илоийм айтганинг келсин...

Яна бир оздан кейин Назокатнинг нимадир деб гапираётгани эшитилди. Бироқ Қудрат уни тушунолмади... Аста ақлини йигишга, қапдай қилиб дардга чалиниб қолганини хотирлашга уринди. Кўз ўнгидан ўша серташвиш тун, Валечкани тупроқ остидан кўтариб олаётгани, Пардавойнинг келиши, Худойқуловни қўлга тушириш, Валечкани бир кампирникига ётқизганларигача бирма-бир ўта бошлади... Кейин-чи? Ундан кейин нима бўлди? Ҳа, ундан кейин Валечкани Назокатнинг иҳтиёрига топшириб, Пардавой билан уйга қайтдилар. Чой устидаги гаплар... Хўш, хўш, яна?.. Яна бўрон қутурди, икки куну икки кеча давом эгди. Учинчи кун ҳам бир оз гувиллаб турди-да, саҳарга яқин бутунлай тинди. Осмоннинг ҳуснини бузиб турган кул ранг пардалар шарқ томонга аста сурилиб кета бошлади. Узоқ гарб этаги мовий тусга кирди, бирин-кетин юлдузлар отилиб чиқа

бошлади. Тўсатдан жамолнини кўрсатган ой эса худди шифтга илиб қўйилган сопол товоқдай ҳавода муаллақ туриб қолди-да, кейин аста оқара бошлади. Қуёшнинг илк шуълалари хунуклашган оламга латофат бағишладди.

Бўрон етказган зарарларни қайта тиклаб олиш керак эди. Бир эмас, икки-уч агрегатни Худойқулов ишдан чиқазиб кетганди.

Бор механизмларни кўздан кечириб, бутунини бутунга, бузуғини бузуққа ажратишди. Ювиб, чанг-губорлардан бутунлай тозалашди. Бошқармадан чақирилган ремонт бригадасига Қудратнинг ўзи бевосита бошчилик қилди. Пардавой ҳам бригададан нари кетмай куймаиниб юрарди.

— Қани, бир меҳмонларни кутиб олинг-чи, Қудратжон,— деди у бир маҳал.

Қудрат ажабланиб қаради.

— Ҳа, ҳа, ҳазили йўқ, кутиб олинг,— такрорлади Ботиров,— сизга ёрдамчилар келишган.

Трасса гавжум бўлиб қолган эди. Мезбонлар иккинчи участкадан келганларни ўртага олиб улар билан баҳслашмоқда эдилар. Қудрат етиб келгандан кейингина шовқин тинди. Тешавой уни кўриб:

— Бизларди шатакка олгани келишибди,— деб тўнгиллади,— жа-а ўлар ҳолатда эмасмиз-ку, ҳали а? Ёрдамга муҳтожлигимиз йўқ бизнинг, кетаверинг десам, ўртоқ Салимовнинг буйруғига биноан келганмиз дейишади.

Ингичка мўйлов қўйган, қора қош, олифта бир йигит орани ёриб Қудратга яқинлашди.

— Бу нима қилганингиз, ўртоқ Ёдгоров, яхшиликка ёмонлик экан-да? Биз сизга ҳашарга келсагу, сизлар олдингизга солиб ҳайдасангизлар-а? Ҳе, ўргилдим!

Ёрдамчиларнинг аксарияти орқага қайтишга команда берилишини кутиб, миниб келган ўз агрегатлари ёнида туришарди. Бошқа маҳал бўлганда Қудрат ҳам ҳеч кимни юз-хоғир қилмай уларни қайтариб юборган бўларди. Ҳозир мавруди эмас. Майли, сазалари ўлмасин.

— Ҳеч ким сизни ҳайдамайди,— деди у қатъий қилиб,—хуш келибсиз, азизлар, мингдан-минг раҳмат. Аммо бу ҳимматингизни биз ҳам ерда қолдирмаймиз, вақти келиб, ёрдамга бориб қолсак ажаб эмас.

— Бўпти,— жавоб қилди яна ҳалиги йигит,— биз сизларни жон деб қабул қилганимиз бўлсин.

— Бўпти, келишдик, Қани Тешавой ака, буларга иш тақсимланг ўзингиз.

Буйруқ берилган бўлса ҳам мезбонларда ҳеч қандай жонланиш кўринмади. Афтидан ҳаммалари прорабимиз ҳазиллашяпти деб ўйлаган бўлсалар керак. Буйруқ иккинчи марта такрорланди. Шундан кейинггина ҳафсалалари пир бўлган одамдай аста тарқалишди.

Ремонт иккинчи куни ҳам тугамади. Билакларигача қора мойга беланган Қудрат жон-жаҳди билан ишлар, чарчаб кўзлари хира тортиб кетгунча ҳам бошини кўтарай демасди. Уқтин-ўқтин ҳар бир агрегатни юргизиб қўйиб, худди беморнинг томир уришини текшираётган врачлардай моторнинг юрагига қулоқ солар ва тузалганига ишонч ҳосил қилгандагина кўнгли ўрнига тушарди. Кўзлари юмилиб, боши оғрир, қўлида ушлаган ускунаси тез-тез тушиб кетар, ланж бўлиб бўшашаверарди.

У анча камгап, хомуш бўлиб қолган эди. Қалбни кемираётган ҳасратни у ҳеч тарқатолмас, бuni ўз одамларидан ташқари, кеча келиб бирга ишлаётган ремонт бригада аъзоларигача сезиб турардилар.

У ўзини териси қалин одам деб ҳисобларди. Лекин ўша серташвиш тун воқеасини ҳеч унутолмаганига, тупроқ остидан бемажол ҳолда кўтариб олган қизнинг қиёфасини дам-бадам кўз олдига келтириб, азоб чекаётганига ҳайрон, ўша ҳодисанинг содир бўлишига сўзсиз ўзини айбдор деб билар эди. Ахир Холдор бетавфиқнинг қандай одамлигини яхши биларди-ку. Нега арқонни узун ташлаб қўйди, нега унинг қўлини калта қилиб қўймади. Тўғри, Ботировга айтиб ҳеч иш чиқаролмади, қайтага у Холдорни ўз ҳимоясига олганини кўриб, ҳафсаласи пир бўлди. Хўш, Салимов-чи? Нега Салимовга шуни ётиги билан тушуштириш, ҳаммасини очиб ташлашни ўйламади? Ичимдагини топ, қабилида иш кўришни ким қўйибди унга? Эҳ, каллаварам, каллаварам! Сендан кўра Валечка дадилроқ чиқди қайтага. Қиз Холдорни айни жиҳоят устида тутгану ўз жони ҳам кўзига кўринмай, устига ташланган. Сен бўлсанг...

Албатта, Ботировнинг ҳам айби кичкина эмас. Шунинг учун ўтган куни бошқармада уни ҳам аяб қўйишмади. Тоза таъзирини беришди, тавбасига таянтириб, мулла қилишди. Ажаб бўпти, гурур гурбатга солади. Мана энди ўзини оқламоқчи шекилли. Қудратга нисбатан ҳам ниҳоятда хушмуомала, ширин сўз бўлган-

ки, асти қўяверасиз. Икки-уч кундан бери бу атрофда куйманиб, қарашиб юрибди. Майли, адашганининг айби йўқ, қайтиб уйини топса, дейдилар. Бу ёғи хайрли бўлсин ишқилиб.

Кун қиёмга етганда Қудрат шу қадар чарчадики, асбоб ушлашга қўли қовушмай қолди. Одамлар дэм ол, деб қистадилар. Аммо Қудрат қайсарлик билан бульдозернинг ҳокондози ёнига чўккалаганича бор кучини тўплаб яна гайкаларни мустаҳкамлар, текширарди.

Баъзан томир-томирларидаги қонлар туғён кўтариб, бутун баданини ўтдай қиздираётганини, оёқларигача зирқироқ туриб дириллай бошлаганини ҳам сезар, аммо буш келмасликка ҳаракат қиларди.

Пардавой уни бир неча бор уйига кетишга қистади.

— Бас қилинг, бас қилинг, Қудратжон,— дерди унинг қўлидан ключини тортиб олиб.— Боринг, бир оз ухланг, дўстим, кўзларингиз ич-ичига ботиб кетибди. Гапга кирмай мени хафа қилиясиз.

Қудрат ўрнидан турди-ю, жўнаб қолди. Аммо штаб олдига етганда тўппа-тўғри уйга кириб ётиш, дам олиш ўрнига, Валечка турадиган ҳовлига томон бурилиб кетди.

Озодагина супуриб-сидириб қўйилган хонада Валечка ётар, унинг ранги оқариб кетган, боши оқ дока билан тапғиб боғланган эди. Қудрат кириши билан унинг ёнида ўтирган кампир ташқарига чиқди. Валечка ётган ерида нималарнидир қоғозга чизар ва ўзинча пичирлаб гаширарди. Қудрат унинг пешонасини ушлаб кўриб:

— Қимирлама, қимирлама,— деди. Чунки қиз безовталаниб, қаддини кўтармоқчи бўлган эди,— тинч ётавер, синглим. Температуранг қалай?

— Ўттиз етти-ю, беш...

— Хайрият, хайрият, анча тушибди. Икки-уч кунда отдай бўлиб кетасан, синглим. Дафтарингни бу ёққа қўй. Ортиқча нарсалар билан миянгни қотирма ҳозирча.

— Ортиқчамас,— деди қиз, иситмадан дармонсизланганига қарамай ўзини қувноқ кўрсатишга уриниб,— скрепернинг лат еган жўйинини топмоқчи эдим, топдим. Бак филтрида тупроқ қолган экан. Юрмай қолишга бошқа қанақа сабаб бўлиши мумкин. Агар шунақа бўлса, уни керасин билан ювиб, тозалаш керак. Тўғрими, Қудрат ака?

— Тўғри. Шу айтганингдай қилиб, ишга шайлаб қўйганимиз скреперни. Тузалиб чиқишинини кутиб турибди.

Валечка Худойқулов билан бўлган олишувни ҳаяжон билан, пойма-пой қилиб айтиб берди.

— Ўша топдаёқ уни қўлга тушириб, районга бериб юборганмиз. Қилмишига яраша жазосини тортади энди.

Валечка енгил тин олди. Кейин:

— Хайрият,— деди-да, кўзини юмди.

Қудрат уни узиктириб қўйиши мумкинлигини билиб, тезроқ чиқиб кета қолди. У ниҳоятда ўзини ёмон ҳис қиларди. Остонадан ҳатлаб ўтиб, ширингина ҳовлининг ярмигача етганини билади, бирдан боши айланиб, деворга суялиб қолди-да, кейин гурсиллаганича ерга йиқилди. Бир зумда қий-чув босиб кетди. Одамлар югуришиб келиб: «Дўхтур», «духтур», деб қичқаришар, бутун қишлоқни бошларига кўтаришарди.

Шундан кейин нима бўлганини Қудрат яхши эслолмайди. Танасидаги қувватни қатра-қатра тортиб олган хасталик ўз кучини кўрсатган эди.

...Беморнинг кўзи юмилгач, кўп ўтмай яна алаҳдай бошлади. Кампир, Барно. Назокат унинг пойма-пой сўзларини аранг англаб оладилар. «Валечка, Валечка, қоч-қоч!» деб юборди баъзан. Шунинг орқасидан кулади, гинийди. Кейин бир неча бор Гулчиройнинг номини тилга олади. Бундай пайтда Назокат безовталаниб қолади. Шу биргина номнинг ўзи ҳам анчагина гапини айтиб берарди унга. Бирдан Худойқуловнинг «улугим сизни севади, севади» дея ўқдиришларини эслайди Назокат. Ҳамма балога гирифтор қили-да ахир. Бўлмасам Назокатни енгилгина оқизиб бораётган ҳаёт дарёси қўққисдан бўронга учраб қолишини ким биларди. Ўша эридан қўлини ювиб, қўлтиғига ургандан кейин эркак зотига бефарқ қарайдиган бўлиб қолган, ҳатто Баҳодир, Акмал сингари йигитларнинг ўллим деганига ҳам ишонмас эди-ку? Нимаям бўлди-ю, фикри-хаёлини Қудрат эгаллаб олди, бунга ўзи ҳам ҳайрон. Холдордай баттол аравасини лойдан ўтказиб олиш учун восита қидираётганидан, Қудрат эса бошқа қизга кўнгли берганлигидан беҳабар қолиб, толеини яна бир марта синаб кўргиси келди. Шунинг учун йигит Гулчирой билан бирга юрганини эшитган заҳотиёқ қалбидаги рашк учқуни аланга ола қолди. Шунчаки хаёл чегарасидан чиқмаган туйғуларни бир кечада мустаҳкам бир шаклга кириб, чинакам муҳаббатга айланди. Шу муҳаббат йўлида энди мардона курашмоқ керак эди. Шу аҳд билан майдонга отилган, Гулчиройларникига борган эди. Шундан сўнг озми-кўпми галаба қозондим деб қувонди, Қудратга бўлган майли эса яна

ортди. Уша тўй кечаси унинг ёлғиз юрганни Холдордан эшитган замониёқ ҳеч гап тортмай олдиға чиқди. Худди шундай пайтда йигит унга ўз севғисини изҳор қилар, бағрига олиб эркалар деб умид қилган эди. Бироқ оқибат у ўйлагандай бўлиб чиқмади. Қудратнинг совуқ муомала қилишидан ранжиди, бунинг устига ўша кунн хунук ҳодиса юз берди-ю, ҳаммаси чаппасига айланиб кетди. Уша тундан кейин не азобга дучор бўлганини ўзи билди фақат. Гулгун очилиб, хандон ташлаб қулишлар барҳам еди. Бошқача бўлиши мумкинмиди ахир? Умрида иккинчи бор муҳаббат лаззатини татиб кўрмоққа жазм этди у. Капалак орқасидан югурган ёш боладай шу янги орзу орқасидан қувлади. Бироқ у тутмоқ бўлган капалак қорғоздан ясалган экан, сохта экан, алданди. Наҳотки, Холдорнинг барча гаплари ёлғон, шунчаки мени лақиллатиш учунгина айтилган бўлса, деб хайрон бўларди. Қудратнинг бир кунги айтган гапи ҳам эсига тушди: «Инсонга бир марта бахт ато қилинади, бу катта эҳсондир». Қароқчидай бировнинг бахтига кўз олайтирмаганда ҳозир ҳаммаси бўлакча бўлармиди.

У Валечкани даволагани борганга қадар хижолат ичида юрди, Қудратнинг кўзига кўринишга юраги бетламади. Турмушга эса тўғри қарайдиган бўлди. Қудратнинг фақат Гулчиройнигина қаттиқ севишига ишонч ҳосил қилди. «Мени севмайди у, севолмайди ҳам» деб тақдирга тан берди-ю, ўзини секин-секин қўлга ола бошлади.

Мана ҳозир ҳам Гулчирой номини йигитнинг оғзидан эшитганда унинг бутунлай қўлдан кетганига қаттиқ ишонди. Шу билан бирга йигитнинг оташин муҳаббати ва садоқатини кўриб юрагида унга самимий хайрихоҳлик сеза бошлади.

...Орнят буви хат ёздириб Қудратнинг бетоблигидан ота-онасини хабардор қилишни лозим топди. Аммо Назокат ҳам, Пардавой ҳам «Бир-икки кун сабр қилиб турайлик, бировга қайгули хабар етказишдан ёмонн йўқ» деб эътироз билдиришди. Кампир эса ўз фикридан қайтмади, Матжон келганда уни тўхтатиб:

— Шошмагин бўтам,—деди,—битта хат битиб бермайсанми, а тасаддуфнинг кетай? Қудратжоннинг волидасига хасталигини билдириб қўяйлик, болам. Иссик жонда, худо кўрсатмасин, бир нарса бўлиб қолса, армон қилиб юришади кейин. Бол ширин, болдан бола ширин, деганлар. Не-не умид билан катта қилгунча эси кетгандир ахир. Уғлимга айтсам сабр қилиб турайлик дейди.

Ота бўлмагушча бола қадрини билармиди у. Кела қол, бўтам, қалам-қоғоз тайёр, бирпасда битиб ташлайсан.

Матжон кампирга нима дейишини билмай қолди. Пардавой ака, сабр қилайлик деган бўлса яна бу қош қўяман деб кўз чиқариб юрмасин. Қудрат акадан бесўроқ хат ёзиб юборавериш яхши эмасдир балки?

Кампир унинг нима ўйлаганини пайқаб қолди.

— Ҳеч хавотир олма, Қудратжонга ўзим жавоб қиламан. Ётигиминан, бировнинг юрагини ёрмайдиган қилиб битасан, ҳа, болам. Савоб бўлади, кел, ўтир, бу ёққа ўтир, умрингдан барака топкур. Барноой, қаёқдасан, онам? Ҳеч бир жойда тек туролмайсан-да... Ҳалиги қоғоз қани? Ўричкаминан берувдим-ку, қани?

— Ручка денг, аяжон, ҳозир олиб келаман, ҳозир.

Матжон бесаранжом бўлиб қолди.

— Шу хатни кейинга қолдирсак бўлмаймикин? Бугунча ёзишга дўри кemas.

Орият буви қошларини чимириб қийғир қараш қилди-да, ранжиган ҳолда:

— Ҳамманг билганингдан қолмайсанлар,—деди.— Биронтанга гап уқтириб овра топганмидим? Битмасанг битма! Ҳали келиним бўшаганда яна ёлвориб кўрарман. Қаёққа кетяпсан? Вой, эсим қурсин-эй, сани меҳмон қилиш паққос ёдимдан кўтарилибди-я. Тўхта, кетма, озиб-ёзиб бир келганингда...

— Қудрат акади кўрмоқчи эдим.

— Майли, кира қол, кира қол отам. Шарпа қилмай киргин, уйғотворма, ором олсин. Дўхтир тайинлаб кетган-а.

Беморнинг ориқлаб, муштдай бўлиб қолганини кўргач, Матжон бўшашиб кетди. Манглайига қўлини қўйганича эшик олдида бир нафасгина турди-да, кейин аста каравот ёнига борди. Қудратнинг кўзлари юмуқ, юзлари сўлгин, аммо унда на қайғу ва на ҳаяжон аломати сезиларди. «Ўлиб қолса-я» деб ўйлади ичида Матжон ва шу заҳотиёқ тилини тишлади. Юрак-бағри эзилиб кўзларига ёш олди. «Бундай одамларни кундуз кун ҳам чироқ ёқиб топиб бўлмайди,—деб ўйлади у.—Афсуски, шундай серташвиш юракнинг қадрига ҳамма ҳам етавермайди-да, йўқ, йўқ, у ўлмаслиги керак! Ишимиз энди йўлга тушиб кетганда у бизга жудаям зарур. Ахир ҳаммамизни ғайратга солган, қувончли келажак сари руҳлантирган ҳам ўзи-ку? Нега энди шундай кишидан айрилишимиз керак?

— Ким бор?—деган ингичка овоз эшитилди.

Матжон сесканиб кетди. Қудрат кўзини очиб ётар эди.

— Мен, яшулли.

— Сув...

Матжон дори-дармонларга тўлиб кетган хонтахтадан совуқ чой қуйиб, ичирди.

Қудрат тамшаниб туриб, Валечкани эслади.

— Аҳволи қалай унинг?

— Ёхши, ёхши, Қудрат ака, ҳар кун икки-уч мартаба хабар олиб турибмиз.

— Иш-чи?

— Ишимиз ҳам яхши, яшулли. Эртага уста Махсум келармишлар.

Қудрат бошини қимирлатиб қўйди.

Ташқарида одам шарпаси эшитилди. Орият бувининг чирқиллашига қарамай Тешавой билан Мардонов кириб келмоқда эди.

— Айт... киришсин,— деди Қудрат секингина.

Матжон бошқаларга ўрин бўшатиб, ҳовлига чиққанда Орият буви яна уни тутиб қолди.

— Ҳадеб кирди-чиқди қилаверманглар, шуни айт оғайниларингга,— деб шивирлади у,— ахир бемор узикиб қолади-ку? Вой, вой, вой, болам-а, ҳеч кимни оҳ дегулик қилмасин-да, ишқилиб. Чой тайёр отам, кетма, кетма, хафа бўламан.

Улар супага ўтиришди.

— Ўғлим,— деди кампир сўз орасида,— хабаринг йўқми, анови кунги машмашалар бекорчи гап эканми, а? Қудратжоннинг Назокатга хушомад қилгани ёлғон бўлиб чиқдими дейман?

Матжон кампирнинг ўсмоқланиб берган саволига жавоб бермай жимгина ўтираверди.

— Чамамда иккови кўнгил топишмаганга ўхшайди, а?

— Йўқ!— деди тўнғиллаб Матжон,— ҳаммаси нотўғри гап!

— Назокат уни яхши кўрармиш-ку, ахир?

Матжон ўрнидан турди.

— Баттар бўлсин. Назокатиям, Гулчиройиям! Ёхши кўришини опориб экиб қўйсин! Қудрат акамди гел қилишолмайди барибир.

Кампир туйқусдан Қудратнинг алаҳлаб Гулчирой номини тилга олганлигини эслади. Шунинг учун шошиб Матжон томонга яқинроқ энгашди-ди, шипшитиб сўради:

— Гулчирой дедингми, болам? Гулчиройнинг, апави колхоз парткомининг қайнсинглиси бўлмасин тагин? Ушамикин-а?

Матжон ҳеч нарса демай чиқиб кетди. Ёлғиз қолган кампир ўзидан ниҳоятда хурсанд эди.

— Сир очилди, болам, сир очилди,— деди у келинига.— Гулчирой дегани ўша экан. Вой, ақлимдан ўргилай. Ҳалиги бола ҳамма гапни айтди-қўйди. Ақлимдан ўргулай, фаҳминмча Қудратжон ўша қизга ошиқ экан, болам, ошиқ...

Шу кундан бошлаб у Гулчиройларникига тез-тез қатнайдиган бўлиб қолган эди.

XXVI боб

ЙЎЛ ЙИРОҚ, МАНЗИЛ ЯҚИН

Валечка бир оз дармонга кириб, оёққа турган кунини трассада янги машина синовдан ўтказилмоқда эди. Ҳали бошидан ечилмаган оппоқ дока унинг андак сиққан юзини мурдадек қилиб кўрсатарди, аммо дўстларидан: «Нега ёта турмай ишга чиқдинг!» деган гапини эшитмаслик учун у ўзини бардам кўрсатишга ҳаракат қиларди. Биринчи бўлиб Валечканининг олдида уста Махсум келди. У меҳр-шавқат билан бошларини силаб ҳол-аҳвол сўради, кўнглини кутарди. Бошқалар ҳам югуришиб келиб уни ўраб олишди, кейин синов ўтказилаётган ерга бошлаб кетишди.

Валечка бир зумдаёқ одамларга аралашиб кетди-ю, ўзининг хасталигини ҳам унутиб юборди. У бош инженердан тортиб, Матжон, Маъруф, Шакенгача — ҳамма тўпланганларнинг юзига бирма-бир тикилар, бироқ ҳеч кимда салгина бўлса ҳам ҳаяжон аломатини кўрмаганидан ҳайрон бўлар, ўйлар эди: «Буларнинг юраги тошданми дейман. Шунча сабрсизлик билан кутилган ихтиронинг тақдирини қил устида турибди-ю, ҳаммаси парвойи фалак-а? На ҳаракатларида, на чеҳраларида қитдай ўзгариш йўқ».

Ростдан ҳам ҳамма хотиржамлик билан синовнинг натижасини кутмоқда. Уста Махсум мўйловининг дам у учини, дам бу учини ушлаб-ушлаб қўйиб четроқда турар, кўзини агрегат устида ўтирган Акмалдан узмасди, унинг қиёфасида ўтказилаётган синовнинг муваффақиятли чиқишига катта ишонч борлиги акс этар эди. Фақат техбўлим вакили Тепловгина бесаран-

жом эди. У янги машина атрофида гир айланиб юрар, Акмалга нималарнидир тушутирар, шағал юкланган автомобиль шоферига бориб қайси томондан, қандай келиш кераклигини уқтирарди. Акмал ҳам худди каттакон кема капитанидай қоматини роз тутганича олд томонга дадил қараб турар ва кузови билан тисарилиб келаётган автомобилга қандай яқинлашишни мўлжаллар эди. Фақат биргина сўз айтилса бас. Муҳим ҳодиса юз беришига ишонган одамлар эса ҳеч нарсани кўздан қочирмаслик учун кнприк қоқмай турардилар.

— Бошла!— деди ниҳоят техбўлим вакили.

Янги машина париллаб бир силкинди-ю, тез-тез юриб автомобиль кузовига яқинлашди.

— Ёрдамчи ричагини бос! Иккинчисини, иккинчисини...— деб унинг орқасидан югурди яна Теплов,— оббо шоввоз-эй. Ҳозиргина тушундим демабмидинг?

Акмалнинг ёноқларида тер томчилари ялтиради. Нам бўлиб пешонасига ёпишган сочларини силаганда қўллари қалтираётгани кўзга ташланди. Моторнинг шовқини остида техбўлим вакилининг овози эшитилмай қолди. Ҳаммалари баб-бараварига бақира бошладилар.

— Ёрдам ричагини... ёрдамчини!

Хуноби ошиб кетган уста агрегатга яқинлашиб, қўли билан «тўхтат, туш пастга!» дея буйруқ берди. Акмал парво қилмади. Эс-ҳушини йиғиб олгач, эпчиллик билан ҳаракат қила бошлади. Машинанинг қаншаридаги каттакон ҳокондоз автомобиль кузови баравар кўтарилиб, ундаги бор шағални бир сидиришдаёқ ерга тўкди. Автомобиль шофери эса шу ярим минутлик муддат ичида кузов паққос бўшаганига ишонмагандек, дам ерга, дам одамларга, дам кузовга анграйиб боқарди.

— Йўлни бўшат, йўлни бўшат!— деб унга бақирди уста Махсум.

Шофер шошиб кабинасига кирди-ю, автомобилни ғизиллатганича ҳайдаб кетди.

Қарсаклар янгради. Ишчилар кўзлари чақнаб кетган уста Махсум билан Тепловнинг елкасига қўлқопли ва қўлқопсиз, ғадир-будур қўлларини қўйиб, уларни табриклашарди. Машинадан сакраб тушган Акмал эса оломонни ёриб ўтиб уста Махсумнинг юзларидан ўпиб олди. Шундай маросимга Қудратнинг қатнашолмагани Валечкага алам қилди. «Агар у бўлганда қандай севи нарди» деб ўйлади.

Матжон, Тешавой, Маъруф навбатма-навбат машинани синаб кўрдилар. Ҳамманинг чехрасида мамнунлик аломати бор эди.

— Энди сенга навбат,— деди уста Махсум Валечкага.

— Менга?— ишонқирамай сўради қиз.

— Ҳа, сенга, қизим.

Валечка яна бир гап дейишга улгурмасданоқ уни йигитлар даст кўтариб руль олдига ўтқазиб қўйишди. Акмал ҳам унинг ёнига чиқиб нима қилишлигини ўрта бошлади.

— Ҳунарингни кўрсатиб қол, Валюша,— деди унга Маъруф.

— Скреперни қойил қилган одамга шу ҳам ишми? Ҳаммаси бир агрегат-да,— деди яна кимдир.

Валечка ричаглارнинг кўплигидан боши гангиб қолди. Қайсинисини биринчи босиши керак. «Қўрқма, ҳовлиқмасдан ақлингни ишга солсанг бас,— дерди ички бир овоз,— бўш келмайсан».

Уста Махсумнинг табассум билан қўлларини қовуштирганича қараб туриши унга мадад бўлди.

Тешавойнинг чолга ҳаваси кела бошлади. Ҳеч кутилмаган ҳасадга ўхшаш алланарса юрагини сал ёнжирлаб ўтди. «Нега шу олдий нарсани ўйлаб топиш менинг ақлимга келмаган экан-а? Эҳ, анқов!» Бир нафасдан кейин шу ҳасади учун у ўзини койинди.

Қудратга тўшакни тарк этиш ҳадеганда насиб бўлавермади. Аммо кўп ўтмай ўзи бошини кўтариб ўтирадиган, хонада у ёқдан-бу ёққа юрадиган бўлиб қолган эди. Назокат ҳам унга ҳар хил дори-дармонлар бериб, бор қобилиятини ишга солар эди. Унга ҳозирча тинчлик керак, деб одамларнинг кириб-чиқаверишига чек қўйди: Қудрат унинг бундай «ғамхўрлиги»га ҳеч чидаб туролмаслигини айтиб, норозилик билдирди. Дикқати ошиб хуноб бўлганда кампир, Барно, Пардавой уни овутишга уринар эдилар. Ташқарида, шундай яқингинадан ўтган трассада ҳаёт қайнар, шовқин-сурон авжга чиқиб бутун қишлоқни босиб кетар эди. Қудрат ўз участкасининг ҳаётига ҳамнафас бўлиб, машиналарнинг гириллашини, шағалларнинг шовуллашини, одамларнинг ҳайқирик, қўшиқларини барала эшитарди, ҳатто ким нима қилаётганини, қачон дам олиб, қа-

чон қандай ишлаётганларигача билиб тургандай эди. Шундай пайтларда унинг тоқати тоқ бўлар, шу ҳувиллаб турган уйдан бахтиёр кишиларнинг шовқини, қувноқ кулгилари эшитилган жойга югуриб чиққиси келарди.

Дераза ёнида ҳаёл суриб ўтирган маҳалда Гулчи-рой билан узил-кесил алоқаси узилганлиги ҳам эсига тушар ва қаттиқ азоб чекарди. Узил-кесил дегани умр-бод, дегани-да ахир. Бунга ким айбдор? Назокатнигини айблаш инсофдан эмас. Бир касофатнинг касри билан тушган шак-шубҳа, гумон шу бахтсизликка сабаб бўлди. Нима ҳам дейсиз, тақдирда шу бор экан, деб қўл силтаб қўявериш ҳам осон эмасди.

У қизин ҳеч унутолмаганлигидан, ўтган дамларни яна қайта тиклашга ожизлигидан ғазабга келарди. Ҳижрон ўти унинг юрагини ёндирар, лабларини қовжиратарди. Баъзи одамлар сингари аёлларга енгил-елпи қарай билганда ўзини бу азобдан қутқара олган бўларди. Ахир севгисиз ҳам яшаш мумкин-ку? Ажойиб меҳнат гаштини суриб овуномоқ мумкин-ку? Ана шундай мулоҳазалардан бир оз таскин топарди у.

Уста Махсум кириб келган чоқда ҳам худди шундай фикрлар билан ўзини юпатиб ўтирарди.

— Омонмисан, ўғлим?— деди чол биринчи бор сен-сираб.

Қудрат севиниб кетди-да, ўрнидан турди-ю, чолнинг истиқболига югурди.

— Ота! Бормисиз?

Икки қадрдон қучоқ очиб кўришишди.

— Табриклайман, отахон?

Уста Махсум хохолаб кулди.

— Оббо, шумтакалар-э, мандап олдин суюнчи олишибди-да?

Лекин ҳеч ким суюнчи олгани Қудратнинг ёнига кирмаган, фақат чолнинг кўзларидан, кулиб турган чеҳрасидан синовнинг муваффақиятли ўтганлигини пайқаб олган эди.

— Баракалла ўғлим, баракалла, сениям табриклайман, — деб унинг қўлини қисди чол. — Бу ютуқ меникигина эмас, сеникиям, табриклайман, ўғлим!

Икковлари гапга тушиб кетдилар. Қудрат унинг бу ерда йўқлиги пайтида бўлиб ўтган воқеаларни ва янги лойиҳанинг амалга оша бошлаганини ҳикоя қилиб берди. Чол Қудратнинг туртиб чиққан ёноқ суякларни, қовоқ атрофидаги шишларни ва бутун ҳорғин қиёфасини кўз-

дан кечириб: «Шўринг қўрғур бола, хийла мазаси қочибди» деб ачиниб қўйди.

— Ножинс одамнинг биз билан аҳл бўлмаслиги аён эди, — деди у Худойқуловнинг кирдикорларини қоралаб, — текин томоқнинг пайидан бўлиб юриб тумшуғидан илинибди, пасткаш! Аммо сен ўзингни олдириб қўйганинг чакки бўлибди, ҳаммасини ичингга сола-сола охири ётиб қолибсан, ўғлим.

— Ҳечқиси йўқ, уста, бу шунчаки шамоллашдан...

— Шамоллаш ҳам бор бўлсин, — деб койишга ўтди чол, — қаттиқ чарчаганликдан десанг бошқа гап. Афтингга бир қараб кўрдингми? Кимга ўхшаб қолдинг ўзинг? Ўз жонингга жабр қилгансан. Шамоллашдан эмиш. Доктор қараб турибдими?

— Кунига юз марталаб келишади. Райондан ҳам биттаси икки-уч марта келиб кетди. Жонга ҳам тегишди. Эртадан трассага қочсам деб турибман.

— Бекорларни айтибсиз. Докторнинг айтганини қилиб ёта турасиз ҳали. Ёки трассани биздақаларга ишонгинг келмайдими?

— Йўғ-э, ота, — деди Қудрат, кейин суҳбатни бошқа ёққа буриб юборди, — шундай қилиб, янги машинани ким бошқаради энди?

— Валечкага бириктириб қўйсак, деган ниятим бор.

Бу фикрга Қудрат дарров қўшилди.

— Валечка бу илтифотингизни умрбод унутмайди. Техника жонидили унинг.

— Бирнинг касофати мингга тегди, дегандай, Худойқулов туфайли у ҳам анча озор чекибди бояқиш. Энди кўнглини кўтариб қўймоқ зарур.

— Вой-бу, жамоат жам-ку?

Бу — эшикдан кириб келган Назокатнинг овози эди.

— Ана холос, — деди уста Махсум ўрнидан туриб, — доктор қизимдан танбеҳ ейдиган бўлдим энди. Хайр ўғлим, яна бир кирарман.

— Ҳозирча тинч қўйинглар! — қовоғини уйиб тўнғиллади Назокат, — тузалиб қолсалар, марҳамат, ҳар куни минг марта кирсангиз ҳам майли.

Қудратнинг чеҳрасида норозилик аломати кўринди. Бўғиб ўлдирасизларми энди?

— Бўғиб ўлдириб, нима, биз жаллод бўлибмизми? Тезроқ тузалиб кетсин деймиз, холос. Биқинингиз санч-яптими?

— Йўқ.

Назокат термометр узатди.

— Қани, ҳароратингизни билайлик. Бугун рангингиз ҳам жойида.

— Законнийман, — Қудрат билинар-билинимас жил-майиб қўйди.

— Ҳа, законнийсиз... — деди жувон ва анчадан кейин термометрни қайтариб олди. — Мана, ҳароратингиз ҳам ўттиз олти-ю, олти...

У чамадончасини қарсиллатиб ёпди-да, индамай туриб эшик олдигача борди. Яна тўхтади. Чамадончасининг бандидан икки қўллаб ушлаганича эшик кесаки-сига орқаси билан суянди.

— Ҳа-я, сал бўлмаса унутай дебман. Биз энди хайр-лашинимиз керак. Эртага район врач келиб кўради сиз-ни. Индиндан қишлоққа бошқа доктор келса керак.

Қудрат бошини кўтариб серрайганича қолди.

— Мен кетяпман, — деди Назокат.

— Қайга?

— Тошканга. Баҳодирдан хат олдим. Агар ростдан ҳам бахт инсонга бир марта ато қилинадиган эҳсон бўл-са, уни шу эҳсондан маҳрум қилмай деган қарорга кел-дим. Ақл ўлгур энди кирди. Кечикдим деб ўйлагандим. Ўўқ, айтганингиздай ҳали вақт борга ўхшайди. Хатда олдига боришимни ўтиниб сўраяпти у. Демак, ҳали кеч эмас экан. Истиқболига бораё, афв этсин, жони борнинг умиди бор, дейдилар-ку. Насиб қилса ҳаётимни бошқат-дан қурай. Ёки бунга ҳаққим йўқми, сиз нима дейсиз, Қудрат ака?

— Нега ҳаққингиз бўлмасин? Ҳали ёшсиз, бахтли турмушга ҳаққингиз бор.

— Раҳмат, шунингиздан эшитмоқчи эдим. — Жувон-нинг овози қалтираб кетди, — хайр сизга... ўтиниб сўрай-ман, мени кечирасиз... Бошқа ҳеч нарса деёлмайман, мени кечиринг.

У яна бир мартаба шу сўзини қайтарса энтикиб йиғ-лаб юбориши аниқ эди. Шунинг учун уйдан чопиб чиқиб кетди. Хонада фақат ундан аниқиб турган хушбўй атир ҳидигина қолди, холос.

* * *

Қудрат бир хўрсинди-ю, ҳозиргина Назокат туриб кетган табуреткага тикилиб қолди. «Жони борнинг умиди бор» деб Назокатнинг гагини қайтарди ўзи. Ўрнидан турди-да, дераза ёнига келиб ўтирди. «Бахт... эҳсон» деб пичирлади у.

Кечга яқин ёмғир шувиллаб ёға бошлади, кейин шариллатиб қуйиб берди. Орият бувининг тайёрлаб келган аччиққина маставаси унинг томоғидан ўтмади. Трасса томондан эшитилаётган суронни шамол ва ёмғирнинг шатир-шутури босиб кетар, унинг юрагини қон қиларди. Кейин шу диққинафасликни бир зум унутиш учун каравотига ётди-ю, бошини ёстиқ остига яшириб, қулоқларигача беркитиб олди. Шамолнинг ҳам, ёмғирнинг ҳам шувиллаши қулоғига кирмай қолди ва энгил тортгандай бўлди.

Эрталаб том орқасидан келган шовқин-сурон, югуришган болаларнинг ҳайкириғи, автомашиналарнинг ғириллаши, кишиларнинг ура-ураси уни уйғотиб юборди. Ховлида кимнингдир бақириб гапираётгани эшитилди. Бу Маъруфнинг овози эди.

— Уйқусини бузманглар, тинч қўйинглар бояқиш-ни! — деб зорланди Орият буви.

— Қудрат ака, Қудрат ака, ғалаба! — деди Маъруф ҳаллослаганича кираркан.

— Ўпкангни босиб ол, иним. Ётиғи билан тушунтир, нима гап?

— Гапмас, хушхабар, хушхабар...

Унинг орқасидан Матжон, Собир акалар кириб келишди.

— Радиода бизнинг тўғримизда гапиришди. Сизни ҳам мақтаб тилга олишди. Вой-бў, шундай мақташдики...

— Суюнчи бераверинг, ука, — деди Тешавой ҳам хансираб кириб, — тиришдик, тоғдан ошдик, юзимиз ёруғ...

— Комиссия йўлни ярмидан кўпини «беш»га, қолганини «тўрт»га қабул қилибди, — деди ўзини анча босиб олган Маъруф.

Қудрат ўрнидан туриб, кийинмоқчи бўлди, бироқ шимини топса кўйлагини, кўйлагини топса этигини қидириб тополмасди. Дўстлари унга ёрдам беришди. Ҳаммалари биргалашиб кийинтиришди.

— Вой шўрим, Қудратжон, дўхтур ёта тур деб буюрганди-ку, қаёққа отланяпсиз, бўтам?

Орият бувининг гаплари ҳам унинг қулоғига кирмасди ҳозир.

Кўчада бир тўда одамлар уни кутиб олиб табриклашди. У ҳам шерикларини табриклади. Уста Махсум билан қучоқлашиб кўришди.

— Мардонов, нега анграйиб турибсан? — дея бақирди кимдир.

— Ҳа, ҳа, кўтаринг Ёдгоровни!..

Шундан кейин шовқин-сурон яна кучайди. Қудратни ҳайҳайлаганига қарамай саноқсиз қўллар даст кўтарганича олиб кетди.

Йўл ёқаси бўйлаб қишлоқ болалари у ёқдан бу ёққа югуришарди. Пахта ортган машиналар дам-бадам ўтиб турарди. Қурувчилар, таниш-билишлар, қўни-қўшнилар Қудратнинг олдига чапак чалиб келардилар. Бир кампир:

— Умрингдан барака топ, болам, майдонда синалган элда азиз бўлади, — дея ўтиб кетди.

Қудрат ҳам шодлигини билдириш учун кўтаринки бир гап айтмоқчи бўлди, лекин шовқин ҳеч босилай демасди. Кўп ўтмай бошқарма бошлиғи етиб келиб, митинг ўтказди. Қурувчиларни номма-ном табриклаб, трест бошлигининг буйруғини ўқиб берди. Буйруқда деярли ҳамма қурувчилар тақдирланган эдилар. Райком вакили, колхоз раҳбарлари, ўқувчилар, қари-қартангларгача бирма-бир сўзга чиқиб миннатдорлик билдирдилар.

Қудрат дўстларининг орасидан секингина чиқиб кетди. Матжон унинг орқасидан югурмоқчи бўлганда уста Махсум «майли, қўявер» дегандай унинг елкасидан тутиб қолди. Чунки чол Қудратда бир нафасгина ёлғиз ҳолиш истаги туғилганини сезган эди.

Кечасиги ёмғир ювиб ўтган чўл кўксидан жимир-жимир ҳовур кўтарилиб турарди. Қудрат ўт-ўланлар шохларида ёмғир томчилари, йиғидан энди тўхтаган чақалоқнинг кўз ёшларидай йилт-йилт қиларди. Оқ қушлар галасига ўхшаган булутлар кўланкаси Қудратнинг ёнгинасидан ўрмалаб ўтиб борарди. Салқин ҳаво аъзойи баданини эркалатиб қучарди.

Қудрат ойнадай ялтираб турган теп-текис йўл устида этигини тўқиллатганича борар, аммо қаёққа кетаётганини ўзи ҳам билмас эди. Дафъатан машина сигнали уни чўчитиб юборди, у худди жоили бир нарсани билмай босиб олган одамдай сакраб четга ўтди. Орқадан нефть ташувчи машиналар колоннаси келаётган экан. Бу ҳам унинг руҳини кўтариб юборди. Яхши ниятли боғбон ҳам ўз боғининг мевалари билан кишиларни илк бор баҳраманд қилганда худди шу Қудрат сингари севинса керак.

Машиналар ғизиллаганича ўтиб бормоқда. Энг сўнгида кичкина бир автобус ҳам югуриб ўтди-ю, анчагина ерга боргандан кейин таққа тўхтаб қолди. Шу вақт..

Қудрат кўзларига ишонмасди. Юрак кургур қафасга тушган тутқун қушдай типирчиларди. Ахир ана шу қаршидаги автобус ичидан оқ кўйлак кийган қизил дуррали қиз — Гулчирой тушиб келмоқда эди-да. Қудрат олдинга бир талпинди-ю, яна нимагадир ўзини тутиб қолди. Гулчирой унинг яқинлашишга юрак бетлаёлмаганини сезди шекилли, ўзи кела бошлади. Бошда битта-битта қадам ташлаб келаверди, кейин юришини тезлаштирди. Энди унинг тўппа-тўғри Қудратнинг ёнига келаётганлигига шубҳа қолмади.

Қудрат ҳам олдинга отилди. Улар таққа тўхтаб, бир-бирларига тикилиб қолишди. Аммо ҳеч бири биринчи бўлиб гап бошлашга журъат этолмасди. Қиз ерга қаради. Қудрат унинг лоладай яшнаган юзларидан кўзини узмай яқинроқ борди-да, қўлларини авайлаб икки кафти орасига олди. Олди-ю, бармоқларининг учини лабларига аста тегизди. Қиз қаршилиқ кўрсатмади.

— Соғайиб кетдингизми, Қудрат ака? — деди у ҳамон йигитнинг бетига қарашга нийманиб. Унинг энгашган бўйнидаги томирлари гуп-гуп ураётганини Қудрат кўриб турар ва «анчагина ориқлаб қолибди-я, бечорагинам» деб ачинарди.

— Шундай жойда учрашиб қоламиз деб тасаввур ҳам қилмовдим, — деб юборди жавоб бериш ўрнига Қудрат. У гўё бирор сир айтаётгандай шивирлаб гапирарди.

— Биладан...

— Жудолик азоби мени қанчалик қийнаганини ҳам биласизми?

— Биладан, Қудрат ака, биладан... — энтикиб гапирди қиз бошини кўтариб. Унинг юзи гулдай очилиб кетган, кўзларида эса ҳаётдай ширин, ўлимни ҳам енгилсга қодир бўлган қудратли бир ифода барқ урмоқда эди. — Хаммасини биладан, шунинг учун олдингизга ўзим югуриб келдим, Қудрат ака, ўзим...

Худди шундай сўзларни Қудрат тушида эшитмаганимиди? Йўқ, унда «тушунаман, Қудрат ака, ҳаммасига тушунаман, шунинг учун севаман» деган эди шекилли? Хозир ҳам ўша сафаргидай туш кўраётган бўлса-я? Йўқ, бу туши эмас. Қаршисида бебаҳо севгилиси, ўша дилбар қизнинг ўзи турибди. Ҳатто кафтлари орасига олган позик қўлларининг тафтини ҳам сезиб турибди. Ҳа, бу туши эмас. Бу ҳақиқат, бу ҳаёт, бу чинакам бахтдир! Ҳа, йўқотган бахтини қайта топди. Қизнинг ўзи келиб Қудратга ихтиёрини топширгандай икки қў-

лини узатди. Шунча кундан бери ҳаёт булогининг йулини тўсиб турган сунъий тўғон бутунлай барбод бўлди.

— Гулчирой... — деди Қудрат беихтиёр энтикиб. Кейин шавқини ошиб, уни бағрига босмоқчи, ўпиб-ўпиб олмақчи бўлди. Бироқ, рўпарадаги автобус ойнасидан боши чиқариб қараб турган бир неча кишини кўрди-ю, бу ниятидан қайтди.

— Сизни кутишяптими, Гулчирой? Бирор ёққа кетяпсизми дейман?

Гулчирой шошиб қолди.

— Ҳа, кутишяпти, Қудрат ака, мен боришим керак. Бизни Тошкентга чақиришган.

Қудрат унинг қўлини яна маҳкамроқ қисди.

— Қачон қайтасиз? Мен кутаман, эртага қайтасизми? Агар қайтмасангиз, индингаёқ орқангиздан етиб бораман ўзим.

— Кўпи билан уч-тўрт кунда қайтаман, албатта қайтаман. Сиз... Янги дармонга кираётган одамсиз ахир. Ораси анчагина йўл, яқинроқ бўлса ҳам майлийди.

— Йўқ, бораман. Йўл йироқ бўлгани билан кўнглимиз яқин бўлиб қолди-ку, Гулчирой? Сезмаяпсизми?

— Ҳа, Қудрат ака, яқин бўлиб қолди. Шундай бўлса ҳам сиз шу ерда кутинг мени. Узоғи билан уч-тўрт кунда... Агар машина беришмаса, пиёда юриб келаман. Сиз сингари пиёдалаб келаман. Эсингиздами?

— Пиёдалаб? Мен сингари дейсизми? Ҳай, ҳай, мен сингари адашиб юрманг тагин...

Машина чўзиб-чўзиб икки марта сигнал берди.

— Ана, мени чақиришяпти. Хайр Қудрат ака, кўришгунча. — Гулчирой елкасига сирғалиб тушган қизил дуррасини қўлга олиб ҳилпиратганича чопа кетди, — хотиржам бўлинг, адашмайман, — деди у анча ерга борганда орқасига қайрилиб, — энди адашмаймиз.

Бу сўзлар қайси маънода айтилганини Қудрат яхши тушунди.

У бир учи уфққа бориб тақалган катта йўл устида қўл силтаб қолди. Гулчирой тушган автобус эса ўқдай учиб борарди.

ҲИКОЯЛАР

ИСИРҒА

Бу йигитни танисангиз керак. Кўриниши манман деган йигитлардан қолишмайди. Ишда чаққон. Тўғри келса, тоғни талқон қилгудай қудрати бор. Хушчақчақ, юрагида асло гап ётмайди, бор сирини кўнгли хушлаган кишисига айтади-қўяди.

Ҳар сафар совхозга келганимда у билан учрашишга, дилкашлик қилишга ошиқаман.

— Келинг, унутмабсиз-а?— дейди кулиб туриб,

Каримжон ўз касбининг жонкуяри. Шунинг учун кўнгли қолмасин деб, бутун фермани айланиб, илгаритдан таниш бўлган жойларни яна кўриб чиқаман. У шошиб-пишиб снгирларни қандай шиғаб боқаётгани, ҳар снгирдан қанча сут соғиб олинаятганини айтиб, тушунтиради.

Гапнинг тўғриси — мақтанса арзийдиган ишлар.

— «Қамчатка» ўтган йили тўрт минг литр сут берди. Бу йил беш юз литр ортиқ олмоқчимиз, бунга нима дейсиз?— дея савол ҳам бериб қўяди.

— Нима дердим, балли, дейман.

Ана шунақа.

Аммо бу сафар Каримжон ҳамма вақтдагидек эмас, қандайдир ташвишли, руҳи паст. Бир нарсасини йўқотиб қўйгандай бесаранжом.

— Нима гап, тобингиз йўқроқми?— сўрадим ундан.

— Соппа-соғман...

— Ишингиз?..

— Гумбир!... Фермага кетяпман. Сиз ҳам ўша ёқами?

Икки ёқаси кўм-кўк ўт-ўланларга бурканган яйлов ўртасидан арава изи бўйлаб кетдик. Атроф гўзал ва

мусаффо. Фақат зангори кўк юзида парча-парча булутларгина майда шудринг томчилари ёпишган ўт гиламлари устига хира соя ташлаб ўтади. Узоқ-яқиндан тургайларнинг сайрагани, қўй-қўзи, бузоқларнинг маърагани эшитилади.

Каримжон позик бир дала гулини узиб олди-да, яна қошларини чимириб, хаёлчан кетаверди. Ёнгинамиздан бўш бидонлар ортган араваларни қалдиратиб икки қиз ўтиб кетди. Каримжоннинг хаёлга ботганиданми, аввалроқ бирор воқеа содир бўлганмиди, ҳар қалай, кулиб ўтишди улар.

— Буларга ҳиринглаш бўлса, тавба,— деб тўнғиллади Каримжон ва бир хўрсиниб қўйди. Қўлидаги гулни четга улоқтирди.

Масала аён: Каримжоннинг юрагини нимадир кемиряпти. Балки ҳозир шу сирни ўзи очар?

— Ёрила қолсангиз-чи, нима бўлди?

— Ўзим ҳам билмайман.

Анҳорга яқинлашиб қолдик. Сувнинг майин жилдлаши қулоққа чалина бошлади. Қалин кокил ташлаб турган мажнунтоллар, бўйи пастак, меваси энди қизара бошлаган олчазор кўринди.

Мен гапни ана шу томондан бошламоқчи бўлдим.

— Олчага ранг кириб қолибди-а?

— Ҳа... Бу йил кўп қилди. Мева сероб бўладиган йил экан. Чанқадингизми?

Анҳорга бориб, кафтимиз билан сувдан тўйиб-тўйиб ичдик.

— Ажойиб сув-да, ичсангиз, танингиз яйрайди. Чарчадингиз, келинг бир оз дам олайлик.

Ёлма-ён ўтирдик.

— Табиат ажойиб нарса-да?— деди Каримжон оёқларини майсага узатиб.

— Ҳа, ажойиб.

Яна жим қолдик.

— Ажойибу бир инжиқлиги тутса... Инжиқлиги бир тутиб берса борми... биз нима қила олардик?

— Нега ҳеч нарса қила олмас эканмиз?— эътироз билдирдим унга, сўнг табиат кучларига қарши курашиб галаба қилаётганимиз ҳақида гапира бошладим. Бундай таитанавор гапларим унинг эисасини қотирди шекилли, сўзимни шартта бўлди:

— Уни гапираётганим йўқ. Масалан, дейлик, ҳамма одамлар бир хил яратилмаган демоқчиман... Шуям адолат бўлдию...

— Дарвоқе, сиз ўзингиздан зорланмасангиз ҳам бўлади. Хўш, сизни табиат нимаси билан ранжита қолди?

У жавоб қилмайди. Фақат анчадан кейин савол берди.

— Сизча мени ранжитмадимми у?

— Ким?

— Табиат-да!

Мен ҳеч нарсага тушунолмай, елкамни қисиб қўйдим.

Каримжон хўрсинди.

— «Зорланмасангиз ҳам бўлади» эмиш... мени юпатмоқчисиз-да...

Илгарй турқимда нима камчилик борлигини билмасдим. Агар бирор киши кўзингни ранги қанақа деса, ўлай агар, айтиб беролмасдим.

Чунки мен унақа ойнага қараб, ранг-рўйига тикилаверадиганлардан эмасман.

Шу йил қишда қўшни совхозлардан зоотехниклар келиб, бизга ўз тажрибаларини гапириб берадиган бўлишди. Мен шулардан бирор нима ўрганиб тажрибамни бойитиб қолмоқчи эдим. Шунинг учун уларнинг ҳар бир сўзини қулоққа олиб қолгим келарди. Бир куни ёнимда Садоқат турган экан, танийсиз-а? Сут соғувчи қиз-да!

— Қайси, анави, аввалги йили орден олганми? Шаддодина, чиройи ҳам бинойидай қизми?

— Бинойидайми, бошқами, ўша қиз-да...

— Хўш?

— Айни суҳбат қизиб турганда, бир чўпон йигитимиз билан пичирлашиб, қиқир-қиқир кулиб юборса бўладими. «Анов кунги баҳсда ютганим эвазига, кинога олиб боришни унутмадингизми?»— дейди-я!

— Ким шунақа деди?

— Садоқат-да. Чўпон билан пичирлашди деяпман-ку! Бу ёқда меҳмон жон куйдириб муҳим масалани тушуштириб ётибди-ю, кулги, ҳазилга бало борми!.. Меҳмон унга бир қараб қўйди, мен ҳам қарадим, ҳамма қаради. Садоқат буни сизди-ю, лавлагидек қизариб кетди. Кейин ерга тикилганича, нафаси ичига тушиб қолди. Одамларимизни яхши биласиз, булар-бўлмасга аския туқишга уста.

Хуллас, шу куни кечқурун мен ҳам яхшилаб ясандим: узоғ йили Москвага борганда олиб келган ялтир тўфлимни, қора шим-костюмимни кийдим. Клубга чиқдим. Кинозалга кирдим, дугоналари ўртасида турган Садоқатга кўзим тушди. Вақтим хушлигиданми ёки те-

гажоглик қилгим келдим, билмадим, унга яқинлашдим «Садоқатхон дейман, баҳс бойлашиб текинга кинога тушиш яхши бўларканми-а?» десам, «сизга нима, ҳали эшита қолган экансиз-да, шалпанг қулоқ!» деса бўладими! Атрофдаги қизлар хандон ташлаб кулиб юборишди. Ер ёрилмади-ю, кириб кетмадим! Секингина сирғалиб чиқиб кета қолдим. Уйга келиб ойнага қарасам... Нимасини айтасиз, қулоғимнинг ҳар биттаси шапалоқдай бўлиб, қип-қизариб кетибди. Илгари ҳеч сезмаган эканман, денг. Шу қулоқ туфайли кулги бўлдимми? Яна бутун қизларнинг ўртасида-я! Шартта кесиб ташлайми, деворибман.

Мен ҳам кулиб юбордим, кейин ўзимни зўрға босиб олдим сўрадим.

— Нимани кесасиз?

— Қулоқни-да, нимани бўларди... Кейин майли, дедим. Уч олишни мендан кўр, дедим. Пайтини топиб, бир боппайки, умрбод эсингдан чиқмайдиган бўлсин, дедим.

Шу кундан бошлаб уни синчиклаб текширадиган бўлиб қолдим. Бирор еридан камчилик топмоқчиман. Қимдир Садоқатнинг бир кўзи ғилайроқ, бурни пучуқроқ деганимди... Шунча қарайман, аксига олиб, бунақа чиройли кўз бутун совхозимизда йўқ. Бурни пучуққа ҳам ўхшамайди. Учакишгандай бирор ғубор тополмайман-а. Қанча кўп қарасам, шунча чиройликка ўхшаб кетаверади у.

Бора-бора уни кўрмасам туролмайдиган бўлиб қолдим. Кечаю кундуз ҳаёлимда ўша. Томоғимдан овқат ўтмайди. Шунақа, бошинг айланиб, жинни-пинни бўлиб қолишинг ҳам ҳеч гапмаскан.

— У-чи?

— Уми? У... Айтмоқчи, бир кунни қараб турганимни сезиб: «Мунча тикиласиз, нима бало, яхши кўриб қолдингизми?» деб сўраса бўладими! Пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди. «Яхши кўриб қолдингизми», эмиш-е... Қасқдан билла қолдийкин?

Шундан бери қаролмайман унга. У бўлса ҳазилни қўймайди. Мендан бошқа одам бўлганда-ку, оғзини очирмай қўярди-я... Нима қилай, қиз бола экан, бунинг устига ўзимнинг айбим бор.

Баъзан ҳамма ойналарни синдириб ташлагим келади. Қанча кўп қарасам, шунча катталашиб бораётгандай кўринаверади-я.

— Нима катталашади?

— Қулоқ-да!

Каримжон шундай деди-ю, ўзи ҳам кулиб юборди. Унинг гапини эшитиб ўтириб, кўринишига разм солдим. Қулоқлари бинойндай, ўзига ярашган. Қизи тушмагур тегажоқлик қилибди-да. Бунинг устига йигитнинг юрагидан уриб қўйибди. Ҳа, Каримжон биринчи уйғонган муҳаббатини, ёшликдаги беғубор илк ҳисларини беихтиёр унга бағишлабди-ю, ороми йўқолибди. Нима ҳам дейсиз, ёшлик ёшлигини қиларкан-да!

Мен Каримжоннинг жонига ора кирмоқчи, унинг ҳеч қандай айби йўқлигини, қиз шунчаки ҳазил қилганини, ҳар қандай қиз кўнгил қўйса арзигудек йигит эканини тушунтирмоқчи бўлдим. Бироқ анҳор бўйлаб гул териб келаётган бир қиз диққатимни тортди-ю, сўзим бўлинди.

Каримжон нафасини ичига ютиб, жим қолди. Қизнинг қўлида бир даста сафсар ранг, пушти, оқ дала гуллари бўлиб, у қўшиқ айтиб келарди:

— Гул тердим даста-даста

Сенга ҳавасла.

Гулим билан сен гулга

Меҳрим пайиваста...

Сеҳринг борми кўзингда...

— Ия, иш вақти бўлмадимми? Нима қилиб ўтирибсизлар?— дея гап бошлади-ю, мени таниб қолиб кулди,— вой, сизмидингиз? Келинг... Мен ўйлабман...— у яна қиқирлаб кулди,— Каримжоннинг ҳасратини эшитяпсизми дейман?

Каримжон қизга қаради. Бу қиз — Каримжоннинг крагини қафасга солган ўша Садоқат эди. У ҳақиқатан ҳам келишган, худди қўлидаги қийғос очилган гуллари сингари яшнаб турарди.

— Қани, ўзингиз ҳам биз билан ўтириб дам олинг,— дея жой кўрсатдим қизга.

Садоқат ёнimgа келиб, кўм-кўк майса устига ўтирди-да, гулларини чиройли ҳидлаб қўйди.

— Ие... нега туриб кетдингиз?— сўрадим Каримжондан.

Йигит ийманибгина қиз ёнига ўтирди. Садоқат эса сесканиб кетгандай, берироқ сурилди.

Каримжон чурқ этмас, бир нарса деса қизнинг чақиб олишидан ҳайиқарди чамаси.

Садоқат мийиғида кулиб қўйди-да, кейин қўлидаги гулларни юзига парда қилиб, Каримжонга тикилди.

Унинг бу тикилишида йигитга ачинаётганлиги сезилиб турарди.

Каримжон ҳамон ерга қараганча ўтирарди.

Садоқат билан кейин пайт топиб, гаплашмоқчи бўлдим-да, ўрнимдан турдим. Фермадаги янгиликлар билан танишдим. Айланиб юриб, кунни кеч қилдим. Сафардан қайтаётганимда қуёш ботиб кетган, осмоннинг у ер, бу еридаги булут хирмонларигина шафақдай ёниб турарди. Атрофда чигирткаларнинг чириллаши, сигир-бузоқларнинг маъраши яна кучайган, беданаларнинг дам-бадам сайраши, отларнинг пишқиргани эшитиларди.

Анҳор бўйидаги олчазорга етай деганимда янги оёқ изи тушган майсалар устида эрталиб Садоқатнинг қўлида кўрганим сафсар ранг, пушти, оқ дала гуллари сочилиб ётганини кўрдим.

Олчазорда бир нарсa шитир этгандай бўлди. Силкиниб турган майда япроқли шохлар орасида Садоқатнинг эндигина узилган қўшалоқ олчалардан Каримжоннинг қулоғига исирға тақаётгани кўринди. Сўнг улар бир-бирларига меҳр билан тикилишди. Бу тикилиш икки қалбадаги қайноқ туйғуларни зилол чашмадай юзага отилиб чиқаётганидан дарак берарди.

БҰРОН ТУРГАН БИР ОҚШОМ

Янтоқ ичинда нимадир шитир этди-ю, Пўлатнинг ранги қув ўчиб кетди. Оёқ-қўлларигача қалтироқ югурди. Чунки рўпарасида бошини ғоз кўтариб бир қулоч илон турарди. Пўлат йўл устида арқон кўрса, бадани жимирлашадиганлардан. Шунни сезиб қолдимн, илон ҳам мазах қилгандай икки нашта тилини чиқара-чиқара чекинди-да, кўздан йўқолди. Шу пайт кимнингдир шарақлаб кулгани Пўлатни ўзига келтирди. Тўрт қадамча нарида кулгидан кўзларига зилол чашмадай ёш тўлган Гулчирой турарди.

Қизнинг кулгиси унга илон кўринишидан ҳам баттар таъсир қилди. Шунинг учун қовоғини уйганича ўтовн томонга кетаверди.

— Ёпирай, шу юрак билан бош кўтариб юрибман, денг? Балли-е, сизга,— деди унинг орқасидан ўтовга кириб келаётган Гулчирой,— умрингизда илон кўрмаганмисиз дейман. Чипор илоннинг заҳари бўлмайди-ку, мунча чўчимасангиз?

Пўлат зарда аралаш тўнғиллади:

— Ҳиринглашга баҳона топилсин дедим-да!

— Ёпирай, дарров жаҳлингиз чиқа қолади. Овқатингиз хонтахта устида, совутмасдан енг.

Қиз чироқ ёққан эди, қоронғилашиб турган ўтов ичи ёришиб, гулдор кигизлар, ёғоч каравот устидаги чўғдай гилам, ерга ёйилган олачипор шолчалар порлаб кетгандай бўлди. Уртадаги сербар хонтахтага Гулчирой олиб кириб қўлган шавланнинг хушбўй ҳиди димоққа урилди. Пўлат апил-тапил ювиниб керагада оснғлик турган ўн олти ўмровли қамчинига ҳавас билан қараб қўйди.

— Концерт беряпти, эшитмайсизми?— деди приёмникни қўя туриб Гулчирой.

Дилни қитиқловчи ажойиб куй ўтов ичидан чиқиб, бутун яйлов узра қаног қокди.

— Бу қанақа музика?— сўради қиз.

Пўлат ўйлаб ўтирмай жавоб бера қолди:

— Билмайман...

— Ёспирай, шуни билмасангиз...— қиз яна қиқирлаб кулди. Сўнг чиқиб кетар экан, сўради:— Бугун ҳам бизникига чиқмайсизми?

— Пуқ!

— Нима бало, биздан аразмисиз, бобом хафалар.

— Нимага?

— «Келганига бир ойдан ошди-ю, одамга қўшилай демайди», дейдилар. Ё овулимиз ёқмаяптими сизга?

Пўлат нидамади.

Иссик ҳаво қамалган ўтов ичи диниқиб кетган, хонтахта устига ярим эгилганича чўнқайган Пўлатнинг томоғидан овқат ўтмасди. Лекин у узоқ ўтиролмади. Сакраб турди-ю, радиони гип бўғиб, ташқарига отилди. Кўзлари олис-олислардаги қорли тоғлар чўққисига ўксиниб боқди. Ана шу тоғлар ортида унинг жонажон шаҳри, меҳрибон онаси, ошна-оғайнилари қолган. Пўлат ҳеч қачон бунчалик узоққа кетиб, уларни интизорлик билан соғинмаган эди. Қанийди ҳозир қаноти бўлса-ю, парвоз қилиб учиб кета қолса.

Пўлатнинг кўкрагига илиқ шабада келиб урилди. Марвариддек жимир-жимир товланган чўққилар ортига қуёш заррин нурларини аста яширди. Кечагина ям-яшил яшнаб турган бепоён чўл ҳам, туя ўркач дўнгликлар устида сочилиб ётган хас-чўплар ҳам, ерни туртиб чиққан бесўнақай саксовуллар ҳам, йироқ-йироқларга чўзилган илон изи сўқмоқлар ҳам сарғая бошлабди. Ҳозир ана шу манзара устига қоронғилик тушиб келмоқда. Бундай пайтда қўраларга қайтаётган подаларнинг «ба-бу»си, итларнинг вовиллаши-ю, отларнинг кишнаши теваракни тутиб кетади. Гумбазшакли ўтовлар олдида чарс-чарс ёнаётган саксовулларнинг кул ранг тутунлари қуюқ туман сингари чўл бўйлаб кезади. Шу туман оралаб ҳар тарафдан йилт-йилт чироқлар жавдирай бошлайди. Чўл тунига бошқача файз берган бу электр чироқлари шамолнинг кучи билан ёнар, бутун қўралар, ўтовлар ичини ёритар, телевизор, радиоприёмникларни ишга соларди.

Сафар бобонинг балаид антенна ўрнатилган ўтови олдида ўчоқ бошида Гулчирой куйманиб юрибди. Ҳали замон у ерларга одам тўлиб кетади. Чўпонлар худди ўша ерга йиғилиб, ўйин-кулги қиладилар, қизиқ-қизик суҳбатлар, ўлан айтишувлар ярим кечагача тинмайди. Ҳамнинг вақти чоғ, ҳамма кундалик меҳнатдан кейин тотли ҳордиқнинг гаштини суради. Пўлатгина уларга қўшила олмайди, холос. Сафар бободан тортиб, ўз тоғаси

Бозорбой акагача уни таклиф қила-қила чарчадилар. Пулат ишдан келарди-ю, тоғасининг ўтовидан чиқмай ётаверади. Баъзилар унинг бу қилиғига аллақачонлар қўл силтаб қўйишган. Фақат Гулчиройгина ҳар кеч овқат олиб кириб, албатта, «бугун ҳам бизникига чиқмайсизми?» деб савол беришни унутмайди.

Пулат шаҳарга жўнаб қолиш фикрини миясидан қувди-да, яна ўтовга кириб, мактабдошига ёза бошлаган хатини қўлига олди. Хат ҳали тугамаган, ҳали ёзиш зарур бўлган анча-мунча ҳасратлари бор эди.

«Меҳрибон дўстим, азизим Комилжон,— дея ёзганларини бир бошдан ўқий бошлади Пулат,— кўпдан хатингга жавоб ёза олмадим, бунинг учун узр. Энди дарду ҳолимни эшит. Балки бу хатни ўқиб кўриб мenden куларсан, балки жаҳлинг чиқар, балки ачинарсан менга. Майли, нима қилсанг, ўзинг биласан, дўстим! Ҳар ҳолда биз бир-биримизни яхши биламиз, бир-биримизни тушунамиз. Унинчи синфни битиргунча сен билан мен турли шароитда ўсдик, ўқидик. Сенинг отанг уруш йиллари ҳалок бўлди, бир эмас, беш бола муштипар она қўлида қолдинглар. Сен ёш бошинг билан отанг йўқлигини билдирмадинг. Ҳам ўқиб, ҳам ишлаш осон бўлмади. Рўзгорга қарашаман, деб синфдан синфга кўча олмай қолганинг ҳали-ҳали эсимда. Мен-чи? Мен кимсан, энг катта завод директориининг ўғли, ҳеч нарасага муҳтожлигим йўқ, истаганимнинг ҳаммаси муҳайё бўлиб, сенчалик қийинчилик кўрмадим. Умуман, оғирчилик нима, яшаш учун кураш деган нарсанинг асил маъноси қандай, тушунолмай ўтдим. Оҳ, ҳозир сен кўзимга қанчалик иродали ва ажойиб бўлиб кўринаётганингни билсанг эдинг, азизим!

Ёзган хатларингни қайта-қайта ўқиб чиқаман, маъзини чақаман. Ҳавас қиламан сенга! Институтга кирибсан, ишинг жойида. Уйлаган орзуларинг ҳаммаси рўёбга чиқмоқда энди. Мени сўрасанг, Комилжон, менга оғир, оғайини. Мени кечир, ҳаяжонсиз ва кўзларимга ёш олмай бу жумлаларни ёзолмайман!

Ҳа, дўстим, энди ақлим кирган пайтда қиз боладай нозиклашиб қолган кўринаман. Ҳақ гап: яширмайман сендан, мен ҳаётнинг биринчи синовларига бардош беролмадим!

Тоғам билан таништирганим эсингдами, кенг гавдали, мўйловдор киши-чи! Унинг кўкрагидаги ёнма-ён турган иккита олтин юлдузига кўзинг тушганда, ҳангу-манг бўлиб қолгандинг-ку. Ўшанда сенга шивирлаб,

ўқишни битирсам, қишлоққа бораман, шу тоғам сингари меҳнат қозонига шўнғийман, деганимда, сен бунятиمنى маъқуллагандинг.

Ҳа, сен менга кўп яхшиликлар қилгансан, дўстим! Бунини унутиб бўладими... Лекин тоғам сингари олтин юлдузга эга бўлиш, шон-шараф орттириш учун эмас, балки баъзи бир «отасининг амалидан фойдаланиб, олтин медалли бўлди, энди осонгина институтга ҳам кириб олади», деувчилар олдида ўзимни оқламоқчи эдим. Сен бунга тушунгансан албатта.

Ниҳоят, узоқ бир совхознинг хўжалик бўлимига ишга жойлашдим. Ўзинг биласан, бир жойда ўтириб, қогозбозлик қилишга тоқати йўқ одамман. Аммо иложим қанча? Тақдирга таян бериб юравердим. Орадан кўп ўтмай, ишнинг пачаваси чиқди. Ойлик ҳисобот тузаман деб расвою олам қилиб юборибман. Фермалардан келган маҳсулот ҳисоботларини ҳам, ходимларнинг меҳнат ҳақларини ҳам шунчалик чалкаштириб юборибманки, асти қўяверасан. Уни тартибга солгунча бир ҳафта овора бўлишди.

Кейин мени фермага юборишди. У ерда бир чиройлик ишлаб юрувдим. Фақат бир куни... Эҳ, Комилжон, оғайни, ҳеч ниси ўнгидан келмайдиган одам эканман-да. Бўлмаса, интизомни бузиб, муздек жойни топиб олиб, хурракни ванг қўярмидим? Хулласкалом, шу куни менга биркитилган сигирлар вақтида овқатланмай, оч қолибди-ю, маърайвериб, ҳамма ёқни бузиб юборибди. Кейин бирортаси ҳам сут соғувчини ўз ёнига йўлатмабди. Фермадагилар тўполон кўтаришди.

Шундай қилиб, у ердан ҳам туёғимни шиқиллатишга тўғри келди. Уйга қайтай десам, номус кучли... Кейин тўппа-тўғри тоғамнинг олдига бордим. «Чўпонларга қўшиб қўяман», деди. Шунча ўқиб, энди чўпон бўламанми, деб жаҳлим чиқади. Тортишиб қолдик. Ён бердим. Охири қўлимга қисқич тутқазиб, антиқа бир вазифа топширдим дегини. Қўзичоқларнинг қулоғини тешиб, унга рақам ёзилган тунука балдоқ тақаман. Балдоқ тақилганларини тери ва гўшт учун боқилар эмиш. Бечораларга раҳмим келади..«Ба-бу» сени эшитиб, юрак-бағрим эзилиб кетади. Бунинг устига бармоқларим чилп-чилп қонга беланганини айтмайсанми. Ана шунақа, дўстим. Айтмоқчи, бизда Гулчирой деган бир қиз бор. У қулоғига балдоқ тақилганларини дафтарга тиркаб боради. Жуда ғалати қиз. Қачон қарама, ҳиринг-ҳиринг кулаверади. Буниси ҳаммасидан ортиқча. Жаҳлим чиқиб, жеркиб ташлайман. У парвойи палак, яна ҳиринглашини қўймайди.

Чўлни жуда яхши кўрармиш. Етти-саккиз йилдан бери ёзги каникулни шу ерда ўтказармиш. Ҳафсалангга балли-е, дейман. Ишқилиб, тушимда ҳам кўрмаган гаплар оғайни!

Бирам зерикдимки, иложи бўлса ҳайё-ҳуйт деб қочиб қолгим бор. Шунақа қилсам, одамлар кулмасмикин? Ёки сен ҳам куляпсанми? Нималар деб мазах қиляпсан? Майли, мазах қилавер. Ўзимнинг нуноқлигимни сендан яширмайман. Бошқалар учун энг оддий туюлган юмушнинг уддасидан чиқолмаганимни сенга айтмай, кимга айтай, азизим? Бу ерда бировга ҳасрат қилиб, кўнгил ёзишга ҳам хижолат қиласан киши. Ўз бурчинини қойил қилиб қўймаганингдан кейин ҳеч кимга қўшилолмас экансан.

Ана шундай аҳволда қолдим, ўртоқ! Балки менинг ўрнимда сен бўлганингда бундай вазиятга тушмас эдинг. Ҳа сени биламан, Қомилжон, сен бутунлай бошқача одамсан.

Дўстим шундай бошим қотган бир пайтда сендан маслаҳат сўрайман. Нима қил дейсан? Борди-ю, жўнаб кетарсам, баъзи бир оёғи қолиб, оғзи билан юрадиганлар «бузоқнинг югургани сомонхонагача экан», демасмикин? Ким нима деб ўйларкин?

Оҳ, дўстим, нималар бўлаётганига ўзим ҳам тушуполмай қолдим. Ҳозир ҳар бир киши ҳаётдан ўз ўрнини топиб олмоғи керак, деган гаплар бор. Мен ана шу ўрнимни тополмай, адашиб юрган кўринаман. Қанийди ҳозир бирорта одам, сенинг ўрнинг мана бу ёқда, деб йўл кўрсатиб берса, умрбод ундан миннатдор бўлардим. Ҳа, жавоб бер, азизим, сендай дўстимнинг маслаҳатига муҳтожман!»

Хат шу ерда узилиб қолган эди. Энди давом эттириш керак. Пулат қўлига қалам олди. Бефойда ўтиб кетган шу бугуни ҳақида ҳам ёзиб, юрагини бўшатмоқчи бўлди. Аммо миясига бирор гап келмади. Шунга ҳам ҳафсаласи қолмабди. Бу кўнгил хижиллик қачон тугаркин, қачон? Шу диққинафаслик панжасидан қачон қутиларкин?

У хаёлга чўмди...

Эрталаб жуда кеч уйғонган эди. Ҳамон боши гувиллаб, юрагига қил сиғмасди. Қўзиларининг зорлашиб маърашлари жиғи-жиғига текканидан беҳафсалалик билан қисқич ушлаган қўллари суст ҳаракат қилар, иши ҳеч кўпаймасди. Ҳар минут ғанимат, ҳар бир лаҳзада дунёга келиб турган қўзиларнинг қулоғига балдоқ тақиб, рўй-

хатдан ўтказиш керак. Шундай пайтда унинг лапжлик қилиши Бозорбой акани ранжигди. У жиянини қаттиқ қаттиқ койиб ташлади.

— Қуруқ савлатдан қуруқ сават яхши,— деди у ўп-каланиб,—ким айтди сени авжи куч-гайратга тўлган йигит деб? Бор, тошингни тер, сатқан одам кет!

Бозорбой аканинг ўзи қисқични олди-ю, Пулатнинг ишини давом эттириб кетди.

— Нима дедим сенга,—яна жеркиди Бозорбой ака,—пешанамда серрайиб турмай, бориб дамингни олсанг-чи! Эртага пода билан тоққа кетасан,—дея қўшиб қўйди у.

Пода билан тоққа кетишга хоҳиши бўлмаган Пулатнинг таъби яна тирриқ бўлди. Аммо жаҳли чиқиб турган тоғасига гап қайтариб бўларминди ҳозир. Ўтовга ҳам кирмади. Бир этаги дарё бўйига, иккинчиси зумрад тоғ этакларига туташ долғали даштни бефарқ кузатиб юаркан, шу сеҳрли манзаралар унга ҳеч ёқмас, унга заррача ҳам завқ бағишламас қайтага юрагини сиқарди. Ахир мана шу нуроний чўл қизлари, шер ўмровли йигитлари меҳнат гаштини суриш билан бахтиёр-ку! Бозорбой акага шон-шухрат берган, кўксига қўш-қўш орденлар тақдирган ҳам мана шу чўлу бнёбон-ку! Қўйинг-чи, бу ерда бари қавм аҳли ўзича ярашиқ мартабали, одобли, ҳар бир улкан хўжаликнинг фахри дегулик, Омади юришгани, истиқболи порлоқлиги мана шу чўлга бўлган муҳаббати эмасми? Эртаю кеч отдан тушмай, қўтондан-қўтонга, яйловдан яйловга чопаетган, ҳар бир туёқ, ҳар бир бош улоқ саломатлигини ўйлаб, ардоқлаётган шу ҳаловатсиз тоғасининг шижоати жиянига таъсир этмаганига ҳайронсиз...

Чалкаш фикрлар унинг бошини эгаллаб, тумандек тебраниб турди-да, кейин бутун вужудини тугёнга келтирди. Қалами қўлидан тушди, хатни олиб йиртиб ташламоқчи бўлди. Яна нимагадир йиртмади.

Эртасига тонг билан тоққа чиқиб кетди. Унда кечаги кўнгил хижиллигидан асар ҳам қолмади, қайтага бу тоғ манзараси, оромбахш ҳаво унинг қулфи дилини очиб юборди.

Тоғ бағридаги қоя устида ирғай таёғига суянганича Сафар бобо атрофни ҳушёр кузатар, гуркираётган шабада унинг эгиндаги мовут чакмонини тортқилар эди. Гўё ҳозирнинг ўзида қанот қоқиб, кўкларга парвоз қилмоққа чоғланган лочинни эслатарди у.

Қўйлар тоғ этакларини қоплаб, ҳузур қилиб ўтламоқда. Улар ичида қулоғига балдоқ тақилган таниш

қўзичоқлар ҳам ирғишлаб-ирғишлаб юрибди. Қир бағрида ажойиб бир куйни хониш қилаётган Эҳсон чўпоннинг пай садоси бутун борлиқни аллалаётгандай.

— Бу ерда жуда мазза экан,— деди Пулат завқи ошиб, сўнг Эҳсоннинг ёнига ўтирди.

Юмалоққина, ясси бурун қозоқ сиймо йигит куй чалиб туриб, сал қийинкроқ кўзларини узоқ-узоқлардан узмас, най куйига аста тебраниб ўтирарди. Пулатнинг ҳам бежиригина кулча юзида, қўнғир кўзларида, салгина бўртиб турган лабларида ҳам қандайдир, ёш болаларга хос табассум ўйнай бошлади. Тўғриси, машшоқнинг санъатига ҳаваси келган эди ҳозир.

— Дуруст чаларкансиз,— деди у деярли шивирлаб.

— Э, широгим, шу ҳам чалишми. Сафар оғадан эшит найди. У чаладиган бўлса, бари одамди мас қилади қўяди, сеҳргарми, дейсан.

Пулат найни қўлига олди-ю, тешикларига бармоқларини қўйиб, пуфлаб кўрди, овози чиқмади, қизариб кетди.

Эҳсон кулиб:

— Хотиржам бўл, иним, бу жойда бўлсанг чалишди ўрганиб оласан!— далда берди унга.

— Куйни ўзингиз тўқиганмисиз?

— Ҳа-да, иним,— яна кулди Эҳсон.— «Дилда бори тилга келади». Бу журекда қайнаган наъмани шу оғачга соламиз-да. Мана бу жил ҳам ошиғимизди олчи деявер, ҳар совлиқдан бир жуз элликтадан қўзи олаётирмиз, бунга не дейсан?

— Яна орден тақаркансизлар-да?

— Э, широгим, орденда гапби? Одамнинг ҳусни-меҳнатда дейдилар. Жетти пуштимиз молбоқару, қўйбоқар ўтган. Орденди жузини кўриптими улар? Ҳукумат бой бўлса бўлгани бизга. Ҳа, эли бойнинг ўзи бой! Бефойда дўстан таёқ жақси, деган гап бор. Элга фойда келтирсак, шу бизга орден эмасми, иним!

Пулат кеча тоғасининг «қуруқ савлатдан қуруқ савват яхши» деганини эслади. Мана шу Эҳсоннинг савлати ҳам ҳеч кимникидан қолишмайди-ку! Ахир бу чўпонлик касбини менсимай шаҳарга чопгани йўқ. Қайтага ўз касби, ўз юмуши билан фахрланади.

Пулат ҳам Эҳсон сингарин бағрини ерга берганича, оёқларини кўтариб, пошналарини бир-бирига уриштириб ётди. Бир вақт кўнглини алланечук, ўзи ҳам тушуниб етмаган ғашлик эгаллаб олди. Эҳсоннинг сўзлари унга жуда аччиқ таънадай ботган бўлса керак, шу хи-

жолатини сездирмастик учун назарини яйлов томон бурди-да, ҳузур қилиб ўтлаётган қўйларга боқди:

— Қаранг, бирпас най чалмаганингизга қўйлар безовталаниб қолди,— деди у.

Ҳақиқатан ҳам поданинг у ер-бу ерида қўйлар дамадам бош кўтариб аланглар, қулоқларини диккайтириб, ўқтин-ўқтин маъраб қўярди.

— Жуқ,— деди Эҳсон ва ўрнидан сакраб турди,— бу най шалмаганидан эмас, широғим.— Бу ҳавонинг бузилишидан. Бўроннинг ҳиди келяпти.

Тўсатдан шамол кучайди. Сафар бобо тоғлар ортидан бало-қазодай югуриб келаётган қора булутлар подасини кўрган заҳотиёқ пастликка шошди.

— Эҳсон!— деди у бақириб,— тез бўл, қулуним, подани қўтонга ҳайда. Сел босиб келадиганга ўхшайди. Бўл, бўл!..

Бирданига ваҳимали бақирешлар атрофни тутиб кетди. Итлар вовиллаб қолди. Чет-четда тарқалиб юрган қўзилар эса югуриб-слиб тўпларига қўшилар, қўйлар бир-бирининг пинжига кириб, уюларди.

«Қурей-қурей» деган хитоблар кўпайди. Тоғ ҳавосининг бемаҳал ўзгариб қолиши ҳаммани бараварига ташвишга солди.

— Пўлатжон,— дея мурожаат қилди Эҳсон,— ҳуш-ёр бўл, широғим, ҳайда қўйларди...

Пўлат уюр-уюр қўйлар ичида дам кўриниб, дам кўмилиб бораркан, бошқа чўпонлар сингари бақирар, ҳайҳайларди.

Атрофни қоронғилик босиб келмоқда. Чақмоқ чақиб, еру кўкни ларзага солгудай момақалдироқ гулдиради. Чўпонларнинг энг яқин ёрдамчиси Тарлон, Қўрқмас, Чопқир лақабли итлар тўрт томондан подани қўршаб борарди.

Қоронғилик қуюқлашгандан қуюқлашарди. Бирдан сезгир Тарлоннинг вовиллаши қўйларни чўчитиб юборди. Рўпарадаги қир оралиғидан икки жуфт кўз йилтиллаб кўринди. Бу бўрининг кўзлари эди. Қўйлар талва-сага тушиб қолди. Шу пайт итлар бирин-кетин бўриларга ташлана кетди.

— Пўлат, ҳушёр бўл, уғлим!

Бу сафар бобонинг овози эди. У милтиғини елкасидан олиб, итлар ортидан чопа кетди. Зум ўтмай ўқ овози янграб, бўрилардан бири ер тишлаб қолди. Бошқаларини Тарлон билан Чопқир қува кетди.

Чарчаб, ҳориган чўпонлар тарқалган қўйларни не

азоб билан йиғдилар. Қўтонга аранг етиб, қўйларни сапогдан ўтказишди.

— Нечови йўқ?— юраги ачишиб сўради Эҳсон.

— Учта совлиқдан айрилибмиз!— деди кимдир.

Пўлатнинг дили гаш бўлди. Бир эмас, учта совлиқ йўқ дейиш айтишга осон. Бугун учтаси йўқолса, эртага яна...

— Широғим,— дея мурожаат қилди Эҳсон,— менмишан журшанг-ши. Маърака — мардинки, дейдилар, мард бўлсанг, жур, широғим.

Қўрқмасини етаклаб ортларига қайтишди. Икковлон чайқала-чайқала боришар, кўзлар турт томонга жовдирар эди. Бўрон юз-кўзларга майда тош, қуришқоқ ўт илдишларни келтириб урарди. Шувало излашмасин бирорта ҳам қўй кўринмасди. «Бўриларга ем бўлган», деган хулосага келди Пўлат.

Ҳафсалалари пир бўлиб энди қайтмоқчи бўлишган эдилар ҳамки, Тарлоннинг вовиллаши, эшитилиб қолди. У Чопқир билан бирга бўрининг орқасидан қувлаб кетганича қайтиб келмаган эди. Бирдан Тарлон увиллаб, ёрдамга чақира бошлади. Пўлат билан Эҳсон бўронга базўр дош беришар, телпакдай юмалаб кетишларига сал қоларди. Ниҳоят, Пўлат толиқиб йиқилди-ю, ҳийла вақт ўриндан туrolмай қолди. Эҳсон пайпасланиб бориб ҳамроҳининг елкасидан кўтарди.

— Оҳ, широғим, турсанг-ши!

Яна узоқ тентирашди. Энди улар ўз жонларини сақлаш пайига тушиб қолгандилар.

Бўрон маст туядай ўкирар, ҳуштак чалар, осмонда нима бўлаётганини билиб бўлмасди. Эҳсон гандираклаб келиб аллақандай ўрга юмалади. Пўлат ўр ёқасидаги учли харсангга пешанасини уриб ёрди. Шу маҳал кўз олдида қандайдир шарпани сезгандай бўлди. Синчиклаб боқди. Худди шу харсанг панасида уч совлиқ қимтиниб турар, икки ёнида Тарлон билан Чопқир соқчиллик қиларди. Пўлат қичқириб юборди. Дарҳол етиб келган Эҳсон:

— Оҳ, широғим, бахтнинг бор экан,— дея уни қучоқлаб олди.

...Орадан кўп ўтмай Пўлат шалаббо бўлган кийимларини ечди-да, ўтовга кириб, хонтахта ёнига ўтирди.

— Концерт беряпти, эшитмайсизми?

Пўлат ялт этиб қаради. Ичкарида Гулчирой радиоприёмникни баланд қилишга қўл чузиб турарди.

— Бу қайси музика?— ҳар сафаргидай сўради қиз.

Пўлат иккиланиб қолди:

— Чайковскийники бўлса керак.

— Епирай, шунн ҳам билмадингиз-а! Шостаковичнинг «олтинчи симфонияси»ку!

Пўлат мулоҳим жилмаяркан:

— Биларкансану, яна сўрайсан-а?— деб қўйди.

— Сизди синамоқчи эдим-да,— қиқирлаб кулди Гулчирой.

Умрининг ярмини чўлди ўтказган бу қиз шунақа музикаларни ажрата билишн Пўлатни қойил қолдирди. Пўлат ҳам музикани севади, радиодан берилган ҳар бир концертни берилиб тинглайди. Аммо шу эшитаётган куйларининг нони нима, композитори ким, ҳеч эътибор бермас экан. Бу нуқсонга барҳам бериш керак.

— Сизга овқат олиб келмадим,— деди қиз.

— Нимага?

— Бизникига чиқаркансиз. Чиқмасангиз бўлмайди. Бобом: «Айтиб чиқ, у бугун мардлик кўрсатди, меҳмоним бўлсин», дедилар. Энди чиқмасангиз... мен ҳам хафа бўламан.

Пўлатнинг кўнгли чоғ эди. Қизга меҳр билан тикилди. Гулчиройнинг узун киприкларн орасидан чақнаб боққан кўзларн унга жуда ёқди ҳозир. «Бу кўзларни зилол чашмага ўхшатса бўларкан», деб ўйлади.

«Агар шоир бўлганимда шундай қилардим. Куллини ҳам ўзига ярашиб турибди-я, қизи тушмагурнинг».

— Чиқасизми?— сўради яна йигитнинг тикилиб қолганидан хиёл чўчинқираб.

— Чиқаман!— деди Пўлат, сўнг қўшиб қўйди,— Гулчирой!..

Қиз чиқиб кетгандан кейин у ўртоғига ёзган хатини олди-да, унга яна бир кўз югуртирди. Бирдан хижолат тортиб кетди. Уни жўнатиб юбормагани яхши бўлган экан. Аксинча, ҳеч тузатиб бўлмайдиган хатоликка йўл қўяркан. Хатни ёйжимлади, кейин шарт-шурт йиртди-да, ташқарига улоқтирди. Ҳамон қутуришдан тўхтамаган бўрон ўтов ичидан сочилиб чиққан қоғоз парчаларини поёнсиз чўл сари чирпирак қилиб кетди.

САНОБАР

Кулларнинг бирида бошини кичкина гулли рўмолда бўйнидан ўтказиб боғлаган, қўнғир сочлари рўмолча остидан жингала-жингала бўлиб осилиб турган, юмалоқ юзли, позиккина қиз пайдо бўлиб қолди. У ҳар жойда узоқ-узоқ тўхтар, ҳар бир парсага қизиқиб тикиларди. Унинг одми пусха қизил сатин кўйлаги-ю, белини ситиб турган қора духоба камзули ва мўъжазгина туфлисига назар ташлаган киши бу қиз олтинчи еттинчи синф ўқувчиси бўлса керак, деб ўйлаши мумкин эди. Чунки бу ёшдаги қизлар ҳадеганда башанг кийиниб, ўзларига зеб беравермайдилар.

Уни даставвал янги бишонинг иккинчи қаватини монтаж қилаётган шогирд ишчилар кўриб қолишди.

— Эй, Олқинди, бу ёққа қара,— деди улардан бири қиздан кўзини олмай.

Пакана, миқти гавдали, япалоқ юз, кўзлари чақнаб турган Омонтой негадир ўз тенгдошлари ичида «Олқинди» деб аталар, бунга ўзи ҳам ўрганиб қолганиданми, ҳеч хафа бўлмас, эътибор ҳам бермасди, у бўлар-бўлмасга, ўтган-кетганга гап отиб, тегажаклик қилишга одатланган бўлиб, бу билан ҳаммани кулдиар, завоқини ошираётганига ўзи ҳам мамнун эди. Мана, ҳозир ҳам тенгдошлари оғзини пойлаб қолдилар.

Эндигина пардоздан чиққан тўрт қаватли уйларнинг бежирим кўриниши, шафақдек ялтироқ тунука томлар, ботиб бораётган қуёш нурида гўё олов рангга кирган дераза ойналари кўзни қамаштиради. Бир томонда девқомат кранлар, тахлаб қўйилган панель-бетонлар. Бир томонда янги пойдеворлар. Темир-терсаклар, узунқисқа тахталар сочилиб ёғар, ҳавода эса ёғоч елими, цемент чанги ва пайраҳа ҳиди кезиб юрарди. Ҳар бир қурилиш майдонининг ана шундай ўзига хос манзараси бўлади.

Қиз кўзларини сузиб, ўзини худди мана шу манзара кўйида ишчан ва қандайдир янгиликлар ижод қила-

ётган қиёфада тасаввур қилаётгандай атрофга боқар, ҳатто баланд минорали кран устида ўтирган Башор опанинг «вағ-вуғ» эттириб берган сигналяни ҳам эшитмасди. Ниҳоят, Башор опа кабинаси деразасидан бошини чиқариб, овози борича бақирнишга мажбур бўлди:

— Санга айтаман, ҳой қиз, қочсанг-чи. Нима бало, қулоқдан олганми?

Қиз бошини кўтариб, шундайгина елкаси устида муаллақ осилиб турган темир-бетонни кўрди-ю, юраги «шув» этиб кетди. Сал бўлмаса, босиб қолиши мумкин-дай, чўчиб орқасига қочди, анча ерга борганда беихтиёр қоқилиб тушди-ю, ерга ўтириб қолди. Уни кўрган йигитлар бараварига кулиб юборишди.

— Тура қолинг, оппоқ қиз, бу жой сизга ухлайдиган ер эмас. Ҳў, ананиб кетай ўзларидан, тура қолинг...— деди мазах қилиб Омонтой,— биззи маҳаллада кимни қидириб юрувдингиз, манимасми, мабодо?

Қиз сакраб турди-ю, этакларини қоқа-қоқа тез кета бошлади.

— Нима томоша бор экан, у ёқда?

Мастер Тоҳир аканинг пўписи аралаш овозини эшитган йигитлар гур этиб жой-жойларига тарқалишди, бироқ улар қизнинг қайси томонга кетганини кўрмай қолишди.

Аммо эртасига, индинига ва ундан кейинги кунлар ҳам қиз шу атрофда кўзга ташланадиган бўлиб қолди. У янги ишга келиб, ҳали бу ерга мослаша олмаётганидани, донмо ҳаммадан тортинар, худди бировга тегиб кетиб, озор бериб қўйишдан қўрққандай ўзини жуда эҳтиёт тутар, ҳеч ким билан гаплашмас, бировнинг юзига тик қарай олмас, фақат ерга боқиб туриб, эшитилар-эшитилмас «ассалому алайкум» деб ўтарди, холос. Ундаги бу вазиятни бутун вужудидан, гўё ясамадек туюлган табассумидан, жавдираган кўзларидан, бир оз ҳаяжон аралаш нозик товушидан ҳам яққол билиб олса бўларди. Кўпинча одамлар унинг бор-йўқлигини ҳам сезишмас, ҳатто эслашмас эди. Бора-бора Тоҳир аканинг шўхлик, тегажоқликда ном чиқарган шогирдлари ҳам унга эътибор бермай қўйишди.

Орадан уч-тўрт кун ўтди. Абдулла ҳеч ким кутмаган гапни топиб келди.

— Янгиликдан хабаринг борми, Олқинди?— сўради у Омонтойдан,— ҳалиги жибилажибонча бору, жа-а, амали каттами дейман-да?

— Бе-е?

— Кеча дурадгорларнинг ишини текширув қилаётганди, бугун сувоқчиларнинг ичида юрибди. Ҳамманинг ишига аралашади, бир балоларни ёзиб-чизиб юрибди.

— Бе-е? Энди эҳтиёт бўлиб гаплаш, десаг-чи, у минан. Дурустроқ салом бериб қўйдингми?

— Бўлмасам-чи, зўрға алик олди. Димоғи жуда баланд.

— Бе-е? Эртан бизниям текширувга олмаса гўргайди.

— Шунинг айтилган-да. Ие, ана, хизрнинг йўқласак бўларкан, ўзи...

— Оббо, эрталабдан чап кўзим учиб турувди-я.

Ҳақиқатан ҳам уриниб-суриниб ўша қиз чиқиб келаётган эди. Қўлтиғида бухгалтерияда кирим-чиқим ёзиладиганга ўхшаш катта дафтар, қўлида эса орқа учини чайналган яримта қалам. Қизил кўйлагининг этаклари, енглари чанг, сочларига оппоқ қировдай оҳак гарди ёпишган.

— Ассалому алайкум...— деди у ярим овозда.

— Ваалайкум ассалом, мулла бўлинг, оппоқ қиз!— қироат билан жавоб берди Омонтой.

Кимдир пиқ этиб кулиб юборди. Мастер, энсаси қотгандай, шогирдларига порози назар ташлаб қўйди.

— Келинг, қизим, келинг,— деди вазмин табиатли Тоҳир ака.

— Бригадада неча кишисизлар?— бир оз ийманиб сўради қиз дафтарини варақлаб туриб.

— Битта мастер, беш ишчи, уч шогирд... Ҳаммамиз тўққиз кишимиз.

— Тўққиз киши бир уйни монтаж қиласизлар-а?

— Ҳа, четроқ туринг, қизим, тепангиздан бетон тушиб келяпти.

Қиз четланиб осмонга қаради. Башор опа краннинг аллақандай ричаглари тез-тез ҳаракатга солар, кран илгакларига осилган ҳайбатли бетон эса, бутун қурилишлар устидан сузиб ўтиб аста-секин пастлаб келарди. Айни қўл етадиган жойга келганда икки киши тутиб олиб, уни мастер кўрсатган ерга авайлабгина ўрната бошлади. Бошига ниқоб кийганлар эса ичак-човоқдай сочилиб турган арматураларни электр ёғи билан пайвандлашга ўтдилар.

Қиз монтажчилик ҳунари билан биринчи бор танишаётганга ўхшарди. Ишчиларнинг санъатига қизиқсиниб тикилар, ҳамманинг ишини синчиклаб кузатаркан, нозиккина билагидаги соатига дам-бадам қараб, нима-

ларнидир дафтарга тез-тез ёзди. Унинг бу ишига кўз қирини ташлаб, кузатаётган йигитлар бир-бирларига маъноли қараб олдилар. Кейин ўзларини шу ҳунарни сув қилиб ичиб юборган усталардай кўрсатиш учун чаққон ишга берилиб кетдилар. Ниҳоят, Абдулланинг сабри чидамади. Бир нафасгина қўли бўшаганидан фойдаланиб, ясама эҳтиром билан мурожаат қилди:

— Кечирасиз... Номингизни билиб қўйсак бўлармикин?

— Санобар...

— Санобархон денг? Хўш, сиз қандай маслаҳат берасиз... Панелни мана шу хилда ўрнатганимиз дурустмикин, ё?..

— Билмадим..

— Менимча, ёштин уй бундан афзалроқдир-а? А, лаббай?

Бошқалар ҳам Санобарнинг оғзига тикилиб қолишди.

— Билмадим...

Омонтой ҳам суҳбатга қўшилиб, қизни мот қилиш ва ўртоқларини бир кулдириш учун гапга оғиз ростлади-ю, аммо устанинг порози қараб турганини кўриб, нафаси ичига тушди. Санобар эса пайванд қилинаётган бетон чокларини кузатиш билан банд эди.

— Академик бўлсалар керак-да, — шивирлаб қўйди киноя билан кимдир.

— Ҳа, олимона калласи борга ўхшайди. Хаёл суришини қара.

— Ҳей, биронта газетадан келган мухбирмасмикин? Мухбирлар шунақа, ҳар нарсага қизиқувчан бўлишади, — тахмин қилди Абдулла.

Тили қичиб турган Омонтойни аллақандай ички бир куч гап қотишга мажбур этди:

— Айбга буюрмайсиз, оппоқ қиз, бир гап сўрасак бўлармикин? — деди сертакаллуф оҳангда, — мабодо, сиз шу қурилишнинг архитектори эмасмисиз?

Ҳамма гур этиб кулди. Санобар эса лавлагидай қизарди-ю, аммо ўзини йўқотиб қўймади.

— Ҳеч-да, норматив станциясиданман. Сизга айтишмадим?

Турганларнинг чехраси аста жиддий қиёфага кириб, оғизлари очилганича ағрайиб қолдилар. Ҳеч қайсилари шу кўримсизгина қиз ўзларининг меҳнат нормаларини белгилайди, ҳар ўн беш кунда киссаларига тушиб турган моддий эҳтиёж манбаининг тақдирини ҳал қилади, деб ўйламаган эдилар. Чунки, бундай тақсимотчилар

ҳар замонда бир ҳисобот олиб кетишар, келиб-кетганларини ҳам сезмай қолишарди.

Иигитлар энди Санобарга самимий илтифот билан муомала қилишга ўтдилар. Арзимаган баҳона билан бўш туришлар йўқолди, овқатга ҳам вақтида чиқиб, вақтида қайтадиган бўлинди. Санобар худди уларнинг пайнига тушгандай ҳар лаҳзани ҳисобга олар, кунда келиб, шу ўртада ўралашиб юрар, ҳамманинг ишини синчиклаб текширар эди. Ишчиларнинг назарида эса бу қизнинг норма белгилаши ниҳоятда чўзилиб кетаётгандай туюларди.

— Ишимиз маъқулми, қизим?— сўраб қолди бир кунни Тоҳир ака.

— Йўқ!— деди Санобар устага дадил боқиб.— Мен сизларга норма ёзмадим.

Тоҳир ака қиздан бу хилда жавоб кутмагани учунми, ишонқирамай илжайиб турди-да кейин аста қовоғини уйди. Лаблари қисилди. Агар у норма ёзмаса, кундалик наряд ҳам инobatга ўтмай, бухгалтерия ишчиларга ҳақ ёзишни тўхтатиб қўйиши турган гап. Шунинг учун бошқалар ҳам унга қандайдир ташвишли ва ҳайрат билан боқиб қолдилар. Ўртадаги ноқулай сукунатни яқин-йироқда гувиллаётган кранлар, экскаваторларнинг вағ-вуғи бузарди, холос.

— Нима бало, бизда қасд-пастинг борми, қизим?

Санобарнинг юрагида ҳам аллақандай ғашлик уйғонган, аммо иложи қанча, ҳақиқатни яшира олмасди.

— Нимасини ёзай?— деди у кўзларини мўлтиллайтиб, норози оҳангда.— Бу ишингиз брак-ку, ахир. Бизага чокни бунчалик кенг қўйилади, деб ўқитишмаган. Ҳаммасини бузиб, бошқатдан монтаж қилишга тўғри келади,— деди.

— Янгилик!

— Ёзавермайсанми-е, санга нима, жиблажибон!— жеркиб ташлади Абдулла,— биров сени жавобгар қилармиди.

— Мен виждоним олдида жавоб бераман.

— Ўзингни бос! Кўп катта кетаверма, акаси,— деди Абдулла.

— Санобархон,— вазминлик билан тушунтира бошлади Тоҳир ака,— сани фақат китобдаги гаплар билан ўқитишган, қизим. Китобда бошқа-ю, амалда бошқа. Бу ёғиниям билишинг керак. Ўн йилдан бери шу хилда монтаж қиламиз, ҳалигача биров гинг деганини билмайман.

Санобар кўкрак чўнтагидан ўрама газ олди-да,

шахдам бориб, икки панель оралиғини ўлчаб кўрсатди.

— Бунн қаранг, уста, бунга «ғинг» демай бўлади-ми?— у ўз дадиллигидан ўзи уялиб, товушига пас оҳанг беришга ҳаракат қилди.— Хафа бўлмангу, ноҳақ ишга ривож йўқ, дейдилар. Мен бунақа нуқсонни яшириб кетолмайман.

— Вой, бў-ў,— деди кимдир чўзиб,— қизи тушмагурнинг индамай юришида бир гап бор девдим а.

— Ана, писмиқхондан чиққан гап.

— Гапларига беш кетдим!— деди заҳарханда билан, энсаси қотган Омонтой, Абдулла ҳам яна бирор оғиз гап билан қизни доғламоқчи бўлди-ю, лекин тилига бирорта ачитиб оладиган гап келмай қийналди.

Ҳақиқатан ҳам монтажчилар шу вақтгача чокнинг катта-кичик қўйилаётганига ҳеч аҳамият бермасдилар. Улар учун норма оширилиб бажарилса, кечқурун уста ёзадиган нарядда иш фалон процент ортиқ адо этилди, деб кўрсатилса, бас. Бу хилдаги сўзлар «илғор ишчи» деган ном бериш билан бирга, олинадиган маошдан ташқари яна мукофот қўшиб туради, шундай бўлгач, чок билан неча пуллик ишлари бор? Лекин мана бу янги тақсимотчи ана шу тартибларга халал етказяпти. Обориб экиб қўйсин-э, чок-покини.

Санобар техникумни битириб келган кунн марказий норматив станциясига ишга жойланди. Унинг вазифаси — ким қанча жойни қанча вақтда сувоқ қилиб бўлди, ким қанча чок арматурасини пайвандлади, монтажчилар сменада неча қават бино кутарди...каби ишларни ҳисоблаш ва шу ҳисоботни станцияга юборишдан иборат. Бироқ қурилишдаги жўшқин ҳаёт уни ўзига мафтуни этиб қўйди. Бўш вақтларда фақат шу атрофда юриб ишчиларнинг ишига ҳавас билан боқар, ўрганар эди. Баъзан кутубхонага кириб, қурувчиликка хос китобларни мутуала қилар, ким виждонан тўғри ишляпти, ким қандай нуқсонларга йўл қўйяпти, ҳаммасини билишга, тузатишга уринарди. Аслида эса қурилишдаги камчиликларни кўрсатиш — унинг вазифаси эмас. Бироқ у қурувчиликни севади, шундай бўлгандан кейин ҳалигидай нуқсонлардан кўз юмиб кета олармиди?

— Эртасига уни участка штабига чақиртиришди.

Узун алвон ёпилган столнинг нариги бурчагида сочини устара билан қирдирган, чўзиқроқ юзини шамол ялаган, бўйи пастроқ киши ўтирибди. Столнинг бу бурчагида эса Тоҳир ака, рўпарасидаги ёпиқ дераза ёнида

яхши кийинган, новча бир киши кўзини ташқаридан олмай папирос чекиб турибди. Қош-қовоқлар уйилган. Санобар кирмасдан илгарироқ анчагина тортишув бўлганга ўхшайди. Бўйи паст кишининг қисқ кўзлари киприклари орасидан шиддатли боқар, у шу топда қизга қандай савол беришини ўйлаб, боши қотаётгандек эди.

— Монтажин бошқатдан қил, дебсизми?— дея босиқ овоз билан гап бошлади ҳалиги паст бўйли киши.— Бундай дейишдан аввал яхшилаб ўйлаб кўрдингизми?

— Билмадим...

— Бу таклифингиз билан бошимизни қандай ғалваларга қўяётганингизни биласизми, бўлмасам?

— Билмадим...

Ҳамманинг тоқати тоқ бўлди. Тоҳир ака чўнтагидан портсигар олди-да, шарақлатиб очди. У папирос тутатаркан, Санобарнинг кўзи гугуртнинг қизғиш алангасига тушди.

— Билмадим...

Паст бўйли киши бурнини жийриб, кулгили пишқирди.

Санобар айна нозик жойидан тутганди. Энди бу «машмаша» бир ёқли бўлгунга қадар ишчилар маошни вақтида ололмай ранжишлари у ёқда турсин, ўз ишида пихи қайрилган бу кишиларга қаттиқ гап тегиб қолмаса гўргайди. Агар қизнинг башорати тўғри деб топилса борми, бошлиқлар «бундай нуқсонга қандай қилиб шу маҳалгача йўл қўйиб келдинглар? Гапини эплаб гапира олмайдиган шу қизчалик фаҳм-фаросатингиз йўқмиди», деб дакки беришлари, масъулиятсизликда айблашлари турган гап. Борди-ю, бу масала бирор мухбирнинг қулоғига илиниб қолса, нима бўлади?.. Ҳа, яхшиси бу сир элга ошқор бўлмай туриб, бости-бости қилиб юборган маъқул. Аёс ҳолда кулгига қоладилар. Лекин қизи тушмагурни инсофга чақириш осонга ўхшамайди. Шунақа кўзларини мўлтиллашиб, ер чизиб турадиганлардан қўрқиш керак, ўлгудек қайсар бўлади. Ёки ялиниб-ёлвориш керакмикин? Асло!

— «Билмадим», «Билмадим»,— масхара қилди паст бўйли киши.— Бунақа жавоб бизни қониқтирмайди. Билмадим-билмадингизни қўйинг, мақсадингизни айтинг. Энди нима қилмоқчисиз?

Санобар жавоб бермади. Нима деб жавоб қилса экан?

— Билмасангиз, гап тамом. Монтаж ўзгартирилмайди. Бу ердагилар ҳеч нарсага ақли етмайдиган омилар эмас, нима қилишаётганини ўзлари яхши билишади, ту-

шундингизми? Сизга ким қўйибди бировларнинг ишига аралашишни? Ўз бурчингизни ўтаб кетаверинг-да.

Санобар жўшиб келаётган аламини зўрға тийиб, ўжарлик билан бошини четга бурди.

— Мен айтганимдан қайтмайман, бари бир исбот қиламан,— деб юборди ниҳоят.

Гарчи бу гап жангга кириш олдидан берилган сигналдай таъсир қилган бўлса ҳам, ҳеч ким ўрнидан туриб кетмади. Дўқ ҳам уришмади, аммо ҳаяжонлари олайиб қарашларидан, кетма-кет папирос тутатишларидан кўриниб турарди.

— Ўзингиз ўйланг, ахир...— Санобар дадил гапга кирди.— Бир кубометр ортиқча сарфланган қоришмани пулга чаққанда ўн сўм туради дейлик, бир бинони қуришда ўнта шунақа кенг чок қўйилса, уни тўлдириш учун ўн кубометр қоришма кетади, шунда неча пулни ҳавога учирган бўламиз?

— Юз сўмни...— бенхтиёр жавоб бериб юборди Тоҳир ака.

— Тўғри айтдингиз,— тасдиқлади қиз ҳам,— шунақа бинодан ўнтаси қурилса-чи?

— Минг сўм,— жавоб берди дераза ёнида орқасини ўгириб турган киши. Ҳамма ялт этиб қаради. У эса, стол ёнига келиб, папирос қолдигини кулдонга эзди-да, ўтирди, унинг мийиғида майин жилмайиш пайдо бўлди, мана шу, невараси тенги қизча олдида довдираб қолаётган ҳамроҳларидан кулаётгандай кўринарди.

Тоҳир ака ҳам бақрайиб қолган эди. Вазият бирданга ўзгариб кетаётгандай туюлди унга.

Ўзун бўйли киши Санобарга нимаси биландир таниш кўринар, қаердадир учратгандай эди. Айтмоқчи, кечами, ўтган куними, кимдир унга ўртоқ бош инженер деб мурожаат қилганини кўриб қолмаганмиди? Ундай бўлса анави паст бўйли киши ким бўлди? Прорабмикин-а? Наҳотки, прораб бўлса? Хулласи калом, бу ишга бош инженернинг қўшилгани яхши бўлмабди.

Санобар отаси тенги кишиларнинг бошини қотириб қўйганини ўзича ҳис қилиб, хижолат чека бошлади энди. Мана, бош инженер унга жиддий тикилиб қолди. Нима деркин? Ҳозирнинг ўзидаёқ қани бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол, деб ҳайдаб юборса-я? Лекин нимагадир жим. Бирор оғиз сўз қотай демайди. Бошқалар ҳам жим. Худди оғизларига толқон солиб олгандай. «Йўқ, ҳайдашмайди, ҳайдашмайди», дея ўзини юпатди яна Санобар.

Бош инженернинг «минг сўм» деган сўзидан кейин Тоҳир аканинг миясига аллақандай фикрлар яшин тезлигида келиб урила бошлади. «Бир кубометр ортиқча сарфланган қоришмани пулга чаққанда ун сўм бўлади... Ун сўм... Минг сўм... Оббо, тиррапча-ей, ҳаммасини ҳисоблабди-я».

— Минг сўм,— деб юборди беихтиёр овоз чиқариб уста ҳам.

— Бу фақат...— дея сўз бошлаган Санобар негадир бўғилгандай тўхтаб қолди. Афтидан, бош инженернинг шу ердалиги эсига тушди шекилли.

— Ҳўш, гапир, гапиравер,— дея кутилмаганда далда бериб юборди уста.

— Бу фақат қоришманинг нархи...— дудуқланиб давом этди яна Санобар...— Ахир қанча арматура, опалубка учун қанча-қанча тахта нобуд бўлади. Ишчи кучига келганда эса... у ёғини ўзингиз яхши биласиз-ку, нима қиласиз мендан сўраб.

— Ҳўп, уқтиришнинг ҳожати йўқ, синглим,— унга ортиқ гап бермади паст бўйли киши,— ҳисоб-китоб қўлидан келмайдиган даражада эмас бу ердагилар, бординг сизга ижозат!

Санобар нидамайгина хонадан чиқиб кетди.

Тушки овқат маҳали у ишчилар ошхонасининг бурчагига тикилиб олган, қалбини эса ҳамон аллақандай ғалати шубҳалар қийнар, олдига келтириб қўйган овқат томоғидан ҳам ўтмас эди. «Мени тушунишмади, хафа бўлишди», дерди ичи эзилиб, у хаёлга шунчалик берилиб кетган эдики, ёнига кадрлар бўлими бошлиғи келиб ўтирганини ҳам сезмади. Эғнидаги йўл-йўл қора костюми, фарқ очиб, текис таралган сочлари, хуллас юриш-туриши билан салобат тўкиб турган бу аёл ёшларга нисбатан қаттиқ қўл бўлишни, ҳар дамда бир танбеҳ бериб қўйишни жуда ёқтирарди.

— Жағингни ушламай ўтир, одат тусига кириб қолади,— деди у дабдурустдан Санобарга.

Санобар ҳурмат юзасидан ўрнидан қўзғалиб, салом берди.

— Ўтир, ўтир. Овқатни совитиб емайдилар, маза-матраси қолмайди. Қачонгача ўргатаман сенларга?

— Егим келмаяпти.

— Нима бўлди, тобинг қочдими?— дарров унинг пешанасини ушлаб кўрди аёл,— совуқ сув ичмагин.

— Соппа-соғман...

— Ҳа, айтгандай, ғалаён кўтариб юрганмишсанми?

— Галаёнмас, шунчаки тўғриси айтувдим...— дея бутун воқеани гапириб берди Санобар.

Лекин қизнинг гаплари кадрлар бўлими бошлиғига ҳам маъқул тушмади шекилли, қошиқни зарда билан тарелкага тарақлатиб қўйди-да, лўписа қилишга ўтди:

— Бу ишинг ярамайди, бола. Уларнинг ўз тергайдиганлари бор, ахир. Сенга нима?

— Билмадим...—бошини яна қуйироқ эгди қиз.— Тергайдиганлари бўлса... Ахир катта хатога йўл қўяётганларини билишмайдимиз? Одамга алам қиларкан-да. Ахир... ахир... Бу ноинсофлик-ку...

Санобар йиғлаб юборди. Упкасини тутолмай, энтикиб-энтикиб йиғлади.

— Қўй, кўнглингни бузма. Эртадан бошқа ишга ўтасан.

— Йўқ!—Қутилмаганда қичқириб юборди қиз.—Менга ишим жуда ёқади.

— Ушқирма менга! Бошқа ишга ўтасан, вассалом!— Санобар ағрайиб қолди. Ҳа, қизнинг юрагига бу аёл ҳам тушунмади. Наҳотки, ҳеч ким тушунишни истамаса? У ўрнидан сапчиб турди-ю, кўзлари тўла ёш билан ташқарига отилди. Уни тутмоқчи бўлиб узатган аёлнинг қўллари эса ҳавода муаллақ қолди.

...Санобар участка штабидан чиқиб кетгандан сўнг у ерда қандай тортишувлар бўлган бизга номаълум. Фақат шуниси маълумки, учала бошлиқ ҳам қурилиш майдонига ниҳоятда қизариб-бўзариб қайтишди. Тоҳир ака ишчиларни йиғиб, ҳеч кимнинг ақлига келмаган гапларни айтди. Шунча маҳалдан бери одат тусига кириб қолган монтажчилик усули ўзгарадиган бўлди. Кейин Санобарни қидиртиришди. Норматив станциясига телефон қоқишди. Ҳеч қаерда йўқ. Уни албатта топиш керак бўлиб қолди.

Омонтой бутун қурилишни айланиб, қизни тополмай, қайтди.

«Арзимаиди шавласи, куйдиради ғалваси,—деб ғулдуради ўзича. Устага ҳам ҳайронсан, кўзига авлиё бўлиб кўриндими дейман, бу қизалоқ...»

— Башор опа,— дея қичқирди кран олдига келганда у,—у ёқ-бу ёққа назар ташлаб кўринг-чи, Санобарнинг қораси кўринармикин.

— Боя ҳув анави томонда мишиғини тортиб юрувди, кейин қаёққа йўқолганини билмай қолдим.

Омонтой қизни топса, тоза адабини берадиган вазоҳатда эди. Шунинг учун ҳеч эринмай излади. Топа олма-

ди. Ниҳоят, тинкаси қуриб орқага қайтар экан, пардоз берилишини кутиб турган янги иморатлардан бирининг кўчага қараган болохонасида кимнингдир ўтирганини кўргандай бўлди. Санобар бўлмасин тагин? Омонтой бинонинг учинчи қаватига кўтарилди. Кўтарилди-ю, яна бирдан тўхтаб қолди. Хоналарнинг очиқ эшиклари орқали Санобарнинг нимжонгина қиёфаси аниқ кўринар, лекин нимагадир у қимир этмас эди. Наҳотки, Омонтойнинг зиналардан чопиб чиққандаги оёқ товушини, яқинлашиб келаётганини эшитмаган, сезмаган бўлса? Омонтой битта-битта қадам қўйиб, шарпа чиқармай яқинроқ борди. Яна тўхтади. Бирданига ўзи ҳам тушуниб етмаган аллақандай ғашлик юрагини чангаллагандай бўлди. Ҳеч кутилмаганда Санобар ҳозир унинг кўзига бутунлай ёлғизланиб қолган, ҳимоясиз, норасида бир қиз бўлиб кўринди. «Инсон учун ёлғизликдан ёмони йўқ,—деб ўйлади Омонтой.—Ахир унинг гуноҳи нима? Фақат ўз фикрида қатъий туриб олгани, холосми? Бари бир ҳақ чиқди-ку. Бўлмаса, бош инженер келиб, худди шу қизнинг айтганини қилдиармиди бизга. Уста ҳам, уни зуваласи пишиқ экан, бекорга дилини вайрон қилибмиз, деб пушаймон еди. Ундан яхши қурувчи чиқади, шу ишга тортиш керак, деди. Уста ҳақ... Уни қурилишга тортиш керак».

Омонтой Санобарни менсимай юргани, кинояли гаплар қилгани учун ўзини қаттиқ-қаттиқ койиб ташлади. Абдулладан ҳам хафа бўлди. Кишига лақаб қўйишга жуда уста у. «Жибилажибон» деганига бало борми. Отини айтиб чақираверса, бир ери камайиб қолармиди? Санобар деган номнинг ўзи қандай чиройли, ахир? Умуман, лақаб қўйиш хунук нарсаси. Аллақачонлар бунга барҳам бериш керак эди. «Олқинди» эмиш. Яна шундай деб кўрсин!

Санобар эса ўзи билан ўзи бўлиб, Омонтойнинг келаётганини кўрмас ва ҳатто сезмасди ҳам. Бундан бир неча дақиқа илгари кўзларидан оқиб тушган икки томчи ёш кулча юзларида қотиб қолган, ҳозиргина чироқ ёқса ёримай турган юрагини эса энди тотли бир ҳиссиёт эгаллаган, назарини янгигина серқатнов кўчаларнинг икки томонида саф тортган муҳташам бинолар, хиёбонлардан узмай ўтирар эди. Кечагина ўнқир-чўнқирликдан иборат кўримсиз бу жойларда бугун қанчадан-қанча ўзгариш. Булар кимнинг дилини ёритмайди, дейсиз? Ҳаммаси қўли гул инсон саховати, меҳнатининг маҳсули эмасми, ахир? Кошкийди ана шу меҳнатга сенинг ҳам кичкинагина улушинг, ҳиссанг қўшилган бўлса, Санобар!

У фақат шуни ўйлаб ўтирган эди...

ТОНГ ЁРИШГАН СОҲИЛДА

Ҳамма уч йўловчига назар ташлаб кулиб қўярди. Улардан бири — шимига гард юқтирмаслик учун иккала почасини кўтариб олган, тупроққа ботиб кетмайин, деб авайлаб қадам босаётган Шавкат. Иккинчиси—Дилбар бўлиб, туфлиси қўлида, яланг оёқ тупроқ кечиб келяпти, вужудидан хуррамлик, хушлик, гўзаллик барқ уради. Учинчиси—бугдой ранг, кулча юз, ҳаёлчан қиз—Манзура. У атрофга жилмайиб назар ташларкан, барча бўлаётган ишларга ҳавас билан боқади. Оёқ ости қум, шағал, ғишт парчалари... Каттакон котлован ичидаги экскаваторнинг ҳайқириши, кўчанинг чангини осмонга кўтариб югураётган ағдарма машиналарнинг шовқини, тақ-туқ, вағир-вуғурлар гапни гапга қўшмайди.

— Ҳой, яхши қиз!..—бақирди Шавкат баланд бир иморат устига ғишт тераётган жувонга,—сиз ҳалиги...—деди-ю, томоғига чанг тиқилиб йўталди.

Унинг саволини Манзура давом эттирди:

— Кечирасиз, Комилжон деган чиройли йигитни кўрмадингизми?

Шавкат томоғини қира-қира сўради:

— Қизиқмисиз? Чиройлилигини қайдан била қелдингиз?

— Дарров рашк қилмай қўя қолинг, ҳазиллашяпти.—дея дугонасининг ёнини олди Дилбар. Кейин ўзи ҳам қўлини оғзига карнай қилиб, ҳалиги жувонга мурожаат этди:

— Ўша ёқда бўлса, айтинг, синглингиз келибди, деңг. Комилжон тепада экан. У буготга келди.

— Ака,—деди Дилбар ва суюнганидан ёш боладай ирғишлаб кетди.

— Диля! Вой қизи тушмагур-ей, келдингми?

— Шерикларим ҳам бор.

— Жуда яхши-да. Ма калитни,—у ерга калитни ташлади,—куча юзида машина турибди, ҳозироқ уйга боринглар, мен орқаларингдан етиб бораман.

Комилжон қурилишдан анча узоқда, қатор тушган уйларнинг бирида тураркан. Қўча томондан панжара олиниб, дарахт экилган, гулзор қилинган шинамгина ҳовлининг ўртасида айвон. Бироқ уйларнинг ичи, ҳовли юзаси тартибсиз, бесаранжом бўлиб, анчадан бери қаровсиз қолгани билиниб турарди.

— Акангиз уйланмаганмилар?—сўради Манзура атрофни саришталашга тутинишаркан.

Савол Шавкатнинг жиғига тегди шекилли, бурнини жийириб, пишқириб қўйди-да, Дилбар жавоб бермасданок гапга аралашди:

— Сизга бунинг нима қизиғи бор?

Қизлар хахолаб кулишди.

— Ана холос,—деди Манзура ўпкалаб,—оғзимни боғлаб қўясиз шекилли, сўраб бўлмайдими?

— Оғзингизни боғлаб жинни бўлибманми, қизиқмисиз?—Шавкат қўлларини шимининг чўнтагига тиқиб, бир ғоз чўзилиш қилгач, қўшиб қўйди:—Сўрасангиз майли-ю, лекин одамнинг рашкнин қўзгатмайдиган қилиб сўранг-да!

— Рашк ҳам ўлсин, салдан-салга келаверса,—Дилбар яна хахолаб кулди.

Манзуранинг энсаси қотиб, сув сепаетган челагини қўйди-да, хафа бўлганнамо гапирди:

— Қўйсангиз-чи, Шавкатжон, наҳотки сира тўғрима-тўғри гаплаша олмасангиз!

Қизлар ҳамма ёқни саришталаб, ҳовлини гулдай яшнатиб қўйишлари билан иккала қўлида консерва, шиша-пиша ва каттагина тарвуз, яна алланималар кўтариб Комилжон кириб келди.

— Айбга буюрмайсизлар, иш билан алаҳсиб, куттириб қўйдим.

— Ҳечқиси йўқ, ака,—деди Дилбар унинг қўлидаги нарсаларни олиб.—Танишинг: булар курсдошларим, институтни бирга битирдик.

Комилжон очиқ чехра билан Манзурага қўл узатди.

— Манзура...—қиз чиройли қўлларини узатаркан, поизик гавдаси хиёл силкинган эди, чамбар сочи ечилиб кўксига тушди.

— Манзураҳон,—такрорлади йигит ва бир оз ўйла-ниб тургач:—Жуда чиройли от экан, «манзур» деган сўздан-а?—деб сўради.

Орага Шавкат суқилди:

— Бетакаллүфгина ўзимни таништирай, менинг ис-мим Шавкат—«шавкатли» деган сўздан олинган. Мени

сизга Дилбар айтганми-йўқми билмайману, аммо сизни куп эшитганмиз. Сиз ҳозир аллақандай кашфиёт устида иш олиб боряпсиз, шундайми?

— Кашфиёт эмас, шунчаки бир таклиф,—деди Комилжон самимий кулиб.—Қани, айвонга чиқайлик.

Ҳамма дастурхон атрофига ўтиргач, Комилжон консерваларни оча туриб, ҳозирча бу ерда марказдагидай истаган нарсалар топилавермаслиги, ҳали дурустроқ магазин қуриб олишолмагани, меҳмонлар яна бир келишгунча бу жойда ҳам ажойиб ҳаёт қайнашини айтиб, кечирим сўради. Шавкат тантанали гаплар билан жавоб қайтармоқчи эди, Дилбар унинг қулоғига «аския қилмай ўтиринг», деб шивирлагандан кейин дамини ичига ютди.

Овқат маҳалида ҳар ким истак-орзусидан сўзлади. Дилбар Янгнерга—қурилишга йўлланма олганини айтди. Манзура билан Шавкат министрликда қолишибди. Буни эшитган Комилжоннинг жаҳли чиқди:

— Институт раҳбарларига ҳам ҳайронсан киши,—деди у,—шундай гайратли, ёш мутахассисларни мана бунақа зарур жойларга юбормай...

— Ўзимиз талабгор бўлиб қолдик,—унинг сўзини шартта бўлди Шавкат.

Дилбар Шавкатга маъноли қаради. Қизнинг ишорасини пайқаган Шавкат башарасини тириштириб:

— Нега энсангиз қотади, Дилбархон,—деди зарда билан,—гапнинг тўғрисиини айтган яхши-да. Муҳим сабабларга кўра...

— Ҳеч қандай сабабларга қарамаслик керак эди,—деди-ю, Комилжон ўрнидан туриб кетди. Сўнг унинг кўзига тик боқди.—Қўл-оёғингиз бут, ақлингиз бор, дипломни у ёқдан-бу ёққа қоғоз кўтариб чопиш, телефонни қучоқлаб ўтириш учун олдингизми?

Манзура тортишувнинг зўрайиб кетишидан чўчиб, безовталаниб қолди. Дам Шавкатга, дам Комилжонга қараб тинчитмоқчи бўлди. Дилбар эса бу можарога эътибор бермаётгандай овқат ейиш билан банд эди.

— Мен айтмоқчи бўлган фикр сизга маълум ва манзур бўлсинки,—яна гап бошлади Шавкат,—бизнинг ҳам орзумиз сиз каби улўф қурилишларда ўзимизни кўрсатиш эди, лекин...

— Шавкат!—дея аламзадалик билан унинг сўзини бўлди Манзура.

Лекин Шавкат қизни гапиртиргани қўймай, бидирлаб кетди:

— Сиз жим туринг, Манзурахон, мен тушунтирай. Демокчимаңки, айрим сабабларга кўра марказда қолишга мажбур бўлдик, яъни Манзурахоннинг уйида ҳеч ким йўқ, отаси кўпинча командировкаларда юради. Менинг қолишимга сабаб эса, асосан уйланиш масаласи... Яқинда Манзурахон билан бизнинг тўйимиз...

Комилжон баданига совуқ сув сачрагандай сесканиб кетди, кейин бошини қуйи эгиб, жим қолди. Манзуранинг эса нафаси бўғилди. Бирдан юзларига майда доғлар югуриб чиқди-да, у ҳам бошини ердан кўтаролмади.

Орага сукунат чўкди. Бу сукунатни боядан бери гапга аралашмай ўтирган Дилбар бузди:

— Қўйинглар, биз бу ерга масала талашгани келганмизми? Яхшиси гуллар, булбуллар ҳақида гаплашиб ўтирсак-чи. Айтмоқчи, акам дутор чалиб берсинлар. Дуторни олиб чиқай, эшитамиз-а, Манзура?

Дилбар дуторни берганида акаси ялинтириб ўтирмади. Шўх ва ўйноқ куйни чалиб берар экан, бир зумда ҳамманинг дили ёришиб кетди. Манзура сал табассум қилиб, машшоқнинг дутор пардаларида югураётган, меҳнатда чиниқиб бир оз дағал тортган бармоқларига тикилар эди.

Машқдан кейин Дилбар Манзуранинг уста хонандалигини айтиб, ундан «бирор нарса эшитайлик», деб илтимос қилди. Манзура кўнмади.

— Йўқ демагин, ўртоқжон,—ялинди Дилбар.—Сизлар ҳам талаб қилсаларинг-чи, сиз айтинг. Комил ака!

Комил мийиғида қулиб киноя қилди:

— Менинг илтимосимга кўнмасалар, балки Шавкатжон талаб қилсалар бўлар...

Манзура ялт этиб унга қаради ва бир оз зарда билан дуторни шахдам ердан олди. Аввал қандайдир куйни чалиб, дуторнинг созини кўрган бўлди-да, кейин «Лайли ва Мажнун»дан Лайли ариясини айтиб юборди.

Қизнинг хийла овози бор эди. Бадаиларни титратиб, роҳат бағишловчи лирик қўшиқ унинг чуқур қалбидан эркин ва товланиб чиқа бошлади. Қўшиқнинг сўзлари эса ниҳоятда содда ва аниқ баён қилиниб, гўё қиз кўпдан бери бировга айтолмаган дардларини энди, ниҳоят, бир қадрдон кишисини топиб, унга изҳор қилишга муваффақ бўлгандай эди. Айниқса: «Шуни, фақат шуни дерман, шудир кўнгилдаги розим» деркан, ички дунёсида ажиб бир ҳиссиёт туғён ураётгандай, бу ҳиссиёт эса уни дам юпатиб, дам ҳаяжонга, дам асабий ҳолга солаётгандай бўларди.

Комилжон ҳамон ундан кўзини узмай мулойимгина термилиб тураркан, аллақандай латиф ва ширин бир нарса унинг юрагига қуйилар, бу нарса юракда тобора ўсиб, улғайиб бораётгандай эди.

Қўшиқ тугагач, Манзура сал қизарган юзини бошқалардан олиб қочишга уринса ҳам, Комилжоннинг самимий ва дўстона боқишлари унинг назарини дам-бадам ўзига тортмасдан қўймади. Буни сезиб, ичидан зил кетиб ўтирган Шавкат тўсатдан турди-да, ғулдиради:

— Тарихда қоладиган лирик дамлар кечмоқда... Най бўлганда «Наво» куйини чалиб турарканмиз!

У қайтиб дастурхонга келмади. Дилбар тарвуз сўйиб таклиф қилганда ҳам орқасини ўгириб:

— Ташаккур, жуда тўйдим!— дея тўнғиллаб қўйди.

Эртаси Шавкат Дилбарнинг қистови билан темир-бетон заводини кўргани кетди. Манзура янги қурилаётган шаҳар билан таниша бошлади.

У баланд бир тепаликка чиқиб, узоқдаги тизма тоғлар ортидан кўтарилиб келаётган қуёш нурунинг биринчи тиги ҳали ярми битмаган завод трубалари, қубба-қубба бўлиб турган чала бинолар, янги ёпилган тупука томлар устида ялтираётганини томоша қиларди. Бирдан Комилжоннинг жаҳл билан гапираётганини эшитиб, кўчанинг нариги юзига ўтди. У ерга каттакон мактаб тушаётган эди. Ана шу мактаб синфларининг деразалари ўрнини чапдан эмас, ўнгдан қура бошлашибди. Синфга ёруғлик, одатда, ўқувчиларнинг чап томонидан тушиб туриши керак. Шунинг учун бош инженер усталарга дакки берар, дераза ўринларини алмаштиришга буйруқ қиларди.

Манзура инженерликнинг масъулиятини яна бир қара ҳис қилди. Қизни кўриши билан Комилжоннинг ҳозиргина буришиб турган чеҳраси ёришиб кетди. У, Манзурани томи ёпилиб бўлмаган баланд иморат тепасига олиб чиқди.

— Бу ердан ҳамма ёқ яққол кўринади,— деди у, йироқ, йироқларга қулоч ёйган қурилиш манзарасини кўрсатиб.— Ҳў, анави минорали кран турган ерга тўртинчи домна... Ундан беридаги оқ ғиштдан тушаётган шинам иморатни кўряпсизми? Кинотеатр... Энди чап томонга қаранг, анави узун иморат химия комбинати бўлади. Яқингинада бу ерлар қақроқ чўл эди. Мана энди ҳусни очияпти. Қалай?

— Жуда ажойиб!..— деди Манзура атрофга ҳавас билан тикиларкан,— бундай катта қурилишни биринчи

кўришим... Айтмоқчи, сизнинг бир янгиллик устида ишлаётганингизни эшитган эдик...

— Ҳа, бу ҳали шунчаки ғоя.. Эрта-индин муҳокама-си бўлиб қолар.

Қиз шу «ғоя»ни кўпроқ билишга қизиқди.

Комилжон ғишт заводининг инженерлари билан бир-галикда оҳак аралашмаси қўшилган саз тупроқдан бетон тайёрлаш устида бош қотираётган экан. Ҳар бири уч ярим квадратли, ҳеч қандай арматура, цемент қўшмасдан тайёрланадиган бу бетон жуда арзонга тушармиш. Қиз буни эшитиб ҳайрон қолди. Ахир цемент қурилишнинг нони-ку? Наҳотки, шу материалсиз бетон тайёрлаб, уй қуриб бўлса...

— Самарқандни бунёд қилган ота-боболаримиз цемент нималигини билишмаган,— тушунтира бошладди Комилжон,— у маҳаллар фақат саз тупроқ, оҳак ва ганч ишлатилган. Кўриб турибсизки, шу кўркем шаҳар, улкан бинолар ҳамон мағрур қад кўтариб турибди. Қимматли дейсиз, яна қанча юз йиллар шундай тураркин! Демак, саз тупроқ билан оҳакда ҳикмат кўп. Ўзбекистонимиз эса саз тупроқ билан оҳакнинг қони.

Манзура ўйланиб турди-да, кейин яна савол берди:

— Кечирасиз, бундай бетон оғир бўлса керак, бизнинг шароитимиздаги қурилишларга тўғри келармикин?

Бош инженер мамнун қолди.

— Бу бетон темир-бетондан ҳам енгил бўлади, чунки саз тупроқ билан бирга оҳак эритилгандан кейин қоллишга солишдан олдин ёғоч қипиғи қўшиб юборамиз. Қипиқ куйиб кетгач, бетон ичида ғоваклар ҳосил бўлади. Яхши биласизки, ғовакли бетон енгил бўлади, шундай эмасми?

У қизни ўз жавоблари билан қондирганини сезиб қувонди. Сўнг беихтиёр унинг қўлларини ўз қафтлари орасига олди-да, шодлик ўйнаб турган кўзларига тикилди.

— Бу ҳам ажойиб-а?— сўради ва яна давом этди.— Агар бу «ғоя» амалга ошадиган бўлса, бир-икки йилда зўрға битадиган кўп қаватли уйларимиз икки ойга қолмай тайёр бўлаверади. Буни сиз билан биз амалда кўрсатишимиз керак, Манзураҳон! Шунинг учун сиз билан бизнинг жойимиз миинистрликда эмас, мана шу қайноқ қозон ичида. Йложи бўлса — қолинг, биз билан шу қозонда қайнаб кўринг. Фан ва техника ҳам худди шу ерда, ахир!

— Билмадим...— деди қиз ва нийманибгина унинг

кафтлари ичидан қўлларики суғурди.— Менга бу ер жуда ёқади, аммо Шавкат...

— Яна Шавкат... Бир нафас Шавкатни ўйламай туrolмайсиэми, дейман!

— Мен борай, учинчи участкада Дилбарлар билан учрашмоқчи эдик. Кутиб қолишади.

— Қизиқ,— кулди йигит, сўнг ҳазил билан деди:— мен умр бўйи кутяпман-ку, сизни... Тўхтанг, жиддий гаплашайлик. Мумкинми, битта савол берсам...

— Майли...

— Кечирасиз, қўпол бўлса ҳам сўрайин... Сизга... Шавкат жуда ёқадими?.. Яъни очиқроқ айтсам, уни севасизми?

Манзура кулди.

— Кулманг, бунинг ҳеч куладиган ери йўқ, Манзураҳон.

— Ғалати савол бердингиз! Буни сизга ҳеч қизиги йўқ-ку?

Комилининг овози хиёл титради. Ердан кўзини узмай қолган қизнинг чиройи яна ҳам очилиб кетгандай бўлди.

— Утнинг сўрайман,— деди у,— айтнинг, мен учун бунинг аҳамияти бор...

— Қўйинг, Комилжон ака... Қистаманг мени, «ҳа» дейишга мажбур қилманг.

— «Ҳа» дейишга? Йўқ, сиз «ҳа» деёлмайсиз, чунки уни севмайсиз.

Қиз ҳаяжонини зўрға босиб, хириллаган овоз билан:

— Нима учун?— дея сўради.

— Шунинг учунки...— деди-ю, Комилжон тескарни ўгирилиб олди.

Қиз югурганича пастга тушиб кетди.

Шу кундан бошлаб Манзурага атрофдаги муҳит ҳам азиз, ҳам қўрқинчли бўлиб қолди. Азизлиги шундаки, бу ердаги муҳит анча шавқли-завқли, Шавкат атрофидаги муҳитга қараганда минг бор қизиқ ва фазилатли эди. Шунинг учун ўзини бу ерга кўникиб қолаётгандай сезар, шу соҳилдан узоқлашишни кўзи қиймас, иложи бўлса шу ерда қолгиси келарди. Ваҳимали бўлишига сабаб эса: у ўз юрагига ўзи тушуполмай қолди. Комилжон кўриниш бериши билан тинчини йўқотар, ичида ҳам ҳаяжонли, ҳам чўчинқирашга ўхшаш ҳислар тўлқинланар, бундай пайтларда шу муҳит оғир юк каби кўкрагини эзаётгандай бўларди. «Севиб қолдимми?—деб ўйларди у.— Йўқ, йўқ, бу мумкин эмас, ўзингни тут Манзура», дея ўзига буйруқ ҳам берарди яна. Ахир уни ҳамма

Шавкатнинг жуфти деб билмасмиди? Яхшими, ёмонми, шу кунгача умрбод у билан бирга бўлиш мақсади бор эди-ку?

Манзура Комилжонга камроқ кўринишга, илож топса, ундан ўзини олиб қочишга урниб қолди. Ҳатто бир куни ҳеч кимга билдирмай юм-юм йиғлаб ҳам олди. Кейин тезроқ йўлга отланишга Дилбарни қистай бошлади.

Кетишга тараддудландилар. Буни эшитган Комилжоннинг дили худди азиз нарсасидан айрилиб қолаётгандай ачинарди. Аксига олиб, меҳмонлар унинг кашфиёти муҳокама қилинадиган кунга билет олишибди.

Ўша кеча у асло кўз юммади, йигитлар айвонда, қизлар ичкарида — уйда ётардилар.

Тун илиқ ва сокин. Комилжон кўкка тикилганича ётар, фикри хаёлида ўша қизнинг сурати. Бирдан юрагида алланарса лов этиб ёнди-ю, бутун борлигини ларзага солди. Ортиқ ётолмади. Ўрнидан сакраб туриб, тўғри уй томон борди. Дераза очик эди. Қиз уйғоқмикин? Дилбар ҳам уйғоқ бўлса-я... Ортига қайтди. Тўхтади. Яна дераза ёнига келди. Оҳистагина ойнани чертди. Худди шуни кутиб тургандай «ким?» деган шивирлаш эшитилди. Юраги дукиллаб кетди. Чунки бу Манзуранинг овози эди. Демак, у уйғоқ. Ахир йигитнинг қалбини чангаллаган нарса наҳотки қизнинг юрагига тегмаган бўлса...

— Сизга гапим бор,— деёлди зўрға.

— Қўйинг, ҳозир бемаҳал-ку...

— Йўқ деманг, сўнгги илтимосимни қайтарманг, ўтинаман!

Бир нафасдан кейин улар кимсасиз, жимжит кўчада ёнма-ён боришарди. Иккови кўкда пайдо бўлган булут чарақ-чарақ юлдузлар юзини қоплаётганини, шамол ёш дарахтлар шохини, қизнинг этагини тортқилаётганини ҳам сезмасдилар.

— Қаёққа?— сўради Манзура.

Буни йигитнинг ўзи ҳам билмас эди.

Улар тўхташди.

— Шундай қилиб, эртага кетасизми?

— Ҳа,— деди қиз бўғиқ овоз билан.

— Менинг шунча илтимосимга қарамай-а?

— Комилжон ака, сизга қоламан деб ваъда берганим йўқ-ку?!

— Ахир... сиз ҳозир кетсангиз... Мен сизни қайтиб кўролмайман.

— Балки...

— Нахот, дўстингизни хафа қилиб кетсангиз! Биз дўстмиз-а, шундайми?

— Йўқ,— деди қиз кескин.

— Нега?

— Қайдам... Комилжон ака, мен гапиролмайдиган нарсани гапиришга мажбур қилманг. Қўйинг, уйга қайтайлик. Дилбар билан Шавкат уйғониб қолишса, нима деб ўйлашади?

Комилжон энди жўшиб ва тошиб гапирди:

— Тўхтанг, нима деб ўйлашса, менга бари бир. Лекин шунн билиб қўйингки, мен сизни севаман. Ҳа, севаман! Сизсиз яшай олмайман, тушунсангиз-чи, Манзура!

— Йўқ, йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас. Қўйинг, бу гапни сиз айтмадингиз, мен эшитмадим.

У кафтлари билан юзларини тўсиб олди. Юзлари олов бўлиб ёнар, кўзларига муздек ёш келган эди. Узоқ туролмади. Йигитни кўчада қолдириб, югурганича уйга кетди. Бироқ ҳовлига кириши билан рўпарасидан бир соя келиб чиқди. Қиз уни кўрди-ю, чўчиб орқага четланди. Кимдир уни ғазаб билан кутиб тургандай эди.

— Кимсиз?

— Қизиқмисиз? Танимадингизми?

— Шавкат!

— Ҳа, Шавкат!— деди у ва кўзларини қизга қадади.— Қани марҳамат қилиб айтинг-чи, бу нима қилиқ? Сизда шарм-ҳаё борми ўзи?!

Манзуранинг ғазаби қайнаб кетди.

— Менга бақирманг, мен ҳали сизнинг хотинингиз эмасман, тушундингизми?!

У чопганича уйга кирди-ю, қоронғиликда ғойиб бўлди. Дилбар ҳам уйғониб кетиб, ухлолмай ўтирган экан.

— Сенмисан, Манзура, қўрқитиб юбординг-а! Ярим кечада қаёқда юрибсан? Жинни-пинни бўлдингми?

Манзура беихтиёр ўзини тутолмади-да, ўшқириб юборди:

— Мени тинч қўйсаларинг-чи ҳамманг!

Қаравотга ташланди-ю, ёстиқ билан юзини яшириб йиғлайверди.

— Манзура, азизим... Кечир... Нима бўлди-а?— ўзи ҳам хўрлиги келиб йиғлаб юборди.

— Диля, Дилбар?— унинг қучоғига отилди Манзура,— нимага мени бу ерга бошлаб келдинг?

— Нима гап ўта қолди? Тушунтирсанг-чи, жинни-вой. Бир нима бўлдимми?

— Ҳа, севаман, деди.

— Акамми? Вой шўрим!— деди-ю, Дилбар оғзини қафти билан беркитиб пичирлади:— Севаман деб роп-па-ростини айтди-қўйдими-а? Шу акамдан ҳам баъзида ихлосим қайтиб кетади-да. Наҳотки, бировнинг бахтига тажовуз қилса?..

Манзура кўз ёшларини артаркан, ажабланиб сўради:

— Нима деясан?

— Ахир сен Шавкатникисан-ку?

— Йўқ! Доим ёдингда бўлсинки, Диля, мен ҳеч кимнинг шахсий мулки эмасман, ҳеч қачон...

...Эрталаб Комилжоннинг трестга чақиртиришди. Бошлиқ кабинетидаги стол атрофида инженерлар, прораблар, участка бошлиқлари ўтиришарди. Цех бошлиғи «Комилжон раҳбарлигидаги янгиликнинг муваффақияти совет фани ва техникасининг ривожланишига қўшилган катта ҳиссадир», деб сўз бошлади. Комилжон унинг сўзини берилиб тинглаётган бир пайтда, бошлиқ секретари кириб, олдига қоғоз қўйиб кетди. Комилжон қоғозни ошиқмай, бамайлихотир очиб ўқиди: «Ака, хайр кўришгунча! Биз кетдик. Соғ-саломат бўлинг. Сизга муваффақият тилаймиз!» деб Дилбарнинг қўли билан ёзилган шу жумлаларини яна қайта ўқиб чиқди. Ўқиди-ю, бошқа гаплар ҳам бормикин, деган умид билан қоғозининг орқа-олдини шошиб текширди. Бошқа гап йўқ. Соатига қаради. Тошкент поездининг кетишига яна эллик минут бор. Хаёли қочди. Машина ҳам сўрашмади, вокзалгача нимада кетишдийкин, дея ташвишланди. Яна Манзуранинг сурати гавдаланди.

Манзура эса бу вақт ҳамроҳлари билан йўловчи машинада кетарди. Станциягача ярим соатча йўл бошишди.

Машинадан тушишлари билан Манзура индамай бориб поезд кутувчилар учун қўйилган скамейкаларнинг бирига ўтириб олди. Унинг ёнига Дилбар билан Шавкат ҳам келди. Ҳеч ким ҳеч ким билан гаплашмас, қовоқлари солиқ эди. Манзура ўртоқларига ярим ўтирилган ҳолда скамейка суянчиғига қўлини, қўли устига иягини тираганча, ҳозиргина келишган йўл томонга тикилиб ўтирарди. Вокзалга поезд келиб тўхтади ҳамки, Манзура турмади. Дилбар бир-икки марта қистади.

— Сабр қил, ҳозирдан тикилишиб нима қиласан?— жавоб берди Манзура.

Дамлар ўтиб бормоқда. Шавкат ҳам безовталаниб

қолди, аммо ортиқча гапиролмас, кечасидаги можародан кейин туини тескари кийиб олган эди.

Поезд жунашига қўнғироқ чалинди. Дилбар сакраб турди:

— Нимани кутиб ўтирибмиз, ахир? Турсанг-чи, поезд кетиб қолади.

Манзура аста бошини кўтариб, унга жиддий тикилди. Бундан ажабланган Дилбар шошиб сўради:

— Нимага бунақа қарайсан, ақлингни едингми?

Орага яна жимлик чўкди. Паровоз борлиқни ларзага солгудай овоз билан чўнқирди. Ҳуштак чалинди. Дилбар жаҳлига чидолмай жеркиб берди:

— Манзура, ўлай агар, жинни бўлганга ўхшайсан!

Шавкат ҳам ўзини тутиб туролмади:

— Манзураҳон, поезд жунапти, қизиқмисиз?

— Ҳўп, қани тезроқ юринглар, кетдик!— деди ниҳоят Манзура.

Шавкат билан Дилбар унинг қўлидан тортганларича аста силжий бошлаган поезд томон югурдилар.

Шундан бир печа минут илгари трест бошлиғи кабинетидаги музокара якуланиб қолган эди. Кимдир бу янгиликни таъкид қилди. Кимдир мақтади. Ҳатто табриклади ҳам. Ўзаро тортишувлар қизиди. Комилжон ҳамманинг фикрини ён дафтарига ёзиб олар экан, ҳар замонда диққати тарқаб, фикри чувалашарди. У соати-га тез-тез қарар, бетоқатланар, ўзини худди игна учида ўтиргандай сезарди.

Ниҳоят, охирги сўз унга берилди. У кўп гапирмади. Ҳаммага ташаккур билдириб, музокарада маълум бўлишича, бу ишда ҳали айрим нуқсонлар борлигига иқроор бўлди. Унинг устида яна жиддий ишлаш керак эканлигини айтди-да, мажлис аҳлидан кечирим сўраб, кўчага отилди.

Эшик олдида «газик» турарди.

— Вокзалга ҳайда!— деди ўтириб улгурмасданоқ.

Машина аввал ўнқир-чўнқир йўллардан юриб, кейин текис асфальтли кўчага чиққач, шофёр тезликни оширди. Энди қушдай учиб борардилар. Узоқдан паровознинг гудогни эшитилди. Комилжоннинг сабри чидамади:

— Тезроқ ҳайдасанг-чи!

Лекин шофёр ҳам бўш келмай жеркиб берди:

— Ортиқ тезлатолмайман. Нима, бу самолётми сизга?

Комилжон вокзалга етиб келганда поезд кетиб қолган эди. Атрофда станция ходимларидан бошқа ҳеч ким

кўринмади. Темир йўл ўртасига тушди-ю, бора-бора гургурт қутисидай бўлиб, чўл қўйнига кириб кетаётган поезд орқасидан ўксинибгина қараб қолди. Оёқларигача бушашди. Сўнг руҳи ниҳоятда тушган ҳолда орқасига қайтди. Қайтди-ю, яна бирдан тўхтаб қолди. Оз бўлма-са шодликдан қичқириб юборай деди. Ахир сал наридаги газ суви сотадиган дўкон ёнида ёлғиз Манзура турарди-да!

Қомилжон яқинлашди. Қиз чап қўлини унга узатди. Позик ва чиройли бу қўл яна дағал кафтлар орасига олинди. Бахтиёр кўзлар бир-бирига мулойим боқди.

УЧ ДОНА ҚИЗИЛ ГУЛ

Аста силкиниб турган жийда япроқлари орасида бир ёш чехра кўринди. Элдор таққа тўхтаб, анҳор бўйидаги шу жийдазорга қараб турди-да, кейин қадамини тезлатди. Йигит қизни, қиз йигитни таниди. Бундан бир ҳафта бурун ҳам улар худди шу ерда учрашган эдилар. Бир ҳафта бурун? Йўқ, дарвоқе, у ҳам биринчи учрашувлари эмас эди. Энг дастлабки учрашувларига икки ҳафта бўлди чамаси.

Уша куни Элдор сут фермасининг ҳисоботини оламан деб идорага борди-ю, ишга кеч қолди. Ҳар сафар ҳаммадан олдин молхонага кирар, сигирлар учун тайёрланган емни кўздан кечирар эди. Агар сут соғувчи қизлардан бири югуриб келиб, унинг йўлини тўсмаганда, балки буғун ҳам худди шундай қилган бўларди. Қизнинг ҳовлиқиши, бир нарсадан қаттиқ чўчигандай ранги оппоқ оқариб кетгани Элдорни шошириб қўйди. Бир фалокат юз берганга ўхшайди.

Молхона эшигини очиши билан сигирни ўраб олган қизлар «гурр» этиб туришди-да, зоотехникка йўл беришди.

Сигирлардан бири ўрнидан туролмай, узала тушиб ётар, ҳадеб пишқирар, кўмак сўрагандай, тез-тез бошини кўтариб, атрофдагиларга термиларди.

Элдор обдан уни кузатди, баданларини, пешонасини силаб кўрди.

— Тезда фельдшер чақириш керак, — деди-да, сапчиб ўрнидан туриб кўчага югурди. У шу югурганича уч километрча лой кечиби, район марказига етиб келди. Ҳаллослаганича, фельдшер билан яна изига қайтди.

Фельдшер узун сочлари майда қилиб ўрилган, кулча юз, ёшгина қиз экан. У анча тажрибали докторлардай ишга киришди. Ниҳоят, тушга қолмай сигир эсон-омон туғди. Ҳамманинг чехраси ёришиб кетди. Айниқса Элдор фельдшер ёрдамидан ҳаддан зиёд миннатдор эди.

— Бу яхшилигингизни унутмаймиз. Кечирасиз, ис-

мингизни билмайман,— деди унинг қўлини сиқиб Элдор.

— Райҳон!

— Райҳон. Майлими, кузатиб қўйсам?

Кечаси билан ёмғир ёғиб сув ҳали ерга сингиб кетмаган, бепоён дала юзида халқоблар йилтиллаб, машина ва аравалар юравериб, абжағи чиқиб кетган йўлда кўлмаклар йиғилиб қолган эди. Улар селгигандир деб суқмоқдан юришди. Лой сачрамаслик учун авайлаб қадам босишар, қиз тийганиб кетай деганда Элдор уни ушлаб қоларди. Бирдан олдиларидан катта халқоб чиқди. Қиз қандай ўтади? Атроф ботқоқ. Элдор дарров чора топди. Қизни даст кўтарди-да, этиги билан сув кечиб кетди. Қиз нйманиб, ундан ўзини торгди ва қўлидан чиқиб кетишга уринди. Йигит бўш келмади. Сувдан ўтишгандан кейин ҳам лой кечиб кетаверди. Лекин Райҳон эпчиллик билан бир силкиниб тушди-да, бармоғи билан йигитга таҳдид қилди:

— Сизни қаранг-а, ёмон экансиз-ку!

Элдор кулди:

— Кечирасиз. — Сўнг қараб туриб, «ажойиб қиз экан» деб қўйди ичида.

Ёмғирдан кейинги ҳаво мусаффо ва оромбахш бўлади. Айниқса дала жойининг осмони кенг эмасми, бундай пайтларда унинг гирди шишадай тоза тортиб, ранги тиниқлашиб кетади. Чанг-ғуборлардан тозаланган ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олгинг келади. Райҳон атрофга суқлашиб тикилди. Бир нафас бўлса ҳам ҳув анави анҳор бўйидаги жийдазорда айлангиси келди. Уша ерга боришди.

— Ажойиб жойларимиз бор-а? — деди қиз олис яйлов этагида ингичка тасмадай чўзилган дарёга кўз ташлаб.

— Вақтингиз бўлса, бундан ҳам чиройли жойларни кўрсатардим.

— Менга шу ер ҳам жуда ёқади. Аммо кетишим керак. Бугун ишим кўп. — Райҳон унга қўл узатди. — Эртага келаман.

Элдор севиниб кетди.

— Келасизми? Бўпти. Албатта келинг. Шунақа жойларга чиқиб айланиб юришга нима етсин! Ваъда — ваъда-я?

Қиз кулиб хайрлашди. Элдор уйига хурсанд қайтди. Лекин остонадан ҳатлаши билан кўнгли хиралашди. Уйда ҳеч ким йўқ. Столда: «Мен мажлисга кетдим, овқатингиз ошхонада», деган ёзув ётибди. Ҳовлида кир ёйиқлик.

Гарлеробда дурустроқ кўйлаги колмабди: ҳаммаси юви-
либди. Дилбар қачон келади-ю, кирларни қачон дазмол-
лайди. Эртага шунга бирон нарса кийиб бориши керак-ку,
ахир. Тагин Райҳон билан учрашмайдиган бўлса ҳам
майли эди.

Унинг томоғидан овқат ўтмади. Хонада у ёқдан-бу ёқ-
қа юрди. Кийим-пийими билан диванга чўзилди. Кўзла-
рини юмиб, ухламоқчи бўлди. Унинг хаёлини бояги қиз-
нинг қиёфаси яна ўзига тортди. «Ажойиб қиз экан», дея
шивирлади яна. Қизнинг сигирга ачиниш, уни силаётгани,
катта-катта кўзларини ўйнатиш, очиқ чеҳра билан қара-
ши, тоғдан оқиб тушаётган ирмоқдай майин товуши эши-
тилиб тургандай. Айниқса, халқобдан ўтказиб кўйгандан
кейин: «ёмон экансиз-ку», дегандаги ишваси назаридан
нари кетмасди. Унинг хаёли шунчалик гўзал ва ёқимли
эдики, гўё у бир қўш бўлиб ҳозиргина раижиған дилини
равшан ёритиб юборди. Бироқ бу ширин хаёл Дилбар ке-
лиши билан бўлиниб кетди. Хотини доим бир қўшиқни
хиргойи қилиб юрар: уйда овқатга уринаркан, дазмол ва
бошқа ишлар билан шугулланаркан, шу қўшиқ димоғи-
дан тушмас, димоғидан тушса ҳам бутун қалби куйлаб
турарди. Ҳозир ҳам шу қўшиқ у билан бирга уйга кириб
келди. Бироқ, тажаанглини тутиб кетган Элдорга хиргойи
ёқмади шекилли, инжиқлик билан деди:

— Студентликда теккан касал ҳеч тузалмас экан-да?
Қачон қарасанг: «Мендек куйган бу Мажнун шунча йил,
шунча ойлар...»

— Адашдингиз, — деди Дилбар унинг сўзини бўлиб,
сўнг куйлаб кўрсатди:— «Мендек куйганми Мажнун
шунча йил, шунча ойлар...» деб айтилади.

— Ҳа, мен нима дедим?

— Сиз «мендек куйган бу Мажнун» дедингиз.

— Майли, адашганинг айби йўқ...

— Нима бало, юрагингизга қил сиғмай қолибди?

— Шу ашулани ўша пайтда ҳам айтар эдингиз. Янги-
роқ қўшиқ қуриб кетганми?

Дилбар кулиб юборди:

— Ашулачи бўл десангиз, жоним билан: мактабимиз-
да хор тугараги ташкил қилинди, ёзилайми?

— Ҳа, шу етмай турувди... Шундоқ ҳам бир кун маж-
лисим бор деб кетасиз, бир кун педсовет... Хотин деган
кўпроқ уйда ўтиргувчи эди...

Дилбар ҳеч қачон эрининг бунчалик тажаанг бўлгани-
ни кўрган эмас. Шунинг учун унинг бу ҳолати қандайдир
кулгили туюлди. Элдор кулгидан бошқача хулоса чиқара

бошлади: «Мен нима ғамда-ю, бу фақат қиқирлашини қўймайди. Ё орқамдан пойлаб юриб, бугунги воқеадан хабар топдимикан? Йўғ-э? Бўлмаса нега кулади? Ёришиб ёққан ҳаводан қўрқ, деганлар...»

— Нима қилай, ишдан бўшайми? Шундай демоқчиси-мисиз? — сўради Дилбар ўсмоқчилаб.

Элдор ялт этиб унинг кўзига боқди-ю, нима дейишини билмай ғулдиради:

— Ие... сиз... ҳали, сиз... мени қолоқликда ҳам айб-ларсиз? Мен уйга ҳам қараши керак-да ахир, демоқчиман. Қирларингиз у ёқда, кийимлар дазмолланмаган. Ҳамма ёқ бесаранжом.

— Элдор ака, кийимларингизни дазмоллаб қўймаб-ман, айбим шуми? Шунақа зарур бўлиб қолган пайтда ўзингиз дазмоллаб ола қолмайсизми? Қийин эмас-ку, ахир. Оилада ишни фақат хотин киши қилсин дейилма-гандир!

— Ана холос, ҳали дазмол ҳам қилдиради...

— Студентлигингизда бинойидек қилардингиз-ку!

— Унда студент эдим.

— Оббо, яхши ҳам амалдор бўлиб кетмагансиз! — яна кулди хотини. — Менга қолса, сиздан кўмак сўра-масдим. Нима қилай ишлайдиган мактабим узоқ, эрта ке-тиб, кеч қайтапман. Ҳалиги айтганингиздай, ҳар замонда мажлис, педсовет... Ишдан кейин яна югураман. Совхоз-да қурилаётган мактаб ҳам тезроқ бита қолмади. Ай-тишг бўлмаса, илдамроқ қимирлашсин.

Элдор билан Дилбарнинг турмуш қурганларига уч йилча бўлди, холос. Бирга ўқишарди. Элдор новча, сало-батли, хушчақчақ, сал қийиқ кўзлари айёрроқ боқар, Дилбарнинг юзи чўзинчокроқ, қорамтир ва доимо кулиб турар, бу кулиши ўзига бир хусн бағишлаётгандай эди. Хуллас, бора-бора икки ёшнинг кўнгил иплари бир-бири-га боғланди. Ётоқхонада тўй қилишди.

Ўқиш битди. Куёв билан бирга келин ҳам шаҳардан узоқдаги совхозга ишга юборилди. Улар янги тушган ши-нам уйлардан бирига кўчиб киришди. Куёв совхозда, ке-лин мактабда ишлай бошлади. Тўғри, Дилбарнинг мак-таби анчагина узоқ. Лекин нима қилсин? Совхозда мак-таб битгунча аҳвол шу. Аммо шу вақтгача ҳеч қайсиси бундан зорланмаган эди. Фақат бугун...

Элдор айбига иқрор бўлган ёш боладай жим қолди-да, дастурхонга келтириб қўйилган овқатга қўл узатди.

Эртасига дазмолни ўзи қилди. Қийинди. Янги галсту-гини тақди. Деразадан ҳовлига қараган эди, гулзор ўр-

тасидаги бир туп атиргулнинг шохида янгигина гунча лаб очибди. Чиқиб узди. Уни кўкрак чўнтагига солиб, ишга жўнади. Фермага бориб, оқ халатини кийганда ҳам гулни азиз бир нарсдай авайлаб юрди. Сигир-бузоқларни кузатар, тайёрланаётган емларни текширар, камчиликларни кўрсатар ва янги йўл-йўриқлар берар экан, дам-бадам Райҳон келадиган томонга нигоҳ ташлар, сабрсиз кутарди. Бирдан аллақаяёқда момақалдироқ гулдиради-ю, юраги шув этиб кетди. Бахтига кечқурунгача ҳам ёмғирдан дарак бўлмади. Ҳатто олис яйловнинг осмон билан туташган ерида тўқ олов яллиғланиб, эртага ҳам ҳавонинг очиқ бўлишидан дарак берарди.

Элдор Райҳон билан ўша жийдазорда учрашди. Дарров чўнтагидан атиргул олиб узатди.

Райҳон севиниб кетди. Унинг-бежиримгина кулча юзида ҳам, ёқимли қора кўзларида ҳам ажиб бир ўзгариш порладик, бу порлаш Элдорнинг дилини ёритиб юборди. Райҳон айниқса бугун яна ҳам очилиб кетгандай эди.

— Гулингиз учун раҳмат, — деди қиз ҳидлаб туриб, — ўзингиз ўстирган гулданми? Жуда хушбўй-а! Бир ҳидлаб кўринг!

Элдор унинг гул узатган қўлини ушлади. Қиз сесканиб кетди-да, уни аста итарди:

— Уялмайсизми, Элдор ака, — деди ўпкаланиб, — танишганимизга икки кун бўлди-ю... Ўзингизни тутолмайдиган кўринасиз-а? Бундай қилсангиз хафа бўламан. Иккинчи учрашмаймиз.

— Кечиринг.

Элдор бошини эгиб, унга қараёлмай қолди.

Улар анҳор бўйлаб юрдилар. Сувдан салқин шабада эсар, майда тўлқинларнинг қирғоққа чилп-чилп урилиши ёқимли эшитиларди.

— Баҳор яхши-да, — деди Райҳон орага тушган сокинликни бузиб, — қор эриб кетади-ю, ҳамма ёқни рангоранг бўёққа бўяйди-қўяди.

— Ҳа, баҳор гўзал, — деди Элдор унинг фикрини қувватламоқ учун, — аммо ҳамма ҳам бундай манзарадан завқ олишни билавермайди.

— Нега ундай дейсиз? Инсон борки, завқ олади. Санъатни севган ҳар бир одам манзарани ҳам севади. Санъат эса инсонга йўлдеш. Менинг бир дугонам бор. Наманганда ўнингчи синфгача бирга ўқиганмиз. Ҳозир, ҳам шу ерда хизмат қиларкану районга келганимга бир ой бўлибди ҳамки, билмас эканман. Кеча кечқурун учрашиб тоза чақчақлашдик. Жуда ажойиб денг. Ёшлиги-

дан мана шунақа чиройли жойларда айланиб юриш жондили. Бир кунни олиб келаман. Унга сиз билан танишганимни айтдим.

— Нима дедингиз?

Райхон беихтиёр айтиб қўйди-ю, энди нима деб жавоб беришини билмай дудуқланди:

— Ҳеч нарса... Шунчаки, очиқ йигит эканлар, дедим.

— У нима деди?

— Ҳеч нарса... Нима дерди? Келганда таништираман, жуда ақлли. Агар хўп десангиз, шу гулингизни унга тақдим қиламан.

— Гул кимники — тутганники! У сизнинг қўлингизда, билганингизни қилинг.

Суҳбатнинг давоми бахт, тақдир, ҳаётда инсоннинг ўрни, дўстлик ҳақида борди. Элдор учун қиз билан суҳбатлашиш ёқимли туюларди.

Анҳор бўйлари кўркам ва оромбахш. Дарахт шохларига учиб келган қушларнинг наъмаси айниқса гўзал. Сап-сариқ жийда гулларидаги боларилар секин-секин гунгиллашади. Дарёнинг нариги этагидаги уфқда қуёш яллиғи товланади. Табнат чизаётган ажойиб бу суратлар кимни ўзига мафтун қилмайди дейсиз!

Элдор қиз билан тез-тез учрашиб туришга ваъда олди.

Мана, ниҳоят улар яна ўша жийдазорда учрашдилар.

— Жуда соғинтириб қўйдингиз-ку?— деди ҳазил аралаш Элдор.

— Наҳотки? Иш кўпайиб кетиб... Вой, яна гул олиб келдингизми дейман?

Элдор ҳовлисидаги атиргулдан ҳали яхши очилмаган яна бир гунчани узиб келган ва уни узатишга пийманаётган эди. Қиз ўз вақтида далда бериб юборди-да, йигит узата қолди.

— Раҳмат!— деди қиз гулни очиб.— Бугун дугонамни бошлаб келмоқчи эдим. Шунча қистадим, кўнмади. «Эртароқ бориб эримга овқат тайёрлай», деб уйига югурди. Жуда эрини яхши кўрадиган кўринади, қургур.

— Бугун бўлмаса, бошқа кун келар...

— Айтмоқчи, эртага кечқурун кинога келмайсизми? У ҳам келади. Келасиз-а?

Элдор жон деб кўнди. Қизни кузатиб қўяман, деб уйга кеч қайтди. Дилбар ҳар кунгидай қўшиқ айтганича, кутиб олди. Аммо Элдор ўша кунги ўрталарида бўлиб ўтган шунчаки можародан кейин тўнни тескари ки-

йиб юарди. Дилбар эрининг бу ҳолатидан ҳам аччиқланмади.

Элдор мастава ичаркан, хотинининг бошқача қарашини сезиб қолди, эсанкираб овқат томоғига тикилди-ю, қалқиб кетиб, пуркаб юборди. Чунки хотинининг бу қараши унга мазах қилаётгандай туюлди. Шубҳага тушди:

«Нега у илжаяди? Ҳамма гапдан хабардор бўлса-я? «Хотинининг кулгани—сирингни билгани» дейдилар. Йўқ-йўқ! Шунчаки, кулиб туриш унга эски одат шекилли... Бир ғафлат босиб, сирни билдириб қўйсам борми, катта жанжал бўлади-я! Бунақанги фалокатга ҳеч ким йўлиқмасин! Ҳар ҳолда эҳтиёткорлик яхши. Райҳонга хотиним борлигини шипшитиб қўйсам бўлармикин? Йўқ! Ҳозирча, нидамаганим маъқул. Ишнинг пачаваси чиқади, қиз бола эмасми, аразлайди-кетади. Дилбарнинг сезиб қолгани рост бўлса-чи? Нима қилиш керак? Тавба!»

У ярим кечагача ана шундай хаёлларга берилиб ётди. Ўзига ўзи савол берди. Фикрларини тарозида тортиб кўрди. Қайси томони огиру, қайси томони енгил. Яна ўзи жавоб бериб, кўнглини тинчитди.

Эртасига ишдан қайтса, хотини олдинроқ келиб, унинг байрам кунлари княдиган костюмини дазмоллаб қўйибди. Элдор ювинди, кийинди, ўзини гардероб ойнасига солиб кўрди. Ҳаммаси жойида. Шу вақт стол устида турган стаканга кўзи тушди. Ярим стака сувга икки дона қизил гул солинган. Райҳонга тақдим қилиш учун биттасини олиб кетгиси келди, лекин тегмади. Ҳовлидаги атиргул шохиди яна бир гунча очилибди. Чиқиб ўшани узди-ю, район марказига қараб йўл олди.

Кинотеатр олдидаги хиёбонларда ёшлар сайр қилиб юришар, аллақасёқдаги оркестрининг шўх куйига уларнинг жараангли кулгилари жўр бўлаётгандай эди.

Белгиланган жойда Элдор узоқ кутди. Ҳамма ёқдан чироқлар ёниб атрофга тиниқ нур ёйди. Одамлар ичкарига кира бошладилар. Ниҳоят, биринчи қўнгироқ чалингандагина узоқдан шошиб келаётган Райҳоннинг қораси кўринди. Кўринди-ю, Элдорнинг юрагини ағдар-тўнтар қилиб юборди. Оёқлари титраб кетди. Пешонасига муздай тер югурди. Нима учун денг! Райҳон ўзи ёлғиз эмас, синида Дилбар ҳам бор эди. Ўшами? Ҳа, худди ўшанинг ўзи! Энди нима қилди? Қасёқдан ҳам шу кинога келишга пайда бериб қўйган экан! Бир ёққа яширина қолсинми? Майли, бўлганча бўлди!

— Кечирасиз, тоза кутдириб қўйдим-а?— деди унинг орқасидан келган Райҳон. Элдор чўчиб тушгандай бўл-

ди.—Хў, яна гул... қара Дилбар, бизни гул жиннисили-гимизни билиб қолдилар, дейман.

Элдор зўрма-зўраки кулди, лекин бу ноқулай кулги Райҳоннинг самимий кулгисига қўшилиб кетди-ю, сезилмади.

Райҳон нима қилишини билмай турган Элдорнинг қўлидан гулни олди-да, уни бир ҳидлаб, сўнг Дилбарга узатди:

— Таниш, Дилбар, Элдор акам шу киши бўладилар.

Элдор ғулдираб бир нарса демоқчи эди, бироқ унинг оғзидан сўзини илиб кетди:

— Дилбар,—деди у танишиш учун қўл узатиб, сўнг гўё ҳеч нарса билмагандай гапни бошқа ёққа бура қолди:—Қирамизми? Иккинчи қўнғироқ ҳам чалинди чамамда?

Тавба. Райҳон келиб-келиб унинг хотинини бошлаб келадими, бошқа дугонаси йўқ эканми? Бунақалигини ким билибди дейсиз, кеча «дугонам билан таништираман» деганда Элдор унинг кимлигини билиб ола қолмаган экан... Ҳозироқ «бу менинг хотиним» деб орани очик қилиб қўя қолсинми? Яна бир можаро бошланиб кетса-я! Ахир «қинғир иш — қирғин иш» дейдилар-а! Хуллас, бўлар иш бўлди. Энди нафасини ичига ютиб тура-версинчи, охири нима бўларкин.

Элдор кино кўргани эмас, шарманда бўлгани келган экан. Картина бошлангандан кейин ҳам юрагини мушук таталаб ўтирди. У экранда нималар бўлиб, нималар ўтаётганини кўрмас, пешонасини ушлар, худди игнанинг учидан ўтиргандай бетоқатланаркан, дам у ёққа, дам бу ёққа ўзини ташлайвериб, орқада ўтирганлардан дакки ҳам эшитиб олди. Ишқилиб, у кино кўрмади, кино уни кўрди.

Райҳон ҳам безовталаниб қолди, худди бир нарсани сезгандай, таажжубланиб қараб қўйди унга.

Ниҳоят, залда чироқлар ёнди. Ҳамма ўрнидан турди. Элдор бор гапни айтиб, ноқулай ҳолатдан қутилмоқчи эди. Ўчакишгандай, Райҳон ҳеч кимга гап бермай кинодан олган таассуротларини сўзлайверди. У Элдор билан Дилбарни қўлтиқлаганича, уйига бошлади. Дилбар кўнмади. Элдор Дилбарнинг мақсадига тушунди-да, Райҳон билан хайрлаша қолди. Райҳон бир балолар деб ҳазил қилди. Дилбар ўзини кулгидан тутолмасди. Бу кулгининг тагида бирор сир йўқмикин?

Эр-хотин автобусда қайтишди. Бора-боргунча ҳам Элдорнинг юраги жойига тушмади. Дилбар эса, гинг

демади. Ҳозир одамлардан андиша қилаётгандир-да, ҳали уйга борса, тоза адабини берса керак!

Лекин бу гал ҳам янглишган экан. Овқатни иситиб, еб бўлгунча ҳам Дилбар ўша муомаласини бузмади. Ётгандан кейин Элдор ўзини тезда ухлаганга солди. Бугунги кун тинчгина ўтсин, эртага осмон тушиб, ер ёрилиб кетса ҳам Элдор чидашга рози эди.

У яна янглишди. Орадан уч-тўрт кун ўтди, осмон ҳам ўз ўрнида қолди, ер ҳам ёрилгани йўқ. Ҳалиги-ҳалиги аҳвол. Аммо бу кунлар Элдорга жуда қимматга тушди. Илгари биров «хотинимдан қўрқаман» деса, уни масхара қиларди. Мана, энди ўзи ҳар минутда бир фалокат юз бериб қоладигандай чўчиб, қил устида юриб қолди. Дилбарда қиттай ўзгарини пайдо бўлса-чи! Ўша-ўша кулиб туриши, фақат энди қўшиқ айтмайди, холос. Бу сукунат яна қанча давом этаркин? Ёки ўтган ишга саловат деб, ҳаммасини ёддан чиқариб юбордимикин? Оҳ, кошкийди! Ҳар ҳолда ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолавермаску-я! Қийғир ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийғи чиқади. Тавба, нега хиргойи қилмай қўйди. Меъдага тегса ҳам ашула айтиб тургани дуруст экан. Бу сокинликнинг маъноси нима! Ахир, бу сўйгандан ҳам баттар-ку!

У Райҳонга кўриниш бермай қўйди. «Яна юрагимга қил сиғмай турган пайтда келиб қолмасин», деб чора излай бошлади. Чора ҳам топди. Тўппа-тўғри унинг уйига борди.

Йигитнинг ўз оёғи билан кириб келганидан қувончини сиғмаган Райҳон олиб-югуриб дастурхон тузай бошлади.

— Овора бўлманг, Райҳон,—деди Элдор паст овозда,—мен сиздан узр сўрагани келдим...

— Узр?—Райҳон ҳеч нарсага тушунолмай, ҳайрон боқди,—мени хафа қилганингиз йўқ-ку?!

— Сизни хафа қилиш гуноҳ. Сиз жула яхши қизсиз!—сўнг ерга қараб туриб пичирлади:—Нима қилай, икки суюк бир кўнгилга сиғмас экан...

Райҳоннинг ранги ўзгарди, қўлидаги ликобчани қўймай қотиб қолди.

— Тушунолмаяпман, Элдор ака,—деди у бир оз бўғилиб.

— Ўша кунги... анҳор бўйидаги сурбетлигим учун кечиринг.

— Ўтган ишга саловат. Шунгами ҳали?

— Йўқ, мен бошқа нарса демоқчи эдим. Тўғри гапни айтган яхши. Буни аввалроқ айтолмаганим учун пушай-

монман. Жуда ёмон аҳволда қолдим. Эшитинг, Райҳон, ҳар дарёининг ўз кемаси бор. Мен ҳам ёлғиз эмасман. Ўйланган одамман. Ёшлик экан. От минган, отасини унутибди, деганларидай, сизга маҳлиё бўлдим, Дилбарни...

— Дилбарни?...—унинг сўзини бўлди қиз.

— Ҳа, кинога борганда таништирган дугонангиз менинг хотиним эди.

Райҳоннинг қўлидаги ликобча ерга тушиб, чилпарчин бўлди.

— Юрагим сезгандай бўлувди-я,— дея шивирлади у,—Дилбар тушмагурнинг билдирмаганини... Бу нима қилгани бўлдийкин?

— Бари бир бир кунмас бир кун содир бўлиши керак эди, кечиринг,— деди Элдор ва югурганича кўчага отилди.

У қайтар экан, яна фикри зикрини Дилбар эгаллади. «Эҳ, Дилбар, Дилбар! Сендан бўлак хотин бўлганда мендан бошқача ўч оларди,—деб ўйларди у.—Дарвоқе, Райҳоннинг нимасига уча қолдим? Бежиримлиги, хушчақчақлигигами? Дилбар ҳам ундан қолишмайди-ку!»

Сал бўлмаса ўз хотинига бағишланган пок қалбини бировнинг қафасига отмоқчи бўлган экан-а? Эҳ, ёшлик! Сени қанчалик беғубор ва кўркамликда таърифлайдилару, аммо шўхликларинг бошингга нималарни солмайдилар баъзан. Не умидлар билан қурнлган ширин шу оилага раҳна солмоқлигинг ҳам мумкин эди-я! Ахир, эр-хотин фақат кўрган спектакллари, ўқиган китоблари ҳақида тотли баҳслар очиб, ажойиб суҳбатлар билан аҳил ва самимий ҳаёт кечиришмасмиди? Райҳоннинг айтгани тўғри, Дилбар санъатни жонидан севади. Буни Элдор биларди. Шунини била туриб, анчадан бери кино ёки театрға ҳам бирга бормаи қўйишганини айтнинг.

Кечқурун кинога билет олиб келиб, Дилбарнинг кўнглини кўтарган бўлди Элдор. У хотинининг чеҳрасида мамнунлик уйғотолса, ўзидан фахрланиб қўярди. Аммо бу сафар ундай бўлмади. Қилаётган ишни қалбакироқ, худди ўз айбини ювиш учун қилинаётганга ўхшади. Нима қилсин, ахир? Бу ноқулай аҳволдан қачон қутиларкин?

У дераза ойнасига пешонасини қўйди. Ҳовли ўртасидаги гулларнинг кўпи очилиб қолибди. Атиргул шохларида ҳам бир неча гунчалар, энди уни узмайди. Бу гуллар ҳаммаси Дилбарники. У гулни севади. Ўтган йили баҳорда гўл кўчатлар ўтқазишаркан, хотинини ҳаммадан ҳам шу атиргул кўчатига севинган эди. Бу йил

эса унинг биринчи ҳосилни Райҳонга тақдим қилди. Дилбар буни сизди, албатта. Лекин индамади. Бирор марта жиндай дакки берай ҳам демайди-я! Ёдидан кўтарилгани ростга ўхшайди! Ростмикин? Бир шама қилиб кўрсинми? Таваккал-да!

— Дилбар!...

Дилбар гардероб олдида кийиниб, ўзини ойнага солаётган эди.

— Дилбар!— деди яна Элдор,— ростини айт, Дилбар, ўша кунлари рашкинг келмадими?

Дилбар қошларини кўтариб, ҳайрон бўлгандай қараб қўйди. Бу қарашда ўзини гўлликка солаётганини сезиш ҳам мумкин эди. Сўнг ҳеч нарсага тушунмаганини билдириш учун елкасини қисди-ю, ўз ишини давом эттираверди.

У сочини ўриб бўлгандан кейингина, шунда ҳам ўзини босиб:

— Йўқ, бизда рашк нима қилсин? Рашк енгил табиатли кишиларда бўлади,— деди.

Элдор ичидан зил кетди. «Ана холос, мени енгил табиат деяпти, ҳа, дўппослайвер, қилмишимга яраша жазо тортай», деди ичида. Лекин Дилбар ортиқ ҳеч нарса гапирмади. Бундан дадилланган Элдор келиб, хотинининг елкасига икки қўлини ташлаганича ойна орқали мулоҳим боқди.

— Сен мени Райҳон билан кўпдан бери учрашаркан, деб ўйлагандирсан? Сўзимга ишон. Биз шунчаки, икки марта учрашдик. Ундан олдин фермадан ярим йўлгача кузатиб қўйган эдим...

— Фақат икки мартами?— сўради хотини, сўнг стол устидаги стаканга қаради.

Стаканда уч дона қизил гул бор эди. Уччаласи ҳам худди янги узилгандай.

Элдор хижолат тортди.

— Адашибман,— иқрор бўлди у,— уч марта...

Дилбар кулиб юборди. Сўнг эрининг юмшоқ елкасига бошини қўйди.

— Майли, адашганнинг айби йўқ...

— ...Қайтиб уйини топса!— деб қўшиб қўйди Элдор хотинининг киноя аралаш бошлаган мақолини тўлдириб.

Дилбар шаҳодат бармоғи билан эрининг пешонасига икки бор маъноли пиқтаб қўйди-да, кулганича чиқиб кетди.

Бир нафасдан кейин ошхонадан хиргойи эшитилди.

Бу гал чегачир ширали, ёқимли туюлди Элдорга у...

БЕОРОМ КУНЛАР

Малика совчиларни остонадан қўймади.

Ҳовли ўртасида серрайиб қолган она қизининг бу қилиғидан довдираб, аламини фақат ичига ютиб турар, уришган, сўккан билан фойда чиқмаслигини билгани учун ғазабини босишга тиришарди.

— Шаддодлигинг қурсин!— дея олди у алам билан,— бу нима кўргилик? Шу ёшга етганимда эл-юртга гап бўлишим қолганмиди...

Кўринишдан мўмин-қобилгина, аммо жағи очилди дегунча лаби лабига тегмай, бутун ҳовлини бошига кўтариб шовқин соладиган онасининг бу сафарги босиқлиги Маликани ажаблантирди. Чунки у ҳозир қаттиқ таъналар остида қолишдан бонқа нарсани кутмаган эди. Ниҳоят, нафаси ичида, индамайгина уйга кириб, катта тошойна олдига борди-да, такаббуруна бир вазиятда қалин қора сочларини тарай бошлади.

— Юзимни ерга қаратдинг-а, гўдаксан-да, гўдаксан!— дея онанинг зорлангани эшитилиб турарди ташқаридан.

Ҳақиқатдан ҳам Малика гўдакдек маъсум қиз.

Доимо бахтиёрлик барқ урган оч мағиз, латиф чеҳрасини, билинар-билинемас сурма тортилган нафис қошлари остидаги икки наргис кўзларини, ҳамма вақт жилва уйнаган лабларини кўрган ҳар қандай йигит унга ошиқ бўлмай иложсиз. Бунини ўзи билса керакки, юриш-туриши ва шаддодлигидан ўзига ҳўп бино қўйганлиги сезилиб турарди. Барча тенгқурлари бола-чақа қилиб кетишганига қарамай, унинг ёши йигирма бешга етибди ҳамки, куёвга чиқишни ўйламайди, одам қўйганларни кўргани кўзи йўқ... Шу юриш-туриши билан эркин ёшликнинг ажойиб нашоасини сураётгандай.

Тўғри, унинг кўпчиликка ёқмайдиган томони ҳам бор. Бу — унинг эркин табиатлилиги бўлиб, ҳар қандай гапни каттами-кичикми одамнинг юзига рўйирост ай-

ди-қўяди. Аммо ишда унга тенг келадигани йўқ. Эртаю кеч тинмайди. У мана шунга мағрур.

Совчиларнинг биринчи келиши эмас эди албатта. Дастлабки икки мартасида Малика ювош туриб берди-ю, аммо учинчисига келганда... Тўғри, қилган ишидан ҳозир ўзи ҳам бир оз ўнғайсиз ҳолга тушяпти. Бу сафар ҳам босиқлик билан муомала қилганда, ер ёрилиб, осмон тушиб кетмасди-ку!

У бир нафасгина хаёлга чўмаркан, онаси кириб ёнида ўтирганини ҳам сезмади.

— Сен билан очиқчасига гаплашмоқчиман, — деди у. — Сендан норозиман, қизим. Бу хулқинг билан мени хўрлаяпсан. Дил оғритганни дўст демайдилар. Шунақа мақолни ҳеч эшитганмисан?

— Ойижон...

— Гапимни бўлмай тур. Илгариги замонда қиздан розилик сўраб ўтирилмасди. Куёв томон ота-онага ёқса бўлди... Минг шукурки, у замонлар ўтиб кетди. Мана, йигит қизни, қиз йигитни ёқтирмагунча...

— Менга у ёқибдими?

— Унинг нимаси ёқмайди сенга? Қарчиғайдай йигит. Қўз олдимизда вояга етган бола, ахир. Бир мақтабда ўқигансанлар. Мактаб берган билим етмагандай, яна Тошкентдай жойга бориб, агрономликка ўқиб келди. Келганига бир йил бўлмай, ёш боши билан шундай катта колхозга раис... Ёмон бўлса эл сайлармиди уни!

Малика онасига тик қаради.

— Менга деса худо бўлиб кетмайдими, оин. Раис бўлдим деб тўғри келган қизга огиз солавераркан-да. Қошки сал келишган бўлса. Бир қовушмаган, бир совуқ, бир беўхшовки! Эгнига кийим кийса — ярашса ўлсин, елкасига тушган костюми худди қозиққа илиб қўйгандай осилиб туради. Мен ўшанинг тенгиманми? Қулочига қараб кетмон чопсин-да! Тенг тенги билан, тезак қони билан.

Она бу сафар ҳам ўзини босиб олди. У жиккаккина, қиррабурун, нозик гавдали, аммо қаддини ҳаддан тетик тутар, жарангдор товуш билан бидиллаб гапирарди.

— Гапингнинг тузи қурсин, қизим! Ғурур — ғурбатга солар, деган нақлнинг маъзини чақсанг яхши бўларди. Намунча ўзингга бино қўймасанг, бахтинг очилгур. Намунча ўз чиройингни пеш қилавермасанг? Қаёқдан чиқди бу гаплар? Шуям жинсингга мос, ёшингга хос андиша бўлди!

Малика яна бошини қуйи солиб жим қолди. Ҳозир гап қайтариш билан онанинг тутунини кўкка совуришлиги, орада қаттиқ можаро бошланиб кетиши уни чўчитдим, индамайгина ташқарига йўл олди. Фақат оstonага етгандагина чимирилиб туриб:

— Нима десангиз, денг, ойижон, бари бир унга тегмайман, — деди.

Малика шу чиқиб кетганича далани айланиб юриб, бир вақтларда қайтди. Қайтди-ю, ўрнига ётиб, ўзини дарров ухлаганга солди. Аммо бақрайганича кўзларини тўқ зангори осмон пештоқидан олмасди. Енгил шабада кезиб, ҳовлидаги садарайҳонларнинг хушбўй ҳидини димоққа урар, аллақаяқдан кимнингдир соф муҳаббат ҳақида эзилиб айтаётган қўшиғини, ёш болаларнинг шовқини-суронини аралаштириб учуриб келарди.

Шу ётишда собиқ раис Раҳмат акани эслади. Донм озода кийиниб, ўзига зеб бериб юрар, хушсурат юзи ва силлиқ таралган сочларидан тортиб, ўрдакбурун гарч-ғурч этигигача — бутун қиёфасида одоб ва андиша намоён эди. Унча-мунча камчиликлар устида бош қотирмас, йигилишларда ҳам ҳадеганда сўзга чиқиб, тўғри келганин «дўппос»лайдиганлардан эмас эди. Шунинг учун унинг ҳурматини ҳаддан зиёд ошириб юборадиганлар ҳам бўлар. Малика эса бунда бирон нуқсон борлигини ҳеч сезмаган эди. Шундай раисни вазифасидан тушириб, кечагина кўча чангитиб юрган болани сайлашди. Нимага? Бунга Малика ҳайрон.

Холдорни бутун қишлоқ Холча деб чақиришга одатланган эди.

Кўримсизгина, сочлари сийрак, кичкиналигида ҳўкиз сузиб олиб, қоқ қаншари ўртасида жароҳат ўрни қолган, чап қулоғининг пастки қисми эса бир энлигина узиб олинган, ўзи тўпори йнгит эди. Ўнг қулоғининг остида бош бармоқнинг ўрнидай қора холи ҳам бор. Малика уни кичкиналигидан ёқтирмас, ҳадеганда нуқсонларини юзига солиб, таъна қилар, баъзан «кесик» деб чақирар, бу ҳам етмагандай ҳамманинг олдида «ҳой Холчаё, ҳой Холча, тоғдаги нордон хом олча», деб қочинини қўймасди. Холдор бу хил камситишларга парво қилмас, гўё шундай бўлиши керакдай ташвиш ҳам тортмас эди. Синфда донм ёнма-ён бир партада ўтиришар, Малика анча-мунча тўполончи, Холдор эса ҳамма вақт ювошгина ўтирарди. Яхши ўқиб, ўқитувчи ўртага ташлаган саволга жавоб бериш учун биринчи

құл кутарар, бу қилиғи Маликаниңғ жиғига баттар тегар, шунинг учун уқитувчиниңғ кўзини шамғалат қилиб туриб, албатта, қулоғидан тортиб қўяр, хуллас, кун бермас эди. Нима ҳам дейсиз, жұшқин дарёдай ўзига сикмай тошаётган қайноқ ёшликниңғ бебош шўхлик-лари ҳар мақомга бошлар экан-да.

Малика ўзининг ана шу қилмишларини бирма-бир кўз олдидан ўтказиб ётиб, эндигина кўзи уйқуга кетиб қолган экан, кўча эшик тақиллади. Уни янги раис чақираётган эмиш, йиғилиш бўлармиш.

«Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалаб кўраверади энди, шундай пайтда йиғилишга бало борми», дея фикринди Малика ва эринибгина турди-да, шошилмасдан кийинди.

Йиғилиш одатдагича идорада бўлса керак, деб Малика ўша ёққа кетаётган эди, бироқ уни айтгани келган йиғит далага бошлади. Ярим кечада далада нима бор?

Уларни дала бошида турган раис Холдор, бригада бошлиғи Давлат полвон ва бир неча звено бошлиқлари кутиб олишди.

— Жамоат жам бўлдимиз? — бу Холдорнинг овози эди, — қани, юринглар бўлмаса.

У ҳаммани эргаштириб пайкал бўйлаб кетди. Борлиқ тун қўйнида тинчгина ором олар, фақат оралиқлардаги сувнинг шарқираши-ю, майин шабадада аста тебранаётган ғўзаларниңғ шитирлашиғина бу соқинликни бузарди.

Полвондек одамниңғ забардаст қиёфаси ҳам тун қоронғисида зўрға кўринар, полвон қоқилиб-туртиниб Холдорга етиб юраман дерди-ю, бироқ етолмай қийналарди.

— Қани? Ҳеч ким кўринмайди-ку? — сўради Холдор.

Гап тунги сувчилар ҳақида бораётганини Малика энди фаҳмлади.

— Қайдан...— ғулдиради полвон.— Остонақул яқингинадаям кетмон кўтариб юрувди...— Давлат полвон нимагадир умри қил устида қолгандай, овози асабий бир ҳолатда эшитилар, кимдандир нажот кутаётгандай, теваракка алангларди.— Ҳов, Остонақул, бормисан? Вой, ноинсоф-ей, қасққа гумдон бўла қолдийкин? Нариги, Ашур чолниңғ звеносига ўтайлик-чи... Мамадалига ишонса бўлади, туну кун тиними йўқ одам-да, бечора...

У ерда ҳам ҳеч ким учрамади.

— Ҳов, Мадали, бормисан? Вой хумпар-ей, ҳозиргина сув очиб юрувди-я. Шу ўртададир, келиб қолар. Гулсуннинг звеносига ўтаверайлик-чи.

Холдор ҳеч эринмай унинг олдига тушиб дала кезишни давом эттирар, бригадирнинг тахмини тўғри чиқавермаганидан мийиғида кулиб қўяр, дам-бадам савол бериб унинг хунобини оширарди. Афсуски, кўнгил учун далада бирорта одам шарпаси кўринмади.

Кутилмаганда полвон севишиб кетди, тили ҳам бийронлашди.

— Бўлар-бўлмасга койийверманг-да, ранс. Ҳаммани ёлғончига чиқариб қўйдингиз-а!

— Нима гап?

— Нима гап бўларди, ана, кўрмаяпсизми, юрибди-ку Тўқсонбой дала кезиб. Ҳа, шунақа одамларимиз кўп, ранс.

Ҳақиқатан ҳам картанинг нариги бошида кимнингдир нозик қиёфаси кўзга чалинди.

— Бормисиз, Тўқсонбой ака, ҳей яшанг-э! Пахта деса, ширин уйқун тарк этиб, даладан кетмайдиган хилдан-да, бу азамат. Э, нимага бир жойда симёғочдай серрайиб турибсиз? Дамингизни чиқарсангиз-чи!

Шу вақт Холдор теваракни ларзага солғудай овози билан қаҳқаҳлаб юборди. Унинг кулгуси аллақайси шохдаги қушларни чўчитди шекилли, қанотларнинг пат-пат қилгани эшитилди.

Полвон ғулдураганича қотиб қолди. Чунки, Тўқсонбой ака деб ҳаллослаганча борган ерида ҳеч ким йўқ, кетмон дастасига кимдир чопонини илиб кетган экан, холос.

Давлат полвон хижолатдан бошини ҳам қилди.

— Энди масала аён. Менинг гапим тўғри чиқди-а, полвон ака? — деди Холдор кулгидан ўзини зўрға тутиб. — Йиғилиш очиқ, бўлмаса. Кимда қандай фикр бор, айта қолинглар. Вақт қисқа.

Ҳамма пайкал бошига ўтириб олди.

Йиғилиш. Тунда дала ўртасида йиғилиш. Бу қанақа тартиб бўлди? Аввалги раис йиғилиш қиладиган бўлса, ҳаммани идорага йиғар, қизил алвон ёпилган столга президиум сайлатар, ўзи эса минбардаги аччиқ чойдан қулт-қулт ютиб сўзлар ва ҳамманинг диққатини ўзига тортиб олар эди. Унинг ҳар бир сўзини секретарь ёзиб борарди. Холдор эса, ана шу расм-русмларга хилоф ҳолда... Жуда антиқа раис бўладиган кўринади бу!

— Ҳеч кимда гап йўқми? Бўлмаса эшитнинг, ғўзала-рингиз чанқаб кетибди, — деди Холдор хуноби ошган ҳолатда. — Сиз бўлсангиз, парвойи палаксиз?..

— Куннинг иссиғини кўрмаяпсизми? — дея унинг сўзини бўлди полвон. — Кечаю кундузи суғорсак ҳам...

— Кечаси суғорганингиз шуми?

Холдор дала ишлари айниқса шу бригадада сусайиб кетгани, айрим звеноларда ҳамон культивация бошланмаганини айтди. Шу гаплари ҳамманинг биқин-биқинидан ўтиб кетди. Аммо у қанчалик куюниб, қўлларини пахса-пахса қилмасин, Маликанинг кўзига бари бир салобатсиз, бесўнақай бўлиб кўринар, аввалги раис сингари бутун гавдаси, салмоқли ҳаракатлари, йўгон овози билан тингловчини ҳаяжонга соладиган даражада эмас эди. Лекин унинг шаънига шуни айтмоқ керакки, сўзларига «яъни масалан», «хўш», «умуман айтганда», «маълумки» ва шунга ўхшаш меъдага теккан иборалар такрорланавермас, ниҳоятда содда ва эркин гапирарди.

У икки-уч кун ичида ҳамма ёқни кезиб чиқибди. Аллақайси звенода тўкиб кетилган ўғитлар сочилиб ётганини, аллақайси картанинг этакларида ғўзалар сийрак ўсаётгани — ҳамма ҳаммасини кўрибди. Худди ана шуларни ачитиб гапирди у.

— Гапнинг пўскалласини айтганда... хўш... — дея Давлат полвон қироат билан гап бошлади-ю, лекин жавоб беролмай, икки марта томоқ қириб олди. Унинг бу одати эски раисдан мерос экалигини шу ердагиларнинг ҳаммасига аён эди. — Хўш... бу ерда гапирган Холчанинг.

— Холдор Ҳошимовичнинг, — дея унинг сўзини тўғрилаб қўйди кимдир.

— Холдор Ҳошимовичнинг ҳамма сўзи ҳақ. Ҳой, ана-ви Майсагулни уйғотиб қўйсаларинг-чи...

Ҳамма гурр этиб кулиб юборди. Ҳозиргина гапга аралашиб ўтирган Майсагул Давлат полвон сўз бошлаган чоғиёқ ёнидаги Сурмахоннинг елкасига суяниб хурак отмоқда эди.

Ҳар доим тили бурро, манман деганни бир чўқишда қочираман, деб гердайиб юрувчи Давлат полвоннинг бирор нарса деёлмай ғулдираб-ғулдираб қўйиши ҳаммани ҳайратда қолдирди. «Холдор Ҳошимовичнинг ҳамма сўзи ҳақ», дейишдан бошқа нарса айтишга ожиз эди. Унинг бу ҳолати қаттиқ қўл муаллим топширган вазифани бажармай келиб, энди бошини ҳам қилиб турган ёш болани эслатарди.

— Бошқа гап йўқми? — деди Холдор ҳаммага бир-

бир тикилиб, — жуда яхши, қарор қабул қиламиз. Ҳозир мана бу бефойда оқиб, зовурга қуйилаётган сувни бир текисда эгатларга таратмағунимизча, даладан кетиш йўқ! Келишдикми? Бўлди. Мажлис ёпиқ!

Ҳамма бирин-кетин ўрнидан туриб, ишга киришиб кета қолди.

Холдор қанчалик ҳақ бўлмасин, бари бир бемаҳалда сдамларни безовта қилиши, яна ўзича ҳукм чиқариб, тунда ишлатиши Маликанинг энсасини қотирди. «Халитдан каромат кўрсатяптилар. Қаттиққўллимни биллаб қўйишсин, демоқчилар-да! Кўрармиз, ҳали попуклари пасайиб қолар. Бузоқнинг югургани сомонхонага-ча...»

Лекин унинг попуги пасаядиган эмас эди. Эртасиданоқ иш бутунлай бошқача тус ола бошлади. Эски тартибларга барҳам берилди. Ҳеч кимнинг ақлига келмаган ўзгаришлар юзага чиқаверди. Баъзан бригада, звено бошлиқларининг ўрнига бошқалар тайинланди. Қутилмаганда собиқ раиснинг ўзи ҳам звено бошлиғи вазифасига ўтишни талаб қилиб қолди. Малика Давлат полвон ўрнига бригада бошлиғи, Давлат полвон эса унга сувчи қилиб тайинланди. Ана шунақа!

Малика бу ўзгаришлардан ганғиб қолди. Нима қилишини, ишни нимадан бошлашини билмас, бирозга мурожаат қилиб, маслаҳат сўрашга эса бўйини ёр бермас эди.

— Ўзингиз бир режа тузиб олинг, аввал,— деди гўё унинг ташвишини сезиб қолгандай Холдор,— шу куннинг вазифасини белгилаб олинг.

Шу куннинг вазифасини белгилаб олиш айтишга осон. Илгари бир звенонинг ташвишини қиларди, вазифалар унга аён, режа тузиш ҳам қийин эмас эди. Энди бутун, бус-бутун бригаданинг иши унинг бошида. Ёш жони билан шунча одамга, шунча пахта майдонига раҳбар бўлишини айтмайсизми. Бордию қўлидан келмасачи, шармандаю шармисор-да. Холдор қурмагурнинг бирор қалтис мақсади йўқмикин-а? Майли, нима бўлса ҳам бўш келмаслик керак. Ўзингни ўтга урсанг ҳам, сувга урсанг ҳам, юзингни шувут қилма, Малика!— дея қатъий талаб қўярди ўзига ўзи.

Беором кунлар бошланди. Маликада на кечаси тиним қолди, на кундузи. Звенодан звенога елиб-югурадди, ҳамма аъзоларини ишга солади. Холдор эса атайин унинг пайига тушгандай, ҳар бир гўзасини тупма-туп

күздан кечиришини қўймайди. Осмондан тушадими, ердан ўсиб чиқадими, билмай қоласиз. Ҳар дамда рупарангизда пайдо бўлиб қолаверади. Яна худди тирноқ ичидан кир қидираётгандай, дам у картадан, дам бу картадан нуқсон топмаса, кўнгли ўрнига тушмаётгандай.

Аллақайси карта ғузаларининг танаси жигарранг тус олиб, шоналарини тўка бошлабди эмиш. Бунинг олдини олиш учун яна суғориш, кегма-кет культивация қилиш керак эмиш. Шу кунлари ҳамма ёқ худди бир қозонга тушиб қайнаётгандай. Қасққа қараманг, югур-югур, чоп-чоп, ҳеч кимда тиним йўқ.

Раҳмат ака бундай эмас эди-ку, у доим «газик» машинада ёки отда юрар, бирор йўл-йўриқ кўрсатадиган бўлса, эгатнинг бошида гапириб-гапириб кетаверарди. Холдор эса унинг бутунлай тескариси. Эғнида офтоб ёб оқара бошлаган костюми, оёғида кўримсизгина ботинка. Пиджагининг олди очик. Бор-йўғи биттагина тугмаси ҳам худди узилиб тушадигандай солиниб турарди. Хуллас, ҳаддан ташқари содда кийинган бу йигит қачон қараманг, ғўза оралаб юргани юрган. Ҳамма нарсаса аралашади, ҳамма нарсадан иллаг топади.

Чеканка маҳали ҳам келиб, бутун ишни бракка чиқариб юборди.

— Бу нима, ғўзанинг учини чимдиб кетиш ҳам чеканка бўлди-ми?— деди.

Сўнг ўзи ишга киришиб, шарт-шурт чеканка қилиб кетаверди. Бошқалар унинг орқасидан эргашдилар. Ҳосилсиз, ёввойи шохлари борки, ҳаммасини юлиб ташлаш керак эмиш. Шундагина ғўзанинг бағри очилиб, танасига шамол тегадиган, қуёш нуруни қониб эмалган бўлармиш. Дори сепиш, ўғит солишга келганда ҳам бирор янгиликни ўртага рўкач қилиб қўймаса, ҳеч иложсиз. Ана шунақа!

— Сизда гапим бор,— дея мурожаат қилиб қоларди ҳеч қутилмаганда олдингиздан чиқиб. Мана ҳозир ҳам шундай қилди.— Буни қаранг, сизнинг ерингиздан топдим,— деди қўлидаги гуллаб қолган бир туп ўтин кўз-кўз қиларкан,— буни чаккангизга тақасизми?

— Йўқ, сизнинг тўйингизга тўёна қилиб бормоқчиман,— деб юборди ҳозиржавобликка ўрганган Малика.

У «тўёна» сўзини бенхтиёр тилга олди-ю, шу заҳоти ёқ ўша совчи келган кунни эслади. Қаранг-а, агар ўшанда рози бўлганда борми, ҳозир мана шу терга пишиб, мазах қилаётгандай истехзоли кулиб, қўлидаги ўтин силкитганича серрайиб турган «инжиқ» йигитга

турмушга чиққан бўларди. Сал бўлмаса оғзи куйиб қоларкан-а, тавба!

— Айбга буюрмайсиз,— деди Холдор,— анавинда кампирлар уйингизга боришган экан... Мен бундан беҳабар қолибман. Қарилик экан-да, мендан бемаслаҳат шундай қилишибди.

Бу гапни билан унинг нима демоқчилигига тушунмаган Малика жимгина қулоқ солиб турди.

— Кечирасиз-да энди...

— Ҳа, ўтди-кетди...— деди қиз кескин, бу гапни давом эттиришни ноқулай сизди шекилли:— хўш, нима қил дейсиз?— деб савол бера қолди.— Буюраверинг, яна культивация қил, дерсиз-да?

Холдор қизнинг усталик қилганини англади-да, кулиб:

— Ҳа, культивация қилиш керак,— дея ўтни гижимлаб бир чеккага ташлади.— Билиб қўйинг, шунақа зараркунандалардан яна бир-иккитасини топсам, жавобгарликка тортишим ҳеч гап эмас.

— Шумғия учун-а?

— Ҳа, шумғия учун. Балки шу шумғия биттагина эмасдир, демоқчиман. Универсаллардан унумли фойдалана олмаяпсиз, нега шундай?

Малика қизариб кетди.

— Нима қилайлик, берган универсалингиз бел оғриги касалига мубтало бўлаверса, биз айбдорми? Бир кунда ўн марта бузилади. Ишимизнинг белига тепяпти, холос! Ана кўринг.

Ҳақиқатан ҳам Малика қўли билан кўрсатган томонда «универсал» таққа тўхтаб турар, механик Гриша эса уни юргизолмай эси кетаётган эди.

— Қани, юринг-чи.

Икковлари орқама-орқа ўша ерга етиб келганларидан, Гриша қора терга ботиб, тракторнинг тагига у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқар, ҳеч айбини тополмай, хуноби ошмоқда эди.

— Нима гап, Григорий?

— Кўрмаяпсизми?— алам билан гапирди механик.— Трактор эмас бу, бир дардисар.

Холдор «универсал»ни сиичиклаб текшира бошлади:

— Бари бир ҳеч нарса қилолмайсиз,— қўл силтади Гриша.— Қўйинг, овора бўлмаг, Холдор Ҳошимович, эртага бошқасини бермасангиз бўлмайди.

— Бошқаси, қачон мени Гришахон олиб кетар эканлар деб қараб турибдимни гаражда,— гўлдиради Холдор

ва анчагина куйманиб юриб, нуқсонларини тузатган бўлди-да, сўнг рулга ўтириб, газ берди.

Машина бир нафас тириллаб тургач, сўнг қаттиқ силкинди-ю, юриб кета қолди. Гриша хайратда оғзини очганича елкасини қисиб қолаверди. Малика ўзини раис олдида ўнғайсиз ҳолга солиб қўйган механизатордан хафа бўлди. Гриша ҳам хижолат чеккандай, бригадирнинг юзига асло қаролмасди Ана шунақа!

Холдор белга урай деб қолган ғўзалар оралаб узоқлашаркан, чаққон ва бир текисдаги ҳаракатлари Маликанинг ҳавасини келтирди. Шунча йил колхозда ишлаб, мана шу ҳунарни ҳам эгаллаб олмагани учун ўзини ўзи койиди.

— Қалай?— деди Холдор катта олқишга сазовор бўлган санъаткордай хурсанд қайтар экан. Унинг ўрнида энди Гриша тракторни ҳайдаб борарди.

— Жуда уста экансиз,— иқрор бўлди қиз.

— Шунақа, қаловини топса қор ёнади, дейдилар.

Ҳа, қаловини топса қор ёнади. Малика ўйланиб қолди. Умрида биринчи бор шундай ўйга толгани бўлса керак.

Унча-мунча одамни назар-писанд қилмай, виқор билан юришга одатланган бу қизни бир нафасгина муддат апча ўзгартириб қўйди. Унинг илгариги дадиллигидан асар ҳам қолмади. Нимагадир йигитнинг кўзига дадил боқолмасди у. Нега шундай? Бунга ўзи ҳам жавоб тополмасди ҳозир. Холдор бўлса, қизга эътибор қилмай, бепарвогина ўз йўлида кетаверди.

Дарёни тўлқинлантириб мағрур сузаётган елкан каби уфқ четига томон «универсал» сузиб борар эди. Анови звено, ундан нариги звено ерларида юрган «универсал» лар устидаги қуёшнинг қизғиш нурларидан кўзлар қамашади. Уша ёққа етиб борган Холдорнинг эса ким биландир қаттиқ-қаттиқ гапиришаётгани ора-сира эшитилиб қолади.

Шу кун ишнинг унумли бўлганиданми ёки Малика тушуниб етмаган бошқа бир сабаб биланми, ишқилиб, кўнгли севинч билан тўлиб-тошаётганини сезиш қийин эмас эди. У ишда чарчаганлигига қарамай, уйига ниҳоятда хурсанд қайтди. У чимтомоқ эди. Аммо бугун онаси қўйган коса тўла маставани пок-покиза туширди-да, кейин тоза мақтади.

Шундай гапириб ўтириб, шийпон устунига суянганича кўзи уйқуга кетганини сезмай қолди. Бир нафасгина мизғишнинг ўзида туш ҳам кўрди. Тушида Холдор билан

қайиқда сайр қилаётган эмиш. Қаёққа қараманг сув... Зангори денгизнинг чеги кўринмайди. Холдор қовоғини солиб, эшкак эшар, қайиқ сув тўлқинларидан чайқалиб кетар, денгиз остида алланималар гулдираб чиқармиш-да, қайиқни ағдариб юборай дермиш. Маликани ваҳима босиб, дам-бадам овозининг борица қичқириб қўярмиш. Яна бирдан кучли гирдоб уларни ўз қаърига ютиб юборармиш.

Энди Малика ўз пахтазорида юрар, бироқ ғуза япроқларига қурт тушиб, ҳаммасини еб ташлаган, фақат қип-яланғоч ғузапоярларгина сўққайиб қолган эмиш. Уша қуртлар бирдан йиртқич аждаҳодай оғизларини кагта очиб Маликага ташланармиш. Малика «дод» деганича Холдорнинг қўйнига отилар, «ёрдам беринг, ёрдам беринг», д-я кичқиришини қўймас эмиш.

— Айб ўзингда,— дермиш Холдор уни юпатмоқчи бўлиб бағрига босар экан.— Мен сенга ўғитни вақтида бериб тургин демабмидим?

— Ёрдам беринг, ёрдам!..

— Малика, Малика,— деган овоз уйғотиб юборди уни,— ўзингни бос, она қизим. Сенга нима бўлди?

Уни бағрига босиб турган Холдор эмас, онаси экан.

— Нима мунча бақирмасанг, қизим? Нима, уйқингда алаҳлайдиган бўлиб қолдинг-а? Бунақа одатинг йўқ эди-ку?

— Сув, сув беринг, онажон,— у нафаси томоғига тикилаётгандай ҳансираар эди,— бирам ёмон туш кўрибманки...

— Яхшиликка буюрсин, онам, яхшиликка!

— Этигим қани?

Малика шошиб отлана бошлади.

— Яна далагами?— она уни маҳкам тутиб қолди.— Йўқ, болам, бир нафас мизғиб, дамнинг олгини. Ўзингни анча олдириб қўйибсан. Тўйиб-тўйиб ухламаганингданда, ҳаммаси. Ишинг ҳам бор бўлсин. Мунча шунчалик берилмасанг унга?

Малика онасининг зўри билан далага чиқмай нонлож қолди-ю, шу кечаси қимир этмай ухлади.

...Файзли тонг. Яқингинадан булбулнинг дардли хониши эшитилади. Аллақаёқдан шабада қанотига элашиб қолган куйнинг мароқли садоси келиб туради. Малика кўксини тўлдириб чуқур нафас олди-да, қулочинин кенг ёйганича мириқиб керишди. Кейин, чой қайнашига ҳам сабр қилмай, боғ оралаб ўтиб дала этакларига етиб келди. Бирдан таққа тўхтади. Шундай пайтда учинчи звено

ерида ғўза оралаб Холдор юргандай бўлди. Яна бир иллат топдимикин-а, деб юраги ичига тортиб кетди унинг. Ушами? Ундан бошқа ким шунчалик эрта кезарди. Йўқ, Малика янглишибди. Бу Давлат полвон экан.

— Намунча саҳарлаб дала кезмасангиз полвон ака?

Собиқ бригадир уни учратиб қоларман, деб ўйламаган экан, бирданига бошқача бўлиб кетди-ю, гулдираб:

— Шунчаки ўзим — деёлди холос. Сўнг бўйнига олди.— Маликаҳон дейман, гапни пўскалласини деганда, энди бу йилги ишга тан берсак бўлади, қизим. Бунга қара, ҳеч қачон ғўзамиз шунақа ҳосил туққанмиди? Ҳар бир тупда олтмиш-етмиштадан кўсак... Отасига балли бу Холчавойнинг. Қандингни ур, ўғил бола!

Маликанинг кўзлари яшнаб кетди. Қадрдон миришкорни қучоқлаб ўпиб-ўпиб олгиси келди. Ахир шунчалик ўжар одамнинг тўппа-тўғри тан бериши қизнинг юрагига бориб теккан эди-да!

— Механизацияда ҳикмат кўп экан, қизим. Биз ҳам юрган эканмиз-да. Ақл ёшда эмас, бошда деганлари ҳақ чиқди.

У ўзи билан ўзи гаплашаётгандай ниҳоятда секин гулдираганича япроқларда қуёшнинг илк нурлари ялтираган дала сатҳига тикилиб анча туриб қолди. Унинг бу қиёфасига қараган киши каттакон айбини оқлаш учун чора излаб эзилаётган бўлса керак, деб ўйлар эди. Қим билади, балки шундайдир.

Аммо Малика ҳозир унинг ҳолатини кўрмас, ўз қувончи билан ўзи овунаётгандай. Давлат полвоннинг гаплари Холдорнинг шаънига айтилгани учун ҳам унга таъсир қилган эди.

— Ишқилиб, кўз тегмасин, бу йил ваъдамизнинг устидан чиқамиз,— деб қўйди қиз.

— Ҳа, оширворсанг ҳам ажаб эмас.

— Лйтганингиз келсин.

Қизнинг хаёлини Холдор банд қилиб олди. Аммо раис шу кунларда аллақандай қурилишлар билан банд бўлиб, далада кам кўринарди. Агар кўринганда, Малика ўз ғўзаларининг бугунги бўлиқлигини гапириб берган, бунинг учун унга ташаккур билдирган бўларди. Маликанинг қалби бахтиёрлик туйғуси билан тўлиб-тошар, Холдорнинг бедараклигини эслаганда эса, дарров маъюсликка бериларди. Ундаги жўшқинлик, шўхлик, шаддодликлар қаёқда қолганига ўзи ҳам ҳайрон. Шу билан бирга шу яшаб турган муҳит ажойиб умидларга тўла, ғўзал ва ажойиб бўлиб бораётгандай туюларди унга. Шундай

пайтларда анави кунги гаплари учун Холдордан уялар, юрагида аллақандай шубҳалар ва чўчинқирашга ўхшаган нарсалар пайдо бўлиб, ўйга толарди. «Хафа қилиб қўйдиммикин, тилим қурсин, гапнинг орқа-олдига қарамай валдирайвераман-да», дея дашном берарди ўзига ўзи.

Кунлар исигандан исиб кетди. Фақат атрофдаги мевазор боғлар ва сувларга тўлиб оқаётган ариқлардангина шамол эсиб, пешаналарини елиб-елпиб ўтарди, холос. Шундай пайтда Малика дала кезиб иккинчи звено ерига яқинлашаркан, баҳор латофатидай ором бағишловчи мулоҳим ва дилрабо садолар унинг томирларидан дардини суғуриб олаётгандай туюлди. Ёшлигидан қадрлов бу садолар иссиқдан ўзини салқинга урган аъзоларининг қўшиғи эди. Ҳа, ушалар. Айниқса, Гулсун дутор чалиб хонниш бошласа борми, бутун қишлоқ бир қулоқ бўлиб тинглайди-да. Ҳозир ҳам дала шийпонига йиғилганлар унинг қўшиғини тинглашар ва беихтиёр жўр бўлиб кетишарди. Ана шунақа.

Завқли меҳнатдан сўнг ҳордиқ чўқаришини яхши библишади-да, улар. Лекин бирданига кимдир Холдорнинг номини тилга олиб қолди-ю, ҳамманинг нафаси ичига тушиб, гурр этиб ўзини гўза ичига урди. Шийпонда Малика билан бирга ҳозиргина булбулдай сайраб турган дутор қолди, холос.

Холдор район марказидан қайтаётган бўлса керак, анчагина ясаниб, пешоналаридан эса марварид тер оқиб турарди. У бу ерда нима ҳодиса юз берганига тушунолмаб, ажабланиб Маликага боқди. У яқинлашган замон Маликанинг кўзига йиғит бутунлай бошқача бўлиб кетгандай, кечаги қиёфасига асло ўхшамагандай кўринди. Эғнида оппоқ шойи кўйлак, тўқ ҳаво ранг шим, оёғида ойнадай ялтироқ гуфли, бу кийимлар бирам ярашганки, уни худди қўғирчоқдай безаб кўрсатарди.

Эсизгина, бир неча кундан берчи Малика игна, ип олиб келадиган бўлган, пайтини топиб унинг пиджагидаги тугмасини қалаб бермоқчи эди-я. Балки мақсадига эртага эришар? Ҳа, эртага, «келинг, тугмангизни қадаб берай», деб мурожаат қилади. Холдор эса унинг илтифотидан миннатдор бўлади-да, кейин ораларида самимий дўстлик тугилади-қўяди.

Қиз ана шу ҳолатни кўз олдига келтираркан, юраги жуда тез уриб кетди.

— Сиздан сўраяпман,— унинг хаёлини бўла қолди Холдор.

Ранс қызга савол бериб жавоб кутаётган экан, Малика буни сезмабди. Шунинг учун бир оз чўчинқираб, рўпарасидаги йигитга қаради-да, тушунтира бошлади:

— Бир нафасгина дам олмоққа йнгилишган эдик... Сизни кўриб, қочиб кетишди.

Холдор кулди.

— Мунча энди, ёв қувлагандай тумтарақайлашмас...

Сўнг ўзи дуторин олиб, аллақандай янги бир қўшиқни айтиб юборди. Ниҳоятда нозик ва жозиба билан кўйлар, дутор билан товушининг ҳамонахонг садоси эса ранг баранг товланиб, жуда бошқача янграрди. Малика эса болаларга хос бир хил эҳтиром билан билан тикилиб турар, теваарак-атрофдаги дугоналари аста-секин йнгилиб, супа атрофини ўраб олганини ҳам сезмасди. Фақат қўнғироқдай товуши бор Гулсун қўшиқчига жўр бўлгандагина ҳамма ёқни одам тутиб кетганини кўрди. Икки юракдан отилиб чиқаётган енгил ва мўлойим қўшиқ ҳаммани ўзига мафтун қилиб қўя қолди. Бутун борлиқни эса бир бешикка солиб аллалаётгандай бўлар, Маликанинг Гулсунга ҳаваси келар ва ўйлар эди: «бу қиз ажойиб-да, чиройи ҳам бинойидай. Тиниқ чеҳраси, кўз қарашлари жон олади. Холдоргаям ёқса керак. Вой, нима бало, ранг қиялманми».

Қўшиқ авжига чиқиб, кишини қаттиқ ҳаяжонга солаётган бир пайтда Малика йигитга қаттиқ тикилиб қолди. Шу тикилишнинг ўзи бир магнит каби Холдорнинг Гулсунга миҳланган нигоҳини секингина тортиб олди-ю, кейин қайта қўйиб юбормади.

У уйга қайтгандан кейин ҳам Холдорнинг шу қиёфаси кўз ўнгидан кетмас, ҳаёли уни ўзи ҳам тушуниб етмаган узоқ-узоқларга олиб қочаверарди. У ўзини кўпдан бери кўзгуга солиб кўрмаган, сочлари тўзғиб, юзлари анча қорая бошлаганини ҳам билмаган эди. Мана ҳозир ҳоҳиш туғилди-ю, ўзини ойнага солиб, чеҳрасида аллақандай сирли табассум жилва қилаётганини, лаблари шу онда алланима гапирмоқчи бўлганини ҳам кўрар ва шу алланима уни ҳаяжонга солаверарди. Ранги Гулсунойнинг қонталашган юзига асло ўхшамай қолибди. Қандай қилса юзи ўшанақа қирмизи бўларкин-а? Сирка ичса, бўлади дейишади. Шунақа қилиб кўрсинми? «Оббо, тентаклик ҳам эви билан-да», кулиб қўйди ўзи.

Она ҳам қизининг бошқача бўлиб қолганидан ҳайратда, аммо нима бўлаётганини сўрашга журъат етолмасди. Ниҳоят, ҳозир муддат етган деб билди шекилли, унинг олдига келиб қўққисдан савол берди:

— Намунча уҳ тортиб қолдинг, қизим?

Уҳ торгган йўқ эди, шекилли. Ана холос, сири ҳам фош бўляпти чоги.

— Шундай, ўзим,— дея жавоб қилди у хомуш бир оҳангда.— Далага чиқай...

— Шундай пайтда-я? Ҳеч ҳаловатинг қолмади-да, болам.

Далада эса ғўзаларга ишлов бериш деярли тугалланиб қолган, аъзолар учун бир оз нафас ростлаш пайти келган эди. Шунга қарамай, Малика нимагадир ҳозир ўша ёққа юргиси келди. Гуё кимдир уни кутиб турар, уни ўз ёнига чақираётгандай бўлаверарди. Шунинг учун бевақт бўлишига қарамай, ихтиёрсиз кийинди-да, сўнг дарахтзор оралаб чопганича кетди.

Далада мусаффо ҳаво ва дилбар кеча ҳукмрон. Ҳар жой-ҳар жойда бодроқдай ёрилиб қолган кўсаклар шапалоқ-шапалоқ япроқлар орасидан оқаришиб мўралар, кўкда юлдузларгина чарақларди. Бошқа шир этган шарпа сезмайсиз. Фақат анчагина дид билан ясаниб олган Маликанинг бир ўзи бошига тушган илк севгининг чинакам азобини чекиб беором тун кезарди, холос.

БИР ҚИЗ ҲИКОЯСИ

Нимадан бошлашни билмай қолдим. Қизиқ, ёзишдан олдин гап кўпга ўхшовди-ку? Энди-чи? Юрагим ҳам бирданига уришдан тўхтаб қолгандай тинч ва сокин. Назаримда, нимадандир жуда мамнунман. Жуда-жуда! Сен билан дастлаб учрашганимда бунчалик бўлишини ҳеч ўйламаган эдим. Ўша учрашувда қўпол муомала қилмабмидим? Оҳ, кошкийди, ҳозир кечирим сўрай олсам.

Дарвоқе, қўшиғингни эшитай. Бугун ҳар сафаргидан ҳам жозибадор ва оромбахш куйламоқдасан. Ҳовлидаги бир туп атиргул ҳам шу қўшиғинг усулига тушиб, аста тебранмоқда, гўё сен уни аллалаётирсану, у беланчакда ётган боланинг алладан лаззат топиб эркаланишларига ўхшайди. Ҳозиргина номингни радподан эълон қилмасдан мен шу гулга сув қуйиб юардим. У менинг эрмагим бўлиб қолган. Уни қанча парвариш қилсам, шунча яшнайди. Худди тирик жондай. Қип-қизил ёноқлари гўё табассум қилаётгандай, япроқлари эса ел билан ўйнашиб, қарсак чалаётгандай, чақ-чақ уриб кулаётгандай бўлаверади. Уни ўша мудҳиш хабар келган кунлар ўтқазган эдим. Ҳа, ўша мудҳиш хабар. Айтмоқчи, у қандай бошланган эди?

Қизиқ, агар уйимизга кутилмаганда Шаҳноза кириб, мени айтиб чиқиб кетмаганда, менинг ҳаётим ҳам тинч оққан дарё каби бир текисда оқаверган бўлармиди. У пайтларда ёш эдик, ёшларга хос ҳаёт кечирардик, ўқирдик, ўйин-кулги қилардик. Мен бошқаларга қараганда ювошроқ эдим. Аммо қалбим доим ҳаяжонга тўла, ҳамма нарсага қизиқаверадиган, ҳамма нарса менда чуқур таассурот қолдираверадиган, ҳар нарсани севиб, ҳар нарсадан завқланаверадиган, хуллас, тинч оқар дарёнинг ости қанчалик жушқин бўлса, менинг ички дунёим ҳам шунчалик эди. Фақат ҳали севги-муҳаббатнинг нималигига ақлим етмас эди, холос. Бироқ тасодифан биргина кун, аниқроғи, биргина оқшом мени бутунлай ўзгартириб юборди.

Шаҳноза Гавҳар деган бир дугонасининг туғилган кунига таклиф қилинган, у эса ёлғиз боргиси келмай,

мени бошлаб кетмоққа кирган экан. Хуллас, биз Гавҳарларникига етиб келган маҳал ҳовли худди тўйхонага айланиб кетгандай: дастурхонлар бежирим қилиб ясалтилган, ҳамманинг лабида кулги, машшоқлар, ашулачилар дам-бадам хониш қилмоқда эдилар. Биз ёш бўлганимиз учун дарров хизматга киришиб кетдик. Хотинхалажлар олдига бориб патнис тузашга, меҳмонлардан кўз-қулоқ бўлиб, нима зарур бўлса, шуни бажо келтиришга тайёр турардик. Шундай пайтда хушрўйгина, сочлари орқаси билан битта қилиб ўрилган қизил атлас кўйлакли жувон менга бир чойнак чой узатди-да:

— Ҳув, анави акангга элтиб бергин, синглим,—деди сўри остидаги чорпояда биз гомонга орқасини ўгириб ўтирган йигитни кўрсатиб.

Мен жувоннинг илтимосини бажону дил бажармоқ учун чой олиб йигит олдига келдим. У «олинг» деган товушини эшитмас эди.

— Чойни олсангиз-чи!—деб юбордим ниҳоят. Шундай дедиму, ўз дадиллигимдан ўзим уялиб кетдим. Юрагимни негадир ваҳима босди. Йигит аста қайрилди-да, хаддан ташқари мулойимлик билан:

— Қўлингиз толдими?—деди. Бу товушда кишини ўзига жалб қиладиган ниҳоятда позик оҳангдорлик бор эдики, у бутун вужудини бир нафас латиф ҳиссиётларга ўраб ташлади. Мен беихтиёр бошимни кўтариб, унга қарадим. Нарироққа бориб, узоқдан яна назар солдим. Яширмайман, ўз ишимни давом эттирарканман, яна ва яна унга қарамасдан иложим йўқ эди. Шуни ҳам айтиб қўйиш керакки, биринчи қарашда унда ҳеч қандай жалб қиладиган ери йўқдай, менинг тасаввуримдаги гузал йигитларга асло ўхшамас, аммо нимаси биландир жуда иссиқ ва жозибадор кўринарди. Бир вақт унга кимдир соз узатди. Ундан бирор куй чалиб беришини таклиф қилдилар. Ҳийла яхши санъати бор экан. Баланд ва паст пардаларда янграган соз торлари қалбларининг чуқур ерига бориб тегар ва унинг торларини ҳам аста чертиб ўтмай иложсиз эди. Мен маҳлиё бўлиб қолибман. У ашула ҳам айтса керак, деб ўйладим. Ахир ёқимли овози бор экан-ку. Аммо қўшиқ айтмайди. Мен армон билан уйга қайтдим. Қайтдим, қулоғимда: «Қўлингиз толдими», дея меҳр билан қараб туриши, сознинг ёқимли оҳанги, аллақандай сирли ҳиссиёт юрагимнинг чуқур ерига ўрнашиб қолаётгандай бўлаверди.

Шаҳноза сўнгги вақтларда менга бошқача тикиладиган бўлиб қолди. Афтидан, ўзгарганга ўхшайман.

— Сенга тушунолмай қолдим,—деди у,—бутунлай ўзгариб кетяпсан.

— Ёмон томонгами?

— Йўқ, жуда очилиб кетгансан: шодлик, қувонч сенга ҳусн бағишляпти. Бир сириг борми? Ёки ошиқми-сан?— ҳаҳолаб кулиб юборди у. Жавоб беролмадим. Чунки бу савол мени довдиратиб қўйган эди. «Ошиқманми?» деб ўйладим ичимда. Лекин Шаҳнозага ҳеч нима демасдим. Бировга сиримни ошкор қилгандан кўра, тилка-пора бўлганим яхшироқ. Ҳа, биз қизларда андиша шунчалик зўрки, баъзан ўзингнинг энг яқин кишингга ҳам кўнглингдагини айтолмай қийналасан. Балки Шаҳноза ранжигандир. Аммо иложим қанча? Орадан анчагина вақт ўтди. Шаҳноза билан яна бирга холи қолдигу, ўша Гавҳарнинг уйида кўрган йигитнинг кимлигини сўрадим.

— У Гавҳарнинг амакиси эди, ҳалок бўлди,— деди у.

— Йўғ-э!

— Ҳа, улар қишлоқда туришарди. Қишлоқ ўртасидан каттакон сой оқар экан. Тошқин сой экан. Сув бўйида ўйлаб юрган болалардан бири худди шу сойда чўмиламан, деб чўкиб кетибди. Яқин-атрофда ҳеч ким йўқ, фақат Рустамгина ашил-тапил ечиниб, ўзини сувга отибди. Болани қутқарибди. Аммо ўзининг боши тошга урилиб, мажақланиб кетган экан...

Шу кун қандай қилиб дарс тинглаганимни тасвирлаб бериш қийин. Бир неча кунгача жуда қайғурдим. Кечалари ухлолмадим. «Қўлингиз толдими» деган икки оғиз сўз қулоғимдан ҳеч кетмасди. Бирдан юрагимда аллақандай кучли, номаълум ҳис жўш уриб қайнар, таниқарига отилиб чиқишга интилар, бундай пайтларда ўзимни босиб олишга ожизлик қилардим.

Кейин аста-аста ўзимни қўлга ола бошладим. Кучли бўрондан сўнг тўлқинлар пасайиб, равон оқа бошлайди. Уча-уча ҳолдан тойган лочин қанотларини аста йиғиштиради. Ички ҳаяжонлардан кейин менда янги умид туғилди. Назаримда, Шаҳноза мени алдаган кўринади. У — тирик. Бунн сезиб турибман. Бора-бора, шу фикр бутун вужудимни эгаллаб олди-да, бағримни кўтарди.

Баҳор чоғи Шаҳноза бир туп ниҳол келтириб берди. Уни яхши ният билан ўтқаздим. Балки бу ўша йигит учун мангу ҳайкал бўлиб қолармикан, деб ўйлардим. Атиргул илк бор гунча очган йили қанчалик севиндим. Чунки менинг қалбимда ҳам худди шундай гунчалар қулф уриб тургандай эди.

Одам бир нарсага астойдил ишонса, ўшага эриша-

ди. Бунн яхши биламан. Чунки «ҳар ҳолда олдинда чироқлар бор-ку», деган эди Короленко. Мен уни кутаман. Чунки, ана шу чироқларнинг борлигига ишонаман.

Ирода инсоннинг борлиги, яшаши, севиши, қувониши ва вафодорлик демакдир! Мен ҳам вафодор бўлишим керак. Шунинг учун уйга келган совчиларни кўргани кўзим йўқ. Онамнинг ялиниб-ёлворишлари, пўписа ва таъналари ҳам асло кор қилмайди. Умид — ўлмас катга бойлик экан. Мен шу бойлигим билан бахтиёрман!

Кеч ётганимга қарамай, тонг ҳали кумушранг сепини ёймасданоқ уйғониб кетдим, бир севишч вужудимни қамраб олди. Кўнглим радиодан янграган қўшиқлардан таскин топа бошлаганини сездим. Бирдан ўша йнги-нинг овози янгради. Ўшами? Ҳа, ўша. «Қўлингиз толдим», дегандаги оҳангдор овознинг худди ўзгинаси. Демак, у ашула ҳам айтса керак, деб янглишмаган эканман-да. Унинг номини айтишди. Ҳа, ўша Рустам бўлса керак.

Агар ҳозир ўзимга сал ихтиёр берсам, кўзларимдан шодлик ёшлари дув-дув тўкилиши турган гап. Шунинг учун ўрнимдан сакраб турдим-да, деразани очиб юбордим. Хонани ёқимли тонг ҳавоси тўлдирди. Ҳар бир нарсага меҳр билан боқдим. Ҳар бир нарсага худди жонли бир одамга муомала қилгандай бошқача назокат ва меҳр билан қарадим. Ҳа, ҳозир ҳамма нарса азиз ва бебаҳо кўринарди менга. Кейин ойимларнинг ёнларига бориб, ўпиб-ўпиб олдим. Беихтиёр кулиб юбордим. Ишқилиб, бахтиёрлигимнинг поёни йўқ. Кейин ўзимдан чўчиб кетдим. Наҳотки, илк муҳаббатнинг изтироблари шунчалик ранг-баранг бўлса! Балки бу билан мен гуноҳини қилаётгандирман. Оҳ, тентак қиз, ўзингни боссангчи, қани сендаги қизларга хос босиқлик!

Радиога эса тез-тез қулоқ соладиган, доим унинг қўшиғини эшитиб қолармиканман деган умид билан соатлаб приёмник олдидан жилмайдиган бўлиб қолдим. Ҳа, мен куй ва қўшиққа бунчалик меҳр қўймаган эдим. Ҳаёт эса мен учун яна кўркам, яна ҳам ширин, яна ҳам оромбахш... Лабларимдан кулги аримайди. Биров билан қилаётган суҳбатим ҳам мароқли, барча ишларим ўзимга ёқар, гўё кенг чаманзор қўйнида баҳор латофатидан баҳра олган чечаклардай яшнайман.

Бировга яхшилик қилгим келади. Лекин кимга, қандай? Бунга ақлим етмайди. Баъзан бирор янгилик яратиб, оламга танилгим, аллақандай олижаноб ишларим билан ҳаммани ҳайратда қолдиргим келади. Лекин бунинг учун аввал ўқиш керак. Ўқиганда ҳам қандай денг? Ҳаммадан голиб бўлиб...

Шу кунларда ўқишни ҳам бошқача севиб қолибман. Чунки уни ёлғиз ўзим учунгина эмас, бошқа биров учун ҳам шундай қилаётгандайман. Бу билан мен завқланаман, лаззатланаман. Муҳаббат кишини ана шундай қилиб қўяр экан. Муҳаббат дедимми? Дарвоқе, наҳотки мендаги шу туйғулар ҳақиқий муҳаббатнинг ҳосили бўлса? Бу сўзни умримда биринчи бор ифода қилаётганим учунми ҳаяжонга тўламан. Аммо уни бировга айтиб қўймайин. Эшитганлар мендан кулмасмикин!

Уни кўргим келяпти. Ҳа, уни яна бир марта кўриш насиб бўлармикин!

Бахтимга тонгги концертларнинг бирида яна унинг қўшиқларидан бериб қолишди. Шундай пайтда жонли ва жонсиз бутун мавжудот берилиб тингласа керак.

Ўрнимдан туриб кўчага чиқдим. Тавба, шу қўшиқ мени маст қилиб қўйдимикан, оёқларим ўзидан-ўзи юриб, тўғри консерватория томон бошлаб кетганини ҳам сезмай қолибман. Кутилмаганда олдимдан чиқиб қолса нима бўлади, деган шубҳа мени чўчитиб юборди. Хайрият ҳеч ким кўринмайди. Лекин узоқдан бўлса ҳам бир марта кўришни жуда-жуда истардим.

Хаёл оғушида маст бўлиб анчагина туриб қолибман. Консерваторияга кириб-чиқиб турганларнинг айримлари менга қараб ўтаётганларини сездим. Улар нима деб ўйлашаётганикин? Нима қиляпман ўзи? Йўқ, мен бу ердан кетишим керак. Ҳа, кетишим керак!

Ўзимни тўхтаб турган трамвай ичига ура қолдим. Кондуктор узатган пулимни қайтариб берди.

— Сизга билет олишди.

— Ким олади?

— Ҳув анови йигит.

— Қанақа одамсиз, менга билетингиз керак эмас, дея силтаб ташладим нотаниш бир йигитга.

Ахир қандай қилиб танимаган қиз учун билет олишга ҳадларни сиғаркни-а. Жаҳлим чиқди. Аммо бегона одамнинг юзига тик қараб қаттиқ гапиришга биз — қизлар ботина олмаймиз. Жаҳлимиз ичимизда бир мавж уради-ю, яна тина қолади.

— Хафа бўлманг, манг билетни, — деди ҳалиги йигит. Мен қўлимни чўза қолибман, чунки унинг овозидан ўзимни йўқотиб қўяёздим. Ахир бу таниш овоз эмасми? Ўша куни «Қўлингиз толдими» деган, радио орқали қўшиқ айтиб, мени мафтун қилган қадрдон садонинг ўзи-ку! Ҳа, ўша!

Уйга қандай етиб келганимни билмайман. Бошим

айланади. Қайта-қайта, мен нима қиялпман ўзи, дейман, холос. Ахир кўчада ёлғиз тентираб юриш, бировнинг трамвай билети олиб беришига йўл қўймоқ... Онам, таниш-билишлар эшитиб қолса нима дейди? Нима деса десин, энди менга бари бир. Тақдиримда шундай ҳолларни бошдан кечириш бор экан, уни ўзгартиришга ҳозирча ожизман! Ахир севмоқ гуноҳми? Нечун яшаймиз? Шутинмай уриб турган юрак нечун?

Уйлаб-уйлаб уйимга етолмайман ҳеч. Худди калавамнинг учи йўқолиб қолгандай. Яна ўша трамвайда учратган йигитни эслайман. Қошларини бир оз чимириб, кулиб тургандаги чеҳрасида порлаган ёшликка хос гўзаллик, меҳрибонлик аломатлари энди кўз олдимга кела бошлади.

Кейин яна уни учратдим. У қандайдир бир юрак талпиниш билан менга яқинлашмоққа бир нарса сўрамоққа интилади, гапирмоқчи бўлади-ю, тез-тез ўтиб кетишимдан ноилож қараб қолаверади. Бир кун кутилмаганда Шаҳноза билан гаплашиб ўтирганини кўриб қолдим. Уларнинг ораларида қандай муносабат бўлиши мумкин?

— Ким у?

— Танимайман, биринчи кўришим,— дея жавоб берди Шаҳноза, сўнг яна қўшиб қўйди.— Сени сўради.

Мен ялт этиб унга қарадим.

— Ўртоғингиз қаерда ўқийди, адресини беролмайсизми, дейди-я,— давом этди у.— Қаерда ўқиши билан ишингиз нима, адреси керак бўлса ўзидан сўранг, деб пўписа қилиб бердим.

— Ажаб қилибсан.

Шундан кейин ортиқ уни учратмадим.

Бизнинг ўқишимиз тугади. Тақсимот даврида менн узоқ бир районга ишга юборадиган бўлибдилар. Бунга ачинганим йўқ. Фақат онамни ёлғиз ташлаб ҳеч қачон бунчалик узоқ ерга кетган эмасман. Бироқ на илож!

Мен дарс берадиган мактаб район марказидан хийла четроқдаги қишлоқда экан. Бу ердаги ҳаёт қанчалик содда бўлишига қарамай, одамлари шундай яхшики, сиз учун жонини бериб юборишга тайёр. Фақат болалари бир оз шўхроқ. Давоматнинг ҳам мазаси йўқ. Ўзлаштириш суст. Шунинг учун биринчи кунлари анчагина қийинчиликларга дуч келдим. Ҳар бирининг уйига бориб, ота-оналари билан суҳбатлашдим, коллектив бўлиб дарс тайёрлашни одат қилдирмагунимча тинмадим. Ниҳоят, кўнгилдагидек тартиб ўрнатилгандан кейингина иш ҳам юришиб кетди. Дарсимнинг ҳам

қизиқарли ўтишига ҳаракат қиламан. Баъзан синфда ҳар хил масалалар устида мунозаралар бошлаб, уларнинг завқини ошираман. Ҳа, меҳнат гаштини сурмоқ билан нақадар мамнунман. Қишлоқни айтмайсизми, умр бўйи ўз шаҳридан ташқарини кўрмаган одамга бундай жойлар бошқача туюлар экан. Айниқса тошдан-тошга отилиб оқаётган ўйноқи сойлар қирларга ёйилган қўй-қўзиларнинг маъраши, чупон найининг гўзал навоси... Оҳ бунинг ҳаммасини қучоғимга босгим келади, босгим!

Ҳар куни эрталаб муздек булоқ сувига ювинаман. Боғма-боғ кезиб шабада қанотига илашган турли-туман гуллар, ўт-ўланларнинг хушбўй ҳидларидан кўксимни тўлдириб-тўлдириб шимираман. Сўнг қулочимни кенг ёйиб, лочин каби ана шу баланд-баланд қоялар устига, ўша ёғду сочиб турган зангори осмон қўйнигача кўтарилгим, парвоз қилгим келади. Мана шундай пайтларда яна уни ўйлайман. Ҳа, ўша йигитни! Баъзан назаримда у ҳам мени ўйлаётгандек, у ҳам мени кутаётган ва учрашувга ошиқаётгандек туюлади. Дунёда биздан кўра соф кўнгилли, иродали кишилар кўп албатта. Аммо бари бир бизнинг севгимиздай муҳаббат ҳеч қачон ҳеч кимда бўлган эмас! Бу соҳада гўё биз бошқа зотлармиз. Севгимиз бир дарахт бўлса, унинг илдизи ҳам, япроқлари ҳам, гуллари ҳам ва ҳатто меваси ҳам бошқа дарахтларникидан бутунлай бўлакча. Унга саҳий қуёш ҳам бошқача меҳр билан нур сепди. Шохларимизга қўнган қушлар ҳам бошқача сайрашади. Шунинг учун мен бўлак севгини тан олмайман. Бутун иродамин, садоқатимни шунга, фақат шунгагина бағишлаганман. Шу сабабли радиодан қўшиғини эшитарканман, унинг сўзларида садоқат ҳақида бирор сўз бормикин деган умид билан қулоқ соламан. Чунки шунини истайман-да.

Қушларнинг бирида мактабдан қайтаётиб булоқдан сув олиб келаётган бир жувонни кўриб қолдим. У кўзимга жуда иссиқ кўринди. Ҳеч эслолмайман. Қаердан у менга таниш? Айтмоқчи, Гавҳарларникига борган кунимиз қўлимга чойнак тутказиб, «ҳов анови аканга элтиб бер», деган жувон шу эмасми? Ҳа, худди ўзи! Анча ўзгариб қолибди. Қовоқлари атрофида ажишлар, икки чеккасида йирик-йирик доғлар пайдо бўлибди.

Мен салом бердим. Аммо у мени таниёлмай челагини ерга қўйганича қараб тураверди. Кейин севиниб кетди-ю, бошқатдан қучоқлашиб сўрашди. Сўнг қўярда қўймай уйига таклиф қилди. Ёнма-ён борар эканмиз, савол бердим:

— Рустам акамни танирмидингиз?

Жувон сесканиб кетди.

— У менинг укам эди,— деди у паст, шунингдек, қалтироқ овозда.

— Ҳозир... қаердалар?

Жувон жавоб бермади. Гуё саволимни эшитмагандай, йулида давом эта берди. Аста юзига қарасам... қарадиму, оёқ-қўлларим бўшашиб кетди. Чунки жувоннинг кўзидан тирқираб чиққан икки томчи ёш ёноқларигача ювиб тушаётган экан. Бевақт берган саволим унинг кўнглини бунчалик вайрон қилиб қўяди, деб ўйламаган эканман. Кўз олдим қоронғилашди. Жувонга сездирмай аста-секин орқада қолдим-да, сўнг югурганимча чопа кетдим. Уйга кириб каравотга ўзимни отдиму, бўғилиб-бўғилиб йиғлайвердим. Демак, Шаҳнозанинг гаплари тўғри экан-да. Ё тақдир! Наҳотки менга хиёнат қилганинг рост бўлса. Наҳотки муҳаббат деб аталган энг олий туйғулар қалбимнинг энг чуқур еригача етиб мустаҳкам бир қаср сингари қад кўтариб қолган шу орзу-умидларнинг барчасига умрбод алвидо десам-а!

Йўқ! Мен ҳеч кимга ишонмайман. Фақат ўзимга ишонаман, ўзимга! У тирик, у ҳаёт, у ўлмайди ҳеч қачон! Буни қалбим сезиб турибди. Мен ортиқ жувонга кўринмадим. У излаб келганда ҳам чап бериб қочиб қолавердим. Чунки озгина бўлса ҳам таскин бериб турган умидимни у билан суҳбат қилиб йўққа чиқаришни истамасдим. Ниҳоят, ёзги каникул бошланди-ю, уйга жўнай қолдим. Икки йил ичида онамни шунчалик соғинибманки, асти қўяверасиз. Уч-тўрт кунгача ёнидан ҳеч жилгим келмасди.

Шаҳноза келди. У илгаригидан ҳам очилиб кетибди, тўлишибди. Менга ёзган хатида турмушга чиққанидан хабардор қилган эди-ю, аммо фарзанд кўрганини билдирмаган экан. Саккиз ойга тўла бошлаган қизчаси худди онасининг ўзи-ю, кўзи. Бирам ширин. Қўлимга олиб ҳеч қўйгим келмайди. Эри ҳам анча очиқ йиғит экан. У бизга билет олиб келиб Навоий театрида бўладиган концертга таклиф қилди. Рад қилолмадим. Бордик. Эшикдан киришим билан юрагим негадир яна бесарап-жом тепа бошлади. Гуё шу бугун, шу ерда муҳим бир воқеа юз бериб қоладигандай. Концерт бошланди. Бирма-бир раққосалар, машқоқлар чиқиб, ўз санъатларини намойиш қила бошладилар.

Бирдан залда қарсақлар гуриллаб кетди-ю. Мен қулоқларимга ишонмайман. Ҳаяжоним эса...

ди. Чунки менга кўпдан бери таниш, қадрдон ва азиз бўлган номини эълон қилиб қолишди. Ҳа, бу— сен эдинг. Сенки, яъни Гавҳарнинг уйида бириччи учратганим Рустам эмас, балки консерваториядан қайтаётиб, трамвайда билет олиб берган йигит. Демак, мен шунча вақт сенинг қўшиғингга мафтун бўлиб, бор меҳримни сенинг қўшиғингга бағишлаган эканман-да! Ҳар бир сўзи, ҳар бир оҳанги билан ички оламимни безаб келган бу сенинг садойингмиди?

Ҳозир кечир мени. Бирорта сўзинг ҳам, куйинг ҳам қулоғимга кирмай қолди. Чунки миямда ҳамма нарса чалкашиб кетгандай, ўзимни яна йўқотиб қўйгандайман. Қасрдалигимни ҳам унутиб безовталаниб қолдим. Кейин сапчиб турдим, ташқарига отилдим. Буни сен ҳам кўриб қолдинг. Ким нима деб ўйладийкин? Шаҳноза ва унинг эри ҳаёлига қандай фикрлар келдийкин? Хуллас, автобусга чиқиб олганимдагина ўзимга келдим. Ёнимга қарасам, сен турибсан.

— Кечирасиз, кузатиб қўяй,— дединг.

Бу сўзларингга илтимосдан кўра, ёлвориш оҳанги бор эди. Агар бундан уч-тўрт йил аввал шундай деганингда, сўзсиз, рад жавобини берардим. Аммо ҳозир менга бари-бир эди. Эшигимиз тагига етганимизда:

— Мен сизни шунча изладим,— дединг тутилиб. — Йўқ, деманг, мен яна сизни кўришим керак...

Тилимга бир гап келса ўлсин. Соқов бўлиб қолдим-ми, билмайман.

Ҳаёт шунақа қизиқ нарса. Одам бошига бир дунё ташвиш солади-ю, ҳал қилишга келганда ҳеч қутилмаган ҳодиса билан тугатади-қўяди. Демак, мен шунча вақт сени севган эканман-да.

Энди ростини айтай. Шу кунгача уни ўйлар, «Қўлингиз толдим», деган сўзларини эслардим, аммо негадир кўз олдимда унинг қиёфаси эмас, сенинг чеҳранг пайдо бўларди. Унинг юз тузлиши, ранг-рўйи ҳам хотирамда из қолдира олмаганидан ҳайрон бўлардим.

Мана ҳозир қўшиғингни эшитяпман. Кўнглим яна ором топмоқда. Сенга бир бошидан буларни ёзиб тушунтириб берай дейман. Ҳа, сен ҳаммасини билишинг керак. Лекин нимадан бошлашни билмайман. Нимагадир жуда мамнунман. Жуда-жуда!

Ҳовли беткайидаги бир туп атиргул ҳам сенинг қўшиғингга мос тушиб аста тебранмоқда, гўё сен аллалаялсану, у беланчакда ётган боланинг алладан лаззат топиб эркаланишига ўхшайди...

МУНДАРИҶА

У. Норматов. Қенгликларга интилиб	3
Йул. Роман	7

ҲИҚОЯЛАР

Исирға	238
Бўрон турган бир оқшом	244
Санобар	254
Тонг ёришган соҳилда	265
Уч дона қизил гул	277
Беором кунлар	288
Бир қиз ҳиқояси	303

На узбекском языке

Джонрид Абдуллаханов

ИЗБРАННЫЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ В 2-х томах

ТОМ I

Роман и рассказы

Редактор Ж. Насриддинова. Рассом. III. Булгаков. Расмлар редактори. А. Боброз.
Техн. редактор Е. Нотанова. Корректор М. Гафурова
ИБ № 1869

Босмахонага берилди 18.12.81. Босишга рухсат этилди 16.08.82. Формати 84x108¹/₃₂ Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма л. 16,38+0,1 вкл. Нашр л. 19,2+0,01 вкл. Тиражи 30000. Заказ № 1454. Баҳоси 1 с. 60 т. Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30.

~~Тошкент~~ Нашриётлар, полиграфия ва китоб сандоси ишлари Давлат Комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлб ишқариш бирлашмаси
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

